

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д., доц.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., доц.

Рўзбоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№4 (74), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 317 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Adamchuk D., Kuziev M., Gurman E., Ulliyeva N. Papaverine effects on sugar absorption in dogs in vivo	6
Egamberdiyev R., Nurmetova M. Topinambur – yem xashak ekin	8
Алламуратова Г.Б., Бабаджанова С.Х., Жуманазаров Х. Ў., Абдурахмонов Д.А. «Хоразм балиқ маҳсулотлари» акциодарлик жамияти тизимлари карп - <i>Cyprinus carpio</i> (Linnaeus) балиғи паразитофаунаси	10
Бекчанов Х.У., Эгамберганов О.И., Комилжанова Г.К. Хоразм воҳаси табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришнинг назарий асослари	12
Қосимов З.З., Акбаров Ф.И., Қодиров У.Х., Хўжанов А.Н. Ўзбекистон флорасидаги <i>Helichrysum nuratavicum</i> Krasch. (Asteraceae) потенциал тарқалишини моделлаштириш	16
Полвонов Х., Атабоева З., Досчанова М., Собиров Қ., Абдуллаев И., Атаниязов О. Термитларни бошқаришда биологик фаол моддали ем хўрақлардан фойдаланиш	23
Райимов А.Р., Рахмонов Р.Р., Нуриддинова Г.А., Жумаев М.Ж. Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлар (оёқоғитма, қандим, оёқгужумли, қизилкум давлат кўрикхонаси) судралиб юрувчиларининг баҳорги тур таркиби ва сони	26
Расулов Ш.М., Матяқубов М.Б., Азизова Б.Б. Ўзбекистон Республикасида гельминтозлар билан касалланишнинг 2009 - 2019 йиллардаги солиштирма таҳлили ва профилактик чора-тадбирлари	29
Рахманова А., Аллоберганова З.Б., Игамова О.К., Жуманиёзова Т.М., Норбоев З. Кладоцераларни лаборатория шароитида кўпайтириш услублари	33
Рўзметов Р.С., Абдуллаев И.И., Бобожонова Х.М. Ғўза ризосферасида яшовчи бактерияларни ажратиш ва ўсимликларда касаллик чакирувчи замбуруғларга таъсири	36
Сапаева Ф.Р. Диагностика возбудителей имп традиционными фенотипическими методами и с помощью технологии Мальти- Тоф	38
Тургинов О.Т., Азизова Ф.А., Аромов Т.Б. Ҳисор давлат кўрикхонаси флорасидан аниқланган камёб ва эндем бўлган топилмалар	44
Умарова Ж.К. Барг пластинкасининг қалинлиги бўйича ўзгарувчанлик, ирсийланиш ва ирсиятга узатилиш кўрсаткичи	48
Хусанов А.К., Собиров О.Т. Галл ҳосил қилувчи шираларнинг (Homoptera, Aphidinea) озуқа ўсимлигига ихтисосланиши	51
Шакарбоев Э.Б., Бердибаев А.С., Жумамуратов Ж.Э., Ахунова Х., Каниязов А.Ж. <i>Alaria alata</i> (Goeze, 1782) трематодаси Қорақалпоғистон йиртқич ҳайвонлари эндопаразити	54
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ	
Haydarova Z.R., Haydarov A.R. Aqlli qishloq xo'jaligidagi IoT dasturlari	57
Ақромов Б.А. Ўзбекистонда саримсоқ етиштириш	59
Исаев С.Х., Қодиров З.З. Соя навларини суғоришда эгат узунлиги ва сув оқими тезлигининг сояни суғориш меъёрлари, соянинг дон ҳосилига таъсири	60
Исаев С.Х., Қодиров З.З. Сув танқислиги шароитида сояни суғоришда ресурстежамкор суғориш технологияларнинг илмий аҳамияти	63
Маматкулова Ф.А., Джалилова Г.Т. Влияние крутизны и экспозиции склона на гумусное состояние эродированных почв предгорной и горной территории Республики Узбекистан	66
Низомов Р.А., Садуллаев С.М., Абдуллаев Д.М. Қовун навларини етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишда гидрогелнинг таъсири	69
Ражабов З.П. Хоразм вилояти тупроқ-иқлими шароитида янги ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда қимматли хўжалик белгилари	73
Рузиев Ф.А., Джаббаров И.Ш. Генетический контроль показателей качества зерна яровой мягкой пшеницы	76
Таджиев А., Отаназаров Д., Ибрагимова Н. Тупроқ экологиясини яхшилаш ва унумдорлигини оширишда гумус ҳосил қилувчи ферментларнинг аҳамияти	80
Тошқўзиев М.М., Каримов Х.Х. Қибрай тумани суғориладиган типик бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқларининг гумус миқдори, сингдириш сифими, сингдирилган катионлар таркиби	83
Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Кесиш усули ва даражаларининг олма дарахти барг сатҳига таъсири	86
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Sadiqova R.I. O'rta asrda turkiy xalqlar madaniyati	89
Айтмуратова Ж. Собик Иттифоқнинг ғоявий-сиёсий тазийқлари даврида Қорақалпоғистон илм-фан зиёлилари хизмати	91
Айтмуратова Ж. Собик Иттифоқнинг мафкуравий чеклашлар давридаги Қорақалпоғистон санъат арбобларининг хизмати	97
Айтмуратова Ж. XX асрнинг 50-70 йилларида даврида Қорақалпоғистон илм-фан зиёлилари хизмати	103

Алимджанов Б.А. Основные банковские операции Ново-Ургенчского филиала русско-азиатского коммерческого банка	105
Ачилова Г.М. Чингизийлар даврида Туркистондаги савдо-сотик муносабатлари ва бунда Буюк ипак йўлининг аҳамияти (1227-1370 йй.)	108
Каримова Ф.М. Маросим ва халқ томошаларида оловга ишонч ифодаси	112
Кўчаров Ж.Қ. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоронинг суғорилиш тарихидан лавҳалар	116
Кудратов Д.Т. Ўтмишда Мирзачўлнинг, ҳозирги Сардоба туманининг ривожланиши ўзбек халқи дўстлиги мисолида	119
Мантеллини С., Суёнов С., Бердимуродов А., Раҳмонов Х. Афрасиаб (Самарканд) и южная часть средней Зеравшанской долины: динамика заселения Самаркандского оазиса	122
Мирзаев А.А. Зиёрат туризмнинг ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	132
Мирзоев Ш.М. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги ўзбеклар жамияти ва фаолияти хусусида	135
Орзиев М.З. “Туркистон тўплами”да Афғон Туркистони бекликларининг сиёсий тарихига оид айрим маълумотлар	137
Ризаев Б.Н. Бухоро область аҳолисини кўчириш сиёсати: ғоявий-психологик таъсир ўтказиш усул ва воситалари	142
Тураева С.Р. Захриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари конлар ва ер ости маъданли сувлари -чашмалар ҳақида маълумот берувчи манба	146
Турдиев Б.С. Ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни	150
Турекеев К.Ж. Реликты почитания волка у каракалпаков	153
Хакимниязов Ж.Х., Торениязов Ж.Е. XVII-XIX асрларда қорақалпоқларнинг яшаган шаҳарлари бўйича тарихий манбалар	157
Халилова З.Э. Ўзбекистонда XX аср ислом таълими тарихшунослиги масалалари	161
Холдорев Х. Фарғона вилоятида 1991 – 2015 йилларда туризмнинг аҳволи	164

АРХИТЕКТУРА

Hamidov O.U. Namangan viloyatining to'g'li turizm ob'ektlarida landshaft arxitekturasini paydo bo'lishi	168
Аллаяров К.О. Орол буйи тиббий туризм ва Мўйнак шаҳар архитектурасининг ўзгариши	170
Кодирова С.А., Рахимов Л.Ш., Курбонов Р.Х. Роль и значение карандашной и цветовой графики в процессе разработки курсового архитектурного проекта	174
Қодирова С.А., Рахимов Л.Ш., Курбонов Р.Х. Талабалар учун маданий-маърифий марказ лойиҳасини ишлаб чиқиш методикаси	176
Сиддикова Г.Х., Абдурахмонов Б.Т. Теория архитектуры, ее задачи и методы	180
Умаров О.З. Тошкент вилояти рекреация ҳудудларини ривожлантириш масалалари	182
Хасанов А.О., Қосимов И.М. Ёшларнинг инновацион ижодий-ишлаб чиқариш марказларини лойиҳалашда замонавий меъморий услубий тенденциялар: чет эл тажрибаси	185
Шнекеев Ж.К. Ташаббус ва мактаб бозори	187

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Болтаев Н.Ш. Қорақўлчилик тармоғини ривожлантиришнинг аҳамияти	191
Матёкубова Д.О. Минтақа аграр соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш услубияти	194
Мухаммаджанов Ш.С. Акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳамда корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизими ҳолати таҳлили	196
Одилова Д.Б., Умарова Н.Х., Хайтматова Г.А. Роль инноваций в современном развитие национальной экономики Узбекистана	200
Раҳмонов А.Х. Профессионал таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш йўналишлари	203
Салаев С.К., Таджиев Б.У. Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари ва механизмлари	206

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Abdullaeva Sh. The Methods of Afterschool Activities	213
Anvarova S.Sh. “Devonu lug‘otit-turk”dagi monarx tushunchasi R.Dankoff tarjimasida	216
Ashirmatova M.J. Rus tili darslarida universitet talabalarining kommunikatsiya qobiliyatini shakllantirish	218
Axmedova A.A. Ingliz tili maqollarining o'zbek tiliga tarjimasidagi xususiyatlari	220
Boboev Yu.B. Universitetlarning rus guruhlarida o'zbek tilini o'qitishning xususiyatlari	222
Boltayeva D.B. Analysis of modern intensive methods	223
Gizatulina O.I., Kuziev Sh.A. Accurate translation of words as a means of knowing the linguistic value	226
Jumaniyozov O., Ozatova N. O'zbek tiliga nemis tilidan o'zlashgan so'z va so'z birikmalarining semantik differensial tahlili	228
Kamalova D.A. Systemic features of English phonetic terminology	231

Kenjaeva Z.A. Peculiarities of kinema perception in English	233
Khazratova G.Sh. Development of intercultural communication skills of modern foreign language teachers	235
Khudoyorova N. Alisher Navoi is the creator of the abyss	237
Madiyurov Sh.Q. Xorazm shevalari onomastik tizimida forsiy qatlamga xos toponimlarning qo'llanishi	240
Narziyeva I.Z. Ona tili va chet tillarning tipologiyasi haqida	242
Nurjanov O. Shevalarda uchraydigan uy-ro'zg'or asboblari, milliy kiyimlar va milliy o'yinlarni ifodalaydigan etnografik birliklar	245
Rasulova M.A. A communicative approach in teaching English	248
Saidova Z.U. Content of collaborative language learning in teaching foreign language	250
Sharakhimov Sh.F. Helpful strategies to reinforce vocabulary	252
Sharipov S.S., Ruzimurodova Z.G. Problems of compiling terminological and lexicographic dictionaries	254
Shodikulova A.Z. Specifics of mythonyms containing phraseological units	258
Shukurova B.B. Characteristics of Shukur Kholmirezayev's work	260
Sobirova M.J. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'qitish usullari	263
Sultanova D.A. The category of typological modality in Uzbek and English languages	265
Vosiyeva Sh.I. Semasiologiya tilshunoslikning bir tarmog'i sifatida	266
Xamidova D. Lexico-semantic relationship of economic terms in English	268
Абдуллаев А.В. Особенности предикатного значения имени существительного	271
Артыкова Г.Ш., Джуманиязова И. Использование семантических множителей для интерпретации вторичных значений слова	272
Бойманов Э.Ф. Туризм терминлогиясида сўз ясашиши	276
Джурбаева З.Р. Фитоним «дерево» в паремнологическом пространстве русского и узбекского языков	279
Зоирова А.И., Мирзаева Х.М. Взгляды о практике преподавания иностранных языков и профессиональных навыков	282
Матқулиева М.Ф. “Шахриёр” достони сюжетининг генезиси ва илк манбалари	286
Рахимова Г.А., Зоирова А.И., Чоршанбиева З.К. Отражение детского и подросткового мировоззрения в детской литературе запада и востока	290
Ризоева М.А. Мифологик афсоналар хусусида айрим мулоҳазалар	294
Садинов Ф.П. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган ўзлашма терминлар таҳлилига доир	297
Сидоркова Л.Р. Основные тенденции преобразования форм прошедшего времени глагола в «Слове о полку Игореве»	299
Турсунова Н.Х. Драматик асарларда этнопоэтик фольклоризмлар	302
Уринбаева Д.У. Повышение технологии творческой проектной деятельности для обучения русского языка	305
Халибекова А.К. Анималистик компонентли фразеологик бирликларнинг метафоризацияси	307
Худайберганов Ш., Рuzимбаев Х.С. Лексико-семантические особенности диалектизмов в произведениях Н.В.Гоголя	309
Ширинова М. Жадидчилик ибтидоси ҳақида айрим мулоҳазалар	312
Ширинова М. Қардош халқлар жадид матбуотида ҳаммаслақлик	314
Эназаров Т., Ҳамидова Н. Ўзбек халқ ўйинларининг келиб чиқиши	317
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Ataullayev Z.M., Qo'shbaqov F.Z., Eshchanov R.A. Kimyoni o'rganishda o'quvchilarda o'z-o'zini tartibga solish ko'nikmalarini shakllantirish	319
Duldulova N.A. Issues of moral education in foreign language classes in technical universities	321
Ochilova M.A., Nafetdinov Sh.Sh. Oliy ta'lim muassasalarida ta'limning kredit-modul tizimida tuproqshunoslik fanlarini o'qitishning o'ziga xos jihatlari	323
Асадуллаева Н.М. Фаол фуқаролик позициясига эга талабаларни шакллантиришнинг инновацион-педагогик тамойиллари	326
Багавова Э.Р. Дистанционное обучение русскому языку	329
Махмитова Д.С. Ёшларни ҳалол ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашда оиланинг ўрни	331
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Eshniyozova N.N., Jo'rayev M.M., Eshchanov R.A. Vermikulit asosidagi ion almashinuvchi materiallarning xossalari	334
Ўринова Ш.А., Балтаев У.С., Ачилова С.С. Маҳаллий хом ашёлар асосида маргарин рецептура тузиш	338

PAPAVERINE EFFECTS ON SUGAR ABSORPTION IN DOGS IN VIVO

D. Adamchuk*, M. Kuziev**, E. Gurman*, N.Ullyeva***

*Company in VetVittles LLC (USA) Researcher (PhD),

** Samarkand State University PhD in biology,

*** Urgench branch of Tashkent Medical academy.

Annotatsiya. Ushbu maqolada papaverin ekstraktining turli dozalarida hayvonlarga og'iz orqali yuborilganda, ular qonidagi glyukoza miqdorini nazorat qilinishini o'rganish natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Qon, giperqlikemiya, papaverin, gibiskus ekstrakti, qondagi shakar, insulin, glykemiya, ingichka ichak, itlarda diabet.

Аннотация. В данной статье приводятся результаты исследования способности различных доз экстракта папаверина контролирования уровня глюкозы в крови животных при их оральном введении.

Ключевые слова: Кровь, гипергликемия, папаверин, уровень сахара в крови, инсулин, гликемия, тонкий кишечник, диабет у собак

Abstract. This article presents the results of a study of the ability of various doses of extract papaverine to control blood glucose levels in animals when administered orally.

Keywords: Blood, hyperglycemia, papaverine, hibiscus extract, blood sugar, insulin, glycemia, the small intestine, diabetes in dogs.

In the past it was shown that papaverine inhibits glucose transport in rat's small intestine in vitro /1, 2/. This effect was never verified in vivo. We conducted such study on dogs by measuring blood sugar level.

Methods: Mix-breed, medium size (average 12-15 kg), age 2- 5 years old, castrated dogs were tested in the morning after a night without access to food. One group of animals included 5 healthy dogs. The second group included 4 dogs which were previously diagnosed as diabetic. At the morning of experiment diabetic dogs did not get their regular insulin injection.

Scheme of the experiment was the same in both groups. Blood glucose level was measured by glucose meter "Advocate".

Blood sugar measuring were executed before the breakfast (150 g of dry EN "Purina" food). Then blood testing was performed 30 minutes after breakfast followed by oral administration of papaverine ("MR Papaverini hydrochloridum" 2% sterile solution). Three doses were tested - 0.5 ml, 1.5 ml or 3 ml, and after that we measured blood sugar level every 30 minutes.




Table 1: Effect of oral injection of 0.5 ml solution of 2% papaverine on blood sugar level of healthy dogs. 1 – control; 2 – 30 min after breakfast; 3 – 30 min after oral injection of papaverine; 4, 5, 6, 7 and 8 – blood sugar level measured in 30 min intervals.

Results: As seen on Table 1, the initial blood sugar level was normal at all animals and it was between 80 and 90 mg. Soon after the breakfast it raised 25-35 %. Just after oral injection of 0.5 ml of papaverine solution blood sugar level reduced and reached initial level in an hour. After two hours a slight increase of blood glucose level was registered (Table 1).

Then we verified the effect of higher (1.5 ml versus 0.5 ml) dosages of papaverine under the same conditions as above on the next day on the same group of dogs. The 1.5ml dose of papaverine solution

caused deeper reduction of blood sugar level after the breakfast and this effect lasted somewhat longer but at the end of testing time it comes to almost initial level anyway. (Table 2).




Table 2: Effect of oral administration of 1.5 ml solution of 2% papaverine on blood sugar level. 1 – control; 2 – 30 min after breakfast; 3 – 30 min after oral administration of papaverine; 4, 5, 6, 7 and 8 – blood sugar level measured in 30 min intervals.

Additional increase of papaverine dose demonstrates no additional inhibitory effect on glucose input (Table 3).




Table 3: Effect of oral administration of maximal dosage (3 ml) solution of 2% papaverine on blood sugar level of healthy dogs.

1 – control; 2 – 30 min after breakfast; 3 – 30 min after oral administration of papaverine; 4, 5, 6, 7 and 8 – blood sugar level measured in 30 min intervals.




Table 4: Effect of oral administration of 1.5 ml solution of 2% papaverine on blood sugar level in dogs with diabetes. 1 – control; 2 – 30 min after breakfast; 3 – 30 min after oral injection of papaverine; 4, 5, 6, 7 and 8 – blood sugar level measured in 30 min intervals.

In separate experiments we tested papaverine effect on blood sugar level in dogs with diabetes (Table 4).

As we can see from this data dogs with diabetes had significantly elevated initial level of blood sugar while fasting. The increase of blood sugar level after the breakfast was significantly higher than in healthy animals. Oral administration of papaverine significantly reduced blood sugar level but after an hour blood sugar level showed tendency to come back to the initial levels which were baseline for these diabetic dogs (Table 4).

In an additional experiment we tested the long term papaverine effect on blood sugar level in healthy dogs without feeding. It appears that without food no significant changes in blood sugar level caused by papaverine could be observed (Table 5)




Table 5: Effect of oral administration of 1.5 ml solution of 2% papaverine on blood sugar level in healthy dogs while fasting. 1 – control; 2, 3, 4 and 5 after oral injection of papaverine measured every 30 min.

Discussion: Our experiments showed that papaverine inhibits sugar absorption in vivo as well as in vitro. The inhibitory effect of papaverine on glucose absorption was demonstrated in experiments on three species – rats (1), guinea pigs (2) and dogs (3) and it can be observed in different types of cells (enterocytes and cardiocytes).

It blocks the absorption of sugar both in healthy and diabetic animals.

On an empty stomach, effect of papaverine in diabetic animals is undetectable, which means that inhibition occurs only during absorption of external sugar and elevated level of blood sugar in diabetic animals is supported by glucose coming from internal storages. There is no tradition in veterinary medicine to distinguish diabetes 1 and 2 types in dogs (3).

It also should be noted that there is a definite limit in the amount of papaverine needed for complete inhibition of sugar absorption. Oral administration of 0.5 ml of papaverine solution caused significant reduction in glucose absorption and this effect became even more significant when the amount of inhibitor was tripled to 1.5 ml, but an additional increase in dose to 3 ml had no effect.

This study suggests that papaverine can be added to the list of pharmaceutical substances taken orally for blood sugar control and/or weight loss. Of course additional studies of papaverine's effects needed for legal recommendation to use papaverine for such purposes but its ability to reduce sugar absorption in the intestine in vivo seems very real.

REFERENCES:

1. E.G. Gurman, E.A. Bagirova. The papaverine effect on the monosaccharides and glycine transport in the small intestine in vitro. *Physiol. J.* 1989, v 35, # 2, pp. 24-40
2. Zonta F., D'Agostino G., Grana E. The influence of verapamil and papaverine on the calcium- and epinrphrine-induced responses of isolated quinea pig atria. *Pharmacol. Res. Commun.* 1986. V. 18, #11, pp. 1031-1041.
3. S. J. Bircbard & R. G. Sberding. *Sauders Manual of small Animal Practice.* 1994.
4. <https://www.emedicinehealth.com/hibiscus/vitamins-supplements.htm>
5. <https://vcahospitals.com/know-your-pet/diabetes-mellitus-in-dogs-overview>

UO'K 635.24

TOPINAMBUR – YEM XASHAK EKIN

R. Egamberdiyev, prof., Urganch davlat universiteti, Urganch
M. Nurmetova, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada Amudaryoning quyi oqimidagi d3hqonchilik amaliyotida topinambur yem-xashak o'simligini madaniylashtirish muammolari xaqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: Dehqonchilik, topinambur, tuproq, suv, ekologiya, kimyoviy moddalar, tugunak, o'simlik.

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы возделывания кормовой культуры топинамбура в низовьях Амударьи.

Ключевые слова: сельское хозяйство, топинамбур, почва, вода, экология, химические вещества, клубень, растение.

Abstract. The article deals with the problems of growing fodder crops of Jerusalem artichoke in the lower reaches of the Amu Darya.

Key words: agriculture, Jerusalem artichoke, soil, water, ecology, chemicals, tuber, plant.

Bugungi kunga kelib tabiat bilan jamiyat o'rtasida paydo bo'layotgan ekologik muammolar tabiiy resursardan oqilona foydalanishni taqozo etmoqda, buning isboti sifatida turg'unlik davrida Amudaryo va Sirdaryo suvlaridan noo'rin foydalanish oqibatida tabiat yaratgan katta dengizni yo'qotdik, bu esa o'z navbatida o'sha yerdagi ekotizimda katta o'zgarishlarning paydo bo'lishiga olib kelmoqda. Turg'unlik davrida quyi Amudaryo hududida yangi yerlarni rejasiz o'zlashtirish natijasida tabiiy ekotizimdagi o'simlik turlarining ancha kamayganligi olimlar tomonidan ko'rsatilmoqda.

Mana shularni e'tiborga olgan holda hududda kam tarqalgan yangi ozuqabop o'simliklarni introduksiyalash (iqlimlashtirish) yem-xashak yetishtirishni tobora kuchaytirish borasidagi muhim rezervlardan biridir. Ana shular qatoriga kiradigan topinambur bir yo'la ikki hosil (ko'k massa va tugunaklar) beradi. Silosbop massasining o'rtacha xosili gektariga 560-610 sentnerni, tugunaklari 300-367 sentnerni tashkil etadi.

Topinamburning ko'k massasi tarkibida 10-11% protein, 55% ekstraktiv moddalar mavjud 1kg massasidagi karotin miqdori 215 mgr ga yetadi. Tugunaklari ham ozuqabopligi jihatidan katta afzalliklarga ega, ularda uglevodlar va boshqa to'yimli moddalar serob bo'ladi. Spirt ozuqa achitqilar olishda, pivo pishirishda xam tugunaklaridan foydalaniladi.

Bugungu kunda mamlakatning ko'pgina viloyatlarida topinamburdan ozuqa sifatida keng foydalanilmoqda. Biroq bu Xorazm vohasi sharoitlarida mutlaqo o'rganilmagan. Bu joylarda topinambur o'stirishni tadqiq etish muhim muammolardan biridir.

1998-1999-yillari Xonqa tumanidagi ayrim xo'jaliklarida o'tkazilgan kuzatishlar natijasida topinambur butun o'suv davrida normal rivojlanishi aniqlandi. Masalan, so'nggi yili 10-oktabrda topinamburning bo'yi 2.5dan 3.95m ga yetdi. Ko'k massasining xosildorligi gektariga 890 sentner, tugunaklariniki 385 sentnerga bordi. Viloyatning turli xo'jaliklarida topinambur yaxshi xosil beradi.

Tajriba o'tkazilgan yer o'tloq botqoq tuproqlar qatoriga kiadi, 25-30sm qalinlikdagi haydov qatlami och-qo'ng'ir tusli bo'lib, kesaksimon changli struktura ega, shu sababli sug'orishdan keyin aksari qatqaloq hosil qiladi. Yuza va pastki qatlamlari kam farq qiladi. Karbonatli va gipsli qavatlar mavjud emas. Uchastka nim sho'r, kam gumusli (1.3-1.8%) bo'lib grunt suvlari sathi 2-3metr chuqurlikdadir.

Yerga gektar hisobiga 25 tonnadan go'ng va 50-90kg dan (sof modda hisobida) azot, fosfor solindi. Organik o'g'itlar asosan kuzda yer xaydash paytida ishlatiladi, mineral o'g'itlar esa o'simliklarning vegetatsiya davrida qo'llandi. Azotli, fosforli o'g'itlar asosan bir marta, birinchi kultivatsiya vaqtida gektariga 100-150kg xisobidan berilda, kaliyli o'g'itlar ishlatilmadi, chunki u tuproqda yetarli miqdorda mavjuddir.

Tugunaklar kartoshka ekish mashinasida ekildi, bunda 60x20sm va 70x30sm dan iborat oziqlanish maydoni ta'minlanadi, ular 8-10sm chuqurga ko'mib ketiladi. Tugunaklarni baxorda mart oxirida o'tkaziladi, lekin ishni kuzda xam (noyabr boshi va oxirida) bajarish mumkin. Ko'k massani makkajo'xori kombaynida yig'ishtirib oindi.

Xonqa tumanining ayrim fermer xo'jaliklarida iyun o'rtalarida topinamburning ildizlari 45-60sm chuqurlikka yetib bordi, ularning ko'ndaang kesimi 130-170sm ni tashkil etadi, ammo ildizlarining asosiy qismi yerning 40-50sm gacha qalinligida tarqaldi. Iyun o'rtalariga borganda topinambur stolonlari paydo bo'lib, ularning uzunligi 16-20sm bo'ldi.

Topinambur pichani boshqa ozuqabop ekinlarnikiga qiyos qilganda, juda to'yimli bo'ladi. Ko'pgina tadqiqotchilarning aniqlashlaricha, topinamburning 100kg quritilgan poyasida taxminan 62 ozuqa birligi bo'ladi. Topinamburning tugunaklari xam ildiz tugunaklilar orasida to'yimlili jihatidan ajralib turadi. Topinamburning 100kg tugunagida qariyb 27 ozuqa birligi mavjud. Agar topinambur tugunaklarining hosili kartoshkaning o'tacha hosilidan yuqoriligini nazarda tutilsa, u holda har gektadan olinadigan ozuqa moddalarning umumiy miqdori jihatidan topinambur kartoshkadan yuqori turadi.

Topinambur o'sish sharoitlariga nisbatan beor xisoblanadi. Mamlakatning bir qator hududlarida olib borilgan tajribalar dalolat berganidek, agrotexnikaning oddiy qoidalariga amalqilinganda tugunak va ko'k massadan uncha ko'p mehnat sarflamagan holda muttasil mo'l hosil olish mumkin.

Kungaboqar, xashaki tarvuz va lavlagining bir ozuqa birligi tannarhi topinamburnikiga nisbatan ancha qimmatga tushadi. Uning yer usti qismidan xam ko'kligi, xam siloslangan xolda foydalanish mumkin. Poya barglarini o'rib pichan g'amlash mumkin.

Tajriba tasdiqlaganidek, Xorazm sharoitlarida topinambur tuzuk natijalar beradi va uni ozuqa o'simligi sifatida ekish mumkin. Bu ekinni Xorazm viloyatidan tashqari Qoraqapog'iston Respublikasida xam ekish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Григорьев Ю.С. Сравнительно экологическое исследование ксерофилициев высших растений. Изд. АН. Москва-Ленинград, 1955
2. Egamberdiyev R. So'tali qizilcha. O'zb qishloq xo'jaliga 12. 1965yil.
3. Matvetniyazov K. Ongorbayev D. Qoraqalpog'iston ekotizimida o'sadigan ayrim dorivor o'simliklarning tibbiyotdagi o'rni.
4. Egamberdiyev R. Ro'zmetova M. Amudaryo quyi oqimida o'sadigan dorivor o'simliklarni muxofaza qilishning ayrim muammolari. Xorazm Ma'mun akademiasining axborotnomasi 2011.4

УЎК 576.89 : 597

**«ХОРАЗМ БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМЛАРИ
КАРП - *CYPRINUS CARPIO* (LINNAEUS) БАЛИҒИ ПАРАЗИТОФАУНАСИ**

Г.Б. Алламуратова, б.ф.н., доц., Нукус давлат педагогика институти, Нукус

С.Х. Бабаджанова, б.ф.н., доц., Урганч давлат университети, Урганч

Х.Ў. Жуманазаров, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Д.А. Абдурахмонов, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақалода «Хоразм балиқ маҳсулотлари» акционерлик жамияти тизимлари карп балиғи паразитофаунаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: паразит, спора, хивчинлилар, споралилар, книдоспорициялар, инфузориялар, моногенетик сўрувчилар, тасмасимон чувалчанлар, дигенетик сўрувчилар.

Аннотация. В статье приведены данные о паразитофауне рыбы Карп в системах акционерного общества «Хорезмские рыбные продукты».

Ключевые слова: паразит, спора, ресничные, споровики, книдоспориции, инфузории, моногенетические сосальщики, ленточные черви, дигенетические сосальщики.

Abstract. The article provides information about the parasitic fauna of carp of the joint-stock company "Khorezm fish products".

Key words: parasites, spores, scorfions, spores, knidosporidia, infusoria, monogenetic carries, tafewormis, digenetic carries.

Бугинги кундаги давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг туб негизи, қабул қилинган стратегик йўналишларнинг моҳияти аҳолини тўйимли озик овқат маҳсулотлари билан таминлашга қаратилган. Шу сабабли, аҳолининг юқори сифатли оқсилга бўлган талабини тўлиқ таминлаш мақсадида балиқ маҳсулотларига алоҳида етибор қаратилмоқда. Бу бежизга емас балиқ ва балиқ маҳсулотлари кимёвий таркиби, таъми жиҳатидан мол гўшtidан қолишмайди, аммо ҳазмланиш жиҳатидан ундан анча уступ туради. Янги балиқ гўшtidа 15-22 фоиз оқсил, 0,2 дан 30,8 фоизгача ёғ ва оз микдорда углеводлар бор. Асосий балиқ оқсили - ихтулин ва каллоген. Ихтулин ўрни алмашилиб бўлмайдиган аминокислоталардан иборат бўлиб, одам учун зарур бўлган қимматли оқсилдир. Балиқ ёғида А ва Д витамини кўп бўлади. Балиқ маҳсулотида фосфор, калсий, магний, рух, ёд кўп микдорда учрайди.

Ривожланган мамлакатларда балиқ истеъмол қилиш жон бошига йилига 25-45 килограмми ташкил қилади. Ўртача дунё микёсида жон бошига йилига 16.6 кг истемол қилинади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0.5 кгни ташкил этади. Ўзбек тиббиёт ходимларининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткич йилига 12 кгни ташкил қилиши керак. Бунинг учун ҳар йили республикада 300-400 мимг тонна балиқ етиштириш керак бўлади. Бу ишларни амалга оширишда балиқларга тасир етувчи кўпгина омилларни билиш ва ўрганиш Республикамиз балиқчилик фермер хўжаликлари олдида турган енг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Хоразм воҳасида балиқчиликни ривожлантиришга қулай шароитлар мавжуд бўлиб Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан фарқланади. Хоразм воҳаси балиқлар турига бой ҳисобланади.

Шу боис, Хоразм воҳасида учрайдиган карпсимонлар туркумига мансуб балиқларда паразитлик қиладиган умуртқасиз ҳайвонлар келтириб чиқарадиган инвазион касалликларнинг белгилари, касаллик келтириб чиқарувчи организмларнинг биологияси, биоэкологияси, касаллик тарқалишида оралиқ хўжайинларнинг аҳамияти ва касалликни олдини олиш ва қарши кураш чораларини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан ҳисобланади. Балиқчилик тармоғида балиқларнинг паразитар касалликларини билиш ва уларни олдини олиш долзарб моммолардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда йер юзида 2 млн. дан ортиқ тур ҳайвонлар мавжуд бўлса, шуларнинг 6 % ни паразитлар ташкил қилади. Яъни бир хўжайрали ҳайвонларнинг 6000 дан ортиқ тури, сўрғичлилар синфининг 5000 га яқин тури, моногенетикларнинг 2500 тури, тасмасимон

чувалчанглр синфининг 3000 га якин тури, тиканбошлилар синфининг 500 та тури, нематодалар синфининг 3000 дан ортик тури ва бўғимоёқлилар типига кирувчи хайвонларнинг бир қанча ўн минглаб турлари паразитлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда трематодалар, яъни сўрғичлилар синфига кирувчи паразит вакиллари синфининг қарийиб 50 % яъни 2500 га яқини балиқларда қолганлари еса бошқа умуртқалиларда паразитлик қилади. Тре-матодалар ўз хўжайинларининг ҳазм органларида, жигар ва жигар ўт йўлларида, қон томирларида ва бошқа ички органларда паразит ҳолда яшайди. Бу синфга кирувчиларнинг ҳаммаси эндопаразитлар ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда балиқ паразитларини ўрганиш давр талаби саналади.

«Хоразм балиқ маҳсулотлари» жамияти тизимларининг ҳар хил экологик шароитларида турли ёшдаги (узунлиги 14-21 мм, 12,6-14,2 см, энг катталарининг оғирлиги 42-61 гр) карп балиқларидан Саят-яб каналдан - 15, ҳавзалардан - 15, коллектордан - 15, ташландиқ кўлдан - 15, ҳаммаси бўлиб 60 донаси тўлиқ паразитологик усул билан текширилди. Карп балиғининг паразитлар билан умумий зарарланиши 13,2-60,1%, сон тебраниши 1-20 дона ва ундан ортик бўлди.

«Хоразм балиқ маҳсулотлари» жамияти тизимларидан карп балиғидаан 15 турдаги паразитлар топилди: хивчинлилар - 2, споралилар - 1, книдоспоридиялар - 1, инфузориялар - 4, моногенетик сўрувчилар - 5, тасмасимон чувалчанглр - 1, дигенетик сўрувчилар - 1 та

Шулардан Саят-яб каналдан карп балиғининг 15 донаси паразитологик текширилганда, умумий паразитлар билан зарарланиши 28,4 %, сон тебраниши 1-5 донага тенг бўлиб, 10 турдаги паразитлар аниқланди, уларнинг кўпчилиги кам миқдорда учради. Аммо шуларнинг ичида кўп миқдорда *Eimeria carpelli* 17,7%, сон тебраниши 1-3 дона, *Trichodinella epizootica* 11,6%, сон тебраниши 1-2 дона, *Dactylogyrus anchoratus* 11,6%, сон тебраниши 1-3 донадан учрашди. (1-жадвал).

Хоразм ҳавза хўжалиги тизими турли сув шароитларига қараб карп – *Cyprinus carpio* (Linnaeus) балиғининг паразитлар билан зарарланиши динамикаси

1-жадвал

№	Паразит номи	Саят-яб канал				Ҳавзалар				Коллекторлар				Ташландиқ кўл				Жами			
		Ерилгани – 15				Ерилгани – 15				Ерилгани – 15				Ерилгани – 15				Ерилгани – 60			
		Зарарлангани - 5				Зарарлангани - 10				Зарарлангани - 3				Зарарлангани - 2				Зарарлангани - 20			
		Дона	%	Сон тебраниши	Ками	Кўни	Дона	%	Сон тебраниши	Ками	Кўни	Дона	%	Сон тебраниши	Ками	Кўни	Дона	%	Сон тебраниши	Ками	Кўни
1.	<i>Tyranosoma carassii</i>	-	-	-	-	2	11,1	1	12	-	-	-	-	-	-	2	3,03	1	12		
2.	<i>Cryptobia cyprini</i>	1	5,9	1	5	3	16,7	кўп	кўп	-	-	-	-	-	-	4	6,06	1	кўп		
3.	<i>Eimeria carpelli</i>	3	17,7	1	3	8	44,3	1	17	3	18,8	1	13	2	13,3	1	2	16	24,2	1	18
4.	<i>Myxobolus cyprini</i>	2	11,7	1	2	5	27,7	1	12	2	12,5	2	2	1	6,6	1	1	10	15,1	1	13
5.	<i>Ichthyophthirius multifiliis</i>	-	-	-	-	3	16,7	1	7	-	-	-	-	-	-	3	4,5	1	7		
6.	<i>Apiosoma piscicolum</i>	-	-	-	-	4	22,3	1	15	-	-	-	-	-	-	4	6,06	1	15		
7.	<i>Trichodina nigra</i>	1	5,9	1	1	6	33,2	1	12	-	-	-	-	-	-	7	10,6	1	14		
8.	<i>Trichodinella epizootica</i>	2	11,6	1	2	9	50,0	1	16	-	-	-	-	-	-	11	16,6	1	17		
9.	<i>Dactylogyrus vastator</i>	1	5,9	1	1	4	22,3	1	20	-	-	-	-	-	-	5	7,6	1	21		
10.	<i>D.extensus</i>	1	5,9	1	2	3	16,7	1	7	-	-	-	-	-	-	4	6,06	1	7		
11.	<i>D.anchoratus</i>	2	11,7	1	3	7	38,8	1	12	-	-	-	-	-	-	9	13,6	1	13		
12.	<i>Gyrodactylus elegans</i>	1	5,9	1	1	3	16,6	1	12	-	-	-	-	-	-	4	6,06	1	12		
13.	<i>Diplozoon paradoxum</i>	-	-	-	-	2	11,1	1	2	-	-	-	-	-	-	2	3,03	1	2		
14.	<i>Bothriocephalus opsariichthydis</i>	-	-	-	-	2	11,1	2	3	1	6,2	2	2	-	-	3	4,5	1	3		
15.	<i>Diplostomum spathaceum</i>	1	5,9	2	2	3	16,6	2	3	2	12,5	2	2	1	6,6	2	2	7	10,6	2	3
	Жами	10	28,4	1	5	15	60,1	1	20	4	18,6	1	13	3	13,2	1	2	20	33,4	1	20

Оз оқимли ҳавзалардан 15 дона карп балиғи текширилди, паразитлар билан умумий зарарланиши 60,1%, сон тебраниши 1-20 донага тенг бўлиб, 15 турдаги паразитлар аниқланди. Уларнинг ичида *Eimeria carpelli* 44,3%, сон тебраниши 1-17 дона, *Trichodinella epizootica* 50,0%, сон тебраниши 1-16 дона, *Trichodina nigra* 33,2%, сон тебраниши 1-12 дона, *Dactylogyrus anchoratus* 38,8%, сон тебраниши 1-12 дона, *Muxobolus cyprini* 27,7%, сон тебраниши 1-12 дона, *Apiosoma piscicolum* 22,3%, сон тебраниши 1-15 дона, *D.vastator* 22,3%, сон тебраниши 1-20 дона, *Cryptobia cyprini* 16,7%, сон тебраниши юқори, *Ichthyophthirius multifiliis* 16,7%, сон тебраниши 1-7 дона, *D.extensus* 16,7%, сон тебраниши 1-7 дона, *Gyrodactylus elegans* 16,6%, сон тебраниши 1-12 дона, *Diplostomum spathaceum* 16,6%, сон тебраниши 2-3 донадан бўлиб, бошқа паразит турлари нисбатан кам миқдорда учради.

Коллекторлардан 15 дона карп балиғи текширилди, паразитлар билан умумий зарарланиши 18,6%, сон тебраниши 1-13 дона бўлиб, 4 турдаги паразитлар топилди, нисбатан кўпроқ учрагани *Eimeria carpelli* 18,8%, сон тебраниши 1-13 дона, *Muxobolus cyprini* 12,5%, сон тебраниши 2-2 дона, *Bothriocephalus opsariichthydis* 6,2%, сон тебраниши 2-2 дона ва *Diplostomum spathaceum* 12,5 %, сон тебраниши 2-2 донадан учради.

Ташландиқ кўлдан 15 дона карп балиғи текширилди, паразитлар билан умумий зарарланиши 13,2%, сон тебраниши 1-2 дона бўлиб, 3 турдаги паразитлар топилди, шулардан *Eimeria carpelli* 13,3%, сон тебраниши 1-2 дона, *Muxobolus cyprini* 6,6%, сон тебраниши 1-1 дона ва *Diplostomum spathaceum* 6,6 %, сон тебраниши 2-2 донадан учради. Карп балиғининг кўпчилик паразитлари карп оиласига мансуб балиқларда кенг тарқалган ва тўғри ривожланиш циклига эга. Уларнинг 4 тури хўжайинни алмашиши билан ривожланади. Улардан 2 тури хивчинлилар типи (қон

паразитлари): *Trypanosoma carassii*, *Cryptobia cyprini* va 2 turi *Bothriocephalus opsariichthydis*, *Diplostomum spathaceum* ga мансуб.

Карп паразитлари ичида *Cryptobia cyprini*, *Eimeria carpelli*, *Myxobolus cyprini*, *Ichthyophthirius multifiliis*, *Apiosoma piscicolum*, *Trichodina nigra*, *Trichopdinella epizootica*, *Dactylogyrus vastator*, *D.extensus*, *D.anchoratus*, *Gyrodactylus elegans*, *Bothriocephalus opsariichthydis*, *Diplostomum spathaceum* нисбатан кўпроқ учради, кенг тарқалган ва патоген аҳамиятга эга.

Маълумотларимизга қараганда, юқорида учрайдиган патоген паразитларнинг кўпчилиги Амударёдан Саят-яб канали орқали «Хоразм балиқ маҳсулотлари» жамияти ҳавзаларига карп балиғи орқали кириб боради ва бошқа карп оиласига мансуб балиқларга юқади, натижада кўплаб инвазион касалликларни тарқатувчиси бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Быховская-Павловская И.Е. Паразиты рыб // Руководство по изучению. 1985. –120 с.
2. Алламуратов Б.А. Паразитические простейшие и протозойные болезни рыб некоторых прудовых хозяйств Узбекистана и юга Казахстана.- Нукус: «Каракалпакстан», 1986.-с. 98.
3. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Хегай В.Н. Определитель рыб Узбекистана.-Ташкент: «Chinor ENK», 2001.

УЎК 597.4/5

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Х.У. Бекчанов, б.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч

О.И. Эгамбергенов, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

Г.Қ.Комилжанова, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилояти балиқ етиштириш технологиялари экстенсив ва интенсив методларидан фойдаланиш балиқчилик учун ишни нимадан бошлаш керакли, озиклантириш ва унинг турлари, ер ва сувни гидрохимиявий таркиби таҳлили, профилактика ишлари ва сувни кислород билан бойитишнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: жараён, озиклантириш, экстенсив, интенсив, мелерация, чавақ, етиштириш, уруглантириш.

Аннотация. В этой статье рассматривается использование экстенсивных и интенсивных методов рыбоводства в Хорезмской области, как начать работу по рыболовству, питание и его виды, анализ гидрохимического состава земли и воды, профилактические работы и преимущества обогащения кислородом.

Ключевые слова: технология, процесс, кормление, экстенсивный, интенсивный, мелерация, молёк, подкормка, удобрение

Abstract. In this article, how to start fishing with the use of extensive and intensive techniques of fishing technologies of the Khoazm Vilayat, about nutrition and its types, the biochemical composition of land and water, specialized work and the advantages of water enrichment with oxygen..

Keywords: process, encode, extensiv, intensive, meleration, paddle, cultivation, fertilization

Кириш. Балиқ гўшти инсон организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг асосий маҳсулот бўлиб қолмасдан, балки организмни тозаловчи, суяк ва тишларни мустаҳкамловчи шифобахш таом сифатида қадимдан севиб истеъмол қилинади. Айниқса, тез ҳазм бўлиши ва парҳезбоплиги балиқнинг қийматини янада оширади. Балиқ гўшти таркибида жуда кўп витамин ва микроэлементлар сақланиши туфайли биологик қиймати ҳам мол ва қўй гўшtidан юқори туради.

Балиқчилик соҳасида интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича ишларга етарли даражада эътибор қаратилмаган, жумладан, ҳудудларда балиқчилик тармоғини ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, балиқчилик хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Бугунги кунда республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, хусусан, балиқчилик тармоқларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, балиқчилик хўжаликларини янада ривожлантириш, янги инкубация цехларини ташкил этиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, балиқ

махсулотларини қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш тизимини такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда», дейилади президент матбуот хизмати хабарида.

Вилюятимизда ҳам бу борада бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бир қанча сунъий балиқчилик хўжалиқларини ташкил топиши шу билан бирга табиий сув хавзаларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Балиқчилик хўжалигини ташкил қилиш учун, энг авалло, балиқ боқиш учун жойни тўғри танлаш мақсадга мувофиқ. Чунки танланган жой боқиладиган балиқ биологиясига мос бўлиши керак. Балиқчилик хўжалиги учун жой танланганда, энг аввало, сув манбасига эътибор берилади.

Танланган жой зовурларга яқин бўлсин. Кўлмак бўлмасин. Иложи борича қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерлар, айро ердаги экин ерларга, боғзорларга, уй-жойларга халақит бермаслиги керак. Жой аниқлангандан кейин балиқчи мутахассисга, сўнгра табиат муҳофазаси кўмитасига мурожаат қилиш лозим. В.В. Виноградов ва А.Г. Бекин томонидан таклиф қилинган балиқ маҳсулотларини узлуксиз ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқариш босқичларини қисқартиришга имкон беради, бу эса молиявий харажатларни камайтиради. Бир йиллик чавоқларини етиштириш мавсумининг давомийлиги ўсишни катта вазнга олиб келади ва узок муддатли қиш очликларига тайёргарликни кучайтиради.

Узлуксиз тарбия шуни англатадики, балоғатга этмаган балиқ чавоқлари зудлик билан озикланадиган сув хавзаларига ўтказилади. Уларда бир ёш даври кузнинг охиригача озикланади, кейин қиш уйқусига ўтади, кейин бу ерда бозор балиқлари этиштирилади. Анъанавий технологияларга хос бўлган боқиш ва қишлаш хавзаларидан кўчириб ўтказиш таминланади.

Карп май ойининг охиридан июн ойининг ўрталарига қадар 15-70 кун давомида махсус сув омборларида сақланади. Чавоқлар етиштирилган сув хавзаларидан балиқларнинг чиқиши 75% га этади. Сув хавзаларини ёмон тайёрлаш ва уларни яхши ривожланмаган личинкалар билан тўлдирилган хавзалардаги ҳосил 50% дан ошмайди. Карп иқлим шароитига ва поликултурага қараб, 15 минг/га гача боқиладиган сув хавзаларига юборилади. Балиқ чавоқларини камрок юборилиши натижасида кузга қадар ёш чавоқлар 150 г гача ўсади. Сазан билан бирга ўтхўр балиқлар боқиладиган сув хавзаларига юборилганда максимал зичлик, минг / га: Дунгпешона - 12, оқ амур - 11 минг / га юбориш тавсия қилинади бу эса яхши натижа беради.[10,11,12]

Балиқ етиштириш технологияси

Балиқларни интенсив кўпайтиришдан асосий мақсад аҳолини арзон ва сифатли озука маҳсулотлари билан таъминлаш. Шу сабабли балиқни тез кўпайадиган зотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Балиқ ҳаёти давомида ўсади, лекин бу жараён бир хил эмас: ёшлари тез ўсади ва катталари эса массасини ортиши сезиларли даражада камайтирилади. Чавоқлар боқиладиган ховуздан кейинги ховуз учун объектни танлаётганда, ўсишнинг интенсивлиги ягона кўрсаткич эмаслиги, озик-овқат базаси, сув сифати ва иқтисодиётнинг жойлашган иқлим зонаси ҳам ҳисобга олинади. Балиқнинг самарали ишлаши ва ўсиши ҳароратга сезиларли таъсир кўрсатганлиги сабабли, вилюятнинг ҳудуди анъанавий равишда балиқ овлаш зоналарига бўлинади, бу эса иссиқлик миқдори билан фарқланади.

БАЛИҚЧИЛИК ЕТИШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

Балиқчиликда балиқ етиштиришнинг иккита усули мавжуд:

-интенсив

-экстенсив

ЭКСТЕНСИВ УСУЛ

Бу усулда балиқларга қўшимча озик-овқат бермайди – у фақат табиий озукадан фойдаланиш орқали ўстирилади. Бу балиқ маҳсулотларини минимал нархларда олиш имконини берувчи яйлов балиқчиликидир. Бу йўналиш катта сув омборларида ва жанубий ҳудудларда истиқболли бўлиб, у эрда карп ва бошқа ўсимликхўр балиқларни самарали етиштиришда амалга оширилади.

ИНТЕНСИВ УСУЛ

Балиқларни интенсив кўпайтиришда дуч келинадиган муаммолар бир қанча, жумладан: касалликлар, озука етишмаслиги, жойни етишмаслиги ҳисобланади.

Балиқлар кўпайтириладиган ховузларда касалликни олдини олиш мақсадида балиқчилик ховузларига сўндирилган оҳак солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу усулда одам балиқни озиклантириб, сув омборларини мелиорация ва ўғитлаш орқали бой озуқа базасини яратишга ёрдам беради. Сувни қисқа муддатларда алмаштиришга ва исрофсиз ирригация тизимига қайтарилишига сунъий озиклантиришга асосланиб – ерда қовланган ҳовузларга, бассейнларга ва садок мосламаларида қисқа муддатда товар балиқ етиштириши – интенсив балиқ етиштириш деб айтилади. Интенсив усулда иккинчи ёғли-оғирлиги 25-35 грамм келадиган, озуқа самарадорлиги (5) бўлган карп (зоғора) апрель-октябр ойларида (210 кунда) 1000 грамм бўлади. Африка лаққаси эса 1.5-3.0 кг.гача етади.

Замонавий балиқчиликнинг интенсив усули бир неча технологияларни ўз ичига олади.

1. Аньанавий технология. У жуда кенг қўлланилади ва икки ёки уч йиллик циклдан иборат. Бу усулда, асосан, карп ва бошқа ўсимликхўр балиқлар етиштирилади. Ушбу технологияга кўра, бутун сув ҳавзалари тизими қўлланилади:

- * қишлатиш учун;
- * балиқларни эркин юриши;
- * чавоқлар учун;
- * уруғлантириш учун;
- * ўстириш учун.

Уларнинг ҳар бири технологик циклнинг муайян босқичи учун мўлжалланган. Бу эрда балиқларни кўпайтириш турли даражадаги интенсивлик билан амалга оширилади. Юқори даражада (юқори экиш зичлиги, бир неча турдаги балиқларни биргаликда етиштириш, қайта фойдаланиш мумкин бўлган озиклантириш) гектарига 50 тоннадан ортиқ маҳсулотни олиш мумкин. Ушбу технология фақат бир қатор шартлар асосида самарали бўлади:

- * сув техник шамоллатиш;
- * доимий оқим;
- * мунтазам оҳактош солиш сув ҳавзалари.

2. Узлуксиз технология оддийроқ. Ушбу технологияга кўра, балиқ ёшлиги чавоқлар ҳавзасида 1-2 г массасига қўшилади ва кейин икки йил давомида у ўсади ва қишлайди. [3,4,5]

3. Кичик сув омборлари эгалари учун товар сегментларини етиштириш технологияси қабул қилинади. Ушбу схема личинкаларни эрта олишни, уларни 1гр массасига илиқ сувда дастлабки етиштиришни ва кейинчалик ҳовузга сийрак экиш билан ўсишни таъминлайди. Қулай шароитларда, бир мавсумда бир йиллик чавоқлар 500 гр массага эриша олади.

4.Энг юқори интенсивликлардан бири табиий сув ҳавзаларида (сув омборларида ёки қўлларда) ёки гидроэлектростанцияларнинг совутгичларида ўрнатилган сузиш ҳавзаларида ва боғларда балиқ етиштириш усули ҳисобланади. Иккинчиси бу технология учун энг истиқболли ҳисобланади. Ёзда боғларда карп каби термофил балиқлар, қишда эса ола оксла яхши ўсади.

Балиқчиликни интенсивлаштириш қўшимча усуллар ёрдамида амалга оширилади, бунинг натижасида сув ҳавзаларининг балиқ унумдорлиги ошади. Мисол учун, аньанавий балиқчилик ҳовузларида гектарига балиқ етиштириш бир мавсумда 70- 400 кг яқин маҳсулот олиниши мумкин бўлса, интенсив балиқчиликда эса 1 гектар майдондан балиқ 5,5 тонна балиқ олишга муваффақ бўлади. Интенсив балиқчиликни ташкил қилиш ва уни кучайтириш усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Озиклантириш
- Сувнинг аэрацияси
- Ҳовузларни ўғитлаш
- Мелиорация
- Сув омборининг сув айланишини яхшилаш
- Поликултура

Озиклантириш. Балиқни боқишда энг асосий ўринни озуканинг таркиби ташкил қилади. Шунинг учун даставвал балиқларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш учун витаминларга ҳамда оксилга бой сунъий аралаш озуқа тайёрлаш ҳамда унинг таркибий қисмларини алоҳида бериш билан ҳам амалга оширилади, масалан, буғдой, нўхат, арпа, маккажўхори, дон чиқиндилари ва бошқалар. Сунъий сув ҳавзасининг табиий озик-овқат таъминоти эътиборга олинади бу билан бир қаторда, аралаш озуқа жуда яхши самара беради. Балиқ тезроқ ўсади ва овқатланиш даражаси камаяди. Ҳовузнинг озуқа базаси кўпроқ бўлса қўшимча озуқа сотиб олиш камаяди. Шуни таъкидлаш керакки, сотиб олинган яхши сифатли аралаш озуқалар, балиқларнинг озикланиш рационини тузишни ташкил қилиш, интенсив балиқ боқишнинг биринчи омили ҳисобланади. Балиқларни турли хил озуқалар билан боқишда маҳсус овқатланиш жойлари ажратилади. Имкони бўлса, сув остида овқатланиш столлари ташкил қилинади, бу эса балиқларни

озуқа истемоли устидан назоратни кучайтиради. Балиқ жуда тез "жадвалга мувофик" озикланишга одатланиб қолади ва бир неча кундан сўнг у овқатланиш учун белгиланган вақтда ўзи овқатланадиган жойга келади.

Карпсимонлардан ок амур ХХР ховуз балукчилик хўжалигининг ҳамда кўл баликчилигининг асосий объекти ҳисобланади. Хитойлик баликшунос мутахассисларнинг маълумотларига қараганда унинг озуқаси ўт, камиш, лух, рдест, урут, майда баликлар, ҳашорот личинкалари ва ғумбаки ҳисобланади.

Сув ҳавзасида табиий зоопланктон ва фитопланктонлар билан бирга балиқ етиштирувчи томонидан бериладиган сунъий озукани (оксиллар, углеводлар, ёғлар, аминокислоталар ва витаминлар) бир вақтнинг ўзида истеъмол қиладиган бўлсалар озукани яхши ўзлаштирадilar, бу эса тана вазнининг тез ва яхши ўсишини таъминлайди. Бундай парҳез билан касаллик эҳтимоли пасаяди, чунки балиқнинг ҳаракати кучаяди ва у фаол ҳаракат қиладди. Асосий мақсадимиз – балиқни меъридан ортиқча озуқа истеъмолига йўл қўймаслик керак. Чунки балиқ етиштирувчилар айтганидек- балиқни тўйдириш керак аммо ортиқча овқатлантириб юбормаслик керак.

Сувнинг аэрацияси. Сувда эриган кислороднинг керакли минимал миқдори 4 мг/л эканлиги аллақачон ҳаммага маълум. Аммо агар сувдаги кислород 4 мг/л дан кам бўлса, унда балиқнинг иштаҳаси кескин пасаяди ва соғлиғи ёмонлашади. Бу балиқ танасида содир бўладиган биологик жараёнларнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ. Булутли ва ёмғирли кунларда, қуёш бўлмаганда, сувдаги кислород миқдори, айниқса сув омборининг пастки қатламларида пасаяди. Шунинг учун сувни кислород билан тўйинганлигини унинг шамоллатиш орқали ташкил этиш зарур. Шамоллатиш икки хил усулда амалга оширилади. Аераторнинг биринчи тури диск, тўртбурчаклар ёки қувур шаклида бўлиши мумкин бўлган атомизаторлар деб номланган сув орқали жуда кичик ҳаво пуфакчаларини ҳосил қилиб ишлайди. Улар шунга кўра диск, қувурли ва бошқалар деб номланади. Ҳаво сув пуфаги орқали майда пуфакчалар шаклида ўтганда, кислороднинг бир қисми сувда эрийди, бу эса балиқларнинг физиологик фаоллигини яхшилайди, шунга мос равишда унинг иштаҳасини оширади ва аераторнинг яна бир тури сув омбори юзасига майда сув томчиларини сепишга асосланган.

Аератор, тез айланадиган пичоқлар ёки дисклар томонидан амалга оширилади. Бунда махсус пичоқлар ёки варраклар ишлаётганида, сув устида сувдан чанг ва туманни пайдо қиладди. Ҳавода учадиган майда томчилар кислород билан тўйинган сувлар қайта сувга тушади.

Ҳовузларни ўғитлаш. Ҳовузларни ўғитлаш сув омборининг озуқа базасини кўпайтириш мақсадида амалга оширилади. Баҳорда органик ўғитлар сув ҳавзасига кўшилиб, хломидоманалар, хлорелла ва шунга ўхшаш микроорганизмлар яъни фито ва зоопланктонларни кўпайишига ёрдам беради ҳамда балиқлар учун сувда озукавий муҳитни кўпайишини таъминлайди. Инфузориялар бу ўзлари катта балиқлар учун озик-овқат эмас, лекин ўз навбатида уларни дафния, ротиферлар, циклоплар, тубифекс ва бошқа кўплаб сув планктонлари учун озуқа бўлади. Аммо балиқ, дафния, сиклоп, ротиферларни завқ билан истеъмол қиладди. Ҳовузга органик ўғитларни киритиш орқали балиқ етиштирувчи балиқ овлаш занжиридаги оралик бўғинни озиклантиради. Бундан ташқари минерал ўғит ҳам ишлатилади. Минерал ўғит таркиби жуда бой. Балиқларга бериладиган минерал ўғит таркибидатаркибида 20-22% азот ва 14-16 % гача фосфор бор. Унинг миқдори 30 кг га бир вегетацияга (210) ҳар 10-15 кунда 1,5-2,0 кг минерал ўғитни 100-200 литр сувда эритиб соат 10:00да органик ўғит билан кўшиб берилади. Ўғитлашдан мақсад сувда фитопланктонни кўпайтириш.

Мелиорация. Кўпинча балиқ етиштиришда мелиорация деганда ортиқча сув ўсимликлари, ортиқча лой қатламларига қарши курашиш, бегона ўтлар балиқларини сув омборига тушишини олдини олиш, сув ҳавзалари учун дренаж тизимини куриш ва бошқаларга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Ҳовузда балиқ етиштиришда мелиоратив ҳолат юқорида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилган ҳовузга нисбатан ҳам, атрофдаги ҳудудга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Иккинчисига ўрмонларни ва ўрмон панжараларини экиш, дўнгликлар ва қирғоқларни тозалаш, қиради. Дарҳақиқат, ушбу чора-тадбирларнинг барчаси яқин атрофдаги экин майдонларининг табиий қатламнинг ювилиши, лойқаланиши ва натижада сув ифлосланиб кетишининг олдини олишга имкон беради. Ноқулай ҳодисани олдини олиш, у билан ва унинг оқибатлари билан курашишдан кўра арзонроқ ва осонроқ.

Ҳовузнинг сув оқим тезлигини ошириш - балиқ етиштиришни кучайтириш усуллари билан бири ҳисобланади, агар ҳавзада оқим бўлмаса ва балиқ нажаси билан ифлосланган сув, балиқ метаболизми маҳсулотидан тозаланишга вақт топмаса, у ҳолда аммоний миқдори кўпайиб боради, бу маълум чегараларга етиб, балиқларни касалланишига олиб келади ва у овқатланишни тўхтатади

ва баъзида у ўлимдан олдин сувнинг пастига тушади. Айниқса, сув оқими балиқларни юкори зичликда аралаш ем билан интенсив озиклантириш учун зарурдир. Табиий биофилтр сувни балиқ секрециясидан тозалашга улгурмайди ва бу ҳолда сув ҳавзасидаги ифлосланган сувни олиб кетадиган ва шу билан бирга тоза, ифлосланмаган сув билан тўлдириладиган сув омбори орқали ортиб борадиган сув оқими ёрдамга келади. Поликултура балиқ этиштиришни интенсивлаштиришнинг етакчи омилларидан биридир. Поликултура - бу овқатланишда рақобатлашмайдиган турли ҳил балиқ турларини биргаликда этиштириш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки.

1. Ҳар қандай балиқ турларини етиштиришда сув омборининг озик-овқат базасининг барча элементларини бирданига истеъмол қила олмаслиги сабабли, фақат битта балиқ зотини етиштириш яхши натижа бермайди балки, поликултура шаклидаги балиқчиликдан фойдаланилса барча зотдаги балиқлар сув омборида мавжуд бўлган барча турдаги озик-овқат маҳсулотларидан фойдаланишига имкон беради, шу билан бирга сув омборининг умумий балиқ маҳсулдорлигини оширишга эришилади.

2. Балиқларни интенсив кўпайтиришда минерал ўғитни ўрни жуда муҳим бўлиб сувни фитопланктон таъминлайди ва балиқни интенсив озука муҳитини таъминлайди. Балиқларни сунъий озука билан канчалик кўп бокилса маҳсулдорлигини оширишга еришиш мумкин.

3. Экстенсив усулда балиқ озукасини таркибида минерал ўғит умуман бўлмайди. Озукасини табиатдан топиб ейди. Бундай муҳитда ўсган балиқ интенсив муҳитда бокиладиган балиқга караганда анча секин ўсади ва ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александрийская А. В. Химические свойства почвы прудов и их взаимосвязь с продукционными процессами в условиях интенсивного рыбоводства. Автореферат канд. диссерт., Калининград, 1974.
2. Арчакова А. Фотосинтез и пигментный состав фитопланктона в нагульных прудах. Автореферат канд. диссерт., М., 1971.
3. Артари А. Руководящие принципы оценки воды по ее флоре. 1913.
4. Бобриков Е. Как определить расход воды в зимовалах. Рыбоводство и рыболовство, № 5, 1974.
5. Валента Б. Производство мяса уток и некоторые вопросы интенсификации утководства в рыбхозах Литовской ССР. Автореферат канд. диссертации, Каунас, 1969.
6. Вилене В. Гидрохимическая характеристика выростных прудов, Сб. Лимнология Северо-запада СССР, т. III. Материалы ХУП научной конф. по изучению внутр. водоемов Прибалтики, Таллин, 1973.
7. Винберг Г., Ляхнович В. П. Удобрение прудов. М., 1965.
8. Гадд Г. Карповое прудовое хозяйство, Киев, 1917.
9. Головач А. В., Ерина А. М., Трофимов В. П., Критерии математической статистики в экономических исследованиях. М., 1973.
10. Гордон Л. М., Эрман Л. А. Пути повышения эффективности товарного рыбоводства. М., 1974.
11. Грачев Н., Чуйко Ф. О методике определения рыбопродуктивности прудов. Рыбоводство и рыболовство, № 4, 1973.
12. Демченко М. Ф. В защиту крупных нагульных прудов. Рыбоводство и рыболовство, № 5, 1974.

УЎК: 581.9.056

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ *HELICHRYSUM NURATAVICUM* KRASCH. (ASTERACEAE) ПОТЕНЦИАЛ ТАРҚАЛИШИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

З.З. Қосимов, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент
 Ф.И. Акбаров, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент
 У.Х. Қодиров, PhD., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент
 А.Н. Хўжанов, PhD., Чирчиқ Давлат Педагогика институти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон флораси учун эндем *Helichrysum nuratavicum* турининг Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондида сақланаётган намуналар асосида географик тарқалишига оид тўпланган маълумотлар Maxent дастуридан фойдаланиб таҳлил қилинди. Бу турнинг ўсиши учун энг оптимал шароитга эга ҳудудлар башорат қилинди ва турнинг тарқалишини ифодаловчи хариталар яратилди.

Калит сўзлар: *Helichrysum nuratavicum* Krasch, ареал, ҳарорат, ёгингарчилик, иқлим, потенциал, TASH, Maxent.

Аннотация. В статье анализируются данные о географическом распространении эндемического вида *Helichrysum nuratavicum* для флоры Узбекистана на основе образцов, хранящихся в Национальном гербарии Узбекистана (TASH) с помощью программы Maxent. Были спрогнозированы территории с наиболее оптимальными условиями для произрастания и созданы карты по распространению данного вида.

Ключевые слова. *Helichrysum nuratavicum* Krasch, ареал, температура, осадки, климат, потенциал, TASH, Maxent.

Abstract. The article analyzes the data on the geographical distribution of the endemic species *Helichrysum nuratavicum* for the flora of Uzbekistan based on the samples stored in the National Herbarium of Uzbekistan (TASH) using the Maxent program. Areas with the most optimal growing conditions were predicted and maps of the distribution of this species were created.

Keywords: *Helichrysum nuratavicum* Krasch, area, temperature, precipitation, climate, potential, TASH, Maxent.

КИРИШ

Турларни тарқалиш қонуниятларини тушуниш ва экотизимларда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башорат қилиш замонавий ботаник тадқиқотларнинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади [11]. Ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотларда ўсимлик турларини географик тақсимотни моделлаштириш ва келажакдаги башорат қилиш учун MaxEnt (Maximum Entropy Species Distribution Modelling) дастури кенг қўлланилади [8,9]. Келажакдаги иқлим ўзгариши сценарийлари бўйича турлар тақсимотларини моделлаштириш учун иқлим сценарийларининг сўнгги авлоди бўлган AR5 (RCP Representative Concentration Pathway) тўртта сценарийларидан (RCP 2.6, RCP 4.5, RCP 6.0, RCP 8.5) кенг фойдаланиб келинади [12]. Ўзбекистонда бу борадаги тадқиқотлар ривожланишининг илк босқичида бўлиб, ўсимлик турларининг тарқалиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудларни аниқлаш ва келажакда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башоратлаш ривожланиб бормоқда [1].

Иқлим ўзгаришлари, одатий иқлим шароитига мослаша олмаётган, географик тарқалиши чекланган, турларнинг ўсиш шароитида ўзгаришларни юзага келтириб, йўқолиб кетиш ҳафини пайдо қилиши мумкин. [13].

Мазкур мақолада, Ўзбекистон флорасидаги айрим камёб ва эндем турларнинг реал ва потенциал ареалини аниқлаш, баҳолаш ва иқлим ўзгаришлари таъсирида келажакда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башоратлашга қаратилган.

Тадқиқот объекти ва методлари.

Тадқиқот объекти. Илмий изланишларнинг объекти сифатида *Helichrysum* Mill. туркумига мансуб Ўзбекистон флораси учун эндем *Helichrysum nuratavicum* Krasch. танланди. *Helichrysum* Mill. туркуми *Asteraceae* оиласига тегишли бўлиб, Ўрта Осиёда 8 та тури [3], Ўзбекистонда 4 тури [4, 5]. тарқалган.

Helichrysum nuratavicum Ўзбекистон флораси ва Нурота тизмаси эндеми ҳамда Ўзбекистон Қизил китобига (2019) 2 категория билан киритилган. Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган, Нурота давлат кўриқхонасида (Мажрумсой, Андигенсой, Хаётсой, Тикчасой, Боласой, Душоҳ) 1200–2000 метр бўлган баландликдаги тошли, чағиртошли ёнбағирларда сийрак ва яққал ҳолда, айрим ҳолатларда эса кичик гуруҳлар ташкил қилиб ўсади [6].

Биоиклимий моделлаштириш. Нурота тизмаси ҳудудидан тадқиқот объектининг табиий шароитда ўсиш нуқталарини акс эттирувчи 14 та географик координатлари аниқланди. Маълумотларнинг асосий манбаси Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) ва 2018-2020 йиллардаги мақсадли дала тадқиқотлари ҳисобланади. Турнинг тарқалиши мумкин бўлган потенциал майдонларини моделлаштириш ва иқлим сценарийлари бўйича башорат қилиш MaxEnt дастурида [8,9,10] амалга оширилди. Иқлим маълумотлари WorldClim 2.1 (фазовий пикселлар 2.5 дақиқалик) маълумотлар базасидан (www.worldclim.org) юклаб олинди, ҳамда ArcGis 10.6.1 дастурида тахрир қилинди.

Моделлаштиришда 19 та биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялардан фойдаланилган (1 жадвал) [7], (www.worldclim.org).

1-жадвал

Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари

Код	Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари	Изоҳлар	Бирлиги
БИО1	Йиллик ўртача ҳарорат		°С
БИО2	Куннинг ўртача оралиғи		°С
БИО3	Изотермаллик	БИО1 / БИО7 * 100	%
БИО4	Ҳароратнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффициенти	
БИО5	Энг иссиқ ойнанинг максимал ҳарорати		°С
БИО6	Энг совуқ ойнанинг минимал ҳарорати		°С
БИО7	Ҳароратнинг йиллик оралиғи	БИО5 – БИО6	°С
БИО8	Иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°С

BIO9	Қурук чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO10	Энг иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO11	Совуқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO12	Йиллик ёғингарчилик		мм
BIO13	Энг иссиқ ойдаги ёғингарчилик		мм
BIO14	Қуруқчилик ойдаги ёғингарчилик		мм
BIO15	Ёғингарчиликнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффиценти	1
BIO16	Нам чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO17	Қурук чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO18	Энг иссиқ чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO19	Энг совуқ чоракдаги ёғингарчилик		мм


Мазкур турни ҳозирги ва иқлим сценарийлари асосида келажақда тарқалиши мумкин бўлган майдонларни Ўзбекистоннинг умумий ҳудудининг неча фоизини қамраб олишини аниқлаш учун куйидаги формулалардан фойдаланилган.

- Бу ерда :
 - $\sum S - 448.9 \text{ км}^2$ (Ўзбекистоннинг умумий майдони)
 - $f_1 - 95000 \text{ км}^2$ (1970-2000 йил)
 - $f_2 - 92500 \text{ км}^2$ (CURRENT-ҳозирги давр)
 - $f_3 - 72500 \text{ км}^2$ (RCP2.6-2050 йил)
 - $f_4 - 90000 \text{ км}^2$ (RCP8.5-2050 йил)
 - $f_5 - 75000 \text{ км}^2$ (RCP2.6-2070 йил)
 - $f_6 - 75000 \text{ км}^2$ (RCP8.5-2070 йил)
 - $k - 100\%$
- $$f_1 \cdot k / \sum S = x_1 \quad P_1 = x_1 = 21\%$$
- $$f_2 \cdot k / \sum S = x_2 \quad P_2 = x_2 = 20\%$$
- $$f_3 \cdot k / \sum S = x_3 \quad P_3 = x_3 = 16\%$$
- $$f_4 \cdot k / \sum S = x_4 \quad P_4 = x_4 = 20\%$$
- $$f_5 \cdot k / \sum S = x_5 \quad P_5 = x_5 = 18\%$$
- $$f_6 \cdot k / \sum S = x_6 \quad P_6 = x_6 = 17\%$$

Олинган натижалар ва уларни таҳлили.

Моделлаштириш натижаларига кўра, AUC кўрсаткичлари яқин ўтмиш (training (аниқлийлик даражаси)), 0.95 ± 0.05 ; (синов), 0.96 ± 0.04), CURRENT (жорий давр), (аниқлийлик даражаси), 0.96 ± 0.04 ; (синов), 0.97 ± 0.03), келажақ 2050 йилгача РСП 2.6 0.92 ± 0.08 ; (синов), 0.93 ± 0.03), 2070 йилгача РСП 2.6 0.94 ± 0.06 ; (синов), 0.95 ± 0.05), 2050 йилгача РСП 8.5 0.97 ± 0.03 ; (синов), 0.98 ± 0.02), 2070 йилгача РСП 8.5 0.98 ± 0.02 ; (синов), 0.98 ± 0.02), қийматга тенг. Энг юқори аниқлийлик даражаси РСП 8.5 сценарийсида кузатилди.

Моделлаштириш натижаларига кўра атроф-муҳит ўзгарувчиларининг *H. nuratavicum* потенциал тарқалиш ареалига қўшган нисбий ҳиссаси турли катталикларга эга бўлди (1расм).



1-расм. Ҳозирги шароитда мослашган ва ўтмиш, CURRENT ҳамда келажақ иқлим сценарийлари асосида башорат қиладиган Maxent моделларида атроф-муҳит ўзгарувчиларининг нисбий ҳиссаси

Башоратлаш натижаларига кўра *H. nuratavicum* умумий тарқалиш майдонининг камайишига био-иқлим параметрларининг юқори фоиз улушига эга бўлиши, иссиқ чоракдаги (BIO08) ўртача ҳарорат, (RCP85-2050) сценарийсида 93% кўтарилиши, нам чоракдаги

ёғингарчилик (БИО16) 9% улушдан 94% ўзгариши, курук чоракдаги ёғингарчиликнинг (БИО17) 95% дан 50 % га камайиши ҳамда энг иссиқ чоракдаги ёғингарчилик (БИО18) 95% миқдорининг 50% га тушиши бу турни тарқалиш майдонига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. (2 жадвал)


2 жадвал

	Ўтмиш (1970–2000)	Current	(RCP26-2050)	(RCP26-2070)	(RCP85-2050)	(RCP85-2070)
БИО04	96%	85%	86%	84%	85%	84%
БИО05	97%	97%	96%	96%	96%	96%
БИО07	97%	85%	86%	79%	82%	79%
БИО8	60%	67%	67%	50%	93%	50%
БИО09	93%	96%	96%	96%	96%	96%
БИО10	93%	96%	94%	96%	96%	96%
БИО12	92%	93%	94%	94%	94%	94%
БИО13	88%	92%	94%	92%	92%	92%
БИО16	9%	93%	93%	94%	94%	94%
БИО17	95%	50%	50%	50%	50%	50%
БИО18	95%	50%	50%	94%	94%	93%
БИО19	88%	94%	93%	93%	93%	94%

Бу тур учун энг қулай иқлим шароити мавжуд ҳудудларни аниқлашда, энг юқори ҳиссага эга бўлган биоиклимий ўзгарувчан тенденциялар яқин ўтмиш (БИО19: 53%), (БИО04: 36%), (БИО03: 11%), (БИО15: 0.5%), (БИО13: 0.1%)., CURRENT (БИО07: 84%), (БИО19: 5.3%), (БИО14: 5.2%), (БИО15: 5.1%)., келажак 2050 йилгача РСР 2.6 (БИО04: 58.4%), (БИО19: 24%), (БИО14: 12%), (БИО08: 3.5%), (БИО15: 1.3%), (БИО02: 1.2%), 2070 йилгача РСР 2.6 (БИО04: 45%), (БИО19: 43%), (БИО14: 12%), (БИО15: 0.2%), ва 2050 йилгача РСР 8.5 (БИО04: 48%), (БИО19: 39%), (БИО14: 14%), 2070 йилгача РСР 8.5 (БИО04: 27%), (БИО19: 51%), (БИО14: 15%), улушга эга. БИО19 моделлаштириш ва барча иқлим сценарийларида юқори кўрсаткич қайт этган бўлса, БИО04, БИО14, БИО15 бир башоратлаш даврларини истисно қилганда қолган барча даврларда юқори қийматга эга бўлди.


1970-2000 YEAR

HELICHRYSUM NURATAVIKUM



Хариталарда турларнинг тарқалиши учун мос шароитнинг юқори эҳтимоли мавжуд ҳудудлар – қизил, мос келиш эҳтимоли кам минтақалар – кўк, ўрта мос келувчи ва ўртадан юқори мос ерлар – оч ва тўқ сариқ рангларда тасвирланган. *Helichrysum nuratavicum* оптимал ўсиши учун қулай иқлим шароити мавжуд ҳудудлар, яқин ўтмишда (1970-2000) фақат Помир Олойнинг Нурота тизмасига тўғри келиб, CURRENT даврида, Нурота, Шимолий Тўрқистон, Молғузар, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ тизмаларига кенгайди. Иқлим ўзгариш сценарийларига кўра RCP2.6



(2050) Нурота, Шимолий-Тўркистон, Молгузар, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ, Кўхитанг тизмаларига, RCP2.6 (2070), Нурота, Шимолий-Тўркистон, Молгузар, Ҳисор, Боботоғ тизмаларига, RCP8.5 (2050), Нурота, Шимолий-Тўркистон, Молгузар, Ҳисор, Боботоғ тизмаларига, RCP8.5 (2070), Нурота, Шимолий-Тўркистон, Молгузар, Ҳисор, Боботоғ тизмаларида мавжудлигини кўрсатди.



Олинган натижаларга кўра *H.nuratavicum* тарқалиши учун қулай иқлим шароити мавжуд ҳудудлар Ўзбекистон умумий майдонининг яқин ўтмиш учун (1970-2000 йиллар) 13%, CURRENT даврида эса 15 % ташкил қилса, иқлим сценарийларига кўра RCP2.6-2050 16%, RCP2.6-2070 18%, RCP8.5-2050 20%, RCP8.5-2070 17% кўрсаткичларга эга бўлди.

Олинган натижаларга кўра *H.nuratavicum* тарқалиши учун қулай иқлим шароити мавжуд ҳудудлар Ўзбекистон умумий майдонининг яқин ўтмиш учун (1970-2000 йиллар) 13%, CURRENT


даврида эса 15 % ташкил қилса, иқлим сценарийларига кўра RCP2.6-2050 16%, RCP2.6-2070 18%, RCP8.5-2050 20%, RCP8.5-2070 17% кўрсаткичларга эга бўлди.



H. nuratavicum Нурота тизмаси учун эндим тур эканлиги, унинг реал ва потенциал арели ўртасида катта фарқларни келтириб чиқаради. Шунинг учун, иқлим сценарийларига асосланган моделлаштириш тахмин қилаётган турнинг учраши мумкин бўлган янги майдонларда *H. nuratavicum* янги популяцияларини аниқлаш учун доимий кузатув ва мунтазам мақсадли дала тадқиқотларини ташкил этишни талаб қилади.

RCP8.5-2070

HELICHRYSUM NURATAVICUM



Хулоса

Ушбу тадқиқотда яқин ўтмиш (1970-2000), ҳозирги вақт (2000-2020) ва иккита иссиқлик сценарийларини ҳисобга олган ҳолда яқин келажакда (2050 ва 2070) *H. nuratavicum* тарқалиши мумкин бўлган ҳудудларда иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар таҳлил қилинди. MaxEnt дастурида турнинг реал ва потенциал арели баҳоланди. Тур учраши мумкин бўлган энг қулай иқлим кўрсаткичига эга майдонлар келажакдаги барча сценарийларда жануб томон кенгайди. Бу эса ушбу ҳудудларда мунтазам мақсадли дала тадқиқотларини амалга оширишни ва келгуси тадқиқотларда алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акбаров Ф.И., Кодиров У.Х., Тожибаев К.Ш. Valerianella Miller туркуми айрим турларининг географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили // КарДУ хабарлари. 2020. №3, 22-31 Б.
2. Красная Книга Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. – Т. I. – С. 325.
3. Определитель растений Средней Азии.–Ташкент, 1993.–Т. X. – С. 464–467.
4. Флора Узбекистана. – Ташкент, 1962.–Т. VI.–С. 78–81.
5. Флора СССР. –М. 1959.–Т. XXV.–С. 404–431.
6. Хужанов А.Н. Ўзбекистонда тарқалган *Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp. ning биологияси ва ресурслари: ... Дисс... (PhD) биол. наук. –Тошкент: 2020. – 17-18 б.
7. Fick S. E., Hijmans R. J. WorldClim 2: new 1-km spatial resolution climate surfaces for global land areas //International journal of climatology. – 2017. – Т. 37. – №. 12. – С. 4302-4315.
8. Phillips S. J. A brief tutorial on Maxent. 2017. – 2017.
9. Phillips S. J., Dudík M. Modeling of species distributions with Maxent: new extensions and a comprehensive evaluation //Ecography. – 2008. – Т. 31. – №. 2. – С. 161-175.
10. Phillips S. J., Anderson R. P., Schapire R. E. Maximum entropy modeling of species geographic distributions //Ecological modelling. – 2006. – Т. 190. – №. 3-4. – С. 231-259.
11. Sandanov D. V., Pisarenko O. Y. Bioclimatic modeling of *Crossidium squamiferum* (Viv.) Jur.(Pottiaceae, Bryophyta) distribution //Arctoa. – 2018. – Т. 27. – №. 1. – С. 29-33.
12. Stocker T. F. et al. Climate change 2013: The physical science basis //Contribution of working group I to the fifth assessment report of the intergovernmental panel on climate change. – 2013. – Т. 1535.
13. Fois M. et al. Using species distribution models at local scale to guide the search of poorly known species: Review, methodological issues and future directions //Ecological Modelling. – 2018. – Т. 385. – С. 124-132.

**ТЕРМИТЛАРНИ БОШҚАРИШДА БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛИ ЕМ ХЎРАКЛАРДАН
Фойдаланиш**

Х.Полвонов, к.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч
З.Атабоева, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч
М.Досчанова, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива
Қ.Собиров, к.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч
И.Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива
О.Атаниязов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада 5 алмашинган амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионлар асосида синтез қилинган баъзи кимёвий бирикмаларнинг инсектицид хусусиятларини ўрганиши натижалари келтирилган, улар орасида термитларга қарши кураши учун инсектицид сифатида ишлатилиши мумкин бўлган препаратлар мавжуд.

Калим сўзлар: биологик фаоллик, фунгитсид, инсектитсид, дори, инсектитсид, лотин, кунгабоқар, озуқа, агар-агар.

Аннотация. В статье представлены результаты исследования инсектицидных свойств некоторых химических соединений, синтезированных на основе 5-замещенных амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионов, среди которых есть препараты, которые могут быть использованы в качестве инсектицидов в борьбе с термитами.

Ключевые слова: Биологический активност, фунгицид, инсектицид, препарат, инсектицид, производный, подсолнечник, корм, агар-агар.

Abstract. The article presents the results of the study of insecticidal properties of some chemical compounds synthesized on the basis of 5-Substituted amino-1,3,4-thiadiazole-2-tions, among which there are drugs that can be used as insecticides in the fight against termites.

Key words: Biological activity, fungicide, insecticide, preparation, insecticide, proizvodnyy, podsolnechnik, korm, agar-agar.

Кириш. Бугунги кунда термитлар миқдорини бошқаришда уларга қарши курашнинг икки тури суюқ термитицид ва ем хўрак амалиётидан фойдаланилмоқда. Тупроқ фипронил, имидаклоприд ва хлорантранилипрол каби термитицидлар билан ишлов берилганда термит ва ёғоч конструкция ўртасида тўсиқ юзага келади, натижада зарарланиш олди олинади (Ibrahim et al. 2003, Osbrink et al. 2005, 2013, Parman and Vargo 2010). Термитицидларнинг самарадорлиги лаборатория ва дала тадқиқотлари билан тасдиқланган бўлсада, ўзига хос камчиликлардан холи эмас. Жумладан тупроқни суюқ термитицид билан ишлов бериш кўп миқдорда кимёвий воситалардан фойдаланишни талаб қилади, бу нафақат хонадон эгалари учун ортикча пул маблағлари сарфлаш, балки тупроқ ва ер ости грунт сувларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. 2018 йилларда олиб борилган сўров натижаларимизга кўра, термитларга қарши курашда асосан термитицид суюқ препаратларнинг қўлланилиши бозордаги улушнинг 4/3 қисмини ташкил этган.

Секин таъсир қилувчи пестицидлар асосида тайёрланган ем хўрак услубидан фойдаланиш термитларни узоқ муддатли бошқариш учун имконият яратади. Ем хўрак гексафлумурон ва новифлумурон ва бошқа секин таъсир қилувчи пестицидларни тўғридан тўғри термитларни озиклантириш ва захарланган озикни термитлар томонидан иккиламчи кўчириш орқали бутун колонияга етказиб беради. Ушбу услуб пестицидларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиради. Бироқ ушбу ем хўракларни назорат қилиб туриш ва алмаштиришга жуда кўп меҳнат талаб қилинади, шунинг учун ҳам бу жараён ем хўракни термит назорати учун қўллашни чеклайди (Bano et al., 1992, Su et al., 1993).

Маълумки гетероҳалқали бирикмалар асосида жуда кўплаб биологик фаол бирикмалар синтез қилинган ва синтез қилиниб келинмоқда. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионларнинг турли ҳосилалари орасидан ҳам бир қатор биологик фаол моддалар топилган. Булар жумласига фунгицидлар (Зияев, 2004, Yukio et al., 1987), гербицидлар (Патент, 1993), инсектицидлар (Misra, 1983), бактерицидлар (Gupta et al., 1981, Anil et al., 1981) киради. Шу билан бир қаторда улар орасида нурланишдан химоя қилувчи моддаларнинг топилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин (Зияев, 2004, Полвонов ва бошқ., 2004). 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионларнинг турли ҳосилаларини синтез қилиш нафақат кимёвий балки, синтез қилинган кимёвий бирикмалар орасидан турли биологик фаол моддаларни излаш муҳим аҳамиятга эга (Li et al., 1989, Крутовская и др., 1977).

Тадқиқот услублари

5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионларнинг ҳосилалари орасидан янги биологик фаол моддалар излаш мақсадида бешта синтез қилинган бирикмаларнинг инсектицидлик хоссалари ўрганилди. Бунда 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тионлар асосида синтез қилган 5 хил бирикмалар (ХП-1, ХП-2, ХП-3, ХП-4 ва ХП-5) 5 та концентрацияда (0,1%, 0,2%, 0,3%, 0,4%, 0,5%) 3 та такрорланишда тажрибалар ўтказилиб, уларнинг термитларга таъсири аниқланди. Термитларга қарши синов учун гофрокартонга ХП-1, ХП-2, ХП-3, ХП-4 ва ХП-5 кимёвий воситалар аралаштирилиб, уларга қарши курашда фойдаланиладиган махсус ем-хўрак тайёрланди (1-расм).



1-расм. Биологик фаол моддалардан тайёрланган ем хўраклар

Лаборатория шароитида кимёвий препаратлар аралашмаси асосида тайёрланган захарли ем-хўракнинг термитларга нисбатан самарадорлигини ўрганиш Шеффран ва бошқ. (1997) услублари асосида амалга оширилди. Шунингдек ем хўрак термитлар томонидан истеъмол қилинганлигини исботлаш мақсадида, гофрокартонлар тўқима ва хужайралар учун зарарсиз бўлган табиий Судан сариқ - $C_{16}H_{12}N_2O$, Судан тўқ сариқ - $C_{18}H_{16}N_2O$, Судан қора $C_{17}H_{14}N_2O_2$, Судан қизил - $C_{17}H_{14}N_2O_2$ ва Акринил каби кўк ҳамда яшил $C_{20}H_{20}N_3Cl$ - рангдаги табиий бўёқлар билан бўялди (2-расм).



2-расм. Судан ва акринил бўёқлар

Ушбу ем хўрак Ўзбекистонда қўлланилиб келинаётган захарли ва патоген ем хўраклардан фарқ қилиб, термит табақаларга секинлик билан таъсир қилиши аниқланди. Бу эса ўз навбатида захарланган ем хўракни бутун оилага тарқатилишига ва истеъмол қилишига етарли вақт ҳисобланади. Тажрибада кимёвий препаратлар меъёрини ўрганиш учун ҳар бир вариантда челақларнинг ҳар бирига 30 тадан ишчи термитлар жойлаштирилди. Кузатиш ишлари лаборатория шароитида 40 кун давомида термитлар учун оптимал $+22, +26^{\circ}C$ ҳароратда олиб борилди. Назорат вариантыдаги термитларга фақат дистилланган сувда намланган *Ferula assafoetida* пояси озуқа сифатида берилди.

Натижалар ва унинг муҳокамаси

Челақларнинг 5 хил концентрациядаги 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тионлар асосида синтез қилган ХП-1, ХП-2, ХП-3, ХП-4, ХП-5 кимёвий воситаларнинг таъсирини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотимизда ишчи термитлар 10 кундан кейин нобуд бўлиши қайд этилди. Бунда термитларнинг айнан 0,3 % концентрациясида захарли ем-хўрак таъсирида нобуд бўлиши, шунингдек гофрокартон махсус табиий бўёқлар билан бўялгани, бунда препаратнинг самарадорлигини ўлган термитларнинг ичакларида бўялган захарли озиқа мавжудлиги ҳамда термитлар танасида препарат таъсирига боғлиқ касаллик белгилар борлиги билан асосланди. Орадан 25 кун ўтгандан кейин баъзи препаратлар таъсирида ўлган термитлар сони орта бошлади. Синов натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жумладан 0,3% ли микдорли захарли ем-хўрак солинган челақлардаги термитларнинг кўпчилиги 40 кунда (85,2 %) нобуд бўлди. Нобуд бўлган термитлар алоҳида идишларга солиниб,

микроскоп остида текширилди. Ушбу термитларнинг ранги кўнгир-қора тусга кирганлиги аниқланди.

1-жадвал

5-алмашган amino-1,3,4-тиадиазолин-2-тионларнинг баъзи ҳосилалари асосида тайёрланган препаратларнинг 0,3 % концентрациясида термитларга қарши биологик самарадорлиги

вариант	Кунлар ҳисобида ўлган термитлар сони (%)								Биологик самарадор. (%)
	5 кун	10 кун	15 кун	20 кун	25 кун	30 кун	35 кун	40 кун	
ХП-1	4,1	10,0	14,6	23,3	40,1	51,3	56,1	66,0	66,0
ХП-2	4,6	19,3	20,0	32,0	44,2	61,3	64,2	70,6	70,6
ХП-3	5,8	14,6	24,0	37,3	45,8	60,6	72,4	85,0	85,0
ХП-4	3,3	7,6	21,1	35,7	48,5	61,2	75,7	85,2	85,2
ХП-5	2,0	12,0	18,6	29,4	42,6	58,6	62,5	68,6	68,6
Назорат	-	-	1,0	1,0	-	-	-	-	1,0

Назорат вариантыда ўлган термитлар қайд этилмади. Юқоридаги жадвалда синов учун танланган кимёвий бирикмаларнинг 0,3 % коцентрацияли препаратларининг таъсир натижалари келтирилган бўлиб, бундан кўришиб турибдики синалаётган препаратларнинг биологик самарадорлиги 30 кундан кейин жуда сезиларли бўлиб, 40 кундан кейин 66-85,2 % ни ташкил қилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, синалган кимёвий бирикмалар 0,3% ли концентрацияда термитлар озукасига аралаштирилган миқдори уларга қарши курашда яхши самара беради.

Аниқланишича ушбу кимёвий моддалардан тайёрланган препаратлар ҳашоратларнинг туллаш даврида хитинни синтез қилишини сусайтириш хусусиятига эга бўлиб, шу билан бирга тана ичаги орқали секин таъсир қилади. Шунингдек, зараркунанданинг барча ёшида ҳам таъсир қилиши, уларни келажакда термитларга қарши инсектицид ҳамда ем хўрак сифатида ишлатиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зияев А. А. Алкилирование 5-замещенных-1,3,4-оксадиазол-2-тионов: Автореф. дис. канд. хим. наук. - Т.: ТашГУ, 2004. -22 с.
2. Крутовская Г. Н., Русанов А. М., Горнаева Г. Ф., Вартанян Л. П., Колесова М. Б. О радиозащитном действии производных тиадиазолов // Химико фарм. журн. -Москва, 1977. -С. 48-52.
3. Полвонов Х., Собиров К. 5-Амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тион ҳосилалари орасидан биологик фаол моддалар излаш // Кимё ва кимёвий технологиянинг замонавий муаммолари: 2-Республика илмий техника анжумани. 22-24 апрель 2004. -Фарғона 62-63 б.
4. Производные 5Н-1,3,4-тиадиазол [3,2-а] пиримидин-5-она и фунгицидные препараты на их основе. Патент №4971971 США.1990. РЖХим. 1993. -9 О 372
5. Anil K. Sen Gupta., Kanchan Hajeba. Synthesis and biological activity of some new N⁵-arylamino-1,3,4-thiadiazol-2-yl thioacetyl-N¹-benzylidene hydrazines // J. Indian Chem. Soc. 1981. -V58. - №7. -P. 690-691.
6. Bano Q., Tiwazi N., Giri S. Synthesis and fungicidal activities of 3-aryloxy- methyl-6-substituted-1,2,4-thiadiazoles // Indian I.Chem.1992. -V.31B.-P.714-718.
7. Ibrahim, S. A., G. Henderson, and H. Fei. 2003. Toxicity, repellency, and horizontal transmission of fipronil in the Formosan subterranean termite (Isoptera:Rhinotermitidae)." J. Econ. Entomol. 96: 461-467.
8. Li Z., Hu B., Yinguong H. Mechanism. of antibacterial activity of 2-amino-1,3,4-thiadiazole in controlling leaf blight of rice. 1988. №5 (4). -P. 54-57. С. А. 1989. -V.110. 72348g.
9. Misra Hemant K. Synthesis of some new substituted 1,3,4-oxadiazoles of potential insecticidal, antibacterial and antiacetyl cholinesterase agent //Arch.Pharm.1983. - №6. -P. 487-493. С. А. 1983. - V.99. 88123 v.
10. Osbrink, W. L. A., M. L. Cornelius, and A. R. Lax. 2005. Effect of imidacloprid soil treatments on occurrence of Formosan subterranean termites (Isoptera: Rhinotermitidae) in independent monitors. J. Econ. Entomol. 98: 2160-2168.
11. Osbrink, Weste, and Mary Cornelius. 2013. Acoustic evaluation of trees for *Coptotermes formosanus* Shiraki (Isoptera: Rhinotermitidae) treated with imidacloprid and noviflumuron in Historic Jackson Square, New Orleans, Louisiana. Sociobiology 60: 77-95.
12. Parman, V., and E.L. Vargo. 2010. Colony-level effects of imidacloprid in subterranean termites (Isoptera: Rhinotermitidae). J. Econ. Entomol. 103: 791-798.
13. Sen Gupta A. K., Hagela K. Synthesis and Biological Activity of Some New N⁵-arylamino-1,3,4-thiadiazol-2-yl thioacetyl-N¹-benzylidene Hydrazines // J. Indian Chem. Soc. 1981. -V.58. -P.690-691.
14. Scheffrahn R.H., Su N-Y., and Bused P. (1997). Laboratory and field evaluation of selected chemical treatments for control of dry wood termites (Isoptera: Kalotermitidae) // J. Econ. Entomology. - (90). - 492-502 pp.
15. Su, N-Y., D R. H. Scheffrahn. Laboratory evaluation of two chitin synthesis inhibitors, hexaflumuron and diflubenzuron, as bait toxicants the Formosan subterranean termite and eastern subterranean termite (Isoptera: Rhinotermitidae) // J. Econ. Entomol. -1993. (86). -P. 1453-1457.
16. Yukio T., Yoshiyuku K., Shin Jchiro M., Nobumtsu S., Yasuo S. Preparation of thiadiazola pyrimidines as fungisides with particular effectiveness against Alternaria // C. A. 1988. -V.108. 75420 u.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ТУТАШ ХУДУДЛАР (ОЁҚОГИТМА, ҚАНДИМ, ОЁҚГУЖУМЛИ, ҚИЗИЛҚУМ ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ) СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТУР ТАРКИБИ ВА СОНИ

А.Р. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро

Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Г.А. Нуриддинова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

М.Ж. Жумаев, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқхонаси ва унинг атрофидаги судралиб юривчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудий тарқалиши ва сонини биотоплар бўйича хилма-хиллиги таҳлил қилинган.

Калим сузлар: Чўл, яйлов, қўриқхона, юлғун, оқ саксовул, қуёнсуяк, Қизил китоб, CITES, IUCN, UzRDB, Ўрта Осиё чўл тошбақаси, Ўрта Осиё кобраси, бўз эчкемар, агама, калтакесак, туҳум, маршрут, стационар, фауна, флора.

Аннотация. Региональное распределение и количество рептилий весной в Бухарской области и прилегающих к нему районах Агитма, Кандым, Гужумли, Кызылқум государственный заповедник и его окрестности были проанализированы.

Ключевые слова: Пустыня, пастбище, запас, ива, белый саксаул, заяц, Красная книга, СИТЕС, МСОП, UzRDB, Среднеазиатская черепаха, Среднеазиатская кобра, Среднеазиатский серый варан, агама, ящерица, яйцо, маршрут, стационар, фауна, флора.

Abstract. Bukhara region and adjacent areas Ayokogitma, Kandim, Ayoqgujrumli, Kyzylkum State Nature Reserve and its surroundings were analyzed for the regional distribution and number of reptiles in the spring by biotope diversity.

Key words: Desert, pasture, reserve, tamarix aphylla, haloxylon persicum, ammodendron conolly, Red Book, CITES, IUCN, UzRDB, Agrionemys horsfieldii, Naja oxiana, Varanus griseus, agama, lizard, eggs, route, stationary, fauna, flora.

Тадқиқот объекти: Бухоро вилояти ва унга туташ бўлган ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқхонаси ва унинг атрофидаги судралиб юривчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудий тарқалиши ва сонини биотоплар бўйича хилма-хиллиги ўрганиш сифатида турли яшаш муҳитларида учровчи Судралиб юривчилар ва уларнинг популяциялари олинган.

Тадқиқот предмети: Бухоро вилояти ва унга туташ бўлган ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқхонаси ва унинг атрофидаги судралиб юривчиларнинг турли яшаш муҳитларида ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш орқали сонини аниқлаш, табиатдаги ва хўжаликдаги аҳамиятини белгилашдан иборатлиги ҳисобланади.

Материал ва методика: Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг катта қисмини гил тупроқли, тошли чўл, шўрланган ботқоқликлар ва қум тепаликлар ташкил қилади. Чўлда ўсимликлардан юлғун *Tamarix*, оқ саксовул *Haloxylon persicum*, қора саксовул *Haloxylon aphyllum*, коврак *Descurainia sophia*, шувоқ *Artemisia diffusa*, янтоқ *Alhagi pseudalhagi*, қуёнсуяк *Ammodendron conollyi* ва шунга ўхшаш эфимер, ҳамда эфимероидлар ўсган. Чўлдаги яйловлардан чорва моллари айниқса қўй ва эчкиларни боқиш учун кўпроқ фойданилади. Кейинги йилларда бу ҳудудларда ҳам қурилиш ҳамда транспорт, ва темирйўл қурилиши, газ қувурларини ўтказиш ҳудуд биологик хилма – хиллигига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқхонаси, ва унга ёндош ҳудудларда судралиб юривчилар фаунаси тур таркибини аниқлаш мақсадидаги кузатувларимизни 2020-йил баҳор мавсумининг март, апрель ва май ойларида (04–11, 18–25 март, 05-12, 19–26 апрель ва 01-08, 15–22 май 2020) амалга оширилди. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд стационар ва маршрут санаш усуллари орқали қуруқликда ҳаммаси бўлиб 32 марта ҳисоб ишлари олиб борилди [2;3;4;5;6]. Ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш натижалари 10 гектарли ўлчовдош майдонга экстрополяция қилинди ва ҳайвонлар жамоасининг зичлиги қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$D = \frac{n}{2 \cdot L \cdot W};$$

бу ерда D – зичлик; n – учратилган қушлар сони; L – маршрут бўйи; W – маршрут эни, ёки маршрут ўқидан ҳисоб олиб борилган йўлакнинг чегарасигача бўлган масофа. Маршрут ўқидан чап ва ўнг томонлардаги қушларни ҳисобга олиш учун формулада 2 кўпайтмаси қўлланилган, аммо бизнинг

хисобларимиз натижалари кўлларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, маршрут ўқининг бир томонидан олинди.

Натижа ва муҳокама 2020-йили баҳор мавсумида Оёқоғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат кўриқхонаси, ва унинг атрофи судралиб юривчилар фаунаси ўрганилиб, олинган маълумотлар таҳлили асосида 2 туркумга мансуб 26 судралиб юривчилар тури учраши аниқланган. Қуруқлик, тепалик ва қолдиқ тоғлар ҳамда аҳоли пунктида қайд этилган турларнинг сони ва миқдорий ўзгариши, ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

1-жадвал

Оёқоғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат кўриқхонаси, ва унга ёндош ҳудудларда судралиб юривчиларнинг тур таркиби ва сони

№	Туркум ва турнинг номи	Муҳофаза мақоми	Март	Апрел	Май	Жами	%
Тошбақалар <i>Testudines</i>							
1	Ўрта Осиё чўл тошбақаси- <i>Agrionemys horsfieldi</i>	UzRDB, RL, CITES II	1	4	8	13	1.79
Тангачалилар <i>Squamata</i>							
2	Мольчанов тўгаракбоши- <i>Phrynocephalus moltschanovi</i>	UzRDB	-	1	3	4	0.55
3	Қум тўгаракбоши- <i>Phrynocephalus interscapularis</i>		5	6	12	23	3.16
4	Қизилқулоқ калтакесак- <i>Phrynocephalus mystaceus</i>		4	13	22	39	5.37
5	Туркистон агамаси – <i>Laudakia lehmanni</i>		5	12	36	53	7.30
6	Дашт агамаси – <i>Trapelus sanguinolentus</i>		10	23	26	59	8.12
7	Тароқбармоқли геккон- <i>Crossobamon eversmanni</i>		8	14	16	38	5.23
8	Каспий геккони- <i>Cyrtopodion caspius</i>		13	16	28	57	7.85
9	Туркистон геккони- <i>Cyrtopodion fedtschenkoi</i>		4	9	17	30	4.13
10	Сцинк геккони - <i>Teratoscincus scincus</i>		1	4	6	11	1.51
11	Тўр калтакесак - <i>Eremias grammica</i>		10	21	24	55	7.57
12	Ўртача калтакесак - <i>Eremias intermedia</i>		5	8	17	30	4.13
13	Чизиқли калтакесак- <i>Eremias lineolata</i>		6	7	12	25	3.44
14	Тез калтакесак - <i>Eremias velox</i>		11	21	43	75	10.33
15	Чўл тақир кўзи - <i>Ablepharus deserti</i>		13	23	26	62	8.53
16	Бўз эчкемари - <i>Varanus griseus</i>	UzRDB CITES I	2	5	7	14	1.92
17	Қум бўғма илони - <i>Eryx miliaris</i>	UzRDB, CITES II	2	3	10	15	2.06
18	Ҳинд бойгаси <i>B.t.melanocephala</i>	UzRDB	-	1	2	3	0.41
19	Кўндаланг йўлли чипор илон - <i>Coluber karelinii</i>		3	6	11	20	2.75
20	Ранг баранг чипор илон - <i>Coluber ravergieri</i>		-	3	6	9	1.23
21	Нақшдор чипор илон - <i>Elaphe dione</i>		1	4	7	12	1.65
22	Афғон литоринхи - <i>Lytorhynchus ridgewayi</i>	UzRDB	1	2	3	6	0.82
23	Сувилон - <i>Natrix tessellata</i>		11	15	24	50	6.88
24	Ўқ илон - <i>Psammophis lineolatus</i>		1	3	4	8	1.10
25	Ҳолдор чипор илон - <i>Spalerosophis diadema</i>		2	4	5	11	1.51
26	Ўрта Осиё кобраси - <i>Naja oxiana</i>	UzRDB, RL, CITES II	-	1	3	4	0.55
	Жами		119	229	378	726	100

Изоҳ: UzRDB – Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар (кенжа турлар) (2019)

RL – Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) нинг Қизил рўйхатида киритилган турлар (кенжа турлар) (2004)

CITES I, CITES II – Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси конвенциясининг иловаларига киритилган турлар (кенжа турлар).

Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлар Оёқоғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат кўриқхонаси ва унинг атрофидаги судралиб юривчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудда учраган судралиб юривчилар фаунасида 7 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, 2 тур IUCN Қизил рўйхатида, 4 тур CITES нинг I ва II иловасига киритилган [1].

Дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми саналган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, мазкур масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳайвонларни муҳофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш, овчилик хўжаликлари юритишни тартибга солиш ҳамда аҳолининг иқтисодий, ижтимоий фаровонлигини оширишда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг бир йўналиши табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини келажак авлодларга сақлаб қолишдан иборат. Кейинги йилларда табиий ландшафтларга антропоген таъсирларнинг кўлами ортиб бориши, табиат компонентлари ҳисобини олишни ва шундан келиб чиқиб уларни баҳолаб бориш ва тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Бироқ, Оёқоғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат

кўриқхонаси, ва унга ёндош ҳудудларда судралиб юрувчиларнинг тур таркиби, сони, биотопик тақсимланиши, кўпайиши, мавсумий ва давомийлиги ўрганилмаганлиги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Биз олиб борган ҳисоб ишлари кўрсатишича, тадқиқот олиб борилган биотопларда баҳор мавсумида 2 туркумга мансуб 26 турдаги судралиб юрувчилар тури рўйхатга олинди (1–жадвал).

Ҳудуддаги тадқиқотлар давомида ҳаммаси бўлиб 7 тур муҳофаза қилинадиган судралиб юрувчилар учраб, улардан 7 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, 2 тур IUCN Қизил рўйхатида, 4 тур CITES I; CITES II га киритилганлигини ўрганишлар орқали аниқлашга эришилди (1-жадвал). Март ойида судралиб юрувчиларнинг тур сони май ойгача ортиб борди (26 тур), жумладан сони ҳам 259 га кўпайди. *Eremias velox*, *Ablepharus deserti*, *Trapelus sanguinolentus*, *Cyrtopodion caspius*, *Eremias grammica*, *Natrix tessellata* сонининг кўрайиши кузатилди. Бу турлар таркибининг ортиши озика захираларининг ривожланганлиги, кўпайиш учун зарур имкониятлар мавжудлиги билан бевосита боғлиқ. Бўз эчкеларнинг гўшти ва суягининг шифобахшлиги тўғрисида аҳоли орасида тарқалган нотўғри тушунча маҳаллий аҳоли томонидан режасиз ва тартибсиз овланишига сабаб бўлмоқда.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси ва унинг тухумлари чорва молларининг оёқлари остида эзилиши, ва чўпон итлари томонидан нобуд қилиниши оқибатида ҳозирги вақтда унинг сони кескин камайган. Чўлдаги яйловлардан чорва моллари, туяларни кўп боқилиши ўрганилган ҳудудда судралиб юрувчилар ҳаётига, айниқса уя куриб кўпайиши ва шундан келиб чиқиб кўпайиш самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омилларга киради. Ҳудуд бўйлаб 11.04.2020 да Оғитма аҳоли пунктидан Узунқудук томон 10–15 км узоқликда ва бошқа йўналишларда ҳам автомобиллар билан тўқнашиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган *Varanus griseus* нинг магистрал йўлларга тасодифан чиқиб қолиши оқибатида ҳалок бўлиши кузатилган бўлса, май ойи охирида чўпонлар томонидан *Agrionemys horsfieldi* нинг тутиб олиниши ва тутқинликда сақланиши қаби салбий таъсирлар ҳам кузатилди.[7]

Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри сифат ва миқдор жиҳатидан келтирилган маълумотларнинг тизимлаштирилган ҳисоботидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, классификацияланиши, сон динамикаси, ўрганилганлик даражаси ва бошқа ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш учун зарур бўлган ахборотлардан ташкил топади. Бугунги кунда ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотлари Ўзбекистонда жумладан Бухоро вилоятида учрайдиган ҳайвон турларининг умумий миқдори тўғрисида аниқ маълумот олиш имконини бермайди. Шунинг учун бу борадаги амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175 б.
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
4. Rayimov A.R., Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of *Acridotheres tristis* // Solid State Technology 2020. – № 5 . – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/5946>
5. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. - The role of *Acridotheres tristis* in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:105923/j.ivmb.20190801.01>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of *Acridotheres tristis* in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia , 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
7. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256. © 2020 International Journals of Sciences and High Technologies. <http://ijpsat.ijst-journals.org>

УЎК 61:576.8(075)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕЛЬМИНТОЗЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ
2009 - 2019 ЙИЛЛАРДАГИ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ***Ш.М. Расулов, (PhD) докторант, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент**М.Б. Матякубов, врач лаборант, Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқ комплекси, Тошкент**Б.Б. Азизова, магистр, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент*

Аннотация. Мақолада гельминтозларнинг Ўзбекистон Республикасида тарқалганлиги, 2009-2019 йиллардаги солиштирма таҳлили, ёшлар бўйича учраш даражаси ва олдини олиш юзасидан чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда тадқиқот мақсади, олинган натижалар ва муҳокамалар ҳамда олинган маълумотларни тахлилий хулосалари берилган.

Калим сўзлар: гельминтозлар, эпидемиология, ёш гуруҳлари, касаллиниш, профилактика.

Аннотация. В статье представлена информация о распространенности гельминтозов в Республике Узбекистан, проведен сравнительный анализ 2009-2019 годов, уровень встречаемости по возрастным группам и о мерах по совершенствованию профилактики инфекций. Кроме того, приводятся цель исследования, полученные результаты и обсуждения, а также аналитические выводы по полученным данным.

Ключевые слова: гельминтозы, эпидемиология, возрастные группы, заболеваемость, профилактика.

Abstract. The article provides information on the prevalence of helminthiasis in the Republic of Uzbekistan, a comparative analysis of 2009-2019, the level of occurrence by age groups and measures to improve the prevention of infections. In addition, the purpose of the study, the results and discussions obtained, as well as analytical conclusions on the data obtained are given.

Keywords: helminthiasis, epidemiology, age groups, morbidity, prevention.

Кириш

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) берган маълумотларига кўра ҳар йили дунё бўйича вафот этаётган 50 миллион инсонлардан 16 миллионини юқумли ва паразитар касалликлар ташкил этмоқда [1, 2, 8]. Расмий маълумотларга кўра, болаларда учрайдиган ўткир юқумли касалликлари орасида паразитозлар, нафас йўли юқумли касалликларидан сўнг 2-ўринни эгаллайди.

Одам организмида паразитар ҳаёт кечирадиган 270 турдан ортиқ гельминтлар қайд қилинган, айниқса гельминт-протозой инфекцияларининг тарқалиши юқори [5, 6]. Кенг тарқалган ва эътиборга лойиқ бўлган гельминтозлар энтеробиоз, аскаридоз, трематодозлар, трихоцефалез ва гименолепидоз ҳисобланади, жумладан, уларнинг 89% энтеробиоз ва 6,8% аскаридоз ташкил этади [2, 9].

Паразитар касалликлар деярли ҳамма мамлакатларда учрайди. Ер шари аҳолисининг учдан бир қисми паразитар касалликлари кўзгатувчилари билан зарарланган. Паразитологик мониторинг маълумотларига кўра ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида, айниқса болалик даврида, паразитар касалликлари билан касалланади [3, 4].

Жаҳон миқёсида гелминтозлар билан 1,5 миллиард киши касалланган. Улардан 1269 млн. аскаридоз, 932 млн. анкилостомидозлар, 637 млн. трихоцефалиозлар, 353 млн. энтеробиозлар, 77 млн. тениаринхозлар, 39 млн. гименолепидозлар, 15 млн. дифиллоботриозлар, 10 млн. ришта билан касалланганларни ташкил этади [5, 6, 8].


Кўпчилик ҳудудларда гельминтозларнинг эндемиклиги ижтимоий иқтисодий, тарихий ва демографик жараёнлар билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу касалликларга қарши курашиш ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жихатдан долзарб ҳисобланади. Аҳолининг маданий ва турмуш даражасининг яхшилаиб бориши, шаҳар ва қишлоқ хўжалигида турли тадбирларни амалга ошириш, маданиятнинг ошганлиги ҳамда гелментозларга қарши режали профилактик чораларни доимий равишда олиб борилиши, республикамизда ушбу паразитар касалликлар билан касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Шу билан бирга эришилган муваффақиятларга қарамай, Ўзбекистонда гелминтозларнинг 10-12 тури қайд этилмоқда. Булар ичида энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, тениаринхоз, трихоцефалиоз каби гелминтозлар баъзи вилоятларда оммавий равишда тарқалган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикасида гельминтозлар билан касалланганларнинг 2009 - 2019 йиллардаги таҳлили ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот материали ва услублари. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг расмий ҳисоботлари ва 2009-2019 йилларда аҳолининг гельминтозлар билан касалланиш таҳлилидан фойдаланилган. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда эпидемиологик ва статистик тадқиқот услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўзбекистон Республикасида гельминтозлар бўйича эпидемиологик вазиятни барқарор деб бўлмайди. Ҳозирги вақтда гельминтозларга қарши ўтказилаётган чора-тадбирлар ва БЖССТ хайрихоҳлигида “Гижжадан холис болалар” дастури ва ЮНИСЕФ гуманитар тизими бўйича берилган препаратлар маълум даражада ўз самарадорлигини намоён этаётган бўлса ҳам уни етарли даражада деб бўлмайди. Бундай ҳолатни республикамиз аҳолиси орасида касалликнинг йилдан йилга турғун ҳолатда қайд этиб турилганлиги, унинг аксарият ҳолларда сурункали тус олиши ва нохуш асоратларга, олиб келаётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйлаб энг кўп тарқалган 7 турдаги (энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалез, трематодоз эхинококкоз ва тениаринхоз) гельминтозларни 2009-2019 йиллардаги солиштирма таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик (1 ва 2-расмлар).




Гельминтозлар тарқалган кўпгина мамлакатларда энтеробиоз энг кўп учрайди, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам (1 ва 2-расмлардан кўриниб турибдики) энтеробиоз барча гельминтозлар орасида энг кўп тарқалган. 2009 йилда 78,5%, 2019 йилда 84,8% ташкил этиб касалликнинг учраш даражаси ошган. Иккинчи ўринда гименолепидоз 2009 йилда 18,3%, 2019


йилда 13,5% ташкил этиб касалликнинг учраш даражаси бир оз камайган. Учунчи ўринда аскаридоз 2009 йилда 2,2%, 2019 йилда 1,07% ташкил этиб касалликнинг учраш даражаси 50% камайган.

Юқоридаги расмлардан кўриниб турибдики энтеробиознинг 2019 йил барча гельминтозларга нисбатан кўп учраганлиги учун, қолган барча гельминтозларнинг (гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалез, тремадоз эхинококкоз ва тениаринхоз) 2019 йилда учраш даражаси камайган (2-расм).

Аҳолининг гельминтозлар билан касалланиш динамикасини республикаимиз ҳудудлари бўйича тарқалганлигини аниқлаш мақсадида 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикаси миқёсида таҳлил қилганимизда, республикаимизнинг турли вилоятларида бир текис тарқалмаганлиги аниқланди (3-расм).



Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил олиб борилган барча йилларда республикаимизнинг Наманган, Фарғона, Тошкент, ва Сурхондарё вилоятларида энг кўп, Қашқадарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларида нисбатан камроқ даражада, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаларида эса энг кам даражада касаллик қайд этилганлиги аниқланди (3-расм). Касаллик кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудлар асосли равишда фаол эпидемик ўчоқларда потенциал мавжудлигини белгилайди. Юқоридаги таҳлил натижаси яна шуни кўрсатадики республиканинг барча ҳудудларида ушбу гельминтозларнинг ҳар хил даражада учраб турганлиги ва бу ўз вақтида, профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш зарурлигидан далолат беради.



Республикаимизда 2009 ва 2019 йилларда қайд қилинган жами гельминтозлар билан касалланиш ҳолатларни таҳлили давомида, касалланганларни жинс бўйича учрашида катта фарқ қилмади. Бунда 2009 йилда қайд қилинган гельминтозлар билан касалланган аёллар жами

касаланганларнинг 45% (яъни 118296 нафар), эркаклар эса 55% (145285 нафар) ни ташкил қилганлиги аниқланди.

2019 йилга келиб эса касалланишнинг жинс тафовути қисман ўзгариши қайд этилган, яъни гельминтозлар билан барча касаланганларнинг 47 % (94240 нафар) аёллар ташкил қилган, қолган 53 % (107797 нафар) эркаклар ташкил қилган, бу касалликнинг тарқалишида жинсларнинг аҳамияти йўқлигини билдиради.

Республикада гельминтозлар билан касаланганларнинг 2009-2019 йилларда ёшлар гуруҳлар бўйича маълумотлари келтириб ўтилиб таҳлил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Республикада 2009-2019 йилларда гельминтозлар билан касаланганларнинг ёш гуруҳлари бўйича тарқалганлиги (мутлоқ сонларда)

2009 йил	1 ёшгача	1-2 ёш	3-5 ёш	5-14 ёш	14 ёшдан катталар	Жами
Энтеробиоз	1572	11907	46704	124379	22278	206840
Геминтолидоз	144	3044	10447	25933	8626	48194
Аскаридоз	51	307	1125	2714	1643	5840
Эхинококкоз	1	2	18	140	1227	1388
Тениаринхоз	0	22	52	173	596	843
Трихоцефаллёз	10	30	115	205	116	476
Трематодоз	0	0	0	0	0	0
Жами:	1778	15312	58461	153544	34486	263581
2019 йил	1 ёшгача	1-2 ёш	3-5 ёш	5-14 ёш	14 ёшдан катталар	жами
Энтеробиоз	698	8552	40033	111834	10279	171396
Геминтолидоз	67	979	5347	17145	3847	27385
Аскаридоз	1	0	1	1719	450	2171
Эхинококкоз	0	1	6	72	635	714
Тениаринхоз	0	2	16	62	246	326
Трихоцефаллёз	1	0	1	5	0	7
Трематодоз	0	0	0	7	31	38
Жами:	767	9534	45404	130844	15488	202037

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики энтеробиоз, геминтолидоз ва аскаридозлар 5-14 ёшдагилар орасида кўп тарқалган, эхинококкоз ва тениаринхоз эса 14 ёшдан катталар орасида кўп учраган.

Гельминтозларга қарши муваффақиятли профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳолининг тиббий маданияти ва турмуш даражасини янада ошириш катта аҳамиятга эга. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади.

- Аҳолининг турли қатламлари ва айниқса болалар ўртасида санитария-тарғибот тадбирларини кучайтириш;

- Жорий текширувлар натижасида аниқланган беморлар санацияси, диспансеризацияси ва қайта текширилишини мунтазам кузатиб бориш;

- Гельминтозларга нисбатан эпидемиологик вазиятни белгиловчи асосий ижтимоий - экологик омиллар динамикасини таҳлил этиб бориш (сув, тупроқ, мева сабзавотларни гельминт тухуми билан ёки индикатор микроорганизмлар билан зарарланиш динимикаси ва бошқаларни текшириш сифатини ошириш);

- Гельминтозлар билан касалланиш динамикаси таҳлили асосида хавфли вақт, тоифа, ҳудуд ва омилларни аниқлаш (шошилиш ва ретроспектив эпидемиологик таҳлил);

- Ўтказилаётган тадбирлар мониторингларини йўлга қўйиш, сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

- Даврий равишда гельминтозлар билан касалланишни башоратлаш.

- Бу эса, шак-шубҳасиз, гельминтозларда касаллик манбааларини ўз вақтида аниқлаш ва эпидемиологик назорат асосларини такомиллаштириш имконини беради.

Хулоса. Тахлилий келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики гельминтоз касалликлари республикамизнинг барча ҳудудларида ва барча ёшларда учраши кузатилган.

Республикамизда гельминтоз касалликларининг эрта ташхислаш усуллари тўлиқ йўлга қўйилмаган. Шифохона ва поликлиникаларда шифокор паразитолог шитатлари ажратилмаган. Бу бўйича аниқ соҳа йўналиши бўйича штатлар ажратилиши ва ишлаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ни ҳам таъкидлаш жоизки, гельминтозларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятларини тўлиқ ўрганиш, ушбу касалликнинг профилактикаси ва эпидемиологик назоратини такомиллаштириш кераклигини тақозо этади. Бу орқали аҳоли саломатлигини яхшилашга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдиев Т.А., Сувонкулов У.Т., Коваленко Д.А., Абдиев Ф.Т., Арзиев Х.Ю. Распространенность гельминтозов в Узбекистане // проблемы биологии и медицины.-Самарканд 2014, №3 (79). С. 16-17.
2. Онищенко Г.Г. Заболеваемость паразитарными болезнями в Российской Федерации: научное издание // Эпидемиология и инфекционные болезни.-М., 2007.-С. 4-6.
3. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. Абдукаххарова М.Ф. Эпидемиологическая характеристика и распространение эхинококкоза в Узбекистане. //Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси.- Тошкент.-2019. №5.-С. 156-158.
4. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С., Файзибаев П.Н., Хамзаева Н.Т. Современные эпидемиологические особенности эхинококкоза и его профилактика. //Сборник материалов II Всероссийская научно-практическая конференция «Школа эпидемиологов: теоретические и прикладные аспекты эпидемиологии». -Казан.- 2020.-С. 51-53
5. Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза. Москва. Изд. «Династия», 2016. 287с.
6. Юлдашева К.Х., Асадова М.М., Расулов Ш.М., Миртазаева Н.А. Гименолепидознинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш. //Инфекция, иммунитет и фармакология.- Тошкент.- 2014. №6 -Б. 213-215
7. Khidir Yu.A., Shomurod M.R., Mansur S.T. Blood Indications In Echinococcosis Of Large Horned Animals. //The American Journal of Veterinary Sciences and Wildlife Discovery (ISSN–2689-0968) Published: February 27, 2021 Pages: 9-15 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajvswd/Volume03Issue01-03>
8. Rasulov Sh.M., Matnazarova G.S., Mirtazayev A., Xamzayeva N.T. Improving the epidemiology, epizootology, and prevention of echinococcosis in Uzbekistan. //European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 2, Pages 3029-3052 (ejmcm.com)
9. Sniedze L., Andrejs I., Aleksejs D., Ludmila V. Cystic echinococcosis: epidemiological and clinical aspects of latvian population and review of the literature. Eksperimentāl'nāia I Klinicheskaia Gastroenterologija = Experimental & Clinical Gastroenterology [Eksp Klin Gastroenterol] 2015 (7), pp. 24-30.

УЎК 595.324

КЛАДОЦЕРАЛАРНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА КЎПАЙТИРИШ УСЛУБЛАРИ

А. Рахманова, доц., Урганч давлат университети, Урганч

З.Б. Аллоберганова, доц., Урганч давлат университети, Урганч

О.К. Игамова ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Т.М. Жуманиёзова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

З.Норбоев, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада тубан қисқичбақасимонлардан дафния турларини лаборатория шароитида кўпайтирилиши усуллари ва уларнинг яшовчалиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ундан ташқари балиқчилик соҳасидаги учрайдиган камчиликлар, сифатли балиқ маҳсулотларини етиштиришида балиқларни озиклантиришидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Личинка, сариқ танача, дафния, циклоп, артемия, кладоцера, террариум, копепода, кристаллизатор, хара.

Аннотация. В статье представлена информация о методах лабораторного размножения видов дафний от низших ракообразных и их выживаемости. Он также предоставляет ценную информацию о недостатках в рыбной промышленности, проблемах кормления рыб при выращивании качественных рыбных продуктов и их решениях.

Ключевые слова: Личинки, мякоть желтая, дафнии, циклопы, артемия, кладоцера, террариум, копепода, кристаллизатор, заяц.

Abstract. This article provides information on methods of laboratory condition of daphnia species from lower crustaceans and their survival. It also provides valuable information on the shortcomings in the field of fisheries, the problems of feeding fish in the cultivation of quality fish products and their solutions.

Key words: Larvae, yellow flesh, daphnia, cyclops, artemia, cladotsera, terrarium, copepoda, crystallizer, hare.

Сув ҳавзаларининг турли туманлиги билан бир қаторда тирик мавжудотлар олами ҳам мавжуд бўлиб улар ҳам ҳайратланарли даражада турли-тумандир. Сув ости оламида балиқларнинг алоҳида ўрни бор. Балиқ инсоният тамонидан қадим замонлардан бери имтеъмол қилиниб келинади. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига кўра ҳар бир инсон организм соғлом ривожланиш учун кунига 33 г, йил давомида 12 кг балиқ маҳсулоти истеъмол қилиш лозим. Ҳозирги кунда балиқчилик хўжаликларида етиштирилаётган, табиий сув ҳавзаларидан овладаниган балиқлар аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондираётгани йўқ.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг Республикамизда ҳам бу борада салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мустақиллик йиллари барча соҳалардаги каби балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2009 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастурлар қабул қилиниши натижасида республикада балиқ етиштириш ҳажми 6-9 минг тоннадан (2006-2009) 75-85 минг тоннага (2016-2017) етди. Бироқ, ҳукуратимиз балиқ етиштириш ҳажмини янада ошириб 2020 йилда 150 минг тоннага етказиш ва аҳолининг ушбу қимматбаҳо маҳсулотга бўлган талабини тўла қонли қондириш вазифасини кўймоқда. Ушбу вазифанинг ижросини эса фақат турли типдаги сув ҳавзаларнинг балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Балиқчиликни ривожлантиришда асосан балиқларни тўғри ва сифатли озиклантириш етакчи ўринда тутади. Балиқларни қўшимча озиклантириш эса балиқ етиштиришни жадаллаштиришнинг энг самарали тадбиридир. Бу усул балиқларнинг ҳовуздаги табиий озукалардан ташқари ўзларига хос бўлмаган озукаларни топиши, истеъмол қилиши ва яхши ҳазм қила олишига асосланган. Личинкалар овқат ҳазм қилиш аъзолари шакллана бошлаши биланоқ ёки сариқ таначанинг тахминан 3 дан 2 қисми сўрилиб бўлгач, аралаш озикланишга ўтадилар, бошқача қилиб айтганда, уларнинг озикланиши бир қисм сариқ таначалар ҳисобига, бир қисм сувдаги мавжуд бўлган микроскопик катталиқдаги жониворлар ва ўсимликлар ҳисобига кечади. Сариқ танача сўрилиб бўлгандан кейин улар фаол равишда ташқи озикланишга ўтадилар.

Табиий сув ҳавзаларида улар дастлаб энг кичик умуртқасиз жониворлар ва майда ўсимликлар билан озикланиб кейин секин-аста йирикроқлари билан озиклана бошлайдилар.

Кўп сонли личинкаларни ўстириб ва маълум катталиқгача бетондан, ердан, ёғочдан ясалган бассейн ёки лотокларда етилтирилиб, кейин юзаси кичикроқ бўлган ҳовузларга ўтказилгач, ташқаридан бериладиган озукалар билан қўшимча озиклантирила бошланади.

Ҳовуз балиқчилигида фойдаланиладиган барча озукалар икки гуруҳга: тирик ва тирик бўлмаган озукаларга бўлинади. Тирик озукалар сифатида сунъий урчитиладиган жониворлардан: тубан қисқичбақасимонлар (дафниялар, циклоплар, артемиялар ва бошқалар) дан, олигахет, хрономид личинкаларидан фойдаланилади.

Ёш балиқлар асосан тирик озукаларни севиб, иштаҳа билан истеъмол қилади, чунки улар тирик бўлмаган озукаларга нисбатан тўла қийматли бўлади. Шунинг учун ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида, балиқчилик заводларида балиқ етиштиришнинг муваффақияти ва самарадорлиги маълум даражада балиқлар истеъмол қиладиган тирик озукалар етиштиришнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Шундай экан, бугунги кунда сунъий равишда балиқлар учун тирик озукалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга молик масаладир. Кладоцералар (*Cladocera Latreille*) - бу майда планктонли қисқичбақасимонлар. Туркумнинг энг таниқли аъзолари бу дафния жинсининг чучук сувли планктонли қисқичбақасимонлардир. Уларни баъзан “сув бургалари” деб ҳам аташади. Қуритилган ва жонли дафния кўпинча аквариум балиқлари ёки террариумларда жойлашган ҳашоратлар учун озик-овқат сифатида ҳам ишлатилади.

Боқиш учун дафния ҳар қандай шаклда мос келади: қуритилган, тирик ёки музлатилган. Ҳозирда балиқ боқишда балиқларга табиий озика етиштириш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шуларни инобатга олаган ҳолда биз ҳам тубан қисқичбақасимонлардан дафния турларини лаборатория шароитида кўпайтирилиши ўргандик.

Илмий изланишлар Урганч давлат университетининг Табиий фанлар факультети лаборатория хоналарида олиб борилди. 2019 йил 8 октябрь куни Шовот тумани Бешмерган қишлоғидаги кетма-кет 6 йилдан бери шоли поя экилаётган даладан тупроқ намуналари олинди. Шу кундан бошлаб тупроқ намуналарини қоғоз халтачаларга солиниб, хона тепматурасида сақланди.

2020 йил 11 март куни лаборатория хоналарида 2 та кристаллизатор идишга тупроқ намуналари солинди ва сув қуйилди. Хона ҳарорати $+18^{\circ}\text{C}$ бўлган жойда кристаллизаторлардаги тупроқ намуналари ҳарорати $+14^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлган сув солиниди, бу пайтда кристаллизаторлардаги сув лойқаланган ҳолатга келди.

Кристаллизаторлардаги сувнинг тиниклашиши 2020 йил 12 март кунига тўғри келди. Кузатишлар жараёнида 2020 йил 20 март куни копеподалар оиласига мансуб циклоплар ва кладоцералардан дафниясимонлар чиқа бошлади. Дафниялар сони 3 та, циклоплар сони 2 та.

2020 йил 23 март куни кристаллизатордаги сув юзасига пуфакчалар чиқа ҳосил бўлиб, бактериялар қоплами пайдо бўла бошлади. 2020 йил 24 март кунига келиб сувда хара ўсимлиги ўса бошлади. Бу вақта хонанинг ҳарорати $+19^{\circ}\text{C}$, сувнинг ҳарорати эса $+15^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлди.

Кристаллизаторлардаги сув буғланиб қамаётганлиги сабабли кристаллизаторларга 2020 йил 26 март куни яна қўшимча равишда сув қуйилди.

Кузатишлар жараёнида 2020 йил 30 март куни циклоплар ва дафниясимонлар сони кўпая бошлади. Дафниясимонлар сони 4 та, циклоплар сони эса 3 тага етди. Хара ўсимлиги ҳам ўсиб катталаша бошлади.

Кристаллизаторлардаги сув буғланиб қамаётганлиги сабабли кристаллизаторларга 2020 йил 04 апрель куни яна қўшимча сув қуйилди. Хона ҳарорати $+21^{\circ}\text{C}$, сувнинг ҳарорати эса $+17^{\circ}\text{C}$ тенг бўлди.

2020 йил 6 апрель куни циклоплар ва дафниясимонлар сони яна кўпайди. Дафниясимонлар сони 5 та, циклоплар сони эса 4 тага етди. Сув ўсимликлари ҳам ўсишда давом этаётганлиги сабабли, кристаллизаторлардаги сув ўсимликларидан маълум миқдори олиб ташланди.



Кристаллизаторлардаги сув буғланиб қамаётганлиги сабабли кристаллизаторларга 2020 йил 10 апрель куни яна сув қуйилди. Хона ҳарорати $+22^{\circ}\text{C}$, сувнинг ҳарорати эса $+18^{\circ}\text{C}$ га тенг.

Кузатишлар жараёнида 2020 йил 15 апрель куни циклоплар ва дафниясимонлар сони яна кўпая бошлади. Дафниясимонлар сони 7 та, циклоплар сони эса 6 тага етди. Сув ўсимликлари ҳам ўсишда давом этиб, яна катталаша бошлади.

2020 йил 02 май куни сув ўсимликлари ўсишда давом этаётганлиги сабабли, кристаллизаторлардаги сув ўсимликларидан маълум миқдори олиб ташланди.

Кристаллизаторлардаги сув буғланиб қамаётганлиги сабабли кристаллизаторларга 2020 йил 12 май куни яна сув қуйилди. Хона ҳарорати $+22^{\circ}\text{C}$, сувнинг ҳарорати эса $+18^{\circ}\text{C}$.

2020 йил 14 май куни сув ўсимликлари ўсишда давом этаётганлиги сабабли, кристаллизаторлардаги сув ўсимликларидан маълум миқдори олиб ташланди.

Кристаллизаторлардаги сув буғланиб қамаётганлиги сабабли кристаллизаторларга 2020 йил 01 июнь куни яна сув қуйилди. Хона ҳарорати $+23^{\circ}\text{C}$, сувнинг ҳарорати эса $+19^{\circ}\text{C}$.

2020 йил 01 июль кунидан бошлаб кристаллизаторлардаги циклоплар ва дафниясимонлар нобуд бўла бошлади.

2020 йил 01 июль куни кристаллизаторлардаги барча циклоплар ва дафниясимонлар ҳаракатдан тўхтади. 01 август кунига келиб эса, кристаллизаторлардаги сув батомом буғланиб бўлганлиги кузатилди.

Олиб борилган кузатувлар натижасига кўра қуйидагича хулосага келинди. Майда планктонли қисқичбақасимонлардан циклоп ва дафния лаборатория шароитида кўпайтирилганда уларнинг яшовчанлиги март ойининг иккинчи декадасидан ва июнь ойининг биринчи декадасигача давом этганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озиқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида”ги қарори.
2. Алексеев В.Р. Определитель пресноводных беспозвоночных России и сопредельных территорий (ракообразные). Т. 2.-Санкт-Петербург,1995. 628с.
3. Ибрашева С.И., Смирнова В.А. Кладощера Казахстана. - Алма-Ата: Мектеп, 1983. -С. 136.
4. Мустафаева З.А., Мирзаев У.Т., Камилов Б.Г. Методы гидробиологического мониторинга водных объектов Узбекистана. -Ташкент, 2017. -С. 34-49.
5. Хакбердыев Б. Рыбы водоемов Хорезмской области. - Ташкент: Фан, 1983.- 113 с.

УЎК 631.81:579

ЃЎЗА РИЗОСФЕРАСИДА ЯШОВЧИ БАКТЕРИЯЛАРНИ АЖРАТИШ ВА ЎСИМЛИКЛАРДА КАСАЛЛИК ЧАҚИРУВЧИ ЗАМБУРУҒЛАРГА ТАЪСИРИ

Р.С. Рўзметов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

И.И. Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива

Х.М. Бобожонова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм вилояти ғўза далалари шароитидан 20 та ризосфера бактерия культуралари ажратиб олинди уларнинг сувда эримайдиган минерал фосфатларни эрувчан ҳолатга ўтказиши хусусияти ва ўсимликларда касаллик чақирувчи замбуруғларга нисбатан антогонизми ўрганилди ва 2 та фаол культура ажратиб олинган.

Калим сўзлар: минерал фосфатлар, бактерия культуралари, ризосфера, энтомопатоген, замбуруғ

Аннотация. В данной статье было выделено 20 культур ризосферных бактерий с хлопковых полей Хорезмской области, изучена их растворимость в водонерастворимых минеральных фосфатах и их антагонизм к болезнетворным грибам в растениях, выделены 2 активные культуры.

Ключевые слова: минеральные фосфаты, бактериальные культуры, ризосфера, энтомопатогенные, грибковые.

Abstract. In this article, 20 rhizosphere bacterial cultures were isolated from cotton fields of Khorezm region, their solubility in water-insoluble mineral phosphates and their antagonism to disease-causing fungi in plants were studied, and 2 active cultures were isolated.

Keywords: mineral phosphates, bacterial cultures, rhizosphere, entomopathogenic, fungal

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон шароитида асосий экинлардан бўлган ғўза ўсимлигини етиштиришда, минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш ва уларнинг самарали турларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Деҳқончиликда фосфорли ўғитлардан фойдаланиш коэффицентлари атига 10-20% бўлиб, бу кўрсаткич тупроқнинг кимёвий сингдириш қобилиятига боғлиқ равишда ўзгаради [1,3]. Бу эса фосфорли табиий хом-ашёларнинг кўплаб исроф бўлишига, минерал ўғитларни қўллаш билан биргаликда ўғитлар таркибида бўладиган турли хил оғир металллар билан тупроқни ифлосланишига олиб келади [2,4]. Ўсимликларни фосфор билан озиқланишини яхшилашда ризосфера бактерияларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Ризосфера бактериялари орасида сувда қийин эрийдиган фосфатларни кислота ҳосил қилиш билан эрувчан ҳолатга ўтказувчи вакиллари мавжуд [3,5,6].

Тадқиқот услублари Биз Хоразм вилояти ғўза далаларида ғўза ризосферасида яшовчи бактерияларни соф культураларини ажратиб уларнинг морфологик хусусиятларини ўргандик. Танланган далаларда ғўза илдиз ризосферасини ўрганиш Д.Г. Звягинцев (1991) усули асосида қайта ишлаб чиқилган модификация бўйича намуналар олинди. Намуналар таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлашда тупроқлардан суспензия тайёрлаб уни қайта-қайта суюлтириб озуқа муҳитларга экиш усулидан фойдаланилди. Кислота ҳосил қилиш хусусиятларини ўрганишда Пиковский озуқа муҳитларида ўрганилди. Бунинг учун экилган суспензиялар таркибидаги микроорганизмлар саналгандан сўнг, уларнинг колониялари атрофидаги кальцийфосфат эриган майдонлар ўрганилди.

Тадқиқот натижалари таҳлили: Колониялар атрофининг кўпроқ жойида кальций фосфат эриган микроорганизмлар ажратиб олинди. Уларнинг морфологик хусусиятлари микроскопнинг иммерсион объективи орқали ўрганилди. Ўрганилган микроорганизмлар картошкага агар озуқа муҳитида холодильникда 5-7⁰С да сақланмоқда (1-жадвалга қаранг). Энг кўп кислота ҳосил

килувчи микроорганизм ўрганилиб, уларнинг штаммларни рақамлар билан белгилаб қўйилди. 4 та штамми суюқ Чапек мухитида кўпайтирилди

1. Янгибозор туманидаги Урганч Давлат университетининг ўқув тажриба далаларида (Ўртача кумок).

2. Хива туман “Давронбек” фермер хўжалиги далаларида (Оғир кумок).

3. Хива тумани Пахловон Махмуд жамоа хўжалиги далаларида (қум).

Юқорида кўрсатилган учала далалардан келтирилган тупроқ намуналари таркибидаги фосфорпарчаловчи бактерияларнинг 20 та шўрга чидамли культуралари ажратиб олинди. Шулардан 6 та культура Урганч Давлат университети ўқув тажриба хўжалиги тупроқларидан, 9 та культура “Давронбек” фермер хўжалиги тажриба хўжалиги далаларидан, 6 та культура Хива Пахловон Махмуд жамоа хўжалиги далаларидан ажратиб олинди. Ажратиб олинган микроорганизмлар (бактериялар) колонияларининг кўриниши қуйидагича.

1-жадвал

Шўрга чидамли микроорганизм культураларининг кислота ҳосил қилиш хусусияти (%)

Культураларнинг рақами	суткаларда колонияларининг кислота ҳосил қилиши (%)									
	1	2	3	6	7	10	12	13	15	30
150	0	0	0	60	100	100	100	100	100	100
151	0	0	0							
152	0	0	0	100	100	100	100	100	100	100
153	0	0	0	5						
154		100	100	100	100	100	100	100	100	100
155	0	0	0	55	80	90	90	50	90	100
156	0	0	0	80	80	50	50	30	70	100
157	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
158	90	90	90	100	100	100	100	40	50	50
159	90	100	100	100	100	100	100	100	80	80
160	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
161	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
162	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
163	0	0	0	50	60	80	90	70	80	100
164	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
165	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
166	90	100	100	100	100	100	100	90	90	90
167	100	100	100	100	100	100	100	70	90	90
168	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
169	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
170	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

150. Колониялари ялтироқ, оқ рангли, бир оз бўртган, ўртасида нуқтаси бор. Колонияларининг катталиги 3 мм.

151. Колониялари катталиги 2 мм. Четлари оқиш рангда товланади, ўртасида оқ сарғиш нуқтаси бор.

152. Колонияларининг диаметри 6 мм оқиш рангли.

153. Колониялари катталиги 8-9 мм, оқ ялтироқ рангда, ўрта ва четки қисмлари ялтироқ.

154. Колонияларининг диаметри 4 мм, бўртган ялтироқ оқиш рангли. Флюоресценция эффекти мавжуд.

155. Колонияси очиқ оқ рангли ўрта қисмида кўкиш ранг берувчи нуқтаси ва доғлари мавжуд. Флюоресценция эффекти кузатилади.

156. Колонияларининг диаметри 4 мм, оқиш рангли четлари оқ рангда товланади. Бўртган, ўртаси қизғиш.

157. Колонияларининг диаметри 3 мм, туксимон, товланувчан, ўртасида очиқ оқ рангли нуқтаси бор.

158. Колониялари диаметри 3.5 мм, туксимон ялтироқ оқиш рангли.

159. Колониялари диаметри 5 мм, четлари оқиш рангда товланади.

160. Колонияларининг диаметри 9 мм, оқ рангда ўрта қисми сағиш ялтироқ

161. Колониялари диаметри 3 мм, туксимон ялтироқ ўртаси сарғиш ялтироқ.

162. Колониялари диаметри 4 мм, оқиш ялтироқ товланади. Четлар флюоресценция эффектига эга.

163. Колониялари диаметри 5 мм, оқиш ялтироқ флюоресценцияга эга.

164. Колонияларининг диаметри 1.5 мм, оқ туксимон четлари ва ўрта қисми ялтироқ, тўрлари оқ рангли.

165. Колонияларининг диометри 10 мм, ўрта қисми ялтироқ оқиш рангли четлари қорамтир.
166. Колонияларининг диометри 2 мм, оқ ялтироқ ўртасида нуқтаси бор. Четлари ялтироқлашган.
167. Колониялари диометри 2 мм, оқ ялтироқ ўртасида қорамтир нуқтаси бор.
168. Колониялари катталиги 1 мм, оқ қуруқ тукли четлари тўлқинсимон.
169. Колониялари катталиги 7 мм, оқ мойсимон, ялтироқ, мойсимон, шлимшиқ.
170. Колониялари оқ юза қисми силлиқ, мойсимон, ялтироқ, четлари қорамтир тўлқинсимон.

Ажратиб олинган культуралар тупроқда яшовчи фитопатоген замбуруғлар ривожланиши сусайтириши ўрганилди олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Бунда 169 ва 154-культуралар кислота ҳосил қилиш хусусияти ҳам юқори бўлиб тупроқда яшовчи фитопатоген замбуруғлар ривожланишини сусайтириши юқори эканлигини кўриш мумкин. 154 культура *Rhizoctonia solani* замбуруғи ўстирилган муҳитда 70 мм лизис зона ҳосил қилган бўлса 169 esa 65 мм лизис зона ҳосил қилганлигини кўриш мумкин *Fusarium solani* экилган 2 та культураларда ҳам лизис зона юқори бўлганлиги кузатилди.

2-жадвал

Ажратилган культураларни фитопатоген замбуруғлар ривожланишини сусайтириши

Ризобактериялар культурилари	Фитопатоген замбуруғлар ривожланишини сусайтириши							
	<i>Rhizoctonia solani</i>		<i>Fusarium solani</i>		<i>Verticillium dahliae</i>		<i>Alternaria alternata</i>	
	d, мм	%	d, мм	%	d, мм	%	d, мм	%
№ 152	65	70	35	40	35	40	20	30
№ 154	70	77	60	66	40	44	45	55
№ 167	65	70	56	60	35	40	10	11
№ 169	65	70	60	66	25	30	15	16

Verticillium dahliae, *Alternaria alternata* замбуруғларида лизис зона юқоридаги касаллик чиқарувчи замбуруғлардагига қараганда кам бўлиб 154 –культурада 40-45 мм ни 169–культурада esa унга нисбатан кам бўлганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Хорамз вилояти гўза далалари тупроқларида ўсимликлар томонидан қийин эрийдиган фосфат бирикмаларини осон эрийдиган ҳолатга ўтказиб берувчи бактерияларнинг 20 культураси тарқалган бўлиб шулардан 4 та культураси ўсимликларда касаллик чақирувчи замбуруғлар фаолиятини сусайтирувчи бактериялар эканлиги аниқланди.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Джуманиязова Г.И., Рузметов Р.С., Абдуллаев И.И., Ганджаева Л.А., Тиллабаева Д. Микрофлора в засоленных почвах в Хорезмской области. “Симбиоз”, Россия, 2009. Материалы II Всероссийского с международным участием конгресса студентов и аспирантов – биологов (25 – 29 мая 2009г., Пермь). 110-113-с.
2. Норбоева Х.С. Влияние токсичных солей на ростовую активность фосформобилизующих ризобактерий хлопчатника // «Замонавий микробиология ва биотехнология муаммолари» Республика илмий конференция материаллари. 2009 йил 23 октябр, 90-бет.
3. Эшчанов Р.А., Рузметов Р.С., Закирияева С.И., Норбоева Х.С. Джуманиязова Г.И. Фосформобилизующие бактерии засоленных Хорезма- поиск, выделение и изучение свойств// «Замонавий микробиология ва биотехнология муаммолари» Республика илмий конференция материаллари 2009 йил 23 октябр 100-бет.
4. Джуманиязова Г.И., Рузметов Р.С., Абдуллаев И.И., Ганджаева Л.А., Тиллабаева Д. Микрофлора засоленных почвах Низовьях Амударьи. Тамбовский университет. Экологический проблема мира. Интернет конференция. 145-с.
5. Закиряева С.И. Антогонистическая активность фосформобилизующих ризобактерий // «Замонавий микробиология ва биотехнология муаммолари» Республика илмий конференция материаллари 2009 йил. 23 октябр, 81-бет.
6. Норбоева Х.С. Влияние токсичных солей на ростовую активность фосформобилизующих ризобактерий хлопчатника // «Замонавий микробиология ва биотехнология муаммолари» Республика илмий конференция материаллари 2009 йил 23 октябр 90-бет.

УДК 616.62-022-036.1-073:616.9-02

ДИАГНОСТИКА ВОЗБУДИТЕЛЕЙ ИМП ТРАДИЦИОННЫМИ ФЕНОТИПИЧЕСКИМИ МЕТОДАМИ И С ПОМОЩЬЮ ТЕХНОЛОГИИ МАЛЬТИ- ТОФ

Сапаева Ф.Р., к.б.н., Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников, Ташкент

Annotatsiya. Maqola kasalxonaga yotqizilmagan va kasalxonaga yotqizilgan bemorlarda UTI rivojlanishida E. coli ning etakchi rolini tasdiqlaydi. Malti-Top genetik molekulyar texnologiyasidan foydalanish atipik (fenotip bo'yicha) esherichiyani ishonchli aniqlashga yordam berishi aniqlandi.

Kalit so'zlar: UTI, Malti-Top, *Escherichia zaiifis*, etiologiya, UPEC

Аннотация. В статье подтверждена ведущая роль *E.coli* в развитии ИМП у негоспитализированных и госпитализированных пациентов. Установлено, что использование генно-молекулярной технологии Мальти-Тоф помогает достоверной идентификации атипичных (по фенотипу) эшерихий.

Ключевые слова: ИМП, Мальти- Тоф, *Escherichia vulneris*, этиология, УПЭК

Abstract. The article confirms the leading role of *E. coli* in the development of UTI in non-hospitalized and hospitalized patients. It was found that the use of the genetic molecular technology Malti-Top helps to reliably identify atypical (by phenotype) *Escherichia*.

Key words: UTI, Malti-Top, *Escherichia vulneris*, etiology, UPEC

Многочисленные исследования свидетельствуют, что инфекции мочевыводящих путей (ИМП) занимают одно из лидирующих мест среди всех урологических заболеваний, они встречаются и в поликлинической и в госпитальной практике, а их доля в структуре внутрибольничных инфекций приближается к 40% [9,25]. Частота ИМП всем мире приблизительно 150 млн, чел., около 40% женщин и 12% мужчин хоть раз в течение жизни переносят эту инфекцию, при этом у 20% женщин наблюдаются рецидивы[12,25,18].

Видовой состав микроорганизмов, вызывающих инфекции урологического тракта человека достаточно широк. В этом биотопе могут встречаться грамположительные микроорганизмы – (чаще других энтерококки, стафилококки), грамотрицательные – синегнойная палочка и разные представители обширного семейства Enterobacteriaceae. Однако, ведущее значение принадлежит представителю семейства Enterobacteriaceae - *E.coli*. Роль этого вида для человека многообразна: кишечная палочка является одним из важнейших и постоянных компонентов микробиоты кишечника человека и теплокровных животных и выполняет много полезных функций. В то же время, среди *E.coli* известны не только уропатогенные варианты, но и диареегенные, возбудители менингитов у новорожденных и ассоциированные с септическими состояниями. По многочисленным данным литературы уроштаммы *E. coli*, являются возбудителями ИМП в 70- 90% случаев [6,25]

Материалы и методы

Микробиологическое исследование мочи у больных ИМП проводилось до начала антибактериальной терапии общепринятым методом секторных посевов с определением числа микробных клеток в 1 мл мочи, К возбудителям ИМП относили микроорганизмы, вырастающие в титрах не менее 10^4 – 10^5 КОЕ и выше (степень бактериурии). Анализ результатов микробиологических исследований мочи проводился г. Ташкенте в 2017, 2018 - 2019гг в 3-х ЛПУ г.Ташкента - ООО"Vitros Diagnostics"- у больных ИМП амбулаторного профиля и больных ИМП, госпитализированных в 1-ю гор больницу и в ГУ РСНПМЦ Урологии. Всего за исследованный период от 3298 больных с ИМП было выделено 1623 (49%) культуры микроорганизмов, у 1675 (51%) микробный рост отсутствовал, что соответствует данным литературы.

Идентификация и дифференциальная диагностика осуществлялась общепринятыми методами в соответствии с действующими нормативными документами (НТД республики) и Руководством Берджи [8].

В основе традиционных фенотипических методов диагностики микроорганизмов лежит определение ферментации и оксидации возбудителями различных углеводов, белков и жиров, что позволяет дифференцировать различные таксоны (семейство, род, вид) между собой. Первичный отбор и характеристика выросших колоний выполнялись: на дифференциально-диагностической среде Эндо для грамотрицательных бактерий; на 5% кровяном агаре для грамположительных бактерий; на среде Сабуро для грибов. Выросшие колонии изучались макроскопически (размер, консистенция, гемолиз, пигмент и др.), микроскопически (морфологии клетки, споры, грампринадлежность), по оксидазной и каталазной активности. Кандиды определялись только микроскопией. При выделении грамотрицательных бактерий производили посев за комбинированную среду Клиггера для определения ферментации

глюкозы и лактозы (К или КГ) и продукции сероводорода. Дальнейший ход исследования чистых культур зависел от полученных результатов и, в соответствии с дифференцирующими таблицами НТД и Руководства Берги включал в себя: рост на голодном агаре, подвижность, уреазную активность, индолобразование, реакции с метил-рот и Фогес- Проскауэра, продукцию фенилаланиндезаминазы, лизиндекарбоксилазы, при необходимости- ферментацию других сахаров, многоатомных спиртов и др. При инертности грамотрицательных бактерий на среде Клигlera определяли их принадлежность к группе неферментирующих грамотрицательных бактерий (НГОБ), основным представителем которой является – синегнойная палочка (*P.aeruginosa*). Диагностика этого микроорганизма (при типичных формах) не вызывает особых затруднений благодаря таким манифестным признакам как сине-зеленый пигмент, оксидазная активность, цветочный запах, нередко – «феномен радужного блеска».

При выделении с кровяного агара культур, подозрительных на *S.aureus* использовали: кроличью плазму для определения плазмокоагулазы и хлопьеобразования; желточно-солевой агар и молочно-солевой агар с 6,5% NaCl для определения лецитиназы, пигмента и устойчивости к соли; среду для выявления ДНК-азы, при необходимости – ряд других свойств. Подозрительные культуры на энтерококки изучались после микроскопии в 3-х – 5-ти тестах Шермана, обязательными были тесты на восстановление 0,1% метиленовой сини и резистентность к желчи.

Т.о, приведенные сведения о традиционных фенотипических методах идентификации выделяемых культур свидетельствуют о необходимости использования широкого спектра питательных сред и реактивов, значительных затрат рабочего времени и финансов.

Из 200 госпитальных штаммов *E.coli*, выделенных из мочи больных с ИМП и хранящихся в нашей коллекции, 8 штаммов имели отклонения по отдельным фенотипическим свойствам. В основном, это были «сомнительные» результаты, когда изучаемые изоляты не давали четко читаемых положительных или отрицательных реакций. Эти сомнительные культуры эшерихий (8) и типичные (всего 43 с контрольными штаммами) были дополнительно к традиционным тестам идентифицированы на аппарате Мальти-ТОФ. В качестве контролей использовали эталонный штамм *E.coli* ATCC 25922 и эталонный штамм *S.aureus* ATCC 29213. Кроме того, были исследованы два «диких» штамма – *Lactobacillus rhamnosus* и *Enterococcus faecalis*, выделенные из фекалий больных дисбактериозом. Работа проводилась на базе ГУСЭН ГМУ (Управление Санитарно-эпидемиологического надзора Главного Медицинского Управления при Администрации Президента Республики на аппарате MALDI Biotiper (версия 3.1.66, Bruker Daltoniks, Германия)

Метод идентификации выделенных уроштаммов с помощью новой технологии МАЛЬТИ-ТОФ.

Появление новой «революционной» технологии MALDI-TOF MS (KoichiTanaka, 2002 Нобелевский лауреат[16]) значительно расширило возможности микробиологии (и многих других дисциплин). MALDI-TOF MS (время пролетная матрично-ассоциированная лазерная десорбционная ионизационная масс-спектрометрия) можно сравнить с очень точными и чувствительными *весами*, способными «взвешивать» различные молекулы, в частности, пептиды, белки, нуклеиновые и жирные кислоты [1,3,5,11,17,23]. Здесь мы приводим методику работы с Мальти-Тоф, более подробно остановимся на принципе этого метода в разделе по результатам исследования и обсуждении.

Для проведения в MALDI-TOF MS идентификации возбудителей требуется масс-спектрометр, соответствующая программа и база данных. Методика проведения идентификации проста и состоит из двух этапов: подготовки исследуемой чистой культуры микроорганизма и собственно идентификации.

Подготовка культуры. На подложке масс-анализатора смешивают идентифицируемые микроорганизмы (взяты из чистой культуры, отдельной колонии (среды обогащения) и раствор матрицы. Для подготовки 24 культур требуется 10 минут, для 96 изолятов – 33 минуты.

Идентификация культуры. Подготовленную культуру помещают в масс-анализатор и подвергают воздействию лазерных импульсов (ионизация). Далее процесс идентификации осуществляется с помощью масс-спектрометра *автоматически*, без вмешательства исследователя. Идентификация культуры одного микроорганизма завершается менее чем за 2 минуты. Для идентификации 24-х культур требуется 12 минут, для 96-ти культур – 43 минуты.

Результаты и обсуждение.

Изоляты из мочи больных ИМП, идентифицированные традиционными фенотипическими методами были разделены на 3 условные группы - грамотрицательные, грамположительные и грибы Кандиды (табл 1)

Табл 1.

Группы микроорганизмов, выделенных из мочи пациентов с ИМП в 3-х ЛПУ

Группа	ООО"Vitros Diagnostics" Амбулаторные пациенты	Гор.больница госпитализ-е пациенты	ГУ РСНПМЦ Урологии госпитализ-е пациенты	Всего
Выделено культур	486	114	1023	1623
Грам --	428/88,1	79/69,3	987/96,4	1494/92,0
Грам +	51/10,5	17/14,9	10/1,0	78/4,8
Грибы (кандиды)	7/1,4	18/15,8	26/2,5	51/3,1

Как видно, несмотря на различия в спектре выявленных микроорганизмов, 92% микроорганизмов относились к грамотрицательной флоре. Надо отметить высокую частоту высеваемости кандид в 1-й гор больнице (15,8%) в сравнении с двумя другими ЛПУ (1 % - 2,5%)., что вероятнее всего связано с чрезмерным использованием антибиотиков.

Табл. 2.

Роды и виды семейства энтеробактерий, выявленные в моче больных ИМП трех ЛПУ

/Род, вид	ОООВитрос	1-гор.больница	ГУ РСНПМЦ Урологии	Всего семейства)	(от
E.coli	310-72,4%	52/65,8	732/74.2 %	1094 - 77.2%	
K.pneumoniae	14-3,3%	13-16,4	120-12%	147- 10,4 %	
Род Proteus	31-7,2%	5 6,3	58-5,6%	94 -\6,6%	
Род Enterobacter	61-14,2%	6-7,6	5-0,4%	72 --5%	
Род Citrobacter	-	-	6-0,6%	6 --0,4%	
Всего сем. Enterobacteriaceae	416	76	921	1413	

К представителям семейства Enterobacteriaceae относилось 1413 культур, при этом 77.2% были идентифицированы как E. coli, 10,4% как Klebsiella pneumoniae; другие энтеробактерии из-за малой численности видов представлены родами – р. Proteus, р. Enterobacter и р.Citrobacter 6,6%, 5,0% и 0,4% соответственно. Полученные данные соответствуют многим исследованиям [15,19,21] о ведущей роли E.coli в развитии в ИМП. НГОБ в диагностических титрах в моче больных ИМП обнаруживались редко – из 77 изолятов 63 (81,8%)относились к P. aeruginosa, 4 к Acinetobacter (18,2%).

Поскольку далее мы приводим результаты идентификации уроштаммов с помощью Мальти- Тоф, целесообразно привести некоторые сведения об особенностях этой новой технологии. Идентификация микроорганизмов в Мальти- Тоф основана на определении уникального для каждого вида микроорганизмов набора белков – своеобразный «отпечаток пальца» (фингерпринтинг) микроорганизма, «протеомная дактилоскопия». Идентификация осуществляется в основном по рибосомальным белкам, которые присутствуют во всех микроорганизмах. Метод, основан на дезинтеграции микробных клеток до белковых фрагментов с последующим сравнением полученных спектров с масс-спектрами из баз данных, которые постоянно пополняются и.гарантируют надежную идентификацию бактерий, дрожжей и грибов. Белки бактерий кодируются геном малой субъединицы рибосомальной РНК 16S бактериальной клетки (для грибов это 28S). Ген, кодирующий 16S РНК – идеальный маркер для идентификации микроорганизмов (визитная карточка бактерий). Консервативная

часть этого гена (т.н. «эволюционные часы») характерна только для прокариот, но не для эукариот и вирусов и определение кодируемых этим геном белков подтверждает принадлежность к бактериям. Белки гипервариабельных участков гена расшифровывают таксономическую принадлежность микроорганизма (отдел, семейство, род, вид). Сегодня MALDI-TOF MS используется во многих лабораториях мира – это быстрый, простой и недорогой метод идентификации бактерий и грибов [10,20,2].

Ниже мы приводим результаты микробиологической диагностики уропатогенных эшерихий по результатам общепринятых фенотипических методов и параллельно – по результатам генно-молекулярного тестирования по технологии

Табл.3.

Результаты идентификации уропатогенных эшерихий традиционными фенотипическими методами и с помощью МАЛЬТИ-ТОФ

№	Эталонные и контрольные штаммы, диагноз клинический	Диагноз микробиологический (род, или вид)	Атипичные свойства при фенотипической идентификации	Результат по Мальти-Тоф
1	Эталонный E.coli ATCC 25922	E.coli	Атипич.отсутств.	Escherichia coli
2.	Эталонный S.aureus ATCC 29213	Staphylococcus aureus	Атипич.отсутств.	Staphylococcus aureus
3.	Дисбактериоз	p.Lactobacterium	Атипич.отсутств.	Lactobacillus rhamnosus
4.	Мочекаменная болезнь	Энтерококк	Атипич.отсутств.	Enterococcus faecalis
5.	Послеоперационная ИМП	E.coli	Индол +/-, сорбит -	E.vulneris
6.	Гнойный уретрит	E.coli	На н/а агаре желтый пигмент	E. vulneris
7.	ИМТ острый уретрит	E.coli	Индол +/-, сорбит -	E. vulneris
8.	ИМП Острый цистит	E.coli	Индол +/-, сорбит -	E.vulneris
9.	Осл.ИМП гематурия	E.coli	Лактоза газ +/- ;сорбит -	E. fergusonii
10.	Осл.ИМП острый уретрит	E.coli	Арабиноза К; рост на агаре Симмонса	E. fergusonii
11.	ИМП острый цистит	E.coli	Арабиноза +/-	E.coli
12.	Осл.ИМП нефроктоз	E.coli	Лактоза газ +/-	E.coli
13.	Осл.ИМП Доброкачественная гиперплазия +киста	E.coli	Индол +/-	E.coli
12 по 43	Осл.ИМП, пиелонефрит и др диагнозы	E.coli	Атипич.отсутств	E.coli

Условные обозначения: **К** – кислота при расщеплении углевода; **н/а** –нейтральный питательный агар; **+**реакция положительна; **-** реакция отрицательна; **+/-** реакция положительная нечеткая; **-/+** реакция слабо положительна.

Из 8-ми сомнительных культур 3 штамма в Мальти-Тоф были идентифицированы как атипичные E. coli. Другие 5 штаммов с отклонениями от типовой характеристики были идентифицированы как малоизвестные виды. 3 из них были диагностированы по Мальти-Тоф как E.vulneris. Этот вид описан как изолят из внешней среды, в том числе из воды, но может обнаруживаться и у человека, и у животных. Известны случаи выделения E.vulneris, при диарее и сепсисах новорожденных, гастроэнтеритах, уросепсисах[22,8]. Два штамма были отнесены к E.fergusonii - его относят к условным патогенам, вызывающим ИМП, на долю E.fergusonii приходится до 11,0% от общего числа возбудителей внебольничных ИМП. Кроме того, есть данные о выделении этого вида эшерихий из кишечника теплокровных животных, редко из кишечника людей, от цыплят-бройлеров. У E.fergusonii, выделенных от цыплят-бройлеров, обнаружены многочисленные гены вирулентности и устойчивости к нескольким классам антибиотиков, локализованные в хромосоме и плазмидах [7]. Это свидетельствует не только

об опасности для людей употребления в пищу недостаточно обработанной домашней птицы, но и о возможном распространении в окружающей среде генов множественной резистентности к антибиотикам.

Вывод 1. Подтверждена ведущая роль *E.coli* в развитии ИМП у негоспитализированных и госпитализированных пациентов.

2. Использование генно-молекулярной технологии Мальти-Тоф помогает достоверной идентификации атипичных (по фенотипу) эшерихий.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аминова П.Г. Результаты идентификации бактерий из положительных гемокультур пациентов многопрофильного стационара с помощью MALDI-TOF масс-спектрометрии / Аминова П.Г., Руднов В.А., Кармацких О.Г., Невская Н.Н., Бельский Д.В., Иванова Н.А. // КМАХ.-2018. Том 20. №4, 380-385

2. Глушанова Н.А. Масс-спектрометрическая идентификация микроорганизмов / Глушанова Н.А., Блинов А.И., Алексеева Н.Б. // «Ветеринарные науки» МвК 2015 № спец выпуск 2 URL

3. Попов Д.А. Экспресс-идентификация положительных гемокультур с помощью метода прямой MALDI-TOF масс-спектрометрии / Попов Д.А., Овсенко С.Т., Вострикова Т.Ю. // Анестезиология и реаниматология. 2015; 5: 71-75.

4. Приказ Минздрава СССР от 22.04.1985 п 535 "Об унификации микробиологических (бактериологических) методов исследования, применяемых в клинко - диагностических лабораториях лечебно - профилактических учреждений"

5. Припутневич Т.В., Припутневич Т.В., Мелкумян А.Р. Масс-спектрометрия — новое слово в клинической микробиологии / Припутневич Т.В., Мелкумян А.Р., // Клиническая лабораторная диагностика. 2016; 61(12) DOI: <http://dx.doi.org/10.18821/0869-2084-2016-61-12-842-848>

6. Рафальский В.В., Довгань Е.В. Резистентность возбудителей инфекций мочевыводящих путей и выбор антимикробной терапии: обманчивая простота // Журнал урология.- 2017.- №3.- С.104-110

7. Baek S. D., Hemolytic uremic syndrome caused by *Escherichia fergusonii* infection / Seung Don Baek, Chinhak Chun, and Kyoung Sup Hong // *Kidney Res Clin Pract.* 2019 Jun; 38(2): 253–255. Published online 2019 Jun 30. doi: 10.23876/j.krcp.19.012 PMID: PMC6577213 PMID: 30970393

8. Bergey's Manual of Systematic Bacteriology, Second Edition (10), Volume Two, The Proteobacteria, Part B, The Gammaproteobacteria. / Don J. Brenner, Noel R. Krieg, James T. Staley editors; George M. Garrity editor-in-chief. 2001-2004

9. Chu CM. Diagnosis and treatment of urinary tract infections across age groups / Chu CM, Lowder JL // *Am J Obstet Gynecol.* 2018 Jul; 219(1): 40-51. doi: 10.1016/j.ajog.2017.12.231. Epub 2018 Jan 2. PMID: 29305250.

10. El-Bouri K., Comparison of bacterial identification by MALDI - TOF mass spectrometry and conventional diagnostic microbiology methods: agreement, speed and cost implications / El-Bouri K., Johnston S., Rees E., Thomas I., Bome-Mannathoko N., Jones C. et al // *Br. J. Biomed. Sci.* 2012; 69(2): 47—55.

11. Ferreira L., Sánchez-Juanes F., Muñoz-Bellido J.L., González-Buitrago J.M. Rapid method for direct identification of bacteria in urine and blood culture samples by matrix-assisted laser desorption ionization time-of-flight mass spectrometry: intact cell vs. extraction method. *Clin Microbiol Infect.* 2011; 17: 1007-1012.

12. Foxman B. The epidemiology of urinary tract infection // *Nature Rev. Urol.* – 2010. – Vol. 7. – P. 653-660.

13. Hrabak J., Walkova R., Studentova V., Chudácková E., Bergerová Carbapenemase activity detection by matrix-assisted laser desorption ionization-time of flight mass spectrometry. *J. Clin. Microbiol.* 2011; 49 (9): 3222—7.

14. Hrabak J., Studentova V., Walkova R., Zemlicková H., Jakubu V., Chudácková E. et al. Detection of NDM - 1, VIM -1, KPC , OXA-48, and OXA-162 carbapenemases by matrix-assisted laser desorption ionization—time of flight mass spectrometry. *J. Clin. Microbiol.* 2012; 50(7): 2441—3.

15. Karen J. Marcante, Robert M. Kliegman, Urinary Tract Infection // Book chapter.- Nelson Essentials of Pediatrics, Chapter 114, 416-417. 2019

16. Koichi Tanaka Nobel Prize in Chemistry (2002) “for the development of soft desorption ionisation methods for mass spectrometric analyses of biological macromolecules” General Manager, Mass Spectrometry Research Laboratory, Shimadzu Corporation, Kyoto, Japan The Power List 2013

17. Lark A.E., Kaleta E.J., Arora A., Wolk D.M. Matrix-assisted laser desorption ionization time of flight mass spectrometry: a fundamental shift in the routine practice of clinical microbiology. *Clin. Microbiol. Rev.* 2013; 26(3): 547—603.

18. Liu Shiwei Recurrent urinary tract infections caused by multidrug-resistant uropathogenic *Escherichia coli* implications for diagnosis and treatment / Liu Shiwei, Ning Zhang, Zeliang Chen. // *Europ. Urol.* – 2013. – Vol. 63, №2. – P. 410-411.

19. Matthew J. Fagan M.D., Megan S., Urinary tract infection.- Book chapter – Ferri's Clinical Advisor 2020. 1422-1424

20. Patel R. Matrix-assisted laser desorption ionization-time of flight mass-spectrometry in clinical microbiology. *J Clin Infect Dis* 2013; 57: 564-72.

21. Roger P. Smith MD. Urinary Tract Infection/ Netter's Obstetrics and Gynecology, 80, 171-174

22. Sarika Jain. Escherichia vulneris: an unusual cause of complicated diarrhoea and sepsis in an infant. /Sarika JainRajniGaiind, DaramNagarjunet.all// New Microbes and New Infections, Volume 13 Number C, September 2016
23. Shah H.N. Matrix-assisted laser desorption/ionization time-of-flight mass spectrometry and proteomics: a new era in anaerobic microbiology/Haroun N Shah, Carrina J Keys, Oliver Schmid, Saheer E Gharbia//Clin. Infect Dis.-2002 Sep 1; 35(Suppl 1):S58-64.- doi: 10.1086/341922.PMID: 12173110 DOI: 10.1086/341922
24. Talan D.A. Fluoroquinolone resistant and extended-spectrum β -lactamase-producing Escherichiacoli infections in patients with pyelonephritis / Talan D.A., Takhar S.S., Krishnadasan A. et al. // Emerg. Infect. Dis. –2016. – Vol. 22, N.9. – P. 1594-1603
25. Waller T.A. Urinary Tract Infection Antibiotic Resistance in the United States. /Waller TA, Pantin SAL, Yenior AL, Pujalte GGA. // Prim Care. 2018 Sep;45(3):455-466. doi: 10.1016/j.pop.2018.05.005. Epub 2018 Jul 9. PMID: 30115334

УЎК 581.9.(527.4)

ХИСОР ДАВЛАТ ҚҰРИҚХОНАСИ ФЛОРАСИДАН АНИҚЛАНГАН КАМЁБ ВА ЭНДЕМ БЎЛГАН ТОПИЛМАЛАР

О.Т. Тургинов, к.и.х., (PhD), ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Ф.А. Азизова, кичик илмий ходим, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Т.Б. Аромов, бўлими бошлиғи, Хисор давлат қўриқхонаси, Қизилсув

Аннотация. Мақолада Фарбий Хисор округининг Қашқадарё ботаник-географик ҳудудида жойлашган Хисор давлат қўриқхонаси ва ушбу қўриқхонада олиб борилган қўриқхонанинг флористик таркибини аниқлаш тадқиқотлари келтирилган.

Калит сўзлар: Тоғли Ўрта Осиё провинцияси, Фарбий Хисор округи, Қашқадарё ботаник-географик ҳудуди, Хисор давлат қўриқхонаси, флористик таркиб, Қизил китоб, ТАШ.

Аннотация. В статье представлены исследования по определению флористического состава Гиссарского государственного заповедника, расположенного в Кашкадарьинском ботанико-географическом районе Западно-Гиссарского района, и заказника, проведенного в этом заповеднике.

Ключевые слова: Горная Среднеазиатская провинция, Западный Гиссарский округ, Кашкадарьинский ботанико-географический район, Гиссарский государственный заповедник, Флористическая композиция, Красная книга, ТАШ.

Abstract. The article presents studies on the determination of the floristic composition of the Hissar State Reserve, located in the Kashkadarya Botanical and Geographical region of the West Hissar district, and the reserve conducted in this reserve.

Keywords: Mountain Central Asian Province, Western Hissar District, Kashkadarya Botanical and Geographical Area, Hissar State Reserve, Floral composition, Red Book, TASH.

Кириш. Хисор давлат қўриқхонаси Ўзбекистон ботаник-географик районлаштириш тизимида кўра, Тоғли Ўрта Осиё провинцияси, Фарбий Хисор округининг Қашқадарё ботаник-географик районида жойлашган (Тоҗibaev et al., 2016) [5]. Маъмурий жихатдан Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ва Шахрисабз туманлари ҳудудларига тўғри келади. Хисор давлат қўриқхонаси 1983 йил Қизилсув ва Мираки қўриқхоналарини бирлаштириш натижасида ташкил қилинган. Умумий ер майдони 80986 га бўлиб 4 та бўлимни ўз ичига олади. Қизилсув бўлими 30000 га., Танхоз дарё бўлими 22000 га., Мираки бўлими 18560 га., Филон бўлими 10426 га иборат. Хисор давлат қўриқхонаси республикаимиз ҳудудидаги қўриқхоналар орасида табиати, жойлашган ўрни, иқлими, флораси ва фаунаси билан ўзига хос алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги қадар мазкур ҳудуд флораси таркибида 1000 га яқин тур борлиги тахмин қилинади. Шулардан 25 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби (2009) саҳифаларидан жой олган (айрим адабиётларда 36 тур келтирилган) [12,13]. Хисор давлат қўриқхонаси флорасида ҳозирга қадар Б.А. Федченко, В.И. Липский, А.Э. Регель, Р.И. Ташмухаммедова, М.Г. Попов, Р.В. Камелин, Ф.О. Хасанов, И.И. Мальцев сингари олимлар тадқиқотлар олиб боришган ва фан учун янги турларни кашф этишган. Шу вақтга қадар минтақа флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар сони кўп бўлишига қарамадан, аниқ мақсадли флористик, яъни флорани инвентаризация қилишга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бу эса ҳудуд флорасини ўрганишга бўлган заруратлар қаторида баҳоланади. Адабиётларда келтирилган маълумотлар ҳамда мазкур минтақага ёндош бўлган ҳудудларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, бу ҳудудда ўзига хос бўлган эндем, камёб турларга бойлигини кўриш мумкин. Шуларни инобатга олиган ҳолда қўриқхонанинг илмий ходимлари ва Фанлар академияси Ботаника институти олимлари билан ҳамкорликда қўриқхонанинг флористик таркибини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Кўриқхоналар дастлаб ташкил қилинганда илмий ишлар табиий шароитларни ўрганиш, фауна ва флорани рўйхатга олишдан иборат еди, холос. Ҳозирги вақтда айрим кўриқхоналарда жониворлар ва ўсимликларнинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш ва сақлаб қолиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз ҳаётида кўриқхоналарнинг ўрни жуда каттадир. Улар ажойиб ва бетакрор ландшафтларни сақлаб қолмоқда. “Ҳисор давлат кўриқхонасининг кўриқланма зонасини белгилаш чора-тадбирлари” тўғрисида “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019-йил 20-мартдаги ПҚ-4247-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган.

Тадқиқот методлари: Ҳисор давлат кўриқхонасида 2018-2020 йилларда давомида дала тадқиқотлари олиб борилган. Дала тадқиқотлари А.В. Щербаков, С.Р. Майоровлар (2006) томонларидан ишлаб чиқилган маршрутли методдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган [18]. Турларнинг таксономик бирликларини аниқлашда 11 жилдли “Определитель растений Средней Азии” (1968-2016), 6 жилдли “Флора Узбекистана” (1941-1962) [15,16], 30 жилдли “Флора СССР” (1934-1964) асарларидан фойдаланилди [14]. Туркум ва турларнинг номлари “Определитель растений Средней Азии” (2015), International Plants Names Index (www.ipni.org) [2] ва POWO (www.plantsoftheworldonline.org) сайтлар бўйича келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, С.Е. Powell (1992) [1] қўлланмаси асосида, камёб ва эндем турларни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоб асосида (2009) амалга оширилди. Йиғилган гербарий намуналарини аниқлашда Е.В. Ключиков (*Apiaceae*), Ф.О. Хасанов (*Astragalus*), Г.А. Лазьков (*Caryophyllaceae*), А.Н. Сенников, Н.Ю. Бешко (*Cousinia* айрим турлари) сингари олимларнинг маслаҳатларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Олинган натижалар: 2018-2020 йилларда Ҳисор давлат кўриқхонасининг Филон бўлимида кўриқхонанинг ходимлари билан биргаликда дала тадқиқотлари олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида 200 дан ортиқ юксак гулли ўсимлик турларининг 300 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилди, таксономик бирликлар бўйича аниқланди. Гербарий намуналари тўлиқ расмийлаштириб, Фанлар академияси Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарийси фондига топширилди. Дала тадқиқотлари давомида, кўриқхона флорасидан *Scutellaria ramosissima* Роров - Шохланган кўкаморон (*Lamiaceae*) [15], (1 расм) ва *Euphorbia buhsei* Boiss. - бузе сутламаси (*Euphorbiaceae*) [8] Ҳисор тизмаси флораси учун биринчи мартаба келтирилди (2-расм). Мавжуд илмий манбаларда, хусусан “Определитель Растений Средней Азии” (1968–1993 йй.) асарида мазкур турлар Ҳисор тизмаси учун қайд этилмаган. Ўзбекистон Миллий гербарийсида сақланаётган намуналарини ўрганиш ҳам аниқланган турларни Ҳисор тизмаси, шунингдек, Ҳисор кўриқхонаси учун янги тур эканлигини кўрсатди.

Ҳисор тизмасининг эндемлари, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган куйидаги камёб турларнинг кўриқхона ҳудудидаги янги ўсиш жойлари аниқланди:

1. *Astragalus komarovii* Lipsky - Комаров астрагали (*Fabaceae*) [2,3,4,7]. Камёблик даражаси 1. Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқларидаги камёб тур бўлиб, Қашқадарё вилояти Яққабоб туманининг Кўл ва Шут қишлоқлари атрофларида тарқалган. Мазкур турнинг тарқалиши, табиий популяцияларининг ҳолати бўйича маълумотлар жуда ҳам кам. Ўзбекистон Миллий Гербарийси фондида фақатгина битта намуна мавжуд бўлиб, 1942 йилда терилган: “Р. Шинг, сай Гурдара, арчевник. 22.06.1942, Г.С.Чугаева, Г.А.Сергеева”. Олиб борилган тадқиқотлар давомида Ҳисор давлат кўриқхонаси Филон бўлимида ушбу турнинг янги популяцияси аниқланди: “Памиро-Алай, Гиссарский хребет, Гиссарский государственный заповедник, окрестности кишлака Гилан, мелкоземистые почвы. 2200 м.н.у.м. N 39 035 241; E 067 484 048, 29 август 2018. Тургинов, Хужанов, Тухтаев, Мухаммадиев, Жумаев”. Намуналар проф. Ф.О. Хасанов томонидан аниқланган. Ушбу популяция сийрак арчазор орасида тарқалган бўлиб, 200 x 200 метрга тенг майдонда ўсимликнинг 10 дан ортиқ тупи аниқланди (3 расм).

2. *Cousinia praestans* Tscherneva & Vved. - Гужтук карпак (*Asteraceae*) [2,3,4]. Камёблик даражаси 1. Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб, эндем тур бўлиб, Ҳисор тизмасида тарқалган [6,10,17]. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий Гербарий фондида санокли гербарий намуналари сақланмоқда: “Западный Памиро-Алай. Басс. реки Кашка-Дарья. К. Кап-ган-Агач, на правом берегу р. Аякчи. В скалист. обрывы. 1954 г. VI.23. № 661х. Собр. А. Пятаева”. Мазкур тадқиқотлар давомида Ҳисор давлат кўриқхонаси Филон бўлимида турнинг янги популяцияси топилди: “Памиро-Алай, Гиссарский хребет, Гиссарский государственный заповедник, окрестности

кишлака Гилан, мелкоземистые почвы. 2200 м.н.у.м. N 39 035 241; E 067 484 048, 29 август 2018. Тургинов, Хужанов, Тухтаев, Мухаммадиев, Жумаев”. Намуналар О.Т. Тургинов и Н.Ю. Бешко томонидан аниқланди. Ушбу популяция йирик харсанг тошлар орасидаги майин тупроқларда умумий туплар сони 10 дан ортик эканлиги аниқланилди (4 расм).


3. *Acantholimon butkovii* Lincz. – Бутков кирпийти (*Plumbaginaceae*) [2,3,4,6]. Ўзбекистон флораси учун эндеми, тор тарқалиш ареалига эга бўлган камёб турлардан бири ҳисобланади [11]. Ҳозирга қадар олиб борилган изланишларда ушбу тур фақатгина Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқлари Бойсун тоғининг Хўжа Гургур-ота, Кетмон-чопти тоғларида тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эди. Изланишларимиз давомида турнинг Гилон қишлоғи атрофидаги сийрак арчазорларда ҳам тарқалгани маълум бўлди: “Памиро-Алай, Гиссарский хребет, Гиссарский государственный заповедник, окрестности кишлака Гилан, мелкоземистые почвы. 2200 м.н.у.м. N 39 035 241; E 067 484 048, 29 август 2018. Тургинов, Хужанов, Тухтаев, Мухаммадиев, Жумаев”. Намуналар Н.Ю. Бешко томонидан аниқланди (5 расм).

4. *Pedicularis grandis* Popov ex Vved. - Йирик шеролчин (*Scrophulariaceae*) [2,3,4,9]. Камёблик даражаси 0 тенг. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем тур. Турнинг илк намуналари М.Г. Попов томонидан 1916 йилнинг май ойида Гилон қишлоғи атрофидан терилган (Шахризабъ: Гилянъ, въ тени тополевой рощи-сада. 842 19.05.1916 Попов М.Г.). шу намунадан сўнг бошқа тур тўғрисида маълумотлар келтирилмаган.

Ҳисор тизмаси учун аниқланилган янги турлар



1-расм. *Scutellaria ramosissima* Popov - Шохланган кўкаморон



2-расм. *Euphorbia buhsei* Boiss. - Бузе сутламаси

Янги ўсиш жойлари аниқланган Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2009) киритилган турлар

Изланишларимиз давомида турнинг мазкур тадқиқотлар давомида Ҳисор давлат кўрикхонаси Гилон бўлимида (кардон) турнинг популяцияси топилди: “Памиро-Алай, Гиссарский хребет, Гиссарский государственный заповедник, окрестности кишлака Гилан, мелкоземистые почвы. 2200 м.н.у.м. N 39 035 252; E 067 484 258, 29 август 2018. Тургинов, Хужанов, Тухтаев, Мухаммадиев, Жумаев”. Намуналар О.Т. Тургинов томонидан аниқланди. Тур тошли, майда майин тупроқларда ўсиши, популяциядаги туплар сони 50 га яқин эканлиги аниқланилди. Қизил китоб саҳифаларида тур бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса керак, деб ёзилган жумлаларни алмаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди (6 расм).



3-расм. *Astragalus komarovii* Lipsky - Комаров астрагали



4-расм. *Cousinia praestans* Tscherneva & Vved. - Гужтук каррак



5-расм. *Acantholimon butkovii* Lincz. – Бутков кирпиўти



6-расм. *Pedicularis grandis* Попов ex Vved. - Йирик шеролчин

Хулоса: Ҳисор давлат кўриқхонаси Республикамиз ҳудудидаги кўриқхоналар орасида табиати, жойлашган ўрни, флораси ва фаунаси ўзига хос бўлган алоҳида аҳамиятга эга бўлган минтақалардан бири бўлиб, кўриқхона флора таркибидаги юксак ўсимликларнинг тур таркиби тўлиқ инвентаризация қилинмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турларнинг сонидан аниқлик мавжуд эмаслиги, флора таркибида мавжуд бўлган камёб, реликт ва тор тарқалиш ареалига эга бўлган турлар тўғрисида маълумотлар етарли даражада эмаслиги ва мазкур ҳудудда аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотнинг олиб борилмаганлиги инобатга олган ҳолда, ушбу кўриқхона флорасида тадқиқотлар олиб бориш керак. Аниқ мақсадли тадқиқотлар натижасида, ушбу кўриқхонанинг биологик хилма-хиллиги аниқланиши билан бир қаторда, ҳимояга муҳтож бўлган яъни биотик ва абиотик омиллар таъсири натижасида камайиб бораётган турлар аниқланилади, Ўзбекистон флораси, Ҳисор тизмаси ва фан учун ҳам янги ботаника топилмалари маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brummitt R.K., Powell C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. – Kew, 1992. – P. –732.
2. International Plant Names Index [Электронный ресурс]. – URL: www.ipni.org
3. Plants of the World online [Электронный ресурс]. – URL: https://www.kew.org/science
4. The Plant List [Электронный ресурс]. – URL: www.theplantlist.org
4. Тожобаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101).
5. Линчевский И.А. Род. *Acantholimon* Boiss. – Акантолимон. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. Т. X. С.7-26.
6. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. . Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016. Т. VI. С. 187
7. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. . Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016. Т. VII. С. 68.
8. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. . Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016. Т. IX. С. 266.
9. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. . Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016. Т. X. С. 343.
10. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. . Т. - Ташкент: Фан, 1968 – 2016. Т. X. С. 19
11. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томли – Тошкент: Chinog ENK, 2006. Т.1. – 343 б.
12. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томли – Тошкент: Chinog ENK, 2009. Т.1. – 356 б.
13. Флора ССР. В 30 т. М.Л.: изд. АН СССР, 1934-1960.
14. Флора Узбекистана. В 5 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
15. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
16. Чернева О.В. Род *Cousinia* Cass. – Кузиния. Флора Узбекистана. – Ташкент: Акад. Наук УзССР, 1962. Т.V. С. 230-331.
17. Щербиков А.В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методические рекомендации). – Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006. – С.48.

УЎТ 633.511:631.52:575.22

БАРГ ПЛАСТИНКАСИНИНГ ҚАЛИНЛИГИ БЎЙИЧА ЎЗГАРУВЧАНЛИК, ИРСИЙЛАНИШ ВА ИРСИЯТГА УЗАТИЛИШ КЎРСАТКИЧИ

Ж.Қ. Умарова, б.ф.н., Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. ва *G.hirsutum* L. турлари иштирокида олинган тизмаларни анализатор тизма билан дурагайлаш асосида олинган дурагайларда барг пластинкаси қалинлигининг авлодларда ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги аниқланди.

Калим сўзлар: *G.tomentosum* Nutt. ex Seem., *G.hirsutum* L., барг пластинкаси, ирсийланиш ва ўзгарувчанлик.

Аннотация. *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. а у гибридов, полученных на основе гибридизации гребней с гребнем-анализатором в присутствии видов *G. hirsutum* L., установлена наследование и изменчивость толщины листовой пластинки в поколениях.

Ключевые слова: *G.tomentosum* Nutt. ex Seem., *G.hirsutum* L., листовая пластинка, наследственность и изменчивость.

Abstract. *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. and in hybrids obtained on the basis of hybridization of ridges with the analyzer ridge in the presence of *G. hirsutum* L. species, the inheritance and variability of leaf plate thickness in generations was determined.

Key words: *G.tomentosum* Nutt. ex Seem., *G.hirsutum* L., leaf plate, heredity and variability.

Қишлоқ хўжалик экинларининг кўпчилиги турли зараркундалар билан ҳар хил даражада зарарландилар. Ўсимликларни зараркундалардан химоя қилишнинг мавжуд усуллари атроф муҳитни ҳар хил зарарли таъсирлардан, хусусан, пестицидлар билан ифлосланишдан сақлаш учун имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалардан химоя қилишнинг энг самарали ва қулай йўли - бу ушбу зараркундаларга чидамли навларни ажратишдир. Бу усул пестицидлардан фойдаланишни кескин камайтиради, ҳар хил кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағни тежайди, экологик муҳитни кимёвий дори моддалари ва уларнинг ҳосилалари билан ифлосланишдан сақлайди.

Ўғзанинг ёввойи авлодлари иштирокида олинган интрогрессив шакллардан фойдаланиш, касаллик ва зараркундаларга чидамли навларнинг экилиши зараркундаларнинг умумий сонига, серпуштлигига ва бошқа биологик хусусиятларига таъсири бўйича қатор илмий натижалар олинган [9,10].

G.arboreum, *G.herbaseum*, *G.anamalum*, *G.thurberi* диплоид турлари, шунингдек ёввойи холда ўсувчи полиплоид *G.tomentosum* турининг фойдали генларини маданий *G.hirsutum* тури геномига ўтказиш натижасида вилтга чидамли, йирик кўсақли, узун толали тижорат дурагайлариининг авлодбошиси бўлган рекомбинантлар яратилган (Central Institute for cotton Research, Nagpur ва бошқалар); ўғзанинг маданий ва ёввойи турларни чатиштиришдан кўп миқдордаги *Gossypium* туркумининг муртак плазмалари ресурслари олинган (Institute of Genetics Chinese Academy of Sciences, Shaanxi Academy Agricultural Science (Китай); вертициллез вилт ва сўрувчи зараркундаларга нисбатан чидамли ўза тизмалари ва навлари яратилган. Ёввойи *G.trilobum skovsted* диплоид тури иштирокида олинган интрогрессив шаклларнинг генетик потенциали ва унинг вилтга ҳамда зараркундаларга чидамлилик билан боғлиқлиги аниқланган; интрогрессив шакллар иштирокида олинган дурагайларда микдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, F_1 дурагайларида вертициллез вилтга чидамлилик доминант характерда ирсийланиши аниқланган [1].

1-жадвал

Ў2 ўсимликларида барг пластинкаси қалинлигининг ўзгарувчанлиги ва ирсийланиш кўрсаткичи

T/p	Ў2 дурагай ўсимликлар	n	M±m	σ	V%	h ²
6.	Л-001 х Т-5/8	125	230,5±0,61	6,83	2,96	0,20
7.	Т-5/8 х Л-001	111	246,0±0,71	7,51	3,05	0,25
8.	Л-001 х Т-21/24	116	220,0±0,29	6,89	3,13	0,39
9.	Т-21/24 х Л-001	118	202,1±0,81	8,83	4,37	0,47
10.	Л-001 х Т-25/27	118	242,0±0,95	10,37	4,28	0,42
11.	Т-25/27 х Л-001	110	264,9±0,89	9,42	3,55	0,47
12.	Л-001 х Т-26	120	202,4±0,92	10,11	4,99	0,50
13.	Т-26 х Л-001	133	220,1±0,98	11,30	5,13	0,40
14.	Т-5/8 х Т-21/24	145	245,1±0,84	10,22	4,17	0,44
15.	Т-21/24 х Т-5/8	134	267,1±0,86	9,95	3,72	0,41
16.	Т-5/8 х Т-25/27	131	290,0±0,94	10,82	3,73	0,39
17.	Т-25/27 х Т-5/8	152	293,5±0,85	10,59	3,60	0,36
18.	Т-5/8 х Т-26	124	266,1±0,85	9,57	3,59	0,31
19.	Т-26 х Т-5/8	119	246,1±0,87	9,50	3,85	0,38
20.	Т-21/24хТ-25/27	121	270,2±0,86	9,47	3,50	0,45
21.	Т-25/27х Т-21/24	128	284,1±0,89	10,14	3,56	0,41
22.	Т-21/24 х Т-26	115	265,4±0,94	10,08	3,79	0,44
23.	Т-26 х Т-21/24	158	234,3±0,74	9,33	3,98	0,36
24.	Т-25/27 х Т-26	136	275,4±0,95	11,12	4,03	0,47
25.	Т-26 х Т-25/27	122	240,0±0,85	9,45	3,93	0,42

Фарғона водийси шароитида турли даражада шўрланган тупроқларининг ўза ниҳоллари ўсиб ривожланиши, барг сатҳининг ўзгариб бориши, барг пластинкасининг қалинлиги, хужайра шира концентрацияси, ҳосил шохи бўғин ораликлари ҳамда кўсақ бўғин ораликлари, ҳосил тўплаши ва кўсақларнинг очилишига таъсири аниқланган. Кўпчилик муаллифлар, жумладан Б.А.Келлер, Д.А.Шутов, В.А.Навиков, В.А.Бровцина, Б.П.Строгонов ва Е.Ф.Иваницкая ва бошқалар барг пластинкасининг қалинлашувига тупроқнинг шўрланиши ўзада пайдо бўлган суккулентликнинг (шўр ерда ўсган ўза баргининг қалин ва сер сув бўлиши) аниқ ифодаланган белгиси сифатида қарашлари, бунда эса барг пластинкаси асосан сувли тўқима булутсимон паренхиманинг кўпайиши ҳисобига қалинлашиши аниқланган. Бундан ташқари барг шира концентрацияси тупроқ шўрланиш даражасига қараб ўзгариб бориши баён этилган [4].

Ўзанинг чидамлилигини таъминловчи омиллардан бири, бу паразитларнинг таъсир қилишига механик барьер яратадиган ўсимлик барги тузилишининг анатомик-морфологик хусусиятлари ҳисобланади. Ўза баргининг анатомик-морфологик таҳлилидан чигитга ҚН билан ишлов берилганда ҳам, ПЧ ЭММ билан ишлов берилганда ҳам барг пластинкасининг умумий қалинлиги ортганлиги аниқланган. У эпидермал қатламнинг баландлиги, ҳамда ғовак тўқиманинг қалинлигини ортиши ҳисобига ортганлиги қайд этилган [8].

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида бир қанча олимлар томонидан *G.tomentosum Nutt. ex Seem.* иштирокидаги турлараро дурагайлар тола сифати ва тукланишнинг сўрувчи зараркундаларга чидамликни таъминловчи белгилари хусусан ўргимчакканага чидамлилигини ўрганиб ушбу зараркундага чидамли бўлган навларнинг барг пластинкаси қалин ва эпидермис хужайраларининг зичлиги юқори даражада бўлади, деган хулосага келганлар [5,6,10].

Чидамликнинг "сохта чидамлик" деб аталадиган кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, бундай ҳолат кўп ҳолларда ташқи муҳит билан боғлиқ бўлади.

Gossypium L. туркуми ёввойи турларининг зараркундаларга чидамлилиги кам ўрганилган. *G.tomentosum Nutt. ex Seem.* тури назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки бу тур Неотропик область флорасини Полинезия флораси билан боғлайдиган ягона тур бўлиб, *Gossypium L.* туркумининг Тинч океани оролларидаги бирдан-бир эндемик вакилидир.

Маданий ўза навларининг асосий хўжалик белгиларини яхшилашда, янги белги ва хусусиятларга эга бўлган ўза шакллари яратишда ярим ёввойи ва ёввойи ҳамда турли геномларга мансуб ўза намуналари иштирокида олинган дурагайлар генетикасини ўрганиш амалий селекция учун ниҳоятда аҳамиятлидир [2,3,7].

Ўзада қимматли морфоҳўжалик белгиларни ўрганиш, ирсийланишини ўрганиш бўйича олимларимиз томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган ва ютуқлар кашф этилиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилишига қарамасдан, бу борада янада кўпроқ ва мукамалроқ изланишлар олиб боришни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ўз тадқиқотларимизда биринчи мартаба ўзанинг ёввойи *G.tomentosum Nutt. ex Seem.* ва маданийлаштирилган *G.hirsutum L.* турлари иштирокида олинган тизмаларни анализатор тизма билан дурагайлаш асосида олинган дурагайларда ёввойи турнинг сўрувчи зараркундаларга чидамликни таъминловчи белгиларидан барг пластинкаси қалинлигининг авлодларда ирсийланишини ва ўзгарувчанлигини аниқлаш мақсадида дурагайлар олдик ва ўргандик.

Юқоридаги тизмалар иштирокида олинган F_1 ўсимликларида доминантлик кўрсаткичи $h_p = -4,55$ дан $+0,62$ гача бўлишига қарамасдан, F_2 ўсимликларида барг пластинкасининг қалинлиги 202,1-293,5 мкм оралиқда бўлиб, комбинацияларда бу белгининг кўрсаткичида цитоплазма генларининг ўрни борлиги намоён бўлмоқда (1-жадвал).

Ушбу дурагайларда барг қалинлиги белгисининг ирсиятга узатилиш даражаси ўртачадан кучлигача намоён бўлиб, кўрсаткич 0,20 дан 0,50 ни ташкил қилди. Ушбу белгининг юқори бўлишида эса цитоплазма генларининг ўрни катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Олинган далиллар шундан далолат бермоқдаки, барг пластинкасининг қалинлиги белгисига агротехник тадбирлар, ўсимликнинг гектардаги зичлик сони, умуман ташқи муҳитни таъсири анча сезиларли даражада бўлишини кўрсатди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимов А. А. Ўзанинг интрогрессив тизмаларини биотик стрессларга толерантлигини ўрганиш асосида навлар яратиш. Б.ф.д (DSc) дис. Автореф. Тошкент-2019. 26 б
2. Abzalov M.F. Genetic basis of evaluation of some cotton (*G.hirsutum L.*) morphological traits. //J. Cotton science. –China, 2001.–V.13. №3. PP.177-182.
3. Абзалов М.Ф. *Gossypium hirsutum L.* ўзада генларнинг ўзаро таъсири.-Тошкент: Фан, 2010. -141 б.
4. Улжабоев А. А. Турлича шўрланган тупроқларнинг ўза дефолиацияси самарадорлигига таъсирини ўрганиш (фарғона водийси шароитида). Қ-х.фан.(PhD) дис. автореф. Тошкент-2020. 8 б.
5. Умарова Ж.К. Значение устойчивости хлопчатника в системе интегрированной защиты растений. //Ўзбекистон биология журнали. – Тошкент, 2009. -№3. –Б.14-16.
6. Умарова Ж.К. Ўсимликларнинг зараркундаларга бардошли шакллари яратишнинг экологик жиҳатлари. //Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон, 2007. –Б.94-95.
7. Матякубов С.К., Санамян М.Ф., Намазов Ш.Э., Бобохужаев Ш.У. Ўзанинг мураккаб турлараро чатиштириб олинган дурагайларида айрим цитогенетик таҳлиллар. Генетика, геномика ва биотехнологиянинг замонавий муаммолари. Республика илмий анжумани. 18 май 2018 йил. 193-б
8. Мавланова С.А. Уруғларга электромагнит майдони билан ишлов беришнинг ўсимликларнинг марфофункционал кўрсаткичларига таъсири. Биология фанлари доктори, профессор Алматы Карим

Тажибаевичнинг 70 йиллик таваллудига бағишланган “Биология ва экологиянинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман. Тошкент – 2015. 123 б

9. Сайдалиев Х., Абдуллаев А.А., Холмуродов А.И. *G.tomentosum* иштирокида олинган дурагайларнинг баъзи биологик хусусиятлари//Ўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги масалалари тўплами. Тошкент-1995.42 б.

10. Сайдалиев Х. Использование генетического потенциала видов *G.hirsutum* L. и *G.tomentosum* в улучшении хозяйственно-ценных признаков хл-ка. Автореф. дисс...д.с.-х.н. -Ташкент, 2003. –43 с.

УЎК 595.752.2

ГАЛЛ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ШИРАЛАРНИНГ (НОМОРТЕРА, АРНИДИНЕА) ОЗУҚА ЎСИМЛИГИГА ИХТИСОСЛАНИШИ

А.К.Хусанов, б.ф.д., Андижон давлат университети, Андижон

О.Т.Собиров, PhD, Андижон давлат университети, Андижон

Аннотация. Мақолада 2014-2020 йиллари Шарқий Фарғонада олиб борилган афидологик тадқиқотлар давомида терак ва қайрағочда галл ҳосил қилиб яшовчи ширалар ва уларнинг коэволюциясига оид тадқиқот натижалари акс эттирилган.

Калим сўзлар: Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар, галл, коэволюция, стилет, паренхима, флоэма, агрегация.

Аннотация. В статье отражены результаты афидологических исследований галлообразующих тлей и их коэволюции, живущих в тополях и карагача, проведенных в Восточной Фергане в 2014-2020 гг.

Ключевые слова: Насекомые, галлы, коэволюция, стилеты, паренхима, флоэма, агрегация.

Abstract. The article reflects the results of aphidological studies of gall-forming aphids and their coevolution, living in poplars and elm, carried out in Eastern Fergana in 2014-2020.

Keywords: Insect-like insects, gall, coevolution, styletto, parenchyma, phloem, aggregation.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ўсимликларнинг асосий зараркунандаларидан саналади. Зарар келтириш нуқтаи назаридан ва кўп сонлиги жиҳатидан ҳашаротларнинг ҳеч қайси бир гуруҳи бу ҳашаротлар каби ўсимликларни зарарламайди. Юқоридаги ҳашаротлар гуруҳини ўсимликларни зарарлаши асосан қуйидаги кўринишда бўлади: хужайра суюқлигини сўриш орқали, бунда ўсимликнинг заифлашиши, унинг ҳосилдорлигини пасайиши ва баъзан эса нобуд бўлишига олиб келади; галларнинг шаклланиши; ўсимлик барглари ва бошқа органларини шира суюқлиги билан ифлослантириб, ўсимлик қисмларини қора ёпишқоқ ҳолатга олиб келади; вирусли ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради; тухум қўйиш жараёнида ўсимликнинг ёш куртакларини нобуд бўлиши кузатилади [4,5].

Айни ҳашаротлар гуруҳини яшаш ва озикланиш жойи, шикастлаш хусусиятлари улар ўртасидаги тарихий эволюцион шаклланган муносабатларнинг маҳсули, яъни коэволюциянинг натижаси ҳам ҳисобланади [1].

Тенгқанотли-хартумлилар ҳаёт фаолияти натижасида озуқа ўсимлигида рўй берган ўзгаришлар, шикастланишларнинг барчаси патологик ҳодиса сифатида ўсимликларни ҳашаротлар таъсирига бўлган жавоб реакцияси саналади.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг галл ҳосил қилишининг моҳияти шундаки, улар иккиламчи меристематик тўқимани ҳосил бўлишига дастлабки ривожланиш таъсирини беради, ҳашаротнинг нафақат озикланишини таъминловчи, шунингдек, уларни ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитлардан ҳам ҳимояловчи галларнинг бундан кейинги шаклланиш жараёнини ҳам назорат қилади. Одатда, ўсимликдаги галларнинг шаклланиш жараёни ундаги ҳашарот личинкасининг ўсиб ривожланишига нисбатан тез кетади.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ичида ширалар кенжа туркуми озуқа ўсимлигига зарар етказиши, шикастлашининг ўзига ҳослиги билан ажралиб туради, яъни барг ва новдаларнинг турли даражадаги деформацияси, ярим очик ёки ёпиқ галларнинг ҳосил бўлиши айни шу гуруҳ ҳашаротлари учунгина хос. Шунга мувофиқ уларнинг озуқа ўсимлигида очик, яширин, ярим яширин ва аралаш типлардаги яшаш тарзи шаклланганлигини кўриш мумкин [2].


Ширалар барча паразитлар сингари ўз хўжайини – озуқа ўсимлигидан унумли фойдаланишга ихтисосланганлиги билан ажралиб туради. Натижада, озуқа ўсимлиги баргининг ўзида бир неча уруққа мансуб турларни озикланиши кузатилади. Масалан, қайрағоч баргларида *Eriosoma laniginosum*, *E.faeanax*, *E.ulmi*, *Tetraneura* Hart., уруғининг 2 тури ва *Kaltenbachiella pallida* (Halid.) турлари яшайди. *Eriosoma laniginosum* (Hart.) турининг барг юзасидаги катта, юпқа деворли, яшил галлари юмалоқ, тукчалар билан қопланганлиги билан фарқланади. *E.faeanax* Mordv. шираси сохта

галларни шакллантиради. Унинг таъсири натижасида барглар остки томон кучли бужмалоқланиб ғоваклашади, барг юзаси бир оз қизғиш тус олади. *E.ulmi* (L.) ширасининг озикланиши натижасида барг ост томон найча шаклида ўралади (1-расм).

Tetraneura coerulescens (Pass.) баргнинг юза қисмида қизғиш рангдаги катта галларни ҳосил қилади. *T.ulmi* (L.) галлари ҳам барг юзасида жойлашади, асосий фарқи, ўлчам жиҳатдан майда, тикланган устунчалар шаклида, асоси бир оз ингичка, одатда 2-4 та, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. *Kaltenbachiella pallida* (Halid.) галлари баргнинг юза қисмида, марказий томир асосида, барг бандига яқин жойлашади. Галлар юмалоқ, сертук, деворлари қалин [3].

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларига кўра таъкидлаш мумкинки, шираларнинг аксарияти ўсимлик баргларида озикланишга ихтисослашган.

Ўсимлик баргларининг паренхима хужайралари бу гуруҳ ҳашаротлар учун углевод ва оксилга бой манба саналади. Масалан, теракларда, қайрағоч ва хандонпистада яшовчи 17 турга мансуб шираларнинг 15 (88.3%) тури озуқа ўсимлигининг фақат баргларида галлар ҳосил қилиб яшайди. Пемфигларнинг 2 (11.7%) туригина (*Pemhigus immunis*, *P.vesicarius*) флоэмадан озикланади. Яшаш ва озикланиш жойига мос равишда барча тенг қанотли-хартумли ҳашаротлар 2 экологик гуруҳга ажралади, яъни паренхимадан ва флоэмадан озикланувчилар гуруҳлари фарқланади. Шунга қарамасдан бу туркум ҳашаротларнинг турлар хилма-хиллиги юқори даражада бўлсада уларнинг озуқа ўсимлиги билан бўлган тарихий – коэволюцион жараёнларда санчувчи-сўрувчи оғиз аппарат-стиллет сезиларли ўзгаришга учрамаган.



1-расм. Қайрағочда яшовчи ширалар ҳосил қилган галлар


Pemphigus уруғининг барча турлари ўсимликларнинг ҳам биргина терак (*Populus*) авлоди турлари билан боғланган. Пемфигларнинг озуқа ўсимлигига ихтисосланиши юқори бўр давридан бошланган. Пемфиглар уруғи доирасида бир вақтнинг ўзида турларнинг морфо-экологик дивергенцияси, адаптацияси ва тераклар авлодига мансуб ўсимликларнинг турли органларда яшашга ихтисосланиш кетган. Ушбу ҳолатни Шарқий Фарғонанинг жануби-шарқий ҳудудлари пемфиглари мисолида ҳам кўриш мумкин (2-расм), [6].

Юқоридаги ҳудудларда пемфигларнинг 8 тури қайд этилган, уларнинг ҳар-бирининг яшаш ва озикланиш жойлари алоҳидаланган бўлиб, экологик токчаларнинг ажрალიши ҳисобига теракнинг турли қисмларида бир-бирига тўғрида-тўғри таъсир ўтказмасдан ривожланади. Пемфигларнинг галлари шакллари, ўрнашган жойи қайтарилмас хусусиятга эга. Масалан, *Pemphigus bursarius* галлари барг бандида шаклланади, ноксимон бу галлар яшил, кейинчалик қирмизи ва қирмизи доғларга эга бўлади. *P.immunis* турининг қалин деворли ёнғоқсимон галлари новдада жойлашади. Баргнинг юза қисмида жойлашган, марказий томир асосидаги оч сарғиш-яшил галлар *P.narvaeus* тури учун хос. *P.populi* терак баргларининг асосида юмалоқ галларни ҳосил қилади. Ёш галлар қизил, кейинчалик қирмизи-яшил рангда бўлиб, вояга етгач, яшил-пушти

рангни олади. Баргнинг юза қисмида марказий томир бўйлаб жойлашган ёстиқсимон оч кизғиш галлар *P. populinigrae* шираларининг ривожланиши натижасида шаклланади. *P. protospirae* шираси галларини осонликча ажратиш мумкин, барг бандининг ўз ўқи атрофида соат стрелкаси бўйлаб айланиши билан спиралсимон яшил, кейинчалик қирмизи-қизил галлар ҳосил бўлади. *P. vesicarius* турининг ўзига хос хусусияти ёш новдаларда йирик тиниқ яшил қопсимон галларни ҳосил қилади (2-расм). Мазкур галларнинг девори юпқалиги билан ажралиб туради, вақт ўтиши билан улар девори ҳар томондан ёрилади [7,8].

Пемфиг шираларининг асосий озуқа ўсимлигида эгаллаган яшаш ва озикланиш жойларига мутаносиб равишда турларнинг морфо-экологик ажралоши – дивергенцияси содир бўлган. Пемфиглар тузилишига кўра 3 типдаги галларни ҳосил қилади. Яъни, ёпиқ (*Pemphigus populi*, *P. populinigrae*), ярим ёпиқ (*P. protospirae*) ва очик (*P. bursarius*) галлар [7,8].

“Паразит-хўжайин” тизимида шираларнинг эволюцион кўҳна гуруҳлари (Масалан, Lachnidae турлари) игнабарглиларнинг танаси ва шохларида, айнан флэммадан озикланиш ҳисобига ҳаёт кечиради. Бу хусусият Марказий Осиё ҳудудида учровчи, ўз даврида бирламчи озуқа ўсимлигини йўқотган турлар (*Pterochloroides persicae*, *Maculolachnus submacula*, *Tuberolachnus salignus* ва бошқалар)нинг иккиламчи ихтисослашган озуқа ўсимликлари (раёногулдошлар, толдошлар)даги ҳаёт тарзида ҳам сақланиб қолган. Баъзида бу ҳолат эволюцион ёш оила афидид (*Aphididae*)ларнинг айрим турларида ҳам учрайди [1].



2-расм. Пемфиг шираларининг яшаш ва озикланиш жойлари бўйича дивергенцияси

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ва коэволюциясида шаклланган яна бир хусусият, бир вақтнинг ўзида озуқа ўсимлигининг барча тупларини ёки барча барглари эгалламасликдир. Бу ҳолат “шираларнинг озуқа ўсимлигида агрегация ёки гуруҳ бўлиб жойланиши” номини олган. Мазкур жараён ширалар мисолида таҳлил этилганда маълум бўладики, улар яшаш ва озикланиш учун нисбатан мақсадга мувофиқларини танлайди, яъни озуқа ўсимлигининг туплар сони зич бўлганда ширалар нисбатан сийрак ўрнашган тупларида озикланади [1].

Таъкидлаш лозимки, тенг қанотли-хартумли ҳашаротларни озуқа ўсимлиги барглари барчасини ҳам эгаллаб олмаслиги натижасида, улардан фориг бўлган барглари ҳашаротлар учун захирадаги “хусусий бошпана” ролини ўйнайди. Ҳашаротларнинг агрегация ёки тўдаларни ҳосил қилиб тарқалиш хусусияти захирадаги “хусусий бошпана”лар ҳисобига озуқа ўсимлигининг барча тупларини шикастланишини олдини олади, шунингдек, ўзаро биотик муносабатларда бўлган ҳашаротлар популяциялари барқарорлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида мазкур гуруҳ ҳашаротларни “паразит-хўжайин” тизимидаги коэволюциянинг натижаси эканлиги шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов М.Х. Тли - афидиды (Homoptera, Aphidinea, Aphididae) аридно-горных зон Средней Азии (экология, фауногенез, таксономия): Дис. докт. биол. наук. –Фергана, 1994. - 202 с.
2. Ахмедов М.Х. Основные направления морфо-экологических приспособлений тлей в системе "паразит-хозяин" ФДУ. Илмий хабарлари. 1999, № 1-4. стр. 95 – 98.
3. Ахмедов М., Мансурхўжаева М. Иқлимлаштирилган дарахт ва буталар ширалари аниқлагичи. - Тошкент, 1998. - 59 б.
4. Бей-Биенко Г.Я. Общая энтомология. Изд. второе, переработанное. Изд. Высшая школа» Москва 1971. - 457 с.
5. Дажо Р. Основы экологии. – М.: Прогресс. 1975. - 415 с.
6. Хусанов А.К. Ширалар (Homoptera, Aphidinea)нинг трофик муносабатлари ва коэволюция/ АДУ. Илмий хабарнома. 2020 йил, №4 сон (48). 70-78 б.
7. Cromartie W.J. The effect of stand size and vegetational background on the colonization of cruciferous plants by herbivorous insects // Journal of Applied Ecology. -1975. -N12. -P.517-533.
8. Way M.J., Cammel M. Aggregation behaviour in relation to food utilization by aphids// Animal Populations in Relation to their Food Resources, A.Watson ed.-Oxford: Black well Scientific Publications, 1970.-P.229-247.

УЎК 576.895.1:599.74

ALARIA ALATA (GOEZE, 1782) ТРЕМАТОДАСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАРИ ЭНДОПАРАЗИТИ

Э.Б. Шакарбоев, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент
А.С. Бердибаев, Нукус давлат педагогика институти, Нукус
Ж.Э. Жумамуратов, Урганч давлат университети, Урганч
Х. Ахунова, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент
А.Ж. Каниязов, Нукус давлат педагогика институти, Нукус

Аннотация. Қорақалпоғистон худудида 258 нусха ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва 15 нусха итлар текширилган. Тадқиқотлар натижасида ёввойи йиртқич ҳайвонлар *Alaria alata* трематодаси билан ўртача зарарланиши 16,7% ни ташкил этиб, инвазия интенсивлиги эса 3-15 нусхадан иборат эканлиги аниқланган. Йиртқичлар *Alaria alata* трематодасининг табиатда тарқалишида асосий манба сифатида муҳим эпизоотологик аҳамиятга эга деган хулоса қилинган.

Калим сўзлар: Трематода, *Alaria alata*, паразит, оралиқ хўжайин, моллюска, йиртқич ҳайвонлар.

Аннотация. На территории Каракалпакстана обследованы 258 экз.: хищных животных и 15 экз. собак. В результате исследований средняя зараженность диких хищных животных трематодой *Alaria alata* составляет 16,7%, а интенсивность инвазии - 3-15 экз. Делается вывод, что в распространение в природе трематоды *Alaria alata* важное эпизоотологическое значение имеют хищные животные.

Ключевые слова: Трематода, *Alaria alata*, паразит, промежуточный хозяин, моллюска, хищные животные.

Abstract. On the territory of Karakalpakstan, 258 specimens were examined: carnivorous animals and 15 specimens dogs. As a result of studies, the average infection of wild predatory animals with the trematode *Alaria alata* is 16.7%, and the intensity of the invasion is 3-15 specimens. It is concluded that predatory animals are of great epizootic importance in the distribution of trematoda *Alaria alata* in nature.

Keywords: Trematoda, *Alaria alata*, parasite, intermediate host, mollusk, carnivorous animals.

Кириш. *Alaria alata* (Goeze, 1782) трематодаси ҳайвонларнинг кенг тарқалган паразити бўлиб, итлар ва мўйнали ҳайвонлар ўртасида аляриоз касаллигини чақиради [6, 7, 13,]. Бу паразитнинг ҳаёт цикллари кўпчилик гельминтологлар томонидан ўрганилган [3, 7, 8, 10,]. Биринчи оралиқ хўжайин сифатида Planorbidae оиласи моллюскалари, қўшимча хўжайин вазифасини думсиз сувда ва қуруқликда яшовчилар ва уларнинг итбалиқлари, резервуар хўжайин вазифасини – сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юривчилар, қушлар ва сут эмизувчилар бажариши мумкин. Иккинчи оралиқ хўжайин ва дефинитив хўжайин вазифасини йиртқич сут эмизувчиларнинг битта индивиди бажаришлиги мумкин.

Ўзбекистон шароитида *Alaria alata* трематодасининг биринчи оралиқ хўжайини *Planorbis planorbis* моллюскаси, паразитнинг мезоцеркарияси эса сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда судралиб юривчиларда қайд этилган [12].

Тадқиқот ишининг материаллари ва методлари

Тадқиқот ишлари 2017-2020 йиллар давомида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг Зоология, одам морфофизиологияси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти Умумий паразитология лабораториясида бажарилган.

К.И.Скрябиннинг [9] тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан 258 нусха ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва 15 нусха итлар (дайди, чўпон, уй итлари) текширилди. Ундан ташқари, 42 та ахлат (фекалий) намуналари чиябўрилардан, 18 та бўрилардан, 38 та тулкилардан, 56 та бўрсиклардан ва 11 та қамиш мушукларидан йиғилган, жами 165 та намуналар гельминтокапрологик усуллар (Фюллеборн, Калантарян, Щербович, Дарлинг ва кетма-кет ювиш усуллари) ёрдамида тадқиқ этилди.

Alaria alata трематодасининг оралиқ хўжайинларининг зарарланиш босқичини ўрганиш мақсадида “Машан-кўл”, “Ходжа-кўл”, “Қора-герень”, “Судочье” кўллари ва Дауткўл кўллар тизимидан *Planorbis planorbis* моллюскасининг 348 нусхаси текширилди. Моллюскалар кўл билан йиғилди ва уларнинг трематода личинкалари билан зарарланишини ўрганиш учун умумқабул қилинган методлардан фойдаланилди [3].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида Қорақалпоғистон худудида *Alaria alata* трематодасининг дефинитив хўжайини сифатида бўри, чиябўри, тулки, бўрсик ва қамиш мушуги турлари қайд этилган. Аввалги олиб борилган тадқиқотлар натижасида эса тулки, қорсақ, чиябўри, бўри, сариқсассиққўзан дефинитив хўжайин сифатида қайд этилган [1, 4, 5, 11, 12]. Тадқиқотларимиз натижасида ёввойи йиртқич ҳайвонлар *Alaria alata* трематодаси билан ўртача зарарланиши 16,7% ни ташкил этган. Бўриларнинг зарарланишидан тулкиларнинг зарарланиши 1,8 баробар юқорилигини кўрсатмоқда, инвазия интенсивлиги эса 3-15 нусхадан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон шароитида ёввойи йиртқич ҳайвонларнинг *Alaria alata* трематодаси билан зарарланиши

№	Ҳайвон тури	Текширилган	Зарарланган		Инвазия интенсивлиги (мин.-макс.)
			сон	%	
1.	Бўри	41	5	12,2	3-7
2.	Тулки	62	14	22,5	3-15
3.	Чиябўри	91	8	8,7	3-9
4.	Бўрсик	25	5	20,0	3-9
5.	Қамиш мушуги	39	11	28,2	4-11
	Жами:	258	43	16,7	3-15

Зарарланишнинг анча юқори кўрсаткичлари капрологик текширувлар натижасида аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал


Йиртқич ҳайвонлар экскрементларида *Alaria alata* трематодаси тухумларининг учрашлик даражаси

№	Ҳайвон тури	Текширилган	Тухумнинг мавжудлиги		Тухум миқдори (мин.-макс.)
			сон	%	
1	Бўри	15	5	33,3	25-147
2	Тулки	26	12	46,1	31-248
3	Чиябўри	18	7	38,9	28-219
4	Бўрсик	11	5	45,4	19-102
5	Қамиш мушуги	23	9	39,1	22-137
6	Уй ити	15	8	53,3	20-135
	Жами:	108	44	42,6	19-248

Alaria alata трематодасининг тухумлари йиртқичларнинг 42,6% фекалийларида аниқланган. Қорақалпоғистон шароитида мелиоратив каналлар қирғоқларини трематодалар тухумларини сақловчи экскрементлар билан ифлосланишини ёввойи йиртқич ҳайвонлар (бўри, тулки) билан бирдек уй итлари ҳам таъминлайди. Улар экскрементларида тухумларнинг учрашлик фоизи ёввойи йиртқич ҳайвонлар экскрементларига қараганда анча юқори (53,3%).

Alaria alata трематодаси билан йиртқич ҳайвонлар зарарланишининг мавсумий динамикаси тулкилар мисолида ўрганилди. Тулкилар бу тур трематода билан йилнинг барча мавсумларида зарарланиши аниқланди. Бу тур тулкиларнинг специфик паразитларидан ҳисобланади. Тулкиларнинг бу трематода билан максимал зарарланиши кузда (41%) ва минимал зарарланиши

бахорда (10%) қайд этилди, киш ва ёз ойларида зарарланиш қарийб яқин кўрсаткичлар эгаллиги қайд этилди (27% ва 22%) (1-расм).



1-расм. Қорақалпоғистон шароитида тулкиларнинг *Alaria alata* (Goeze, 1782) трематодаси билан зарарланишининг мавсумий динамикаси

Тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистонда мелиоратив каналлар 100 метрлик қирғоқ йўлақларида йирткичларнинг 12-15 грамм экскременти тўғри келиб, унда 135 тухум сақлаши аниқланган. Каналлар қирғоқларининг *Alaria alata* трематодаси тухумларини сақловчи экскрементлар билан ифлосланишида тулкилар ва уй итлари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг фекалийларида бу трематоданинг кўп микдордаги тухумлари қайд этилди (19-248).

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз *Alaria alata* трематодасининг Қорақалпоғистон худуди учун маълум бўлган дефинитив хўжайинлар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда рўйхатни қамиш мушуги ва бўрсиқ билан тўлдиради ҳамда мелиоратив каналлар атрофида аляриоз ўчоқларининг шаклланиш имкониятини кўрсатади. Каналлар сув ва озиқ-овқат манбаи сифатида йирткич ҳайвонларни жалб қилади. Каналлар қирғоқлари бўйлаб сувда ва қуруқликда яшовчилар ва майда сут эмизувчилар (ҳашаротхўрлар ва кемирувчилар) учрайди ва улар йирткич ҳайвонларнинг озуқа рационини таркибига қиради. Қорақалпоғистон худудида каналларнинг ўзларида эса *Planorbis planorbis* моллюскалари яшайди [2,12].

Йирткичлар *Alaria alata* трематодасининг табиатда тарқалишида асосий манба сифатида муҳим эпизоотологик аҳамиятга эга. Мелиоратив каналлар қирғоқлари бўйида бу паразит тухумларининг катта микдордаги концентрацияси кузатилади. Дайди, чўпон, уй итлари аҳоли яшайдиган овуларга инвазия элементларини тарқатади ва мос шароитлар яратилганда (масалан, ушбу тур билан зарарланишга мойил хўжайинлар) аляриоз ўчоқлари шаклланиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимов Д.А., Исакова Д.Т., Дадаев С., Меркутов Е.И., Кожобаев М.К. Экология трематод позвоночных фауны Узбекистана // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 1991. - №3. – С. 48-52.
2. Вопросы паразитологии Аральского моря. -Ташкент: Фан, 1976. -199 с.
3. Гинецинская Т.А. Трематоды, их жизненные циклы, биология и эволюция. - Ленинград: Наука, 1968. – 411 с.
4. Каиров И.Х. Новые сведения о роли шакалов в эпизоотологии и эпидемиологии гельминтозов // Вестник КК ФАН УзССР. - Нукус, 1966. - №2. - С. 43-44.
5. Кошанов Е.К. Гельминты диких млекопитающих Узбекистана.: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: АН УзССР. 1972. – 36 с.
6. Любашенко С.Я., Петров А.М. Болезни пушных зверей. - Москва: Сельхозиздат, 1962. -216 с.
7. Петров А.М., Дубицкий А.А. Изучение эпизоотологии унцинариоза серебристо - черных лисиц // Труды Центр НИ лаборатории пушного звероводства. - Москва, 1950. - Вып.6. - С. 273-288.
8. Савинов В.А. Особенности развития *Alaria alata* (Goeze, 1782) в организме дефинитивного и резервуарного хозяина // Работы по гельминтологии, посвящ. акад. К. И. Скрябину. - Москва, 1953. - С. 611 - 617.
9. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая и человека. – М. –Л.: Изд.1-го МГУ, 1928. – 45 с.
10. Судариков В.Е. Биологические особенности трематод рода *Alaria* // Тр. ГЕЛАН. - М., 1959. - Т.9. - С. 326-332.
11. Токобаев М.М. Гельминты диких млекопитающих Средней Азии. – Фрунзе: Илим, 1976. – 180 стр.
12. Шакарбоев Э.Б. Ўзбекистонда умуртқали ҳайвонлар трематодалари (тур таркиби, циркуляция йўллари, эколого-биологик хусусиятлари): Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. – Тошкент, 2009. – 38 с.
13. Шималов В.В., Шималов В.Т. *Alaria alata* (Trematoda: Alariidae) – паразит псовых Белорусского полесья // Паразитология. - Москва, 2001. - 35. - 1. – С. 77-80.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

UO'K 631.1

AQLLI QISHLOQ XO'JALIGIDAGI IOT DASTURLARI**Z.R. Xaydarova, assistent, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali, Buxoro****A.R. Xaydarov, talaba, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Buxoro**

Annotatsiya. Ushbu maqolada IOTni qishloq xo'jaligida qo'llash natijasida bir nechta afzalliklar, tegishli muhit yaratish, turli jihatlarini nazorat qilish va nazorat qilish orqali ekinlar va chorvachilikda mahsulot ishlab chiqarishni ko'payishiga olib kelishi yoritib berilgan. IoT mahsulot tannarxini pasaytirishda, ayniqsa yirik fermer xo'jaliklarida yordam beradi. IoT-ni qo'llash har bir jarayonning optimal ishlashiga imkon beradigan ma'lumotlarni taqdim etish orqali fermaning umumiy samaradorligini yaxshilaydi.

Kalit so'zlar: IoT, aqlli qishloq xo'jaligi, qishloq xo'jaligi dronlar, aqlli fermerlik, chorvachilik monitoring, aqlli issiqxonalar.

Аннотация. В этой статье подчеркивается несколько преимуществ использования Интернета вещей в сельском хозяйстве, ведущих к увеличению производства сельскохозяйственных культур и животноводства за счет создания соответствующей среды, контроля и надзора за различными аспектами. Интернет вещей помогает снизить стоимость производства, особенно на крупных фермах. Использование Интернета вещей повышает общую эффективность фермы, предоставляя данные, которые обеспечивают оптимальную производительность каждого процесса.

Ключевые слова: Интернет вещей, умное сельское хозяйство, сельскохозяйственные дроны, умная ферма, мониторинг животноводства, умные теплицы.

Abstract. This article highlights several advantages of using the Internet of Things in agriculture, leading to increased crop and livestock production through the creation of an appropriate environment, control and supervision of various aspects. The Internet of Things is helping to reduce production costs, especially on large farms. Leveraging the Internet of Things (IoT) improves overall farm efficiency by providing data that ensures optimal performance for each process.

Key words: Internet of Things, smart agriculture, agricultural drones, smart farming, livestock monitoring, smart greenhouses.

Joriy yilning 29-noyabrida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti «Innovatsion rivojlanish Vazirligini tashkil etish to'g'risida»gi farmonga ko'ra, qishloq xo'jaligiga innovatsiyalarni joriy etish sohasida eng avvalo, mavjud yer, suv va boshqa tabiiy resurslardan oqilona foydalanish imkonini beruvchi «Aqlli qishloq xo'jaligi» konsepsiyasiga asoslangan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining zamonaviy sinalgan shakllarini joriy etish, agrar sektorda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini maksimal darajada avtomatlashtirish, hosildorlikni jiddiy oshirish va moliyaviy ko'rsatkichlarni yaxshilash, shuningdek, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash imkonini beruvchi innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etishga ko'maklashish kabi vazifalar vazirlikning asosiy faoliyat yo'nalishlari etib belgilandi.



Things of internet (IoT) - bir-biri bilan ma'lumot almashish va mexanik va raqamli mashinalar, ob'ektlar, hayvonlar yoki noyob identifikatorlar (uid) tomonidan taqdim etilgan tarmoq orqali ma'lumotlarni uzatish imkoniyatiga ega bo'lgan barcha tizimlarga tegishlidir. IoT-ga sarmoyalashning asosiy maqsadi operatsiya samaradorligini oshirish, mahsulot sifatini yaxshilash va ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishdir. Qishloq xo'jaligi sanoati IoTning afzalliklaridan foydalanishga intilayotgan tarmoqlar qatoriga kiradi.

IoTdan qishloq xo'jaligida foydalanish odatda "Aqlli fermerlik" yoki "Aqlli qishloq xo'jaligi" deb nomlanadi. Bu fermaning ma'lumotlarini, masalan, namlikni, haroratni, tuproq namligini va boshqalarni bulutga yuborish uchun dunyoning istalgan nuqtasidan kuzatilishi va boshqarilishi mumkin bo'lgan turli xil IoT sensorlaridan foydalanadi. IOT - bu maqsadga erishishda yordam beradigan texnologiyalardan biridir.

IOT qishloq xo'jaligida qanday amalga oshiriladi?

IoT yordamida aqlli qishloq xo'jaligini amalga oshirishning bir necha yo'li mavjud:



1. Aniq fermerlik

Aniq fermerlik IoT yordamida aqlli fermerlikning eng mashhur qo'llanmasi. Aniq fermerlik - bu chorvachilik va ekinlarni etishtirish uchun qishloq xo'jaligi jarayonlarini yanada aniqroq va boshqariladigan amaliyotdir. Aniq fermerlikning asosiy tarkibiy qismlari - bu AT tizimlari, datchiklar, boshqaruv tizimlari, avtomatlashtirilgan apparatlar va avtonom transport vositalari va boshqalar. IoT chorva mollari monitoringi, tuproq namligini tekshirish, inventarizatsiya monitoringi va transport vositalarini kuzatib borish kabi xizmatlarni yaxshilaydi. Aniq fermerlik datchiklar orqali ma'lumotlarni to'plashni va fermerlar tomonidan tezkor qarorlar qabul qilish uchun foydalanish uchun ularni tahlil qilishni o'z ichiga oladi.

2. Qishloq Xo'jalik Dronlari

IOT yordamida aqlli fermerlikda bir necha qishloq xo'jaligi amaliyotini takomillashtirish uchun dronlardan foydalanilmoqda. Qishloq xo'jaligi dronlarining ikki turi mavjud, ular yer usti va havo asosidagi. Dronlar ekinlar sog'lig'ini baholash, ekinlarga purkash, ekish, tuproq va dalalarni tahlil qilish, ekinlarni kuzatish va sug'orish kabi tadbirlarda foydalaniladi.




Dronlar fermerlarga o'simliklarning sog'lig'i, o'simliklarning soni va kutilayotgan hosildorligi, tuproqdagi azot va namlik miqdori, drenaj xaritasi va soyabon qopqog'ini xaritalash kabi ko'plab o'lchovlarni taqdim etadigan multispektral, termal va vizual tasvir ma'lumotlarini to'plashi mumkin.

Dronlar doimiy kuzatuv zarur bo'lgan katta yer uchastkalarini qoplash uchun joylashtirilgan. Shuningdek, dronlar bakteriyalar, qo'ziqorinlar yoki zararkunandalarga qarshi kurashish qiyin bo'lgan va muntazam ravishda kuzatishni talab qiladigan vaziyatlarda juda foydali.

3. Chorvachilik monitoringi

Chorvachilik monitoringi IoT yordamida aqlli qishloq xo'jaligida ham "Aqlli" bo'lib qoldi. Bu fermerlarga chorva mollarning holatini kuzatish imkoniyatini beradi. Fermer hayvonlarning harakatlari, ovqatlanish odatlari, vazni va reproduktiv sikl kabi harakatlarini va boshqalarni kuzatishi mumkin.

Chorvachilikni kuzatish bo'yicha IOT echimlari bulutga ma'lumotlarni uzatish uchun arzon va kam tarmoqli kengligi texnologiyasidan (LoRaWAN) foydalanib, shlyuzga ulanadigan hayvonlarning kiyinadigan kiyimlarini o'z ichiga oladi. Kiyiladigan kiyimlarda qon bosimi, nafas olish, yurak urishi, tana harorati va ovqat hazm qilish kabi jihatlarni kuzatuvchi datchiklar mavjud.



4. Aqlli issiqxonalar

Aqlli issiqxonalar bu muammolarni IoT tizimlaridan foydalangan holda harorat, yorug'lik, tuproq va minerallarning tarkibi, namlik kabi jihatlarni kuzatib boradi va nazorat qiladi. Boshqaruvchilar va boshqalar qatorida oynani ochish, chiroqlarni yoqish, isitgich va ventilyatorni boshqarish kabi harakatlarni bajarish orqali sharoitlarni boshqarish uchun avtomatik ravishda boshqariladi.

Aqlli issiqxonalar IOT yordamida isrofgarchilikni kamaytirishga yordam beradi. Namlik miqdorini kuzatib, sug'orish uchun kerakli miqdordagi suvdan foydalanish mumkin va bu isrofgarchilikning oldini oladi, xuddi shu holat tuproq mineral tarkibiga nisbatan to'g'ri miqdorda kerakli miqdordagi minerallardan foydalaniladi.



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori "O'zbekiston Respublikasi agrosanoat majmui va qishloq xo'jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"

2. <https://iotdesignpro.com/articles/smart-farming-iot-applications-in-agriculture>

ЎЗБЕКИСТОНДА САРИМСОҚ ЕТИШТИРИШ

Б.А.Ақромов, к/х.ф.н., к.и.х., Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти,
Тошкент

Аннотация. Мақолада саримсоқ пиёзнинг хўжалик аҳамияти ҳамда саримсоқ агроценозидаги зараркунандаларни ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Саримсоқ, эфир мойлари, ҳосилдорлик, зараркунанда.

Аннотация. В статье представлены сведения об экономическом значении и исследованиях вредителей в агроценозе чеснока.

Ключевые слова: Чеснок, эфирные масла, урожайность, вредитель.

Abstract. The article presents information about the economic value and research of pests in the agroecosis of garlic.

Keywords: Garlic, essential oils, yields, pests.

Пиёздош сабзавотлар 6,0 минг йилдан бери инсониятга маълум экин турларидан бўлиб, дунёнинг барча ҳудудларида экилиб келинади. Пиёздош сабзавотлар оиласига 30 туркум, 70 та турга мансуб ўсимлик киради. Ўзбекистонда уларнинг 100 дан ортиқ тури ўсади [7]. Энг кўп тарқалган тури ош пиёз (А. сера L.) тупроқ унумдорлигига ғоят талабчан, совуққа чидамли ва ўта намсевар сабзавот экини. Оддий пиёзнинг ватани Марказий Осиё тоғлари ҳисобланади, айрим жойларда унинг ёввойи ҳолда ўсиб турганини кузатиш мумкин. Ўрта Осиёдан ташқари АҚШ, Болгария, Испания, Миср, Франция, Италия ва Японияда кўп экилади. Саримсоқ пиёзнинг ёввойи турлари эса Афғонистон, Греция, Ироқ ҳудудларида учрайди. Аждодларимиз қадимдан пиёздош сабзавотларни етиштириб, севиб истеъмол қилиб келишган [5].

Саримсоқ пиёз қадимдан истеъмол қилинадиган сабзавотлар қаторига киради. Уни қадимги Мисрда ва Хитойда яхши билишган. Хусусан, Хеопс эҳромида саримсоқ пиёз тасвири мавжуд. Қадимда саримсоқни доривор хусусиятлари учун ҳам алоҳида экиб, кўпайтиришган [10].

Саримсоқ таркибида озик моддаларнинг кўплиги жиҳатидан фақат оддий пиёздан эмас, балки бошқа барча сабзавотлардан устун туради. Саримсоқ дориворлик хусусиятига эга ва таркиби кимматли моддаларга бой сабзавот бўлиб турли таомларга, салатларга қўшилади ва қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади [1]. Таркибида жуда кўплаб углеводлар (10,5-21,4%), оқсил (6,76%), минерал тузлар, С дармондориси (баргида 50 мг/% гача, пиёзбошида 8-10 мг/% гача) [2, 9], 34-36 % курук модда, 6,7 % азотли моддалар; 0,06 % мойлар; 26,3 % азотсиз экстрактив моддалар; 0,77 % клетчатка бўлади [6].

Саримсоқ пиёзда 17 турдаги кимёвий элементлар – фосфор, калий, мис, йод, титан, олтингургурт, германий, молибден, цирконий, селен, натрий, кўрғошин, кальций, кобальт, ванадий, магний, марганец аниқланган. Бу микроэлементлар оксидланиш – қайтарилиш реакцияларида иштирок этиб, инсон саломатлигини таъминлайди [6].

Саримсоқ пиёзда бир ярим мингга яқин турли моддалар, жумладан, азотли моддалар, калийли, натрийли, магний ва кальцийли бирикмалар, кремний, фосфор ва олтингургурт кислоталари, С, В, D витаминлар, фитостеринлар, фитонцидлар, эфир мойлари мавжуд.

Саримсоқни буюк аллома Абу Али ибн Сино энг яхши зидди заҳар (антидот) сифатида тавсия қилган, иштаҳа очувчи восита, сариқ касаллигига даво ҳамда турли яраларни даволашда қўллаган. Афғонлар тетиклантирувчи, бақувват қилувчи восита сифатида ишлатса, ҳиндлар бронхиал астмани, французлар гриппни, немислар туберкулез ва қорин оғриқларни даволашади. Италия ва Испанияда саримсоқ ошқозон-ичак касалликларида, Англияда буйрак касалликларида қўлланилади [8].

Саримсоқ таркибидан фармакология корхоналарида сативин, аллицин, аллисат, аллизонтин каби 20 дан ортиқ дори тайёрланади [4, 9].

Ўзбекистонда саримсоқнинг бир неча навлари экилади. Жумладан, саримсоқнинг Майский ВИР, Южный фиолетовый ва Чидамли навларини экиш тавсия этилади. [3, 5, 9].

Ўзбекистоннинг иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Озик-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озик-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хом-ашё етказиб бериш билан бирга,

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади. Экспортга ихтисослашган маҳсулотлардан бири саримсоқ пиёз бўлиб, кейинги йилларда унинг экин майдонлари кенгайтирилмоқда, Ҳукумат томонидан сабзавотчиларни қўллаш бўйича қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни қўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4863-сонли қарори билан “Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда саримсоқ пиёз 6 минг гектардан ортиқ майдонда экилиб, ўртача ҳосилдорлиги 120–140 ц/га ни ташкил этади.

Табиатда саримсоқ пиёз экинлари 95 турдан ортиқ зараркунандалар билан зарарланади, шулардан 10–15 тури иқтисодий сезиларли даражада зарар келтирувчи асосий зараркунандалар ҳисобланса, қолган турлари бу ўсимликларни кўшимча озик сифатида зарарлайди.

Изланишлар давомида саримсоқ агроценозида зараркунандалардан пиёз пашшаси, тамаки трипси, симқурт ва сохта симқуртлар, бузоқбошлар, турли тунлам қуртларининг кенг тарқалиши аниқланди. Бу асосий зараркунандаларга қарши илмий асосланган уйғунлашган кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Корецкий В.В., Купреенко Н.П. Селекция озимой и яровой форм чеснока в условиях Республики Беларусь // Экологические проблемы современного овощеводства и качество овощной продукции (Сборник научных трудов, выпуск 1) – М.: ФГБНУ ВНИИО, 2014 - 544 с.
2. Кошеваров А.А., Надежкин С.М., Агафонов А.Ф.. Изменение хозяйственно-ценных качеств чеснока озимого под влиянием минеральных удобрений // Плодородие – Москва, 2012. – №6 – С.16-17.
3. Мирзиятов М., Махаммадинов Ш. Кузда пиёз ва саримсоқ етиштириш бўйича тавсиялар.–2016.– <http://agro.uz/services/recommendations/6785/>.
4. Нехожина Л.А. Фитонциды лука и чеснока очищают среду и улучшают здоровье человека // Картофель и овощи. – Москва, 2010. - № 7. – С. 12.
5. Пиёз етиштириш технологияси. Тузувчи Р.Х.Аюпов. – Тошкент.: Иқтисод-Молия, 2011. – 60 б.
6. Поляков А.В. Важнейшие вопросы развития чесноководства в российской федерации // Экологические проблемы современного овощеводства и качество овощной продукции (Сборник научных трудов, выпуск 1) – М.: ФГБНУ ВНИИО, 2014 - 544 с.
7. Пратов Ў., Жумаев Қ. Юксак ўсимликлар систематикаси. (Ўқув қўлланма). Т., “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003, 146 бет.
8. Салихов С.А., Шарипов С.Я. Пиёзни сақлашдаги товаршунослик тадқиқотлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. - www.iqtisodiyot.uz.
9. Хакимов Р.А., Адиллов М.М., Низомов Р.А., Юнусов С.А. Пиёз ва саримсоқни август-сентябрь ойларида экиш бўйича тавсиялар, Тошкент, 2017; <https://agromart.uz/uz/news/piyoz-va-sarimso-ni-avgust-sentyabr-oilarida-ekish-b-iicha-tavsiyalar-104-0>;
10. <https://daryo.uz/k/2020/01/21/sabzavotlar-tarixi>.

УЎТ: 633.853.52:632.122:631.4:631.548.5

СОЯ НАВЛАРИНИ СУҒОРИШДА ЭГАТ УЗУНЛИГИ ВА СУВ ОҚИМИ ТЕЗЛИГИНИНГ СОЯНИ СУҒОРИШ МЕЪЁРЛАРИ, СОЯНИНГ ДОН ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

С.Х. Исаев, проф., к/х.ф.д., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Тошкент

3.3. Қодиров, ўқитувчи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида соя етиштиришда, сувтежамкор суғориш технологияси эгатга қора плёнка тўшаб, эгатни қарама-қарши суғориш, экиш билан бирга тупроқга гидрогель киристалли кириштиб суғориш, эгатга сомон тўшаб суғориш технологиялари баён қилинган.

Калит сўзлар: қора плёнка, гидрогель, суғориш режимини, филтрланувчан, ўтлоқ аллювиал

Аннотация. В статье описаны технологии водосберегающей технологии полива при возделывании тени на слабозасоленных почвах, черной пленки на поле, встречного полива поля, полива кристаллами гидрогеля в почве вместе с посадкой, соломы на поле.

Ключевые слова: черная пленка, гидрогель, режим орошения, фильтрованный, аллювиальный луговой

Abstract. This article describes the technology of water-saving irrigation technology in the cultivation of soybeans in weakly saline soils, black film coating on the furrow, opposite irrigation to the furrow, irrigation with hydrogel crystals in the soil along with planting, straw mulching on the furrow.

Keywords: black film, hydrogel, irrigation mode, filtered, meadow alluvial.

«Дунё бўйича сўнгги ўн йил ичида соя майдонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил этган, гектаридан ҳосилдорлиги 1,0 фоизга ошишига эришилган бўлиб, 2019-2020 йилларда дунёда соя майдони 122 миллион гектарга, ялпи дон ҳосили қарийб 342 миллион тоннага етиб, 2009-2010 йилга нисбатан 31 фоизга ва жаҳондаги савдоси қарийб 152 миллион тонна ёки 65 фоизга ўсиши кузатилган»¹. Сояни етиштиришда суғориш техникаси элементларини такомиллаштириш орқали сув ресурслардан самарали фойдаланиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида суғориш сувлари тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган экин майдонлари камайиши сабабли ҳосилдорликнинг ошишига эришилмоқда.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарори билан 2017 йил 14 мартдаги «2017–2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли дон экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2832-сонли қарори ва шу қарорга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги «2017–2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сонли «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Турли суғориш технологияси элементларини такомиллаштириш учун маълумки, тупроқнинг сув сингиши тезлигини, оқимнинг пасайиши ва парчаланишини, тупроқ намлигининг тарқалиши вақти ва бир хиллигини ўлчаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соя навини турли сувтежовчи суғориш технологияси элементларидан фойдаланган ҳолда сувни тежаш усуллари жорий этишда, унинг оптимал элементларини ўрганишда сояни суғоришнинг ушбу параметрлари ва кўрсаткичларини ҳисобга оламиз.

Тупроқнинг филтрланувчанлигига турли суғориш сувтежамкор суғориш технология элементлари асосидаги таъсирини ўрганиш учун далада ҳар бир эгатга берилган сув 50 метрга–0,20 л/с, 30 метрга–0,14 л/с ва 20 метрга–0,08 л/с миқдорлари ўрганилди.

Ўтлоқ аллювиал тупроқларда соя навларини суғориш режимининг энг муҳим хусусияти, ўсимликларнинг ялпи ётган ер ости сувларидан фойдаланишда, сувнинг умумий хажмида ҳисобга олиниши ҳисобланади. Намлик етишмаслиги билан ўсимлик фаол тупроқ қатламида ер ости сувларидан фойдаланади. Суғориш режимини ишлаб чиқишда (суғориш ставкалари, суғориш муддати ва давомийлиги) соянинг дон ҳосилидан юқори ҳосил олиш учун сув баланси қийматини аниқлаш керак.

Ҳисоблаш учун ер ости сувлари билан қўшимча тўлдириш шарти билан биз сув баланси тенгламасидан фойдаланамиз:

$$Э_v - [П + (W_1 - W_2) + Г + М - Ф] = 0 \text{ мм (1) формула}$$

Бу ерда: Э_v-ҳисоб-китоб даври учун жами сув истеъмоли; П–шу давр учун атмосфера ёғинлари.; W₁–даврнинг бошидаги тупроқнинг илдиз қатламидаги намлик захираси; W₂–даврнинг охиридаги тупроқнинг илдиз қатламидаги намлик захираси; Г–намлик илдиз қатламига ер ости сувлари томонидан оқиб тушиши; М–ҳисоб–китоб даври давомийлигига қараб суғориш тезлиги; Ф–тупроқнинг илдиз қатлампидан ташқарида намликнинг чуқур оқиши.

Соянинг сув сарфида ер ости сувлари истеъмоли ер ости сувлари сатҳини ушлаб туриш учун берилган сув хажмига қараб белгиланади.

$$T_6 = (0,0001 \cdot m \cdot L_6 \cdot a) / 3600 \cdot q_6 \text{ (2)}$$

бу ерда, T₆ – суғориш эгати ишлаш вақти, соат.

m – суғориш бўйича эгатга бериладиган суғориш меъёри, м³/га. (600–1200 гача ўзгариши мумкин).

L₆ – эгат узунлиги, м

a – эгатлар орасидаги масофа, м

q_6 – эгатга бериладиган сув сарфи, л/с.

Рахимбаев Ф.М., Шукурлаев Х.И, Қишлоқ хўжалигида зах қочириш мелиорацияси. Амалий ўқув дарслиги.–Тошкент: Мехнат, 1996. – 204 б.

В.А.Духовный ва Ш.Ш.Мухамеджановнинг “Руководство по расчету и выбору норм и элементов техники полива для хлопчатника и озимой пшеницы по результатов проект ИУВР” Фарғона” китоби, 16 бет, 2005 йил, Тошкент, тавсияларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.


$$D_{\text{иир}} = M_{\text{бр}} * L_6 * B_6 / 3600 * q; \text{ соат}; \quad D_{\text{иир}} = M_{\text{бр}} * L_6 * B_6 / 600 * q; \text{ минут. (3)}$$

Бу ерда: $D_{\text{иир}}$ –суғориш давомийлиги; $M_{\text{бр}}$ –эгатга бериладиган суғориш меъёри, м³/га; L_6 –эгат узунлиги; q –эгатга бериладиган сув сарфи, л/с.

Илдиз зонасидан ташқарида далада сувнинг инфилтрацияси суғоришдан кейин ер ости сувлари даражасининг ўзгаришига қараб белгиланади.


“Аброр Мухаммад саховати” фермер хўжалигида ҳар эгатга берилган сув сарфи Томсон сув ўлчагичи ўрнатилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилди. Сояни етиштиришда ҳар эгатга берилган сув сарфлари неча соатда етиб бориши суғориш технологияси элементларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

2019 йилда олиб борилган илмий изланишлар давомида соянинг ўртапишар “Нафис” навини вилоят учун қабул қилинган тавсияларга асосан суғорилган назорат, яъни 1–вариантда суғоришлар меъёри 732–1176 м³/га га тенг бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 4615 м³/га ни ташкил қилди. Сояни суғоришда эгатга қора плёнка тўшаб суғорилган 2–вариантда суғоришлар меъёри 728–776 м³/га га ҳамда мавсумий суғориш меъёри 3034 м³/га, ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан ҳар бир суғоришларда 142–135 м³/га гача, мавсумий суғориш меъёри эса 1581 м³/га гача кам сув сарфланди. Вегетация давомида плёнка тўшаб суғорилган далада суғориш ишлари 4 марта амалга оширилиб, назорат даласига нисбатан 1 марта кам суғориш ишлари амалга оширилди.



1-расм. Сояни суғоришда сувтежевчи суғориш технологияси элементларининг мавсумий суғориш меъёрига таъсири ўртача уч йиллик (2017-2019 йил), м³/га

Тажриба майдонида соя навларини суғоришда сувтежевчи суғориш технологияси элементлари бўйича етиштирилган соя навларининг дон ҳосилдорлиги ҳар йили ўсуви даври охирида вариантлар ва такрорланишдаги ҳисоб майдончалардаги дон ҳосилини йиғиштириб янчиш йўли билан аниқланди.



2-расм. Суғориш технологияси элементларини соянинг дон массасига таъсири, ц/га (ўртача уч йиллик)

2017 йил тажриба майдонида қайтариклар бўйича ўртача энг юқори дон ҳосили соянинг ўртапишар “Нафис” навини эгатга қора плёнка тўшаб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60 фоизда 37,7 ц/га ёки эгатлаб суғориш (назорат) вариантга нисбатан 12,4 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, соянинг кечпишар Ўзбе–6 нави эгатга қора плёнка тўшаб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60 фоизда 34,2 ц/га ёки эгатлаб суғориш (назорат) вариантыга нисбатан 9,5 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги кузатлди. Навлар ўртасида ўртапишар “Нафис” нави кечпишар “Ўзбек–6” нави нисбатан 2,9 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган

бўлса, кейинги ўринларда соя навларини экиш олдида тупроққа гидрогель қўлланган, ундан сўнг соя навларини эгат орасига сомон тўшаб суғорилганда олинганлиги кузатилди.

Хулоса. Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида сояни эгатлаб суғоришда мавсум давомида 5 марта 4568 м³/га меъёрда суғорилган бўлса, гидрогель қўллаб суғорилганда 4 марта 3038 м³/га бўлиб, эгатлаб суғоришга нисбатан 1530 м³/га ҳамда сомон тўшаб суғоришга нисбатан 1211 м³/га кам сув сарфланган бўлса; сомон тўшаб суғоришда 5 марта 4249 м³/га; эгатлар қарама-қарши суғорилганда 5 марта 4343 м³/га; эгатга қора плёнка тўшаб суғорилган вариантда эса 4 марта 3016 м³/га меъёрда суғорилиб, шу билан бирга қарама-қарши суғоришга нисбатан 1327 м³/га ҳамда эгатлаб суғоришга нисбатан 1581 м³/га кам сув сарфланганлиги аниқланди.

Сояни суғоришда эгат узунликлари 50, 30, 20 м бўлганда оқим тезликлари эгат узунликларига мос равишда 0,2 0,14, 0,08 л/с ни ташкил этганда, эгатлаб суғоришда дон ҳосили 26 ц/га, эгатга плёнка тўшаб ва гидрогель қўллаб суғорилганда 34,2–37,8 ц/га бўлиб, эгатлаб суғоришга нисбатан ўртапишар “Нафис” навида 8,2–11,8 ц/га, кечпишар “Ўзбек–6” навида 7,5–10,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарори билан 2017 йил 14 мартдаги «2017–2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли дон экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2832-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сонли «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори

3. Isaev S., Qodirov Z., Xamraev K., Atamuratov B., Sanaev X. –Scientific basis for soybean planting in the condition of grassy alluvial soil prone to salinization // Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020. Vol 7, Issue 4, DOI:http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.04.68 Pp. 354–360. (3) Scopus).

УЎТ: 633.853.52:632.122:631.4:631.548.5

СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА СОЯНИ СУҒОРИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

С.Х. Исаев, проф., к/х.ф.д., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг, Тошкент

З.З. Қодиров, ўқитувчи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро вилоятининг суғориладиган, шўрланишига мойил, ўтлоқи аллювиал, ўрта қумоқ тупроқларида соянинг “Нафис” ҳамда “Ўзбек–6” навларини эгатга қора плёнка тўшаб суғориш технологияси қўлланилганда, ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғориш технологияси қўлланилган вариантларга нисбатан ҳажм масса 0,01–0,03 г/см³ камайиб баён қилинган.

Калит сўзлар: Ресурсстежамкор, суғориш, қора плёнка, ўтлоқи–аллювиал, мавсумий суғориш

Аннотация. Эта статья о Бухарской области. В случае орошаемых, засоленных, лугово-аллювиальных, среднетяжелых почв с применением технологии полива черной пленкой для теневых сортов «Нафис» и «Узбек-6» объемная масса составляет 0,01-0,03 г по сравнению с вариантами, используемыми в производстве поливной ирригационной техники. / см³ снизилось.

Ключевые слова: Ресурсосберегающий, орошение, черная пленка, луговой - аллювиальный, орошение сезонное.

Abstract. In this article, in the irrigated, saline, meadow alluvial, medium sandy soils of Bukhara region, when using the technology of black film coating of soybean varieties "Nafis" and "Uzbek-6", the volume mass is 0, compared to the variants used in the production 01–0.03 g / cm³ decreased.

Keywords: Resource saving, irrigation, black film, meadow – alluvial, seasonal irrigation

Дунёда иқлимнинг глобал ўзгаришида соя ўсимлигини етиштиришни кўпайтириш ер–сувдан самарали фойдаланиб, соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш, турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида юқори ҳосилли соя навларини экиш муддатлари, суғориш меъёрлари, мавсумий суғориш меъёри ва суғориш усулларида самарали фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида изланишлар кенг миқёсида олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ердан самарали фойдаланишда турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларини етиштиришда ресурсстежамкор суғориш технологияси

элементларидан фойдаланган ҳолда юқори ва сифатли ҳосил берадиган навларни танлаб, уларни етиштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Бухоро вилоятининг ўтлоқи-аллювиал, шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқлари шароитида соя навларини ўртапишар “Нафис” ва кечпишар Ўзбек-6 навлари ЧДНСга нисбатан 70–70–60 % тартибда сувтежовчи суғориш технологияси элементлари бўйича дала тажрибалари Бухоро вилояти, Вобкент тумани Ҳалвогарон МФЙ ҳудудида жойлашган “Аброр Муҳаммад саховати” фермер хўжалигининг ўрта механик таркибли тупроқларида 2017–2019 йилларда дала тадқиқотлари олиб борилди.

Тажриба тизими

Вар.	Суғориш усули	Эгат узунлиги, м	Эгат оралиғи, см	Эгатга бериладиган сув сарфи, л/с
“Нафис” нави				
1	Эгатлаб суғориш (назорат)	100	60	0,20; 0,14; 0,08
2	Эгатга қора плёнка тўшаб суғориш			
3	Экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғориш			
4	Эгат қатор орасига сомон тўшаб суғориш			
5	Эгатни қарама-қарши томонидан суғориш			
Ўзбек-6 нави				
6	Эгатлаб суғориш (назорат)	100	60	0,20; 0,14; 0,08
7	Эгатга қора плёнка тўшаб суғориш			
8	Экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғориш			
9	Эгат қатор орасига сомон тўшаб суғориш			
10	Эгатни қарама-қарши томонидан суғориш			

Тажриба тизимига асосан, дала тажриба ишлари 10 та вариантда ва 3 та қайтариқларда амалга оширилди. Бўлақлар ўлчами қуйидагича: эгат узунлиги $L_3=100$ м, эгатлар орасидаги масофа 0,6 м, қатор сони 8 та, шундан 4 таси ҳисобий қаторлар, қолгани химоя қаторлари, у ҳолда битта вариант майдони $8 \times 0,6 \times 100 = 480$ м², бир қайтарилиш майдони $480 \times 10 = 4800$ м², умумий тажриба майдони $4800 \times 3 = 1,44$ га тенг бўлди.

Тупроқнинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бу тупроқнинг сув-физик хоссалари ҳисобланади. Тупроқнинг зичлиги ҳажмий ва солиштирма оғирлиги, умумий ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, нам сиғими катта агрономик аҳамиятга эга. Тупроқнинг сув-физик хоссалари, тупроқнинг тури, механик таркиби, тузилиши, органик ва минерал моддаларнинг миқдори, структураси, маданийлашганлиги ва ерга ишлов бериш даражаларига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Тажриба даласи тупроқининг ҳажмий массаси асосан икки муддатда вегетация бошида ҳамда вегетация охирида ҳар 10 см дан 1 м чуқурликгача бўлган қатламда аниқланди.

2017 йил вегетация бошида дастлаб тупроқнинг 0–40 см қатламида тупроқнинг ҳажмий массаси 1,31 г/см³, 40–70 см қатламида 1,39 г/см³ га ҳамда 0–100 см қатламида 1,35 г/см³ бўлган бўлса, вегетация охирига бориб, соянинг ўртапишар “Нафис” навини эгаълаб суғориш (назорат) 1-вариантда, 0–40 см–1,34 г/см³ ни, 40–70 см–1,41 г/см³ ва 0–100 см–1,37 г/см³, вегетация бошига нисбатан тупроқнинг ҳажмий массаси 0,02–0,03 г/см³ га зичлашган бўлса, соянинг ўртапишар “Нафис” нави эгатга қора плёнка тўшаб суғорилган.



1-расм. Тупроқнинг механик таркибини аниқлаш учун тажриба даласидан тупроқ намуна олиш жараёни
2-вариантда, 0–40 см–1,32; 40–70 см–1,40 ва 0–100 см–1,36 г/см³, вегетация бошига нисбатан тупроқнинг ҳажмий массаси 0,01 г/см³ га зичлашган, соянинг ўртапишар “Нафис” нави экиш

билан тупроққа гидрогель қўлаб суғорилган 3–вариантда, 0–40 см–1,33; 40–70 см–1,41 ва 0–100 см–1,37 г/см³, вегетация бошига нисбатан тупроқнинг ҳажмий массаси 0,02 г/см³ га зичлашган, соянинг ўртапишар “Нафис” нави эгат қатор орасига сомон тўшаб суғорилган 4–вариантда, 0–40 см–1,33; 40–70 см–1,41 ва 0–100 см–1,37 г/см³, вегетация бошига нисбатан тупроқнинг ҳажмий массаси 0,02 г/см³ га зичлашган, соянинг “Нафис” нави эгатни қарама қарши томонидан суғорилган 5–вариантда, 0–40 см–1,32; 40–70 см–1,41 ва 0–100 см–1,36 г/см³, вегетация бошига нисбатан тупроқнинг ҳажмий массаси 0,01–0,02 г/см³ га зичлашган кузатилди.

Суғорма деҳқончиликда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги авваламбор тупроқнинг структура ҳолати, гранулометриқ таркиби ва кимёвий хоссаларига, унинг зичлиги, ғоваклиги, намлиги ҳамда намланиш давомийлигига боғлиқдир. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги механик таркиби оғир гранулометриқ тупроқларда ҳаммаша енгил таркибли тупроқларга нисбатан сув ўтказувчанлик паст бўлади. Сув ўтказувчанлик вақт бирлиги ичида тупроқ кўндаланг кесим юзаси орқали ўтадиган сув ҳажмига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқни нам сингдирган ҳолда ўздан сувни ўтказишига айтилади. Бунда тупроққа сувнинг нам ҳолатида сингиши ва кейинги ҳаракат жараёнига боғлиқ 2 босқичга бўлиш мумкин:

Тупроққа сувнинг сингиши ва тупроқ сувга тўйинмаган ҳолда қатламдан қатламга ўтишидир.

Тупроқ сувга тўйинган вазиятда қатламлар орқали бўладиган – фильтрациядир.

Тажриба майдонида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги хар йили баҳорда уруғ экишдан олдин “ички ва ташқи халқалар” усулида 6 соат давомида 3–такрорланиш бўйича аниқланди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, вегетация бошида энг кўп сув ўтказувчанлик тажрибанинг биринчи соатида (216,8 м³/га ни ташкил этди) кузатилган бўса, кейинги соатларда сув ўтказувчанлик нисбатан камайиб борган ва кузатувларнинг 5 ва 6-соатларида сув ўтказувчанлик тезлиги бир-бирига яқинлашиб борган. Умуман олганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 2017 йилда 764,5 м³/га га тенг бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 782,2 м³/га га ҳамда 2019 йилда 776,8 м³/га га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу олинган натижалар Н.А.Качинский сув ўтказувчанлик даражаси бўйича қабул қилинган шкалага солиштирилганда «қониқарли» сув ўтказувчанлик ҳисобланади.

Н.Т.Лактаевнинг тупроқни сув ўтказувчанлик хусусиятини баҳолаш мезони бўйича «В» таркибига, яъни ўртача сув ўтказувчи тупроқлар таркибига киради.

Вегетация охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вариантлар бўйича турлича ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин, яъни соянинг ўртапишар “Нафис” навини етиштиришда эгатлаб суғориш (назорат) 1–вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2019 йилда 6 соат давомида 670,1 м³/га ёки 0,186 мм/мин ни ташкил қилган бўлса, соя навини эгатга қора плёнка тўшаб суғорилган 2–вариантда 731,1 м³/га ёки назоратга нисбатан 61 м³/га, 0,017 мм/мин га юқори бўлганлиги, соя навини етиштиришда экиш билан тупроққа гидрогель қўлланган 3–вариантда вегетация бошига нисбатан 74 м³/га камайган бўлса, назоратга нисбатан 32,7 м³/га ҳамда 0,009 мм/мин юқори бўлганлиги, соянинг ўртапишар “Нафис” навини етиштиришда эгат қатор орасига сомон тўшаб суғорилган 4–вариантда вегетация бошига нисбатан 85,9 м³/га ёки бўлмаса 0,024 мм/мин га камайиб, 690,9 м³/га тенг бўлган бўлса, назоратга 20,8 м³/га ҳамда 0,006 мм/мин га юқори бўлганлиги, шунингдек, тажриба давомида соянинг ўртапишар “Нафис” навини етиштиришда эгатни қарама қарши томонидан суғорилган 5– вариантда вегетация бошига нисбатан 94,8 м³/га ёки бўлмаса 0,026 мм/мин камайиб, 682 м³/га ҳамда 0,189 мм/мин га тенг бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида асосий экин сифатида сояни экишдан олдин тупроқнинг ҳажм массаси амал даврининг бошида 0–30 см қатламда 1,34 г/см³, 0–50 см қатламда 1,38 г/см³ бўлган бўлса, амал даврининг охирига келиб, 0,01–0,03 г/см³ ортганлиги аниқланди.

Тупроқнинг ғоваклиги амал даври бошида 0–100 см қатламида 47,7 % бўлган бўлса, амал даври охирига келиб соя турли сув тежамкор суғориш технологиялари билан суғорилганда 45,4–46,9 фоизга тенг бўлган ҳамда 0,4–2,3% гача камайганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аму-Бухоро ИТХБ ҳузуридаги мелиоратив экспедиция ташкилоти техник ҳисоботи.
2. Isaev S., Qodirov Z., Xamraev K., Atamuratov B., Sanaev X. –Scientific basis for soybean planting in the condition of grassy alluvial soil prone to salinization // Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020. Vol 7, Issue 4, DOI:<http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.04.68> Pp. 354–360. ((3) Scopus).

3. Исаев С.Х., Жўраев А.Қ., Кодиров З.З. Тупроқ агрофизикасини соянинг дон ҳосилдорлигига таъсири //“Хоразм маъмур академияси ахборотномаси”, Урганч, 2020, 1– сон, –Б.75–78. (06.00.00. №12).

УДК: 631.4.

ВЛИЯНИЕ КРУТИЗНЫ И ЭКСПОЗИЦИИ СКЛОНА НА ГУМУСНОЕ СОСТОЯНИЕ ЭРОДИРОВАННЫХ ПОЧВ ПРЕДГОРНОЙ И ГОРНОЙ ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ф.А. Маматкулова, докторант, Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкент

Г.Т. Джалилова, д.б.н., доц., Национальный Университет Узбекистана, Ташкент

Аннотация. Показаны основные проблемы экологии и плодородия почв в аспекте своеобразия природы предгорной и горной территории Узбекистана. Дан анализ собственных и имеющихся в литературе данных всесторонних исследований, позволяющих установить причины эрозии и потери плодородия почв в зависимости от рельефа и экспозиции склона. Рассмотрены результаты оценки гумусного состояния эродированных почв, формирующихся в горных условиях.

Ключевые слова: гумус, экологическое состояние, формы рельефа, эродированные почвы, антропогенное и естественное влияние.

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон тоғ олди ва тоғ худудларидаги табиатнинг ўзига хос аспектига кўра тупроқ унумдорлиги ва экологик муаммолари келтирилган. Рельеф ва қияликни экспозициясига боғлиқ равишда тупроқ унумдорлигини йўқолиши ва эрозиянинг сабабларини аниқлашга қаратилан мавжуд бўлган адабиётлар шарҳи ва шахсий таҳлил келтирилган. Тоғ худудидида шаклланган эрозияга учраган тупроқларнинг гумус ҳолатига баҳолаш натижалари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: гумус, экологик ҳолат, рельеф шакли, эрозияга учраган тупроқлар, антропоген ва табиий таъсир.

Abstract. The main problems of ecology and fertility of soils in the aspect of originality of nature of foothills and mountain territory of Uzbekistan are shown in the article. Analysis of own data and literature of thorough researches allows to reveal causes of the erosion and loss of fertility of soils according to slope relief and exposition. The results of estimation of humus state of eroded soils formed in mountain conditions are examined.

Keywords: humus, ecological condition, relief forms, truncated soils, anthropogenic and natural influence.

ВВЕДЕНИЕ

Создание оптимальных условий для улучшения экологического состояния территории Узбекистана является стратегическим компонентом национальной безопасности, важнейшим аспектом защиты жизненно важных интересов государства, общества и личности в республике.

Республика Узбекистан расположена в центральной части Центрально-азиатского региона в междуречье рек Амударья и Сырдарья и представляет собой своеобразное сочетание равнинного и горного рельефа. Из общей площади республики 44,896 млн.га - горы и предгорья занимают площадь 13,429 млн.га (в месте со скальной поверхностью), что составляет 29,9% всей территории [10]. Интенсификация использования почв горных и предгорных территорий исключительно важная проблема. Горная территория, как единый экологический комплекс, требует разработки научных основ рационального использования, воспроизводства, охраны ее биологических ресурсов, в том числе почвенного покрова.

Географические особенности, рельеф, климатические условия, разнообразие почвообразующих пород, растительного и животного мира накладывают свой отпечаток на формирование почв. Крутизна и экспозиция склонов в совокупности с климатическими условиями вызывают процессы эрозии, с которыми связаны все особенности почвообразования на горных и предгорных территориях, процессы взаимодействия между горными породами и живыми организмами. Почвенный покров формируется под влиянием жизни горного почвообразовательного процесса, где хорошо выделяются провинциальные особенности почвенного покрова в системе вертикальной зональности, сформировавшихся в специфических экологических пространствах. Горные почвы своеобразны, генетически самостоятельны, экологически ранимы.

Почвенный покров исследуемой территории разнообразный, представлены почвенные типы вертикальной поясности: почвы сероземного пояса - типичные и темные сероземы, а также коричневые почвы средневысотного пояса.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ВОПРОСА

Количество гумуса почв, считаются одним из показателей уровня плодородия почв, так как в процессе смыва верхних, наиболее плодородных горизонтов происходят значительные изменения ее химических и агрохимических свойств. Эродированные почвы склонов по сравнению с неэродированными почвами равнин характеризуются меньшей мощностью. В трудах Г.А.Пресняковой [11], Х.М.Махсудова [8], М.Н.Заславского [6], К.Усманова [13] видно, что запасы гумуса находятся в прямой зависимости от степени смытости почв.

Также Н.Б.Раупова [12] и Г.Мирхайдарова [9] отмечали, что в смытых, а точнее эродированных почвах не только уменьшаются общие запасы гумуса, но и изменяется его качественный состав: снижается содержание гуминовых кислот, увеличиваются – фульвокислоты.

При изучении почвенного плодородия эродированных почв Н.Ф.Ганжара [3], М.С.Кузнецов [7], пришли к мнению, что снижение содержание гумуса эродированных почв (гуминовой кислоты) – один из факторов, ослабляющих противоэрозионную устойчивость смытых почв.

ОБЪЕКТЫ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

Объектами нашего исследования были основные типы почв предгорной и горной территорий, распространенные в различных природных зонах. В целях изучения гумусного состояния почв в зависимости от рельефа и экспозиции склонов закладывались почвенные разрезы на различных элементах рельефа, включая на разных типах почв с учетом различных условий их формирования. В отобранных образцах после камеральной обработки проведены соответствующие анализы. В целях изучения запасов гумуса определяли объемный вес почвы и гранулометрический состав по методу Качинского. Гумус определяли по методу И. В. Тюрина в модификации Н. П. Бельчиковой.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

В связи с неоднородностью рельефа и разнообразием экологических факторов, влияющих на почвообразовательный процесс, содержание гумуса в горных почвах различно. На территории исследований наблюдается резкая смена почв, растительности и плодородия почв на сравнительно небольших расстояниях и первой причиной этого считал рельеф местности. Преобладающими почвами в предгорьях являются серозёмы, а в горах разновидности коричневых почв. Почвы предгорных зон подвержены эрозии, характеризуются в основном средне- и тяжелосуглинистым гранулометрическим составом. Особенности рельефа местности и высотные положения в системе вертикальной зональности оказывают значительное влияние на содержание гумуса [1,2]. Наиболее сильное разрушение почвы, не защищенной растительностью территориях, где от дождевых и талых снеговых вод стекают по поверхности, смывая плодородный слой. Наиболее характерным показателем эродированных почв является мощность генетических горизонтов и особенно гумусированных. Смытые почвы существенно отличаются от полнопрофильных прежде всего уменьшением запасов и содержанием гумуса, что больше всего ухудшает их плодородие. Обладая коллоидными свойствами, гумусовые вещества склеивают и цементируют механические элементы почвы и структурные агрегаты, влияя тем самым на водно-воздушные свойства и противоэрозионную устойчивость почвы. Наибольшее количество площадей, подверженных ускоренной эрозии отмечается на территориях с большой расчлененностью характеризующимся наличием более резких перепадов высотных отметок. С увеличением степени смытости почвы запасы органического вещества в ней уменьшаются (табл. 1).

Как видно из таблицы, эрозионные процессы резко влияют на химические свойства почв, при этом снижая содержание гумуса. Тёмные сероземы, расположенные на склонах, имеют мощность гумусированного горизонта с меньшим содержанием в верхних горизонтах гумуса, чем у почв расположенных на равнинной поверхности.

Например, в почвах расположенных в южной экспозиции почв Западных отрогов Чаткальского хребта, количество гумуса в дерновом горизонте составляет 1,42%, в водораздельной части – 2,96%, а в почвах расположенных в северной экспозиции количество гумуса в верхнем горизонте составляет 1,78%,. Самое большое количество гумуса в тёмных сероземах находится в намытой почве, расположенной на шлейфах, в подножье склонов. Количество их в дерновом горизонте доходит до 3,04% [5]. Такую же картину можно наблюдать в почвах Туркестанского хребта.

Таблица 1.

Содержание гумуса распространенных в предгорных и горных территориях в зависимости от степени смытости (¹почвы Западных отрогов Чаткальского хребта, ²почвы Туркестанского хребта)

Слой почвы	Несмытая почва, водораздел, %	Смытая почва, южная экспозиция, %	Смытая почва, северная экспозиция, %	Намытая почва, шлейф, %
Тёмный серозем ¹ дернового горизонт	2,96	1,42	1,78	3,04
Тёмный серозем ²	2,34	1,54	1,92	2,84
Горно-коричневая карбонатная почва ¹	3,256	1,548	2,500	4,216
Горно-коричневая карбонатная почва ²	2,96	1,60	2,10	3,17
Горно-коричневая типичная почва ¹	6,320	4,044	5,825	7,321
Горно-коричневая типичная почва ²	3,17	2,04	2,65	3,51
Горно-коричневая выщелоченная почва ¹	7,860	5,964	6,672	8,940
Горно-коричневая выщелоченная почва ²	3,30	2,60	3,01	3,75

Результаты химического анализа показывают, что горно-коричневые типичные почвы характеризуются умеренным содержанием гумуса в верхнем горизонте и резким убыванием его количество ниже поддернового горизонта [4]. Содержание гумуса в горно-коричневых типичных почвах варьируют в широких пределах - от 4,04 до 6,32 % в верхнем дерновом горизонте. Например, в почвах расположенных прямо на южном склоне количества гумуса в дерновом горизонте составляет – от 2 до 4,044%, эти же почвы расположенные в склонах северных экспозиции содержат в себе до 5 % гумуса. Горно-коричневые типичные почвы, расположенные на водораздельных частях территории содержат в себе от 4 до 7% количество гумуса в дерновом горизонте. Самое большое количество гумуса содержат в себе почвы расположенные на шлейфах, количество их в дерновом горизонте доходит до 7,321%. Такое колебание связано с региональным положением почвы, экспозицией склона, высотой местности, а также характером почвообразующих пород. Как видно из данных, дерновый горизонт в горно-коричневых типичных почвах резко выделяется высокой гумусностью. В поддерновом слое, количество гумуса уменьшается и на нижних горизонтах, то есть на нижних горизонтах его количество достигает 0,720-0,605%, что свидетельствует о его глубоком проникновении.

Содержание гумуса в коричневых карбонатных почвах невысокое, по сравнению с коричневыми типичными почвами, причиной этого связано с разряженным растительным покровом, с одной стороны, и быстрым темпом минерализации органической массы в условиях элювиально-ксероморфного режима – с другой. Кроме того, можно сказать о некоторой роли эрозионных процессов. В дерновом горизонте у почв расположенных на склонах северной экспозиции количество гумуса составляет от 2-2,5 % в дерновом горизонте, а почвы распространенные в водораздельных частях территории, содержат в себе – от 2,5 до 3,2 % гумуса, а на южных склонах территории содержат в себе в дерновом горизонте до 1,54% гумуса. Уменьшение количество гумуса с глубиной происходит плавно. Самое большое количество гумуса в этих почвах содержат в себе почвы, расположенные в шлейфах. Количество гумуса в верхних горизонтах составляет 4,21-3,52%.

В виду того, что горные коричневые выщелоченные почвы развиты на наиболее увлажненных участках ареала горных коричневых почв, они имеют укороченный гумусовый профиль. Максимальное количество гумуса сосредоточено, в основном, в дерновом горизонте. Это можно увидеть в описании следующих разрезов: на почвах северной экспозиции распространенных на крутых склонах количество гумуса доходит до 8 % в дерновом горизонте, в почвах расположенных в склонах южных экспозиции количество гумуса в пахотном горизонте составляет 5,96% в дерновом горизонте, в намытых почвах расположенных на шлейфах, количество их доходит в верхнем горизонте до – 9%.

ВЫВОДЫ

Из приведенных данных видно, что самое большое количество гумуса содержится, в основном, в шлейфах и водораздельных частей территории, так как здесь распространены, в основном, несмытые и намытые почвы, а малое в смытых склонах. И это связана с потерей

наиболее богатого гумусом верхнего слоя почвы во время смыва, последствий чего приводится к значительному снижению запаса гумуса, где распределяется основная корневая масса растений. Из приведенных данных следует, что для почв северных склонов характерно повышенное содержание гумуса, с высотой оно увеличивается, однако незначительно. Почвы южных склонов бедны гумусом, по мере подъема в горы его количество слабо возрастает, оставаясь относительно невысоким. На прочно задернованных теневых склонах, поверхностный смыв практически отсутствует, и почва получает возможность развиваться нормально, а на солнечных, то есть южных экспозициях почвообразование постоянно прерывается денудационными процессами. По обеспеченности гумусом территорию исследования можно расположить в следующем убывающем порядке: горно-коричневые выщелоченные - горно-коричневые типичные – горно-коричневые карбонатные - темные сероземы. Причиной этого является умеренно теплые и влажные условия, которые стимулируют преобладание гумификации над процессом минерализации. Относительно благоприятными агрохимическими свойствами обладают почвы водоразделов, худшими являются почвы инсолируемых склонов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Гафурова Л.А., Джалилова Г.Т. Современный подход в изучении эрозионноопасных земель бассейна Сукоксай с применением ГИС технологии. – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 144 стр.
2. Гафурова Л.А., Кадырова Д.А. Эродированные почвы Туркестанского хребта и их биологическая активность. –Т.: Фан, 2013.-160 с.
3. Ганжара Н.Ф. О соотношении скорости смыва и скорости формирования гумусового горизонта в эродированных почвах. – В сб.: «Оценка и картографирование эрозионноопасных и дефляционных земель». М. , 1973
4. Джалилова Г.Т., Гафурова Л.А. Влияние экзогенных процессов на химические свойства горных почв // Журнал “Геология и минеральные ресурсы”, Ташкент 2015, №2
5. Джалилова Г.Т., Забиров Ф.М, Ананова К.К. Почвенно-геоботаническое обследование горных территорий для разработки эффективных приемов в борьбы с эрозией почв // International academy journal "Web of scholar", №8 (17), Warsaw, 2017, p.11-16
6. Заславский М.Н. Эрозия почв. М., Мысль, 1979.
7. Кузнецов М.С. Влияние глобальных изменений климата на эрозионные процессы в лесостепи Центральной России // «Почвы национального достояния России» Материалы IV съезда Докучаевского общества почвоведов// Новосибирск 2004, стр. 518
8. Махсудов Х.М. Эрозия почвы аридной зоны Узбекистана. Ташкент, 1989, с 31-67.
9. Мирхайдарова Г.С. Изменение свойств почвы под влиянием противоэрозионных мероприятий в Западных отрогах Чаткальского хребта дисс.к.б.н. Ташкент-2002.с 11-19.
10. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан. Ташкент, 2013
11. Преснякова Б.А. Процессы ирригационной эрозии в горах и предгорьях Тянь-Шаня. Почвоведение 1953. №5, с.58-63.
12. Раупова Н.Б. Гумусное состояние эродированных типичных сероземов, сформированных на третичных красноцветных отложениях и некоторые пути его регулирования. Автореф.на соиск.к.б.н.Ташкент 2000. с 15-16.
13. Усмонов К. Эрозия сероземов на богаре и принципы борьбы с ней. Автореф. Кан.дисс. Ташкент, 1973. С.17-18.

УЎТ:635.61+611

ҚОВУН НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГИДРОГЕЛНИНГ ТАЪСИРИ

*Р.А. Низомов, к/х.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот
институтини, Тошкент*

С.М. Садуллаев, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Д.М. Абдуллаев, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм вилоятида етиштирилган ўртапишар «Заргулоби», «Ак новвот», «Қари қиз», каби навларнинг ўсиб ривожланишига гидрогелнинг мақбул қўллаш самарадорлигини аниқлаш, уруғларни униб чиқиши, гуллаши ва меваларни пишиб етилиши, навларини ер устки қисмини ўсиб ривожланишига турли хил тупроқ аралашмаларнинг таъсирини ўрганиши. Олинган натижаларга асосан юқори кўрсаткичга эга бўлган навлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзи: Қовунни ўртапишар навларини уруғларни униб чиқиши, гуллаши ва меваларни пишиб етилиши, навларини ер устки қисмини ўсиб ривожланишига турли хил тупроқ аралашмаларнинг таъсирини ўрганиши.

Аннотация. В данной статье определена эффективность применения гидрогеля для роста и развития средневозрастных сортов, таких как «Заргулоби», «Ак новвот», «Старушка», выращиваемых в Хорезмской области, прорастания семян, цветения и созревание плодов, разнообразие сортов для изучения воздействия различных почвенных смесей. По полученным результатам были показаны сорта с высокими показателями.

Ключевые слова: Изучить влияние различных почвенных смесей на всхожесть, цветение и созревание плодов среднеспелых сортов дыни, рост и развитие надводной части сортов.

Abstract. In this article: To determine the effectiveness of the application of hydrogel for the growth and development of middle-aged varieties such as "Zargulobi", "Ak novvot", "Old girl" grown in Khorezm region, seed germination, flowering and fruit ripening, variety of varieties to study the effects of different soil mixtures. Based on the results obtained, varieties with high performance were shown.

Keywords: To study the effect of different soil mixtures on the germination, flowering and fruit ripening of medium-ripe varieties of melon, the growth and development of the surface part of the varieties.

Кириш: Хозирги кунда дунё миқёсида мева ва сабзавотларни кунлик истеъмол эhtiёжини таминовчи соғлом овқатланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қовун полиз экинлари ичида асосий экинлардан бири бўлиб, уни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Дунё бўйича сўнгги йилларда қовун экилган майдон Хитойда – 479,4 минг, Турцияда – 84,6 минг, Эронда – 82,0 минг, Мисрда – 38,9 минг, Хиндстонда – 46,5 минг, Қозоғистонда 43,4 минг, АҚШда – 26,3 минг, Испанияда 20,9 минг, Италияда 24,7 минг гектарни ташкил этган. Ўзбекистонда қовун – 25016 гектар, тарвуз – 25569 гектар ҳамда ковок – 9571 гектарда, жами 60156 гектар майдонда полиз экинларини экилмоқда.

Дунёда содир бўлаётган озиқ-овқат муаммосини бартараф этиш, аҳоли сонини ортиб бориши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, жадаллашган технологияларни ишлаб чиқиш, яъни унинг бирдан-бир йўли экинлар ҳосилдорлигини оширишга боғлиқ бўлади. Бу имкониятни фақат инновацион технологияларни ва янги юқори ҳосилли нав намуналарини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Бугунги кунда қовунни юқори ҳосилли навларини ўрганиш, генофондини сақлаш, экспортбоп навларини ажратиш ҳамда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқишни тақазо этади.

Ушбу тажриба 2018-2020 йилларда қовунни ўртапишар Ак новвот, Қари киз, Заргулоби навларини ўсиб ривожланишига гидрогель полимерини таъсири ўрганилди. Илк бор Хоразм вилоятида қовунни қурғоқчиликка чидамлилигини оширишда ушбу материалнинг турли хил меъёрлари таққасланиб синаб кўрилди.

Тажрибада 4 та вариант, гидрогелни гектарига 6,0 кг ва 12,5 кг қўллаш вариантларига таққословчи сифатида биогумусни 180 кг/га меъёрида мульчалаш ва ўғитсиз, оддий экиш назорат қилиб олинди. Қовун уруғлари йиллар давомида 20-23 май санасида қўшқатор лентасимон усулда $\frac{210+70}{2} \times 60$ см экиш схемасида экилди. Тажриба 4 қайтариқли, майдонча 2 қаторли, унинг озиқланиш майдони 11,2 м² Ҳар бир майдонча қўшқатор узунлиги 4 м, эни 2,8 м. ва майдончада 12 ўсимлик жойлашган.

Дала тажрибаларида қовунни уруғи назорат вариантда одатдаги усулда, яъни тупроққа 3-5 см чуқурликка солиб тупроқ билан кўмилди ва мульча қилинмади. Биогумус билан мулчалаш вариантыда эса ҳар бир уяга уруғлар экилгандан сўнгра 15-20 гр дан солиб мульчаланди.

Гидрогелни қўллаш усули эса уруғни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш вақтида, яъни уруғ экиш билан бирга ўтказилди. Бунда гидрогелни идишларга солиб, 1 грамига 1 литр меъёрда тоза сув қуйилди ва 2-3 соат давомида сувни шимиб олгандан сўнгра дала майдонига олиб борилди. Қовун уруғи экиладиган ҳар бир уяларга тавсия этилган меъёрлар, яъни вариантлар бўйича гидрогелни солиб тупроққа аралаштирилди, сўнг 1-2 см тупроқ солиб уруғлар қўйилади ва уруғлар 3-5 см тупроқ билан кўмилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, қовунни ўртапишар навлари уруғлари экилгандан сўнг фенологик кузатувлар ўтказилди. Бунда уруғларни униб чиқиши (10 ва 75 % га), оталик ва оналик гулларни гуллаши ҳамда меваларнинг пишиб етилиши аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Фенологик кузатув натижаларига кўра, қовунни ўртапишар навлари уруғларининг ёппасига (75 %) униб чиқиши Заргулоби навида вариантлараро 7-10 кунни ташкил этди. Тажрибада гидрогель моддасида гектарига 12,5 кг қўлланилган вариантда энг эрта уруғларни униб чиқиши кузатилди ва бу кўрсаткич 7 кунни, ва гидрогелни гектарига 6,0 кг қўлланилган вариантыда эса 8 кунни ташкил этди. Биогумусда мульчаланган вариантда 9 кунда униб чиққан.

1-жадвал.

Ковунни ўртапишар навларини уруғлари униб чиқиши, гуллаши ва меваларни пишиб етилишига аралашмаларнинг таъсири (2018-2020 йй.).

Навлар	Аралашмалар	Уруғ униб чиқиши, кун	Гулларнинг очилиши, кун		Меваларни пишиб етилиши, кун
			оталик	оналик	
Заргулоби	Ўғитсиз - назорат	10	36	45	80
	Гидрогель-6,0 кг/га	8	35	43	75
	Гидрогель-12,5 кг/га	7	33	41	71
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	9	34	44	79
Ак новвот	Ўғитсиз - назорат	9	35	44	79
	Гидрогель-6,0 кг/га	8	34	42	74
	Гидрогель-12,5 кг/га	7	32	40	70
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	8	34	43	75
Қари қиз	Ўғитсиз - назорат	9	36	45	80
	Гидрогель-6,0 кг/га	8	35	42	76
	Гидрогель-12,5 кг/га	7	32	40	71
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	8	35	44	78

Тажрибада қовунни ўртапишар Ак новвот ва Қари қиз навларида ҳам гидрогель қўлланган вариантларда 7-8 кунда униб чиққан бўлиб, асосан гидрогелни 12,5 кг/га қўлланган вариантида энг эрта 7 кунда униб чиққанлиги маълум бўлди. Назорат вариантларда 9 кунни ташкил этди. Бу албатта гидрогель моддасини қовун уруғларини тез униб чиқишига тупроқ намлигини ушлаб туриши ва уруғларни букиш жараёнини тезлаштириши кузатилган. Натижада уруғлар экилган уяларда тўлиқ ва бир текис униб чиқиши аниқланди.

Қовуннинг ўртапишар Заргулоби Ак новвот ва Қари қиз навларининг оталик ва оналик гулларини пайдо бўлиши ҳам эрта униб чиққан вариантларда эртароқ бўлиши кузатилди. Бу албатта нихолларнинг ривожланиши ва тупроқ намлиги, қулай шароит билан боғлиқ. Тажрибада барча навларда ҳам оталик гуллари энг эрта пайдо бўлган варианти гидрогелни гектарига 12,5 қўлланган варианти бўлди ва у 32-33 кунни ташкил қилди. Назорат вариантда эса оталик гуллар 35-36 кунда пайдо бўлган.

Оналик гулларни пайдо бўлишида ҳам навлараро энг эрта гуллаган гидрогелни гектарига 12,5 қўлланган варианти бўлди ва у 40-41 кунни ташкил қилди. Назорат вариантда эса бу кўрсаткич 44-45 кунни ташкил қилди.

Тажрибада қовунни ўртапишар навларини етиштиришда турли хил тупроқ аралашмаларидан фойдаланишнинг мевалар пишиб етилишига ижобий таъсири аниқланди. Бунда етилиши даври 70-80 кунни ташкил этиб, нисбатан эрта пишиб етилган вариантлар бу гидрогелни гектарига 6,0 ва 12,5 кг қўлланган вариантларида (70-76 кун) кузатилди. Барча навларнинг назорат вариантларида қовун мевалари 79-80 кунда пишиб етилган.

Назоратга нисбатан гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланган вариантида қовун уруғларини эрта униб чиқиши (2-3 кун), оталик ва оналик гулларни эрта гуллаши (4-5 кун) ва меваларнинг эрта пишиб (9-10 кун) етилиши аниқланди.

Олиб борилган тажрибада ўсимликларни ер устки қисмини ўсиши ва ривожланишига ҳам турли хил тупроқ аралашмаларини таъсири аниқланди.

Тажрибада биометрик ўлчов ва ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Бунда ўсимликни асосий пояси узунлиги, ён шохлар сони ва ён шохларнинг узунлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

Биометрик ўлчов натижаларига кўра, қовунни барча ўртапишар навлари ўсимликларининг асосий пояси узунлиги 131-171 см ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич барча навларнинг гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланган вариантларида бўлиб, у 163-171 см эканлиги аниқланди. Назорат вариантга нисбатан асосий поянинг узунлиги 23-31 см юқори ўсганлиги маълум бўлди. Биогумус қўлланган вариантда эса бу кўрсаткич паст бўлди.

Ўсимликларнинг ён шохлари сони ҳисоблаб чиқилганда, ўртапишар Заргулоби навида 3,0-3,4 дона бўлиб, нисбатан юқори кўрсаткич 3,4 дона гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланган вариантларида кузатилди.

Ак новвот ва Қари қиз навларининг ушбу вариантларида 3,7-3,8 дона ён шох ҳосил қилганлиги аниқланди. Нисбатан кам шохланган назорат вариантда кузатилди.

Ён шохларнинг умумий узунлиги бўйича ҳисоблаш натижаларига кўра, Заргулоби навида 418-575 см, Ак новвот навида 551-739 см ва Қари қиз навларда эса 493-708 см ни ташкил этган. Ўртапишар навлар ичида ён шохларнинг умумий узунлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткич,

яъни кучли ўсган вариант гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланганда Заргулоби навида 575 см, Ак новвот навида 739 см ва Қари қиз навида эса 708 см бўлди. Назоратга нисбатан 157-217 см га юқори ўсганлиги аниқланди.

2-жадвал.

Қовунни ўртапишар навларини ер устки қисмини ўсиб ривожланишига турли хил тупрок аралашмаларнинг таъсири (2018-2020 йй.).

Навлар	Аралашмалар	Асосий поя узунлиги, см	Ён шохлари сони, дона	Ён шохлари узунлиги, см	Ун шудринг билан касалланиши, %
Заргулоби	Ўғитсиз - назорат	131	3,0	418	5,0
	Гидрогель-6,0 кг/га	150	3,2	467	0
	Гидрогель-12,5 кг/га	163	3,4	575	0
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	145	3,1	510	2,5
Ак новвот	Ўғитсиз - назорат	142	3,5	551	2,5
	Гидрогель-6,0 кг/га	165	3,7	668	0
	Гидрогель-12,5 кг/га	171	3,7	739	0
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	160	3,6	611	5,0
Қари қиз	Ўғитсиз - назорат	139	3,6	493	15,0
	Гидрогель-6,0 кг/га	156	3,7	603	2,5
	Гидрогель-12,5 кг/га	162	3,8	708	0
	Биогумусда мульча– 180 кг/га	145	3,6	540	2,5

Тажрибада қовунни ўртапишар навлари ўсимлигининг ер устки қисмини кучли ўсиб ривожланишига гидрогель моддасини тупроққа солиб етиштириш айниқса, гектарига 12,5 кг солинган вариантыда энг юқори натижани, яъни назоратга нисбатан асосий пояни узунлиги 12 см га, ён шохлар сонини 0,4 донага, умумий ён шохлар узунлигини 157-217 см га юқори эканлигини кўрсатган.

Қовунни Хоразм воҳасида ўртапишар навларини етиштиришда турли хилдаги тупрок аралашмасини ва мульчалашни усулларини экинлар ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. Ҳосилдорликни аниқлашда ҳар бир терим алоҳида торозида тортилди, товар ва нотовар ҳосил фракцияларга ажратилди (3.21-жадвалга қаранг).

Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири бўлган ҳосилдорлик кўрсаткичларига ушбу моддаларнинг таъсири таҳлил қилинганда, меваларнинг ўртача сони ва вазни, ҳосилдорлик ҳамда товарбоп ҳосил улуши аниқланди.

Қовун ўсимликдаги меваларнинг ўртача сони ва мева вазни бўйича Заргулоби навида вариантлараро ҳар бир ўсимликда 4-5 донадан мева ҳосил қилганлиги маълум бўлди. Нисбатан юқори кўрсаткич гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланган вариантыда 1 донага кўп, яъни 5 донани ташкил этган. Ак новвот навида 5-7 дона мева ҳосил қилган бўлиб, назорат вариантга нисбатан 2 дона кўп мева ҳосил қилган гидрогелни гектарига 12,5 кг қўлланган вариантыда кузатилди. Қари қиз навида ҳам 5-7 дона мева ҳосил бўлган ва назоратга нисбатан 2 дона юқори бўлган гидрогель моддасини 12,5 кг/га меъёردа қўлланилган вариантыда кузатилди.

Меванинг вазни бўйича Заргулоби навида вариантлараро меваларнинг ўртача вазни 2,0-2,6 кг ораликда бўлган, Ак новвот нави эса нисбатан кичикроқ вазнда, яъни 1,3-2,1 кг, Қари қиз навида меваларнинг ўртача вазни йирикроқ, яъни 2,8-3,7 кг ни ташкил этган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Ак новвот, Қари қиз, Заргулоби навларини ўсиб ривожланишига гидрогель полимерини таъсири ўрганилди. Ўсимлик ер устки қисмини ўсиши ва ривожланишига гидрогель моддасини гектарига 12,5 кг солинган вариантыда энг юқори натижани, яъни назоратга нисбатан асосий пояни узунлиги 12 см га, ён шохлар сонини 0,4 донага, умумий ён шохлар узунлигини 157-217 см га юқори эканлиги исботланди.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент. 2007. – Б. 147.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Агропромиздат, 1985. – С. 223-290.
3. Коринец В.В., Санникова Т.А., Самодуров В.Н. Целевая оценка качества плодов дыни (методика). Астрахань. 2006. – Б. 27.
4. Курбониязов Р. Хоразм географияси. Урганч. 1997. -Б. 45-50.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. ГНУ ВНИИО. 2011. – С. 648.
6. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Выпуск IV Картофель, овощные и бахчевые культуры. – Москва Колос, 1975. – С. 36-46.
7. <http://www.sgau.ru/files/pages/14691/14327973036.pdf>,

8. <https://www.twirpx.com/file/967750/>

9. <https://agro-market24.ru/blog/sovety-i-rekomendatsii/kak-ispolzovat-gidrogel-dlya-rasteniy/>

УЎК 633.511:576.3.631.527

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМИ ШАРОИТИДА ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

З.П. Ражабов, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV–V тип тола берадиган, ҳар-хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда қимматли хўжалик белгилари, шунингдек, лаборатория шароитида технологик таҳлил натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ғўза, нав, ҳосилдорлик, экстремал шароит, тезпишар, тола чиқими ва сифати.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о росте и развитии, ценных хозяйственных признаках, а также, о технологических анализах проведенных в лаборатории новых сортов хлопчатника дающие IV-V типовых волокна, устойчивых к заболеваниям и вредителям, приспособленных к различным экстремальным условиям в почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

Ключевые слова: хлопчатник, сорт, урожайность, экстремальные условия, скороспелый, выход и качество волокна.

Abstract. The given article includes information about the growth and development, valuable economic characters, as well as, results of the technological analyses, conducted in the laboratory, of the new cotton varieties with fiber type 4-5, resistant to diseases and vermin, adapted to various extreme conditions of soil climatic conditions of Khorezm region.

Key words: cotton, variety, yield, extreme conditions, early ripening, fiber output and quality.

Маълумки, ғўза асосан миқдорий белгиларга асосланган, қимматли хўжалик белгилари, яъни тезпишарлик, ҳосилдорлик, кўсак сони, 1000 дона чигит вазни ва бошқа кўрсаткичлари юқори бўлган шакллар ҳамда уларнинг ўзаро дурагайларини танлаш асосида бойитилади [1, 4].

Амалий селекция учун миқдорий белгиларнинг ирсийланиш даражасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Ғўза ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар, хусусан бошланғич манба ёки навнинг иқтисодий мезонларидан бири – битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни ва битта ўсимликдаги кўсақлар сонидир. Шунинг учун ҳам селекцион генетик изланишларда бу белгиларнинг қай тарзда ирсийланиши ва намоён бўлишига алоҳида эътибор берилади [2].

Селекция ишларининг муваффақиятли чиқиши ва бошланғич ашёларнинг энг яхши белгиларини ўзида мужассамлаштирган янги дурагай ўсимликларини яратиш учун ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари билан бир қаторда морфологик белгиларнинг ҳам наслдан-наслга ўтиш қонуниятларини билиш лозим [3].

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633 сонли қарорига биноан ҳудудларда ғўза навларини жойлаштириш пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари ва кластерлари томонидан мустақил жойлаштирилиши ваколоти берилган бўлиб, бу ўз навбатида селекционер олимлар томонидан яратилаётган янги ғўза навларига соғлом рақобат муҳитини яратиб берди. Бунинг натижасида эса ўз навбатида узун толали навлар орасида ҳам рақобатнинг кучайишига, пировард натижада эса ҳосилдорлик, тола сифати, зараркундаларга бардошлилик сингари қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассамлантирган ғўза навлари яратилишига асос бўлади [5].

Сўнги йилларда Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан ғўзанинг янги “Хурма” нави яратилган бўлиб, ушбу навга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинди. 10.01.2020 йилда “Хурма” нави патент олинди. Патент рақами: № NAP 00261.

Ушбу нав ўзининг хўжалик қимматли белгилари ва эртапишарлиги жиҳатидан ҳозирда Хоразм вилоятида экилаётган навлар билан рақобатбардошлиги туфайли уни экишга катта талаб ва эҳтиёж сезилмоқда.

Изланишларимиздан асосий мақсад Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV–V тип тола берадиган, ҳар хил

экстремал шароитларга мослаша оладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир.

Тажрибалар Хива тумани ҳудудида жойлашган Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал тажриба базаси шароитида олиб борилди. Тажриба ўтказилган ерлар ўтлоқ аллювиал тупроқлар бўлиб, ер ости сувлари 1,5-2 м. чуқурликда жойлашган. Навларни далага Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) томонидан ишлаб чиқилган услубият асосида жойлаштирилди. Тажриба 4 қайтариқ 3 вариантдан иборат бўлиб далада битта ярусда системали жойлаштирилди. Хар бир қайтариқ 2 қатордан иборат бўлиб узунлиги 20 метр. Хар бир қайтариқнинг умумий майдони 24 м². Хар бир вариантнинг ўлчами 96 м² ни ташкил қилди. Тажрибанинг умумий майдони 288 м² ни ташкил қилади.

Тажриба майдонига чигит 60x20x1 схема бўйича экилиб, ягонадан кейин хар бир уяда биттадан соғлом кўчат қолдирилди. Ғўзанинг вегетация даврида қуйидаги фенологик кузатув ва хисобот ишлари олиб борилди: ўсимликларни 50% униб чиқиши, гуллаш ва пишиш фазаларини давомийлиги аниқланди; шоналаш, гуллаш ва пишиш фазаларида ўсимликларни бўйи ўлчанди; гуллар, моноподиал ва симподиал шоҳлар, пишган ва хом кўсақлар сони аниқланди; терим олдиан қайтариқлар бўйича хар бир вариантдан 50 тадан кўсақ пахта лаборатория анализи учун териб олинди ҳамда теримлар бўйича ҳосил миқдори аниқланди.

Бизга маълумки, чигит экилгандан то ҳосил пишиб етилгунгача ўтган давр вегетация даври дейилади. Бу вегетация даврининг июн, июл, август ойларида ўсимликнинг янги белгилари пайдо бўлади ва тез ўсиб ривожланади Шулардан келиб чиққан ҳолда июн, июл ва август ойларининг 1-санасидан 10-санасигача тажрибадаги ўсимликлар устида кузатув ишлари олиб борилди. Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш бўйича олиб борилган кузатув ишлари натижалари қуйидаги 1-жадвалда баён қилинган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики июн ойида ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилган. Бу ойда ғўзанинг асосий поянинг баландлиги бўйича вариантлар орасида кескин ўзгаришлар кузатилмади. Назорат Хоразм-127 навига нисбатан Хурма нави 2,2 см баланд ва Ният нави эса 3 см паст бўлганлиги кузатилди. Поя баландлиги бўйича бундай ўзгариш ҳосил шоҳларининг сонига ўз таъсирини кўрсатди. Назорат навига нисбатан Хурма нави 1,5 дона кўп йиғган бўлса Ният нави назорат навидан поясининг баландлиги паст бўлишига қарамасдан 0,4 дона кўп ҳосил шоҳ тўплаган. Ўсув шоҳлари бўйича вариантлар орасида кескин ўзгариш кузатилмади, яъни деярли бир хил сонда бўлди.

1-жадвал

Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида янги истикболли ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши

№	Вариантлар	1-10 июнь			1-10 июль			1-10 август		
		Асосий поянинг баландлиги, см	Ҳосил шоҳлар сони, дона	Ўсув шоҳлар сони, дона	Асосий поянинг баландлиги, см	Ҳосил шоҳлар сони, дона	Гуллар сони, дона	Асосий поянинг баландлиги, см	Ҳосил шоҳлар сони, дона	Кўсақлар сони, дона
1	Назорат-Хоразм-127	33,3	5,2	1	83,6	8,0	5,0	94,8	10,2	10,2
2	Хурма	35,5	6,7	0,8	90,2	10,0	7,6	99,3	12,3	18,3
3	Ният	30,3	5,6	1,3	77,8	8,4	7,0	85,7	10,1	16,3

Июл ойида ҳам ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилди. Асосий поянинг баландлиги бўйича вариантлар орасида кескин ўзгариш кузатилди. Назорат навига нисбатан Хурма нави 6,6 см баланд ва Ният нави эса 5,7 см паст эканлиги кузатилди. Бундан кўриниб турибдики назорат Хоразм -127 нави бир ой давомида 50,3 см ўсган бўлса, Хурма нави 54,7 см ва Ният нави 47,6 см ўсган. Демак, Хурма нави башқа вариантларга нисбатан тез ўсаётганлигини ва Ният нави эса секин ўсаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ойда ҳосилшоҳларни тўплаши олдинги ой билан бир хилда кечди. Назорат навига нисбатан тажрибадаги навларнинг ҳосил шоҳлари кўпроқ бўлганлиги кузатилди. Хурма нави 2 дона ва Ният нави эса 0,4 дона кўп ҳосилшоҳ тўплади. Бу ойда гуллар очила бошлаганлиги сабабли уларнинг сони аниқланди. Ҳосил шоҳларининг сонига кўра гуллар сони ҳам тажриба навларида кўпроқ бўлганлиги кузатилди. Назорат вариантига нисбатан Хурма нави 2,6 ва Ният нави эса 2,0 донага кўп йиғганлиги кузатилди.

Август ойида ҳам ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилди. Асосий пояни баландлиги бўйича олиб борилган кузатувлар натижасига кўра вариантлар орасида унчалик катта ўзгаришлар кузатилмади. Назорат вариантига нисбатан Хурма нави 4,5 см баланд бўлса ва

Ният нави эса 9,1 см паст бўлганлиги кузатилди. Бу ойда ҳам ҳосил шохларини ҳисобга олганимизда, Хурма нави назорат вариантыга нисбатан 2,1 дона кўп ва Ният нави эса 0,1 донага кам йиғганлигини кузатишимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб август ойининг бошида август ойининг бошида кўсақлар сони ортганлигини кузатдик. Бу даврда тажрибадаги навлар назорат навига нисбатан жуда кўп кўсақ тўплаганлигини гувоҳи бўлдик. Назорат навига нисбатан Хурма нави 8,1 дона, Ният нави эса 6,1 дона кўп кўсақ тўплаганлиги кузатилди.

Вегетация даврида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики Хурма нави асосий поянинг тез ўсиши натижасида ҳосил шохлар ва ҳосил элементларини кўпроқ тўплаган бўлса, Ният нави асосий пояда ҳосил шохлар қисқа бўғинда пайдо бўлганлиги сабабли бўйи паст бўлишига қарамасдан кўпроқ ҳосил шох элементларини тўплади.

Маълумки тола қанчалик юқори сифатга эга бўлса жаҳон бозорида унинг баҳоси шунчалик юқори туради. Шундан келиб чиқиб барча вариантларида ҳосилни йиғиштиришдан олдин лаборатория анализлари учун 50 донадан кўсақ пахта намунаси териб олдик. Ўзбекистон Республикаси Агросаноат Мажмуида хизмат кўрсатиш маркази лабораториясида олинган намуналарнинг битта кўсақ вазни, тола чиқиши, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни ва микронейр кўрсаткичи аниқланди. Ҳосилдорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири битта кўсақдан чиқадиган чигитли пахта вазнидир. Олиб борилган кузатишлар натижасига кўра, битта кўсақ вазни бўйича сезиларли фарқ борлиги аниқланди (2-жадвал).

Назорат Хоразм-127 навига нисбатан Хурма навининг кўсақдаги пахта вазни 1,2 граммга ортган бўлса Ният навининг кўсақги 0,4 граммга оғирроқ бўлиб чиқди. Навларнинг 1000 дона чигит вазни аниқланганда тажрибадаги навлар иккаласи ҳам назорат навидан юқори кўрсаткични намоён қилди. Бу эса тажрибадаги навларнинг чигитлари анча йирик эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, назорат навига нисбатан тажрибадаги навларнинг тола чиқими юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хоразм-127 навига нисбатан Хурма нави 4%, Ният нави эса 4,3% кўп тола чиқимига эга бўлганлиги аниқланди. Олиб борилган кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган барча вариантларнинг тола узунлиги бир бирига яқин кўрсаткичларни ҳосил қилди. Назорат навига нисбатан Хурма нави 0,2 мм, Ният нави эса 0,1 мм узун бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Ўрганган навларимизнинг барчаси давлат андозасига мос тушади, яъни районлаштириш мумкин. Ўрганилган навларнинг лаборатория анализ натижалари бўйича баҳо берилганда, тола чиқими бўйича тажрибадаги вариантлар назорат навидан устун бўлди.

2-жадвал

Янги истиқболли ғўза навларининг лаборатория шароитида қимматли хўжалик белгилари ва технологик таҳлил натижалари

№	Вариантлар	1 та кўсақдаги пахта вазни, г	1000 дона чигит вазни, г	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм	Микронейр
1	Назорат-Хоразм-127	5,5	116	34,0	36,3	4,6
2	Хурма	6,3	125	38,0	36,5	4,1
3	Ният	5,9	120	38,3	36,4	4,2

Биз Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида ғўза навлари устида олиб борган тажрибамиздан қуйидаги хулоса ва таклифларни келтиришимиз мумкин:

- вегетация даврида олиб борилган кузатув ишлар шуни кўрсатдики, Хурма нави асосий поянинг тез ўсиши натижасида ҳосил шохлар ва ҳосил элементларини кўпроқ тўплаган бўлса, Ният нави асосий пояда ҳосил шохлар қисқа бўғинда пайдо бўлганлиги сабабли бўйи паст бўлишига қарамасдан кўпроқ ҳосил элементларини тўплади.

Тажрибада ўрганилган иккала нав назорат навидан асосий хўжалик белгилари бўйича устунлигини намоён қилди. Фермер хўжаликларига Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида ғўзадан юқори ҳосил олиш учун навлар танланганда Хурма ва Ният навларини экиш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. Ғўза махсулдорлигининг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро боғланиши. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 62-63.

2. Махмудов О., Қосимов А., Исмонов А. Эртапишар ғўза тизмаларини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами), «Андижон наширёт – матбаа» очик аксиядорлик жамияти, 2006, 49-51.

3. Мунасов Х., Муратов Ў., Қўчқаров О., Алихўжаев С.С. Шўрланган тупроқда ўстирилган айрим тизмаларнинг эртапишарлиги ва ҳосилдорлиги. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 97-103.

4. Тожиев М., Курбонова Г., Тожиев Қ., Хўжманов О. Янги гўза навларини жойлаштириш. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2003, №7, 13.

5. <http://agroinspeksiya.uz/uz/news/respublikada-eng-katta-maydonlarni-egallagan-goza-navlari>

УДК 633.11.631.521

ГЕНЕТИЧЕСКИЙ КОНТРОЛЬ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КАЧЕСТВА ЗЕРНА ЯРОВОЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ

Ф.А. Рузиев, ассистент, СамГУ, Самарканд

И. Ш. Джаббаров, д.б.н., СамГУ, Самарканд

Аннотация. Мақолада баҳорги юмишқ буғдой туричи дурагайларининг дон сифат кўрсаткичларини генетик таҳлил натижалари келтирилган. Доннинг қаттиқлик кўрсаткичи (d_{cp}), хамир қаришилиги, валориметрик миқдори, дон ва ун сифатининг баъзи кўрсаткичлари, юқори генотипик ўзгарувчанлиги аниқланди. Контраст навларнинг (Хупар, Бардош) чашиштирилишидан олинган F_1 - F_2 дурагайларидаги доннинг қаттиқлиги гибридологик таҳлили бу белгининг 1: 2: 1 ($X^2=0,952$; $P>0,50$) бўйича бўлиниши билан моно-факторли ирсийланишини кўрсатди. Баҳорги буғдойнинг маҳаллий қадимий навлари Хупар, Оқ марварид ва Бардош уни таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори бўйича потенциал донорлар булиб, бу хусусиятларни ошириши учун уларни чашиштириши дастурларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: *bug'doy, nav, populyatsiya, genetik tahlil, fenotip, don sifati ko'rsatkichlari, genotipik o'zgaruvchanlik.*

Аннотация. В статье представлены результаты генетического анализа показателей качества зерна внутривидовых гибридов яровой мягкой пшеницы. Выявлено, высокая генотипическая изменчивость показателей признака твердости зерна (d_{cp}), образования сопротивляемости теста, валориметрического числа и некоторых показателей качества зерна и муки. Гибринологический анализ твердозерности у гибридов F_1 - F_2 от скрещиваний контрастирующих сортов (Хупар, Бардош) показал монофакториальный тип наследования этого признака с расщеплением по фенотипу 1:2:1 ($X^2=0,952$; $P>0,50$). Местные стародавние сорта яровой мягкой пшеницы Хупар, Оқ марварид и Бардош являются потенциальными донорами по содержанию белка и клейковины в муке, что целесообразно использовать их в программах скрещивания с целью усиления данных признаков.

Ключевые слова: *пшеница, сорт, популяция, генетический анализ, фенотип, показатели качества зерна, генотипическая изменчивость.*

Abstract. The article presents the results of genetic analysis of grain quality indicators of intraspecific hybrids of spring bread wheat. Revealed, high genotypic variability of indicators of grain hardness (d_{cp}), the formation of dough resistance, valorimetric number and some indicators of the quality of grain and flour. Hybridological analysis of grain hardness in F_1 - F_2 hybrids from crosses of contrasting varieties (Khupar, Bardosh) showed a mono-factorial type of inheritance of this trait with splitting according to the phenotype 1: 2: 1 ($X^2 = 0,952$; $P > 0,50$). Local ancient varieties of spring bread wheat Khupar, Ok marvarid and Bardosh are potential donors in terms of protein and gluten content in flour, which is advisable to use them in crossing programs in order to enhance these traits.

Key words: *wheat, variety, population, genetic analysis, phenotype, grain quality indicators, genotypic variability.*

Пшеница – основная культура в регионе Центральной Азии и является источником для изготовления хлеба. Однако несмотря на важное сельскохозяйственное значение пшеницы хлебопекарные качества зерна новосозданных и районированных сортов остаются низким [1].

Хлебопекарное качество зерна является интегральным признаком который зависит от генотипа сорта [2,3], плодородия почвы и метеорологических условий выращивания [4,5,6], влияния вредителей [7].

Для преодоления наметившейся негативной тенденции проводятся прессинг селекции на качество с использованием разных методов и источников. Это требует разработке генетических основ селекции пшеницы на качество в условиях интенсификации селекционного процесса и всевозрастающих требований к качеству зерна новых сортов.

К настоящему времени картированы более 40 генов и локусов количественных признаков, влияющих на технологические свойства муки и теста, описаны тесно сцепленные с ними ДНК-маркеры [8,9].

Большие возможности для отбора перспективных форм дает, в частности, определение качества зерна местных стародавних сортов яровой мягкой пшеницы по белково-клейковинного комплекса. При этом особое значение имеет поиск исходного материала, изучению и подбору схем скрещивания, выявление типов наследования отдельных признаков качества зерна в гибридных комбинациях. В связи с этим особую актуальность приобретает выяснение генетики таких количественных признаков, как содержание белка и клейковины, седиментационный тест и признаков на которых по существу базируется вся качественная оценка ранних поколений.

Материал и методы. В скрещиваниях были вовлечены местные стародавние сорта яровой мягкой пшеницы с различным уровнем качества зерна и муки: Хупар (Х), Ок марварид (Окм), Бардош (Б), Кайрактош (К). Гибриды F₁-F₂ и их родительские формы выращивали в рендомизированных блоках при площади питания растений 300 см².

Оценивали исходные сорта и гибриды по качеству зерна в соответствии с методиками национальных стандартов Российской Федерации по следующим показателям: натура и твердость зерна [10], количество и качество клейковины [11], физические свойства теста [12]. За величину общего интервала между классами при распределении гибридных потомств изучаемых популяций по показателям качества брали, как минимум, максимальный уровень двойной ошибки среднего значения анализируемого признака. Наследуемость изучаемых показателей в широком смысле слова (H²) вычисляли по формуле Махмуда и Крамера [13], в узком смысле (h²) - через корреляцию между родителями (F₂) и их потомками, а реализованную в данных условиях величину наследуемости (H²_p) определяли по формуле:

$$H_p^2 = \frac{R}{S}$$

где S-разница между средним значением популяции (\bar{X}) и средним значением отбираемой части потомств F₂, превышающих по данному признаку \bar{X} популяции; R-разница между средним значениям популяции и средней отобранных в F₂.

Результаты и их обсуждение. Результаты проведенных исследований показали, что наследуемость в широком смысле слова (H²) по большинству изученных признаков качества зерна и муки сильно варьируют у гибридов второго поколения (F₂) в зависимости от направления и комбинации скрещивания (табл. 1).

Таблица 1

Наследуемость признаков качества зерна и муки внутривидовых гибридов яровой мягкой пшеницы

Признак	Число популяций (n)	H ²	
		средняя величина	колебания
F ₂ (2019 г.)			
Масса 1000 зерен, г	16	0,37	0,06-0,94
Белок в зерне, %	10	0,39	0,05-0,65
Твердозерность (d _{ср}) мк	3	0,61	0,64-0,68
Клейковина в муке, %	18	0,36	0,08-0,96
Качество клейковины, усл.ед.	3	0,49	0,43-0,60
Седиментационный тест, мм	15	0,38	0,13-0,95
Стекловидность зерна, %	4	0,45	0,30-0,60
Сила муки (W), е.а.	3	0,11	0,03-0,21
Скорость образования теста, мин	4	0,61	0,39-0,71
Разжижение теста, е.ф.	3	0,56	0,07-0,82
Валориметрическое число, %	4	0,60	0,29-0,92
Объем хлеба, см ³	3	0,31	0,21-0,41

Выявлено, что высокая генотипическая обусловленность показателей признака твердости зерна (d_{ср}), скорости образования и сопротивляемости теста, валориметрического числа и некоторых других показателей качества зерна и муки (табл.1). При этом низкий уровень наследуемости обнаружено по признаку «сила муки» (H²=0,03-0,21), который широко используется в селекционно-генетических программах яровой мягкой пшеницы. Следует, однако отметить, что доля генетической изменчивости (H²) в общей фенотипической по большинству изученных признаков, применяемых для оценки ранних поколений, существенным образом не изменяется по мере повышения гомозиготности гибридных потомств (табл. 1 и 2).

На основании полученных данных можно заключить, что содержание белка в зерне в условиях острозасушливых лет (2019 г.) Пастдаргомского района почти полностью обуславливается факторами внешней среды (табл.2).

Эти данные подтверждают, что величины реализованной наследуемости в условиях проведения опыта (H²_p) и наследуемости H² оказались близкими по признаку твердости зерна,

седиментационному значению, количеству белка и клейковины и существенным образом различались по показателям грануляции муки (C_{mf}) и качество клейковины (табл 2).

Таблица 2

Наследуемость признаков качества зерна и муки внутривидовых гибридов яровой мягкой пшеницы в F_2 (2020 г.)

Признаки	n	H^2		H^2_p		h^2	
		средняя величина	колебания	средняя величина	колебания	средняя величина	колебания
Твердозерность (d_{cp}) мк	2	0,75	0,71-0,82	0,89	0,90-0,95	0,58	0,47- 0,68
Грануляция (C_{mf}), %	1	0,25	-	0,04	-	0,03	-
Белок в зерне, %	3	0,32	0,16-0,62	0,25	0,10-0,49	0,24	0,14 0,34
Клейковина в муке, %	3	0,32	0,15-0,58	0,47	0,26-0,81	0,24	0,19- 0,25
Качество клейковины, у.е.	1	0,58	-	0,14	-	0,11	-
Седиментационный тест, мм	3	0,26	0,08-0,70	0,16	0,04-0,39	0,24	0,16- 0,38

В результате проведенных исследований установлено, что изменчивость признака содержания белка, обусловливаемая генотипом (H^2), оказалась несколько выше в тех гибридных популяциях, в которых в качестве материнской формы использовались лучшие по данному признаку сорт Бардош, а содержания клейковины и седиментационного значения, когда материнским компонентом были использованы высококачественные местные стародавние сорта яровой мягкой пшеницы Бардош, Ок марварид и Хупар (табл.3).

Таблица 3

Наследуемость (H^2) показателей качества зерна в зависимости от направления скрещивания

Признак	Скрещивания			
	Прямые ($\varnothing X, B, Okm$)		Обратные ($\sigma X, Okm$)	
	среднее значения	лимиты	среднее значения	лимиты
Белок в зерне, %	0,42	0,12- 0,69	0,50	0,26-0,74
Клейковина в муке, %	0,45	0,21- 0,98	0,36	0,09-0,96
Седиментационный тест, мм	0,37	0,23- 0,54	0,31	0,12-0,49

Результаты сравнительного анализа показали, что величина наследуемости (H^2) показателей качества зерна внутривидовых гибридов яровой мягкой пшеницы в определенной степени зависит от варианта скрещиваний. Так, например, наследуемость признаков содержания белка и клейковины выше в скрещиваниях по типу «хорошее x низкое» ($P \varnothing$ Хупар $X \sigma$ Кайрактош) (табл.4).

Таблица 4

Наследуемость показателей качества зерна в зависимости от типа скрещивания

Признак	Тип скрещивания		
	Хупар X Ок марварид	Ок марварид X Бардош	Хупар X Кайрактош
Белок в зерне, %	0,43	0,42	0,71
Клейковина в муке, %	0,43	0,16	0,52
Седиментационный тест, мм	0,45	0,30	0,48

Примерно такие же результаты были получены при скрещивания других сортов относящиеся по типу «хорошее X низкое»

Сравнительный анализ показал, что наибольший генотипический сдвиг в гибридных популяциях по содержанию белка в зерне можно ожидать при скрещивании контрастно различающихся между собой родительских форм.

За годы проведения исследований изученные гибридные популяции показали различные значения твердозерности. Гибридологический анализ твердозерности у гибридов F_2 от скрещиваний контрастирующих сортов $P \varnothing$ Хупар $X \sigma$ Кайрактош показал монофакториальный тип наследования этого признака с расщеплением по фенотипу 1:2:1 ($X^2=0,952$; $P>0,50$). Следовательно, отбор определенного генотипа по данному признаку можно провести с точностью, лимитируемой лишь степенью однородности внешних условий. При этом необходимо отметить, что число генетических факторов, ответственных за содержание белка в зерне, колеблется в зависимости от исследуемого материала от двух из четырех. При этом у трех из четырех изученных гибридных комбинаций этот признак контролируется аддитивными генами ($P>0,05$).

Однако при вовлечение в программу гибридизации высокобелковых стародавних сортов Бардош и Хупар повысило уровень белка у гибридов F₁ и F₂ и селекционных номеров F₃ по сравнению с родительскими сортами Хупар и Бардош.

Генетическим анализом выявлено, что при скрещивании между собой двух относительно высокобелковых сортов (Хупар, Бардош), комплементарно взаимодействуют доминантные аллели двух генов (P>0,25).

Результаты исследований, проведенных с гибридами, полученными с участием сортов Хупар и Ок марварид показали, что характер распределения частот содержания клейковины в муке у гибридных потомств F₁ - F₂ свидетельствует о моногенном наследовании данного признака при неаллельном взаимодействии генетических факторов (табл.5).

Таблица 5

Распределение частот содержания клейковины в муке внутривидовых гибридов яровой мягкой пшеницы

Сорт, гибрид	Статистические показатели			Верхний предел класса, %			
	n	X±m	Мр	33	38	43	48
2019 г.							
Хупар	26	32,2±0,7		14,1	60,4	25,8	
Ок марварид	20	44,2±0,8			11,8	61,6	
F ₁ (Хупар х Ок марварид) Фактическое теоретические (1:2:1)	28	42,4±0,6	38,8		9,4	81,3	15,9
2020 г.							
Хупар	82	34,5±0,5		29,4	61,3	5,1	
Ок марварид	64	44,6±0,6		4,2	9,1	50,2	
F ₂ (Хупар х Ок марварид) Фактическое теоретические (1:2:1)	186		37,8	26,4	61,2	9,4	

Генетический анализ восьми гибридных популяций показал, что признак содержания клейковины в муке детерминирован в основном одним -двумя аддитивными генами (P>0,10), действующими по принципу суммирования эффектов. При этом, у отдельных гибридных комбинаций (Ок марварид X Бардош) содержание клейковины в муке контролируется двумя рецессивными генами (X²=1,23; P>0,25).

На основании полученных данных можно заключить, что взаимодействия генов, контролирующих тест седиментации, в значительной мере определяется генетическим происхождением родительских сортов. Так, например из из восьми (прямых и реципрокных комбинаций) изученных гибридных комбинаций в пяти седиментационное число детерминировано генетическими факторами аддитивного действия в количестве от одного до трех (P>0,05), в двух -двумя эпистатическими генами (P> 0,05) и в одной- частично доминантными (P>0,10).

Таким образом, местных стародавние сорта яровой мягкой пшеницы Хупар, Ок марварид и Бардош являются потенциальным донорами по содержание белка и клейковины в муке, что целесообразно использовать их в программах скрещивания с целью усиления данных признаков.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бабоев С.К., Туракулов Х., Мурзикова И. Влияние генотипа и среды на качество зерна пшеницы// Материалы второй Центрально-Азиатской конференции по зерновым культурам.13-16 июня 2006 г. Чолпон-Ата, Иссык-Куль. - С.154-155.
2. Букреева Г.И. К вопросу об оценке качества зерна пшеницы /Г.И. Букреева, М.И. Домченко, Е.Е. Мельникова// 100 лет на службе АПК: традиции, достижения, инновации. Сб. науч. трудов в честь 100-летия со дня рождения Краснодарского НИИСХ им. П.П. Лукьяненко. -Краснодар: Эдви, 2014. -С.181-189.
3. Грабовец А.И. Озимая пшеница/А.И. Грабовец, М.А. Фоменко. -Ростов-на-Дону: Юг, 2007. -С.243-271.
4. Сандухадзе Б.И. Качество зерна у сортов озимой пшеницы, созданных в НИИСХ ЦРНЗ/ Б.И. Сандухадзе, Н.С. Беркутова, Е.И. Давыдова// Селекция и семеноводства, 2005. -№4. -С. 19-22.
5. Сухоруков А.Ф. Влияние генетических и метеорологических факторов на формирование качества зерна озимой пшеницы /А.Ф. Сухоруков, Л.П. Кривова, А.А. Сухоруков// Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Самара: Издательство Самарского центра РАН, 2008. -С. 94-102.
6. Влияние погодных условий на урожайность и качество зерна сортов озимой пшеницы в различных зонах Ставрополя/ Н.А. Глушко, А.И. Хрипунов, Н.А. Морозов [и др.]// С.-журн. ГБНУ «Северо Кавказский ФНАЦ». -2018. -№4 (11). -С. 25-33.
7. Ящук Н.А., Мацейко Л.Н., Бобер А.В. Качество пшеницы разных сортов в зависимости от зараженности и амбарных долгоносиком (*Sitophilus granaries* L.) // Ukrainian Journal of Ecology. // 8 (1).-2018.-P.394-401.
8. Krupnova O.V. A comparison of grain quality in spring and winter wheats associated with market classes (review). *Agricultural Biology*, 2013, 1: 15-25 (doi: 10.15289/agrobiology. 2013.1.15eng).

9. Е.К. Хлесткина, Т.А. Пшеничникова, Н.И. Усенко, Ю.С. Отмахова. Перспективные возможности использования молекулярно-генетических подходов для управления технологическими свойствами зерна пшеницы в контексте цепочки «зерно-мука-хлеб». Вавиловский журнал генетики и селекции. 2016;20(4):511-527. Doi 10.18699/VJ15.140

10. ГОСТ Р 54895-2012. Зерно. Методы определения натуры.

11. ГОСТ Р 54478-2011. Зерно Методы определения количества и качества клейковины в пшенице.

12. ГОСТ Р 51404-99 (ИСО 5531-1-9). Методы определения физических свойств теста на фаринографе.

13. Machmud H.H., Kramer J. Segregation for yield height and maturity following soybean cross. //Agron J.v.43.12.-1951.-P.605-610.

УЎК 577.15

ТУПРОҚ ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГУМУС ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ФЕРМЕНТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Таджиев, Урганч Давлат Университети, Урганч
Д.Отаназаров, Урганч Давлат Университети, Урганч
Н.Ибрагимова, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. Тупроқ унумдорлигини ва унинг микробиологик фаоллигини оширишда пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментларининг аҳамияти катта бўлиб уларнинг таъсири натижасида тупроқда чиринди моддалари ҳосил бўлади. Қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган минерал ўғитларнинг ортиқча қўлланилиши эса тупроқдаги мавжуд органик чириндининг парчаланиб кетиши ва кимёвий шўрланишига вужудга келишига сабаб бўлади.

Калит сўзлар: пероксидаза, полифенолоксидаза, гумус, микроорганизм, тупроқ, унумдорлик, кузги бугдой.

Аннотация. Ферменты пероксидаза и полифенолоксидаза играют важную роль в повышении плодородия почвы и ее микробиологической активности, что приводит к образованию гумуса в почве. Чрезмерное использование минеральных удобрений, вносимых под сельскохозяйственные культуры, приводит к разложению имеющегося в почве органического гумуса и образованию химического засоления.

Ключевые слова: пероксидаза, полифенолоксидаза, гумус, микроорганизмы, почва, плодородие, озимая пшеница.

Abstract. Peroxidase and polyphenol oxidase enzymes play an important role in increasing soil fertility and its microbiological activity, resulting in the formation of humus in the soil. Excessive use of mineral fertilizers applied to agricultural crops leads to the decomposition of existing organic humus in the soil and the formation of chemical salinization.


Key words: Peroxidase, polyphenol oxidase, humus, microorganisms, soil, fertility, winter wheat.

Кириш. Тупроқдаги гумус микдорининг ортишида пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментларининг аҳамияти катта. Улар тупроқдаги органик чириндининг ҳосил бўлишига асос сифатида хизмат қилади яъни тупроққа тушган минерал ва органик моддаларнинг микроорганизмлар воситасида парчаланиб гумус ҳосил бўлишига ёрдам беради. Тупроқнинг кислоталик муҳити 5,5-6,0 дан кам бўлганда ҳам, 4 йил давомида суперфосфатнинг қўлланилиши органик моддаларнинг ҳосил бўлишига яхши таъсир қилади [1]. Аммо, олинган ҳосилнинг кўрсатишича, тоғ жинси фосфатларини нейтрал ва кам кислотали тупроқларда қўллаш кам самара бериши билан бирга, агрочикиндилар атроф муҳит учун муаммолар келтириб чиқаради. Кислота ҳосил қилувчи микроорганизмлар билан фосфорни парчалаш биотехнологик жавоб бўлиб, бой табиий моддалардан фойдаланиш мумкин ва бунда тупроқдаги чиринди моддаларининг ҳосил бўлиш жараёни тезлашади [2]. Айрим фосфорпарчаловчи микроорганизмлар тупроқдаги ўзлаштирилмайдиган фосфорларни парчалайди ва ўсимлик ҳосилини ошириш билан бирга тупроқда гумин моддаларининг тўпланишига самарали таъсир қилади [3]. Бир қатор йиллар давомида олиб борилган, тоғ жинси фосфатларини микроблар ёрдамида парчалашга қаратилган изланишлар натижасида, айрим тупроқ замбуруғларининг агрочикиндиларда ўсиши ва органик кислоталар ажратиш тоғ жинси фосфатларни парчалаши ҳамда, ферментатив жараёнлар натижасида ўзлаштириладиган ҳолга ўтиш имкониятлари ўрганилган ва бу тадқиқотларда тупроқда органик массанинг кўп тўпланиши исботланган [4, 5]. Бундан ташқари, айрим ризобий штаммлари фосфорпарчаловчи микроорганизмлардан ҳисобланиб, бошқа ўсиш-ривожланишни бошқарувчи ризобактериялар сингари нодуққак ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириб, илдиз тизими шаклланишида фаол иштирок этади ва органик масса тўплайди [6, 7]. Полиэкинларини

кузги бугдой билан алмашлаб экиш натижасида тупроқда микробиологик ва ферментатив фаолликнинг самарали таъсир этиш механизми ҳисобига органик чиринди моддалари ҳосил бўлади. Тупроқдаги *Erwinia herbicola* иштирокида фосфорнинг парчаланиши озика муҳитда эриган фосфор тупроқдаги органик моддалар микдорининг ортишига олиб келади [8]. Фосфорпарчаловчи бактериялардан инокулянт сифатида фойдаланганда, ўсимликлар томонидан фосфорнинг ўзлаштирилиши ва ҳосилдорликнинг ортиши, *Pseudomonas* p., *Bacillus* ва *Rhizobium* штамлари фаол фосфорпарчалаш хусусиятини намоён этади. Минерал фосфатларнинг парчаланиш механизмида органик кислоталар муҳим рол бажаради ва кислотали фосфатлар тупроқда органик фосфатларнинг минерализацияланишида катта ўринни эгаллайди ва тупроқда чириндининг ҳосил бўлишига имкон яратади [9]. Арпа ўсимлиги ризосферасидан бактериялар ажратиб олиниб уларнинг ферментатив фаоллиги, углеводнинг (амилаза, хитиназа, целлюлаза) ва азотнинг (протеаза, нитрит ва нитратредуктаза) табиатда айланишига қараб скрининг ишларини олиб борилган. Ажратилган бактерияларни, авторлар, *Pseudomonas* p турига киритган. Улар ўсимлик илдизига фаол мослашган ҳолда фосфорли ва азотли озикланишни яхшилаб тупроқда чиринди моддасининг ҳосил бўлишига самарали таъсир этади [10]. Фосфорпарчалаш ва азот фиксациялаш хусусиятига эга *Azotobacter* штаммини, сигир, от ва чўчка гўнги чикинди сувларидан ажратиб олиниб, улардан тупроқнинг фосфорли ва азотли режимини яхшилашда биоўғит сифатида фойдаланган ва тупроқдаги чиринди микдорининг ортишига самарали таъсир этди [11]. Вермикомпостни *Azotobacter chroococcum*, *Azospirillum lipoferum* азот ўзлаштирувчи бактериялар штамлари ва *Pseudomonas striata* штамлари билан инокуляцияланганда яхши самара бериши аниқланди, шунингдек, вермикомпостни инокуляциялашда унинг таркибидаги ўзлаштириладиган азот, фосфор ва тупроқдаги органик моддалар микдори ортганлиги қайд этилган [12].

Тадқиқот усуллари ва услублари. Пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментининг фаоллигини аниқлашда эса 1 грамм тупроқ намунасини 50 мл колбага солиниб сўнгра, 10 мл 1% пирогаллол эритмаси билан аралаштирилди. Олинган тупроқ намунасининг субстрат билан ўзаро реакцияси термостатда 30⁰С ҳароратда 30 минут давомида кечди. Пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментларининг фаолликларини аниқлашда, ҳосил бўлган пурпурогаллинни сульфат кислотасининг этил эфири эритмаси билан ажратилди (эфир ўлчов чизиғига қўшилди ва эфирли эритмани 430 нм узунликдаги светофильтр тўлқини билан ФЭК дан ўтказилди). Стандарт сифатида литрида 0,75 г бихромат калий 0,5 н хлорид кислотадан фойдаланилиб, бу эса 50 мл эфир таркибида 5 мг пурпурогаллинган мос келади. Ферментларнинг фаолликларини 30 минутда 100 г тупроқда мг пурпурогаллин бўйича ҳисобладик ва тажрибанинг ўтказилиш ҳатолиги -5%. Ферментларнинг фаолликларини аниқлаш тажрибаси 3 такрорланишда олиб борилди. Пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментларининг фаолликларини А.Ш.Галстян [13] услуби бўйича аниқланди.

Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси. Полифенолоксидаза ва пероксидаза ферментларининг гумус ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этиши ва тупроқдаги микроорганизмларнинг ҳаёт-фаолияти натижасидаги оралиқ қолдиқ маҳсулотларининг парчаланиши, оксидланиши, поликонденсация ва полимеризацияга учраши натижасида янги специфик органик моддалар, микроорганизмларнинг ўлган танасидан ташкил топган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва парчаланишга ўта чидамли хусусиятни намоён қилувчи моддаларнинг секинлик билан тупроқда тўпланиб бориши гумуссимон моддалар дейилиб, юзага келган шу жараён гумуфикация деб аталади.



1-расм. Тупроқда гумуфикация коэффицентининг ўзгариш динамикаси

1-расмда келтирилганидек, дастлабки тупрокда гумуснинг ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этувчи полифенолоксидаза ферментининг фаоллик даражаси пероксидаза ферментининг фаоллик даражасидан устун туриши натижасида 100 грамм тупрокдаги пурпуругаллин микдори 3,33 мг ташкил этиши аниқланди. $N_{180}P_{90}K_{60}$ 100% фонидаги кузги бугдой ривожланиш даврларида гумуфикация коэффиценти 100 грамм тупрокда 1,94-5,61 мг пурпуругаллин ҳисобида ўзгариб туриши кузатилди ва энг юқори гумуфикация коэффиценти бошоқлаш ва гуллаш даврларида 5,61 ва 5,18 мг/100 пурпуругаллинни ташкил этганлиги аниқланди. Ривожланиш даврларида майсалаш давридан тупланиш давригача гумуфикация коэффиценти камайиб бориш тартибда ва найчалаш давридан гуллаш давригача ортиб бориш тартибда, гуллаш-пишиш даврлари томон эса камайиб бориш тартибда жараён давом этганлиги тажриба таҳлилларида намоён бўлди. $N_{180}P_{90}K_{60}+ФПБ$ фонида эса кузги бугдой ривожланиш даврларида гумуфикация коэффиценти 2,4-5,45 мг/100г пурпуругаллин микдориди ўзгариб туриши аниқланди ва юқори гумуфикация коэффиценти бошоқлаш-гуллаш даврларида 5,45-5,1 мг/100г пурпуругаллинни ташкил этди.

Ривожланиш даврлари оралиғида, тупланиш давригача камайиш ва найчалаш давридан бошлаб гуллаш давригача гумуфикациянинг ортиши ва пишиш даврида эса камайиш кузатилди. Кузги бугдой ривожланишининг ФПБ+БУ фонида гумуснинг ҳосил бўлиш жараёни унинг парчаланиш жараёнидан яъни, полифенолоксидазанинг пероксидаза ферментидан фаоллик нуктаи назаридан устун туриши 2,07-6,82 мг пурпуругаллин ҳисобида ўзгариб туриши билан олдинги фонлардан алоҳида ажралиб турди. Айниқса, гумус моддаларининг синтези унинг парчаланишидан устун туриши майсалаш, туплани ва найчалаш даврларида энг юқори нукталарига етди ва 6,62; 6,82 ва 5,95 мг пурпуругаллинни ташкил этиши аниқланди. 1-расмда кайд этилганидек, тупрокдаги гумус моддаларининг тупланиш жараёни бевосита полифенолоксидаза (гумус ҳосил бўлиши) ва пероксидаза (гумуснинг парчаланиши) ферментларининг фаолликлари билан ва тупрокдаги микроорганизмларнинг синтез қилувчи полифенолоксидаза органик хусусиятли моддалари билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги бор.

Хулоса. Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини ошириш ва етиштириш, тупроқ унумдорлигини йил сайин ошириб боришда органик деҳқончилик тизимига ўтиш ва илмий асосланган деҳқончилик тизимини қўллаш яхши самара бериши аниқланган, жумладан: маҳаллий ўғитлар, бактериал ўғитлар, компостлар, биокостлар, сидератлар, оаргано-минерал ўғитлар ва ҳ.к. урли хил касаллик ва зараркундалардан химоя қилишда дастлабки профилактика вазифасини бажаради ҳамда тупроқ эрозияси ва шўрланишига қарши биологик кураш усуллари билан бири бўлиб хизмат қилади. Интенсив деҳқончилик тизими қўлланилаётган бир паллада алмашлаб экиш тизимини тўғри ташкил этиш ва унга риоя қилиш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ортишига таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rajan S.S., Watkinson J.H., Sinklair A.G// Phosphate rocks for direct application to soil. *Agronomy J.*-Poland, 1996.-№ 57(5).-P.77-159.
2. Ghani A., Rajan S.S., Lee A. Enhancement of rock phosphate solubility through biological processes// *Soil Biol. and Biochem.*-Pakistan, 1994.- № 26.- P.127-136.
3. Vasiliev N., Baca M.T., Vassileva M. Plant lignocelluloses and decomposition by fungi from nature to industrial use // *Mycology J.*-Spain, 1994.-№ 8.-P.113-115.
4. Vassileva M., Vasiliev N., Azcon R. Rock phosphate solubilization by *Aspergillus niger* on olive cake-based medium and its further application in soil-plant system // *World Journal Microbiology and Biotechnology.*-England, 1998.-№ 14.-P. 281-284.
5. Richardson A.E. Soil microorganisms and phosphorus availability in soil biota// *Manegment in Systainble Faming Systems.*- Poland, 1994.-№ 12.-P.50-62.
6. Hoflich G., Wiehe W., Hecht-Buchholz C. Rhizosphere colonization of different crops with growth promoting *Pseudomonas* and rhizobium bacteria // *Microbiological research J.*-Great Britain.1995.-№ 150.- P.139-147.
7. Chabaot R., Antoum.H., Cescas M.P. Growth promotion of maize and lettuce by phosphate solubilizing *Rhizobium leguminosarum biovar phasoli* // *Plant and Soil.*-USA.1996.-№184.-P.311-321.
8. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении.- Ереван: Айастан,1974.-С.253.
9. Goldstein A.N. Bacterial solubilization of mineral phosphates: historical, perspective and future prospects// *American Journal of Alternative Agriculture.*-1986.-№ 1.-P,51-57.
10. Rodrigues H., Fraga R. Phosphate solubilizing bacteria and their roli in plant grows promotion // *J. Biotechnology Adv.* 1999.- №4.-P.319-339.
11. Johansen. J.E., Binnerup S.J. Contribution of Cytophaga-like bacteria to the potential of Turnover of Corbon, Nitrogen and Phosphorus by Bacteria in the Rhizosphere of Barley (*Hordeum vulgare L.*) // *J. Microbiol Ecology.*USA, 2002.-№ 3.-P.298-306.
12. Gard Anita Bhatnadar. S.K., Alok Kalla., Neeru Narula. Phosphormobilizing and Nitrogen fixing in soil *Azotobacter culture* // *J.Bioresours Technol.* India, 2001.-№1.-P.173-175.

13. Kumar V., Singh K.P. Enriching vermicompost by nitrogenfixing and phosphate solubilizing bacteria // Water Res. India, 2001.- № 10.-P.396-402.

УЎТ: 631.412

**ҚИБРАЙ ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ВА БЎЗ-ЎТЛОҚИ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГУМУС МИҚДОРИ, СИНГДИРИШ СИҒИМИ, СИНГДИРИЛГАН
КАТИОНЛАР ТАРКИБИ**

М.М. Тошқўзиев, б.ф.д., проф., Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, Тошкент
Х.Х. Каримов, таянч докторант, Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада Чирчиқ дарёси ҳавзаси суғориладиган бўз тупроқлар минтақасида турли геоморфологик районларда шаклланган асосий тупроқ типларида сингдириш комплекси таркибини уларни органик моддаси билан боғлиқ ҳолда таснифи келтирилган. Тупроқ типлари, гумуслилиги, она жинсига боғлиқ ҳолда ўрганилган тупроқлар сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби ўзгаришига доир янги маълумотлар олинган.

Калит сўзлар: типик бўз, бўз ўтлоқи тупроқ, тупроқ унумдорлиги гумус, алмашинувчи катионлар, сингдирилган асослар, алмашиш сиғими.

Аннотация. В статье приведены сведения состава поглощенного комплекса в зависимости от органического вещества орошаемых почв, сформированных на различных геоморфологических районах бассейна реки Чирчиқ. Получены новые сведения по изменению содержания гумуса, емкости обмена, состава поглощенных катионов изученных почв в зависимости от типа, гумусированности различий материнской морозы.

Ключевые слова: типичные сероземы, сероземно-луговые почв, плодородие почвы, гумус, обменные катионы, поглощенные основания, емкость обмена.

Abstract. The article presents the classification of the composition of the absorption complex in the main soil types formed in different geomorphological regions in the region of irrigated gray soils of the Chirchiq river basin in relation to their organic matter. New data were obtained on soil types, humus content, soil absorption capacity studied depending on the parent rock, changes in the composition of absorbed cations.

Keywords: typical gray, gray meadow soil, soil fertility humus, exchangeable cations, absorbed bases, exchange capacity.

Кириш. Тупроқларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири – улар физик кимёвий асосларини белгиладиган сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби ҳисобланади. Тупроқни қаттиқ қисмида турли моддаларни ушлаб қолиш хусусияти унинг сингдириш қобилиятини белгилайди [1].

Сингдириш сиғими ва таркиби тупроқларни механик таркиби, унинг майда дисперс қисми, гумуси миқдори ва гумусли ҳолати, минералогик таркиби каби бир қатор хоссалари билан боғлиқ бўлиб, тупроқ унумдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади [2,3].

Алмашинувчи катионлар миқдори тупроқларнинг физик - кимёвий хоссалари кўрсаткичларидан асосийлари бўлиб, улар ўсимликларни минерал озикланишидаги энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Тупроқларнинг физик кимёвий хоссалари, сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркибига доир маълумотлардан уларнинг кимёвий, физикавий ҳолати, диагностикаси ва классификациясида кенг фойдаланилади [4,5].

Тупроқларнинг сингдириш сиғими муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади ва сингдириш сиғими қанчалик юқори бўлса, ўсимликлар учун зарур кимёвий элементлар (Са, Mg, n, S ва б.) ни тупроқдан ювилишидан сақланиб қолади. Тупроқ муҳити реакциясининг мўътадиллигини ва умуман тупроқ унумдорлигини юқори ҳолатда сақланишини таъминлайди [6].

Тупроқ сингдириш комплекси таркибидаги ҳар бир катионлар миқдорини ўзгаришига боғлиқ ҳолда, механик таркиби, уларда турли жараёнлар юзага келишига сабаб бўлади. Яъни кальций ва магний катионлари юқори активликка эга бўлиши, тупроқдаги органик ва минерал заррачалар (золь) нинг қайтмас коагуляциясини юзага келтиради, натижада коллоид моддалар ювилмасдан тупроқда тўпланиб қолади. Коагуляция туфайли механик элементлар бирикиб, турли агрегатларни ва сўнгра агрономик нуктаи назардан мустаҳкам структура ҳосил бўлади. Тупроқ эритмасининг реакцияси нейтрал ёки унга яқин бўлади. Баъзан кальций ва магнийнинг нисбати ўзгариб, Mg²⁺ кўпайиб борса, тупроқнинг хоссаларига салбий таъсир этади. Алмашинувчи магнийнинг ортиши гумусли моддаларнинг эрувчанлигини кўпайтиради, магний гумати

ўсимликларнинг илдиз системасига заҳарли таъсир этади. Баъзан натрий билан бирга магний тупроқларнинг шўртобланишига ҳам сабаб бўлади [7]. Шу билан бирга, тупроқларда сингдирилган катионлар, айниқса кальций катиони тупроқ гумуси миқдори ва таркибига боғлиқ бўлади.

Республикада турли тупроқларида сингдириш сиғими 100 г тупроқда 7-8 мг/экв дан 15-20 мг/экв оралигида ўзгариб туради. Сингдириш сиғими тупроқдаги гумус миқдори, механик таркиби, коллоидларнинг минералогик таркиби ва миқдорига, гумус моддасидаги гумин ва фульвокислоталарнинг сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқ. Турли минералогик, механик таркибли, органик моддалар билан ҳар хил таъминланган тупроқларни сингдириш сиғими бир-биридан фарқланади. Кальций ва магний катионлари юқори фаолликка эга.

Юқоридагилар асосида айтиш жоизки, тадқиқот олиб борилган ҳудуд тупроқларида уларнинг сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби хусусиятларини билиш орқали уларнинг унумдорлиги ва генетик хусусиятлари бўйича маълумотлар олиш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан биз ҳам ўз тадқиқотларимизда ўрганилган ҳудуд тупроқларининг сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркибини таҳлил қилдик.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган услублар

Тадқиқот объекти бўлиб, Тошкент вилоят Қибрай тумани, бўз тупроқлар минтақаси турли геоморфологик районларида таркиб топган, турли муддатларда ўзлаштирилган типик бўз ва бўз ўтлоқи тупроқлар ҳисобланади. Тадқиқотлар генетик-географик, профил-геохимий, кимевий-аналитик усуллардан фойдаланилди [8]. Тупроқда умумий гумус миқдори И.В.Тюрин усулида, гумусни тупроқ профилида тақсимланиши кўрсаткичлари М.М.Тошкўзиев (2006) услубий кўрсатмаси асосида [9], тупроқларни сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби Пфеффера усули Т.П.Крюгер бўйича аниқланди [10].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Юқорида келтирилган, тадқиқ қилинган, турли геоморфологик районлар ва ётқизикларда шаклланган бўз минтақасида тарқлаган турли тупроқ тип, типчаларини физик кимевий хоссаларидан сингдириш сиғими, сингдирилган катионлари таркиби, гумуси миқдорига доир олинган маълумотлар жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қибрай туманида тарқалган типик бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқларида гумус миқдори ва сингдирилган катионлар таркиби

Кесма №	Қатлам чуқурлик, см	Гумус %	Сингдирилган асослар, мг-экв				Йиғинди	Йиғиндидан, %			
			Ca	Mg	K	Na		Ca	Mg	K	Na
Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар, ПСУЕАИТИ тажриба станцияси											
1	0-36	1,568	6,2	6,1	0,32	0,50	13,12	47,25	46,49	2,45	3,81
	36-57	1,276	6,7	5,9	0,32	0,50	13,42	49,92	43,96	2,39	3,73
	57-98	0,859	6,1	4,0	0,32	0,50	10,92	55,86	36,63	2,94	4,58
	98-129	0,680	5,0	4,4	0,32	0,50	10,22	48,92	43,05	3,14	4,89
	129-162	0,540	5,0	4,1	0,32	0,50	9,92	50,40	41,33	3,24	5,00
Янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар, Маданият массиви											
2	0-33	1,590	9,5	5,3	0,19	0,54	15,53	61,17	34,13	1,22	3,48
	33-50	1,050	9,3	5,6	0,19	0,54	15,63	59,50	35,83	1,22	3,45
	50-83	0,500	9,0	4,9	0,19	0,54	14,63	61,52	33,49	1,30	3,69
	83-120	0,393	9,3	4,1	0,19	0,54	14,13	65,82	29,02	1,34	3,82
Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқлар, Шалола оби-равон массиви											
3	0-28	1,482	10,7	5,2	0,19	0,54	16,63	64,34	31,27	1,14	3,25
	28-42	0,940	10,6	4,1	0,19	0,54	15,43	68,70	26,57	1,23	3,50
	42-78	0,540	10,8	4,6	0,19	0,54	16,13	66,96	28,52	1,18	3,35
	78-110	0,444	10,6	5,0	0,19	0,54	16,33	64,91	30,62	1,16	3,31
	110-150	0,407	8,9	5,2	0,19	0,54	14,83	60,01	35,06	1,28	3,64
Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар, Байтқўрғон массиви											
4	0-39	1,148	7,9	5,1	0,32	0,50	13,82	57,16	36,90	2,32	3,62
	39-61	1,005	7,0	6,0	0,32	0,50	13,82	50,65	43,41	2,32	3,62
	61-83	0,855	6,3	6,2	0,32	0,50	13,32	47,29	46,54	2,41	3,75
	83-106	0,830	6,5	6,4	0,32	0,50	13,72	47,37	46,64	2,34	3,64
	106-127	0,504	6,2	6,0	0,32	0,50	13,02	47,62	46,08	2,47	3,84
	127-155	0,359	5,9	5,1	0,32	0,50	11,82	49,91	43,14	2,72	4,23

Қибрай туманининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларида (кесма 1 ва 4) гумус миқдори хайдов ва хайдов остки қатламларида 1,568-1,276 ва 1,148-1,005 %, ўрта қатламларида 0,859-0,680 ва 0,855-0,830 %, пастки қатламида 0,540 ва 0,359-0,504 % ни ташкил қилиб, бу миқдорлар пастки қатламлар томон секин-аста камайиб борган. Ушбу қатламлар гумус бўйича ўртачадан юқори (1,5-2,0 %) ва ўртача (1,0-1,5 %), кам (0,5-1,0 %) кўрсаткичларга тўғри келади.

Гумус миқдорига мос ҳолда ушбу юқори ва пастки қатламларида сингдириш сиғими 13,12-13,82 ва 9,92-10,92 мг-экв ни ташкил қилгани ҳолда, сингдириш даражасига кўра, ўртача кўрсаткичга тўғри келади.

Бу тупроқларда кальций миқдори устунлик қилган ҳолда 47,25-57,16 %, магний миқдори 36,63-46,64 % ни ташкил этиб, тупроқлар асослар билан тўйинган бўлиб, сингдириш комплексини 91,73-94,06 % ни калций ва магний ташкил қилади. Калцийни миқдори магнийдан 1,28-1,22 баравар юқорилиги кузатилади. Калий миқдори 2,32-3,24 % гача ва натрий 3,62-4,80 % ни ташкил қилиб, сингдириш комплексига буларни улуши 5,94-8,28 % га тўғри келади. Ушбу тупроқларда гумус миқдорига мос ҳолда сингдириш сиғими миқдори ҳам камайиш қонунияти кузатилади.

Қибрай туманининг янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларида (кесма 2) хайдалма ва хайдов остки қатламларида гумус 1,590 ва 1,050 бўлиб, ўртача, остки қатламларида уларнинг миқдори кескин камайиб 0,500 ва 0,393 % ни ташкил этади ҳамда жуда кам кўрсаткичга тўғри келади.

Ушбу бўз-ўтлоқи тупроқларда сингдириш сиғими йиғиндиси 14,13-15,63 мг-экв ташкил этиб, бунда тупроқ профили бўйича юқори ва пастки қатламлари паст ва ўртача сингдириш даражасига тўғри келади.

Кальций миқдори юқори бўлиб 61,17-59,50%, магний миқдори эса 34,13-35,83% ни ташкил этади. Сингдириш комплексини 95,30-95,33% ни кальций ва магний миқдорини эгалайди. Кальций миқдори магний миқдоридан 1,79-1,66 баравар юқорилиги кузатилди. Калий ва натрий миқдори 1,22-3,48 ва 1,22-3,45% ни ташкил қилиб, сингдириш комплексига буларнинг улуши 4,70-4,67 % га тўғри келади.

Қибрай туманининг янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда (кесма 3) хайдалма ва хайдов остки қатламларида гумус 1,482-0,940% бўлиб, юқори қатлами гумус бўйича ўртача, осткиси кам миқдори кескин камайиб, мос равишда 0,540-0,407 ни ташкил этади ва кам ҳамда жуда кам кўрсаткичга тўғри келади. Ушбу типик бўз тупроқларда сингдириш сиғими йиғиндиси 14,83-16,63 мг-экв ташкил этиб, бунда тупроқ профили бўйича юқори ва пастки қатламлари паст ва ўртача сингдириш даражасига тўғри келади.

Бунда ҳам кальций миқдори юқори бўлиб 64,34-68,70%, магний миқдори эса 31,27-26,57% ни ташкил этди. Сингдириш комплексини 95,61-95,27% ни кальций ва магний миқдорини эгалайди. Кальций миқдори магний миқдоридан 2,05-2,58 баравар юқорилиги кузатилди. Калий ва натрий миқдори 1,14-3,25 ва 1,23-3,50% ни ташкил қилиб, сингдириш комплексига буларнинг улуши 4,25-4,73 % га тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган тупроқ фарқлари суғориш даврийлиги, гумус миқдори, унга мос ҳолда сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби билан ажралиб туради.

Тупроқлар сингдирилган катионлари таркибига кўра, кальций асосий ўринни эгаллайди ва ундан кейин магний ҳамда натрий ва калий катионлари ташкил этади.

Янгидан ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда сингдириш сиғими қобиляти ўртача ва паст, бўз-ўтлоқи тупроқлари ўртача ва паст даражада эканлиги аниқланди. Ушбу тупроқларда гумус миқдорига боғлиқ ҳолда сингдириш сиғими йиғиндисига ҳам камайиш қонунияти кузатилди.

Тупроқлар сингдирилган катионлар таркибига кўра, янгидан ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда сингдирилган катионлар таркибига натрийни улуши асосан 5% дан кам бўлиб, шўртобланмаган ҳисобланади. Ушбу тупроқларни яхши сингдириш сиғимига эга бўлиши ушбу тупроқларда яхши структурали бўлиши, гумус миқдорини яхши шаклланиши ва бир қатор ижобий хусусиятларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гедройц К.К. Почвенный поглощающий комплекс. Растение и удобрение. М: Сельхозгиз, 1935. С. 78.
2. Исмаилов Д.Р. Минералогический состав, химические, физические и физико-химические свойства и плодородие орошаемых почв Узбекистана. Материалы совещ. по проблемам повышения плодородия орошаемых почв Узбекистана. Тр. ИПА АН РУз, выг. 23. Ташкента, Фан, 1989. С.62-69.
3. Ташкузиев М.М., Шодиева Н.И. Некоторые химические, физические и физико-химические свойства высококорных почв Туркестанского хребта. Каракалпогистон давлат университети. Нукус, 2018 №2, б.28-33

4. Бердиев Т.Т. Сурхон воҳаси чўл минтақаси суғориладиган тупроқларнинг айрим физик, сув физик хоссалари. ЎзМУ хабарлари. Тошкент, 2017. №3/16. 26-31 (03.00.00№9)
5. Исмаилов Д.Р. Минералогической состав и физико-химические свойства почв Южного Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989. 185 с.
6. Панасин В.И., Рымаренко Д.А. Гумус и плодородие почв Калининградской области. Калининград: КГУ, 2004. 131-147 с.
7. Холиков Ш., Узоқов П., Бобоҳўжаев И., Тупроқшунослик. Дарслик/ Тошкент-2011, 134-146 б.
8. Роде А.А. Система методов исследования в почвоведении. М: «Наука», Новосибирск, 1971, - С. 19-26
9. Тошқўзиёв М.М. Тупроқдаги умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддаларини унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар / Меъриий ҳужжат, Тошкент, 2006. – 47 б.
10. Методы анализа почвы и районный средней Азии. УзНИИХ, 1977 г С.214.

УЎТ 634.11.630.

КЕСИШ УСУЛИ ВА ДАРАЖАЛАРИНИНГ ОЛМА ДАРАХТИ БАРГ САТҲИГА ТАЪСИРИ

Р. Юнусов, к/х.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
Ф.А. Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. *Мазкур мақолада кесиш усули ва даражасининг олма дарахти асимляцияцион юза қисмига таъсири ўрганилган. Кўп йиллик тадқиқот натижаларига кўра барг сатҳи олма дарахтларида кесиш даражасини кўпайиши билан ҳар бир дарахтнинг юзаси 18-21% га кўпайишини ва гектар ҳисобига эса барг пластинкаси майдонининг кўпайиши ҳисобига ортанлиги кузатишган.*

Калит сўзлар: *интенсив боғ, олма дарахти, ўрта ўсувчи пайвандтак, кесиш усули, даражалари, барг пластинкаси, барг сатҳи, ҳосилдорлик.*

Аннотация. *В данной статье изучены влияние способа и степени обрезки деревьев яблони на площади листовую поверхность. По результатам многолетних исследований, установлено что с увеличением степени обрезки деревьев яблони площадь листовую поверхность на 18-21% , а в пересчете на гектар установлена увеличение.*

Ключевые слова: *интенсивные сады, деревья яблони, среднерослые подвои, способы и степени обрезки, листовая пластинка, листовая поверхность, урожайность*

Abstract. *This article deals with investigating the effect of the pruning on the area of the long surface it was a knowledge by many investigation by increasing the degree of pruning the area of leaf surface was decreased to 18-21% per hectare.*

Key words: *Intensive gardens, apple trees, medium-sized rootstocks, method and degrees of pruning, leaf blade, leaf surface, yield*

Охирги йилларда жадал билан ривожланитрилган саноатлаштирилган мевачиликда интенсив пакана боғларда истиқболли, юқори ҳосилли ва сифатли навларни етиштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бухоро вилояти шароитида ҳам кейинги йилларда (2010-2017й) интенсив мевачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят тупроқ-иқлим шароити инobatга олинган ҳолда турли хил пакана мевали боғлар барпо қилинмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорига экспорт қилинмоқда. Мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги энг етакчи давлат қаторида туради Ўзбекистон республикаси президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги “Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан мева-сабзавот маҳсулотларининг ялпи ҳосилини 2020 йилда 2-3 марта ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва чет мамлакатларда олма дарахтларининг ортиқча шох-шабаларини кесиш усуллари ва даражалари дарахтларнинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорликка таъсири бўйича бир гуруҳ тадқиқотчилар илмий изланиш олиб бориб, турли хил тупроқ иқлим шароитида навнинг биологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш асосида турли хил натижалар олишган ва ўз навбатида, ҳар бир шароитига мос келадиган илмий тавсиялар берилган [1,2,3,4].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу борадаги бажарилган тадқиқотлар мевали дарахт навларининг биологик хусусиятлари, шох-шабаларининг мева бериши, уларнинг ёшартириш цикллари тўлиқ очиб бериш имкониятини бермайди ва бу саволларга тўлиқ жавоб бериш учун дала шароитида илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Илмий тадқиқот ишлари 2006-2016-йиллар давомида Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида ўтказилди. Бухоро вилоятининг иклими кескин континентал ҳисобланади, яъни ёзи иссиқ куруқ, қиш эса совуқ куруқ бўлади ҳамда бир йилда 125-175 мм ёгингарчилик ёғиб ва бу асосан баҳор фасли бошида, кузнинг охирида ва қишда кузатилади. Иссиқ қуёшли кунлар эса 240 кунгача давом этади, шу даврда ҳавонинг ўртача ҳарорати 26-30⁰ С ташкил қилади. Энг иссиқ кунлар ёз ойида кузатилиб, ҳавонинг кундузги ҳарорати то 38.7-46.2⁰С даража ва ундан ҳам юқори ҳаво ҳарорати июннинг охири- июлнинг бошида кузатилади. Қиши куруқ ва совуқ: Январда ўртача ҳарорат - 4.0с дан -13⁰С гача етади. Ўртача ҳавонинг нисбий намлиги эса 40-60% ни ташкил қилади.

Илдиз жойлашган (0-70см) қатламда тупроқнинг фазасини солиштирсак оғирлиги - 2,84г/см³, метрлик қатламда-2,83 г/см², тупроқнинг айримлари тегишлича 51,6-51,9смли қатламда 212%, 0-70см-21,1% ва 0-100см ли қатламда 21,0%ни ташкил қилади. “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигининг тупроғи алювиал, қадимдан суғориладиган, кучсиз шўрланган тупроқдан иборат бўлиб, сув сатҳидан юза жойланиши (2,3-2,5м) билан фарқланади, механик таркиби бўйича ўртача соз тупроқлар гуруҳига киради.

1-жадвал.

Кесиш усули ва даражасининг олма дарахти барг сатҳига ва биометрик кўрсаткичларига таъсири, 2016 й.

Ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда ёшартирувчи кесиш вариантлари	Қолдирилган шохларда ҳосил куртаклари сони (дона)	Шох-шабба майдони сатҳи,		Барг сатҳининг ҳажми	
		м ² /дарахт	м ² /га	м ² /дарахт	м ² /га
Голден Делишес олма нави					
Назорат	қисқартирилмайди	13.4	5574	42.2	17555
3 йиллик цикл	4-8	11.8	4909	33.2	13811
	8-12	12.0	4992	35.0	14560
	12-16	12.5	5200	38.0	15801
	қисқартирилмайди	12.6	5242	39.6	16474
4 йиллик цикл	4-8	12.0	4992	35.0	14560
	8-12	12.4	5158	37.0	15392
	12-16	12.8	5242	33.0	16234
	қисқартирилмайди	13.0	5408	40.2	16723
Ренет Смирренко олма нави					
Назорат	қисқартирилмайди	14.2	5907	44.0	18304
3 йиллик цикл	4-8	12.4	5158	34.5	14350
	8-12	12.8	5325	36.2	15236
	12-16	13.0	5408	38.8	16141
	қисқартирилмайди	13.7	5659	40.6	16890
4 йиллик цикл	4-8	12,8	5242	36,0	14976
	8-12	13,4	5574	37,8	15726
	12-16	13,6	5659	39,6	16474
	қисқартирилмайди	14,0	5824	41,2	17139
Первенец Самарканда олма нави					
Назорат	қисқартирилмайди	12,6	5242	39,6	16474
3 йиллик цикл	4-8	11,2	4659	30,2	12563
	8-12	11,6	4825	31,4	13068
	12-16	12,0	4992	32,6	13552
	қисқартирилмайди	12,2	5075	35,0	14560
4 йиллик цикл	4-8	11,4	4742	31,6	12971
	8-12	11,9	4950	32,9	13645
	12-16	12,2	5078	33,0	13728
	қисқартирилмайди	12,4	5158	36,4	15142
Нср ₀₉₅		4,2		3,8	
Р%		4,0		2,2	

Тадқиқотнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришга энг юқори самара берадиган ёшартирувчи даврий кесиш усули (3-4 йил) ва дарахтларини ҳосил бериб бўлган новдаларда 4-8 куртак қолдириб кесишдан иборатдир. Тажиба олма дарахтларининг шо-шаббалари феврал ойи охири, март ойи бошларида бажарилган.

Мевали дарахтлар маҳсулдорлигини оширишнинг энг зарур шароити бу қуёш радиациясидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, барг юза сатҳини кўпайтириш ҳисобланади. Олма дарахти учун барг қисмининг катталиги кўпинча пайванд қилинган пайвандтаглар ва нав комбинациялари, дарахтларни кесиш ва уларни шакллантириш тартиби ҳамда кўчат қалинлиги

билан боғланади. Кўпгина тадқиқотларда, шу жумладан биз олиб борган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўсимликлар организмнинг ўсиш биомассаси, жумладан ҳосилнинг фойдали хўжалик биомассаси – фотосинтез ҳисобланади ва бу жараён катта аҳамият касб этади.

Боғбонларнинг асосий вазифалари дарахтларга шакл бериш ва кесиш даражалари қонуниятларига амал қилиб, ҳар бир дарахт шохлари ярусларда барг сатҳини жойлаштириш орқали фотосинтез маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир. Шундай тўлиқ ёритувчанликнинг очиқ майдонлардаги мақбул даражаси 50-70% ҳисобланади. Бу ҳолатда дарахтларнинг оптимал ўсишига шароит яратилади. Нурланишнинг меъёрий даражасини баъзи бир вақтда ошириш ёки пасайтириш ҳисобига фотосинтез жараёни меъёрий даражасини баъзи бир вақтда ошириш ёки пасайтириш ҳисобига фотосинтез жараёни меъёр даражасида ўтади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 15 йиллик ва ундан катта олма дарахтларининг ўсиши ва ривожланиш даражаларида барг сатҳи майдони мақбул даражага етиб, ушбу кўрсаткич ўрганилган тадқиқот йиллари давомида ўртача ҳосилдорлик ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартирилганда ва ҳосил берувчи шохларда 4 дан 16 тагача ҳосил куртак қолдиб кесилганда, олманинг Голден Делишес навида 4-4,0 ц/га гача, Ренет Симиренко навида 0,9-3,5ц/га гача, Первенец Самарканда навида эса назорат вариантыга нисбатан 0,6-3,1ц/га гача кўшимча ҳосил олинди.

Шунингдек, ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида цикл бўйича ёшартириш ва ҳосил берувчи шохларда ҳосил куртаклари қолдириш билан қискартириш ўтказилган вариантларда ёруғлик яхшиланиб фотосинтез маҳсулдорлиги ошади, барг сони ва юзаси ортиб, натижада олма дарахти оптимал ўсади ва ҳосилдорлик эса кескин ошади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, олма дарахтининг Голден Делишес навида шох-шаба майдони 11,8-13,0м²/дарахт, Ренет Симиренко навида 12,4-14,0 м² дарахт, Первенец Самарканда навида эса 11,2-12,4 м²/дарахти ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар олма боғларини парвариш қилишда олинган бошқа илмий натижалар билан ҳам тасдиқланган.

Шунингдек, кесиш даражасини кучайиши сайин ўрнини босувчи, 3-4 йиллик цикл давомида ёшартирувчи ва меъёрлаштирилган кесиш даражалари қўлланилган вариантларда барг пластинкаси ҳажми 7,0-20,0%гача назоратга нисбатан камайгани аниқланди. Тажриба шуни кўрсатдики, олма дарахтларида барг сатҳи юзасининг тарқалиши қарийб бир хил бўлди. Олма дарахтларини тўлиқ ҳосилга кириш даврида ўринбосар шохларни ёшартириш ва новдаларда 8-16 дона ҳосил куртаклари қолдириб кесиш барг пластинкаси майдони, аксинча кўзга кўринарли даражада ошиши кузатилди. Ёшартириш учун қолдирилган новдаларни ўсиш ва ривожланишни яхшилаш мақсадида ортиқча шох шаббаларни тозалаб, ёруғликни тушиш фоизини кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бейметов К, Ҳожиёв Ф, Назиров П, Кучсиз ўстирувчи павандтаглар. Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2004, №8 17-18 бетлар.
2. Бабук В., Юнусов Р. Урожайность и качество плодов яблони в зависимости от подвоя и площади питания. Ж. Садоводство и виноградарство, Молдавия, 1985, 18-20стр.
3. Гечекор Б.Б., Кладь А.А. Формирование площади листовой поверхности яблони в зависимости от подвоя и площади питания. Садоводство и виноградарство, 2002, №1, 8-9 стр.
4. Даду.К.Я. Доника И.Н. Новая система обрезки плодоносящих деревьев интенсивных садах. Ж. Садоводство и виноградарство, 1998, №5, 14стр.
5. Клочко П.В., Ефименко П.В., Мячин В.Н. Обрезка яблонь в разновозрастные периоды. Ж. Садоводство и виноградарство, 2004 №1
6. Лучков Г.В., Шоматов Л.А., Беслане Б.Б. Продление продуктивности яблони. Ж. Садоводство и виноградарство, 2001, №12,14 стр.
7. Останоқулов Т.Э., Нарзиева С.Х., Фуломов Б.Х. Мевачилик асослари. Қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2010.316 б.

ТАРИХ ФАҲЛЛАРИ

УЎК 93/94

O'RTA ASRDA TURKIY XALQLAR MADANIYATI**R.I. Sadiqova, o'qituvchi, Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti, Toshkent**

Annotatsiya. Ushbu maqolada insoniyat tarixi taraqqiyotida o'rta asrda turkiylarning muhim o'rin tutganliklari, jahon tsivilizatsiyasiga munosib hissa qo'shganliklari, umumturkiy xalqlarning o'ziga xos adabiyoti, san'ati va madaniyati, urf-odat va an'analari, tarixiy-adabiy merosini o'rganishni ayrim masalalariga e'tibor qaratilib, tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: Jahon tsivilizatsiyasi, tarix, adabiyot, san'at va madaniyat, urf-odat va an'analar, tarixiy-adabiy meros.

Аннотация. В статье рассматривается важная роль турков в развитии истории человечества в средние века, их достойный вклад в мировую цивилизацию, уникальную литературу, искусство и культуру, обычаи и традиции тюркских народов. Анализируется изучение литературного наследия с акцентом на некоторые вопросы.

Ключевые слова: Мировая цивилизация, история, литература, искусство и культура, обычаи и традиции, историческое и литературное наследие.

Abstract. The article examines the important role of the Turks in the development of human history in the Middle Ages, their worthy contribution to world civilization, unique literature, art and culture, customs and traditions of the Turkic peoples, historical. The study of the literary heritage is analyzed with an emphasis on some issues.

Key words: World civilization, history, literature, art and culture, customs and traditions, historical and literary heritage.

Oltin O'rdaning paydo bo'lishi natijasida yuzaga kelgan madaniy taraqqiyot nafaqat tasviriy san'atda aks etdi, balki ma'naviy, gumanitar madaniyat ham rivojlanish uchun bir xil darajada kuchli turtki oldi. Yagona davlatning shakllanishi natijasida turkiy xalqlar ham yaxlit madaniy va lingvistik sohani rivojlantirdilar, natijada lingvistik vaziyatda tub burilishlar yuz berdi. Shaharlarda mahalliy o'g'uz-qipchoq va bolgar lahjalari asosida umummilliy nutq o'sib boradi va uning asosida, o'z navbatida, keyinchalik eski tatar va boshqa turkiy adabiy tillar uchun asos bo'lgan umumiy adabiy turkiy til o'sadi. Dastlab uyg'ur alifbosi asosida va Islom tarqalishi bilan arab yozuviga asoslanib, bitta yozuv tizimidan foydalanishning boshlanishi katta ahamiyatga ega edi. Maktablar va madrasalarning keng tarmog'i hisobiga kutubxonalar, xattotlar va ulamolalar maktablari ishlaganligi tufayli mamlakat aholisining yuqori va o'rta qatlamlari chuqurroq savodxonlik va islomning asosiy qonunlarini o'rganish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Arxeologik qazilmalar natijasida aholining savodxonligining sezilarli darajasi, yozuvlar bilan ko'plab uy-ro'zg'or buyumlari va qabr ustidagi ko'plab epitafiyalar topilgan. Yozma til va adabiy tilning mavjudligi ko'p janrli adabiyotning rivojlanishiga asos bo'ldi, bu esa turkiy xalqlarning yuksak madaniyati va tsivilizatsiyaning yana bir ko'rsatkichidir. O'rta asrlarda, mutafakkirlar, yozuvchilar, ruhoniylar ijodi boshqaruvchi xonlar tomonidan qo'llab-quvvatlangan.

O'rta asr adabiyoti dastlabki turkiylikni, shu jumladan Ahmad Yugnakiy, Yusuf Balasaguniy, Ahmed Yasaviy, Sulaymon Bakirgani, Kul Gali va boshqalardan boshlangan bolgar an'analarini arab-fors musulmonlari Sharqi, G'azali, Firdusmiyning yozma madaniyati bilan uzviy bog'lagan, Sa'diy, Maarri, Abu Hamid, Navoiy va boshqalar). Asarlarning muhim qismi turk tiliga tarjima qilinganidan keyin mashhur arab va fors mualliflarining asarlari to'plamlari orqali yaratilgan. Yozma yodgorliklarning aksariyati turkiy tilda yaratilgan. Olimlar arab tilidan ham keng foydalanganlar, shoirlar - forsiy. Turkiy adabiy yodgorliklari g'oyaviy mazmun va badiiy shakllarning boyligi, nutq stilistikasining nafisligi, she'riy va prozaik janrlarning xilma-xilligi: g'azallar, doston, qasidalar, qissa, madhiyalar, marsiya (elegiya), hikoyalar, ruboiylar (to'rtliklar), she'riyat romani, farda, hikayat, "quti kompozitsiyasi" va boshqalar o'rta asrlarda diniy va dunyoviy, badiiy va ilmiy-falsafiy asarlar o'rtasidagi o'ziga xoslik tufayli, odatda aniq chiziq chizish qiyin, ular estetik, bilim, axloqiy va ibratli ma'nolarni birlashtiradi. O'rta asr turkiy yozuvchilari hamda shoirlari, nasr yozuvchilarining syujetlarining asosiy motivlari insoniyat mavjudligining turli masalalari, hayot mazmuni, Xudoga munosabat, jamiyatning adolatli tuzilishi, hukmdorlar va bo'ysunuvchilar o'rtasidagi munosabatlar, muhabbat, axloqiy muammolar va boshqalar edi. [1.678-b]. Mubolag'asiz, jahon adabiyoti xazinasiga O'rta asr turkiy adiblari tomonidan: Burhoniddin Rabguziy (1310), "Kisas al-anbiya" ("Payg'ambarlar qissasi"), Abu Bakr Qalandarning "Qalandar-name" kabi diniy-axloqiy asarlari kiritilgan. (1320-1340-yillar) Mahmud Bulg'ari (1358) tomonidan yozilgan

"Naxj al-Faradis" ("Jannatga yo'l"), Hisam Xatibning "Jumjuma Sulton" ("Shoh-Boshshuyagi") (1369), "Kisekbash" (Kesilgan bosh) noma'lum muallif tomonidan yozilgan. Dunyoviy xarakterdagi asarlar: "Muhabbat-noma" ("Sevgi to'g'risida") Xorazmiy (1353), "Xosrov va Shirin" ("Xosrov va Shirin") Qutba (1383), "Guliston bit-Turklar" va Sayf Sarayning "Suxail va Guldursun"(1391) tomonidan yozilgan. Ahmad Xo'ja as-Saroy, Mavl Kaziy Muxsin, Mavlyan Isxak, Fakix Berke va boshqalarning lirik she'rlari O'rta asr davridagi ulkan tarixiy voqealar ana shunday epik afsonada aks etgan, Ushbu asarlar turkiy adabiyotining mumtoziga aylandi, uning asoslarini yaratdi va hozirgi kungacha mavjudlik yo'nalishini belgilab berdi. O'rta asr shaharlarida badiiy adabiyot bilan bir qatorda ritorika, teosofiya, shariat qonuni, tabiatshunoslik (amaliy va nazariy) va tibbiyotga oid ilmiy risolalar yaratilgan. O'rta asrda turkiy olimlar musulmonlarning ma'naviy ilmlari rivojlantirib, Qur'on tarjimonlari, matematiklar va astronomlar etishi chiqdi. [2.118-b]. Qiziqarli bir misol keltirish maqsadga muvofiq: Sayf Saroy "Suhayl va Guldursun" she'rida Nikola Kopernikning ilmiy geliocentrik kontsepsiyasi paydo bo'lishidan taxminan 150 yil oldin, Yerning Quyosh atrofida aylanishini obrazli ravishda eslatib o'tadi. O'rta asr asarlarda lug'atlar, shu jumladan saroy, tarixiy va nasabiy an'analar bilan bog'liq yozuvlar bizgacha etib kelgan. Murakkab ko'p qatlamli O'rta asr turkiy madaniyatini rivojlantirish haqida gap ketganda, davlatdagi o'ta o'ziga xos diniy vaziyatni eslatib o'tmaslik mumkin emas (shuningdek diniy omil, albatta, siyosat, mafkura va iqtisod uchun katta ahamiyatga ega edi). Asta-sekin O'rta asr turkiy xalqlar jamiyatida dunyo dinlaridan biri Islom dini birinchi o'ringa chiqdi. Islomni tanlash har ikkala ichki omil bilan ham belgilandi - u Xorazm va Volga-Kama Bolgariyasida VIII-X asrlardan beri tan olingan edi. Islom ijtimoiy-madaniy va etnosiyosiy elementlarni yanada yaxlit birlashishiga yordam beradigan yana bir omil bo'ldi. Qabilaviy butparast kulturlarning monoteistik din bilan almashtirilishi aholini ma'naviy jihatdan birlashtirdi, ularni boshqa musulmon mamlakatlariga, shu jumladan global musulmon sivilizatsiyasi madaniy makoniga yaqinlashtirdi. Misrning Mamluk sultonligi bilan tashqi do'stona aloqalar o'rnatildi. Markaziy Osiyo musulmonlari savdosi va shahar elitasining madaniy va iqtisodiy ta'siri esa boshlandi. 1313 yilda Ulus Jo'chining Islom dinini rasmiy davlat dini sifatida e'lon qilinishi turkiyabon xalqlarning yanada integratsiyalashuviga, yagona turkiy etnosning shakllanishiga hissa qo'shdi va Evroosiyoning turkiy xalqlarining butun keyingi tarixida chuqur iz qoldirdi. Oltin O'rda hukmdorlari ozroq pravoslav va yumshoqroq va bag'rikengroq hanafiylik mazhabi hukmronlik qilgan Markaziy Osiyodagi voizlarning ta'siri ostida Islomni qabul qildilar. Oltin O'rda islomgacha bo'lgan urf-odatlarini saqlashga ko'proq sodiq edi. Shu sababli, uzoq vaqt davomida yangi aqidaning jamoat ongiga chuqur kirib borishi, shariat qonun-qoidalari va marosim amaliyotini keng va to'liq idrok etishi yo'q edi. Ko'chmanchi zadogonlar orasida Islom ko'pincha harbiy sharaf kodeksi va an'anaviy turmush tarzini qamrab oladigan tashqi marosim qobig'i bo'lib qolaverdi. Tengri kultiga kelsak, Oltin O'rda qadimgi turklar va mo'g'ullarning ibtidoiy dinining qoldiq shakli sifatida Tengriizm unsurlarini o'zida mujassam etgan modernizatsiyalashgan islom shakli. O'zbekxon va Jonibek xonlari davrida Islom imperatorlik mafkurasining asosini tashkil etgan Ulus Jo'chining siyosiy va madaniy rivojlanishida hal qiluvchi kuchga aylandi. Musulmon bo'lmaganlar endi taxtga va ma'muriy idoralarga ruxsat berilmadi.

Keyinchalik XIII-XIV asrlarning boshlarida - Oltin O'rda rasmiy diniga aylangan Islom va musulmon mamlakatlari san'ati turkiy xalqlar madaniyatiga tobora ko'proq ta'sir qila boshlaydilar. Endi badiiy uslub musulmonlar kanonlari tomonidan tartibga solinib, xattotlik va bezak ramziyligini kamaytirishga intiladi. Xalq ijodida islomgacha bo'lgan an'analardan kelib chiqqan tasvirlardan foydalanish ancha uzoq saqlanib qolgan. Rivojlanayotgan yangi san'atda "turkiy badiiy an'analar Mo'g'uliston, Xitoy, Markaziy Osiyo, O'rta va Yaqin Sharq, Rossiya va Sharqiy Evropaning badiiy texnikalari bilan ijodiy muloqotga kirishdi", bu turkiy xalqlar va butun dunyo o'rtasida mavjud bo'lgan jonli moddiy va ma'naviy aloqalarni aks ettiradi." [3.14-b]. Bu davrda badiiy san'at asosan dekorativ va amaliy janrda rivojlandi: zargarlik buyumlari, kostyum detallari, idish-tovoqlar, uy-ro'zg'or buyumlari, qurol-yarog'lar, harbiy va ot jihozlari - bularning barchasi qimmatbaho metallar, qimmatbaho toshlar va marvaridlar, ta'qib qilish, o'ymakorlik, geometrik, hayvonot bog'i va antropomorfik va arabcha naqshlar bilan bezatilgan tasvirlar va bezaklardir. O'rta asr turkiy xalqlar ijodkorlarining qo'lidan chiqqan buyumlarning aksariyati haqiqiy san'at durdonalari va bugungi kunda ular Rossiyada (xususan, Sankt-Peterburgdagi Davlat Ermitaj muzeyida) va chet ellarda dunyoning etakchi muzeylari ekspozitsiyalari va fondlarida munosib o'rin egallaydi. O'rta asrlardagi faol shaharsozlik yana bir vizual janrni rivojlantirishga asos bo'ldi - monumental, dekorativ va mozaik, o'ymakorlik, fresk rasmlari, bezak toshlari va gipsga ishlangan buyumlar, ko'rinishidagi shoh asarlarning paydo bo'lishi davri hisoblanadi. Binoning jabhasi va ichki tomonlarini va qabr toshlarini qoplash uchun ishlatilgan boy polixromli va bezakli, zarhal bilan bo'yalgan dekorativ o'zgacha gullagan va rivojlangan. O'rta Osiyodagi turkiy musulmon davlatlari san'ati ko'plab xalqlarning an'alarini o'zida mujassam etgan va tadqiqotchilar haqli ravishda uning sinkretik

xususiyatini qayd etishgan. O'rta Osiyo uchun o'rta asrlar iqtisodiy va madaniy yuksalish asri bo'ldi. Shaharlar boyidi, o'sdi, ziroat, hunarmandchilik va savdo gullab-yashnadi. Sug'udlar bu zamonda tajribali vositachi savdogarlar sifatida o'zlarini ko'rsatdi. Ular Xitoy va O'rta Yer dengizi orasida muloqot o'rnatdilar, buning uchun qadimiy karvon yo'llaridan foydalanishdi.

Xulosa qilib aytganda, o'rta asrlarda turkiy xalqlar ilmiy-madaniy yuksalish butun dunyo ilm-fan sohasining rivojlanishiga o'ziga xos hissa qo'shdi. Ushbu o'lkadan yetishib chiqqan ilm-fan va madaniyat sohasi rivojiga katta ta'sir ko'rsatgan yetuk siymolarning bizga qoldirgan ilmiy va ma'naviy merosi bugungi avlod uchun bebaho hazina sanaladi.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Миннегулов Х.Ю. Литература // История татар с древнейших времён: В 7 т. Т. III. Улус Джучи (Золотая Орда). XIII – середина XV в. Казань, 2009. С. 678.
2. Sulaymonova F. Sharq va Garb (Qadimgi davr va o'rta asrlar madaniy aloqalari). T., «O'zbekiston», 1997. 118-b
3. Пиотровский М.Б. Красивая память об общем прошлом // Сокровища Золотой Орды. СПб., 2000. С. 14.

УЎК 93/94

СОБИҚ ИТТИФОҚНИНГ ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАЗИЙҚЛАРИ ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИЛМ-ФАН ЗИЁЛИЛАРИ ХИЗМАТИ Ж.Айтмуратова, Қорақалпоқ Давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 50-70 йилларида Қорақалпоғистонда Собиқ Иттифоқнинг ғоявий-сиёсий тазийқлари даврида илм-фан зиёлилари хизмати ҳақида сўз этилади.

Калит сўзлар. Миллий мафкура, ғоявий тазийқлар, миллатчилик, сиёсат, илм-фан, маданият.

Аннотация. В статье рассматривается служба научной интеллигенции в Каракалпакстане в 50-70-е годы XX века в условиях идеологического и политического давления бывшего Советского Союза.

Ключевые слова. Национальная идеология, идеологическое давление, национализм, политика, наука, культура.

Abstract. The article examines the service of the scientific intelligentsia in Karakalpakstan in the 50s-70s of the XX century under the conditions of the ideological and political pressure of the former Soviet Union.

Keywords. National ideology, ideological pressure, nationalism, politics, science, culture.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Республикада илмий кадрлар тайёрлаш масаласи катта йўқотишларга учради. Илмий-тадқиқот соҳасининг моддий базаси пасайди. 1943-йил ноябрда ЎзФАН базасида Республика Фанлар Академияси ташкил топти [1]. 1945 йили Нукусда Ўзбекистон Фанлар Академияси кўчма сессияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистонда илмий-тадқиқотларни кенгайтириш буйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

1947 йили сиёсий ва илмий билимларни тарғибот қилиш буйича Бутун Иттифоқ «Билим» жамияти ташкил топти. Унга собиқ СССР Фанлар Академияси Президенти С.И.Вавилов раҳбарлик қилди. Бу ҳолат раҳбарлик органи бўлган партиянинг мафкурасининг сиёсий тарбия ишларини маъмурий-буйруқбозлик тизимга буйсунишни ва назорат қилишни таъминлади. Мамлакат иқтисодиёти ва маданиятидаги барча муваффақиятлар доно раҳбар ва дохийнинг раҳбарлигидаги муваффақиятлар сифатида баҳоланар эди.

Илмий-тадқиқот йўналишининг ва эркин фикрлашнинг юқорига ёки марказ кўрсатмаларига боғлиқ бўлиши ижтимоий фанларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. 1947-йили Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридан 1939-йили ташкил топган Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институти Ўзбекистон Фанлар Академиясининг таркибига кириб [2], Қорақалпоқ Иқтисодиёт ва маданий илмий-тадқиқот институти бўлиб қайта ташкил топти. Унинг биринчи директори Нажим Дўқараев бўлди.

Илм-фандаги пайдо бўлган сиёсий-мафкуравий чеклашлар XX-асрнинг 40-йилларининг охири 50-йилларнинг бошидаги мунозараларида (муҳокамалар) аниқ кўзга ташланди. 1947-йили Г.Ф.Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи» китоби буйича, 1950-йили тил билими буйича мунозара, 1951-йили сиёсий иқтисодиёт буйича мунозара бўлиб ўтди. Бу мунозараларнинг барчасида партия раҳбарлари катнашди. Масалан, фалсафа буйича Марказий Қўмитанинг сиёсий бюроси аъзоси, мафкура масалалари билан шуғулланувчи А.А.Жданов, тил билими ва сиёсий иқтисодиёт буйича И.В.Сталин раҳбарлик қилди [3].

Илмий масалаларни муҳокама қилишда партия раҳбарларининг шахсан иштирок этиши фандаги эркин фикрлашни нафас олдирмай, раҳбарларнинг кўрсатмаларини қуллаб-қувватлашга мажбурлади. Илмий ишларга партиянинг мафкуравий сиёсати босими билан кескин танқид қилинди. Бу ҳолат маҳаллий миллат вакилларида етишиб чиққан дастлабки фан арбобларининг илмий-ижодий ишларининг асоссиз танқид қилинишига сабаб бўлди.

Ижтимоий ва табиий фанлар соҳасига компетентли бўлмаган авторитар аралашуви илмнинг бундан буён ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

1948-йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон Иқтисодиёт ва маданият илмий тадқиқот институтида Республикада биринчи бўлиб доктарантура ва аспирантура очилди. Шу йили Н.Дўқараев барчага намуна бўлиб, ўзи доктарантурага кириб, Москвага СССР Фанлар Академиясининг Шарқни тадқиқот қилиш институтига ўқишга киради. 1951-йили у доктарантурани битириб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори даражасини олади [4].

XX-асрнинг 40-50 йилларида империянинг зўравонлик тузумининг мафкуравий майдонидаги ҳужумининг бошланиши билан «миллатчиликка қарши кураш пардаси» пардаси остида халқимизнинг маданий меросларининг жон қуяр зиёлилари, айниқса фан, адабиёт, тасвирий санъат соҳасининг етук вакиллари таъқиб қилиш кучайди. Уларнинг қаторида биринчилардан бўлиб, Нэжим Дўқараев таъқиб қилинди. Биринчи фан доктори, ўз халқининг фидойиси Н.Дўқараевни қувғин қилиш ҳаракати ўз-ўзидан бўлган эмас.

1952-йил Республикада катта ўзгаришлар билан бошланди, январь ойининг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон вилоят партия қумитасининг биринчи котиби Пиржан Сейтов ўз лавозимидан бўшатилиб, бу ўринга Арзы Махмудов тайинланади. 1951-1955 йиллари Арзы Махмудовнинг партия ташкилотига раҳбар бўлиб келиши кутилган натижани бермайди [5]. Бошқа вилоятлардан келган юзга яқин раҳбар ходимлар тумандан тортиб Республика миқёсида «биринчи» лавозимларда ишлади. Улар маҳаллий халқнинг урф-одатларини, ўзаро муносабатларини ҳисобга олмай тўғридан-тўғри раҳбарлик қилиш йўлига ўтди.

Н.Дўқараев Ўзбекистонда биринчи Филология фанлари доктори илмий даражасини олганидан кейин, орадан кўп вақт ўтмасдан фан ва адабиёт соҳаси ижодкорларини, энг аввало ёши катталарни вилоят котибининг қабулхонасига, яъни котиб уларнинг сиёсий билимини текшириб куриш учун имтихон олишга чақиради. Ёши улуғидан бошлашимиз керак деган баҳона билан биринчи Нажим Дўқараевни олиб киради. Ичкарида ҳар хил соҳадан йиғилган етти одам бўлиб, улар Дўқараевни кўриши билан саломлашиш учун олдига чиқади. Бу ҳолат котибга ёқмайди, лекин уларни тўхтатишга котиб ожизлик қилади... Котиб ўз сўзини – «Марказий Қумитанинг топшириғи ва вилоят Қумитасининг қарори буйича ёзувчилар билан олимлардан имтихон олишимиз керак», [6] -деб сиёсий сиқувга олиш ҳаракатини бошлайди. Н.Дўқараев «Мен сени ўқитган устозинг бўлсам, Ўзбекистонда биринчи Филология фанлари доктори бўлсам, мендан имтихон олмоқчимисан», -деб котибнинг буйруқбозлик сиёсатида норозилик билдириб ташқарига чиқиб кетади. Бу воқеадан кейин таъқиб қилиш ҳаракати тоталитар тузумининг сиёсий дастурини амалга ошириш учун ҳар томонлама иш олиб боради.

Н.Дўқараевни қамоққа олишга етарли далиллар топа олмагандан кейин Қорақалпоғистон Давлат Хавфсизлик Комитетининг ёрдамида бир қатор марказдан келган А.Савицкий, И.Ефимов, Штейнгард каби «олимлар» Нажим Дўқараевнинг қорақалпоқ халқининг тарихий мерослари ҳақидаги илмий қарашларига, адабиётшунослик илимида очган янгиликларига тўхмат қилиб, уни эскиликнинг қолдиқларини янгилайдиган буржуазияга оид миллатчи деб айблаб, босма сўз бетларида турли бўҳтонлар тарқатиб, уни руҳан буғиб ташлашга уринди [7].

Биринчи фан доктори Н.Дўқараевнинг сиёсий қувғин қилиниши буйича таниқли давлат ва жамоат арбоби, Меҳнат Каҳрамони, тарихчи Қаллибек Камалов ўзининг «Илм ва ақл чироғи, элимизнинг савлати эди», -деган мақоласида Н.Дўқараевни айбловчи мақолалар усти-устига қордай ёғилганини қуйидагича эслайди: Бундай мақолалар «Советская Каракалпакия», «Правда Востока» газеталарида, «Звезда Востока» журналида Н.Наренов, А.Камалов, Д.Соничев, И.Ефимов, О.Фецина, А.Савичларнинг мақолаларида «Н.Дўқараевнинг меҳнатларида мафкуравий бурмаланган жойлар бор, Бердақнинг «Хорезм», «Шежире» асарларининг панисламистлик буржуазия-миллатчилик характери ҳақида ҳеч нарса айтмаган, «Большая Советская энциклопедия» учун Н.Дўқараевнинг тузган Қорақалпоғистон ҳақидаги очерки ярамайди деган айбловлар кундан-кунга ортиб борди» [8].

Н.Дўқараевни қувғин қилишни амалга ошириш мақсадида Вилоят ва Нукус шаҳар партия комитетлари уни қораловчи кўрсатмаларни бажаришга қаратилган «ташкilotчилик ишларини»

юрғизади. Масалан, Нукус шаҳар партия кўмитаси бюроси мажлисида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон Иқтисодиёт ва маданият илмий тадқиқот институтининг партия ташкилотининг фаолиятини қараб, уни «қаноатлантирарсиз» деб топади. Н.Дəўқараев ҳақида газета материалларини муҳокама қилишга боғлиқ кўрсатмаларни бажармай келгани учун бу ташкилотнинг котиби, таниқли филолог олим Қ.Айымбетов лавозимидан бўшатилиб, партия ташкилотининг котиби этиб Манохов тайинланади. Бу вақтда институтда 14га яқин илмий ходимлар ишлайди. Институтни юқори органлар томонидан бир неча маротаба келиб текширади. Ушбу 14 га яқин ходимлари бор институтни жами 32 одам келиб текшириб кетади. 1953-йил 19-февралда Иқтисодиёт ва маданият илмий тадқиқот институтида партия ташкилоти йиғилишида Н.Дəўқараевнинг буржуазияга оид миллатчи сифатида айбланиб, уни партиядан чиқариш ҳақида қарор қабул қилинади [9]. Бундай асоссиз таъқиб қилишлар айбсиз бўлган ҳалол инсон Қорақалпоғистон илмининг йирик номоёндаси Н.Дəўқараев учун катта зарба бўлади. Ёлғондан тўқилган тухмат, бўҳтонлар Н.Дəўқараевга руҳан таъсир қилди. Соғлигидан айрилиб тушак тортиб ётиб қолади, у қайтиб ўзини тиклай олмайди. 1953 йил 20-июлда 48 ёшида бевақт дунёдан кўз юмади [10]. У ўзининг 48 йиллик қисқа умри давомида 53 томнан иборат кўл ёзма материалларини ёзиб қолдирган. Шулардан 30дан ортиғи илмий-тадқиқот ишларидан иборат. 10дан ортиғи қорақалпоқ тили ва адабиёти буйича дарсликлар, 9 асар бадиий адабиёт соҳасига тегишли, 8та асари рус классик ёзувчиларнинг асарларининг қорақалпоқ тилига таржимасидан иборат.

Устоз вафотидан кейин унинг ижодий материалларини йиғиш, нашрдан чиқариш, у раҳбарлик қилган институт (ҳозирги ЎзРФАҚБ) ходимлари, шогирдлари, дўстлари томонидан кўлга олинди. Унинг 50 томнан иборат кўл ёзма материаллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг кўл ёзма фондида кўз қорачиғидек сақланмоқда [11] Унинг номи 1965-йили Тил ва адабиёт институтига куйилди. Кўчалар ва мактабларга унинг номи берилди.

Қорақалпоқ адабиёти ва адабий тилини тадқиқот қилишда Нəжим Дəўқараев билан бирга унинг тамал тошини куйган олимларнинг бири филология фанлари доктори Қалли Айымбетов бўлди.

Қорақалпоғистон зиёлилари фан ва маданият соҳасида фаолият олиб боровчи ёш олимлар Республикамизда олиб борилган илмий-адабий экспедиция ишларида фаол катнашди. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида Н.А.Баскаков, А.А.Мелков, С.А.Малов, А.А.Соколов, П.П.Иванов, С.П.Толстов каби таниқли рус олимлари қорақалпоқ адабиётини, тилини ва тарихини тадқиқот қилди. Уларнинг кўпчилиги таниқли рус ва бошқа қардош миллат олимларининг устозлик маслаҳатлари натижасида XX-асрнинг 40-50 йилларида фан ва маданият ходимлари бўлиб етилишди.

Масалан, Н.Дəўқараев билан қатор Г.Ибайдуллаев, Я.Досумов, И.Сағъйтовлар Қорақалпоғистонда адабиётшунослик, тил билими, тарих ва педагогика фанларининг ривожланишига салмоқли ҳиссасини қўшти.

Қорақалпоғистон Республикасига хизмат кўрсатган фан ва маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор, ёзувчи ва таржимон Қалли Айымбетов Қорақалпоғистон маданияти ва илмига асос солувчиларнинг бири ҳисобланади.

У ёшлигидан фанга меҳр қуйиб, халқимизнинг тарихини ва фольклорини йиғишда фидойилик кўрсатган эди. Шунинг учун ҳам таниқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов ўзининг «Халқ донолигин авайлаб асраган олим» деб аталган мақоласида «Ўттизинчи йиллардан бошлаб қорақалпоқ халқининг этнографиясини ва фольклорини йиғиш ишлари буйича А.А.Мелков, С.А.Малов, А.А.Соколов, П.П.Иванов, С.П.Толстовларнинг Қорақалпоғистонда ташкиллаштирилган илмий экспедицияларида таржимон ва йўл бошловчи ишларини олиб борган инсон. У вақтларда янги Тўрткўл Педагогик техникумини битирган ўсмирин Қалли Айымбетов эди» [12],-деб эслайди.

Қалли Айымбетов Иккинчи Жаҳон уруши катнашчиси сифатида 1941-йилнинг 7-декабридан бошлаб армия сафида хизмат қилади. Урушнинг дастлабки кунлари ташкил топган Қорақалпоқ ҳарбий бригадасида хизмат қилади. Уруш даврида Югославия, Румыния, Венгрия, Австрия давлатларини душмандан озод қилишга қатнашади. Беш йил олти ой давомида жанговарлик хизмат қилиб кейин 1947-йили 10-март санасида армиядан истеъфога чиқади.

Иккинчи Жаҳон урушининг кейинги даврида Қ.Айымбетов ўзининг барча билими билан бой тажрибасини кўп йиллар давомида тўплаган салмоқли меҳнатларини бир тизимга тушуриб, уларни илмий-назарий жиҳатдан яқунлашга сарфлади.

Натижада истеъдодли олим 1956-йили «Қарақалпақстан драматургиясының раўажланыўы» деб номланган мавзуда номзодлик, 1965-йили «Қарақалпақ жыраў-бақсыларының репертуарлари»-деган мавзуда докторлик илмий ишини химоя қилди. Ушбу меҳнатларининг натижаси сифатида унинг 1963-йили «Қарақалпақ драматургиясының очерклери», 1988-йили «Халқ даналығы», 1977-йили «Қарақалпақ фольклори», 1978-йили «Қарақалпақ нақыл-мақаллари» монографиялари нашрдан чиқди. Унинг 25 йилдан ортық ҳаёти Тошкент, Москва ва Олма-ота шаҳарларида юқори билим олишга сарфланган [13].

Қ.Айымбетов ўзи тадқиқ қилган дostonларнинг ичидан Ерполат жиров ижро қилган «Едиге» дostonи, Хожаберген Нияз ўғли Өгиз жиров ижро қилган «Алпамыс» дostonи, Есемурат жиров ижро қилган «Қоблан» дostonи, Қыяс жиров ижро этган «Маспатша» дostonи, Қуламет жиров ижро қилган «Шәръяр» дostonларининг бадий-ғоявий ўзига хослигини таҳлил қилади. Шу билан бирга Қурбанбай жировнинг репертуарига кирган дostonлар хақида тўхталиб ўтади [14].

Олим ўз тадқиқотларида «Қарақалпақларда «Қоблан» дostonи мўғуллар истилосидан аввал, қорақалпоқлар Киев Россиясини, Россиянинг жанубий ҳудудларини ва Қора денгиз, Азов денгизи қирғоқларида яшаган даврда пайдо бўлган дoston бўлиши керак. Бу дostonнинг пайдо бўлиш манбаларини уша макондан излаш керак»,-деган тарихий манбаларга хос фикрни ўртага ташлайди.

Қ.Айымбетов «Халқ даналығы» китобида қорақалпоқ халқ жировлари, бахшилар, қиссагонлар, шоирларнинг репертуарларига кирган асарларнинг бадий-ғоявий ўзига хослигини таҳлил қилади ва ижодий ишлари хақида ишончли маълумотларни келтиради, бундан ташқари фото-расмларини иллюстрация сифатида беради. Монографиянинг сўнгида қорақалпоқ халқ муסיқаларининг яратилиши тарихини сўзлаб берувчи қисқа-қисқа мақолалар берилди.

Филология фанлари доктори, профессор Камал Мәмбетовнинг фикрича «Агар... Қорақалпоғистоннинг 1913-йилдан 1973-йиллар орасидаги олтмиш йиллик тарихи ёзилиши зарур бўлса, хақиқий тарихни фақат Қалли Айымбетов оғадангина ёзиб олиниши мумкин, у қорақалпоқ маданияти, тарихида ҳеч такронланмас одам», [15]- деб таъриф бериб, Қалли оға бизга сув остидан баҳоси йуқ маржонлар топиб берган илм фидойиси эканлигини исботлади.

Профессор Қалли Айымбетовнинг илмий ижодиёти даврида 186 илмий ишлари нашрдан чиқади. Қорақалпоғистон Республика тарих ва улқашунослик музейида 9 томдан иборат қўлёзмалари, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг кутубхонасида 27 турли нусхадаги қўлёзмалари сақланган. Бугунги кунгача Қ.Айымбетовнинг ҳаёти ва илмий ижодиёти хақида бадий адабиётчи олимлар томонидан 500дан ортық илмий ишлар, монографиялар, илмий журнал ва Республика газеталарда эълон қилинди.

Қалли Айымбетовнинг Ўрта Осиё халқлари фольклорини йиғиш ва ўрганиш диапазонинг кенглиги, унинг тадқиқот қилган масалаларнинг ранг-баранглиги, илмий-назарий хулосаларнинг теранлиги билан ажралиб, умум иттифоқ миқёсида эътироф этилишига лойиқ бўлди. Агар Қозоғистон Фанлар Академияси мухбир-аъзоси Еспағамбет Исмайлов Қалли Айымбетовни «Катта тюрколог олим, Қорақалпоғистонда филология фани асосчиси»,-деб баҳолаган бўлса, профессор Н.А.Баскаков, Қ.Айымбетовни «Қорақалпоқ фольклористикасининг асосини яратувчиси бўлганлигини» эътироф этади [16].

Ўзбекистон олимларидан И.Муминов, К.Яшин, Ж.Шоабдурахмонов, Ҳ.Якубов, Ҳ.Сулаймон, М.Афзалов ва бошқалар «Қалли Айымбетовнинг илмий ва адабий мероси ниҳоятда кенг ва ҳилма ҳилдир. Қорақалпоқ халқининг бой оғзаки ижоди ва этнографиясининг дастлабки тўпловчиси ва ноширларидан биридир. Унинг «Қарақалпақ драматургияси», «Халық даналығы», «Қарақалпақ халық дөретиўшилери» каби монографиялари, юзлаб мақолалари қорақалпоқ адабиётшунослиги ва фольклористикаси тараккиётида катта аҳамиятга эга бўлди»,-деб баҳолашди.

Машҳур рус академиги В.М.Жирмундский «Қалли Айымбетовни Ўрта Осиё халқларининг фольклори буйича мутахассисларга қорақалпоқ халқ дostonларини етук билувчи, уларни йиғувчи ва нашр қилувчи ва тадқиқот қилувчи мохир фольклорист сифатида яхши таниш. Ўттиз йилдан ортық вақт давомида Қалли Айымбетов ўз халқининг фольклорин ўрганиш соҳасида тинимсиз меҳнат қилди»,-деб таъриф берди [17].

XX-асрнинг 50-йиллари халқ оғзаки адабиётига айбланиб, уни йиғувчилар, тадқиқ қилувчилар танқид қилиниб, биринчи фан доктори Н.Дэўқараевнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлди. Улар Қ.Айымбетовни ҳам, Н.Жапақовни ҳам айблади. Бу хақида тарихчи Оңғарбай Юсупов, «Едигени ким тақиқлаган эди?»,-деб номланган мақоласида «XX-асрнинг 50-йиллари қорақалпоқ халқ дostonлари буйича нашрларда, мажлисларда жуда кўп нотўғри фикрлар айтилди. Қорақалпоқ дostonлари «Қорқыт ота», «Едиге», «Қоблан», «Алпамыс», «Хорезмнама», «Шежире»

бўйича таъкиб қилишлар юз берди. И.Ефимов деган шахс «Едиге» дostonи бўйича илмий иш ҳимоя қилган Қ.Айымбетов, Н.Дўқараевларга қарши мажлисларда нутқ сўзлади» [18],-деган сўзлари миллий меросларимизни ўрганувчиларга қаратилган қувғин қилиш ҳаракатининг бир кўриниши ҳисобланади.

Қувғин қилиш ва асосиз айбловлар Қаллы Айымбетовнинг ўзини ҳам четлаб ўтмади. Институтнинг тил ва адабиёт сектори раиси вазифасида тўрганида, уни халққа қарши «Алпамыс» дostonини тарқатганликда, қорақалпоқ халқ-нақл мақоллари деб беъмани нарсаларни йиғганликда айблайди. Улар «Алпамыс ва Едиге ҳеч қачон халқ ботири бўла олмайди», -деган фикрларини газеталарда эълон қилиб, Қаллы Айымбетовни буржуазия ғоясининг тарғиботчиси ва тарқатувчиси деб айблайди [19]. Хаттоки, уни институтнинг тил ва адабиёт бўлимининг раиси лавозимидан бўшатади.

Олимнинг маънавий дунёсида қанча йўқотишлар бўлишига қарамасдан, адолат қарор топиб, халқимизнинг миллий маънавий хазинаси қайта тикланди.

Атоқли олим Қ.Айымбетов миллий меросларимизни қайта тиклаш билан чегараланиб қолмасдан, умрининг сўнгги сонияларигача Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг профессори, етук олим сифатида тил ва адабиёт масаласида дарсликлар ёзди. У аспиранта ва доктарантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди. Натижада Республикамизга маълум адабиётчи олимлардан З.Насруллаева, Т.Мәмбетниязов, Н.Камалов, Ө.Тәжимуратов, М.Низаматдинов ва бошқалар Қ.Айымбетовнинг илмий раҳбарлигида фан номзодлигини муваффақиятли ҳимоя қилди. Қ.Айымбетовнинг илмий-тадқиқот ишларидаги хизмати Республика ҳукумати томонидан муносиб эътироф этилиб, 1958-йили 18-мартда Қорақалпоғистон Республикасига хизмат кўрсатган фан арбоби хурматли унвони берилди.

Республикамизда фидойи инсонларнинг бири, давлат ва жамоат арбоби, давлат ва илмий хизматлари билан танилган, фан ва маданият арбобларидан бири Наўрыз Жапақов эди. У дастлаб Республика газеталарида адабий ходим сифатида ёшлар ташкилотиде ва Республика ҳукуматининг тарғибот-ташвиқот бўлимида фаолият олиб бориб, 1947-йилнинг март ойидан бошлаб 1952-йил сентябрь ойигача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси бўлади. Шу йиллари у Чаржаў-Қўнғирот темир йўлининг тайёрлаш ва фойдаланиш қурилишига раҳбарлик қилади. 1955-йилнинг октябрь ойидан бошлаб Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши президиумнинг раиси бўлиб тайинланади. 1956-59 йиллари иккинчи маротаба Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси сифатида ишлайди. У ўзининг илмий ижодий ишларини давом этиб, ички аспирантурани битириб, 1961-йили «Аяпберген Мусаевтың дөретиўшилиги» деган мавзуда номзодлик, 1967-йили «Қарақалпақ адабиятында реализмның пайда болыўы хэм қәлиплесиўи» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди [20]. У 1961-67 йиллари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлайди. 1967-йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Н.Дўқараев номидаги тарих, тил ва адабиёт институтининг Шарқ қўлёмалари секторининг раиси, 1971-1975 йилларда ушбу институтнинг фольклор секторининг раиси бўлиб ишлайди. Н.Жапақовнинг «Қорақалпоқ адабиётида реализмнинг бошланиши ва шаклланиши» деган мавзуда докторлик диссертацияси адабиётимизнинг энг долзарб масалаларнинг бирига қаратилган ва бу масалани у энг биринчи бўлиб тадқиқот қилган. Бу ҳақида академик М.Нурмухамедовнинг маълум қилишича «Муаллифнинг хизмати шундан иборатки, у қорақалпоқ адабиётининг кўп сонли асарларини ўрганган ва илмий ишда бир қатор қимматли фикрлар билдирган. Қорақалпоқ адабиётининг 20-30 йилларидаги ривожланишидаги фольклорнинг роли ҳақида ишончли фикрлар келтирган. Филология фанлари доктори А.Пирназаров «Н.Жапақов қорақалпоқ оғзаки ва ёзма адабиётидаги реализмнинг бой элементларининг бор эканлигини ишончли мисоллар билан исботлаб берди. У Жийен жиров, Кунхожа, Ажинияз, Бердақ, Өтеш, Омар, Сарыбай Гулмурат, Аннакул ва бошқа қорақалпоқ шоирларининг асарларидаги реализмни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилди. Юқоридаги номлари аталган шоирларнинг асарларида реализмнинг метод сифатида шаклланганлигини исботлади [21]»,-деганидек, Н.Жапақов ўзининг илмий ижодиётида миллий адабиётимиздаги реализм методи дастлабки фольклорлик ва классик адабиётимиздаги реалистлик элементларга тўла асарлардан бошланганлигини ёзма манбалар асосида исботлаб беради.

Н.Жапақовнинг илмий материалларни йиғиш хизмати билан нашрга тайёрланган, қорақалпоқ фольклорининг 20 томлигини нашр қилишнинг 10 йилга кечикишининг асосий сабабларидан бири унга ишлатилган харажатнинг ҳукумат томонидан ўз вақтида ажратилмагани сабаб бўлди. Филология фанлари доктори Жалғас Хошниязовнинг таъкидлашича, «Бу масалани

ечишга таваккалчилик қилган олим Наўрыз Жапақов бўлганлигини атаб ўтишимиз лозим ва унга миннатдорчилик билдиришимиз зарур [22]», -деб атаганидек, у Қ.Мақсетов билан биргаликда алоҳида одамларга, юридик шахсларга обрусини, ор-номусини ўртага қуйиб, халқимизнинг эзгу мақсатлари учун хизмат қиладиган маънавий меросларимизга янги ва замонавий ранг берди.

XX-асрнинг 50-80 йиллари оралиғида Қорақалпоғистон илмий кадрларининг етилишида маҳаллий миллат вакиллари орасидан дастлабки фан докторлари, профессорлар ва академикларнинг етилиши даври бўлди.

Атоқли олим, филология фанлари доктори, профессор Қабыл Мақсетов ўз ҳаётини илмга бағишлаб қорақалпоқ фольклоршунослик илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшти. Қ.Мақсетов 1958-йили «Қарақалпоқ қаҳарманлик эпоси - Қырық қыз» деган мавзуда номзодлик, 1966-йили «Қарақалпоқ қаҳарманлик эпосининг поэтикаси» деган мавзуда филология фанлари доктори диссертациясини ҳимоя қилди.

Фольклорист ва адабиётчи олим қорақалпоқ халқининг адабий меросларини йиғиш ва чоб этишда кўп меҳнат қилди. Олимнинг «Қарақалпоқ қаҳарманлик эпоси», «Қырық қыз» (1962), «Қарақалпоқ қаҳарманлик эпосининг поэтикаси» (1965), «Қарақалпоқ фольклорининг эстетикаси» (1971), «Қарақалпоқ жыраў-бақсылари» (1983), «Қарақалпоқ эпоси», «Қурбанбай жыраў репертуарларидағы дэстанлардың көркемлик өзгешеликтери» (1976), «Фольклор ҳэм әдебият» (1975), «Октябрдан туўылган әдебият» (1979), «Қарақалпоқ әдебиятининг туўысқан халықлар әдебияты менен мүнәсийбеттери» (1987), «Қарақалпоқ фольклористикаси» (1989), [23] «Дэстанлар, жыраўлар, бақсылар» (1992)-деган илмий меҳнатлари, шунингдек, университет талабалари учун «Қарақалпоқ фольклори» (А.Тажимуратов билан ҳаммуаллифликта 1979), «Қарақалпоқ халқининг көркем аўызеки дәретиўшилиги» (Р.Мақсетова билан ҳаммуаллифликта 2002) дарслиги нашрдан чиқди. Шу билан бирга фольклорист «Қарақалпоқ фольклори тарийхының очерктери» (1977) -деб номланган китоб муаллифларидан биридир, у 20 томли қорақалпоқ фольклори намуналарини нашрга тайёрлашда шахсан ўзи фаол катнашди ва таҳририятни бошқарди.

Қ.Мақсетов 1985-йилдан умрининг охиригача Қорақалпоқ давлат университетининг профессори бўлиб ишлади.

Қ.Мақсетов «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасига меҳнати синган фан арбоби» (1979, 1973) деб номланган хурматли унвонларга эга. У Қорақалпоғистон Республикаси Бердак номидаги давлат мукофотининг лауреати (1976) унвонларига эга бўлди.

Қ.Мақсетов ўзининг илмий ижодий хизмати давомида 2 илм докторини 16 фан номзодини етиштириб чиқарди. Бугунги кунди Қ.Мақсетовдан мерос бўлиб қолган 15 монография, дарсликлар, хар ҳил соҳадаги 300дан ортик илмий мақолалар [24], маърузалар, тақризлар адабиёт ва фольклор тарихининг, хозирги давр адабиётининг муаммоларини самарали ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Д.С.Насыров 1949-йилнинг август ойида атоқли филолог К.Убайдуллаев билан бирга Москвадаги Н.Я.Марр номидаги тил институтининг (ҳозирги тил билими институти) аспирантурасига ўқишга киради. Институтнинг туркий тиллари секторининг раиси, Педагогика фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Собик Иттифоқ Фанлар Академиясининг муҳбир-аъзоси, профессор Н.К.Дмитриев ва филология фанларининг доктори, профессор Н.А.Баскаков фанга қадам қўйган Д.С.Насыровнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади.

Д.С.Насыровнинг қорақалпоқ тилининг тарихи, диалекталогияси, қорақалпоқ халқининг тарихи, этнографияси ва этнолингвистикаси масалалари бўйича ҳақиқий филолог олим бўлиб етилишида таниқли Иттифоқ олими, Собик Иттифоқ Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси, профессор С.П.Толстовнинг, тарих фанлари доктори, профессор Т.А.Трофимованинг, олимнинг умр йўлдоши, тарих фанлари номзоди Лада Сергеевна Толстованинг катта таъсири бўлди [25] Д.С.Насыров 1954-йили 15-майда Москвадаги Собик Иттифоқ Фанлар Академиясининг тил билими институтининг Илмий Кенгашида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, 1976-йили Тошкент шаҳридаги А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти ёнидаги ихтисослаштирилган илмий кенгашида «Қарақалпоқ улыўма халықлык сөйлеў тилиниң қәлиплесиўи ҳәм оның диалектлик системасы» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди [26]. Шу орқали Собик Иттифоқ Фанлар Академиясининг тил ва адабиёт бўлими ёнидан очилган «Туркология комитети» нинг, «Диалектология ва тил тарихи», «Миллий тилларнинг қонуний ривожланиш йўллари» деб номланган илмий кенгашларга аъзо бўлиб сайланиши Қорақалпоғистон тилшунос олимларнинг халқаро илмий муносабатларининг ўрнатилишига асос солди.

Энг аҳамиятлиси тилшунос олим Д.С.Насыровнинг фидойи ташкиллаштирувчи хизмати билан Қорақалпоқ давлат университети ёнидан 1992-йилдан бошлаб Қорақалпоқ тили ва адабиёти мутахассислиги буйича дастлаб номзодлик, кейин (1993-йилдан бошлаб) докторлик диссертация ҳимояси учун ихтисослаштирилган Кенгаш ташкил этилди [27] Бу ихтисослаштирилган кенгашга дастлаб профессор Д.С.Насыров раислик қилди. Бугунги кунда Д.С.Насыров раҳбарлигида ҳимоя қилган 10дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тил билими буйича бугунги ёшларимизга билим бераётган бўлса, олимнинг қорақалпоқ тил билими буйича ёзилган 150дан ортиқ атамадаги илмий ишлари келажак авлодларимиз учун тил билими дарслиги бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎрР МДА, 837-фонд, 32-руйхат, 3745-йиғма жилд, 41-варақ.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 188 ф. 4опис. 77.5т
3. Зезина М.Р., Кошман Л.В. Шульгин В.С «История рууской культуры». М. Выс.шк. 1990. 370в
4. С.Камалов. «Қарақалпақстанга илим сағасын ашкан алым» Қарақалпақ илимининг туңғыш жулдызы, Қарақалпақстандағы биринши филология илимлерининг докторы, көрнекли алым, жазыяшы, белгили жәмийетлик искер, устаз Н.Дәўқараевтың 100 жыллығына арналған Республикалық илимий-теориялық Конференция материаллары. Нөкис. 2005-ж. 5-бет.
5. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан ХХ-әсирдинг екнши ярымынан ХХІ-әсирге шекем. Нөкис. Қарақалпақстан баспасы, 2003-ж, 290-б.
6. Ш.Уснатдинов. «Ибрайым Юсупов» Роман-эссе. Нөкис. «Билим» баспасы, 2019-жыл. 110-бет
7. Ш.Бабашев. «Н.Дәўқараевтың сиясий репрессияға ушыраўы» Шунда. 72-бет
8. Қаллибек Камалов. «Илимли елге нур жаўар. Нөкис. «Илим». 2010-ж. 36-б
9. Бу хам шунда. 73-бет
10. Қарақалпақ илимининг туңғыш жулдызы. Н.Дәўқараевтың 100 жыллығына арналған Республикалық илимий-теориялық Конференция материаллары. Нөкис. 2005-ж. 18-бет.
11. С.Баҳадырова. Нәжим Дәўқараевтың өмири хәм творчестволық жолы. Қарақалпақ илимининг туңғыш жулдызы. Нөкис. 2005-ж. 20-бет
12. Қ.Камалов. «Халық даналығын қәстерлеп өткен алым». Илимли елге нур жаўар. Нөкис. Илим. 2010-ж.43-бет.
13. Камал Мәмбетов. «Қарақалпақ фольклорының дарғасы» Еркин Қарақалпақстан газетасы. 1998-ж. 30-июнь. №90 (17062)
14. Қ.Байниязов. «Профессор Қаллы Айымбетов илимий-биографик очерк». Нөкис. 2006. 40-б.
15. Камал Мәмбетов. «Қарақалпақ фольклорының дарғасы» Еркин Қарақалпақстан газетасы. 1998-ж. 30-июнь. №90 (17062)
16. Қ.Байниязов. «Таң жулдызлары» (Әжайып адамлар өмири). Нөкис. Қарақалпақстан. 1989-ж. 114-бет.
17. Қ.Айымбетов «Өткен күнлерден елеслер» (Жазыўшы илимпаз Қ.Айымбетовтың 100 жыллығына арнап шығарылған). Нөкис. «Қарақалпақстан». 2008-ж. 3-б.
18. «Қарақалпақстан жаслары» 22-декабрь 1989-ж
19. Қаллибек Камалов. «Илимли елге нур жаўар». Нөкис. Илим. 2010-ж. 45-бет.
20. Т.Мәмбетниязов, З.Мәмбетниязова. «Халқы қәдирлеген инсан» Нөкис. Билим. 2011-ж.11-бет.
21. «Қарақалпақстан жаслары» газетасы 4-январь 1980-ж
22. Ж.Хошниязов. «Профессор Қ.Мақсетовнинг 90-йиллигига «Уйма уй кириб». ЎзРФАҚБ Ахборотномаси. Нукус. Илм. 2019 №255. 159-б
23. Қ Р Жоқарғы кеңеси Архиви фонд-1, опис-16, дело-126, 22 бет
24. Ж.Хошниязов, Қ.Палымбетов, Қ.Мақсетов мактаби (профессор Қ.Мақсетовнинг ҳаёти ва ижодий хизматлари хақида илмий очерк). Нөкис. «Илим» 2019-ж. 20-бет
25. А.Бекбергенов. О.Доспанов. «Тилши илимпаздың творчестволық жолы» Нөкис. «Қарақалпақстан». 1990ж. 10-бет.
26. М.Айымбетов. «Миллий садықлықтын нышаны». (Белгили илимпаз Д.Насыровнинг 90 жыллығына) Еркин Қарақалпақстан газетасы 2017-ж. 4-апрель №41. (19971)
27. Қ Р Жоқарғы кеңеси Архиви фонд-1, опис-16, дело-126, 33 бет

УЎК 93/94

СОБИҚ ИТТИФОҚНИНГ МАФКУРАВИЙ ЧЕКЛАШЛАР ДАВРИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН САНЪАТ АРБОБЛАРИНИНГ ХИЗМАТИ

Ж. Айтмуратова, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада ХХ-асрнинг иккинчи ярмида Собиқ Иттифоқнинг мафкуравий чеклашлар давридаги Қорақалпоғистон санъат арбобларининг хизмати хақида сўз этилади.

Калит сўзлар. Маданият. Мафкура, Санъат, Театр, Саҳна, пьеса, Драматургия, Комедия.

Аннотация: В статье рассматривается деятельность каракалпакских искусств во второй половине XX века в период идеологических ограничений бывшего Советского Союза.

Ключевые слова. Культура. Идеология, Искусство, Театр, Сцена, Пьеса, Драматургия, Комедия.

Resume: In the article the activities of the Karakalpak artists in the second half of the twentieth century during the period of ideological restrictions of the former Soviet Union are told.

Keywords. Culture. Ideology, Art, Theater, Stage, Play, Drama, Comedy.

XX-асрнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон театр ва мусиқа санъати зиёлилари халқимизнинг миллий маданиятини ривожлантириш йўлида мустабид тизимнинг мафкуравий чеклашлари шароитида ўз даврининг мафкураси билан суғорилган сахна асарларини ва образларини яратишга қарамасдан, улар ўз ижодий таланти билан бир умр халқимизга хизмат қилди ва маълум даражада миллий маданиятимиз ва санъатимиз мактабларининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшти. XX-асрнинг 50-йилларида марказ мафкурачилари томонидан ўйлаб топилган ҳаёлий ва ноилмий ақидалар бутун Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда илм-фан ва санъат соҳасининг сиёсийлашган ҳолда ривожланишига асос яратди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардан бошлаб коммунистик мафкура ўзининг халқаро ва ички миқёсдаги барча тарғибот-ташфиқот, оммавий-сиёсий ишлар олиб боровчи улкан механизмни маҳаллий халқ оммаси онгига сингдиришга сафарбар қилди. Масалан, В.К.П. (б) Марказий Қомитасининг 1946-йил «Звезда» ва «Ленинград» журналлари хақида, «Драма театрининг либертуарлари ва уларни яхшилашнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Большая жизнь» кинофильмининг иккинчи серияси тўғрисидаги» [1] Постановление ЦК ВКП(б) 1946-1948гг.: «О журналах «Звезда» и «Ленинград», «О репертуаре драматических театров и мерах по его улучшению», «О кинофильме «Большая жизнь» -қарорлари барча адабиёт, санъат ижодкорлари билан бирқаторда Қорақалпоғистон театри зиёлилари ва драматурглари учун ғоявий-сиёсий, таъриф ва чеклашларни бошлаб берди.

Ушбу қарорлар ҳар бир муаллиф учун уша давр мавзусини ёритиш-қуйлаш, марказ сиёсатига мос келадиган, юксак ғоявий санъат асарларини яратиш, ёшларни коммунистик ғояда тарбияланиши каби мафкуравий чеклашларни белгилаб берди.

Марказдан қабулланган қарорлар асосида 1946-йил 16-апрелдаги ЎзКП Қорақалпоғистон обкомининг бюроси билан Министрлар кенгашининг қарори [2] 50-йиллар ўрталарида Республикамиздаги Давлат театри ва филормониядан ташқари 70 клуб ва маданият уйлари ва 159-та кино установка [3] Республикамиз халқига хизмат кўрсатар эди. Уша вақтдаги К.С.Станиславский номидаги Қорақалпоқ Давлат театри жамиятининг меҳнат таркиби ва молия масаласи камчиликлари билан бирга театр репертуарларининг давр талабига жавоб бера олмайгани танқид қилинди. Ушбу қарорларни раҳбарликка олган ҳолда ёзувчилар ва драматурглар ўз асарларида уша давр ҳаёти, қишлоқ одамлари меҳнати, темир йўл курувчилари тўғрисида асарлар ёза бошлади. Масалан, Ж.Аймурзаевнинг «Айшолпан», «Айгул ҳам Абат», «Эмиўдарья бойында», С.Хожаниязовнинг «Суймегенге сүйкенбе», «Зияда», П.Тлегеновнинг «Биринши гудок» пьесалари театр репертуарларидан ўрин эгаллади.

Ўтган асрнинг 50-йилларининг бошида Қорақалпоқ Давлат театри жамоаси К.Симоновнинг «Рус масаласи» («Русскому вопросу»), В.Лавреновнинг «Америка ҳаўазы» («Голос Америки») пьесалари сахналаштирилди. Бу пьесаларда уруш номини қайтадан тутандирувчи Америка империяликларининг собиқ совет империясига қарши тўхмат ҳаракатлари ошқороланди. 1946-йил апрель ойида ЎзКП (б) МК ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон ҳукумати Қорақалпоғистон ҳукуматининг «Қорақалпоғистон санъатининг ҳолати ва бундан буён ривожлантириш ҳақидаги» мурожатига асосланиб, «Театр жамоасини тўлиқтириш учун кадрлар тайёрлаш мақсадида Нукус шаҳрида театр ва балет студиясини ташкил этишда 350 минг сўм миқдоридан пул ажратишга қарор [4] қабул этилди»

XX-асрнинг 50-йилларидан олдин Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул этилган қарорлар бугунги кунимизга хизмат қилаётган умумхалқ қурилишларни ташкил этиш ва унга Ўзбекистон санъат арбобларининг иштирокига қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 1947-йил 30-августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Чарджаў-Қунғирот темир йўли қурилишларини маданий ва санъат билан таъминлашни молиялаштириш ҳақида» [5] (О финансировании мероприятий по художественному и культурному обслуживанию строителей железной дороги Чарджау-Кунград). Ушбу қарорнинг биринчи пунктида темир йўл курувчиларини санъат бригадаларини ва ансамблларини иш сафарига юборишга доир Республиканиннг санъат ишлари бошқармасига илгари ажратилган 164 минг сўмдан ташқари қўшимча 323 минг сўм маблағ ажратилади.

Ушбу қарор асосида Тамара хонум бошқарган ансамбль, Гавхар Рахимова бошқарган ўзбек давлат мусиқа ва кўшиқ филармонияси, Ўзбекистон халқ артистлари ва хизмат кўрсатган

артистлар, Муқимий номидаги театр ва рассомчилик бригадалари Қорақалпоғистондаги умумхалқ қурилишларига санъат намаёндалари билан хизмат кўрсатди.

50-йилларнинг бошида драматург П.Тилегеновнинг «Биринчи гудок» пьесаси, темир йўл қурувчиларига боғлиқ халқимизнинг меҳнат фаоллигини сўз этувчи асар бўлди. С.Хожаниязовнинг «Жас жүреклер» пьесаси қишлоқ ёшлари ҳаётини акс эттирса, А.Отеповнинг «Тенин тапқан қыз», С.Хожаниязов ва Қ.Айымбетов томонидан қайта ишланган, А.Бегимов ва Т.Алланазаров томонидан маълум шарқ поэмалари мотивида ёзилган мусикали драмалари ва спектакллари театр хизматининг ривожланишида аҳамиятли из қолдирди [6].

Ўтган асрнинг 50-йилларининг бошида Қорақалпоқ Давлат театри репертуарида Н.Даўқараевнинг «Алпамыс», К.Яшиннинг «Афтобхон», С.Хожаниязовнинг «Сўймегенге сўйкенбе», Н.Островскийнинг «Жарлылык айып емес» («Бедность не порог»), К.Яшиннинг «Фарход ва Ширин», Ж.Аймурзаев ва А.Шамуратовнинг «Арал қызы», У.Гаджибековнинг «Аршин мол-олан» пьесасалари [7] театр сахасидан ўрин эгаллади.

Бу йиллардаги театр репертуарларидаги ғоявий, бадиий камчиликларни, хатоларни кўрсатиш ва театрнинг келажак ривожланиш йўналишини белгилашда театрга; Россиядан театр мактабининг режиссёрлик касби билан махсус шуғулланган ажойиб режиссёр Мейерхольднинг йўлини давом этувчи Москвалик режиссёр Коринман, Россияда режиссёрлик курсни махсус турда битирган Козокстонлик режиссёр Г.Омаров, Москвадаги А.В.Луначарский номидаги Давлат театр искусствоси институтининг режиссёрлик факультетини тамомлаган Керим Гасанов, Москвадаги театр искусствоси институтининг режиссёрлик факультетинини битирган И.Асекин, Қорақалпоқ театр студиясини битирган режиссёрлик укуби кучли Балтабай Айманов, Т.Алланазаров, Ю.Шарипов ва Ю.Мамутовлар келиб қушилди. Айниқса, И.Асекин театрнинг бош режиссёри лавозимида ишлаб «Майсаранинг хийласи» («Проделки Майсары»), спектаклини Т.Алланазаров билан ҳамкорликда, студияни битирган актёрларнинг кучи билан [8] ҳақиқий сахна асари даражасида сахналаштирди.

Юқорида номи аталганлардан ташқари Ўзбекистонли режиссёр Зухур Кабулов, Азербайжонли режиссёр Керим Гасанов каби профессионал режиссёрлар: ўзларининг иш тажрибалари билан қорақалпоқ давлат театри жамоасига режиссёрнинг ким эканлигини, унинг ўрнини, амалга оширадиган хизматларини таништириб билди.

Бу режиссёрларнинг ёрдамида Садулла Жуманиёзов, Жиен Машарипов, Абдулла Сапарғалиев, Исок Шодиев ва Гумиров каби маҳаллий режиссёрлар етилишиб чиқди [9]. Қорақалпоқ миллий театрининг сахнасида рус театрининг, театр санъатининг ислохатчиси К.С.Станиславский тизимин жорий қилишга ҳаракат қилган машҳур режиссёр Т.Алланазаров театр сахнасида қуйилган постановкаси ижро этувчи барча актёрлардан сахнадаги ҳар бир ҳаракатни исботлашни, образларнинг характерини чуқур тадқиқ қилишни, хуллас сахнадаги ҳар бир ҳаракатни, интонацияни, детальни, паузани, характеридаги ўзгаришларни, персонажларнинг психологиясидан, ички дунёсидан келиб чиқиб образ ясашни талаб қилди.

1947-1948 йиллари Марказ томонидан маданият ва бадиий санъатни мафқуравий чеклашга қаратилган қарорлар тўлқини 50-йилларнинг биринчи яримида ҳам давом этди. «Алпамыс» достонини, Ажинияз, Бердакнинг асарларини ўрганишни «хавфли», «зарарли» деб топди.

1952 йил 30-майда Ўзбекистон КП (б) МКнинг «Ўзбекистон бадиий санъатини бундан буён ривожлантириш ҳолати ҳақидаги ва Республика санъат арбобларининг вазифалари ҳақидаги қарори» [10] Постановления бюро СККП (б) Узбекистана от 30-мая-1952 года «О состоянии и мерах по дальнейшему развитию узбекского искусства и задачи работников искусства Республики». Театр, мусиқа ва тасвирлаш санъатидаги камчиликларни курсатиб берди. Бу орқали совет тизими учун мос келмаган воқеялардан четлаб утиш вазифаси белгиланди. Яъни, партиявий кўрсатмалар ёзувчи ва режиссёрларга одамларнинг кайфиятини кутарадиган нуқсон ва қийинчиликларни буяб кўрсатиш каби вазифаларни белгилади. Натийжада айрим миллий характердаги сахна асарлар ва спектакллар мафқуравий бадиий даражаси паст деб баҳоланиб театр репертуарларидан олиб ташланди.

Бу ҳолат ушбу йилларда театр сахнасида спектакллар сахналаштиришдан кўра кўпроқ концертлар ташкил қилишга диққат қилинганлигини кўrsa бўлади.

50-йилларнинг биринчи ярмида Қорақалпоқ давлат театри турмушида қуйидаги камчиликлар ўз ечимини кутиб турди.

Биринчидан, театр ўзининг яқка қишги иморатига эга бўлмади. Театр устахонаси (цех) замонавий техник қуроллар ва инвентарлар билан таъминланмади. Бундан ташқари, Нукус шаҳар

электростанциясининг электр билан таъминланишидаги камчиликлари натийжасида театр спектакллари ўз вақтидан кечикиб бошланган.

Иккинчидан, Нукус шаҳар ижро қумитаси театр ходимларини турар жой, турмуш зарурлигига ғамхурлик қилмаслиги, санъатга қадам қуйган ёш мутахассисларнинг квартиралар билан таъминланмаслиги театрнинг ижодий хизматининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Учинчидан, театр штатининг чекланганлиги сабабли бир актёрнинг бирнечта спектаклларда рол ижро қилишига тўғри келди.

Шундай турмуш қийинчиликлари моддий база билан таъминлашнинг пастлиги ва махсус мутахассисликка эга актёрларнинг етишмаслиги сабабли театр жамоасида репертуар режасининг бажарилмаслиги фактлари юз берган. Шундай етишмовчиликлар ва қийинчиликларга қарамадан санъатнинг нонини еган театр жамоаси XX-асрнинг иккинчи ярмида миллий маданиятимиз ҳам санъатимизнинг ривожланишига фидойилик билан хизмат кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлимидаги санъат тарихи ва назарияси бўлимининг илмий ходими ва театр танқидчиси Бектурған Турсинов қорақалпоқ давлат театр хизматининг тарихий ривожланишини театр репертуарларининг мазмунига, актёрлик ижодига профессионал(малакали) режиссёрлик талабларнинг етилишишига баҳо берип илмий манбалар асосида қуйидаги босқичларга бўлиб кўрсатади.

Бу буйича, биринчи босқич, 1926-1930-йиллар, бунда театрнинг «Таң нуры» труппаси Қорақалпоғистон ҳукумати томонидан ҳисобга олиниб Қ.Әўезовнинг «Тилек жолында» спектакли билан очилганлигини, 1930-йили декабрда ҳақиқий давлат театри бўлганлигини РСФСР ҳукумати томонидан махсус қарор орқали тасдиқланганлигини, иккинчи босқичда- 1930 (декабрь) -1941 (июль) бу йилларда театрга Россиядан театр мактабининг режиссёрлик касби билан махсус шуғулланган режиссёрлар ва малакали актёрлар билан тўлишишини атаб кўрсатса, учинчи босқич даври 1941-йил (июль)-1945 (май), яъни иккинчи жаҳон уруши даврида Н.Даўқараевнинг «Алпамыс» (этаплы), К.Симановнинг «Рус адамлары», К.Яшиннинг «Офтобхон» спектаклларининг янгидан сахналаштирилганлигини кўрсатади. Тўртинчи босқич 1946-йил (августдан)-1951 йиллар билан белгилайди [11]. Яъни, бу даврда Марказ сиёсати театр санъатининг ва драматургиясининг олдига янги мафкуравий талаблар қуйгани ўринли атаб кўрсатилади. Театр хизматининг бешинчи босқичи 1952-1956 (декабрь) даври билан белгиланади. Бу йилларда украин классик драматурги И.Франконинг «Урланган бахыт» трагедияси миллий театримизда сахналаштирилади. Театр жамоаси бу драмани постановкачи режиссёр Тореш Алланазаровнинг раҳбарлигида Ўрта Осиё республикалари театр жамоалари орасида биринчи бўлиб сахналаштиради. Бунда постановкачи режиссёр Тореш Алланазаров, бадий томондан беаган расом Б.Каменев, бош ролларни ижро этган А.Сапарғалиев, С.Юсупова ҳамда Р.Сейтовлар ижодий изланишлари натийжасида Ғарбий Украина деҳқонларининг психологиясини, урф-одатларини, сўзлаш манераларини ўрганиб, теран мазмунли бадий асар яратади.

Таржима асарлардан Мольернинг «Тартюф» спектаклида бош ролни ижро қилган Абдулла Сапарғашевнинг ижроси, А.Макаенконинг «Левониha орбитада» («1956-й») спектаклида сахналаштирувчи А.Кабулов пьесанинг асосий комедик белгиларини кучайтади ва теранлаштиради [12]. Бунда Левон ролини талантли ёш актёр Ж.Палымбетов озодлик учун кураш образини теран ақллилик, салмоқлик ва ўзгачалик билан ижро қилди.

XX-асрнинг иккинчи ярмида Қорақалпоқ давлат театри сахнасида доимий жой эгаллаган спектакллардан: С.Мажитовнинг «Бағдагүл», М.Дәрибаевнинг «Көклен батыр», Н.Дәўқараевнинг «Алпамыс», Сапар Хожаниязовнинг «Суймегенге сүйкенбе», Ж.Аймурзаевнинг «Айгүл-Абат», «Бердақ», Асан Бегимов билан Тореш Алланазаровнинг «Ғәрип ашық» мусиқали драма ҳамда комедиялари Тажетдин Сейтжановнинг «Абу Райхон Беруний», Т.Қайыпбергеновнинг «Жумагүл», К.Раҳмановнинг «Келин» номли драма ва комедиялари театр сахнасида узоқ йиллар давомида томошобинлар назаридан жой олган тарихий сахна асарлари бўлди.

XX-асрнинг 50-60 йилларида Қорақалпоқ Давлат театри сахнасида жой эгаллаган таржима асарлардан Уйғуннинг «Алтын көл», А.Каххорнинг «Жаңа жер», «Аўырыў тислер», К.Раҳмановнинг «Жүрек сырлары», қазақ драматурги Ғ.Мусиреповнинг «Қозы көрпеш- Баян сулыў», «Қыз Жипек», украин классиги Иван Франконинг «Урланган бахыт» спектакллари орқали драматургларимиз ва театр жамоаси Республикаимиз халқини қардош халқларнинг адабиёти ва маданияти билан таништирди. Янада таржима драматургия миллий театримизнинг сахна ижодкорларининг ижодий диапазонини кенгайтиришда намаълум образлар яратишда янги

адабий-драмагургия материалларидан кенг фойдаланиб, миллий театримиз сахнасида бадий сифати юқори образлар яратиш имкониятини берди.

Масалан: XX-асрнинг 50-70 йилларида Республикамизга машхур артистларимиздан Тохта Рахмановнинг ижросидаги Баян-сулуў («Қозы Көрпеш-Баян сулуў») спектакли, Жипек («Қыз Жипек») Шахиста («Алтын кел») Зайыт Зариповнинг Жантық («Қозы Көрпеш-Баян сулуў»), Оразгүл Дәўлетованинг Дорина («Тартюф»), Садет Юсупованинг Анна («Урланған бахыт»), Абдулла Сапарғалиевнинг Микола («Урланған бахыт»), Юлдаш Мамутовнинг («Тартюф»), Есен Даулетовнинг Қарабай («Қозы Көрпеш-Баян сулуў»), ролларини ижро қилиши [13] драматурглар, режиссёрлар ва артистларимизнинг ижодий биографиясининг кенгайтишига аҳамиятли таъсир қилди.

50-йилларнинг иккинчи ярмида драматург Сапар Хожаниязов томонидан ёзилган «Сүймегенге сүйкенбе» комедиясида XX-аср бошидаги қорақалпоқ хотин-қизларининг ҳаёти ўз тенгига қушилиш ҳақидаги орзу-армонлари Ғодалақ, Көшкинбай, Төре, Оралбай, Айсанем, Өўез, Гүлсанем образлари орқали қорақалпоқ драматургиясининг ривожланишида аҳамиятли ўрин эгаллади. «Сүймегенге сүйкенбе» комедияси ўзининг ёзилиш маданияти билан бадий хусусиятига эга бўлган асар сифатида 1945-йили ёзилиб биринчи марта қорақалпоқ театрида сахналаштирилди [14]. Бу комедиянинг театр мухлислари томонидан қандай кутиб олинганлиги ҳақида филолог олим И.Сағыйтов ўз мақоласида «Лыққа толған залдағы халық кулкіден аўзын жыя алмады» [15],-деб баҳо беради. Чунки, бу пьеса халқимизнинг дастури ва урф-одатларига мос комедик ҳолатларга тўла қулғули ходисаларга бой теран мазмуни билан томошобинлар қалбидан жой эгаллаган.

Миллий драматургиямизнинг классик асарларидан бири бўлган «Сүймегенге сүйкенбе» мусикали комедияси драматург Сапар Хожаниязов томонидан ёзилиб, композиторлар Жапак бақсы Шамуратов ва Олимжан Халимов, режиссёр Садулла Жуманиязов, художник Борис Каменовларнинг ҳамкорлиги натижасида бу спектакл бадий сифати, тилининг жилвадорлиги, образларнинг салмоғи билан миллий театримизнинг фахрига айланган.

«Сүймегенге сүйкенбе» спектаклида Абдулла Сапарғалиев, Досберген Ранов яратган Ғодалақ, Сабырбай Утепбергенов, Шамурат Отемуратов яратган Шыраз молла, Сулуў Алламураатованинг Гулсанем, Гулхан Ширазийеванинг Айсанем, Йўлдаш Мамутовнинг Өўез, Оразбай Ўмиткуловнинг Төре, Мәдирейм Матжановнинг Оралбай, Халмурат Сапаров ва Рейимбай Сейтовларнинг яратган Көшкинбай образлари [16] театр томошобинларининг ёдида ўчмас из қолдирган.

С.Хожаниязов ва Т.Алланазаровнинг «Бахыт» (1957), Ж.Аймурзаевнинг 1958-йили иккинчи маротаба қайта ишланган «Бердақ», «Айгүл-Абат», М.Қәлиббетов ва Т.Сейтжановларнинг «Қырлы соқпақлар», 1959-йили Т.Сейтжановнинг «Күйгелек көзли яр», 1960-йили Э.Раннет ва С.Григоряннинг «Адасқан ул», Ж.Аймурзаевнинг «Қадрдан доктор», 1961-йили Н.Даўқараевнинг «Алпамыс», 1962-йили С.Хожаниязовнинг «Талўас» комедияси, 1963-йили С.Тажимуратовнинг «Питпей қуўраған портрет» спектакллари сахналаштирилди [17]. Қорақалпоқ Давлат театрининг 1960-1965 йиллардаги сахна ижодиётида 14 катта қўламли, 12 кичик қўламли янги пьесалар ёзилган бўлса, шунинг 11 пьесаси Қорақалпоқ Давлат Театрида, 12 пьесаси Республикамизнинг халқ театрида қуйилган, 130 одамдан иборат театр жамоаси Республикамизнинг орқа туманларида гостролда бўлиб 20000 [18] га яқин томошобинларга хизмат кўрсатган.

1965-1970 йиллар оралиғида маҳаллий мавзуда ёзилган янги пьесаларнинг умумий сони 16 етиб, шунинг 10 пьесаси театрларда қуйилган [19].

1960-1970 йиллар оралиғида комедия жанрига С.Хожаниязовнинг 1962-йили ёзилган «Талўас» комедиясида бош қахрамон Талўаснинг ўз севганига қушилишдаги қайтмас жигари орқали хотин-қизлар тенглигининг амалга ошиши тасвирланади. 1964-йили ёзилган Ж.Аймурзаевнинг «Шеберханнинг шырмаўығы»да парахўр савдогарлар образи берилади. Т.Жумамуратовнинг

1966-йили ёзилган «Қызлар ҳэзили» ва Д.Айтмуратовнинг «Пирқаққан» пьесалари сахналаштирилиб, Қорақалпоқ драматургиясида алоҳида образ ясашда театр жамоасининг талабини қаноатлантиради. Бу комедиядаги асосий масала «Одам ва лавозим» масаласи бўлиб, лавозим орқали инсон психологиясининг ўзгариши тасвирланади.

1969-йил 15-майда «Ўзбекистон КПМКнинг вилоят ва шаҳар театрларининг фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари ва ҳолати тўғрисидаги» қарори (Постановления ЦККП Узбекистана от 15 мая 1969 года «О состоянии и мерах улучшения работы областных и городских

театров») [20] қарори асосида театр жамоаси олдиға социалистлик реализм услубини мустаҳкамлаш мақсадида маълум вазифалар белгиланди.

Ушбу қарор асосида театр жамоаси 1969-1974 йиллар оралиғида 2,5 мингдан ортик спектакллар сахналаштирилди. Масалан, Сапар Хожаниязовнинг «Ақмақ патша», режиссёр Р.Торениязов, К.Яшиннинг «Жол корсетиўши жулдыз», режиссёр Р.Торениязов Маллисон ролида, Т.Жумамуратовнинг «Тикленген туў», Р.Торениязов хон Жунайт ролида, И.Юсуповнинг «Өмирбек лаққы», Асан Бегимов ва Т.Алланазаровнинг «Ғәрип ашық» бунда Н.Аңсатбаев, Абдулла Жузбасы, Ш.Хусаиновнинг «Алдар көсе», Ғ.Абдулов Шораяқ ўзир ролида, С.Хожаниязовнинг «Маманбий», Қ.Абдреймов Ырыскул бий ролида, С.Хожаниязовнинг «Сүймегенге сүйкенбе», С.Жуманиязов Көшкинбай роли, Ч.Айтматовнинг «Ана жер ана», А.Мамбетов Жексенкул, С.Хожаниязовнинг «Галўас», Р.Сейтов Избасқан роли, Г.Абдуловнинг «Жумагүл» Қ.Абдиреймовнинг Зарипбай роли, О.Иоселианининг «Арбақ аударынхорсында», Қ.Абдиреймовнинг Агабо роли, булардан ташқари С.Хожаниязовнинг «Дәўир» достонида-Бердан, К.Рахмановнинг «О дуньяға мират»ида Н.Аңсатбаев томонидан майор, Ж.Аймурзаевнинг «Бердақ» спектаклида Кунхожа образлари қорақалпоқ давлат театрининг тажрибали артистлари томонидан ижро қилиниб томошобинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Масалан, 1972-йили Ч.Айтматовнинг «Ана жер-ана» (Материнское поле) спектакли учун театр жамоаси иттифоқ маданият вазирлиги дипломи билан мукофотланган бўлса, «Жумагүл» спектакли учун театр жамоаси Иттифоқ маданият вазирлиги буйруғи билан 1973-1974 йил театр мавсумининг энг яхши театр спектакли [21] деб тан олинди.

XX-асрнинг 50-йилларида Қорақалпоқ адабиётида драматург сифатида танилган Асан Бегимовнинг (1907-1958), Тореш Алланазаров билан бирга ёзилган «Ғәрип ашық» [22] (1956-ж) мусикали драмасыда Шахсанем ролини Собик Иттифоқ халқ артисткаси Айымхан Шамуратова ижро қилди.

XX-асрнинг 30 йилларидан бошлаб, 70 йиллари оралиғида Қорақалпоқ давлат театри сахнасида қуйилган спектаклларнинг миллий бадиийлик томонидан етилишиб боришида Собик Иттифоқ Халқ артисти Айымхан Шамуратова, Ўзбекистон Республикаси Халқ артистлари Йўлдош Шарипов, Тохта Рахманова, Гулхан Шийразиева, Йўлдош Мамутов, Мадрейм Матжанов, Зайт Зарипов, Абдулла Сапарғалиев, Жапақ Шамуратов, Алымжан Халимов, Сапаргүл Өўезова, Оразгүл Даўлетова, Шамурат Өтемуратов, Соня Қарабаева ва Рейимбай Сейтовлар драма ва комедия образларни яратишда актёрлик маҳорати билан кейинги авлодларға устозлик мактабини яратиб кетди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зезина М.Р., Кошман Л.В., Шульгин В.С. «История русской культуры» М.: Высш.шк 1990. 432-с 371-б
2. Алланазаров Т. Театр ҳам драматургия (2-китоб) Нокис «Қарақалпақстан» баспасы 1982 5-бет
3. Қарақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси Архиви. Р-229 фонд, 3-руйхат, 382-йиғма, 119-варақ.
4. ЎзРМДА, 2087-Фонд, 1-руйхат, 1992-йиғма жилд, 91-варақ.
5. ЎзР МДА, 2087-фонд, 1-руйхат, 222-йиғма жилд, 348-варақ
6. Баяндиёв Т. Қарақалпақскому театру 50-лет. Издательство «Қарпақалпақстан» Нукус. 1976. 25-бет
7. ЎзМ ЎзРМДА, 2087-фонд, 1-руйхат, 266-йиғма жилд, 28-варақ
8. Турсынов Б «Қарақалпақ миллий театрининг баскышлы, раўажланыўлары» \ Ноким хақыйқаты 1996-жыл 18 июн.
9. Алланазаров Т. «Қарақалпақ театрында миллий режиссюранның кәлиплесыўи» 1926-1959 жж Нокис: «Билим» 1996 15-бет.
10. ЎзРМДА 2087-фонд, 1-руйхат, 315 йиғма жилд, 96-варақ.
11. Турсынов Б. Қарақалпақ Миллий театрының баскышлы раўажланыўлары/ «Нөкис хақыйқаты» 1996-жыл, 18-июнь
12. ҚР МДА, 173-фонд, 1-руйхат, 512-йиғма жилд, 2-варақ
13. Бердақ атындағы Қарақалпақ Академиялық музыкалы театрының ис архиви (хәрекеткеттеги архиви) 2019-ж
14. Алланазаров Т. Театр хәм драматургия (II-китап) Нөкис «Қарақалпақстан баспасы 1982-жыл. 20-бет
15. И.Сағыйтов «Сүймегенге сүйкенбе» / Қызыл Қарақалпақстан газетасы 1964-жыл 15-январь №11, 4175
16. Баяндиёв Т, Рейимбай Сейтов (Монография) Нөкис: «Қарақалпақстан», 1992-ж. 53-б.
17. Бердақ номидағы Қорақалпоқ Академик мусикалы театрининг Ж.А (хәрекеттеги архиви) материалларинан. Нөкис 2020 жыл.
18. ҚРМДА, 173-фонд, 1-руйхат, 512-йиғма жилд, 12-варақ.
19. Алланазаров Т. Театр хәм драматургия (2-китап) Нөкис «Қарақалпақстан» баспасы 1982. 107-бет.
20. Қарақалпақстан Республикасы Жуқорғи Кенгеси архиви 1-фонд, 27-руйхат, 116-йиғма жилд, 12-варақ
21. ҚР ЖК архиви 1-фонд, 27-руйхат, 116-йиғма жилд, 12-варақ.
22. Ахметов С. Есенов Ж. Қарақалпақстан Республикасы жазыўшылары. Нөкис. «Билим» 1995. 21-бет

**XX АСРНИНГ 50-70 ЙИЛЛАРИДА ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИЛМ-ФАН
ЗИЁЛИЛАРИ ХИЗМАТИ****Ж. Айтмуратова, Қорақалпоқ Давлат университети, Нукус**

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 50-70 йилларида Қорақалпоғистонда Собиқ Иттифоқнинг гоаявий-сиёсий тазийқлари даврида илм-фан зиёлилари хизмати хақида сўз этилади.

Калим сўзлар: Миллий мафкура, гоаявий тазийқлар, миллатчилик, сиёсат, илм-фан, маданият.

Аннотация. В статье рассматривается служба научной интеллигенции в Каракалпакстане в 50-70-е годы XX века в условиях идеологического и политического давления бывшего Советского Союза.

Ключевые слова: Национальная идеология, идеологическое давление, национализм, политика, наука, культура.

Annotation. The article examines the service of the scientific intelligentsia in Karakalpakstan in the 50s-70s of the XX century under the conditions of the ideological and political pressure of the former Soviet Union.

Keywords: National ideology, ideological pressure, nationalism, politics, science, culture.

XX-асрнинг 50-йилларигача Қорақалпоқ давлат педагогика институтида юкори билимга эга мутахассислар сонининг йилдан-йилга ўсишига қарамасдан Республикамизда олий таълимга кадрлар тайёрлаш қаноатлантирилмади. Масалан, 1946-йили Қорақалпоғистон мактабларида жами бўлиб 2761 гина ўқитувчи ишлаб, улар орасида фақат 30 одам гина олий маълумотга, 475 одам тўлиқ эмас олий маълумотга, 1219 одам ўрта педагогик билимга эга, 1037 одам ўрта маълумотга эга ўқитувчилар эди [1].

1956-1957 ўқув йилида Қорақалпоқ давлат педагогика институтида 6 факультет, 15 кафедра бўлиб, унда 110 профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия ишлари билан шуғулланди. Уларнинг ичида 21 фан номзоди, 5 доцент ёшларга билим сирларини ургатишда сидқидилдан меҳнат қилди [2] 1957-61 йилларда Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг ректори уша вақтда тарих фанлари номзоди, доцент, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Сабыр Камалов бўлди.

XX-асрнинг 50-йилларида Қорақалпоғистонда олий таълим ва илмий кадрлар тайёрлаш масаласида ўз ечимини кутиб тўрган масала собиқ қорақалпоқ давлат педагогика институтини университетга айлантириш ўз ечимини кўтаётган масала бўлди.

Қорақалпоқ давлат педагогика институтини Университетга айлантириш масаласи 1958-йилдан бошлаб, олий ҳукумат органлари олдига масала қилиб куйилган эди [3]. Қорақалпоғистонда пединститут асосида университет очиш масаласи энг дастлаб XVI Қорақалпоғистон вилоят партия конференциясида (11-12 январь, 1958-йил) педагогика институтининг уша вақтдаги ректори, академик Сабыр Камалов томонидан кўтарилган эди.

Университетнинг очилишигача буюк ишларни ташкиллаштиришга бош-қош бўлган, ўша даврдаги Ўзбекистон Республикасининг раҳбари Шароф Рашидов ва Қорақалпоғистон раҳбари Қаллибек Камаловнинг хизматлари катта бўлди.

1966-1967 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон ҳукумати раҳбарлари Педагогика институти базасида университет ташкил этиш ишига раҳбарлик қилди. Ўша даврда Қорақалпоғистондан бошқа барча Собиқ Иттифоқ таркибидаги барча автоном республикаларда университет очилган эди.

Комиссия Қорақалпоғистондаги маданият, фан ва таълимнинг ҳолати билан яқиндан танишди. Бу вақтда Қорақалпоғистон Республикасида 10 фан доктори, профессорлар, 50дан ортик фан номзодлари во доцентлар бор эди. Пединститутда 7 факультет, 27 кафедра, 245 профессор-ўқитувчи хизмат қилди ва талабаларнинг сони 2434га етти. Комиссия пединститутни университетга айлантириш учун моддий-техник база ва кадрлар бор деган хулосага келди. Лекин, физика, биология, химия соҳалари буйича фан докторларининг етишмовчилиги, шунингдек, янгидан ўқув иморатларини қуруш зарур эканлиги таъкидланди [4].

Натижада, 1974-йил, 26-февральда Марказий Комитетнинг Қорақалпоқ давлат педагогика институти базасида «Нукус давлат университетини очиш хақидаги» қарорининг чиқарилишига эришилди. 1974-йил СССР Вазирлар Маҳкамасининг №311 қарори, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1974-йил 7-майдаги №408-буйруғи, Ўзбекистон ҳукуматининг 1974-йил 21-

майдаги 265-қарорлари эълон қилинди. Шунингдек, «Нукус Давлат Университетини ташкил этиш хақида» 1974-йил 14-июнда Қорақалпоғистон ҳукумати раҳбарлари Қ.Камалов ва Е.Айтмуратов қўл қўйган юқоридаги кўрсатмаларга асосланган 9 пункттан иборат қарор қабул қилинди [5].

Юқорида атаб ўтилганидек, 1978-йил 28-июль, 1979-йил 29-декабрь, 1980 йил 30-апрел ва 1981-йил 30 декабр куни Республика ҳукуматининг раиси Қаллибек Камалов раҳбарлигида «Университет ва Республиканинг бошқада илмий маҳкамаларида фан докторларини тайёрлашнинг аҳволи ва перспективалари» масаласи қаралиб, Университет ректори Чаржау Абдировнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг раиси С.Камаловнинг ва Чимбойдаги деҳқончилик илм-тадқиқот институти директори М.Тажетдиновларнинг 1979-1988 йиллар ичида фан докторларини тайёрлаш буйича чора-тадбирлари тасдиқланади ва уларнинг ҳисоботи тингланади. Шундай чора-тадбирлар натижасида 1979-йили Республика буйича 17 номзодлик диссертация ҳимоя қилинади. Шунинг ичида, университетдан 4 одам, Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимидан 6 одам, мол чорвачилиги институти филиалидан 2 одам, шолікорлик институти филиалидан 1 одам, тиббиёт соҳасидан 1 одам илмий даражага эга бўлди. 1980-йили 12 номзодлик диссертация ва университетдан А.Отаровнинг докторлик диссертация ҳимоя қилгани, шунингдек иқтисодиёт фанлари буйича Х.Бабажановнинг, фалсафа фанлари буйича П.Сейтовнинг, қишлоқ хўжалиги фанлари буйича Г.Шамуратовнинг, филология фанлари буйича О.Доспановнинг докторлик илмий ишлари тайёр бўлганлиги эътироф этилади [6].

XX асрнинг иккинчи ярми Қорақалпоғистон олимларининг Халқаро миқёсида танилган даври бўлди. Масалан, қорақалпоқ халқидан етишиб чиққан биринчи академик, таниқли жамоат арбоби Марат Көптілеў ўғли Нурмухаммедов 1953-йили 28-декабрда Москва шаҳрида Собик Иттифоқ Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Илмий Кенгашида «Қорақалпоқ адабиётининг ривожланишида рус адабиётининг таъсири» деган мавзуда 23 ёшида фан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1965-йил 21-декабрда «Қарақалпоқ празасының раўажлануў жоллары» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади [7]. 1966-йил 1-ноябрдан 1974-йил апрель ойигача Ўзбекистон Фанлар Академияси Президиумининг аъзоси, тарих, тил билими ва адабиётшунослик бўлимининг академик котиби 1974-йил 16-мартда Ўзбекистон СССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси (академик) бўлиб сайланади. 1978-йил 23-июндан 1985-йил 1-мартга қадар Ўзбекистон Фанлар Академияси Президиум аъзоси, яна тил били ва адабиётшунослик бўлимининг академик котиби этиб сайланади. 1985-йил 1-мартдан 1986-йил 20-июнь ойигача Қорақалпоқ давлат университетининг ректори бўлиб ишлади [8]. У ўз ҳаётида 400дан ортиқ илмий ишлар яратди. У олимлар ичида биринчи бўлиб Қорақалпоғистон халқи аввал саводсиз бўлган, уларда ёзув-чизув бўлмаган, ёзма адабиётдан олиста тўрган деган фикрга қайчи келадиган қарашни, ўзининг 1968-йили ёзилган, «Қорақалпоқ ёзма адабиётининг пайда бўлиши хақида», - деган мақоласида қорақалпоқларнинг эрта даврлардан ёзма адабиётининг мавжудлигини исботлади ва уни тарғибот қилиши катта янгилик эди.

Марат Көптілеў ўғли Нурмухаммедов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти лавозимида Ўзбекистондаги барча ижтимоий фанларнинг: иқтисодиёт, ҳуқуқ, фалсафа, тарих, археология, тил, адабиёт, тасвирий санъат фанларининг тадқиқотларига раҳбарлик қилди. Шунинг билан бирга, 20га яқин жамоатчилик асосдаги хизматларга жавоб берди. У қорақалпоқ адабиёти буйича 11 фан докторларини, 19 фан номзодларини тайёрлади [9].

Бугунги куни академик М.Нурмухаммедов томонидан ёзиб қолдирилган ҳар бир маълумот миллий маданиятимизни ўрганишда ўз аҳамиятини йўқотмаган муқаддас фикрга айланди. Масалан, олимнинг 1977-йили қорақалпоқ халқининг классик шоири Бердақ бобомизнинг 150 йиллик юбилейига бағишлаб ёзилган. «Бердақ қарақалпоқ халқининг уллы шайыры» [10] (Бердақ – великий поэт каракалпакского народа) илмий ишида Бердақ асарларидаги одамгарчилик ғояларни, юқори инсонийлик фазийлатларни эъзозлаб: «Русларда Пушкин, грузинларда Руставели, ўзбекларда Навойи, туркманларда Мақтумқули, қозоқларда Абай кандай аҳамиятли бўлса, қорақалпоқларга Бердақ ҳам шундай кадрлидир», - деган фикри бугунги куни ҳар бир Бердақшуносларнинг илмий ишларининг бошида эпиграф сифатида ёзилиб қолди. «Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Марат Нурмухаммедов бутун Ўрта Осиёда ўз ижодиёти билан танилган обрўли олим сифатида, илм дунёсида метеор (ёруғ юлдуз) каби учган олим» [11]. Талантли олимнинг илмий-ижодий хизмати Қорақалпоғистон фан ва маданият зиёлилари ёдида ўчмас муҳр бўлиб сақланиб қолди. Қорақалпоғистон Республикасида XX-асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб тарих илмининг пайдо бўлишига ҳисса қўшган дастлабки тарихчи Янгибай Мухамедович Досумов бўлди. У 1939-йили Республикада биринчи бўлиб «Ўрта Осиё

халқларининг таълими тарихи буйича очерклар» (Очерки по истории просвещения народов Средней Азии) мавзусида тарих фанлари номзоди бўлса, 1961-йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Қорақалпоғистонда тарих фанларининг биринчи доктори ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси бўлди [12]. У 40 дан ортиқ илмий ишлар ва 10дан ортиқ монографиялар ёзиб Ўзбекистонга хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини олди. 1957-йили номзодлик, 1963-йили «Қорақалпоқ қахрамонлик эпоси», («Каракалпакский героический эпос») мавзусида филология фанлари буйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, филология фанлари доктори И.Т.Сағыйтов 1966-йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир-аъзоси бўлди [13]. У 1978-йили Қорақалпоғистоннинг Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати бўлди. 1979-йили Ўзбекистонга хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини олди.

Қорақалпоғистонда тарих фанининг ривожланишида 60 йилдан ортиқ илмий-ижодий хизмати билан маълум бўлган, 20дан ортиқ илмий монография, 300дан ортиқ илмий мақолалар, Берлин, Вена, Хелсинки, Лондон, Блимингтон, Измир, Анкара шаҳарларидаги халқаро Конференцияларда ва симпозиумларда ўз маърузаси билан иштирок этган, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1979 йилдан бошлаб) Сабыр Камалов бўлди. У 1953-йили тарих фани буйича номзодлик диссертациясини, 1969-йили «XVIII-XIX асрдаги Қорақалпоқлар» (Каракалпаки в XVIII-XIX вв) мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [14]. С.Камалов 1961-йилдан 1996-йилгача Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Президиумига раҳбарлик қилди. 1974-йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси бўлди. Шу йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини олди. Академик С.Камалов XX-асрнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистонда илмий марказ хизматининг ривожланишида ташкилий ишларни амалга ошириб, «тарихчилар мактаби»нинг яратилишида муносиб ҳисса қўшти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «40 лет Каракалпакскому Госпединститу ». Нукус Каракалпакстан. 1975-ж. 21-бет
2. Қ Р Жоқарғы кеңеси Архиви фонд-1, опис-16, дело-292, 34-47 бетлер
3. С.Камалов. «Уллы адамның илимге дыққаты» Ш.Рашидов хаққында хақыйқатлык. Нөкис. Қарақалпақстан. 1992-ж. 4-бет.
4. Теберик билим даргәйы. Әжинияз атындағы Нөкис Мәмлекетлик педагогикалдык институтына 75-жыл. Нөкис. «қарақалпақстан». 2010. 31-32-бетлер.
5. Қарақалпақстан Республикаси Орайлық Мәмлекетлик Архиви. Фонд 322. Опис-5. Дело-8. 204-206-бетлер
6. Қәллибек Камалов. «Илимли елге нур жаўар». «Ел хызметинде» Нөкис. «Билим». 2018-ж. 371-375-б
7. Қ.Байниязов. Академик Марат Көптілеў улы Нурмухаммедов. (Библиографиялық көрсеткиш) Нөкис. Қарақалпақстан баспасы. 2000-жыл 4-5бет
8. ЎзРМДА фонд№Р-837.рўйхат №41. Йиғма жилд№3297. 67-69 варақ
9. Ж.Базарбаев. «Аққан жулдыз (М.Нурмухаммедовты еслегенде)». Миллий идея-жол көрсүтиўши жулдыз. Нөкис Қарақалпақстан баспасы. 2011-жыл. 187-188-бетлер.
10. М.Нурмухаммедов. «Судьбы народов-судьбы культур» Сборник статей. Т.1982. 114-148-л
11. Қ.Байниязов. Академик Марат Көптілеў улы Нурмухаммедов. (Библиографиялық көрсеткиш) Нөкис. Қарақалпақстан баспасы. 2000-жыл 32-бет
12. Учёные Каракалпакстана. Ташкент. Ўзбекистон. 1996. 7-б
13. Қ.Мақсетов. «Ўлкен алым, қадирдан устаз» Еркин Қарақалпақстан газетасы 1998-ж 19-ноябрь №138 (17110)
14. Сабыр Камалович Камалов. Составитель и автор вступительных статей. А.К.Кошанов. Ташкент. Изд. «Фан» 1984. 9-с

УДК: 94(575.1)

ОСНОВНЫЕ БАНКОВСКИЕ ОПЕРАЦИИ НОВО-УРГЕНЧСКОГО ФИЛИАЛА РУССКО-АЗИАТСКОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА

Б.А. Алимджанов, к.и.н., докторант Института Востоковедения им. Абу Райхана Беруни, Ташкент

Аннотация. В статье, на основе материалов Российского государственного исторического архива (РГИА) подробно рассмотрено функционирование Ново-Ургенчского филиала Русско-Азиатского коммерческого банка. Уникальность этого филиала одного из крупнейших русских банков в том, что он был единственным кредитно-финансовым учреждением, развивавшим свою деятельность по всему Хивинскому оазису, включая территории, подконтрольные хивинскому хану. Клиентами и партнерами Ново-Ургенчского

филиала банка становились как представители местной политической и экономической элиты, так и предприниматели из центральной России.

Ключевые слова: Ургенч, Русско-Азиатский банк, Хивинский оазис, торговля, Российская империя.

Annotatsiya. Rossiya davlat tarixiy arxivi (RDTA) materiallariga asoslangan maqolada Rossiya-Osiyo tijorat bankining Novo-Urganch filiali faoliyati to'g'risida batafsil ma'lumot berilgan. Rossiyaning eng yirik banklaridan birining ushbu filialining o'ziga xosligi shundaki, u Xiva vohasi bo'ylab, shu jumladan Xiva xoni nazorati ostidagi hududlarni rivojlantirgan yagona kredit-moliya instituti bo'lgan. Ikkala mahalliy siyosiy va iqtisodiy elitaning vakillari va Rossiyaning markaziy tadbirkorlari Bankning Novo-Urganch filialining mijozlari va sheriklari bo'lishdi.

Kalit so'zlar: Urganch, Rossiya-Osiyo banki, Xiva vohasi, savdo, Rossiya imperiyasi.

Abstract. The article, based on materials from the Russian State Historical Archives (RSHA), provides a detailed overview of the functioning of the Novo-Urgench branch of the Russian-Asian Commercial Bank. The uniqueness of this branch of one of the largest Russian banks is that it was the only financial institution that developed its activities throughout the Khiva oasis, including the territories controlled by the Khiva Khan. Both representatives of the local political and economic elite and entrepreneurs from central Russia became clients and partners of the Bank's Novo-Urgench branch.

Keywords: Urgench, Russian-Asian Bank, Khiva oasis, trade, Russian Empire.

История банков и банковского дела в Туркестане и ханствах фактически не изучены, и страдают фрагментарностью и освещены в свете концепции «монополистического капитализма». В основном фрагментарно изучено учеными деятельность Госбанка, Русско-Азиатского и Волжско-Камского банков [Беляев, 1995; Петров, 2005; Саломатина, 2016; Яго, 2012; Crisp, 1974; Quested, 1977]. Один из крупных исследователей советского периода А.С. Садыков считал, что «деятельность финансового капитала не изменила в корне характера товаро-денежных и кредитных связей, существовавших в Хиве в прежнее время, а лишь создала известную иерархию в подчинении банковскому капиталу почти всех производителей (через посредников)» [Садыков, 1965, с. 153]. Архивные данные свидетельствуют, что никакую «иерархию» банковская система не создала в Хивинском ханстве.

Ново-Ургенчское отделение Русско-Азиатского банка было основано в 1909 г. Первым директором банка был назначен В.Я. Комаровский (он был директором банка с 1909 по 1911 гг.), бывший служащий фирмы братьев Познанских [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 475. Л. 85–90]. Начальный капитал (вступительный баланс) к 01.01.1910 г. составлял примерно из 4.100 тыс.р., а к 01.01.1917 г. вступительный баланс составил 3.622.561 р. 03 к. [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 210–212]. В 1911 г. Главное Управление Русско-Азиатского банка определило постоянный капитал Ново-Ургенчскому филиалу в 1 млн.р. «Мы находим, писала дирекция банка в Санкт-Петербург, что назначенного вами нашему отделению в постоянный капитал одного миллиона рублей должно быть далеко недостаточно. Не считая капитала, вложенного в люцерну, означенная сумма потребуется нам лишь для основных наших функций. В постоянный капитал 1 млн.р. и дополнительный капитал 1 млн.р.». Банк предоставил своему филиалу 800 тыс.р., но и эти деньги оказались недостаточными. «Мы считаем, писал директор И.И. Фрюлинг (был директором банка в 1911-1916 гг.), возможным возобновление прошлогоднего нашего условия с гг. Мадьяровым и Баккаловыми (они входили в окружение хивинского хана, и даже ездили в Петербург с ханом), в случае осуществления идеи синдицирования Хивинского рынка экспортерами люцерны. А в этом последнем случае нам потребуется капитал не менее полумиллиона рублей» [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 239–241]. В 1911 г. банк попытался монополизировать хивинский рынок, но объединение фирм под руководством банка провалилась. Основная причина провала синдицирования, по мнению Фрюлинга, были высокие цены на люцерну в Хиве и ожидаемый хороший урожай во Франции» [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 248–249].

Основными активными операциями банка считались учет векселей, вексельные кредиты и срочные ссуды. Для учета векселей был создан Учетный комитет, куда в 1911 г. был приглашен представитель интересов группы персидских торговцев и промышленников, господин Хаджи Ага Алиев, доверенный Торгового Дома бр. Ризаевых [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 42]. Вексельная операция не достигла того желаемого уровня, который был развит в хлопководческих районах Ферганской области Туркестанского генерал-губернаторства. «Вексельный учет, писал директор банка В.Я. Комаровский, дает цифры весьма незначительные и неустойчивые. В этом направлении работа оказывается слабой, и развиваться не может, чему причиной служит характер местной

промышленности и слабое развитие вексельных отношений в местном населении, прибегающем, в силу требований шариата, к совершению *казихатов*, каковые к учету не принимаются» [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 85–90].

Таблица № 1.

Активные операции (вексельные) Ново-Ургенчского отделения Русско-Азиатского банка

Годы	Общий оборот	Учено векселей	Получено процентов от учета векселей
1910	61.011.475 р. 49 к.	272.592 р. 60 к.	11.076 р. 55 к.
1911	91.008.142 р. 24 к.	684.835 р. 55 к.	19.506 р. 65 к.
1912	98.327.924 р. 86 к.	902.579 р. 01 к.	40.875 р. 26 к.
1913	92.189.804 р. 58 к.	793.981 р. 85 к.	38.773 р. 51 к.
1914	86.981.251 р. 44 к.	638.764 р. 58 к.	29.161 р. 94 к.
1915	156.115.323 р. 34 к.	327.976 р. 18 к.	19.277 р. 03 к.
1916	211.994.574 р. 50 к.	127.450 р.	6.410 р. 98 к.
1917	418.754.157 р. 58 к.	92.300 р.	2.889 р. 93 к.

Рассчитано по: [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474. Л. 2, 16 об., 18, 35 об., 37, 62 об., 64, 82 об., 84, 107 об., 109, 131 об., 133, 158 об., 160].

Из таблицы № 1 видно, что учет векселей достиг своего пика в 1912 и 1913 гг. и вскоре начал сокращаться из-за плохого состояния вексельного портфеля банка. С 1911 г. банк по приказу Правления начал принимать на учет соло-векселя, хотя эту операцию не одобрял И. Фрюлинг, который писал в письме, что «на большой тормоз успешного набора консигнационного хлопка, на обязательное требование от клиентуры соло-векселей при выдаче ссуд под транспортные документы. Эта формальность буквально отгоняет от нас клиентов из числа хивинцев, которые привыкли обходиться без этого у Стукена и Торгопро (Московское Торгово-Промышленное Т-во)» [РГИА Ф. 630. Оп. 1. Д. 476. Л. 103–106, 108–109]. С 1913 г. эта операция получила развитие у банка:

Таблица № 2.

Учет соло-векселей

Годы	Учено	Получено процентов
1913	135.500 р.	4.004 р. 05 к.
1914	11 тыс.р.	188 р. 37 к.
1915	5.500 р.	230 р. 31 к.
1916	–	–
1917	–	–

Рассчитано по: [РГИА. Ф. 630. Оп. 1. Д. 474 (Отчеты Ново-Ургенчского отделения банка за 1910-1917 гг.). Л. 64, 84, 109].

Осенью 1911 г. банк поднял процентные ставки по всем товарным и вексельным операциям до 10% годовых. Это повышение было сделано, чтобы «освободиться от мелкой и неинтересной клиентуры, и главным образом достигаем этого тем, что отказываем в принятии к учету векселей таких лиц» [РГИА Ф. 630. Оп. 1. Д. 476. Л. 26–27].

С 1914 г. банк начал открывать онкольные кредиты под залог ценных бумаг, которые достигли к 1916 г. почти 167 тыс.р., но уже этот показатель упал в 1917 г. Непрерывно росли онкольные кредиты под залог товаров и железнодорожных коносаментов, которое объясняется ростом стабильного экспорта в Европейскую Россию и Западную Европу. Нужно отметить, что во время Первой мировой войны онкольные кредиты под векселя сокращались, кредиты же под залог товаров показывали рост, что было связано со спекуляцией на рынке и инфляцией. К маю 1916 г. товарные операции банка составляли 690 тыс.р., которые распределялись следующим образом: под хлопок – 498 тыс.р. или 72%, под чай - 116 тыс.р. или 17 %, под люцерну – 34 тыс.р. или 5%, под сахар, мануфактуру и проч. – 42 тыс.р. или 6% [РГИА Ф. 630. Оп. 1. Д. 480. Л. 9 об.–10 об.].

Срочные ссуды выдавались банками в основном под залог товаров и товарных документов. Ссуды выдавались из 80% от стоимости товара, а задатки обеспечивались наличными векселями клиента. Ссуды в основном выдавались под хлопок, люцерну и чай. Уменьшение срочных ссуд под залог товаров в 1913 и 1914 гг. объясняется ситуацией в бирже и разорением купцов. Например, в 1913 г. разорился один самых крупных торговцев чаем Торговый Дом братьев Ризаевых. В результате пострадали два филиала Русско-Азиатского банка – Самаркандский и Ново-Ургенчский. В результате соглашения между банком и фирмой, платеж по вексельному долгу был рассрочен на 6 лет, в обеспечение этого долга была взята закладная на недвижимое имущество фирмы стоимостью в 200 тыс.р. Несмотря на все усилия, братья Ризаевы не смогли погасить свою задолженность банку. К 01.07.1917 г. сумма долга Ризаевых составляя 144.372 р. 46

к. (онколь под векселя) и 105.436 р. 43 к. (онколь под документы на товары) [РГИА Ф. 630. Оп. 1. Д. 477. Л. 42].

Ново-Ургенчское отделение Русско-Азиатского банка пытался контролировать местный экспорт в сотрудничестве с хивинскими купцами. Как видно из отчетов, банк смог взять под контроль экспорт хлопка только на 20%, а люцерны на короткое время на 40-45% всего урожая. Банк в основном финансировал торговые операции Баккаловых, Мадьярова, Мануилова и братьев Ризаевых.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Беляев С.Г. Русско-французские банковские группы в период экономического подъема 1909–1914 гг. СПб.: eN-PI, 1995.
2. Петров Ю.А. Алексей Путилов и Русско-Азиатский банк // Вестник Банка России. 2005. №13. С. 46–49.
3. Российский государственный исторический архив (РГИА). Ф. 630. Оп. 1. Д. 474, 475, 476, 477, 480.
4. Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX – начале XX вв. Т.: Изд. Наука УзССР, 1965.
5. Саломатина С.А., Френкель О.И. Региональное развитие российских акционерных коммерческих банков во второй половине XIX в.: статистика и геоинформационные технологии // Электронный научно-образовательный журнал. История. 2016. Т. 7. № 7 (51).
6. Яго К. Русско-Китайский банк в 1896–1910 гг.: международный финансовый посредник в России и Азии // Экономическая история. Ежегодник. 2011/2012. С. 293–314.
7. Crisp O. The Russo-Chinese Bank: An Episode in Franco-Russian Relation // The Slavonic and East European Review. Vol. 52. 1974. P. 197–212.
8. Qusted R. The Russo-Chinese Bank a Multinational Financial Base of Tsarism in China. Birmingham, 1977.

УЎК 931.3(376.8)

ЧИНГИЗИЙЛАР ДАВРИДА ТУРКИСТОНДАГИ САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ ВА БУНДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ (1227-1370 йй.)

Г.М.Ачилова, PhD, катта илмий ходим, ЎзР ФА Тарих институти, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада 1227 йилда Туркистон ҳудудларида ташкил топган Чигатой улуси иқтисодий ҳаётининг асосий бўлаги бўлган савдо муносабатлари масаласи ёритилади. XIII аср ўрталарига келиб, Чигатой улуси таркибига кирган ҳудудлардаги ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларининг аҳамияти очиб берилади.

Калим сўзлар: Буюк Ипак йўли, савдо-сотик, иқтисодий муносабатлар, савдо карвонлари, карвонсарой, алоқа йўллари.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о торговых отношениях, которые сложилось в 1227 году на территории Туркестана и составляла важную часть экономической жизни Чагатайского улуса. Также, статья раскрывает значение внешнеторговых и экономических связей в регионах в середине XIII века который входившихся в состав Чагатайского улуса.

Ключевые слова: Великий шелковый путь, торговля, экономические отношения, торговые караваны, караван-сарай, пути сообщения.

Abstract. This article illuminates the issue of trade relations that was formed in 1227 in the Turkestan and was a major part of the economic life of the Chagatai Ulus. Besides that, the paper shows the importance of foreign trade and economic relations in the regions that were part of the Chagatai Ulus in the middle of the 13th century.

Key words: The Great Silk Road, trade, economic relations, trade caravans, caravan palace, communication routes.

Кириш. XIII асрнинг бошларида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида Чингизхон (1206-1227) бошчилигидаги кўчманчи мўғуллар давлати ташкил топган. Улар қатъий тартибдаги кучли кўшинига таяниб, дастлаб Хитой, кейин Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Кавказ ва Шарқий Европани бўйсундирган. Эгалланган ҳудудларда мўғулларнинг янги давлат тузилмалари вужудга келтирилиб, бошқарув тартиби жорий қилинган. Янги тузумнинг ўрнатилиши Марказий Осиё ҳудудларида, жумладан, Мовароуннаҳрда сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлган. 1221-1360 йилларда Мовароуннаҳр иқтисодий ҳаётини сиёсий воқеалар таъсирида жуда катта ўзгаришларга учраган давр деб айтиш мумкин. Ушбу даврга оид манбалардаги сиёсий вазият акс эттирилган маълумотларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир

махаллий хужжатлар билан таққослаш орқали содир бўлган ўзгаришларни кўрсатиб бериш Мовароуннахрдаги умумий ҳолатни баҳолашда ёрдам беради.

Мўғуллар босқини содир бўлган 1219-1221 йиллар Мовароуннахр иқтисодий ҳаётининг издан чиқиб, бутунлай таназзулга учраган дастлабки даври ҳисобланади. Лекин, савдо муносабатларининг давлат ва жамият ҳаётида ҳамда ташқи сиёсатда муҳим ўрин тутишини яхши англаган мўғул хонлари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан бу масалага алоҳида эътибор қаратган. Чунки мўғуллар босқинига қадар Мовароуннахр шаҳарлари карвон савдосида фаол бўлиб, улар Шарқнинг машҳур савдо марказлари ҳисобланган.

Асосий қисм. Мўғул империясининг асосчиси Чингизхон давридаёқ савдо муносабатларига алоҳида эътибор қаратиб, мусулмон савдогарларига ҳомийлик қилган. Жувайний асарида келтирилган маълумотига кўра, Ўқтой ҳам отаси йўлидан бориб, савдо иши билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир шахсга катта миқдордаги маблағларни ажратган[1]. Бундан ташқари, савдогарлар XIII асрнинг 60- йилларига қадар ҳокон ёрлиғидан кўчирма олиб, мўғуллар бошқарувидаги ҳудудлар бўйлаб эркин фаолият юритишган. Карвон савдоси йирик карвонсаройларда ташкил қилинган ва у ердаги қатнашувчилар нафақат тажрибали савдогарлар, балки хонларнинг ўзлари ҳам бўлишган[2]. Улар савдогарларни пул билан таъминлаб, карвонларнинг жўнаши учун керакли маҳсулотларни етказиб беришган. Рашидиддиннинг келтиришича, Ўқтой ўз хузурига келган бир савдогарга савдо фаолиятини олиб бориши учун 200 олтин болиш (60000 динар) миқдордаги (бу давр учун катта маблағ ҳисобланган) пулни пай тариқасида берган[3]. Бундан ташқари, қайси юртдан савдогар моли билан келса, уни айтган нархидан қимматроққа сотиб олиб, шу орқали унинг савдосини ривожлантиришга ҳаракат қилган[4]. Бу эса нафақат улусларни бошқарувчи хонлар, балки ҳоконнинг ҳам савдо ишларига алоҳида эътибор қаратиб, уни ривожлантиришга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Шунингдек, XIII аср ўрталаридан бошлаб, улуслар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтириш мақсадида ҳаракатланиш тўхтаб қолган карвон йўллари фаолияти изга солинган. Ўқтой ҳокон томонидан бир кунлик йўл масофасида барпо этилган махсус бекатлар – ёмларда почта алоқаларини олиб боришдан ташқари, савдогарлар учун ҳам шароит яратилган. В.В. Бартольд бу махсус бекатлар масаласи 1235 йилги қурултойда кўтарилганлигини алоҳида таъкидлаган[5].

XIII аср ўрталарига келиб, Чиғатой улуси таркибига кирган ҳудудлар Чингизхон асос солган йирик салтанатнинг ташқи савдо, иқтисодий-маданий алоқалари ва элчилик муносабатларида катта ўрин тутган. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлган. Хусусан, Ўқтой, Гуюк, Мунка ҳоконлар даврида салтанат пойтахти бўлган Қорақурумни ҳамда Хубилайдан бошлаб марказ саналган Хонбалиқ (ҳозирги Пекин) шаҳрини Олтин Ўрда, Хулагулар давлати билан боғловчи муҳим савдо-алоқа йўллари империянинг марказида жойлашган Чиғатой улуси ҳудуди орқали ўтганлигида эди. Бу ҳақда XIII-XIV асрларга оид сайёҳлик асарларида аниқ маълумотлар берилган. Улардан дастлабкиси XIII асрда Европадан Осиёга саёҳат қилиб, ўзининг сафар ҳисоботларида Буюк Ипак йўли йўналишлари ва унда жойлашган шаҳарлар ҳақида ёзган муаллиф Марко Поло ҳисобланади. Унинг маълумотидан англашиладики, Европани Хитой билан боғловчи йўлнинг маркази Мовароуннахр орқали ўтганлиги бу ҳудуднинг халқаро алоқада муҳим ўрин тутганлиги билан боғлиқ эди[6]. Марко Поло асарида амакиси ва отасининг Мовароуннахр шаҳарлари ҳақида берган маълумотларига таяниб, Бухоро ва Самарқандга таъриф берган. Поллар Марказий Осиё бўйлаб қилган саёҳатлари натижасида Мовароуннахр шаҳарларининг ташқи савдодаги ўрнини бир қадар батафсил тавсифлаб беришган. Яъни бу даврга келиб савдо йўлларининг хавфсизлиги анча таъминланган, маълум бир масофалар оралиғида савдогарларнинг дам олишлари учун шароитлар яратилган. Марко Поло эса асосан, Хоразм ва унинг маркази Урганчда яшаганлиги туфайли, бу шаҳар ҳақида қимматли маълумотларни келтирган.

Саёҳат кундаликлари ва расмий хужжатларга асосланиб, Чиғатой улуси ички ва ташқи савдосида Хоразм, Самарқанд ва Бухоро каби марказий шаҳарлар алоҳида ўринга эга бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Жумладан, Бухоро карвонсаройларида кўплаб ҳинд, хитой, мўғул, турк ва бошқа этносларга мансуб савдогарлар истиқомат қилган. Улар ўз давлатларининг Мовароуннахр билан савдо муносабатларида фаол иштирок этган. Ушбу маълумот чингизийлар давридаги оғир иқтисодий ва сиёсий вазиятга қарамасдан бу шаҳарларга Ҳиндистон, Эрон, Кичик Осиё, Волгабўйи, Рус, Сибирь ва бошқа Узоқ шарқ мамлакатларидан савдогарлар келиб турганлигини кўрсатади[7]. Самарқанд атрофидаги хунармандлар ўз маҳсулотларининг бир қисмини шаҳарликлар ва атроф қишлоқлардаги аҳолининг эҳтиёжларини қоплаш учун ишлаб чиқарган бўлса, яна бир қисмини даштларда яшовчи кўчманчи аҳолига сотиш учун мўлжаллаб тайёрлаган. Бундай фаолият тури хунармандчилик ишлаб чиқариши ва у туфайли ички савдони

ривожлантиришга ёрдам берган. М.Биранинг маълумотига кўра, ушбу шаҳарлардан кўшни давлатларга худди мўғуллар ҳукмронлигигача бўлгани сингари, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мевалар, буғдой, арпа), ҳайвонлар (отлардан туяларгача ва баъзи ёввойи ҳайвонлар, жумладан йўлбарс, қоплон қабилар), мўйна, зеб-зийнат буюмлари, доривор ўсимликлар, ипак ва вино олиб кетилган. Бу даврда Самарқанд ва Бухорога нисбатан Хоразмнинг ташқи савдодаги роли юқори эди. Бунинг сабабини XII асрдан XIII аср бошларигача Хоразмнинг улкан салтанат маркази бўлганлиги ва бошқа давлатлардан келган қарвонларнинг асосан ушбу ҳудудда тўхтаб ўтганлигида деб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Чингизхон томонидан ўғиллари Жўжи ва Чигатой ўртасида тақсимланган Хоразм ҳудудининг Олтин Ўрда таркибига кирган қисми иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, турли мамлакатларда савдо маркази сифатида машҳур бўлган[8]. Чунки, Жўжи авлодлари томонидан барпо этилган давлат сиёсий жиҳатдан марказлашган бўлиб, бу ерда ягона бошқарув аппарати шакллантирилган. Жўжи улуси хонларининг давлатни идора қилишда ўз позициялари бўлиб, улар Хоразмнинг географик ўрнидан унумли фойдаланишган[9]. Улар бу ҳудудда савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган. Чигатой улусида эса сиёсий парокандаликнинг тугатилиб, ягона ҳокимият бошқаруви йўлга қўйилмаганлиги жанубий Хоразм шаҳарларининг савдо муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Фақатгина жанубий Хоразмнинг маркази Кат шаҳри бу пайтга келиб савдо муносабатларида ўзининг олдинги мавқеини нисбатан тиклаб, Мовароуннахрнинг Олтин Ўрда шаҳарлари билан савдосида алоҳида аҳамиятга эга бўлган[10]. Жўжи улуси таркибига кирган Урганч эса халқаро савдода Волгабўйи, Дашти Қипчоқ ва Шарқий Европа мамлакатларини боғловчи асосий кўприк вазифасини ўтаган. Шу билан бирга, шаҳар Чигатой улуси ва Олтин Ўрдада ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулотлар тўпланиб, товар айирбошланадиган савдо маркази сифатида ривожланган. Шаҳарлар ўртасида савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш ва бир тизимга солиш мақсадида пул ислоҳатлари ҳам ўтказилган. Жумладан, Хубилайхон Хитойнинг бошқа давлатлар билан савдосини ривожлантириш мақсадида металл пуллар ўрнига қоғоз пулларни муомалага киритган[11]. Амалдорларнинг ҳаракати билан қисқа вақт ичида янги пулларнинг қадри оширилиб, уларга бўлган талаб ҳам кўпайган. Хоразмда савдо йўллари назорати асосан мусулмон савдогарлар бўлган хоразмликлар ва форслар қўлида эди. Улар ширкат шаклидаги уюшмалар ташкил қилган. Бу уюшмалар асосан, йўللари ва товар айирбошлаш жараёнини бошқариб турган[12].

Флоренция савдо марказининг агенти Франческо Бальдуччи Пегалотти Хоразмнинг XIII-XIV асрлардаги халқаро савдоси ҳақида маълумот бериб: “Кимда-ким Шарққа маҳсулот билан жўнатишган бўлса, [авваламбор] Урганчга келган ва бу ердаги қизгин савдога қўшилган. Бу пайтда савдо учун Осиёнинг ичкарасига киришдан фойда йўқ эди. Чунки Хоразмнинг ўзидан Европа бозорларида талаб кўп бўлган ва зарур барча маҳсулотларни, жумладан, Хитой молларини ҳам сотиб олиш мумкин”, дея таъкидлаган[13]. Хоразм савдогарлари Ҳиндистон ва Хитой билан ҳам қизгин савдо алоқаларини олиб борган. Бунга Ибн Баттутанинг: “Хоразм қовунлари Ҳиндистон ва Хитой бозорларигача етказиб берилган” деган жумласини мисол сифатида келтириш мумкин[14].

Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида халқаро савдо доирасида бошқа ўртаосиёлик савдогарлар қаторида хоразмликлар ҳам Ғарбий Европа давлатлари билан ҳам савдо қилиш имконига эга бўлишган. Савдодан даромад олиш, шунингдек, диний тарғиботларини олиб бориш истаги Ғарбий Европа савдогарлари ва миссионерларини Марказий Осиё мамлакатларига келишга ундаган[15]. Улар Мовароуннахр, Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудларигача етиб бориб, у ерлардаги қишлоқлар яқинидан ёки пойтахт шаҳарлар атрофидан бошпана топишган. Европаликларнинг шундай манзилларидан бири Урганч яқинида барпо қилинган[16].

Бу давр ташқи савдо алоқаларида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Чингизхоннинг босқинчилик юришлари натижасида ушбу йўл бўйлаб жойлашган йирик савдо марказлари вайрон этилиб, иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бўлса-да, савдогарлар фаолияти тўхтаб қолмаган. Шунингдек, Чингизхоннинг ворислари ҳукмронлик қилган пайтда Буюк Ипак йўли тармоқларида айрим ижобий ўзгаришлар бўлганлигини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Пекин (Хонбалик) шаҳри пойтахт мақомини олган даврдан бошлаб, Буюк Ипак йўлининг бошланиш нуқтаси аввалги марказидан анча шарққа, яъни денгиз соҳилига яқин жойга сурилган[17]. Бу эса савдогарларнинг денгиз орқали савдо қилиш имкониятларини кенгайтирган. Натижада ягона бошқарув асосидаги савдо йўллари тизими шаклланиб, уларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мазкур ишларни амалга ошириш борасидаги дастлабки қарор 1235 йилги умуммўғул қурултойида қабул қилинган[18]. XIII асрнинг ўрталарида Буюк Ипак йўли фаолиятига ижобий таъсир қилган яна бир жиҳат Чигатой улуси

хукмдорлари савдо йўлларида карвонсаройлар куриш, сафарда чарчаган от ва туяларни алмаштириш, карвонларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш, синган араваларни тузатиш ёки алмаштириш ишларини йўлга қўйишган[19]. Бу эса карвон йўллари ўтган худудда аҳолининг кўпайиши ва уларнинг иш билан таъминланиб, маълум маънода даромад манбаига эга бўлишига олиб келган. Бундан ташқари, улус бошлиқлари иқтисодий ҳаётни изга солиш мақсадида савдо ишлари билан шуғулланувчилар сонининг кўпайишига ҳам имконият бера бошлаганлар. Шу мақсадда улар савдогарлардан олинадиган солиқ миқдорини пасайтиришган[20]. Бу эса бир томондан халқаро савдо алоқаларининг ривожланишига, иккинчи томондан, солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши ҳисобига хазинага тушадиган фойданинг ошишига олиб келган.

Чингизхоннинг мулк тақсимотидан келиб чиқиб, Чигатой улуси хукмдорлари ўзларига қарашли худудлардан ўтган Буюк Ипак йўлининг марказий қисмларини, Жўжи улуси хонлари эса шимолий йўналишини назорат қилган. Умуман олганда, Чингизхоннинг Хитой, Марказий Осиё ва Дашти Қипчокни кўлга киритиши турк-мўғул зодагонларига Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имконини берган. Сарик денгиздан то Дунай этакларигача бўлган Евросиёдаги улкан худудни эгаллаган мўғуллар асосий эътиборни Қоракурумдан Марказий Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Хоразмдаги чўллар орқали Волга этакларидаги Олтин Ўрданинг пойтахт шаҳарлари Сарой Берка ва Сарой ал-Жадид орқали Европага борадиган йўлга қаратишган. Айнан мана шу йўлдан XIII–XIV асрларнинг иккинчи ярмида маданий қадриятларнинг жадал алмашинуви, савдо битимлари ва дипломатик элчилик ҳаракатлари амалга ошган[21].

Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқларида қизгин ҳаракат йўлга қўйилиши билан бирга, Марказий Осиё худуди орқали ўтган айрим йўналишлар XIII асрнинг биринчи ярмида савдо карвонлари учун деярли фаолиятсиз бўлган. Бу йўллардан кўпроқ ҳарбий-сиёсий мақсадларда ва элчилик алоқаларида фойдаланилган. Чигатой улусида XIII асрнинг 60-70-йилларига келиб шаҳар ҳаёти, иқтисодий тиклаш ва хўжаликни ривожлантириш борасида содир бўлган ўзгаришлар бевосита савдо йўлларининг бу тармоғини ҳам ҳаракатга келтирган. Ушбу ўзгаришларда Маъсудбек томонидан ўтказилган пул ислоҳати, солиқларнинг тартибга солиниши, ички ва ташқи савдо алоқаларни тиклашга хизмат қилган бошқа тадбирлар катта ўрин тутган. Ўтказилган тадбирлар натижасида XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Буюк Ипак йўлининг Мовароуннаҳрдан ўтган тармоқларида ҳам минтақаларо транзит йўли сифатида ҳаракат тикланган. Мазкур йўлларда назорат кўп ҳолларда хоннинг ўзи томонидан олиб борилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўқтой ва Мунка хоқонлар бошқаруви даврида улуслар иқтисодий аҳолини яхшилаш учун савдо-сотикни йўлга қўйиш ва шаҳарлар ҳаётини тиклаш ҳақида ҳам фармонлар чиқарилган. Бирок, уларнинг хукмронлигидан сўнг бу фармонларга амал қилиш ва ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмаган. Мовароуннаҳрда иқтисодий вазиятни яхшилашга уринган маҳаллий бошқарувчилардан Маъсудбек фаолияти натижасида вазият ижобий томонга ўзгариб ички савдода жонланиш кузатилган. Аммо, бу ҳам аҳоли ҳаётида катта ўзгаришлар ясай олмаган. XIII асрнинг 60- йилларидан бошланган мўғул шахзодаларининг ўзаро урушлари эса яна ички ва ташқи савдо издан чиқишига сабаб бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). Турк тилидан Назарбек Раҳим таржимаси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 227-230.
2. Кдырнязов М. Культура Хорезма в XIII-XIV вв. – Нукус, 1982. – С. 265.
3. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Кн.2. Пер. с перс. О.И. Смирновой. – М.-Л., 1952. – С. 51.
4. Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо... – Б. 227.
5. Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения. В 9 томах - М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1.– С. 536.
6. Марко Поло. Книга Марко Поло. Перевод И.П. Минаева. – Москва, 1955. – С. 74.
7. Biran M. Culture and cross-cultural contacts in the Chaghadaid realm (1220-1370) / Chronica. 2008. – P. 33-34.
8. Кдырнязов М.Ш. Торговые связи средневековых городов Хорезма (XIII–XIV вв.) // Вестник Каракалпакского филиала Академии наук Узбекской ССР. № 3(73). – Нукус, 1978. – С. 62–64.
9. Зиливинская Э., Васильев Д. Города Золотой Орды. // Золотая Орда в мировой истории. Коллективная монография. – С.649.
10. Машарипов Қ. Хоразмнинг ўрта шарқ ва европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари. Тарих фан. номз. дис... – Нукус, 2005 – Б. 58.
11. Россаби М. Золотой век империи монголов = Khubilai Khan. His Life and Times / Пер. с англ. С. В. Иванова. – СПб.: Евразия, 2009. – С. 198-199.
12. Biran M. Culture and cross-cultural contacts in the Chaghadaid realm... – P. 35.
13. Пеголотти Ф.В. Практический указатель торговцам. – Кембридж-Массачусетс, 1936. – С. 22.

14. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993. – Б. 62.
15. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. СПб., 1984, т. 1. – С. 308-313.
16. Кдырнязов М. Культура Хорезма в XIII-XIV вв... – С. 262-267.
17. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 175.
18. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольская нашествия... – С. 536.
19. Whitfield S. Life along the Silk Road... – London: John Murray Publishers, 2004. – P. 142.
20. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... – Б. 175
21. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь // Энциклопедический справочник (древность и средневековье). – Тошкент, 1999. – С. 97.

УЎК 93/94

МАРОСИМ ВА ХАЛҚ ТОМОШАЛАРИДА ОЛОВГА ИШОНЧ ИФОДАСИ**Ф.М. Каримова, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро**

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқи маросимларида, томошаларида, олов култига ишонч ва олов образининг бадиий талқин хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Олов култи, олов байрами, қадимий одатлар, мифологик тасаввур, олов мабудди, кул ва кинначилик, магия, ёвуз момо руҳлар, шам, тутун, ўчмас олов, анимизм, шомонлик.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности обрядов, представлений узбекского народа, верования в культ огня и художественной трактовки образа огня.

Ключевые слова: Культ огня, праздник огня, древние обычаи, мифологическое воображение, богиня огня, пепел и Кинжал, магия, злые духи Евы, свечи, дым, неугасимый огонь, анимизм, шаманство.

Abstract. This article discusses the features of the Uzbek people's rituals, performances, belief in the cult of fire and the artistic interpretation of the image of fire.

Key words: The cult of fire, the feast of fire, ancient habits, mythological imagination, the location of fire, ash and cynicism, magic, evil Momo spirits, candles, smoke, indelible fire, animism, prominence.

Ўзбек фолклоршунослигида маросимшунослик йўналишида бажарилган М.Алавия, Б.Саримсоқов, С.Мирзаева, Д.Ўраева, О.Қаюмов тадқиқотларида оловга ишонч билан боғлиқ маросимлар ва уларга алоқадор кўшиқлар ўрганилган.[1] А.Мусоқулов эса халқ лирикасида олов рудиментлари акс этган кўшиқларга эътибор қаратган.[2]

Олов култи билан алоқадор илмий қарашлар, этнографик маълумотлар таникли элшуносларнинг асарларида ҳам учрайди. Улар оловга сифиниш асосида келиб чиққан удумларга алоҳида эътибор билан қарайдилар. Жумладан, бу ҳақда Маҳмуд Сатторнинг “Ўзбек удумлари” китобида,[3] Аҳмаджон Ашировнинг ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари хусусидаги монографиясида айрим зарур маълумотлар билдириб ўтилган. [4] Халқимизда олов кўпгина маросимлар, иримларнинг зарурий деталлари бўлиб, у билан боғлиқ жуда кўп одатлар, ишончлар ҳозиргача сақланиб қолган. Бу эса тарихан олов култи билан боғлиқ.

Патриархат даврида куёвнинг турмушда лозим бўладиган ов қилиш, ўтин ёриш, олов ёқиш кабилар бўйича қобилиятлари синаб кўрилган.

Наврўз бошланишидан аввал, аниқроғи, йилнинг сўнгги чоршанбаси куни ёшу қари олов устидан ҳатлаб ўтган. Ҳатто, уй ҳайвонларини ҳам ёниб турган олов устидан олиб ўтишган.

Қадимда оловни авлиё деб билишган, беморларни олов билан даволашган. Келин ўтовга киришдан аввал оловга бир қошиққ ёғ ташлаб, таъзим қилган. Қурбонлик сифатида оловга ҳайвон ёғини ташлаш одати зардуштийларга ҳам маълум бўлган.

Маматкул Жўраев ёзишича, ўзбеклар жуда қадимдан нишонлаб келаётган Наврўз дастлаб олов байрами, сўнгра Зардуштнинг туғилган куни, ниҳоят, табиатнинг қайта жонланиши байрамига айланган.

Чақалоқни бешикка боғлаш тўйида, албатта, “кўр-кўр” ирими бажарилади. Вакила ёки кайвони кўзмунчоқлар, кўнғироклар, сиёхдонали туморча тикилган бешикпўш ёпинтирилган янги бешикни уйнинг ўртасига келтиради. Бешикпўшларни очиб, тувак ва тагпўшларни солади, белбоғичини тугади. Бош томонга тагпўш тагига бир бош пиёз ва кичкина қайроқ тош қўяди. Шундан сўнг бешик юғуси устида-икки куббаси ёнида ва ўртада жами уч жойда паға ҳолидаги пахтадан қов қўйилиб ёкилади ва тезлик билан бу куйиндилар йиғиштириб олинади. Бу “Кўр-кўр” удуми ҳисобланади.

Удумшунос Жорж Фрэзер маълумотларида замонавий Европадаги улуғ ёз байрами тарихан жинсий севги ва олов маросими бўлганлиги, унда севишганлар магик-ритуал мақсадда қўл ушлашиб оловдан сакраганлари айтилади. Санаб ўтилган бу тарихий-этнографик далиллар жаҳон халқлари каби ўзбек халқи аجدодлари тарихида ҳам олов култи осмон, у дунё ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Ҳозиргача никоҳ тўйида ўт ёқиш махсус ритуаллардан бири ҳисобланади. Бухорода куёв келинни кига қўш машғала билан кириб келади. Келин ана шу машғалаларни кўриши шарт ҳисобланади. Уларни кўриш билан келинчак кўнглида ширин ҳис-туйғулар, орзулар уйғониши табиий.

Қадимий одатларимизга кўра, куёвни кига олиб келинган қизни олов атрофидан уч марта айлантиришгач, уйга олиб кирилади. Айни пайтда куёв ҳам келинни кига илк бор келганда, гулхан ёқилиб, куёв куёвнакарлар куршовида оловдан уч марта айланади. Кейин у келиннинг уйига кириб боради. Бу билан келин-куёвни инс-у жинслардан поклаш нияти кўзда тутилади.

Ўрта Осиё халқларининг қадим аجدодлари ҳам зардуштийлар каби марҳумларни оловда ёққанликлари ҳақида маълумотлар бор.[5] Марҳумларни оловга топшириш, яъни ўлган инсонлар жасадини куйдириш одати ҳозир ҳам айрим халқлар орасида учрайди.

Инсонлар ўртасида кўп худодилик тасавури ҳукм сурган даврларда ўлимни бир маъбуд ихтиёридан бошқа маъбуд ихтиёрига ўтиш деб англаган. Мифологик тасавурларга кўра, ҳайвон терисига ўралган марҳум тўппадан-тўғри олов маъбуди Агни хузурига боради. Агни ўзининг ўткир олов тиллари билан терини ейди-ю, ичидаги майит омон қолади ва у қайта тирилади. Ҳайвоннинг кучи ҳам унга ўтади. Шундай қарашлар туфайли ўтмишда жасад маълум бир жонивор терисига ўраб, оловда куйдирилган.

Мурдани ёқиш орқали унга абадий ҳаёт бахш этиш тасавури марҳумларни куйдириб кулини дафн этиш удумининг келиб чиқишига асос бўлган. Бу удум баъзи мамлакатларда ҳозиргача амал қилиб келмоқда.

Ўлганларни олов маъбуди қарши олади деб англашдан иборат мифологик тасавурлар асосида келиб чиққан марҳумларни ёқиш удуми қадимги дафн маросимига оиддир. Ўтмишда марҳум жасадини тўртбурчак шаклидаги ёғоч уй ичига қўйиб, уйни ёндиришган. Бу одат оловнинг муқаддаслиги, поклаш хусусияти, куёвнинг бир бўлаги сифатида мангуликка дахлдорлиги ғояси билан боғлиқ.

Марҳумларни ёқиш, куйдириш удуми зардуштийликдан аввалги диний қарашлар асосида шаклланган.

М.Раҳимов Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида яшайдиган аҳоли ўртасида дафн кечаси марҳумнинг яқинлари янги қабр устида ёхуд ёнида гулхан ёқиб, шу йўл билан бўриларни чўчитиб ҳайдаши ҳақида маълумот беради. Доғистонликлар бу ҳаракатни “марҳум ўзига олов олади” деган ишонч билан бажарганлар.

Оловда куйиб ўлиш ёки оловга дафн қилиш (куйдириш – кремация) ҳодисаси халқ эртақларида ўзига хос тарзда бадиий талқин этилгани кузатилади. Бу мотив “Ойпари” эртагида куйидагича учрайди: “Золим шоҳ халққа кўп зулм ўтказади. Тез-тез қийин шартлар қўйиб. Халқни, халқ ботирларини азобга қўяди. Ниҳоят, парилар ўгити билан эртақ қаҳрамони бир ҳийла ишлатиб, халқни золим шоҳ зулмидан қутқаришга муваффақ бўлади. Шоҳ эртақ қаҳрамонига ўликлар мамлакатига бориб келишни буюради. Қаҳрамон бу топшириқни парилар кўмагида устамонлик билан ҳал этади. У сарой майдонига катта ғарам ҳозирлайди. Ғарам тагидан чуқур қовлаб, уни кул билан тўлдиради. Сўнгра ўзи кул тагига бекиниб, устидаги ғарамни ёқишни буюради. Ғарам ёнса ҳам, қаҳрамонни кул олов тигидан сақлаб қолади. Олов ёниб бўлгач, қаҳрамон кул ичидан чиқиб, подшога ўликлар мамлакатига бориб келганлигини. У ерда ҳаёт жуда зўрлигини, подшонинг яқинлари унга кўпдан-кўп салом йўллаб, совғалар бериб юборганлигини, тезроқ етиб келсин деб айтганларини етказибди. Лақма шоҳ бу гапларга ишонибди. Чунки у қаҳрамоннинг олов ичидан тирик чиққанлигини кўриб турган экан. Дарҳол шоҳ ўзининг энг яқин кишилари билан бирга ғарамнинг устига чиқиб ўтирибди ва одамларга лампа мойидан устимизга кўпроқ сепинглар деб буйруқ қилибди. Одамлар ҳам унинг истагини бажонидил қабул қилишиб, дарҳол айтганини қилишибди. Шундай қилиб, золим подшо ўз яқинлари билан куйиб ўлибди. Халқ ундан кутулибди.[6]

Ўғай қиз типидagi баъзи эртақларда ҳам ўғай онанинг қизи сеҳргарга йўлиққанда у буюрган ишларни уддасизлигидан бажара олмайди ва сандиқдаги оловда куйиб ўлади.

Халқ табобатининг кўпгина кўринишларида оловдан ташқари кулдан ҳам кенг фойдаланилиши кузатилади. Кул ўчган олов қолдиғидир. Агар ёнаётган олов устига кул сепилса,

у дарҳол ўчиб қолади. Лекин баъзида кулнинг тагида чўғ сақланиб қолган бўлиши мумкин. Хуллас, кулга хос бундай ғаройиб хусусиятлар одамларнинг назаридан четда қолмаган. Шунинг оқибатида халқ орасида кул билан боғлиқ турли ирим-сиримлар. Эътиқодий қарашлар пайдо бўлган. Ҳатто кулдан халқ кинна ҳайдашда ҳам кенг фойдаланади. Кинначилар кулдан кўпинча кишига кинна кирганми, йўқми – шуни аниқлашда фойдаланишган. Кинначилар бунда кўпинча кулни тандир ичидан ё ўчоқдан олишади.

Кинначилар кулдан қуйидаги уч кўринишда фойдаланишади:

1. Кинначи кулни бир сопол пиёлага солади ва пиёланинг юзига икки қаватли докани маҳкам сиқиб тортиб ушлайди. Сўнгра уни кўрпачада юқорига қаратиб ётқизилган бемор (кўз теккан деб гумон қилинган катта киши ёки бола) қорни устида тўнтаришган ҳолда бир неча бор юргизиб кўради ва қуйидаги махсус айтишни айтади:

Аф чик,

Суф чик.

Чик, чик, чик, чик, чик.

Ушбу айтимнинг охириги қатори бир неча марта ва тез-тез айтилади. Шундан сўнг кинначи пиёлани олиб, докани очади. Агар киши суқланган бўлса, пиёла ичидаги кулнинг юза қисмида кичкина-кичкина чуқурчалар (ўйиқлар) пайдо бўлиши кузатилади. Кинначи ана шу чуқурчалар сонига қараб кишига неча кишининг кўзи текканлигини айтиб беради. Негаки, кинначилар кулдаги чуқурчаларни кўз косасига ўхшатишади.

2. Баъзи кинначилар кулни ун билан кўшиб, юмшоқ хамир қоришади ва тайёр бўлган хамирдан майда-майда зувалачалар узиб, уни кафтлар орасида силлиқ, думалоқ шаклларга келтирадилар. Сўнгра уларнинг ҳар бирига ғаразгўз, ичиқора, ҳасадгўй, ёмон ниятли, кўпол, ғаламис кишиларнинг номини айтганча, гугурт чўплари суқиб чиқадилару қизиб турган оловда бирин-кетин пишириб оладилар. Зувалачалар пиширилаётганда, гугурт доналари иссиқ ёғ ичида чақилиб кетиши табиий. Бу билан гўё ўша номлари айтилган кишиларнинг киннаси кучсизлантирилади, ёкиб йўқ қилинади. Бундан ташқари пиширилаётган зувалачалардан айримлари ёрилиб-ёрилиб кетиши мумкин. Бунинг натижасида ёғлар оловга ёки ён-атрофга сачрайди. Ушбу ҳолат кинначиларга киннанинг кучига аниқлашда ҳамда беморга неча кишининг кўзи текканлигини билиб олишда қўл келади.

Кинначиларнинг айтишича, зувалачаларни пишираётганда ёғ қанчалик юқорига ва узоқ-узоқларга сачраса, кишига кирган кинна ҳам шунчалик кучли бўлармиш. Ёғга тушгач ёрилиб кетган зувалачалар эса, дарҳақиқат, кишининг кўз косасига ўхшаб кетади. Улар гўё косасидан (қинидан) оқиб тушган кўзни эслатади. Мавжуд ҳолатнинг инсон тасавури билан мана шу тарзда мувофиқ келиши ушбу шартли рамзий ритуал ҳаракатнинг бажарилишига олиб келган.

3. Кинна кишининг бирор органига – кўзига, қошига, кипригига, сочига, оёғига, қўл билақларига ёки кийим-кечагига, юриш-туришига, гап-сўзига, ҳуснига ва ҳоказо кириши мумкинлиги билдирилади. Агар кинна кишининг кўзига кирган бўлса, кўздаги киннани чиқаришда кулдан қуйидагича фойдаланилади: тоза пиёлага кул олинадю етти жойга бўлак қилиб, тўда ҳолида тўкилади. Сўнгра беморнинг кўзи яқинига элакни тутиб, ҳар бир тўда навбатма-навбат унинг кўзига сепилади. Бунда бемор кўзини маълум муддат юмиб туради. Киннакаш кулни сепаетганда киннаси (суқи) бор деб гумон қилинган еттита кишининг номини бирма-бир тилга олиб ўтади.

Кўринадики, кул магик маросимларнинг муҳим атрибутларидан биридир. Шунга қўра, кул образига мурожаат маросим олқишларида ҳам кузатилади. Масалан, никоҳ тўйида икки ёшга эзгу тилак тилашга қаратилган қуйидаги олқишда ҳам кул образи бежизга тилга олинмайди:

Иккови қўша қарисин.

Ўчоғи тўла кул бўлсин,

Тевараги ул бўлсин.

Ижодкор халқ ҳамма вақт халқона гапни топиб айта олади. Масалан, куёв-келиннинг қўша қариб юриши тиланар экан, яна уларга “ўчоғи тўла кул бўлсин”, деган яхши ният билдирилаяпти. Аслида оила учоғида ҳамиша олов ўчмасин, деган ният – истақда гап кўп. Аммо кейинги мисрага қофиядошлик нуқтаи назардан “олов” сўзи ўрнига “кул” сўзи қўлланганки, бу ўз навбатида, халқимизнинг “олов – муқаддас покловчи нарса” деган эътиқодий тасавурига батамом тўғри келади. Чунки “кул” ҳам оловнинг қолдиғи бўлганлиги сабабли сеҳрли кудратга эга, деб қаралади, уни оёқ билан босмаслик, ҳар жойга сочиб ташламаслик азалий қадриятларимиздан бири. Демак, ўчоқнинг доимо тўла кул бўлиши, бу хонадон учоғида оловнинг ўчмаслигига, меҳмондўст оила бўлишига, ҳамиша ҳаётнинг тўкин-сочинлигига ишора бўлиб хизмат қилмоқда.

Баъзи кинначилар кулдан ташқари оловдан ҳам фойдаланишади. Бу учун кинначи чорраҳа тупроғидан олиб, бир нон зуваласидек лой қоради ва уни озгина сув солинган тоғора ичига минора кўринишида ўрнатади. Лой минора устига етти ёки ўнтагача нукча (мевали дарахт чўпи учига пахта ўраб, ўсимлик мойига ботириб тайёрланган чироқлар) суқиб чиқилади. Сўнгра бу нукчалар гугурт ёрдамида ёндирилади-ю, дарҳол улар устига лой минора ҳажмига мос келадиган сопол кўза тўнтарилиб, олов сўндирилади. Шундан сўнг кўза кўтарилиб қаралса, нукчалар бошига ўралган пахта ўрамларининг ё “қалпоқча” (“шляпа”), ё “узун соч ўрами” кўринишида қотиб қолганлиги кузатилади. Кинначи шунга қараб, субъектга нечта эркак (“қалпоқ”чали нукчалар сонига кўра) ҳамда нечта аёл “узун сочли” нукчалар миқдорига кўра) кишининг кўзи текканлигини айтиб беради ва уни алас қилади. Алас учун кинначи турли рангдаги мато қийқимларидан фойдаланади. Уларни узун чўп учига жипс боғлаганча, ўсимлик ёғига ботириб олиб ёқади ва гуриллаб ёнаётган олов (алас)ни бемор атрофидан уч марта айлантиради. Бу жараён ҳам қуйидаги каби махсус поэтик айтимлар жўрлигида кечади:

Алас-алас,
Кулли балодан халос.

Алас ёрдамида кинначи киннани, яъни ёмон руҳни киши танасидан ҳайдаб чиқариб, олов орқали уни поклашга уринади. Бунда қадимги аждодларимизнинг оловга сифиниши, унинг покловчилик кучига эътиқоди намён бўлади.

Момо руҳларга бағишланган маросимларда ёкиладиган чироқ – нукчалардан чиққан олов ва унинг тутуни ранги эътиборга олинган. Яъни олов ва тутуннинг оқ, қора, кизил, сариқ тусга киришига қараб момо руҳлар миқдори, характер-хусусияти, номи белгиланган.

Ёвуз момо руҳлар бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилишига ишонилади. Улар от, эшак, сигир, хўкиз, тўнғиз, чўчка, эчки, ит, мушук, илон каби жониворлар ва кўғирчоқ, олов, шамол, тутун кўринишига эврилиши мумкинлиги айтилади. Шунингдек, улар қоронғиликда қора тусда, қора тутун кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Яхши руҳлар эса, одатда, ёрқин олов, ёрқин нур, оромбахш шамол, ёқимли ҳаво тарзида инсонга йўлиқиши билдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизда ёвуз руҳларни ҳайдаш учун шамлар ёқиш, ис (тутун чиқариш), келин-куёвларни олов атрофидан айлантериш, кулни босишдан кўрқиш, уни ифлослаш тақиқи, кўклам яйловга ҳайдаш ва кузда яйловдан қайтишда отарни олов ўртасидан ўтказиш – барчаси олов культининг рудиментларидир.

Оловга бўлган ҳаётий эҳтиёж уни муқаддаслаштиришга ва илоҳийлаштиришга олиб келган. Одамлар унинг ҳеч қачон ўчмаслигини, абадийлигини хоҳлаб, “ўчмас олов”, “мангу олов” ҳақидаги мифологик талқинларни яратганлар.

- Қадимда оловни жонлантериш асосида олов маъбудлари, олов парилари ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалар шаклланган. Ибтидоий инсонлар тасаввурига кўра яратилган асотир ва афсоналар, эртақларда тасвирланишича, инсонлар дунёси каби олов дунёси ҳам мавжуд. Унинг ўз ҳукмдорлари ва қонун-қоидалари бор.

- Олов образлари бадиий ижодда ўз ва кўчма, ижобий ва салбий маъноларда қўлланиши бежиз эмас. Сабаби шундаки, халқ азалдан оловга икки хил муносабатда бўлган. бинобарин, олов ҳам бор қилиши, ҳам йўқ қилиши мумкин.

- Олов култи билан алоқадор эътиқодий қарашлар илдизи исломгача шаклланган диний-мифологик тушунчалар, аниқроғи, анимистик ва шомонистик тушунчаларга бориб тақалади. Ўзбеклар орасида олов култига ишончни ўзида ифода этувчи бир қатор маросимлар, ирим-сиримлар ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 222 б.; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 216 б.; Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент: Истиклол, 2006. – 96 б.; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.; Қаюмов О.С. Ўзбек шомон маросимлари фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси): Филол. фан. док-ри. (DSc) дисс. – Т., 2020. – 235 б.
2. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан. 2010. – 308 б.
3. Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – Б. 188-190.
4. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 199-205.
5. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004.
6. Ойпар / Олтин бешик. – Б.172-176.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРОНИНГ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ж.Қ. Кўчаров, ўқитувчи, Қарши давлат университети, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасининг суғорилиши, Сирдарёдан қазиб сув чиқариб келтириш борасидаги фикр-мулоҳазалар Россия империяси даври манбалари ва тарихий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Омилкор, зироатчилик, канал, ариқ, миришкор, “Туркистон тўплами”, деҳқончилик, суғориш, ўзан, ихота, Сомончиқ, Каста-Коза, ирригация, нивелировка.

Аннотация. В данной статье приведен анализ орошения земель Бухарского оазиса и привоза воды из Сырдарьи в период Амира Темура и Темуридов на основе источников и исторической литературы периода Российской империи.

Ключевые слова: знаток, землепашество, канал, канава, миришкор, «Туркестанский сборник», земледелие, полив, ветвь, заграждение, Саманчик, Каста-Коза, ирригация, нивелировка.

Abstract. This article provides an analysis of the irrigation of the Bukhara oasis and the supply of water from the Syr Darya during the period of Amir Temur and the Temurids based on sources and historical literature from the period of the Russian Empire.

Key words: expert, tillage, canal, ditch, mirishkor, "Turkestan collection", agriculture, irrigation, branch, barrage, Samanchik, Kasta-Koza, irrigation, leveling.

Бухоро воҳаси аҳолиси қадимдан ўзининг омилкор деҳқонлари ва миришкор боғбонлари билан машҳурдир. Бухоро воҳасининг обод деҳқончилик манзилгоҳлари хусусида ўрта аср манбаларида, сайёҳлар (Ибн Ҳавқал, Ибн Батута ва бошқ.) хотираларида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасини суғориш, обод ва гуллаган масканга айлантириш, боғ, чорбоғ, кўриқхоналар ташкил этиш борасида муҳим амалий ҳаракатлар қилинди. Аммо, Бухоронинг асосий суғориш манбаси Зарафшон дарёси бўлиб, темурийлар ҳукумронлиги даврида Кўҳак дарё деб аталган ушбу сув манбаи ҳар доим ҳам Бухорога етиб кела олмаган. Айниқса, ёз мавсумида экинлар суғорилиши, сув кўп талаб қилинадиган мавсумда Кўҳак дарёси сувлари 3-4 ойлаб Бухорогача етиб келмаганлигини тарихий манбалардаги маълумотлар асосида билиш мумкин[2, 44].

Сув танқислиги кейинги асрларда ҳам сақланиб қолинган. Хусусан Самарқанд Россия империяси ҳукумронлигига ўтгандан сўнг, сув танқислиги янада кучлироқ сезилиб, кўплаб аҳоли ўз манзилларини ташлаб, сувга мўл ҳудудларга кетиб қолган. Масалан, “Туркистон тўплами” материалларида келтирилган мақолаларнинг бирида, 1870 йилда Ромитан (Сомжан) тумани Шунингдек, ирригация ишлари бўйича рус мутахассиси бўлган Л.Н. Соболев маълумотларига кўра, сўнгги тўрт йил (1868-1872 йй) давомида Зарафшон округига Бухородан ўз ерларини қум босиш оқибатида хонавайрон бўлган деҳқонларнинг кўчиб келиши кучайгани ва уларнинг умумий сони 60 минг кишига етгани билан боғлиқ маълумотлар Бухоро воҳасидаги деҳқончилик ишларининг нақадар аянчли эканлигини кўрсатиб беради[10, 36а].

Ушбу ҳолатни илк бора Бухоронинг сўнгги энциклопедист олими, давлат ва жамоат арбоби Аҳмад Дониш англаб етган ва айнан унинг изланишлари орқали Амир Темур ва темурийлар даври Бухоро воҳаси ирригация иншоотлари ҳақида унитилган маълумотларни қайта тиклана борганлигини кўришимиз мумкин. Аҳмад Дониш амир Музаффархон, кейин Абдулаҳадхонга бир неча марта Амударёдан сув чиқариш зарурлиги, Зарафшон суви назорати руслар кўлига ўтганлиги, шу сабабли иқтисодий қудратни тиклаш зарурлиги таклифи билан бир неча бор мурожаат қилган. Ҳатто, Аҳмад Дониш Туркистон генерал-губернатори Ф.Кауфманга ҳам бу борада мурожаат қилган. Кауфманнинг жавобида, Қарши ва Қорақўл оралиғидаги Бухоро амирлиги ерлари Амударёдан бир қадар баландда жойлашгани ва бу дарёдан сув чиқариш имконсиз эканлиги, Бухорони сув билан таъминлаш мақсадида Сирдарёдан Чиноз яқинидан канал қазиб ва уни Иштихон тоғлари шимоли орқали Бухоронинг шимоли-ғарбий туманларига, жумладан, Қорақўлгача етказиб бериш режаси борлигини билдирган[7,259].

Бухоро вилоятининг деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ҳудудларини қум босиш сабабларидан бири сифатида, Л.Н. Соболев ўз изланишларида; Ғиждувон, Шофиркон туманлари шимолида яшовчи туркман ва қирғизлар кейинги вақтларда кўмир олиш мақсадида ушбу туманларни табиий ихота қилиб турган кўплаб саксовулзор ўрмонларни йўқ қилаётганлиги, бу эса, қум босишини тезлаштираётганлигини келтириб ўтади. Шунингдек, муаллиф ўзининг Жиззах

ва Чиноз оралиғидаги чўл-дашт ерларни тадқиқ этганда, бу ердаги аҳолининг кекса авлод вакиллари бир пайтлар Сирдарёдан чиқарилган канал нафақат даштни суғоргани, балки Бухоронинг шимолий туманларигача оқиб бориб, уларни ҳам Сирдарё сув билан таъминлаганлигини ҳикоя қилиб берганликларини келтириб ўтган[10, 37]. Бу Бухоро воҳаси ерларини сув билан таъминланганлиги борасидаги дастлабки маълумот бўлиб, шундан сўнг Россия империяси маъмурлари кўплаб экспедиция ва изланишларида Сирдарёдан Бухорога оқиб келувчи қадимий канал ўзанини қидириш, имкони бўлса уни ишга тушириш борасида анчагина саъй-ҳаракат қилганлари “Туркистон тўплами” материалларида ўз ифодасини топган. Сирдарёдан бош олган ва Бухоро воҳасининг бир қисмини суғоришга хизмат қилган ариқни Л.Н. Соболев маълумотларида Мирзо Улуғбек буйруғи билан қазилганлиги келтириб ўтилади. Тарихий манба ва фундаментал адабиётларда ҳам Мирзо Улуғбекнинг Бухоронинг жанубий-ғарбидаги Сомончик даштини обод этиш учун канал қаздирганлиги билан боғлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ушбу масалага диққат эътиборни янада жалб қилишга ундайди[1, 85].

Л.Н. Соболев олиб борган тадқиқотларда, Бухорога қадар оқиб келадиган канални бошланиш жойи ва йўналишини аниқлашга имкон қадар уриниб кўрган. Унинг фикрича, канал Сирдарёнинг ўрта оқими Хўжанд уездидаги Каста-Коза (Ариқнинг бошланиш жойи ўзанини ўз кўзи билан кўргани ва у Ўринбой деб номланиши) қишлоғи ёнидан бошланиши, кичик нишаблик ҳосил қилган ҳолда жануб томон оққани, ўша вақтдаги Малик ва Мирза работ қудуқлари оралиғидаги почта йўлини кесиб ўтиб Қоратов тоғларига яқинлашиши, сўнг Нурота тоғларини сўл томонига қолдириб уни шимолдан айланиб ўтиши ва жанубий-шарққа бурилиши, натижада Бухоро воҳасининг Вардонзе (Шофиркон) ва Қорақўлгача оқиб бориши, Вардонзедан 24 чақирим ғарброкдан оқиб ўтганлиги, бу ерда куриб қолган ўзан ҳозирги кунда ҳам билиниб турганлиги, каналнинг вайрон қилинишини вақти ва сабаблари эса, Абдуллахон ҳукумронлиги даврида қозоқларнинг ҳужумлари оқибати деган хулосга келганлигини ўқиш мумкин[10, 37а-38].

13. Мантеллини С. «Урбанный пейзаж против пейзажа или городской пейзаж как пейзаж? Случай из древнего Самарканда (Согдианы)», С. Баумер, М. Новак (ред.), Городские культуры Центральной Азии от бронзового века до Караханидов. Материалы Первого Международного конгресса по археологии Центральной Азии, проходившего в Бернском университете 4–6 февраля 2016 г., Wiesbaden, Harrassowitz Verlag, 2019.
14. Мантеллини С., Бердимуратов А.Э. «Археологические исследования в Согдийской крепости Кафир-Кала (Самаркандская область, Республика Узбекистан)», Древние цивилизации от Скифии до Сибири, 11, 2005.
15. Мантеллини С., Бердимуратов А.Э. «Археологическое и историческое наследие Самарканда: обзор узбекско-итальянской экспедиции 2001–2016 гг.», В сб. А. Бердимуратов (ред.), Археология Узбекистана в годы независимости: прогресс. и перспективы. Самарканд, 15–16 сентября 2016 года. Самарканд. Институт археологии АН РУз, 2016.
16. Мантеллини С., Бердимуратов А.Э. «Оценка антропогенного воздействия на археологический ландшафт Самарканда (Узбекистан): диахроническая оценка Тайлакского района с помощью дистанционного зондирования, полевых исследований и местных знаний», Археологические исследования в Азии, 20: 100143. 2019.
17. Мантеллини С., Ронделли Б., Страйд С. «Аналитический подход к представлению эволюции водных ландшафтов Самаркандского оазиса (Узбекистан)», в работе Э. Джерем, Ф., Реду, В. Северени (ред.), На пути к реконструкции. прошлое. Компьютерные приложения и количественные методы в археологии (САА). Материалы 36-й Международной конференции (Будапешт, 2–6 апреля 2008 г.). Будапешт. Фонд Археологии, 2011.
18. Мантеллини С., ди Куньо С., Димартино Р., Бердимуратов А. Э. «Изменения и преемственность на Шелковом пути в Самаркандском оазисе: исламская оккупация цитадели Кафир Кала», Журнал искусства и археологии внутренней Азии, 7: 2016.
19. Псарев А.А., Коваленко А.Н., Куприн А.М., Б. Пиркан Б.И. Военная топография. Москва. ВоенноеИздательство. 1986.
20. Рапин К., Исамиддинов М.Х. «Entre sédentaires et nomades: les recherches de la Mission archéologique franco-ouzbèke (MAFOuz) de Sogdiane sur le site de Koktepe» в J. Bendezu-Sarmiento (ed.) L'Archéologie Française en Asie Centrale. Париж - Бичкек - Кабул. IFEAC / DAFA Édition-Diffusion DE BOCCARD, 2013.
21. Ронделли Б., Мантеллини С. «Методы и перспективы изучения древних поселений в Средней Зеравшанской долине», Вестник Шелкового пути, 2, 2004.
22. Ронделли Б., Страйд С., Гарсиа-Гранеро Дж. Дж. «Советские военные карты и археологические исследования в Самаркандской области», Журнал культурного наследия, 14: 2013.
23. Ронделли Б., Този М. «Исследования ГИС и Шелкового пути: мониторинг изменений ландшафта и населения в Самарканде и в Средней Зеравшанской долине», в Т. Уно (ред.), Чтение историко-пространственной информации со всего мира. Исследования культуры и цивилизации на основе данных географических информационных систем (Киото, 7–11 февраля 2005 г.). Киото. Международный исследовательский центр японоведов, 2006.
24. Раффнер К.К. (редактор), КОРОНА: первая спутниковая программа Америки. Вашингтон, округ Колумбия ... Центральное разведывательное управление. 1995.
25. Ширинов Т.Ш., Този М. «Земля за Самаркандом. Археологическая карта Средней Зеравшанской долины: перспективы и географическое разделение», в С. Пагани (ред.), Итало-узбекское научное сотрудничество в области археологии и исламоведения: обзор (Рим, 30 января 2001 г.). Рома. IstitutoItaliano per l'Africa e l'Oriente. 2003.
26. Шишкина Г.А. «Древний Самарканд: столица Согда» // Вестник Института Азии, 8: 1994.
27. Страйд С., Ронделли Б., Мантеллини С. «Каналы против лошадей: политическая власть в оазисе Самарканда», Мировая археология, т. 41: 2009.
28. Този М., Ронделли Б., Менги Э., Мантеллини С. «Интервью археологии в Узбекистане», Osnus, 9–10: 2001–2002.
29. Този М., Бердимуратов А.Э., Франческини Ф., Джорджетти Д., Мантеллини С., Ронделли Б. «Археологическая карта Медиа Валле делло Зеравшан: стратегия выбора для истории пополаменто в регионе Самарканда», Т. Ш. Ширинов, Ш. Р. Пидаев (ред.), Роль Самаркандина в истории мировой цивилизации. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию города Самарканда. Ташкент-Самарканд. Издательство ФАН, 2007.

УЎК 338.48

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ*А.А. Мирзаев, катта ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона*

Аннотация. Мақолада юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, тарихимизда диний бағрикенгликни ўрни, ўрта асрларда яшаб ўтган буюк диний олимларимизни диний бағрикенглик ҳақида фикрлари, зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар: бағрикенглик, умуминсоний қадриятлар, сайёҳлар, диний зиёратгоҳлар, зиёрат туризми, археологик обидалар.

Аннотация. В статье рассказывается о проводимой в нашей стране работе по развитию туризма, о роли религиозной терпимости в нашей истории, о мнениях о религиозной толерантности наших великих религиозных ученых, живших в Средние века, об особенностях развития паломнического туризма.

Ключевые слова: толерантность, общечеловеческие ценности, туристы, религиозная ширина, пилигрим туризм, археологические памятники.

Abstract. The article describes the work being done in our country to develop tourism, the role of religious tolerance in our history, the views of our great religious scholars of the Middle Ages on religious tolerance, the peculiarities of the development of pilgrimage tourism.

Keywords: tolerance, human values, tourists, religious shrines, pilgrimage tourism, archeological monuments.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М.Мирзиёев 2018 йил Самарқанд шаҳрида халқ депутатларининг навбатдан ташқари йиғилишида Ўзбекистонни ҳам саёҳат ҳам зиёрат учун энг қулай минтақа сифатида таърифлашди. Зиёрат туризми борасида Ўзбекистон Республикаси улкан салоҳиятга эга бўлиб, бу борада сайёҳлар ва зиёратчилар учун қизиқарли бўлган кўплаб тарихий ва маданий мероси билан дунёга машҳур. Мавжуд тарихий ва маданий меросни асраш ва келажак авлодга етказиш борасида Республика миқёсда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зиёрат туризми ривожланишига эътибор қаратар эканмиз аввало бу халқларнинг маънавий ва эътиқоди билан боғлиқ эҳтиёж туфайли вужудга келади. Ўзбекистон Республикасида зиёрат ва ҳаж туризмини ривожлантириш борасида мавжуд бўлган қонунчилик тизими мукамаллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилда “Туризм тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Туризм саноатининг энг сердаромад соҳаси бўлган зиёрат туризм учун зарур бўлган мутахассислар билан тайёрлаш тизимини ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу борада ҳам катта ютуқларни қўлга киритиб борилмоқда.

Зиёрат туризмини ривожлантириш халқлар ўртасида диний толерантликни тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда устувор вазифаси ҳисобланади. Жумладан, бағрикенглик халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва тотувликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олган ҳолда, БМТ томонидан “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” қабул қилинган. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да бағрикенглик тушунчасига шундай таъриф берилган: “Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир”[1].

1945 йилда БМТ Низоми “сабр-тоқатли бўлиш ва жаҳонда яхши кўшнилари сифатида биргаликда яшаш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун саёҳат-ҳаракатларимизни бирлаштириш”ни ўз мақсадларидан бири деб эълон қилди. 1981 йил 25 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 36/55-резолюцияси дин ёки эътиқодга асосланган сабр-тоқатсизлик ёки камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. [2]

Бағрикенглик турли бой маданиятлар, диний урф-одатлар ва анъаналарнинг хилма-хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод каби умуминсоний маънавий қадриятлар вужудга келтиради. Демак, бағрикенглик фақат маънавий бурчгина бўлиб қолмасдан, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.

Диёримиздан чиққан алломаларнинг асарларида диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар тарғиб қилинган кўплаб фикрларни учратамиз. Буюк аллома, мотуридия йўналиши асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг (870-944) асарлари бунга мисол бўла олади. Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишланган, ислом оламида жуда кенг танилган «Таъвилот аҳл ас-сунна асарида: “Черков ва синагогаларни вайрон қилиш ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир” – деб қатъий таъкидлайди. Мотуридий христианлар мусулмонларга қалби мойилроқ, дўстона муносабатга яқин эканини айтиб ўтилган. [3]

Бурхонуддин Марғинович (1123-1197) ўзининг “Ҳидоя” асарида “Мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни ўз жойида яна қайта тиклаш

мумкин”лигини алоҳида айтиб ўтган. Умрининг кўп қисмини Туркияда яшаб ўтказган яна бир Туркистонлик мавлоно Жалолиддин Румий ўзининг бадиий ижодида умумжаҳон қадриятларидан жуда унумли фойдаланган. Мавлоно ўзининг “Маснавий”ларида Таврот, Инжил, насронийлик таълимоти ва юнон фалсафаси, буддавийлик ва хинд сутраларидан ҳам озиқланганини шохиди бўламиз. Шунга қарамай, мавлоно Румийнинг бу бебаҳо асари мутассибларнинг қаҳрига учрамади ва аксинча, Куръондан кейинги китоб, деб баҳоланди. Сўфийлар сўфиси Жалолиддин Румий вафот этгач, унинг тобути орқасидан эргашган улуғ зотлар сафида кўзида ёши билан хоч кўтарган насроний попи ҳам, яхудий раввини ҳам, арман рухонийси, Будда қоҳини, Конфуций ақидасининг муршиди ҳам бор эди. [4]

Соҳибқирон Амир Темур анъаналарини изчил давом этирган Бобурийлар сулоласи тобе халқларнинг миллий маданият ва эътиқодларга хурмат билан қарашнинг энг юксак намунасини кўрсатган эдилар. Жавохирлаъл Нерунинг “Бутун дунё тарихига нигоҳ” асарида Мирзо Бобур ва шох Акбар ҳақида меҳр билан сўз юритади. Бобурнинг араб хатини ислоҳ қилиб, уни хатти Бобурий, деб аташи Ўрта аср ислом оламида мислсиз бир журъат эди. Шох Акбарнинг хинд мулкидаги турфа эътиқодларни бир-бирига солиштириш йулидаги уринишлар, **“Ким-ки бировнинг эътиқодини камситса, жазога тортилгусидир”** деган буйруғи аждодларимизнинг диний бағрикенглиги, умуминсоний қадриятларни улуғлаганига мисолдир. [5]

Зиёрат туризмни ривожлантиришда албатта бу турнинг бозор сигментларини ўрганиб чиқилиб, қўлга киритилган маълумотлар асосида туристлар эҳтиёжини инобатга олиб, туризм маҳсулотлари ишлаб чиқиш, туризм сервис турларини ривожлантириш устивор вазифаларидан ҳисобланади. Зиёрат туризмнинг асосий объектига соборлар, масжидлар, синагогалар, диний зиёратгоҳлар, ибодатхоналар, диний марказлар киради. Диний туризм доирасида саёҳатга чиқувчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Бундан ташқари умумий ёш хусусияти 40 ёшдан юқори бўлганлар асосан зиёрат туризм доирасида саёҳатга чиқишни хуш кўришади. Тўғри бугунги кунда ёшлар орасида ҳам зиёрат туризмга қизиқишлари ортиб бормоқда. [6]

Қадимий муқаддас қадамжолар инсонлар қалбига яқин ва рухий сокинлик бахш этади. Агар эътибор қаратсак, барча тарихий ёдгорликлар табиат қўйнида жойлашганлигини кўришимиз мумкин. Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Жонбозқалъа каби қўплаб муқаддас қадимий қадамжолар “сахро бағридаги мўжиза” деб эътироф этилган бўлса, Қоратепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари Амударё тўлқинлари мавж урган соҳилда жойлашган. Бундай тарихий муқаддас қадамжолар сайёҳларда эстетик завқ бериши билан ҳам катта аҳамиятга эга. Толерантликни рағбарлантириш ва оммалаштириш орқали мамлакат ғазнасига валюта оқимини кўпайтириш мумкин. [7]

Зиёрат туризми доирасида турли диний қарашларга эга бўлган халқлар ва элатларнинг диний ва миллий байрамларини кўриш ва иштирок этиш бугунги кунда кенг авж олиб бормоқда. Зиёрат туризми бевосита миллий ва минтақавий сиёсий барқарор бўлган ҳудудлардагина ривожланиши мумкин. Чунки ҳар томонлама тинч ва барқарор ривожланаётган бағрикенглик тамойиллари устувор бўган ҳудудлардагина зиёрат туризми ривожланиши мумкин. [8]

Зиёрат туризми доирасида ҳозирги кунда илмий тадқиқ қилиш туризм тури ҳам ривожланиб бормоқда. Қадимий археологик аҳамиятга эга бўлган турли диний қарашларга эга бўлган аждодлар манзилгоҳларини тадқиқ қилиш ва турли динларга оид қўлёзмаларни ўрганиш кенг жамоатчиликни бу ҳақида боҳабар қилиш, узоқ муддатга амалга ошириладиган туризм тури ҳам аста секинлик билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мавжуд 4000 дан зиёд археологик ёдгорликлар ва Шарқшунослик институтида сақланаётган 20000 минг дан зиёд қадимий қўлёзмаларни ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ўзбекистонда Япония, Хитой, Франция, Австралия, Россия археологларини Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорликларда амалга ошираётган тадқиқотлари юқоридаги фикримизга далил бўла олади.[9]

Зиёрат туризми инсоний қадриятларни ривожлантиради, инсонлар ўртасида ўзаро инсоний муносабатларни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида инсон тинч-осойишта-хотиржам ҳолатда тўлиқ ишонч билан эркин ҳаракат қилади ва шахслараро ижобий муносабатлар ўрнатади. Туризм нафақат кундалик ҳаёт ва ишнинг бир хиллигини тўхтатиш учун мўлжалланган ҳордиқ чиқариш ва дам олишдир, бу шунингдек, инсон-одамлар ва атроф муҳитнинг бирлигини таъминлаш тимсолидир. WTOнинг Манилада имзоланган декларациясининг 21-моддасида қайд этилишича, **туризмда руҳий омиллар техник ва моддий омиллардан устун бўлиши керак**. Бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: чегарасиз экспансия, маориф, инсон қадрининг улуғланиши, ҳар бир маданиятнинг такрорсизлигини тан олиш ва халқларнинг руҳий меросига асраган ҳолда муносабатда бўлиш. [10].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон зиёрат туризмини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, унинг ривожланиши Ўзбекистоннинг халқро алоқаларини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Халқро алоқаларнинг ривожланишига халқимизнинг бошқа миллатлар билан янада яқинлашишига, ўзаро ҳамкорликка кириришини кучайтиради. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши Ўзбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг ўсишига олиб келиши мумкин бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО халқро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. –Б. 91.
2. Moutinho L. Strategic Management in Tourism / L. Moutinho/ New York : CA-BI Publishing, 2000 - 348 p.
3. Чориев З, Аннаев Т, Муртозоев Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-термизий. Т., Янги аср авлоди, 2008, 12-13 бетлар.
4. Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 77.
5. Dickens M. “Nestorian Christianity in Central Asia”. Cambridge. 2001. Page-6.
6. Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.– Б.83.
7. Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари. фал. фан. ном. дисс. Тошкент, 2000. –Б.117.
8. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 1 май, 87 сон (4750).
9. Ахмедов Э. “Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида”. Абу Али ибн Сино. 2002. 85-86 бетлар
10. Project “Community based tourism in the Zerafshan valley”. Электронный источник: http://www.ztda-tourism.tj/public/userfiles/TJK%201051_summary_report%20%2708_to%20WHH_AS DP%20NAU

УЎК 93/94

ТУРКИЯНИНГ ИСТАНБУЛ ШАҲРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР ЖАМИЯТИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Ш.М. Мирзоев, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Туркия Республикасидаги энг йирик марказлардан бири ҳисобланган Истанбул шаҳрида фаолият юритаётган ўзбеклар жамияти ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилади.

Калит сўзлар: ўзбек, туркий халқлар, Истанбул, ўзбеклар жамияти, Акбар Ясса, Салжук Намангон, пахтачилик, сарбаст ўзбеклар, туркистонликлар, ўзбек отел, урф-одат, текке, Истанбул теккеси, Султон Аҳмед.

Аннотация. В этой статье рассказывается об узбекской общине в Стамбуле, одном из крупнейших центров Турецкой Республики. Аннотация. В этой статье рассказывается об узбекской общине в Стамбуле, одном из крупнейших центров Турецкой Республики.

Ключевые слова: узбеки, тюркские народы, Стамбул, узбекская община, Акбар Ясса, сельджук наманган, хлопководство, свободные узбеки, туркестанцы, узбекская гостиница, традиция, текке, стамбульские теккеси, султан Ахмед.

Abstract. This article provides insights into the Uzbek community in Istanbul, one of the largest centers in the Republic of Turkey.

Keywords: Uzbek, Turkic peoples, Istanbul, Uzbek community, Akbar Yassa, Seljuk Namangan, cotton growing, free Uzbeks, Turkestans, Uzbek hotel, tradition, tekke, Istanbul tekkesi, Sultan Ahmed.

Туркия республикаси муҳожир ўзбеклар нисбатан зич бўлиб яшаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Тарихнинг турли босқичларида ўзбеклар (туркистонликлар) ҳозирги Туркия давлати худудига бориб яшаб қолганлар. Ўзбекларнинг Туркия бўйлаб тарқалиши ёхуд диаспораси ХХ асрнинг 20-30 йилларида узул-кесил шаклланган. Бир тарихий босқичларда ўзбеклар Туркиянинг ўнлаб шаҳарларида жойлашганлиги манбалар ва адабиётларда қайд этилган [1]

1920 йилларнинг иккинчи ярмида Туркия Республикасидаги муҳожир ўзбеклар бу мамлакатда “Туркистонликлар жамиятини ” тузиш ҳаракатини бошладилар. Туркиянинг қадимий пойтахти Истанбулда илк бор 1927 йил 29 июлда “Туркистон турк генчлери (ёшлари) бирлиги” номли уюшма тузилиб ушбу ташкилотни тузишдан кўзланган асосий мақсад: Туркиядаги муҳожир туркистонликларни бирлаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, уларда истиқлол учун кураш ғояларини мустаҳкамлашдан иборат бўлган.[2]

Ушбу уюшманинг ташкилотчиси БХСР марказий ижроия қўмитасининг собиқ раиси Туркияда муҳожирликда яшаётган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) бўлиб, раислик

Мажиддитдин Аҳмад (ўзбек, 1920 йилларда Тошкентдан Истанбулга ўқишга юборилган) кўлида бўлиб, Ёқуб Файзи, Зиё Китобчи, Зоҳид Ўйлер, Тимур, Абдулқодир, Яҳёбей кабилар ушбу уюшманинг фаол аъзолари ҳисобланишган. Туркистон ёшларини бирлаштирган ушбу ташкилот Туркия Республикаси ҳукуматидан расмий рухсат олган эди ва ўзининг “Бирлик” номли биносига ҳам эга бўлган. [3]

“Бирлик” уйига эга бўлган мазкур уюшма кун тартибига Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш, ўзбек миллий байрамларини нишонлаш, мушоира ва шеърхонлик кечалари ўтказиш, моддий аҳволи оғир миллатдошларимизга ёрдам бериш, хориждаги туркистонликлар матбуоти учун мақолалар тайёрлаш каби кўпдан-кўп тадбирларни уюштирдилар. “Туркистон турк генчлари бирлиги” уюшмаси Содиқбек бошқарган “Озарбайжон генчлари бирлиги” ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борди ва тадбирлар ўтказди. Жумладан 1930 йил 10 октябрда “Туркистон турк генчлари бирлиги” тузилганлигининг 3 йиллиги “Бирилик уйида” байрам қилинди. Ушбу байрамда Усмон Хўжа Пўлатхўдаев, бухоролик, ўзбек, иқтисодчи олимлардан муҳожир Аҳмад Наим (1900-1984), Туркияда таҳсил олган ўзбек қизлардан Розия ва Маъмурахонимлар иштирок этдилар. Байрам кечасида муҳожир Али афанди мусиқа чалиб кўшиқлар айтди. Хайрия ва Маъмурахонимлар ўзбек шеър ва кўшиқларини маҳорат билан ижро этишган. Мушоира ва шеърхонлик, дostonхонлик, қизикчилик кечгача давом этиб, жамият аъзолари Туркистон ҳаётини акс эттирувчи деворий газета чиқаришган.[4]

“Туркистон турк генчлари бирлиги” ташкилоти “Бирлик” уйида “Туркистон кунлари” тадбирларини ўтказиб, ҳатто Туркия Республикаси Президенти Мустафо Камол Отатурккаям мактуб билан мурожаат этишган. Ушбу уюшма Иккинчи Жаҳон уруши бошлангунга қадар фаолият юритиб, уруш йилларида моддий қийинчилик ва айрим сиёсий сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Истанбулда “Ғарбий туркистонликлар уюшмаси”нинг янгидан фаолият бошлаши 1949 йилга тўғри келади. Ушбу йилда Усмон Хўжа Пўлатхўжаев амалий ёрдами ва бевосита маслаҳати билан Афғонистондан Туркияга муҳожир бўлиб ўтган ўтган Зиёвуддин Бобоқурбон “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотини тузди. Ушбу ташкилотга Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Қодирали Чигатой, Халил Мурот ўғли кабилар аъзо бўлиб кириб бироқ бу уюшма айрим сабабларга кўра узок фаолият юрита олмади.[5]

Ушбу уюшма билан параллель равишда 1940 йиллар охирида Истанбулда туркистонлик профессорлардан Аҳмаджон Иброҳим Ўқай, доктор Солиҳ Эркинқўл ва Тоҳир Чигатойлар бутун туркистонликларни ягона ташкилотга бирлаштиришга хизмат қиладиган “Туркистон ёшлари жамияти” тузиш ишларини олиб боришган. Бироқ Туркия Республикаси тарихида рўй берган сиёсий воқеалар ушбу жамиятни тузилишига тўсқинлик қилди. Айни шу йилларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Туркистон муҳожирлари йўлбошчилари ҳисобланган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Мустафо Чўқай ўғли (1886-1941), Аҳмад Закий Валий Тўғон (1890-1970) кабилар ташаббуси билан “Туркистон миллий бирлиги” (ТМБ) ташкил топиб ТМБнинг мақсади Туркистоннинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида миллатпарвар ҳамда ватанпарвар кучларни бирлаштириш, муҳожир туркистонликларнинг фаолиятини ягона мақсадга йўналтиришдан иборат бўлган. 1927 йилда ушбу ташкилотнинг иккинчи Конгресси бўлиб, мазкур Конгрессда Туркистон миллий бирлигининг матбуот органларига асос солиш белгилаб олинган. [6]

ТМБнинг иккинчи Конгрессидан кўп ўтмай 1927 йил июнда “Ени Туркистон (Янги Туркистон)” ойлик сиёсий, адабий ва илмий мажмуа чоп этилган. Ушбу журнал 1927-1931 йилларда нашр этилиб уни чоп қилиш ишлари Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Носир Афанди, Мажиддитдин Делиллар томонидан амалга оширилиб унинг 24 та сони араб имлосида, турк тилида, айримлари ўзбек тилида чоп этилган. 1930 йилнинг сентябридан бошлаб араб ва лотин имлосида чоп этиш йўлга қўйилган, жами журналнинг 39 та сони нашрдан чиққан. Унинг саҳифаларида Туркистондаги сиёсий вазият, “босмачилик” ҳаракати, “ерсув ислоҳоти”, “қулоқлаштириш”, “коллективлаштириш” жараёнлари, хориждаги туркистонликлар ҳаёти, коммунистик партиянинг диктаторлик сиёсати масалаларига бағишлаб кўплаб мақолалар босилган. Биргина Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг 20 дан ортиқ публицистик мақоласи босилиб уларда Совет ҳокимиятининг Туркистондаги сиёсати танқидий таҳлил қилинган. Ушбу мақолаларда Ўрта Осиёда истиқлол мафқураси масаласи ҳам илгари сурилган. [7]

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Туркия Республикасида ўзбекларнинг бир қатор кўнгилли уюшмалари ва жамиятлари пайдо бўлиб, улар муҳожир Туркия халқ вакилларини ўзларида бирлаштирдилар. Жумладан, Истанбулда “Турк генчменлари (Турк муҳожирлари)” номли уюшма, 1963 йилда “Ҳақиқатчилар ташкилоти” кабилар тузилди. Ушбу уюшмалар ўзбекларда азалдан одат бўлган “гап”, “гаштак”, “жўра” каби тадбирлар уюштириб, жамоа бўлиб, ўзбек тилидаги

биронта китобни ўқиб муҳокама қилиш, грампластинка ва магнитофон ленталарида ёзилган ўзбек кўшиқларининг тинглаш каби тадбирларни амалга оширишган.

Туркияда муҳожир ўзбекларнинг 1954 йилда вужудга келган “Бати туркистонликлар ёрдамлашма дернеги (Фарбий туркистонликлар ёшдамлашма жамияти)” тузилиб, ушбу жамиятнинг энг қудратли бўлими Истанбулда фаолият юритган. Ушбу жамиятнинг бир қатор филиаллари бошқа жойларда ҳам жумладан, Саудия Арабистонида ҳам мавжуд бўлган. [8] ушбу ташкилот фаолиятида доктор Солих, Ўқтой, Ёрбоғ, Бобоқурбон, Аҳмад Наим кабилар муҳим рол ўйнаб, ташкилотнинг раиси бухоролик муҳожир, биринчи иктисодчи профессор Аҳмад Наим Ўқой бўлган. Бу ташкилотга Аҳмад Наимдан сўнг Солих Эркинқўл, Зиёвуддин Бобоқурбон, Неймат Улуғтуғ ва Ҳакимжон каби муҳожир ўзбеклар раҳбарлик қилишган. Истанбулдаги жамиятни Туркия ҳукумати расман тан олиб, унинг доимий қароргоҳи ва биноси бўлган. Ушбу ташкилот аъзолик бадаллари ҳисобига фаолият юритиб, Туркиядаги муҳожир ўзбеклар ҳаётида муҳим рол ўйнаган. “Фарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” 1975-1977 йилларда ўзининг “Хур Туркистон учун: Истиклолчи газета” матбуот органини чиқариб, ушбу газетанинг мудирини ўзбек фарзанди Нуриддин Покюррак эди, газета 5000 нусхада чоп этилган. Унда ўзининг мақолалари билан Абдувахоб Ўқай, Саида Ўқай, Тоҳир Чигатой, Иброҳим Ёркин, Ҳаким Ҳайит, Абдулла Тўлаган Орифлар фаол катнашган. Бу жамият 1980 йилда Туркиядаги сиёсий вазият туфайли ёпилиб 1984 йилда “Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” номи билан тикланган. Унинг доимий қароргоҳи Истанбул шаҳрида, Оксарой даҳасидаги Жерроҳ пошо кўчасига қарашли 3/37 рақамли уйда жойлашган. Ташкилотни 1984-1990 йилларда тиббиёт доктори, профессор, тарихчи олим, ота-бобоси асли кўкнлик бўлган, Истанбулдаги ўзбек муҳожирини Аҳад Андижоний бошқарган. Унинг ташаббуси билан ҳар кварталда бир марта, бир йилда 4 та сони, 1000 нусхада чоп этиладиган “Туркистон” журнаliga асос солинган. Ушбу журналнинг 1988 йил 2-сонида Германияда яшаган ўзбек муҳожирини, файласуф ва тарихчи олим Боймирза Ҳайит (1917-2006 йй.) билан суҳбат босилган. [9]

Ушбу жамият қошида “Туркистонни ўрганиш фонди.”, “Миллий халқ ансабили” кабилар фаолият юритган. 1989 йил сентябрда Истанбулда жамият ташаббуси билан дунё ўзбек муҳожир жамоаларининг иштирокида махсус қурултой ўтказилиб унда Туркиядан ташқари АКШ, Саудия Арабистония, Покистон, Афғонистон ва Европа давлатларидан келган муҳожир туркистонликларнинг вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳам Истанбулда “Ўзбеклар жамияти” фаолият юритиб ушбу ташкилотни тадбиркор ва ишбилармон Акбар Ясса бошқариб келмоқда. Истанбулдаги ўзбеклар жамиятининг ташаббуси билан 2018 йилда муҳожир ўзбеклардан Собир Сайхонлининг “Армон”, Ҳошимийнинг “Бухорода ва Самарқандда қонли кунлар” номли китоблари турк тилида чоп этилди.[10]

Ушбу жамият фаолияти алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анвар Алтайли “Трудный путь к свободе”
2. Рузи Назар: От Красной армии до ЦРУ Hurst & Company, London, 2017, 334 с.
3. Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Биринчи жилд: - Т.: “Tafakkur”, 2017. 512 бет.
4. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси: - Бухоро-2007. 56 бет.
5. Элтар. Истанбулда Туркистон куни// Ёш Туркистон ; 1930; №12, - 32-34 бетлар.
6. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2009. – 285 бет.
7. Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон.1994; 112 бет.
8. Кўчимов А. Сехрли диёр// Ёш ленинчи, 1991 йил 20 июль.
9. Зухриддин Обид Туркистоний. Анда жоним қолди менинг. Т.: Чўлпон.1994. 69 бет.
10. Боймирза Ҳайит. “Ватан сизники бўлгани каби меники ҳамдир”. // Мулоқот. 1991; №5.
11. 2019 йил август ойида Туркия сафарида бўлган профессор Ш.А.Ҳайитов билан мулоқот, 2019 йил 15 сентябрь.

УЎК 93/94

“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ”ДА АФҒОН ТУРКИСТОНИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР (XVIII-XIX асрлар)

М.З. Орзиев, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Жанубий Туркистон (Афғон Туркистони) ҳудудларида мавжуд бўлган ярим мустақил ўзбек бекликларининг XVIII-XIX асрлардаги сиёсий тарихи ва Афғон

давлати таркибига киритилиши жараёнлари “Туркистон тўплами” материаллари асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жанубий Туркистон, ўзбек бекликлари, қабилавий низолар, манғитлар сулоласи, дурронийлар давлати, “Туркистон тўплами”, Ҳиндукуш тоғлари, инглиз-афғон уруши, Россия истилоси, рус-инглиз музокаралари, кавалерия, пенсия, сепаратик ҳаракатлар, мустақиллик.

Аннотация. В данной статье на основе материалов “Туркестанского сборника” освещается политическая история и процесс вхождения в состав Афганского государства полунезависимых узбекских бекств Южного Туркестана (Афганского Туркестана) в XVIII-XIX вв.

Ключевые слова. Южный Туркестан, узбекские бекства, межплеменные конфликты, династия мангытов, государство Дурранидов, “Туркестанский сборник”, Гиндукушские горы, англо-афганская война, Российские завоевания, русско-английские переговоры, кавалерия, пенсия, сепаратистские движения, независимость.

Abstract. The article deals with the political history and process of inclusion into the Afghan state of the semi-independent Uzbek princedoms of Southern Turkestan (Afghan Turkestan) in the 18th and 19th centuries based on the materials of “Turkestanski Sbornik”.

Keywords. Southern Turkestan, Uzbek princedoms, tribal conflicts, Mangyt dynasty, Durrani state, “Turkestanski sbornik”, Hindukush mountains, England-Afghan war, Russian invasion, Russian-English negotiations, cavalry, pension, separatist movements, independence.

Шимолий Афғонистон (Афғон Туркистони ёки Жанубий Туркистон) худуди XVIII аср ўрталарига қадар Бухоро давлати таркибига кирган бўлиб, бу бекликлар Бухоро ҳуқумдори томонидан тайинланган ноиб томонидан бошқарилар эди. Аштархонийлар даврида валиахд шаҳзоданинг Балхда туриши билан боғлиқ тарихий адабиётлардаги фикр-мулоҳазалар бу шаҳар ва минтақанинг Бухоро давлатида алоҳида муҳим сиёсий ва иқтисодий марказ эканлигидан далолат беради. Бухорода манғитлар сулоласи ўрнатилиш арафасида мамлакатда бошбошдоқлик авж олиб, Жанубий Туркистон ёки Афғон Туркистонидagi бекликлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган. Шу вақтда Афғонистонда марказлашга давлат тузишга мувоффақ бўлган Аҳмадшоҳ Дурроний 1852 йилда катта қўшин билан, Маймана, Андхой, Оқча, Шибирғон, Сарипул, Хульм, Бадахшон, Балх ва Бомиён каби бекликлар худудини ўзига бўйсундиради[5, 127].

Абулғозихон ва унинг фарзандларидан сўнг Бухоро худудларини бирлаштириш ҳаракатини бошлаган Муҳаммад Раҳимбий Жанубий Туркистон учун Афғонистон амири Аҳмадшоҳ Дурроний билан кураш олиб боришдан тийилади. Бунинг асосий сабаби янги тузилган Афғонистон давлатида икчи қабилавий низоларни бартараф этилган, фаол ташқи сиёсат олиб борилаётганлиги эди. Иккинчи томондан эса, Бухоронинг янги сулоласидан ички норозиликларнинг кўплигида эди десак иуболаға бўлмайди. Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигининг сиёсий таъсирини кучсизлантириш учун Аҳмадшоҳ Дурроний айрим ўзбек уруғларини марказий ҳокимиятга қарши курашини қўллаб-қувватлаган. Немис олимаси Анке фон Кюгенгелнинг манғитлар даври манбалари, жумладан Кади Вафо Карманаги (“Тухфайи хоний”), Хумули (“Тарихи хумули”), Муҳаммад Шариф (“Таж ат-Таворих”) қабиларга таянган ҳолда Миёнқўлда 1747-1750 йилларда Буркут қабиласидан бўлган Тўғай-Мурод қўзғолонини Аҳмадшоҳ Дурроний Жанубий Туркистонни қўлга киритиш мақсадида қўллаб-қувватлаган деган фикрларни келтирганлигини кўрамиз[17, 78].

Бухорога итоат қилган Афғон Туркистонидagi ўзбек бекликлари ҳам янги манғитлар сулоласига бўйсунмай мустақиллик учун ҳаракат қилаётганди. Ушбу бекликлар мустақил сиёсат юритиб, нафақат Бухоро, балки Афғонистон давлатига ҳам бўйсунмайдилар. Тарихий адабиётлардаги маълумотларда бу бекликлар дурронийлар сулоласи даврида расман Афғонистон давлатига итоат этсаларда амалда Кобул хазинасига бир рупия ҳам ўлпон тўламаганлар[4, 30]. Аммо, Бухоро амирлиги икчи низолар, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этиб Жанубий Туркистонни қайта бирлаштиришга уринишни бошлашга қадар чорак асрдан кўпроқ бой берилган бўлиб, бу вазифани амир Шоҳмурод амалга оширишга уринади.

Афғон Туркистони худудларини Бухоро амирлигига қайтадан итоат эттириш мақсадида амир Шоҳмурод 1788 йилда катта қўшин билан ҳужум қилади. Афғонистон ҳуқумдори Темуршоҳ бу вақтда Багапурда ҳинд князлари билан уруш олиб бораётганди. Аммо, 1889 йилда Шоҳмуроднинг Хуросонга ҳарбий юриши даврида Темуршоҳ Афғон Туркистони худудларига катта қўшин тортиб келади. Шоҳмуроднинг Оқчадаги ноиб Раҳматбий Келифга қочади.

Шохмурод ўзининг бирданига икки худудда кураш олиб боришга имкони йўқлигини яшириш мақсадида Раҳматбий ва султон Муродбийларни унча катта бўлмаган кўшин билан яна ортга юборади. Икки ўртада тузилган сулҳга кўра чегаралар ўзгаришсиз қолган. Яъни, амалда Афғон Туркистони бекликлари мустақиллиги сақланиб қолган. Бу сулҳ Темуршоҳ вафотига қадар давом этган бўлиб, 1793 йилда унинг вафот этиши билан амир Шохмурод яна Балхни қамал қилади. Тахт низолари билан банд бўлган дурронийлар сулоласи Жанубий Туркистонга етарлича эътибор қарата олмайди. Жанубий Туркистон маълум муддат Бухоро амирлигига расман бўйсундирилади[5, 128-129].

XIX аср бошларида ҳам Афғонистонда тахт учун курашлар кучайиб, дурронийлар сулоласи ўрнига садазойлардан бўлган Дўстмуҳаммадхон келгунга қадар бўлган даврда Афғон Туркистондаги бекликларнинг барчаси мустақил бўлган. Уларни Хульм ҳукумдори Қилич Алихон бирлаштирган. “Туркистон тўплами” материалларида ўша даврда Россия, Афғонистон, Эрон, Туркияда Бухоро амирлиги элчиси бўлган Абдул Карим Бухорий эсдаликлари хусусида ёзилиб, Қилич Алихон даврида Афғон Туркистони гуллаб-яшнаганлиги келтириб ўтилади. Унинг асосий иқтисодий ислохоти Жанубий Туркистондан ўтувчи савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлаш ва улардан олинадиган божни камайтириш бўлган. Қилич Алихоннинг 1823 йилда вафотидан сўнг, Хульмга Қундуз ҳокими Муродбек бостириб келади. Хульм ва Балхни талаб аҳолининг катта қисмини Қундузга кўчиради. Уларнинг кўпчилиги Қундуз ботқоқзорликларида безгақдан ўлиб кетганликлари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар тарихий адабиётларда сақланиб қолган [9, 192-193].

Амир Насурллохон даврида Афғон Туркистондаги 12 та беклик тўлиқ бўйсундирилмаган бўлсада, уларни устига вайрон қилувчи ҳарбий юришлар бўлиб турган деган мазмундаги маълумотлар “Туркистон тўплами” саҳифаларидаги маълумотларда келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин[5, 151]. Жанубий Туркистон бу урашлардан вайрон бўлиб, иқтисодий-ижтимоий вазият оғирлашган деган хулосаларга келиш учун барча асослар етарли. Шунингдек, “Туркистон тўплами” саҳифаларида XIX асрнинг қадар Бухоро амирлигига вассал бўлган Афғон Туркистони бекликлари саналиб, улар Маймана, Сарипул, Андхой, Шибирғон бекликлари эканлигини М.Венюков изланишларида келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин[2, 22].

Жанубий Туркистон бекликлари орасида ҳам етакчилик учун курашлар авж олиб умумий душман афғонларга қарши курашга эътибор қаратилмаган. Жумладан, Қундуз ҳокими Мурод Алибек 1830 йилда Бадахшонни босиб олиб, Қўқон хони билан Муҳаммад Али билан яхши муносабатларни ўрнатади[8, 546]. Албатта, бу муносабатлар Бухоро давлатига қарши иттифок юзасидан вужудга келган. Бадахшонни Қундуз беклиги томонидан босиб олиниши борасида “Туркистон тўплами”нинг 29-сонида тўлиқроқ маълумот берилиб, 1822 йилда Бадахшонда ер қимирлаши оқибатида кўплаб аҳоли пунктлари вайрон бўлгани ва таҳликада қолган аҳоли устига Қундуз аскарлари бостириб келганлиги қайд этилган[15, 17-18].

Тарихий адабиётлардаги манбалар таҳлили шуни кўрсатадики XIX асрнинг 30-40 йилларида Жанубий Туркистон ўлкасининг ҳақиқий ҳукумдори Қундуз беги Муродбек бўлган. XIX аср 40-50 йилларида инглиз айғоқчилари тўплаган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Жанубий Туркистон минтақасида Бухоро амирининг энг кучли рақиби афғонлар эмас, бу Қундуз беклиги мири Муродбек Қатаған бўлган[11, 490]. Муродбекнинг сиёсий таъсири Кобул яқинидаги Сейган, Камард қишлоқларига етиб борган. инглиз айғоқчиси Александр Борнс маълумотларига кўра Сейган Кобулга яқин бекликлардан бири бўлиб, унинг ҳукумдори Муҳаммад Алибек гоҳ Кобулга, гоҳ Қундузга, итоат этади. Кобул амирини кўнглини отлар билан олса, Қундуз ҳокимини кўнглини ҳазоралардан асир олинган қизлар билан олади. Камард қишлоғи ҳокими Раҳматулло тожик Қундуз ҳокими Муҳаммад Муродбекнинг ўлпон тўловчиси эканлигини ёзиб қолдирган[14, 98].

Инглиз айғоқчиси А.Борнс берган маълумотларга кўра, Қундуз ҳокими Муродбек Қатаған, Кобулдан Ҳиндукуш тоғларидан шимолдаги барча ерларни бирлаштирган ва мустақил ҳукумдорга айланган[10, 298]. А.Борнс маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Афғон Туркистондаги ўзбек бекликларнинг айримлари ҳали ҳам Бухоро амирлиги таркибига кирган. Чунки, Бухоро амирлиги кўшини ҳақида ўз ҳисоботларида қайд этиб ўтар экан, Борнс Бухоронинг мунтазам кўшинлари сони 20 мингга таъкил этиши, уруш вақтида элжари деб номланувчи халқ милицияси сони 50 мингга етиши, шунинг 10 мингини эса, Амударёдан жанубдаги бекликлар етказиб беришига оид маълумотларни ёзиб қолдирган[11, 483]. Бу эса, Афғон Туркистондаги бекликларнинг бир қисмини XIX аср 40-50 йилларида Бухорога тобе эканлигини билдиради. Бу эса, Жанубий Туркистондаги 12 ўзбек бекликларининг бир қисми Бухорога, бир қисми Афғонистон давлатига ва бир қисми маҳаллий Қундуз беклигига итоат этганлигини кўрсатади.

Туркистон ўлкасига руслар ва афғонлар истилоси давом этаётган даврда ҳам бекликларнинг ўзаро бирлашуви кузатилмади. Вамбери саёҳатлари даврида кичкина Маймана беклигининг ёлғиз ўзи афғонларга қахрамонона мудофаси содир бўлиб, Х.Вамбери майманаликларнинг қахрамонона кураши ҳақида афсоналар тўқилгани, Афғонистон амири Дўстмуҳаммадхон, ўзбек бекликларидан Андхой ҳокими Ғазонфар ва Балх (бу даврда Балх афғонлар кўлида эди-М.О.) ҳокимлари билан биргаликда 1862 йилда Майманани бўйсундира олмайдилар. Афғонлар ва ўзбек бекликларига қарши курашда Бухоро амири Маймана ҳокими Ҳикматхон ва унинг вафотидан сўнг ўғли Ҳусайнхонни қўллаб-қувватлаб турган. Ҳатто, Ҳусайнхонга 10 минг тилла билан молиявий ёрдам кўрсатганлиги хусусидаги маълумотлар сақланиб қолинган[12, 206].

Афғонистондаги ички курашларга барҳам берган ва давлат яхлитлиги тиклаган, биринси ингли-афғон урушида ғолиб бўлган Дўстмуҳаммадхон Жанубий Туркистон бекликларини ҳам ўзига итоат эттиришга ҳаракат қилди. 1873 йилги Россия разведкаси маълумотларига кўра, Дўстмуҳаммадхон Андхой, Маймана (эгаллай олмайди-М.О.), Балх ҳудудларини 1854 йилда бўйсундирганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд[16, 174]. Аммо, Дўстмуҳаммадхон даврида ҳам Қундуз беги Муродбек Қатган ўз мустақиллигини сақлаб қолганлиги билан боғлиқ маълумотлар “Туркистон тўплами” материалларида келтириб ўтилган[6, 56-57].

Қундуз беги Муродбек Қатаган нафақат мустақилликни сақлаб қолган, балки Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга ҳам даъво қилганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади. Унинг кўшини 30 минг отлик ва 6 та тўпдан иборат бўлиб, Амударёдан шимолдаги Вахон ерларига тажовузи номигагина бўлсада Вахон ҳокими Муҳаммад Раҳимни итоат этишга мажбур этган. Рошан ва Шугнан эса, Муродбекка ўлпон тўлашга мажбур бўлган бекликлар сафига қўшилади. Муродбек, фақатгина Дарвозни бўйсундира олмайди. Чунки, Дарвозга катта миқдорда қўшинларни олиб ўтишга тор тоғ йўлаклари имкон бермаслиги бунинг асосий сабаби бўлган[14, 120-121].

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар Муродбек Қатаганнинг давлат мустақиллигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлари бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, ўз давлатига нисбатан қутилмаган тажовузларига қарши туришда сиёсий айғоқчилардан кенг фойдаланган. “Неделя” газетасининг 1878 йил 26 ноябрдаги 48-сонидан келтирилган мақолада А.Борнс Кобулда Қундуз ҳокими Муродбекнинг айғоқчисини учратганлиги ҳақидаги маълумотлар фикримизни асослашга хизмат қилади[13, 201а].

Тарихий адабиётларда Жанубий Туркистон беклиларининг XIX аср 40-50 йилларидаги аҳволи келтирилган бўлиб, Хульм беклиги ҳуқумдори Муҳаммад Амин Мир вали унвонига эга, 1836 йилга қадар вали (ноиб) унвонига эга бўлган ва Қундузга ўлпон тўлаган. Муродбек вафотидан сўнг яна мустақил ҳуқумдор бўлган. Балх эса, аҳолиси кам сонли бўлсада XIX асрнинг 40 йилларидагина мустақил бўлган. Мозори Шариф ҳуқумдори Эшон Шужоиддин ҳам мустақил ҳуқумдор бўлса, Оқча ҳуқумдори Эшон Ўроқ Бухоро амирининг вассали бўлиб ҳисобланади каби жумлаларни учратиш мумкин[14, 127-128].

Россия истилоси арафасида Афғон Туркистони бекликларидан Бухоро амири Ҳайдар умумий душманга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраши ва ушбу ёрдам Жанубий Туркистон бекликлари томонидан кўрсатилмаганлиги манбаларда келтириб ўтилади. Вағоланки, бу даврда Афғонистон шаҳзодаси Абдурахмонхон Жанубий Туркистондаги бекликлардан бири бўлган Маймана қамали билан банд бўлган[7, 2]. Бухорога ёки Майманага қолган беклиларани ҳарбий ёрдам кўрсатмаганлиги Жанубий Туркистон ўлкаси бекликларининг Бухородан тамоман мустақил бўлганлигини, шу билан бир қаторда уларнинг ўзларида ҳам бирлик бўлмаганлигини кўрсатади. Бу эса ташқи душманга қўл келганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Бухоро амирлиги Россия империясига ярим қарам давлатга айлангач, ташқи сиёсатдаги қарамлиги сабабли Жанубий Туркистон бекликларининг ички ишларига аралаша олмай қолади. Жанубий Туркистондаги ўзбек бекликларининг мустақиллигини йўқотишига 1869-1873 йилларда олиб борилган рус-инглиз музокаралари асосий ролни ўйнади. Келишувларнинг асосида Россия ҳуқумати Бухоро амирини Афғонистоннинг шимолий ва шимолий-ғарбий чегараларига бўлган даъволаридан тийиб туриши масаласи турганди[19, 271].

Инглизларнинг қўллаб-қувватлаши билан 1873 йилдан бошлаб, афғонлар сўнгги мустақил беклик бўлган Майманага дахл қила бошлайдилар. Маймана беклигининг Россиядан ҳарбий ёрдам сўраши самарасиз кетади. 1875 йилда афғонлар Андхой беклиги ёрдамида Мамайгани ишғол қиладилар. Бу ёрдам эвазига Андхой беклиги ички бошқарувда мустақилликни сақлаб қолишга эришади. Бухоро амирлигининг Маймана ўзига тобе беклик эканлиги тўғрисидаги даъвоси инглиз-рус дипломатияси таъсири билан тинчителиди[3, 105].

Рус генерали, кейинчалик Туркистон генерал губернатори бўлган Н.Гродеков 1878 йилда Туркистон генерал губернаторлиги бош штабидан таътилга чикқач, Афғонистон, Эрон ва Кавказ орқали Петербурга боради. Унинг йўл хотираларида Афғонистон давлатининг Жанубий Туркистонни бўйсундириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, муаллиф; ўша пайтда Андхой беклигининг ярим мустақил эканлиги, тўрт йил олдин Маймана беклигини бўйсундириш эвазига бу эркинликка эришгани, Андхойда афғон кавалерия полки туриши, ҳуқумдор мир Давлатхон Кобул хазиначидан йилига 12 минг рубль (7200 рупия) пенсия олиши, аммо, ички бошқарувда мустақиллигини сақлаб қолганлигини ёзади. Шунингдек, Афғон Туркистондаги бошқа бекликлар тақдири ҳақида ҳам ёзиб, Маймана 1874 йилда бўйсундирилгани, Маймананинг сўнгги мири Хусайнхон Кобулда асирликда эканлиги, Майманага афғонларга қарши курашда ёрдам берган Сарипул ва Шибирғон мирлари тақдири ҳақида ҳам ёзиб, Сарипул мири Мухаммадхон Кобулда асирликда бўлса, Шибирғоннинг сўнгги мири Эшон Лурах асирликда вафот этганлиги, Балх (Мозори Шариф) 30 йил олдин (1848 й) қўшиб олинганлиги, унинг сўнгги ҳуқумдори Рустам Кобулда ўз жияни томонидан ўлдирилгани, 400 хонадондан иборат Гурзивон беклиги 10 йил олдин (1868 й) афғонлар томонидан босиб олинганлиги, уч қишлоқдан иборат (Дарзоб, Белчироқ, Калон) Дарзоб беклиги ҳам 1868 йилда босиб олинган, Қундуз ва Хульм эса, 30 йил олдин ярим қарам давлатга айлантирилганлиги, Бадахшон беклиги 1874 йилда бўйсундирилганлиги, Унинг сўнгги ҳуқумдори Жаҳондоршо Қўқон яқинидаги Учтепа қишлоғида руслар берган 1500 рубль пенсия эвазига яшагани, 1878 йилда эса, ўзининг икки ўғли томонидан уриб ўлдирилганлиги билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтган[18, 21-22].

Маҳаллий ўзбек-тожиклар афғонлар томонидан шафқатсиз таҳқирланади. Афғонларнинг зулмидан маҳаллий аҳолининг норозилигини “Туркистон тўплами”даги кўплаб мақола ва хабарлардан билиб олиш мумкин. Ҳатто, Н.И. Гродеков ҳам ўзбекларнинг руслар Самарканд билан чекланмай Амударёдан ўтишлари ва уларни Россия империясига қўшилишларига умидворликлари, руслар бекликлар аҳолисига енгиллик беришларига ишонишларини ёзиб қолдирган. Шунингдек, Дарвоз хони Абдуфиза, Шугнон шоҳи Юсуфали, яна қандайдир мир Бобухон ва Бадахшоннинг норози дворянлари ўзларини Россия қўллаб-қувватлашига умидворликларига оид маълумотларни 1878 йилги “Туркистон тўплами”да келтирилган маълумотларда учратишимиз мумкин[1, 153].

Хулоса қилиб айтганда XIX асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Туркистондаги ўзбек бекликларининг мустақиллиги ўзаро келишмовчиликлар, ташки душманга қарши бирлашилмаганлиги, етакчилик учун курашлар, марказий ҳокимиятдан қочиш (сепаратик) ҳаракатлар сабабли ўз мустақиллигини йўқотади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Внешняя известия. //Туркестанский сборник Т-246. – 149-154 с.
2. Венюков М. Очерки международных вопросов в Азии (1877). //Туркестанский сборник Т-185. – 51 с.
3. Венюков М.И. Очерк политической этнографии стран лежащих между Россиею и Индиею. //Туркестанский сборник Т-223. – С. 94-115.
4. Ганковский Ю.В. Империя Дуррани. Очерки административной и военной системы. – М.: Издательство восточной литературы, 1958. – 170 с.
5. История Бухары или Трансоксании с древнейших времён до настоящего. Германом Вамбери. Перевод А.И. Павловскаго. – С.Петербург, 1873.//Туркестанский сборник. Т-70. – 228 с.
6. Ковалевский Е.П. Странствователь по Суше и морям в 4-х частях. – С.-Петербург типография бр. Глазуновых. Больщ. Мещ. д. № 8. //Туркестанский сборник Т-32. – 238 с.
7. Новости из Центральной Азии. //Туркестанский сборник Т-6. – 1-4 с.
8. Премечания и дополнения переводчика//Туркестанский сборник Т-18. – 288-546 с.
9. Путешествие русскаго посольства по Аф-ну и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. Из дневников члена посольства И.Л. Яровского. В двух томах том-I. – С.-Петербург. Типография д-ра М.А. Хана 1882. //Туркестанский сборник Т-288. – 385 с.
10. Путешествие в Бухару: Разказах о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками Великобританскаго короля и отчёт о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию. Предпринятом по предписанию ввешаго правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индийской Компанейской службы Александром Борнсом. – Москва.: В университетской типографии 1848. //Туркестанский сборник Т-38. – 502 с.
11. Путешествие в Бухару: Разказах о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками Великобританскаго короля и отчёт о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию. Предпринятом по предписанию ввешаго правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индийской Компанейской службы Александром Борнсом. – Москва.: В университетской типографии 1848. //Туркестанский сборник Т-39. – 636 с.
12. Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берега Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научною целью по поручению

Венгерской академии в Пешт, членом ея А.Вамбери. С 12 картинами, 4 картою. – Москва издание А.И. Мамонтова 1867. //Туркестанский сборник Т-12. – 370 д. с.

13. Путишествие в Кабул покойного подполковника Александра Борнса. //Туркестанский сборник Т-243. – С. 201-201 а.

14. Сведения о странах по верховье Амударьи. Составитель И.Минаев. – С.-Петербург. Типография В.С. Балашева 1879. //Туркестанский сборник Т-286. – 273 с.

15. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. С картою Средней Азии составил капитан генерального штаба. Л.Костенко. Издание А.С. Бозуново. – С.-Петербург. Типография В.Безобразова и комп. 1890. //Туркестанский сборник Т-29. – 399 с.

16. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – С.-Петербург. типография Меркульева, Графский пер, д. № 5. 1875. //Туркестанский сборник Т- 93. – 362 с.

17. Фон Кюнгел Анке. Лигитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв). –Алматы: Издательство “Дайк-Пресс”, - 2004. - 516 с.

18. Через Афганистан. Путевия записки генерального штаба полковника Н.И. Гродекова. – С.-Петербург. Издание книжного магазина “Новаго времени” 1880. //Туркестанский сборник Т-241. – 86 с.

19. Шир Али и его отношения к Англии. //Туркестанский сборник Т-296. – С. 233-290.

УЎК 93/94

БУХОРО ОБЛАСТЬ АҲОЛИСИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ: ҒОЯВИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЪСИР ЎТКАЗИШ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Б.Н. Ризаев, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Совет ҳукумати олиб борган кўчириш жараёни сиёсатининг Бухоро вилояти мисолида таъсирининг ғоявий-психологик механизми таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: кўчириш, стереотип, туртки, туртки, янги ер, зеленник.

Аннотация. В данной статье анализируется идейная-психологическая механизм воздействия политики переселенного процесса проводимой советским правительством на примере Бухарской области.

Ключевые слова: переселения, стеротип, мотивация, импульс, новая земля, целенник.

Abstract. This article analyzes the ideological and psychological mechanism of the impact of the policy of the resettlement process carried out by the Soviet government on the example of the Bukhara region.

Key words: resettlement, stereotype, motivation, impulse, new earth, target.

Большевиклар ҳокимиятни эгаллаши билан коммунистик ғояларни жамият аъзолари онгига сингдиришни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб қаради. Коммунизм қуриш ҳақидаги назария совет кишиларининг фашизмга қарши курашда қахрамонликка чорлаган, ғалабага етаклаган ғоя бўлди. Урушдан сўнг партия илгари сураётган ҳар қандай ғоя ва дастурларнинг тўғрилиги деярли ҳеч бир совет кишисидан шубҳа уйғотмасди. Ғалаба жамиятда совет ҳукумати обрў-эътиборининг ниҳоятда ошиб кетишини таъминлаганди. Ҳукумат урушдан сўнг тадбиқ этган ҳар бир янги лойиҳасига умумиттифоқ тусини бериб, барча куч ва воситаларни бирлаштиришга уринди. Жумладан, оммавий кўрик кампанияси ҳам бундан мустасно эмасди. Жамиятнинг ҳар бир қатламига ғоявий-психологик таъсир ўтказиш орқали янги ерларда ишчи кучига бўлган талабни қондириш кўзда тутилганди. Тарғибот-ташвиқот тадбирларига барча таълим муассасалари, шунингдек, жамоатчилик органлари ҳам сафарбар этилди. Аҳолига давлат илгари сураётган янги ерларни ўзлаштириш ғояси мамлакат истиқболини белгиловчи омил сифатида тушунтирилди. Натижада бошланган хайрли ишга ҳар бири киши оз бўлса-да, ўзининг ҳиссасини қўшишга уринди. Ғоявий-психологик таъсир аҳолини янги ерларга ундовчи ўзига хос эмоционал импульс уйғотишга хизмат қилди.

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошланган кўрик жараёнида миллионлаб аҳоли режа асосида ва жамоатчилик чақирғи билан янги ерга кўчиш истагини билдирганди. Янги ерларни ўзлаштириш жараёни бевосита инсон психикаси билан алоқада амалга оширилди. Аҳолини янги ерларга кўчириш жараёнида чўлқуварлардаги ички руҳий кечинмалар уч босқичда юз берди.

1. Шахсда кўчишга хохиш-истакни уйғониши ва ҳал қилувчи қарор қабул қилиш;

2. Янги ерга кўчирилган аҳолининг адаптацияси;

3. Чўлқуварларда янги стереотип, қадрият ва установкаларнинг шаклланиш босқичи.

Ижтимоий фан соҳаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида шахс эҳтиёжлари ва уни қондириш ўртасидаги қарама-қаршилик миграцияга бўлган истакни юзага келтириши таъкидлаб ўтилди[15, -С.18]. Шу билан бирга халқларнинг ўзига хос стереотиплари ҳам шахсда кўчиш

хошиш-истагини пайдо қилишда муҳим роль ўйнади. 1954 йилдан оммавий кўриқ кампаниясига старт берилиб, Қозоғистон чўлларига минглаб мигрантлар келдилар[4]. Янги ерда ишлаш истаги билан келган чўлқуварларнинг асосий қисми Европа тилли аҳоли вакиллари билан иборат бўлган. Уларда ёшлиқда ўз ҳаётини мустақил режалаштириш кўникмалари шакллантирилиб борилганди. Қолаверса, бундайларнинг ҳар бир қилган индивидуал ҳаракатлари рағбатлантириб турилганди. Натижада бундай шахсда ёшлигиданоқ миграцияга ижобий муносабатлар пайдо бўлганди. Ижобий қарашнинг шаклланишида сўзсиз ота-она таъсири беқиёс бўлган[12, -С. 130]. Шу боисдан совет ҳукуматнинг кўчириш сиёсати Марказий ва Ғарбий минтақаларда режа бўйича амалга оширилганди.

Бирок, Ўзбекистонда аҳолини кўчириш сиёсати жуда мураккаб кечди. Шундай бўлишига қарамасдан, Иттифоқ маъмурлари курашни бир лаҳза бўлса-да тўхтатмадилар. Охир-оқибатда нисбатан ижобий натижага эришилди.

1950-йилларда ҳам маҳаллий аҳоли маиший турмушида диннинг таъсири катта бўлган. Ислондаги жамоавийлик ақидалари ҳар бир мусулмонга ёшлиқдан қатъий тартибда синдириб борилган. Индивидуал жамиятга шахс сифатида ўзини намоён қилиш даврига қадар жамоавийлик истаги унда эътиқодга айланиб улгурганди. Натижада ҳар қандай индивидуал ҳатти-ҳаракатларга жамият томонидан ўта салбий муносабат билдирилган. Шу жумладан, кўчиш қарори қаттиқ танқид остига олинган. Маҳаллий аҳоли айниқса, ёшлар қатлами миграция тушунчасини ҳатто, ҳаёлларига ҳам келтира олмасдилар. Ушбу ҳолат совет ҳукумати амалга оширган кўчириш сиёсати таҳлил қилинганида анча ойдинлашди. Жумладан, марказий минтақалардан кўчирилганлар ўртача 16-24 ёш атрофидаги ёшлардан иборат бўлган[16, -С. 26]. 1950 йилда Ғиждувондан Когон районига кўчиш истагини билдирган аҳолининг ёши таҳлил этилганда 6 нафар оила бошлиғи 20 – 22 ёш оралиғида, 47 нафар оила бошлиқлари 40 ёш ва ундан юқорилиги маълум бўлди[3]. Кўриниб турибди-ки, Ўрта Осиё республикалари (Ўзбекистон, Тожикистон) аҳолисининг ёшлар қатламида кўчишга хошиш-истак билдирганлар камчиликни ташкил этган. Ёши 40 – 50 орасидаги оила бошлиқлари кўчиш истагини билдиришининг сабаби, ўзлари яшаб турган муҳитда пайдо бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммо ва оилавий эҳтиёжларни қондириш жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч келганида эди. Масалан, Когон район XXII партсъезд совхозига Ғиждувондан кўчма хўжалик вакили бўлиб келган Аброр ака: “Оилада кўпчилик бўлганмиз, уй-жой муаммоси бизни чўлга етаклаган”, – деб таъкидлайди[5]. Ғиждувон район аҳолиси зичлиги ҳисобга олинса, юқоридаги фикр асосли экани маълум бўлади. Олот райони “Олот” совхозига Бухоро район маданият колхозидан келган Равшан ака: “Отадан эрта етим қолганмиз. Ёлғиз онамиз бизни боқиш учун шу совхозга кўчишга қарор қилдилар. Бу ерда онамизга уй-жой, иш ва яхшигина маош таклиф қилинган[11]”, – деб хотирлайди. Юқорида келтирилган шахсий мулоқот материалларидан аҳоли имконсиз ҳолатлардагина кўчишга қарор қилганлиги маълум бўлади. Чунки ўзбек халқида туғилиб, вояга етган заминга, ота-боболари юрти илдиздан бошланиши, ўзи дунёга келган заминда яшаб қолиш менталитети жуда кучли бўлиб, совет ҳокимияти йилларида 77 фоиз ўзбек ўз ерида яшаган. Ҳолбуки бу даража бутун иттифоқда 49.1 фоизни ташкил этарди. Уларнинг кўчишига нима бу даражада тўсиқ бўлди? Қаршилиқ шу қадар енгиб бўлмас даражада кучлимиди? Биринчидан, ёшлиқдан индивидуал шаклланган установакалар хошишнинг ҳал қилувчи қарорга айланишига монелик қилган ва қарама-қаршилиқлар натижасида инсон руҳиятида зўриқишни келтириб чиқарган. Иккинчидан, янги ерга кўчиш истаги қарорга айлангудек бўлса, жамиятнинг қаттиқ қаршилигига учраган. 1960-йилларда Мохончўл массивига уч киши боришга қарор қилди. Улардан бири Шопирча қишлоғидан Каримжон ўзи билан чўлга поччасини ҳам эргаштириб кетиш мақсадида опасига ниятини маълум қилади. Буни эшитган Мухтарама бирдан ловуллаб кетади:

-Шундай соя-салқин турганда чўлда бало борми? Жингактош бўлиб чўлда шўр ялашни ким кўйибди[21, -Б. 150], – дейди у.

Ўз яқинлари томонидан ўтказилаётган таъсирга жамиятнинг ҳар бир аъзоси қўшилса-чи? Ўзи кўрмаган, билмаган ва ҳатто, тасаввур ҳам қила олмайдиган кимсасиз чўлга кўчишга қарор қилиш учун инсондан катта куч-ирода мислсиз босиқлик талаб этилган. Қолаверса, у ўзидаги ички қарама-қаршилиқларини енга олган тақдирдагина кўчишга қарор қилиши мумкин бўларди. Шахсни кўчиш қарори амалга ошса-да, жамиятнинг унга нисбатан салбий таъсири давом этарди. Бу эса тинч ҳаётнинг остин-устин бўлишига олиб келарди. 1970-йилларда Ўртачўл массивида жавлон ураётган Файзуллага қарата укаси Фозил:

-Ҳали чўлга келганингизга уч йил бўлди. Хўш нимага эришдингиз?[8] -деганди.

Кўчиш қарори кенг жамаотчилик орасида ҳам муҳокама бўлган ҳолатларни кўриш мумкин. Муҳокамаларда миграция қаттиқ қоралиниб, унга нисбатан салбий қарашлар кучайтирилган. 1969 йилда Бухоро районидан Ўртачўлга келган Бахшулла аканинг кўчиш қарори синфдошлари орасида муҳокама қилинди. Синфдошлар орасидан “аҳволинг шуми?”-дегувчилар ҳам топилди[9].

Бундай вазиятда аҳолини кўчириб бўлмаслигини яхши англаган совет ҳукумати муаммони илмий таҳлил этиш ва амалий ечимларини топишга эътиборни кучайтирди. Тадқиқотларда Иттифоқ таркибида истиқомат қилувчи халқлар миграцион интенсивлик коэффицентини аниқлаш ва кўчирилган жойда икки йилдан ортиқ яшаш фоизлари ҳисобга олинган ҳолда олиб борилди. Совет Иттифоқи халқлари 4 гуруҳга ажратилди.

1-гуруҳга -руслар, украин, беларус ва литваликлар киритилди. Бу халқларнинг миграцион интенсивлик коэффицентини навбатдаги гуруҳларга нисбатан юқори ҳисобланади. Янги ерда икки йил ва ундан ортиқ яшаб қолганлар 5 – 7 фоизни ташкил этган. 2-гуруҳга – молдаван, қозок, эстон ва латишлар кирган. Биринчи гуруҳ вакиллари билан таққосланганда миграцион интенсивлик коэффицентини 1,5 марта паст. Янги ерларда молдаванлар – 3,1 фоиз, эстонлар – 5 – 8 фоиз яшаб қолган. 3-гуруҳга – қирғиз, озарбайжон, туркман, армани ва грузинлар кирган. Биринчи гуруҳга нисбатан миграцион интенсивлик коэффицентини 1,5 – 2 марта паст. Янги жойда кўчганларининг 1,4 – 2,5 фоизи яшаб қолган. 4-гуруҳ-ўзбек ва тожик кириб, биринчи гуруҳга қараганда миграцион интенсивлик 3 марта паст бўлиб, кўчирилган жойда уларнинг бор-йўғи 1,4 – 2,2 фоизи яшаб қолгани маълум бўлади[17, -С.45].

Бухоро область аҳолиси таркибини асосан ўзбек ва тожик миллати вакиллари ташкил этишини ҳисобга олсак, аҳолини кўчириш қанчалик мураккаб кечганлиги маълум бўлади. Бу борада архив ҳужжатлари янада аниқ маълумот беради. Жумладан, 1952 йил Когон район ижроия кўмитаси раиси Исабаевга Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область совети томонидан махсус хат юборилганди. Унда районга кўчирилган хўжаликлардан 45 таси руҳсатсиз кўчирилган жойларини тарк этгани таъкидланган. Уларни ўз жойларига қайтариш учун қилинган уринишларга қатъий қаршилик қилаётганликлари кўрсатилади. Агар кўчма хўжаликлар қайтишни исташмаса, улар учун давлат томонидан ажратилган кредит ва сарф-харажатларни қоплашни зиммаларига юклатишга кўрсатма берилган[6]. Маъмурият томонидан олиб борилган ихтиёрий-мажбурий кўчириш сиёсати аҳоли томонидан рад этилди. Область аҳолиси ўзи яшаб турган манзилдан узоқ, айниқса чўл минтақаларига кўчирилишига қарши бўлган. 1950 йилда Гиждувон районидан 100 та хўжаликни “Нарпай” совхозини худудидаги янги ерларга кўчириш режа қилинганди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот жараёнида бирор киши кўчиш истагини билдирган эмас. Натижада режа барбод бўлди[2].

Область аҳолиси ўз урф-одати ва анаъналарига содиқ бўлиб, кўчириш борасида қилинган ҳар бир ҳаракатга ижобий бўлмаган муносабатини сақлаб қолди. Кўчиш истагининг қарорга айланиши учун ҳар бир одам ўз ички туғёнларини енгиб ўтишига тўғри келарди, лекин кўпчилик учун бу осон кечмаган. Мохончўлнинг илк чўлқуварларидан бўлган Каримжоннинг ички кечинмалари ўша давр манбаларида жуда аниқ тасвирланганди. “У ўзи ўйлаган режасини мушоҳада қилиб, пишитиб олди. Ариқ лабида сарғайиб, қировдан қорамтир бўлиб қолган майсаларга бир зум боқди: “Сенинг чечак отган орзунг ҳам худди шу майсалардек шўлғулланиб қолса?” Нима дейман ўзимга? Даҳшат?[22 –Б. 148]”

Иттифоқ ҳукумати янги ерларни ўзлаштиришда ёшлар кучидан фойдаланишга катта умид қилганди. Ёшларда ўз даврига хос қизиқувчанлик ва шижоат кучли бўлиб, қалбида орзу-ҳавас жўш уриб турарди. Ёшлар онгига осон таъсир қилиш мумкинлиги ҳукуматга аён эди. Шу сабабдан барча давлат ва жамоат ташкилотларини жалб этган ҳолда, янги ерларга ёшларни йўналтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Асосий эътибор руҳий таъсир ўтказишга қаратилди. Бунда жамоатчилик даъвати, чўлқуварлар томонидан мактублар ташкил этиш, матбуот органларида чўл саргузаштларини романтик мадҳ этиш каби таъсирчан воситалардан фойдаланилди. 1955 йилда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштиришга боришни истаган комсомол-ёшлар Москва йиғилиши қатнашчиларининг Совет Иттифоқидаги комсомол ва ёшларга мурожаати эълон қилинди. Унда ёшларнинг биринчи отряди комсомол йўлланмаси билан ўтган йилда янги ерларга жўнаб кетгани айтилганди. Бепоён ватанимизнинг ҳамма ерларида яшовчи ёшлар уларнинг “Янги ерларга!” деган жангавор чақириғини астойдил қўллаб-қувватладилар[13]. Тарғибот тадбирлари учун мўлжалланган материаллар пухта ўйланган ҳолда тайёрланган бўлиб, ёшларда фахр, ифтихор уйғотишга хизмат қилган. Мурожаатда партиянинг иродасини астойдил бажарадиган мард ва жасур ташаббускор кўп минглаб азамат кишиларни кўрик ерга боришга чақирамиз[13], дейилади. Қилинган саъй-ҳаракатлар ёшларда ўзига хос мотивация шаклланишига беқиёс ҳисса қўшди. 1956

йил Мирзачўлга минглаб ёшлар якка тартибда эмас, балки эшелон-эшелон бўлиб келдилар[20, - С. 21]. Совет ҳукумати ёшларга мотивация берувчи умуммамлакат аҳамиятига молик омиллар билан бир қаторда, ҳар халқни ўзига хос стереотип хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни унутмади. Жумладан, Ўрта Осиё аҳолисидаги ўзига хос содда, ишонувчан ва оқ кўнгиллилик каби жиҳатлар янги ерга бурч нуқтаи назаридан йўналтиришга ҳаракат қилинган бўлса, бошқа миллат ёшлари учун моддий рағбатлантириш ва имтиёзлар кўз-кўз қилинди. Янги ерларга келган ёшлар учун яхшигина ойлик маош ва рағбатлантириш тизими жорий этилган. Чўлнинг йирик қурилиш майдонига айлангани ҳам ёшларни чўлга етаклашда муҳим аҳамият касб этган. Марказий минтақаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўз келажагини режалаштириш асносида чўлда моддий таъминотни яхшилаш, уй-жойга эга бўлиш, оила қуришни мақсад қилди[18, -С. 89]. Ўзбек ёшларининг ҳаёт йўллари аксарият ҳолларда ота-она томонидан белгиланган. Шу сабабдан кўпчилик маҳаллий ёшлар ҳалол меҳнат қилиб, орзу-ҳавасга эришиш (кўчган жойда эмас, ўзи яшаб турган жойига қайтиб-диссертант) мақсадида кўчишга қарор қилишади. Қолаверса кўчирилган ёшларнинг асосий қисми ҳали оила қуришга улгурмаган ва бу ҳолатни вақтинча, деб тушунишган. Ота-оналар эса албатта, фарзандлари қайтиб келишига ишончи комил бўлгани сабабли, улар қабул қилган қарорга қатъий қаршилиқ кўрсатмадилар. Лекин ҳукумат томонидан ўтказилаётган босим остида миллий урф-одат ва аъаналарга аста-секинлик билан бўлса-да зарба берилаётганини кўриш мумкин. Сабаби, чўлга кўчиб келувчи ёшлар орасида нафақат бўйдоқлар, балки ёш ва кўп болали оилалар ҳам бўлганлиги[10, -Б.6] воқеалар гувоҳлари томонидан қайд этилади. Бундан ташқари ўтказилган сўровлар янги ерга ёшлар ўз бурчларини бажариш учун келган, деган хулоса қилишга ундайди. Мисол учун Қарши чўлига келган қурувчи ёшлар ўртасида ўтказилган сўровда: “Сизни Қарши даштига келишга нима мажбур этди?”-деган саволга жавоб: ватан олдидаги бурч, фуқаролик виждони, юрак амри, энг қийин жойда бўлиш истаги, кўриқ ўлкани ўзлаштиришга ўз кучим билан ёрдамлашиш, романтика[1, -Б. 21-23]-деган жавоблар берилган.

Ўзбекистондаги кўриқ маркази Мирзачўл чўлқуварлари ўртасида ўтказилган сўров ҳам юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. Экскватор машинисти Николай Воронин: “Нима учун Мирзачўлга келдингиз?” деган саволга қуйидагча жавоб берганди: “Мирзачўлга ҳужум бошланганлигини эшитиб қолдим. Шунда келажакни ўз қўлинг билан яратсанг, Ватан бойлигига бойлик қўшсанг, қандай яхши, деган фикр миямга келди. Ҳеч иккиланмай Янги ерга келдим[19, - Б. 21]”-деганди.

1950 йиллардан бошланган кўриқ кампаниясида иштирок этиш истагини билдирган барча ёшларга нисбатан ўша даврнинг машҳур “қалб амри билан келганлар” ибораси қўлланилди. Исломига эътиқод қилувчи Ўрта Осиё аҳолисига хос бўлган миллий ментал хусусиятлар ҳам совет ҳукумати назаридан четда қолмади. Бу халқларда моддийликдан маънавий дунёни устун билиши ҳисобга олинган ҳолда, Ватан олдидаги бурч инсонни чўлга етаклайди, деган ғоя сингдирилди. Ўша давр матбуот саҳифаларининг ҳар бири ёшларда ўзига хос истак уйғотувчи эпиграфлар билан бошланган. Жумладан, Ўртачўл чўлқуварлари ҳаётини ҳикоя қилишга қаратилган очерклардан бирида одамларни чўлга нима бошлайди? Шухратми?, Қахрамонликми?, Ордон олишми?, Молдунё орттириш ишқидир балки?[7] - сўзлардан иборат эпиграф берилганди. Бир сўз билан айтганда қийинчилик билан бўлсада, аҳолини кўчиришга эришилди. Галдаги вазифа чўлқуварларни янги ерларга адаптация жараёни билан боғлиқ эди.

Шахснинг адаптация (мослашув) жараёни XX асрнинг 50-йилларидан психология, ижтимоий-психология, социология ва фалсафа фанларида ўрганилган. Аммо, ҳалигача мигрантларни янги жойга мослашуви мавзусидаги илмий тадқиқотларни етарли, деб бўлмайди. XXI асрда миграция умумжаҳон муаммолари қаторида кўрилаётган бир даврда кўчирилганларнинг адаптация жараёни тадқиқотчилар эътиборидан четда қолаётгани таажжубланарлидир. Ижтимоий-психологияда мослашувнинг асосий усули – шахс томонидан янги ижтимоий муҳит (гуруҳ, жамоа, ташкилотлар-диссертант) меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, шу муҳитда ривожланган ижтимоий муносабат шакллари (расмий ва норасмий алоқалар, етакчилик услуби, оилавий ва қўшничилик муносабатлари)ни қабул қилиш тушунилади. Бу ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, шахсий ва ижтимоий манфаат ҳамда ижтимоий вазифа (функциялар) тоифалари орқали аниқланади[14, -С. 58]. Дарҳақиқат, янги ерга келган ҳар бир чўл ўзлаштирувчисидан янги ижтимоий роль ва позицияга эга бўлиши талаб этилган. Чўлқуварлар янги ерга келиб гувоҳи бўлган илк ҳолат уларни ажабланишга мажбур қилди. Сабаби, уларни улкан кум барҳанлари-ю, турна қатор қилиб қурилган палаткалар қарши олди. Ажабланиш шахсда ўзига хос катализатор вазифасини бажариб, ундан ижобий ёки салбий эмоциялар ҳосил бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда қийинчилик билан бўлсада, аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчиришга эришилди. Ишонувчан, оқ кўнгил, меҳнаткаш туб ерли аҳолини чўл бағрида улкан кум барҳанлари-ю, турна қатор қилиб қурилган палаткалар қарши олганди. Бу эса иттифоқ ҳукуматининг навбатдани ҳила-найранги эканлигини айна кўчган хўжаликларгина ўз кўнглида ҳис қилганди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алиев Н. Баҳодор диёр сафга турмоқда “Қаршистрой” кишилари.// Ўзбекистон агитатори. –Тошкент, 1969. -№19. –Б. 21-23.
2. Гиждувон туман давлат архиви 3-фонд, 1-рўйхат, 195-йиғма жилд, 66-варақ.
3. Гиждувон туман давлат архиви 3-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 1-варақ.
4. Казахстанско-российская миграция советский период!: Основные тенденция izvstia.asu.Rushist.TheNe. (мурожаат қилинди 12.01.2020 йил)
5. Когон район XXII партсъезд совхоза ферма мудири А.Музаффаров билан муаллифни шахсий суҳбати. 2019 йил, 15 апрел.
6. Когон туман давлат архиви 22-фонд, 1-рўйхат, 75-йиғма жилд, 62-варақ.
7. Қизил тонг, 1977 йил 12 июнь.
8. Қизил тонг, 1977 йил 6 август.
9. Қизил тонг, 1989 йил 14 март.
10. Мирзачўл садоси. Духовный В.А., Абдураимов Ф.М., Нарзикулов М.Н. –Тошкент, 2016. –Б. 6.
11. Олот район “Олот” совхозига кўчма хўжалик вакили бўлиб келган Р.Чориев билан муаллифни шахсий суҳбати. 2019 йил 20 май.
12. Переведенцев В.И. Методы изучения миграция населения. –Москва: Наука, 1975. –С . 130.
13. Правда Востока, 1955 йил 7 января.
14. Проскуракова О.П.Адаптация мигрантов как социальный процесс.// Вестник ОГУ. –Омск, 2007. -№4. –С. 58.
15. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса: очерки и теории и методов исследования. –Москва: ИСПИ РАН, 2003. –С. 18.
16. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса: очерки и теории и методов исследования. –Москва: ИСПИ РАН, 2003. –С. 26.
17. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса: очерки и теории и методов исследования. –Москва: ИСПИ РАН, 2003. –С. 45.
18. Федченко М.Н. Повседневная жизнь советского человек. (1945-1911 гг) -Курган: Изд-во Курганского гос. Ун-та, 2009. –С. 89.
19. Хусанов Н. Ўзбекистон комсомоли янги ерларни ўзлаштириш ташаббускори. –Тошкент: Ёш гвардиячи, 1989. –Б. 21.
20. Хусанов Н. Ўзбекистон комсомоли янги ерларни ўзлаштириш ташаббускори. –Тошкент: Ёш гвардиячи, 1989. –Б. 8.
21. Шарофутдинов С. Бухоро илғорлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1968. –Б. 150.
22. Шарофутдинов С. Бухоро илғорлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1968. –Б. 148.

УЎК 93/94

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА” АСАРИ КОНЛАР ВА ЕР ОСТИ МАЪДАНЛИ СУВЛАРИ -ЧАШМАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ МАНБА

С.Р. Тураева, т.ф.н., Ўзбекистон Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асрининг XVI аср Ўрта Осиё тоғ кончилиқ тарихини ўрганишидаги аҳамияти ва ундаги маълумотларни бошқа тарихий манба ва адабиётлар маълумотлари асосида қиёсий таҳлил қилинган. “Бобурнома” асри Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг XVI асрдаги тоғ-кон соҳаси, ер ости табиий бойликлари, маъданли сувлари, тоғ-кон соҳаси хомашёси билан боғлиқ хунармандчилик турлари ва уларнинг савдоси тарихига оид қизиқарли маълумотларни берувчи қимматли манба эканлиги ўрганилган. Мақолада Қўқон хонлигининг тарихий ҳудудлари Фарғона, Хўжанд, Ўш ва Қобул вилояти унинг тоғларидаги конлар ҳамда ҳудудда жойлашган чашмалар ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: “Бобурнома”, тоғ-кон иши, конлар, фируза кони, темир, кумуш, маъданли сув, чашма, ер ости табиий бойликлар, қимматбаҳо тошлар.

Аннотация. В статье на основе других исторических источников и литературы проводится сравнительный анализ значения «Бобурномы» Захириддина Мухаммада Бабура в изучении истории горного дела Средней Азии в XVI веке и содержащейся в ней информации. Бобурнома - ценный источник интересной информации о древних городах Средней Азии,

горнодобывающей промышленности Ирана, Афганистана, Пакистана, Индии в XVI веке, природных ресурсах, минеральных водах, видах ремесел, связанных с добычей сырья и истории горного дела.

В статье представлена информация об исторических регионах Кокандского ханства - Ферганской, Ходжандской, Ошской территория и Кабульской область а также месторождениях в ее горах и источниках, расположенных в этом районе.

Ключевые слова: «Бобурнома», горное дело, месторождения, месторождение бирюзы, железо, серебро, минеральная вода, источник, подземные природные ресурсы, драгоценные камни.

Abstract. Based on other historical sources and literature, the article provides a comparative analysis of the significance of Zakhiriddin Muhammad Babur's "Boburnoma" in the study of the history of mining in Central Asia in the 16th century and the information it contains. Boburnoma is a valuable source of interesting information about the ancient cities of Central Asia, the mining industry of Iran, Afghanistan, Pakistan, India in the 16th century, natural resources, mineral waters, types of crafts related to the extraction of raw materials and history of mining.

The article provides information on the historical regions of the Kokand Khanate - Fergana, Khojand, Osh territories and Kabul regions, as well as deposits in its mountains and sources located in this area.

Key words: "Boburnoma", mining, deposits, turquoise deposit, iron, silver, mineral water, source, underground natural resources, precious stones.

Буюк Бобоколониимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўзбек халқини доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан биридир. У асос солган Бобурийлар салтанати Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилди. Ушбу буюк саркарда жаҳон тарихида истеъдодли шоҳ ва шоир сифатида, беназир адабий мероси, бунёдкор ишлар соҳиб, кучли давлат арбоби сифатида юксак ўрин эгаллайди. У яратган тарихий меъмуар асар “Бобурнома” ўзида ҳозирги Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон тарихига оид қимматли сиёсий тарихий, географик, этнографик маълумотларини сақлаши билан ноёб манба ҳисобланади. Бугунги кунда биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари Ўрта Осиё тоғ-кончилик соҳасини ўрганишда ҳам муҳим манба эканлигига шохид бўлмоқдамиз. Хусусан мазкур асарда нафақат Ўрта Осиё балки Қобул, Ҳиндистон ҳудудидаги маъданли конлар, чашма- минерал сувли ҳудудлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Эътиборимиз марказидаги кончилик иши бу – инсониятнинг асосан ер ости фойдали қазилмаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятидир. Ўз ичига фойдали маъданларни истефода қилишни мақсад қилган ҳолда ер қатламидаги маъданларни ўзлаштиришнинг барча турини қамраб олиб, уларни дастлабки билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб бориш киради [1]. Ушбу соҳа бугунги кунда қуйидаги кенг қамровли тадқиқотларни ҳам қамраб олган. Кончилик ишига – фойдали қазилмалар конларини қидириш, уларни ер остидан қазиб олиш, дастлабки қайта ишлаш, бойитиш, бўйича ишлаб чиқариш тармоқлари мажмуи ҳисобланади. Кон саноати қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади : **ёқилғи** - нефть, табиий газ, кўмир, сланец, торф қазиб олиш; **руда** - темир рудаси, марганец рудаси, рангли металллар, асил ва ноёб металллар рудалари, радиактив элементлар қазиб олиш; **нометалл қазилма ва маҳаллий қурилиш материаллари саноати** - мрамор, гранит, асбет, бўр, долмит кварцит, каолин, гипс, мергель, дала шпати, оҳактош ва бошқаларни қазиб олиш; **кон- кимё** - апатит, калий тузлари, нефелин, селитра, олтингугурт колчедани, бор рудалари, фосфат хом ашёси қазиб олиш; **гидроминерал сувлар** - минерал ер ости сувлари, сув таъминоти ва бошқа мақсадлар учун сув олиш каби фаолият киради[2].

Ўрта Осиёнинг XVI асрлардаги кончилик тарихини ўрганишда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари муҳим манба ҳисобланади.

“Бобурнома”да ўш ҳақидаги маълумотларида, “... Барокўҳ тоғида қизил била оқ мавжлик тош ушбу тоғда пайдо бўлади: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур [3]. ” - деб хабар беради. Муаррих ўз навбатида кон ҳақида маълумот бериб, ушбу кон маҳсулоти билан боғлиқ хунар турларини, кон хом ашёсини маиший турмушда фойдаланишини эслатиб ўтмоқда.

Хўжанд ҳақида ёзар экан, “Кўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубдир. Мунуғил отлик, дерларким, бу тоғда **фируза кони ва баъзи конлар** топилур. Бу тоғда бисёр йилон бор.[4] ” Ўрта Осиё фируза тоши ташқи савдода жуда қадрланган қимматбаҳо тошлардан саналади. Бу тош кўпгина заргарлик буюмларини безаш билан бир қаторда, задогонлар саройларига безак сифатида қадалгани ҳам маълум.

Захириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома”да “Фарғона вилоятининг гирдо-гирди тоғларида яхши яйлоқлари бор. Бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл “айиқ ўти” дерлар, меҳргийёх хосиятлиқ, ғолибо меҳргийёхдур, ул эл бу била айтурлар. Бу тоғларда фируза кони ва темир кони бор”[5] - деб маълумот беради.

Фарғона ҳақидаги XVII-XIX асрларга оид бир қатор манбалар ҳам водийнинг феруза кони ва темир кони ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди. Яъни, Қўқонда фахрланишга арзуғулик, Бадахшон ферузаси сифатидақ сифатли феруза ҳам қазиб олинган. Яхши феруза соф ҳаво рангда бўлиб, ҳеч қандай доғларсиз бўлган. **Исфара** шаҳри яқинидан ва дарёнинг юқори оқимидан Қўқонга ўтадиган қисмидан шундай сифатли феруза олинган. Тоғли тожик аҳолиси ферузани қазиб олиш ишлари билан шуғулланган. Маҳсулотни Қўқон ва Марғилонга олиб келиб сотганлар. Ферузанинг улгуржи савдоси ўтказилиб, олиб сотувчилар ферузани катта бўлак гранитини кичик қисмларга бўлиб сотиб ҳам фойда кўрганлар. Ферузанинг паст навлиси сал яшил тусли бўлган. Исфара атрофларида тоғда Қора-қирғизлар яшовчи жойларда фирузадан ташқари, зумрад, ёқут, қизил ёқут ҳам қазиб олганлар ва савдоси билан шуғулланганлар. Уларнинг энг яхши кони **Лал-кон** деган жойда бўлган. Бошқа жойларда лапис-лазурит кўп учраган. Қўқон ёқут тоши жуда кадрланган ва қимматбаҳо саналган[6].

Кумушга бой конлар Сирдарёнинг шимолий томонида, **Алатау тоғида** кўплаб жойлашган эди. Намангандан икки кунлик масофадаги ердан кумуш олинган. Аҳоли ёзнинг уч ойида кумушни қазиб олганлар. Бошқа пайт бу ерда совуқ ҳукмрон бўлган, қалин қор ёғган. Бу тоғнинг энг баланд жойи бўлиб, рудага бой бўлган. Намангандан 4 кунлик масофада **Кетмонтепа** йўлида яна бир кумуш кони бўлган. 1839 йил хон у ерга кончиларни жўнатган. Улар 1000 чарик руда қазиб олиб келган. Ундан 100 чорик кўрғошин чиққан. Унга ишлов берилганда эса, 1 чорик тоза кумуш олинган. Кумуш олиш жараёни жуда мураккаб ва қийин бўлган. Бунга сабаб сув танқислиги ва Алатаунинг бу жойида жуда кучли совуқ изғиринли шамол ҳалақит берган. Деярли барча кончи ишчилар касал бўлиб қайтган[7].

Қўқонда ҳар йили бир оз миқдорда мис олинган. Қўқонликлар айтишича, бир тоғли давон бўлиб, мис рудасига жуда бой бўлган. У ернинг ҳавоси тоза эмаслигидан кончи ишчилар у ерда узоқ қоламаган. Темир рудаси **Хўжанд** яқинидаги тоғлардан олинган[8]. “Бобурнома” да келтирилганидек, Фарғона худудидан темир ва бошқа металл Намангanning шарқий томонида жойлашган **Кетмонтепа конидан** олинганлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд.

Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» да 1499-1500 йил воқеалари баёнида Мирзо Абобакр (1514 йил вафоти) Дуғло Амир Буложи авлоди, Амир Сайид Алининг Сонсиз Мирзо ўғлининг вориси Шарқий Туркистонда (1465й) Ёрқанд хонлигига асос солган ва Ёрқандни пойтахт қилиб, 48 йил ҳукмронлик қилган. 1477 йил Хўтанни Холназар ва Қулназар мирзолардан тортиб олган, 1480-81 Мирзо Ҳайдардан Қошқар ва Янги Ҳисорни тортиб олган эди. Ушбу жойларни бошқарувида Мирзо Абобакр қаттиқўллик қилиб, гуноҳи бўлган шахсларни занжирбанд қилиб, Қошқар, Ёрқанд, Хўтан қалъаларида маълум жойларни қаздириб, тупроғидан олтин, кумуш ювдириб, кўп бойлик тўплаганлиги. Ҳатто Хўтаннинг қадимги бир қалъасини 27 жойидан кавалатиб, мисдан хумлар, унинг ичида тиллодан ясалган офтобаларда тоши нуқро (кумуш) дан сирланган кўп хазинага эга бўлганлиги ҳақида ёзилади. Ушбу хумларда туркийда хат битилганлиги «мулк Хумор хотуннинг ўғли нима киши эрдиким ва қойда эрдиким, бул ажабки бовужуди ушбу ишларни мушоҳада қилмоқ бирла хирс ва хаёлотини носирадин тўхтамас эрди» деб ёзилган экан[9].

“Бобурнома” асарида Ўрта Осиё худудидagi шифобахш булоқ сувлари, маъданли чашмалар ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

“..... Кубонинг ботқоқлик қора суйи бор, кўприкдин ўзга ердин кечиб бўлмас, қалин черик келиб кўпркда тикилиб, қалин от ва тева бу қора сувга йиқилиб зоеъ бўлди. Уч- тўрт йил мудин бурунроқ Чир (Чирчиқ дарёси) суйининг гузариди улуғ шикаст топиб эдилар, бу воқеа андин ёд бериб. Черик элига воҳима ғолиб бўлди”[10] Ботқоқлик қора сув – бу нефт аралашмали оқар сув бўлиш эҳтимоли мавжуд. Чунки оддий сувга кўприкдан йиқилганда кўп аскарлар тўдаси ва от, ҳамда туя чиқиб кетиш эҳтимоли юқори. Аммо бу ерда аксарияти бу ботқоқликдан чиқа олмай фарқ бўлганлигига ишора қилинмоқда.

Кубони- жойлашган ўрни ҳақида “Андижоннинг тўрт йиғочиди Кубоға (ҳозирги Кува)”[11] дейилади. Демак, Андижон яқинидаги манзил ҳақида айтилмоқда. Аммо Бобур лойқали оқар сувни ҳам назарда тутган бўлиш эҳтимоли ҳам бор.

“... Неча кундин сўнг ёниб Даҳкатга келдим. ... Даҳкат туз ер учун Оббурдан дабони била Масчо (Маисхой) кўхитонига оштук. Мачоннинг куйидаги кенти Оббурдандур. **Оббурдандин**

куйроқ бир чашма тушубтур, бу чашма бошида мазоредур. Ушбу чашмадин юкқори Масчо дохилидур. Куйи Палғарга тааллукдур. Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошда қазиб, бу уч байтни сабт эттим: Бу чашма яқинида бир тошга сўз ёзилган. Эшиттимки, кутлук табиатли Жамшид бир булоғ бошида тош устига шундай деб ёзган экан: бу булоғ тепаида бизлар ингари куп кишилар келиб ўлтурдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элитмадик”- деб ёзилган экан.

“Бобурнома”да Қобул ҳақида ёзар экан, у ердаги табиий бойликлар ер ости ашмалари ҳақида ҳам маълумот беради. Яъни “..... Шоҳи Қобул тоғидин Қобул ари боқа уч кичикрак чашма чиқар, иккии Гулкина навоҳисидадур, бир чашма бошида Хожа Шаму (Хожа Шамсиддин Жонбоз) отлик мазордур: яна бирида Хожа Хизирнинг қадамгоҳидур. Бу икки ер Қобул элининг гаштгоҳидур. Яна бир ашма Хожа Абдусамад тўғрисидадур. Хожа Рўшноийи дерлар.[12]” Қобулнинг “... яна бир (Фурбанд туманидур.дерларким Фурбанд тоғларида кумуш кони ва ложувард кони бўлур”[13].

XVII аср муаррихи Махмуд ибн Вали хам “Хирот шарқий томонидаги Ғур вилояти жойлашган бўлиб, унинг тоғларида қ қўрғошин, темир ва сурма конлари” жойлашганлигини тасдиқлайди[14].

Қобул ерларида Памғон “..... тоғнинг туида чашма вақе бўлибдур. Хожа Сеёрон дерлар. Бу чашмада ва бу ашманинг атрофида уч навъ дарахтлардур. Чашманинг ўртасида қалин чинор дарахитлари дур, латиф сояси бордур. ” манбада. Мазкур жойда Қобулнинг ғарбий томонларида бўлмайдиган бошқа балут дарахтлар ҳақида ёзган[15].

Қобулнинг “ яна бир Зурмат туманидир.бу туманнинг жаубида тоғдур. Баркистон тоғи дерлар. Бу тоғнинг домонасида муртафеъ ерда чашма чиқибдур. Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг қабри бу ердадур[16]” Қобул йўлида “**Бодом чашма** Жигдалик йўли ора олти кўниб Одинапур келилди..... Кўшгунбаздин кўчуб **Гарм чашмага** тушганда.....”[17].

“Бобурнома”да мазкур воқеалар юз бергунча бўлган чашмалар ҳақида ҳам маълумот мавжуд. Яъни “ китобларда битубтурларким, **Ғазнида[18]** бир чашма бордурким, агар нажоат ва қозуротни бу чашмага солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва тўфон ва ёгин ва чопгун бўлур. Яна бир тарихда кўрулубтурким. Ройи ҳинд обуктигинни Ғазнида муҳосара қилғонда Собуктигин буюрурким, бу чашмага нажосат била қозурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон ва ёгин ва чопкун бўлур. Бу хийла била ул ғанимни дафъ қилур. Мен Ғазнида ҳар неча тажассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади ”[19] - деб келтирилади. Бобур бу чашмага қандайдир бошқа ёт нарса солинса, тўфон кўтарилиши, ёмғир ёғиши каби об-ҳаво ўзгаришлари ҳақида маълумот бермоқда. Бизга тарихий манбалардан маълумки, бундай ҳодисалар “яда тоши билан содир этилган об-ҳавога таъсир ўтказишга уринган ҳолатлар мавжуд. Эътибор қаратилса, ядачи ёмғир чақириш учун тошни сувга солиб дуолар ўқилиши айтилади. Ўрта Осиё хлқларининг этнологиясига оид тадқиқотларда “яда” тоши ҳақида қизиқарли маълумотлар кўплаб учрайди.

Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ёзишича, “Тарих аҳли Мовароуннаҳр ажибларидан қуйидагиларни (ҳам) ёзганлар: у ерда бир тоғда ғор бор; ғордан бир булоқ қайнаб оқиб туради. (Булоқ суви) кишда шу қадар иссиқ бўладики, унга тушган киши ҳароратига бардош беролмайди. ёзда шу қадар совуқ бўладики. (ҳатто) музлаб қолади. Туркистон билан Мовароуннаҳр ўртасидаги тоғда бир хил қора тош бор. У кўмирга ўхшаб ёнади. Уни эшакларга ортиб шаҳарларга келтирадилар. Халқ уни сотиб олади. Агар (уни) ёндирилганда, кули оқ бўлади. Уни кийим ва саллани оқартиришда ишқор ўрнида ишлатадилар. У (тоғда) яна бир хил тош (ҳам борки, уни сувга ташлаганда шамол, булут, чакмоқ ва ёгин (ёгингарчилик) пайдо бўлади. Ҳикмат аҳли (буни) у ошнинг хоссаларидан, деб биладилар. (Лекин) Тангри нарсаларнинг ҳақиқатини билгувчидир ”[20]. **Яда тоши** – ёгингарчилик чақирадиган тош сифатида машҳур. Уни тоғдан олинишига ишора берилмоқда.

Мовароуннаҳр худудида бўлган воқеалар баёнида қуйидаги матн диққатга сазовордир. “Булар (келиб тушган жой)да яқин бир ўрмон бўлиб, дарахтларнинг узун шохлари ва қалин барглари туфайли офтоб(нинг) тиғи ер танасига таъсир қиломас эди. Ундан ташқари бир баланд тоғ кўрғон бўлиб, ўрмоннинг атрофини қуршаб олган эдики, ўрмонга ўтиш учун бир гузаргоҳдан бошқа йўл йўқ эди.” Манзил шундай тасвирланади. Фикрни давомида, “...кенгаш ва мунозаралардан сўнг, ўзларининг нажотларини шунда кўрдиларки, ўша **тоғда темир кони бор эди** ва ҳамма вақт ўша ерда темир тоблар эдилар. Ўрмондан ўтин ва кўмирни эшакда ташиб, хўкиз ва от терисидан етмиш дамлик темир эритадиган кўра ясаб, бу темир маъдани бўлган камаргоҳни ўша 70 та катта дам билан, токи у камар зар каби ҳиммат олови билан ўчоқда эриб кенг йўл

очилгунча дамланадилар[21]. Жой тасвиридан Фарғона водийси худудларини тахмин қилиш мумкин.

Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асри Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг XVI асрдаги тоғ-кон соҳаси, ер ости табиий бойликлари, маъданли сувлари, тоғ-кон соҳаси хомашёси билан боғлиқ хунармандчилик турлари ва уларнинг савдоси тарихига оид қизиқарли маълумотларни бера оладиган тарихий манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горное дело (статья) // Горная энциклопедия. Тома 1-5. – М. : 1984-1991.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 2002. 4 том. – Б. 689.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. 6.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. 7.
5. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В.9
6. Обзорение Коканского ханства в нынешнем его состоянии. // ЗРГО кн. III. – СПб. 1849. – С.183-184.
7. Обзорение Коканского ханства в нынешнем его состоянии. // ЗРГО кн. III. – СПб. 1849. – С.184.
8. Вильяминов В.В, Зернов. Сведения о Кокандском ханстве. – «Вестник РГО», СПб., 1856. – С. 18.
9. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи т.ф.н. О.Х.Жалилов – Т. «O'ZBEKISTON». 2011. – Б. 346-347.
10. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. –20.
11. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. Заҳириддин Муҳаммад Бобур . “Бобурнома” – Т. 1989. – Б.18
12. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. –135.
13. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. –143.
14. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География)/ Введение, перевод, примечания. Указатели Б.А.Ахмедова. –Т, 1977. – С 84.
15. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. 144.
16. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В.147.
17. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. 154.
18. Ғазни – Ғазна шаҳри.
19. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug 'at – izohlar mualliflari : S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – В. 147.
20. Ҳофиз Таниш Ал- Бухорий. “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) – Т., “Шарқ”, 1 – к. – Т. 1999. – Б. 152
21. Ҳофиз Таниш Ал- Бухорий. “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) – Т., “Шарқ”, 1- к. – Т. 1999. – Б. 43.

УЎК 001 (09) (567)

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИНИНГ ЎРНИ

Б.С. Турдиев, катта ўқитувчи, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни илмий жиҳатдан ўрганилди. Имом ал-Бухорий ҳадисларида соғлом ва етук фарзандларни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим тарбия муассасалари, энг аввало жамоатчиликнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

Калит сўзлар: одоб, ахлоқ, хулқ, ота-она, фарзанд, тарбия, ҳадис, камолот йўли, оила, маҳалла, қадрият, бурч, масъулият.

Аннотация. В статье научно исследована роль хадисов Имама аль-Бухари в воспитании молодежи. Особенно хадисах Имам ал-Бухари неопределима роль семьи, махалля, учебных заведений и, прежде всего, общественности в воспитании здоровых и зрелых детей.

Ключевые слова: этикет, мораль, поведение, воспитание, ребенок, хадис, путь к совершенству, семья, соседство, ценности, долг, ответственность.

Abstract. *The article scientifically researches the role of the hadiths of Imam al-Bukhari in the education of youth. Especially the hadith of Imam al-Bukhari, the role of the family, makhalla, educational institutions and, above all, the public in raising healthy and mature children is invaluable.*

Keywords: *etiquette, morality, behavior, upbringing, child, hadith, path to perfection, family, neighborhood, values, duty, responsibility.*

Ёшлар оиланинг буюк маънавият, қадрият, бурч ва маъсулият эканини англаб етишлари зарур. Бунинг учун: оналар ва ёшлар болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиши лозим; бир ёшгача бўлган даврда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш; беш - олти ёшгача бўлган даврда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш; ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш; болаларни мактаб даврлигида тарбиялаш; ёшларни бўш вақтини банд этиш; ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам маънавий етук инсонни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан таъкидлаб ўтганларидек: “Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз” [1].

Таълим тарбия жараёнида баркамол авлодни миллий ва умуминсоний олтин меросимиздан бебаҳра қолдирмаслик бугуннинг долзарб масалаларидандир. Бугунги кунда янги Ўзбекистонда юрт қайғуси, Ватан осойишталиги, Ватан равнақи ва келажаги буюк давлатнинг келгусидаги тақдирини ҳал этадиганлар муҳим бўгин келажак авлодлардир. Шу боис ёшларимизни илмий дунёқараши бой, фаол, фидойий, синчков, мустаҳкам ирода эгаси этиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли вазифа ўқитувчилар зиммасига тушади. Бу борада олиб борган ишларимиз шуни кўрсатадики турли мавзулардан рефератлар ёзиш, мустақил ишларни бажариш, курс ишлари, долзарб мавзуларда турли суҳбатлар ўтказиш баркамол авлод шахси шаклланишида, илмий дунёқарашларини ҳамда ижобий сифатларини шакллантиришда катта роль ўйнайди.

Инсонийлик, инсонпарварлик Ватанга муҳаббат ҳақида тарбия бериши билан «тарбия психологияси»ни ўганишда талабаларда эзулик ва гўзаллик туйғуларини мужассамлаштиради. «Тарбия психологияси» мавзусини илм-фанда "Ҳадис илмининг амири" деб бир овоздан тан олинган Имом Исроил ал Бухорий ҳадислари меҳр-оқибат, саҳийлик, ота-она ва катталарга омад, етим-есирларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқларнинг ўзаро дўст, тинч-тотув яшашлари каби инсоний фазилатлари баркамол авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўғитлар ўз ифодасини топган. Ҳадиснавислар ичида Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти диққатга сазовордир. Бу зот жуда кўп мамлакатларни кезиб, олиму фузалолар билан ўзаро алоқада бўлган, кўплаб манбаларни ўрганиб, 600 мингдан ортик ҳадис тўплаган.

Имом Исроил Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари) „Китоб асмон ис-сиҳота“ (саҳобалар ҳақида китоб) „Китоб афъал их-ибод“ (бандаларнинг қилмишлари ҳақида китоб), „Тарихи Бухоро“ (Бухоро тарихи), „Ал Жомий ас-саҳих (Ишончли тўплам), каби кўплаб ахлоқ-одобга оид асарлари мавжуддир. Имом Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик - мана шу тўрт хислатни Аллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир», деб ёзади. Имом ал-Бухорийнинг "Ҳаром нарсалардан сақланинг - одамлар ичида ибратли бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг - саломат юрасиз". „Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар“ каби ҳадисларида одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри, фарзанднинг ота-онасига муҳаббати, шогирдларнинг устозларига ҳурмати, инсонларнинг ўз ғоялари мусулмон дини аҳкомларига садоқати, мўминларнинг мўминларга шафқати, фозилларнинг фозилларга заковати ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Баркамол авлодни тарбиялаш педагоглардан алоҳида эътиборни талаб қилади. Баркамол авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида халқимиз томонидан, уларнинг миллий урф-одатларидан, анъаналаридан тажрибалар халқ томонидан яратилган ижод намуналаридан ва илмий амалий асарлари ва қолдирган бой меросларида ўз ифодасини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки илм-фанда ҳадис илмининг амири деб тан олинган Имом ал-Бухорий ҳадислари кўп ақл дурдоналарини ёшлар томонидан янада кўпроқ ўзлаштирилиши янгича Ўзбекистон эҳтиёжларига мос келиб ахлоқий фазилатларни ўрганиш, яъни педагогик психология фанларини ўқитишда ёшларда ажойиб ички кечинмалар, ҳис-туйғулар уйғотади. Имом ал-Бухорий

хадислари ёшларни меҳнатсеварлик ва эрксеварлик, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам мустаҳкам ирода, вазминлик билан иш тутиш ва омилкорлик, келажакка, инсонга доир удум ва анъаналар руҳида шунингдек, шахс илмий дунёқарабини шакллантиришга катта имконият беради.

Имом ал-Бухорий ҳадислари ўз Ватанини севувчи унинг равнақи ва истикболи учун фидойи ёшларимиз, баркамол авлод учун албатта дастурамал бўлиб қолиши шубҳасиздир [2, 123-б.]. Оталик туйғуси - инсон қалбидаги иймонлиликнинг намоён бўлишидир. Фарзанд кўриш осон, лекин унга ҳақиқий ота, маънавий раҳнамо бўлиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Фарзандни дунёга келтириш оталик, эркаклик бурчининг фақат бир томонидир. Унинг энг асосий вазифаси эса фарзандини яхши тарбиялаб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини таъминлашдир. Фарзандларга отанинг панд-насихатлари эмас, балки қилган ишлари, юриш - туришлари ҳам ибратлидир.

Фарзандни севиш - унинг онасини хурмат қилишдан, уй ишларида унга ёрдамлашишдан бошланмоғи даркор. Бундай меҳр-мурувват фарзанд туғилгандан бошлаб эмас, балки у она қорнида бўлган давриданок бошланиши керак. Рухшунослар - ҳомиладаги бола ўз эҳтиёжларини она тили орқали айтади. Ҳомиладор аёл баъзи нарсаларни истеъмол қилгиси келади. Булар онанинг ўзи учун эмас, балки қалбида униб ўсаётган фарзанд учун керак. Фарзанд дунёга келиб, кўзини очгандан кейин, унинг тасаввурлари шаклланишида отанинг, бошқаларнинг отага бўлган муносабати катта аҳамиятга эгадир. Оиланинг асоси ота-онадир. Ота-она ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳамкорлик ва ҳамфикрлик, иззат-икром, муносабатлар самимийлиги – оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун заминдир – фарзанд учун намуна мактабидир. Табиатан эркак ва аёл жинсига хос хусусиятлар бўлгани каби, оилада улар бажариши лозим бўлган меҳнат турлари, фарзанд, оила, қариндош-уруғ, жамият олдидаги бурч ва вазифалари мавжуддир. Эр-хотиннинг оқиллиги ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши оқибатида бошқариладиган оилада моддий ва маънавий барқарорлик, тинчлик, соғлом маънавий муҳит ҳукмрон бўлади. XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намоёндаси Абдурауф Фитрат айтганларидек: «Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарида бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтихон қилишлари зарур» [3, 23-б.]. Ота-она бир фарзандини эмас, балки барчасининг бахтини, тинчлигини ўйлайди. Шу сабабли ҳам ота-оналар кўзи очик вақтида болалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, қариндош-уруғлар билан ҳам алоқани яхшилашга ҳаракат қилишади [4, 25-б.].

Ота-онанинг тинч-тотувлиги ва ўзаро меҳр-муҳаббати уларнинг дунёқараши, маънавий савияси, қизиқиши, эътиқоди, моддий тенглиги, жамиятдаги мавқеи, ҳусн-латофати, қалбларининг мойиллигига боғлиқдир. Ушбу хусусиятлари бир-бирларига монанд эр-хотин тарбиялаган фарзандлар гўзалликка иштиёқманд, руҳий тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечиришга тайёр бўлиб ўсадилар. Акс ҳолда ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатсизлик, ўз ҳаётдан, жамиятдан норозилик, оилада нотинчлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, бепарволик, лоқайдлик, жиззакилик ҳолатлари ҳукм суради. Бу эса оиланинг инқирози учун замин ҳисобланади. Бундай носоғлом муҳитда дунёга келиб, тарбияланган болаларда хиёнатга, турли ноахлоқий хатти-ҳаракатларга (ичиш, чекиш, ўғирлик қилиш, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва бошқалар) руҳий танглик ҳолатларига мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун эр ва хотиннинг бир-бирига мослиги оила барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади [2, 123-б.]. Фарзандларнинг ота-онани рози қиладиган ахлоқий фазилатлардан бири-самимийлик ва тўғрилиқдир. Баъзан тўғри сўзликни андишасизлик деб тушунилади. Андишасизлик тўғрилиқ ва самимийликнинг тескарисидир... Самимийлик - оққўнгиликдир. Бировга яхшилик қилиб уни миннат қилмасликдир. Тўғрилиқ - ҳалолликдир. Фарзандлар ота-она ҳаётдан кўз юмганидан кейин ҳам хурматини ўрнига кўйишдир. Ота-она олдидаги бурч ва масъулият бир дақиқа ҳам инсон хотирасидан чиқмаслиги лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, оиланинг мустаҳкам бўлишида қуйидагиларга эътибор бериш керак: биринчидан, ота-она оилада фарзанд таълим-тарбиясига етарли эътибор беришса, ахил оила қуришнинг моҳияти ва йўлларини ўргатишга бу ҳаётда тўғри йўлдан боришига биринчи омилдир. Фарзандларни бундай тўғри йўлга ўзлари, ахлоқи, одоби бўлган ота-оналаргина солиши мумкин; иккинчидан, ота-она оила қуришга асос бўладиган маънавият, анъаналари ҳам ёшларга сабр билан тушунтиришлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь сони.
2. Уватов У. Мовароуннахр ва Хуросон олимларининг ҳадим илми ривожда тутган ўрни. – Т., 2004.
3. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т. «Маънавият», 1998.
4. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуруҳ. – Т., Ўқитувчи, 2000.
5. Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннахр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳих” асаридаги фикхий масалалар. – Т., 2001.

УДК 93/94

РЕЛИКТЫ ПОЧИТАНИЯ ВОЛКА У КАРАКАЛПАКОВ

К.Ж. Турекеев, Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, Нукус

Аннотация. Мақолада қарақалпоқларнинг замонавий турмушида бўри билан боғлиқ этъикодий қарашлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, муаллиф бенуштлиқ, фарзанд тугилиши, болалиқ даври билан боғлиқ баъзи одатларда бўри билан боғлиқ магик қарашларининг турмуш циклида сақланиб қолганилиги ҳақида сўз юритган. 2013-2019 йиллар мобайнида олиб борилган дала тадқиқотлари маълумотларига таяниб бу жонивор билан боғлиқ қадимги реликт ва синкретик тасаввурларнинг сақланиб қолганлигини исботлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, тарихий ва этнографик манбаларга таяниб, қарақалпоқлар орасидаги бўри билан боғлиқ этъикодий қарашларни тақосий ўрганган.

Калит сўзлар: Этъикодлар, бўри култи, тотемизм, магик тасаввурлар

Аннотация. В статье представлена информация о современных религиозных представлениях каракалпаков, связанных с реликтами почитания волка. Реликты этих представлений сохраняются в некоторых магических обрядах, связанных с жизненным циклом: бесплодие, роды, детство. Основываясь на данных полевых исследований, собранных в период с 2013 по 2019 годы, делается попытка доказать, что древние реликтовые представления, связанные с этим животным, продолжают сохраняться. В работе произведена попытка исследования представлений, связанных с волком у каракалпаков опираясь на исторические и этнографические источники.

Ключевые слова: верования, культ волка, тотемизм, магические представления.

Abstract. The article provides information on modern religious beliefs of the Karakalpaks associated with relics of the veneration of the wolf. Relics of these ideas are preserved in some magical rites associated with the life cycle: infertility, childbirth, childhood. Based on field data collected between 2013 and 2019, an attempt is made to prove that the ancient relict beliefs associated with this animal continue to persist. In this work, an attempt is made to study the ideas associated with the wolf among the Karakalpaks, based on historical and ethnographic sources.

Key words: beliefs, the cult of the wolf, totemism, magical representations.

В современных религиозных воззрениях все еще можно обнаружить сохраняющиеся отдельные реликты тотемистических представлений. У каракалпаков, равно, как и у других тюркских народов встречаются реликты поклонения священному животному, которые широко наиболее часто наблюдаются в цикле семейной обрядности. К таким животным относятся тигр, волк, орел, змея и др. Названные животные и ныне встречаются во всевозможных магических представлениях каракалпакского народа, которыми богата семейная обрядность. Наиболее интересными, на наш взгляд, представляются связанные с реликтами почитания волка.

Данная проблема становилась объектом интереса многих исследователей. Рассматривали эту проблему в своих трудах такие исследователи как Л.Я. Штернберг, З.П.Соколова [24, 44-46; 29, 80-81, 95-96, 167]. Некоторые вопросы, связанные с культом волка затрагивались в монографии Т.Д. Баялиевой [5, 20-24]. Существует ряд специальных статей, рассматривающих этот вопрос. Это работы Л.П. Потапова, М.Жураева, Д.А.Баймухамедова [4, 190-202; 14, 12-13; 22, 137-142].

Каракалпакские исследователи так же обращались к этой проблеме. Так, в У. Кусекеевым в начале XX века собран полевой материал, содержащий сведения о почитании каракалпаками волка [20, 60]. Эти материалы позже были введены в научный оборот Х. Есбергеновым. В частности он отмечает, что животные встречающиеся на местах паломничества наделялись священными свойствами. Одним из таких животных являлся волк [9, 237-238]. Исследователи Х. Есбергенов и Ж. Хошниязов в работе «Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре» упоминают о

том, что волк являлся культовым животным, кроме того, в работе содержится интересная информация о реликтах почитания этого животного [10, 26-27]. Исследования реликтов религиозных воззрений продолжились и в период независимости. Этнографы Р.С. Камалова С.Х. Есбергенова в своих диссертационных исследованиях останавливаются на этой проблеме, отмечают тот факт, что волк был тотемным животным, приводят сведения о его месте в семейной обрядности, а также некоторые магические представления, связанные с ним [17, 53-56; 11, 56-58]. Однако, этнографически сведения о почитании волка относятся к периоду до середины XX века. Целью данной статьи является показать реликты представлений, связанных с почитанием волка в современной обрядности. Основой для подготовки статьи стали материалы собранные автором в период с 2013-2019 годы в Кегейлийском, Чимбайском, Караузьякском, Тахтакупырском и Муйнакском районах республики.

Культ волка занимает значительное место в жизни людей. Изображения волка встречаются на петроглифах Центральной Азии [19, 98-117]. В раннем средневековье волк представлял собой одно из наиболее почитаемых тотемных животных у тюркских народов. Так, название одного из племен, составивших основу Тюркского каганата - *ашина* в переводе означает «волк» [8, 23]. Велика была роль волка в качестве тотемного животного в политической жизни тюркских народов. К примеру, каган древних уйгуров Моёнчурхан, произошедший из хуннского племени в 756 году разгромил племя тунгра, и объединился с племенем тукю (*түрк*) во главе с Го-Цэн-и. Перед началом церемонии они представители разгромленного племени преклонились флагу с изображением волка [14, 13]. С.А. Плетнева по этому поводу писала: «Хан – жрец культа волка-покровителя просил и спрашивал победу у волков, которые, ответив ему, предсказали и обеспечили будущую победу. Боняк уверенно сообщил о ней, вернувшись в стан, своему союзнику князю Давыду. Очевидно, хан Боняк, ждущий покровительства волков, и орда, имеющая личным тотемом волка, отчего и получила свое имя, связаны между собой: хан был главной этой орды» [21, 102]. Отмечено поклонение волку и в работе Н.Я. Бичурина: «Хан, гордясь своей силой, выставил войско, подвел Цзы-и поклониться волчьему знамени, и потом свиделся с ним» [7, 387].

В средние века поклонение перед волком было настолько велико, что его приравнивали к ребенку или члену рода. В тюркской мифологии волк считался предком, перевоплощенным в животное [30]. Об этом же отмечено у известного ученого Н.Я. Бичурина, отмечавшего, что тотем волка у древних тюркских племен приравнивался к великому предку [7, 221-222]. Прославленный ученый XI века Махмуд Кашгари в книге «Диван лугат ат-турк» приводит сведения о том, что при рождении ребенка чтобы узнать его пол спрашивали: волк родился или лисица? («*tilkü mü toüdi azu bögi mü*») «лису ли она родила или волка». Лиса - девочка, потому что она, как лиса, лживая; волк - мальчик, потому что он, как волк, смелый, храбрый) [18, 351]. Мальчик, как видим, приравнивался волку.

Существование культа волка у некоторых тюркских народов привело к появлению этнонима. Так, например, этнонима башкир (башкорт «главный волк» или «пять волков») [15, 224]. Наименования со словом «волк» встречаются среди каракалпакских родов. Т.А. Жданко описывая родовую структуру каракалпакского народа отмечала в нем род «Байбура» [13, 162]. Л.С. Толстова, занимавшаяся изучением ферганских каракалпаков, упоминает *тийре «бөри мангыт»* (мангыт волк) внутри родового деления мангыт [28, 44].

Этнонимы, связанные со словом «волк» встречаются и у других народов: у киргизов существует род «бёрю», казахов «боро-найман». Среди туркменских родовых этнонимов насчитывается одиннадцать, в составе которых имеется лексема «курт» («волк») [16, 53].

Как видим, волк упоминается в качестве тотемного животного, наделенного священными свойствами у каракалпаков, казахов, киргиз, туркмен, узбеков, башкир, алтайских народов [4, 190-202; 5, 20-24; 9, 237; 15, 224-228; 22, 135-142]. О том, что в жизни тюркских народов культ волка имел важное значение свидетельствуют праздники, устраиваемые в его честь. Так, у гагаузов существует специальный волчий праздник «*canavar yortuları*» [25, 178].

В традиционной культуре каракалпаков подобных праздников не существует, однако следы почитания этого животного сохранились в отдельных традициях и обычаях. Как и у ряда близкородственных народов, у каракалпаков для того, чтобы уберечь новорожденного от внезапной смерти и всяких болезней, проводят различные ритуалы, в основе которых лежат следы почитания различных животных, в том числе волка. На сегодняшний день они существуют в несколько трансформированном виде. Согласно нашим сведениям, волк наделяется охранительными свойствами, он изгоняет злых духов, бережет от дурного глаза. Особенно распространены были представления, связанные с волком у бесплодных женщин. В беседе с

информаторами в ауле Карытжан Чимбайского района, нам рассказали об обряде, при котором бесплодные женщины, либо недавно вышедшие замуж молодые женщины, перешагивали три раза через волка или волчонка. Жители аула верят, если произвести эти магические действия, то в ближайшее время женщина сможет забеременеть [31]. Подобные представления, связанные с оплодотворительными свойствами волка, распространены не только у каракалпаков. З.П. Соколова описывая обряды самаркандских узбеков пишет: «Самаркандские узбеки верили, например, что ношение с собой полового органа волчицы способствует деторождению. Женщины носили его зашив в тряпочку за пазухой или на плече» [24, 115].

Множество представлений, связанных с волком, сопровождает период беременности. У охотников из отдаленных районов Каракалпакстана существует традиция угощать женщин в период токсикоза блюдом, приготовленным из волчьего сердца [32; 33; 34]. Этнограф Х. Есбергенов писал: «каракалпакские женщины в начале беременности съедали волчье сердце и верили, что дети рождаются здоровыми и сильными, как волчьи [9, 237]. Существовала вера в то, что волк обладает силой 40 джигитов, поэтому беременных женщин угощали волчьим сердцем [20, 60; 34]. Подобные представления существуют у узбеков, в частности, в Андижане, чтобы облегчить трудные роды во время схваток, роженице дают небольшой кусочек сушеного волчьего сердца, либо кладут волчью лапу на ложе с правой стороны [3, 17].

У каракалпаков, в период болезни ребенка, чтобы уберечь его от худшего исхода, осуществляют ряд магических приемов. Поньше существует обычай в случае заболевания новорожденного, заворачивать его в свежесделанную волчью шкуру. В ауле Майжап Чимбайского района и ауле Узбекистан Тахтакупырского района верят, если завернуть новорожденного в волчью шкуру, в будущем этот младенец будет здоров [32, 33].

Согласно представлениям киргиз, «... волк помогает сохранить жизнь ребенка и роженицы. Так, только что родившемуся ребенку давали слюну волка (*карышкырдын шилекейи*) для того, чтобы ребенок был храбрым, здоровым и не подвергнулся воздействию злых сил» [5, 22]. У таджиков же производили следующие магические действия - протаскивали ребенка через пасть или под шкурой волка. Для этого снимали шкуру с убитого волка, сушили ее и сохраняли, как и кожу с волчьей пасти [23, 78]. На Северном Кавказе, больного ребенка лечили протаскиванием под пастью или под шкурой волка. После этого к люльке подвешивали кусочек шкуры и косточку из волчьей пасти, просверленный волчий алчик; заплетали из волчьей шерсти косички и вместе с просверленной волчьей косточкой и когтями привязывали к перекладине колыбели [26, 39].

Бытуют случаи, когда новорожденного нарекают волчьим именем: *Бөрибай*, *Қасқырбай*. Традиция называть подобным именем имеет давнюю историю. Так, в дастане «Алмапыс» один из героев носит имя *Байбөри* [2, 5]. Раньше именами *Бөрибай*, *Қасқырбай* нарекали тех новорожденных, которые родились с зубами. Узбекский исследователь Э. Бегматов наречение детей подобными именами объясняет тем, что «согласно древним традициям, чтобы ребенок был крепким и здоровым, ребенка, которого заворачивали в волчью шкуру, а также родившегося с зубами, нарекают волчьим именем» [6, 82]. Подобная традиция имела распространение и у других тюркских народов. К примеру: у казахов и узбеков давали имя *Бөрибай*, *Бурибай*, туркмен - *Касқырбай* [12, 195; 16, 53; 21, 139]. Волчьим именем нарекали и у некоторых групп южных славян, так если в семье умирал младенец, следующему родившемуся ребенку давали волчье имя [29, 477].

Магическими свойствами наделялись волчьи зубы и когти. В Муйнакском, Чимбайском, Караузякском и Тахтакупырском районах коготь или зуб волка прикрепляют на колыбель, либо одежду ребенка. Популярным оберегом волчий зуб или коготь является у водителей автомобилей, его прикрепляют в салоне автомобиля на самом видном месте. Согласно представлениям каракалпаков, если какую-либо часть тела волка или его шкуру повесить в доме, то семью не будут посещать злые духи и несчастья [35]. У ферганских узбеков волчий зуб или коготь использовали для охраны матери и ребенка, а бесплодные женщины в магических приемах [3: 19]. У киргизов коленную косточку волка использовали в качестве оберега для детей [1: 123].

Хотя представления, связанные с волком практически забыты населением, отдельные из них, связанные с обережной функцией, все еще сохраняются. В частности, магические приемы, совершаемые бесплодными женщинами, либо в случаях, когда умирает новорожденный.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Абрамзон С.М. Рождение и детство киргизского ребенка // Сборник музея антропологии и этнографии. Том. XII. – М.: ИАН СССР, 1949. – С. 78-138.
2. Алпамыс // Каракалпак фольклоры. Т. 1. – Нөкис: Каракалпакстан, 2007.

3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий этикод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 272 б.
4. Баймухамедова Д.А. Культ волка в традиционных представлениях казахов // Вопросы истории Кыргызстана. 2012. – № 1. – С. 190-202.
5. Баялиева Т. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972. – 170 с.
6. Бегматов Э. Ўзбек исмлари изоҳи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 608 б.
7. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.– Л.: АН СССР, 1950. Т. 1. – С. 387.
8. Гумилев О.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – 504 с.
9. Есбергенов Х. О близости пережитков доисламских верований в обычаях каракалпаков и башкир // Археология и этнография Башкирии. Том. IV. – Уфа, 1971. – С. 232-238.
10. Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. – Ташкент: Фан, 1988. – 157 с.
11. Есбергенова С. Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XX – середина XX вв.): Диссер...к.и.н. – Нукус: 2001. – 155 с.
12. Жанузакоев Т. Социально-бытовые мотивы в казахской антропонимии // Личные имена в прошлом, настоящем и будущем. – М., Наука, 1970. – С. 194-200.
13. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л.: Издательство Академия наук СССР, 1950. – 179 с.
14. Жўраев М. Кўк бўри авлодлари // Фан ва турмуш. 1983. – № 3. – Б. 13-15.
15. Илимбетов Ф.Ф. Культ волка у башкир (к этимологизации этнонима «башкорт») // Археология и этнография Башкирии. Т. 4. – Уфа: 1971. – С. 224-229.
16. Илимбетова А.Ф., Илимбетов Ф.Ф. Культ животных в мифоритуальной традиции башкир. – Уфа: Гилем, 2012. – 704 с.
17. Камалова Р.С. Традиционные верования в семейно-бытовой обрядности каракалпаков. Диссер...к.и.н. – Нукус: 2001. – 158 с.
18. Кашгари М. Диван лугат ат-турк. – М.: Восточная литература, 2010. – 461 с.
19. Кубарев В.Д., Черемисин Д.В. Волк в искусстве и верованиях кочевников Центральной Азии // Традиционные верования и быт народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1987. – С. 98-117.
20. Кусекеев У. Этнография Каракалпакской АССР. Рукопись 1934 г. // Рукописный фонд Каракалпакского Отделения Академии Наук РУ. Инв. № 932.
21. Плетнева С. А. Половцы. – М.: Наука, 1990. – 208 с.
22. Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков // КСИЭ. – Вып. XXX. 1958. – С. 135-142.
23. Рахимов М.Р. Рождение и воспитание ребенка // Таджики Каратегина и Дарваза. Вып III. – Душанбе: Дониш, 1976. – С. 58-95.
24. Соколова З.П. Культ животных в религиях. – М.: Наука, 1972. – 216 с.
25. Сорочяну Е. С. Гагаузская календарная обрядность. – Кишинев: 2006. – 256 с.
26. Текеева Л.К. Культ волка в традиционных представлениях тюркоязычных народов Северного Кавказа // Вестник Пермского университета. 2012. № 3. – С. 37-42.
27. Толстов С.П. Религия народов Средней Азии // Религиозные верования народов СССР. – М.– Л., Московский рабочий, 1931. – С. 241-364.
28. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: ККГИЗ, 1959. – 183 с.
29. Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. – Л.: Наука, 1936. – 572 с.
30. https://en.wikipedia.org/wiki/Wolf#In_folklore,_religion_and_mythology
31. Полевые записи автора № 24 за 2013 г. Информатор Танатаров Алламберген. 1977 г.р. Чимбайский район.
32. Полевые записи автора № 95 за 2013 г. Информатор Абдимуратов Ернияз. 1938 г.р. Чимбайский район.
33. Полевые записи автора № 133 за 2015 г. Информатор Гулмухаммедов Нурмухаммед. 1932 г.р. Тахтакупирский район.
34. Полевые записи автора № 134 за 2015 г. Информатор Жаббарбергенов Парахат. 1950 г.р. Тахтакупирский район.
35. Полевые записи автора № 37 за 2016 г. Информатор Кайыпназаров Жумамбет. 1951 г.р. Кегейлийский район.
36. Полевые записи автора № 21 за 2019 г. Информатор Абдуллаева Улболган. г.р. 1945 г.р. Муйнакский район.

XVII-XIX ASRLARDA QORAQALPOQLARNING YAŠAĞAN SHAĐARLARI BЎYIČHA TARIHIY MANBALAR

Ж.Х. Хақимниязов, т.ф.н. доцент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Ж.Е. Торениязов, ўқутувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мазкур мақолада XVII-XIX асрларда Жанубий Орол бўйи ҳудудларда қорақалпоқлар яшаган шаҳарлар ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилади.

Калим сўзлар. Орол вилояти, элчилик миссияси, Қўнғирот, Чимбой, Хўжайли, Хива хонлиги, Амударё, Янгидарё, қорақалпоқлар, ороллик ўзбеклар.

Аннотация. В статье на основе письменных источников описаны города каракалпаков на Южном Аральском море в XVII-XIX веках.

Ключевые слова. Аральский регион, миссия посольства, Кунград, Чимбай, Ходжейли, Хивинское ханство, Амударья, Янгидарья, каракалпаки, аральские узбеки.

Abstract. The article describes the cities of the Karakalpaks on the South Aral Sea in the 17th-19th centuries based on written sources.

Keywords. Aral region, embassy mission, Kungrad, Chimbay, Khodjeyli, Khiva Khanate, Amu Darya, Yangidarya, Karakalpaks, aral uzbeks.

Қорақалпоқ халқи қадим замонлардан Орол денгизининг Жанубий-шарқий ҳудуди, Амударё ва Сирдарё этакларида яшаб келганлар ва бу табаррук тўпроқни ўзларининг ватани деб ҳисоблаганлар. Аммо Амударё ўзанининг ўзгариши натижасида вужудга келган ҳаётий эҳтиёж, яъни сувсизлик муаммоси сабабли қорақалпоқларнинг айрим гуруҳлари бошқа ҳудудларга кўчиб ўтган. Тарихий манбалардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, қорақалпоқлар XVI асрнинг иккинчи ярмида Сирдарё бўйларига, XVII асрдан ватани Жанубий Орол бўйи ва Қўйи Амударё ҳудудларида қайта макон тутадилар [1.18-19.] Қорақалпоқлар яшаган ўша манзиллардаги шаҳарлар, қалъалар ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолган.

Жанубий Орол бўйи ҳудудларида шаклланган «Орол эгалиги» ёки «Орол вилояти» 1625 йилдан 1814 йилгача мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатган [2. 324–325.]

Абулғози Баҳодурхоннинг (1643–1663 йиллар ҳукимронлик даври) «Шажарайи турк» асарида «Орол вилояти» ҳақида тарихий маълумотлар берилган. Сиёсий қувғинда бўлган Абулғози Баҳодурхон 1642 йил «ороллик ўзбеклар» орасига келади. У 1643 йили ороллик ўзбекларга хон бўлади ва 1644 йили ороллик ўзбеклар ёрдамида Хива тахтига ўтиради [3.5.]. Ушбу маълумотлар «Орол вилояти» маълум сиёсий ва ҳарбий қудратга эга бўлганлигидан далолат беради.

И.Рычковнинг «Оренбург улкаси топографияси», «Оренбург тарихи» асарларида қорақалпоқлар ва оролликлар ҳақида кўп маълумотлар берилган [4].

«Орол вилояти»нинг этногеографик чегараси шимол томонда Орол денгизининг ороллари, Жануб томонда Султон Вайс тоғи (Бес Төбе) гача, жанубий-шарқий томонда - «Майли шенгел» (бу ҳозирги Гурлан ва Манғит шаҳарлари чегара) ҳудудларида қорақалпоқлар ва ороллик ўзбеклар деб номланган халқ жойлашган. Тарихий маълумотлар бўйича 1747-1810 йиллари «Орол ҳокимлиги» нинг ҳудуди шарқ томонга чўзилиб унга Янги дарё, «Ақ Яқиш» бўйи қорақалпоқлари ҳам шу вилоятга кирган.

Орол вилоятида бир нечта шаҳар ва қўрғон-қалъалар бўлган, улардан: Қўнғирот, Шахтемир, Хўжайли, Нукус қалъа, Манғит қалъа, Ақ яқиш, Кафир қалъа, Бийрюк қалъа, Сасиқ бий қалъаси, Оқ қалъа, Янги қалъа ва бошқа макон жойлар бўлди [5.52-53.].

Флорио Беневений маълумотлари бўйича, оролликлар ва қорақалпоқларнинг биргаликдаги Хива хонлигига қарши ҳарбий юришлари гоҳ ғалаба, гоҳ мағлубият билан тамомланган. Ф.Беневений хатларида Жанубий Орол бўйи ҳудудлари ер ости қазилма бойликлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Унинг таъкидлашича, «Шайх Жалил тоғида кумуш ва бошқа рудаларнинг кўплиги, Хива хони уни олиш учун одамларини жўнатганлиги, улар бир бўлак тошни хонга етказиб, ундан ярмидан кўпроғи кумуш чиққани ҳақида» маълумот берилади [6.48-86].

Янгидарё ҳудудидаги қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида Россия элчиси М. Бекчурин (1780 йил) кундалигида маълумотлар учрайди [7.127]. Айниқса, 1747-1810 йиллар давомида Янгидарё қорақалпоқлари билан ороллик ўзбеклари яқин сиёсий ва иқтисодий алоқада бўлган. Ҳаттоки, қўйи Амударё ва Янгидарё ҳудудлари қорақалпоқлар эли деб номланган [8.25-26]. Орол ҳокимлигининг сўнгги ҳукимдори сифатида Тўрамурод суфи (1814 йили ўлдирилади)

тилга олинади. Орол ҳокимлигининг Қўнғиротдан кейинги иккинчи маркази Шахтемир шаҳри бўлган.

Ўрта Осиё ҳақида Россияда XVI аср охиригача тўпланган илк маълумотлар географик-картографик ҳужжат – «Книга большому чертежу» («Катта чизилма китоб») да ўз аксини топган. Унда тасвирланган жами 1500 географик номнинг 50 га яқини Ўрта Осиёга оид номлар ҳисобланади. 1627 йилги «Книга большому чертежу»да Арзондарё, Амударё, Учускўл, Каганавул, Оккўрғон, Янгиқўрғон, Сайрам, Сунавон, Ясирвон ва бошқа географик номлар берилган [9.19-20].

XVII аср охирида Хива йўлида ёзилган ёзма манбалардан бири «Сискное дело» ҳужжати ҳисобланади. Мазкур ёзма манба архившунос Н.В.Калачов кириш сўзи билан қайта нашр қилингандан сўнг кенг жамоатчиликка тақдим қилинади. Унда «Хива йўли» ва Ўрта Осиё шаҳарлари, қўрғонлари ҳақидаги маълумотлар берилган. «Сискное дело» ҳужжати тексти «Дела» ва «Русского архива» нашрларида босилган. «Сискном деле 1697 г. о дороге в Хиву» қўлёзмасида XVII аср 90-йилларидаги қорақалпоқлар ҳаётига оид маълумотлар мавжуд [10.76-86].

Қорақалпоқ халқи тарихи бўйича муҳим маълумотлар 1740 йили Россия давлат хизматчиси ва тарихчи олими В.Н.Татищев раҳнамолигида Хива хонлиги ва Сирдарёнинг қўйи оқимидаги шаҳар ва қишлоқлар ҳақида маълумот тўплаш учун жўнатилган Д.Гладышев ва И.Муравин маълумотлари XVIII асрдаги қорақалпоқ шаҳарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга манба ҳисобланади. Рус географик жамияти аъзоси Я.В.Ханыков томонидан «1740-1741 йилларда Гладышев ва Муравиннинг Орскдан Хивага ва ундан орқага саёҳат» (-СПб.,1851) асарининг нашрдан чиқарилиши катта илмий манба бўлиб ҳисобланади [11]. Улар Сирдарё ва Орол денгизи атирофидаги, Хива хонлигидаги Хива, Шахтемир, Хўжайли, Қўнғирот, Хонқа, Шовот шаҳарлари, шунингдек, ўзбек, қозок, қорақалпоқ халқлари ҳақида маълумотлар беради. 1740 йил 7 октябрда Д.Гладышев ҳамроҳлари билан бирга Абулхайрхон қароргоҳига келади. Абулхайрхон илтимоси бўйича Орол вилоятига ўғли Нурали ва тоғаси Ниёзни кузатиб бориш учун рус офицерлери жўнатилади. 15 октябрда Абулхайрхон қароргоҳидан чиқиб, 2 ноябрда оролликлар шаҳри бўлган Шахтемир қалъасига етиб боради. 7 ноябрь куни Гладышев Хивага етиб боради ва 8 ноябрда Абулхайрхон илтимосига кўра геодезист Муравин билан биргаликда, Хонқа шаҳрида жойлашган Эрон шоҳи Нодиршоҳ қароргоҳига боради.

Абулхайрхон 12 ноябрь куни Хўжайли шаҳрига бориб, у ердан Амударёнинг ўнг соҳили билан Орол вилоятига боради. Бу ерда кўп жанжаллар, ҳаттоки қонли жанглардан сўнг Абулхайрхоннинг ўғли Нурали хон бўлиб сайланади. Сўнг Абулхайрхон Гладышев ва Муравин билан биргаликда ўз қароргоҳига қайтади. У ердан рус офицерлари Орск шаҳрига 1741 йили апрель ойида қайтади [11.6.].

Д. Гладышевнинг қўшимча маълумотлари: Орол ҳокимлиги тўрт тўба 32 уруғдан иборат, уларнинг икки шаҳри, оқсақоли ва бийлари бор [11.20].

Маңғит уруғи шаҳри Шахтемир; уларнинг оқсақоллари Бердали бек (Шердали), Артик бек, Сейталы бек, Қоразғалий бек; ўша оға-ини тўртта бек оқсақоллар ва бошқалар маслаҳатлашиб, Мурғалий султонни хон сифатида қабул қилган.

Қўнғирот қабиласи бошқа шаҳарда; уларнинг оқсақоллари: Бердали бек, Бекназар бий, Балта Оталиқ, Раҳманқули бий, Аваз иноқ.

Қипчоқ қабиласи оқсақоли: Ураз Әлий Қусбек, Перим оталиқ.

Хўжа-эли уруғи оқсақоли: Хатип хожи, Мирзабий (элчилар бу ерда Хўжайли шаҳрини назарда тутган бўлиши мумкин - Ж.Т.).

Маълумотларга кўра бошқа майда уруғлар билан бирга тўрт тўбада 40 мингга яқин халқ отга ўтира олади (мужмал, аниқлаштириш керак).

Геодезист И.Муравин кўрсатмасида Оренбургдан Орол денгизигача 660 верст. Абулхайрхон Сирдарёнинг икки томони бўйлаб Оренбурггача 988 верст ва Орол денгизи атирофларидан Улу-дарёгача барчаси 1543 верст оролиғда кўчиб юради. Орол қалъаси Улу-дарё (Амударё) дан 50 верст ораликда, ҳар турли ерлар, ўрмон ва ўтлоқлар бор, сув каналлардан оқади. У ердан ўнг ёқалиқ бўлаб юқори томонда 197 верст ораликда Хива шаҳри жойлашган, йўллари яхши, ям-яшил адирлар, дарё ва каналларда суви мўл, Улу-дарё бўйида тўронғил ўрмонлари кўп. Қорақалпоқлар дехқончилик қилади. Улар дарё ва кўлларнинг ёқаларидаги ерларига бугдой, тори, жўхори экади. Ерлари қумли ва лой [11.33.].

Қорақалпоқлар савдо-сотик қилиш учун Хива, Бухара ва Оролликларга шарво моллари, тулки ваборсиқ териларини олиб боради. Оролликлар савдо-сотик ишларини ўзларида ҳам ишлайди, шунингдек бошқа шаҳарларга ҳам чорво молларини сотиш учун боради. Хиваликлар ўз шаҳарларида савдо-сотик ишларини олиб боради, уларга Россия товарларини Астрахон, Шемаха орқали савдогарлар ва Бухоролик савдогарлар ўз товарларини олиб келади. Хиваликлар ипак газламалари, пахта, қоғоз ишлабчиқаради, яна улар белбоғни тез ва қисқа вақтда чиройли қилиб

ишлайдилар. Хивалик савдогорлар Бухоро, Эрон ва Россия давлатларида савдо-сотик ишларини олиб бориш учун боради [11.37].

Оролликлар Амударё (Улу-дарё) нинг икки ёқасида денгизнинг қўйи оқимиғача ҳудудларда жойлашган: дарё бўйлаб йўқорига ўнг қирғоқда Кулабий (Кула-бей) дарёсиғача, чап қирғоқда Беш-тепа (Бес-төбе) тоғиғача бўлган ҳудудларда яшайди. Оролликлар шаҳари Шахтемир бўлиб, Улу-дарёдан (Амударё) 53 верст ораликда жойлашган, бу ердан дарёнинг ўзани (делтасы) Узендарё ўтади, шаҳар деворлари пахсадан (лойдан) ишланган, қўрғон ҳозирги вақтда кулаб қолган. Уларнинг бошқалари юздан беш юзгача бўлган ўтов (қора уй) ларда бошқа ҳудудларга биргаликда кўчиб юради. Шаҳарида қора уйлардан бошқа қурилиш иморатлари йўқ. Улар Улу-дарё ва Узендарё, ҳамда қўлларга яқин ерларда деҳқончилик қилиб, буғдой, тори, жўхори экади, улардан овқат тайёрлайди, қолганидан отлар учун ем-хашак тайёрлайди. Ерларини ҳўкиз билан суради, қўл ва дарёдан суғоради. XIX аср Россия тарихчиларидан П.И.Рычков, М.Чулков, XX аср олимларидан П.П.Иванов, А.М.Бирзе, С.Камалов тадқиқотларида Д.Гладышевнинг қорақалпоқлар ҳақида маълумотларидан манба сифатида фойдаланилган [12].

1753 йил Оренбург шаҳридан савдо қарвони савдо-сотик мақсадларида Хива хонлигига йўлга чиқади. Унинг таркибида бўлган самаралик савдогар Д. Рукавкин сафар воқеалари ҳақида «1753 йилда самаралик Данила Рукавиннинг Оренбургдан Хива ва Бухорогача саёҳати» номли асарини ёзади. Савдо қарвони йўналиши: Оренбург, Уралск, Сарайчиқ қўрғони, Устюрт плотаси орқали Урганч, Анбир қўрғони, Шовот, Хива, Бухорогача ва қайтишда Сирдарё бўйлари орқали қайтади [13.21].

Ушбу манбада қуйидаги маълумотлар келтирилган: «1749 йилгача бир қанча вақт Нурали оролликларга хонлик қилади. Оролликларда олтин рудаси бор, лекин уни қайта ишламайди, сабаби оролликлар метални қайта ишлашни билмайди. Ёзда улар кўчиб юради ва деҳқончилик қилади, қишда уйларида ва ертўлаларда яшайди. Сирдарёнинг иккинчи томонида бир оролда, уларнинг «Орол» деб номланадиган қалъаси бор.

1780 йили Оренбургдан Бухоро амирлигига келган Россия империяси элчиси М.Бекчурин XVIII аср иккинчи ярмидаги Янгидарё ҳудудидаги қорақалпоқлар ҳақида маълумотлар беради. Янгидарё даври, яни XVIII асрнинг иккинчи ярми қорақалпоқ халқи тарихининг кам ўрганилган даври ҳисобланади. М.Бекчурин кундалигида элчилик миссияси давридаги воқеалар саналари кетма-кетликда берилган: «6 декабр куни (1780 йил) Бухоро томонга борадиган катта йўл бўйидан юрдик. 8 декабр куни Окмўлла деган жойдаги Янги сув (Янгидарё) яқинида тунадик. Бу ерларда қорақалпоқлар яшаганлиги учун у ер «Қорақалпоқларнинг ери» деб айтилади. Қорақалпоқлар деҳқончилик билан шуғулланади, улар 200 авулни ташкил этади. Улар Ералли Султан раҳбарлигида козоқ улусига бўйсиниб, буғдой билан солиқ тўлайди. 9 декабрь куни Янгидарё этаклари бўйлаб юқори томонга 10 чакрим юриб, дарёдан Бухоро томонга ўтдик. Жингилди боши деган жойда тунадик, йўл қумли, тепаликлар ва саксавуллар кўп. Янгидарё Қувандарёдан оқиб келади. Бу дарёдан қорақалпоқлар экин ерларини сувғороди. Бу ерларда эски уйлар қолдиқлари сақланган. Шунингдек, узунлиги 150 вазни 50 метрлик қалъа бар» [7.117-118]. М.Бекчурин Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари тарихий географияси ҳақидаги маълумотларни ҳам келтирди.

1842 йил 29 май ойида Оренбург генерал-губернатори буйруғига биноан подполковник Г.И.Данилевскийни Хива хонлигига элчи вазифасига тайинлайди [14.]. Унинг элчилик миссияси таркиби таржимон ва котибдан ташқари, табиатшунос олим Базинер, икки топограф ва соқчи сифатида 20 казакдан иборат эди.

1843 йил Хива хонлигида Г.Данилевский экспедицияси аъзолари томонидан Хива хонлигининг хариталари чизилади. Г.Данилевский рус тилида ва экспедиция аъзоси Ф.И.Базинер немес тилида Хива хонлиги, Орол денгизи ва Устюрт плотаси ҳақида географик асар яратган. Ф.Базинер китобида Орол денгизи ва Хива хонлигининг ўрта масштабли (50 верстли) картаси қўшимча қилинган. Унда Орол денгизининг этаклари, Қорақалпоғистон ҳудудидаги Амударё дельталари Улударё, Қозоқдарё, Таллиқ дарё, Қарабайли ва бошқа географик ҳудудлар кўрсатилган.

Г.И.Данилевскийнинг «Хива хонлиги ҳақидаги маълумотлар» асарида элчилик сафаридаги ёдномалар баён этилган [15.77-78]. Унда Хива хонлиги, Устюрт ва Орол денгизи бўйларидаги халқлар тарихи бўйича маълумотлар қолдирилган. Шунингдек, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни келтиради [14.67.].

Чимбой ва Қўнғирот шаҳарлари қорақалпоқларнинг маъмурий маркази ҳисобланади. Ороллик ўзбекларнинг орасида Хўжайли шаҳри ҳам катта аҳамиятга эга. Бу шаҳар атрофида қўшни халқлар билан биргаликда қорақалпоқлар ҳам жойлашган. Чимбойда катта қарвонсарой, 150 дўкон, Қўнғиротда 350 дўкон, Хўжайлида 150 дўкон бўлган. Қўнғирот бозоридаги дўконларда бозор кунлардан бошқа кунлари ҳам доимий савдо бўлади. Ушбу шаҳарлар ички савдода катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

XIX асрнинг ўрталарида Россия империяси сиёсий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Орол денгизини географик ва картографик томондан ўрганиш бошланади [16]. 1839 йилги Перовский раҳбарлигидаги Хива хонлигига ҳарбий юриш муваффақиятсиз якунлангандан сўнг подшоҳ ҳукумати Ўрта Осиёга ҳарбий ҳужум тактикасини ўзгарта бошлайди. Бундан буён режали асосда мустаҳкам плансдарм тузушга таёргарлик кўриш учун Ўрта Осиё хонликларини географик ва картографик жиҳатдан ўрганишга диққат қаратади. Бу даврда Россия империяси учун Орол денгизининг иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамияти ғоят муҳим эди. Шу мақсадда 1847 йили Орол флотилияси тузилиб, унинг ёрдами билан Ўрта Осиё хонликларига келгусида ҳарбий юришга тайёргарлик кўриш учун Россия империяси томонидан Орол флотилиясининг раҳбари контр-адмирал А.Бутаковга 1848 йил Орол денгизини чуқур ўрганиш ва уни географик жиҳатдан таснифлаш вазифаси топширилади. Унинг кўзатувлари «Кундаликлар» да баён қилинган [17.60].

А. Бутаковнинг «Ҳозирги Ўрта Осиё тарихидан кўриниш» номли мақоласида қўйидаги маълумотлар келтирилган: Хива хонлиги қўйи Амударё воҳасида жойлашган. Об-ҳаво иссиқ ва ёмғирсиз, континентал иқлим, улар Амударёдан каналлар орқали деҳқончилик ерларини суғоради. Хонликнинг шимолидаги Қўнғирот вилояти Орол денгизи билан туташади. Амударё бир неча тармоқларга ажралади, у ерлерда Хива хонлиги таркибидаги бир нечта кичик шаҳар, қўрғонлар бор. Таллиқ дельтаси бўйидаги асосий шаҳар Қўнғирот бўлиб, вилоятдаги барча халқ учун марказий бозор ҳисобланади.

Қўнғиротда 7-8 минг халқ яшайди, улар туркий қабилалар авлодлари: ўзбеклар, сартлар ва тожиклар. Ўзбеклар савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Қорақалпоқлар бутун вилоятда 80-90 минг халқ, улар тинчликсевар ва меҳнаткаш халқ, деҳқончилик билан шуғулланади, олдинги даврларда улар қўйи Сирдарё бўйларида яшаган. У ерда қозоқлар билан ўзаро жанжаллар сабабли ўтган асрнинг иккинчи ярмида Амударё бўйларига келиб жойлашган [18.235-244.].

1857 йил охирида Хивага юборилган элчилик миссияси раҳбари этиб бош штаб полковниги флигел-адъютант Н.Игнатов тайинланади. 1858 йил май ойида 18 нафар аъзодан иборат элчилик миссияси ва 57 отлиқ аскарлар билан Оренбургдан йўлга чиқади. Орол денгизиде Бутаков бошқарган «Перовский» пароходи элчи Игнатовни Урга (Орол денгизидеги кўрфаз) яқинида кутиб олади. Аммо хиваликлар, Хива шаҳаригача пароходда бориш ҳақидаги рус элчилари фикрларига қарши бўлганликдан Н.Игнатов юк ва совға-саломларини кемаларда Қўнғирот шаҳрига юборади. Ўзи элчилар билан Орол денгизи ғарбий соҳиллари бўйлаб Ойбуйир қўлтиғи орқали Қўнғиротга келади. Урга яқинида элчилик миссиясига Хива хонлиги вакиллари Қўнғирот шаҳри ҳокимининг ўғли, қорақалпоқ бийи Истилеў, қозоқнинг табин уруғининг бийи Азберген ва Бек Муратлар кутиб олади. 27 июнда бутун элчилик аъзолари Қўнғирот шаҳрига етиб келади. Элчилик миссияси аъзоларидан бўлган Килевейн Қўнғирот шаҳри ҳақида маълумот беради [19.1-12].

«Халқи кичик қишлоқ (авул)ларда, далаларда, каналлар бўйларида, умуман олганда, Амударёнинг чап оқимида Хива хонлигидаги ўтроқ халқ жойлашган. Улар деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳар бир ер эгаси ўз ерини пахса деворлар билан қўршаб олган. Уларнинг боғи, полиз майдонлари, айрим хунармандчилик устохоналари бор. Бундай ер эгаларини Бек ёки хўжайин деб атайди. Қўнғирот шаҳри Амударёнинг ўнг оқимида 4 верст ораликда, Хонёб каналининг чап оқимида катта девор билан ўраб олинган. Муҳаммед-Раҳимхон даврида 1814 йил бутун шаҳар атрофи қўрғонлари билан бирга Хива хонлигига қўшиб олинади. Қўнғиротда ажойиб хон саройи бўлиб, унда бизлар келган вақтда меҳмон бўлдик. Рус элчилик миссияси шаҳарга келган вақтда халқ тинч эди. Бизлар кетгандан сўнг 31 августда Қўнғиротда ўзбеклар ва қорақалпоқлар бирлашиб шаҳар ҳокими Қутлимуродни ўлдирди. Унинг ўрнига 1814 йилгача Қўнғиротни бошқарган Тўрамурод сўфининг набираси Муҳаммад Фена (Панахон) ўзини хон деб эълон қилади. У ўз номидан танга пул чиқаради, бундай монетани Россия Археология жамияти аъзоси Оренбург вилояти башқармасида қирғизлар билан шуғулланувчи Григорев қўлга киритади. Бир йилдан сўнг Муҳаммад Фена ўлдирилади. Қўнғирот халқи Хива хони Сайдмуҳаммад хон ҳукимронлигини қайтадан тан олади».

Ороллик ўзбеклар хонликнинг шимолида, Амударё дельтаси бўлган Лавзандан бошлаб, Орол денгизигача бўлган ҳудудларда яшайди. Оролликлар деҳқончилик, чорвачилик ва ота касби бўлган балиқчилик билан шуғулланади.

1858 йилги полковник Н.П.Игнатов раҳбарлигидаги экспедицияни ҳимоя қилиш учун Урал казакларидан ҳарбий гуруҳ тузилган эди. Ушбу гуруҳдаги офицерининг «Ойбуйир қўлтигидан Қўнғиротгача» номидаги кундалик дафтари «Уральские войсковые ведомости» газетасининг 1868 йил 25 февралдаги сониде эълон қилинади. Кундалик дафтарда XIX асрдаги Қўнғирот шаҳри халқининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳақида муҳим маълумотлар берилган [20.].

Умуман олганда XVII-XIX асрлардаги юқорида келтирилган манбаларда, асосан, Жанубий Орол бўйидаги марказий шаҳарлар Қўнғирот, Чимбой ва Хўжайли шаҳарлари бўйича маълумотлар кўп учрайди. Қорақалпоқларнинг қалъа-қўрғонлари ва аҳоли пунктлари ҳақида

баъзи бир манбаларда эслаб ўтади. Шунингдек, элчилари таркибида Россия фанлар академияси, рус географик жамияти аъзолари Орол денгизи, Ўрта Осиё табиий бойликлари картографияси ва географиясини ўрганиш мақсадида мутахассислар жўнатади. Уларнинг асарларида Жанубий Оролбўйи шаҳарлари ҳақида маълумотлар ўрин олганлигини кўрамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қарақалпақстанның жаңа тарийхи. Қарақалпақстан XIX әсирдин екинши ярымынан XXI әсирге шекем. –Нөкис. Қарақалпақстан. 2003. – Б.18-19.
2. Задыхына К.Л. Узбеки дельты Амударьи // ТХАЭЭ. Том.И. – Москва. Наука, 1952. – С.324–325.
3. Абулғазы Баходирхон. Шажарайи турк. –Тошкент. Чўлпон, 1992. – Б.5.
4. Рычков П. И. Топография Оренбургская. То есть обстоятельное описание Оренбургской губернии. – Санкт-Петербург, 1762.; Рычков П. И. История Оренбургская. 1730-1750 гг. – Оренбург, 1896. 2- изд.
5. Хожаниязов Г. Аральско-кунградское владение // Вестник КК отделение АНРУз №7 2004. – С. 52-53.
6. Казахско-русские отношения в XVI-XVIII веках. Алма-Ата: АН Каз ССР, 1961. – С. 48-86.
7. Зияев Х. XVIII асра Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.127.
8. Камалов С. Қарақалпақлардын халық болып қәлиплесиўи ҳәм оның мәмлекетлигиниң тарийхынан. – Нөкис. 2001. – Б.25-26.
9. Нурмухамедов М.К., Жданков Т.А., Камалов С.К. Қарақалпақи. –Ташкент. Фан, 1971. – С. 19-20.
10. Лукин Б.В. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI первой половины XIX в. –Ташкент. Фан, 1988. – С. 76-86.
11. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. Гладышев и Муравин. – СПб., 1851 // Туркестанский сборник. Том. 343.
12. Рычков П. Топография Оренбургская. – СПб., 1762. Часть. И.; Чулков М. Историческое описание Российской коммерции. –М., 1785. Том.2. Кн.3.; Бирзе А.М. Красный архив. 1938. №6. 1939. №1.; Иванов П.П. Очерки истории каракалпаков. –М.-Л., 1935.; Камалов С.К. Каракалпақи в XVIII-XIX веках. – Ташкент: Фан, 1968. С. 327.
13. Маслова О.В. Образ русских путешествие и экспедиций в Среднюю Азию // Материалы к истории изучения Средней Азии. Ч. II, 1715-1856. –Ташкент, 1955. – С. 21.
14. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства //Записки Русского географического общества. Кн В. – СПб., 1851.
15. Турганов Б., Сапарова А. Қарақалпақстан тарийхын үйрениўде елши Г.И.Данилевскийдин мағлыўматлары – дерек сыпатында.– Б.77-78.
16. Сулайманов С.А. Орол ва Амударё флотилияси тарихи (1847-1920). Автореферат. Нукус 2010
17. «Дневные записки плавания А.И. Бутакова на шхуне «Константин» для исследование Аральского моря в 1848-1849 гг» //Подготовка к печати Е.К. Бетгера. - Ташкент, 1953.-60 с.
18. Бутаков А.И. Эпизод из современной истории Средней Азии. // Туркестанский сборник. 1867. Том. 5.– С.235-244
19. Килевейн Е. Отрывок из путешествия в Хиву некоторые подробности о ханстве во время правления Сейд-Мухаммад хана 1856-1860 г. // Туркестанский сборник. –Том, 388. – С. 1-12.
20. «Уральские войсковые ведомости» газетасы. № 9. 1868 г.25-февралья.

УЎК 930.2(376.7)

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСР ИСЛОМ ТАЪЛИМИ ТАРИХШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

З.Э. Халилова, докторант, ЎЗР ФА Шарқишунослик институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада XX асра Ўзбекистонда мавжуд бўлган ислом таълим муассасалари фаолиятини ёритган тадқиқотлар тарихишунослиги ёритилади. Тадқиқотлар хронологик ва муаммовий тарзда тизимли таҳлил қилиниб, мазкур мавзунинг келгусида ўрганилиши баъзи жиҳатлари кўрсатиб берилади.

Калим сўзлар: тарихишунослик, ислом, таълим, Ўзбекистон, мадраса, совет давлати, хориж тадқиқотлари

Аннотация. В статье освещаются историографические исследования исламских учебных заведений Узбекистана в XX веке. Исследования анализирует проблематику и хронологию вопроса, а также показывает некоторые аспекты дальнейших исследований по этой тематике.

Ключевые слова: историография, ислам, образование, Узбекистан, медресе, Советское государство, зарубежные исследование

Abstract. The article highlights the historiographical studies of Islamic Educational institutions in the 20th century. The paper on the base of problematic and chronology analyzes shows some aspects of further research questions on this subject.

Key words: historiography, Islam, education, Uzbekistan, madrasah, Soviet state, foreign research work

Қириш. Ўзбекистонда ислом дини ва маданиятининг миллий мафкура ва маданий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб қилишдаги ҳиссасини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Исломи таълимнинг муайян тарихий даврда мавжуд бўлган анъаналари ва уларнинг жамият маънавий ривожига қўшган ҳиссасини тарихий жараёнлар кесимида алоҳида

ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ёшлар тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш, “динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш” [1] вазифасининг кун тартибига қўйилиши ислом таълими йўналишида янги илмий изланишларни талаб қилади. Шу жиҳатдан, турли тарихий даврларда, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида XX асрда ислом таълими муассасалари фаолиятини тарихшунослик муаммоларини ўрганиш, муаммонинг тадқиқ этилмаган жиҳатларини аниқлаш ва келгусидаги илмий изланишлар учун йўналишларни белгилаш имконини беради.

Айтиш мумкинки, ҳозирга қадар XX асрда ислом диний таълим тарихи ёритилган, комплекс фундаментал тадқиқот иши ҳали яратилмаган. Бирок, муаммонинг айрим жиҳатларини ёритган тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда совет йилларида диний сиёсат тарихини тадқиқ қилиниш баробарида, бу сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлган диний таълим соҳаси ҳам ўрганилган. Хусусан, Россия имериясининг Туркистонда ислом динига муносабати, империянинг маданий ислохотлари, маҳаллий зиёлиларнинг (жадид) таълимдаги ислохотлари педагогика, тарих, адабиёт, маданият йўналишидаги тадқиқотларда муҳокамага тортилмоқда [2]. Уларда асосан таълимнинг педагогик ва филологик жиҳатлари ва умумий ёритилган ҳолда, диний таълим ҳолатидаги трансформация жараёнлари, жамият мусулмон вакилларининг билимларни қабул қилиши ва кейинги авлодга етказиб бериши, диний билимларнинг мусулмон шахси, миллий диний идентикликнинг ўзгаришларидаги кўринишлари, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида хотин қизлар диний таълимнинг ўзига хос жиҳатлари ва ҳудудий (Россия мусулмонлари қарашлари мисолида) хусусиятлари тадқиқ қилинмайди. Ушбу мақолада муаммонинг тарихшунослигига доир баъзи мулоҳазалар ёритилади.

Асосий қисм. Ўзбекистон ҳудудида XX асрда ислом таълимида мавжуд бўлган анъанавийликнинг замонавийлик билан трансформацияга киришуви содир бўлди. Бунда таълимда ўрта асар анъаналарининг сақланиб қолаётганлиги ва унинг янги замон талабларига жавоб бермаслиги кўп марта таъкидланиб, жадид маърифатпарварлари таълимда замонавий фанларни ўқитиш, таълимни ташкил этишда янги усулнинг қўлланилиши, бошланғич мактабларда нафақат ислом диний билимлари балки жамият учун зарур бўлган аниқ ва табиий фанлар ўқитилиши жорий қилинди. Энг муҳим жиҳати, таълимда биринчи марта маҳаллий тилда ёзилган (эски анаъанавий таълимда араб ва форс тилида ёзилган китоблар дарслик вазифасини ўтаган) китоблардан фойдаланилиши кузатилади. Айнан шу жараёнларни ўзида жамлаган манба ва адабиётлар мавжуд бўлиб [3], уларнинг орасида таҳлилий хулосалар ва танқидий фикрлар билан бойитилган мустамлака даври рус тадқиқотчилари ёзишма, ҳисобот ва мемуарлари ҳам муҳим ҳисобланади [4]. Айниқса, бу давр таълимнинг ҳолати рус маъмурияти вакиллари, шарқшунос олимлар Н.С. Лыкошин, В.Наливкин, Н.П. Остроумов асарларида келтирилади. Келтирилган қайдларнинг барчаси ҳам империянинг ўлкадаги қизиқишлари нуқтаи назаридан ёзилган бўлса ҳам, асарларда шу давр аҳолининг турмуш тарзи ва ислом таълимидаги ўзгаришларнинг жамият учун аҳамияти юзасидан ҳам муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, В.Наливкиннинг таъкидлашича, Туркистон мадрасаларида ўқиш тизими ҳозирги ўрнатилган ўқув муассасалари таълими сифатига жавоб бермайди, маҳаллий аҳоли (туземлик) ҳаётидаги қуйи мусулмон мактаблари (Бошланғич мактаб) бўлса ҳам аҳолининг саводсизлик юқори даражада бўлиб, бу шу изоҳланадики, мактабдан олинган билимлар билан оддий кундалик ҳаётда фойдаланиб бўлмайди. Юқори натижаларга эришган айрим талабаларгина бошланғич мактабдан олган билимлари билан мадрасада ўқишни давом эттира оладилар. Мадрасалар ҳозирги кун учун чекланган миқдордаги билимларни берапти. Мадрасалар асосий функцияси таълим эмас, тарбия бериш вазифасини бажараётгани келтирилади [5]. Таъкидлаш лозимки, мазкур давр тадқиқида нафақат рус маъмурларининг қарашлари балки катта ҳажмдаги маълумотларни бирлаштирган архив ҳужжатларини ҳам тадқиқотда жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, қайдларда ва ҳужжатларда келтирилган маълумотларни ўзаро солиштириш орқали ҳолис объектив хулосаларни бериш мумкин ва бунда тарихчидан постколониал тадқиқотларни ўрганишнинг методлари ва методологиясига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Совет йилларида Ўзбекистонда ислом давлат муносабатларидаги зиддиятлар диний таълимнинг моҳияти ва тарихининг ўрганилиши борасидаги талқинларда сиёсий ғоявий ёндашувлар таъсирини кўриш мумкин. Мазкур муаммонинг айрим жиҳатлари Т.Саидбаев, О.Сухарева, М.Жалолов, А.Аҳмедов, Р.Мавлютов, У.Юсупов ишларида таҳлил қилинади [6]. Таълим тарихига доир Й.Абдуллаев, К.Бендриков ишларида асосий қарашлар совет мактаблари фаолиятини ёритишга қаратилган ҳолда, ўлкадаги анъанавий эски мактаблар масаланинг баъзи жиҳатлари ҳам қайд этилади [7]. Мазкур адабиётлар диний таълимнинг ҳолати юзасидан умумий хулосаларни бирлаштиради.

1991 йилдан сўнг совет республикалари жамиятида юз берган ўзгаришлар тадқиқотлар кўлами ва концепциясида янги талқин ва хилма-хил фикрлар пайдо бўлишига олиб келди. Тадқиқотлар орасида Ўзбекистон ҳудудида диний таълим муаммосининг баъзи жиҳатлари Б.Расулов, А.Чориев, И.Алимов, А.Жуманазар, Ў.Султанов, Ф.Бобожонова илмий изланишларида [8], совет йилларида давлат дин муносабатлари ва ислом таълимининг айрим масалалари Б.Бабаджанов, А.Мўминов, У.Ғафуров, Р.Юсупов, А.Салмонов, Ҳ.Йўлдошхўжаев каби тарихчиларнинг тадқиқотларида ёритилади [9]. Тадқиқотчилар архив ҳужжатлари ва муаммони фанлараро кесимда таҳлил қилиб, Ўзбекистонда ислом таълимининг турли йилларидаги ҳолатини ёритадилар. Жумладан, Совет даврида ислом диний таълими масалаларига оид тадқиқотлари орасида М. Кемпер таҳрири остида нашр этилган тўпلام муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда Ўзбекистонда совет йилларида ташкил этилган ислом таълим муассасалари фаолиятида ўқув дастури, дарслик, талаба ва мударрислар ҳақидаги мақоласи ҳам ўрин олган [10]. Масалан, Р.М. Юсуповнинг сойет йилларида диний бошқарма фаолиятини ёритишга бағишланган тадқиқотида шу даврда ташкил этилган мадрасалар тўғрисида ҳам фикр билдиради. Тадқиқотчининг таъкидлашича, мадрасаларда (Мири Араб, Бароқхон) талабалар юқори малакали мударрислардан диний фанлар буйича чуқур билим олиб, диний арбоб, етук кадрлар бўлиб етишиб чиққан деб келтиради. Ваҳоланки, архив маълумотларини таққослайдиган бўлсак, совет ҳукумати томонидан олиб борилган диний сиёсат мадрасалар фаолиятида, диний фанларнинг ўқитилишида, таълим муассасаларидаги таҳсил жараёнига таъсир кўрсатган, баъзи йилларда унинг дастурида диний таълим муассасасининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда асосан, диний фанлар ўқитилишига эътибор берилган бўлса, баъзан дунёвий фанларга бўлган эътибор кучайганлигини кўриш мумкин.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ислом дини таълимининг баъзи масалалари ғарб ҳамда Россия тарихшунослигида ҳам тадқиқотларнинг қизиқарли масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Хориж изланишларида ислом таълимидаги ислоҳотлар ва унинг йўналишлари таҳлил қилган тадқиқотчилар томонидан анъанавий ислом ва ислоҳотчилик ҳаракатлари, таълимдаги трансформацион жараёнлар юзасидан фикр мулоҳазалар келтирилади [11]. Масалан, хориж тадқиқотчиси Эрен Тасарнинг мақоласида совет мадрасасида ўқув режасида диний ва дунёвий таълим аралаш ҳолда олиб борилганини, мадраса раҳбариятининг маърузаларида жадидчилик ғоялари илгари сурилганини қайд этади. Тадқиқотчи совет йилларида диний масканларда таълим коммунистик мафкура ва салафийлик қарашлари асосида ташкил этилганига алоҳида урғу беради [12].

Россия тарихшунослиги Д.Ю. Арапов, В.А. Ахмадуллин, С.М. Прозоров, В.Бобровников, А.К. Бустанов тадқиқотларида совет йилларида ислом дини ва давлат муносабатлари контекстида таълимнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинади [13]. Жумладан, В.Ахмадуллин Совет давлатининг мадрасалар фаолияти устидан кучли назорат олиб боргани таъкидлаиб, бунинг натижасини 1949 йилда Тошкент шаҳрида Бароқхон мадрасасининг очилиши бекор қилинганини қайд этади [14].

Хулоса. XX асрда Ўзбекистонда ислом дини таълимининг баъзи жиҳатлари ёритилган тадқиқотлар хулосаса шуни кўрсатдики, тадқиқотларда таълимнинг асоси ҳисобланган дарсликлар, уларнинг мазмуни ва таркибидаги ўзгаришлар қандай юзага келганлиги ўрганилмаган. Юқорида кўриб ўтилган тадқиқотлар гарчи диний таълим тарихини ўрганишни мақсад қилиб қўймаган бўлишсада, муаммонинг айрим масалалари диний сиёсат тарихини ёритиш баробарида қайд этиб ўтилган. Мазкур масалаларга батафсил тўхталган йирик тадқиқот мавжуд эмас. Келажакда тадқиқотларнинг XX асрда ислом дин таълими тарихи, ислом дини педагогикаси муаммолари, шунингдек, талабалар психологияси, айниқса, мустақиллик йилларида диний кадрлар тайёрлашнинг дунёвийлик ва маданиятлараро бағрикенглик ғояси асосида олиб борилиши нафақат тарихий жараёнлар, балки манбашунослик, исломшунослик, дин социологияси, антропология, педагогика, сиёсатшунослик, диншунослик, ижтимоий психология, этнология тадқиқот усуллари орқали тадқиқ этишни талаб этади. Бунда тадқиқотчилар муаммони таҳлил қилишда замонавий фан методлари ва методологияси талаблари асосида тарихий жараёнларни холис баҳолашлари билан Ўзбекистон ҳудудида ислом тарихи ва диний таълим тарихи соҳасидаги янги маълумотларни илмий муомалага жалб эта олишлари мумкин.

Умуман, Россия ва ватан тарихшунослигида яратилган адабиётларда таълимнинг айрим масалалари кичик мақола кўринишида таҳлил қилинсада, бу XX асрдаги диний таълим ҳолати, шунингдек, ислом таълим муассасалари фаолиятинининг муҳим жиҳатларини очиб бериш учун етарли эмас. Бу эса, маҳаллий тадқиқотчилар олдига муаммони алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 сентябрь Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар буйича биринчи саммитидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>
<https://president.uz/uz/lists/view/1018> (электрон манба 19.02.2020)

2. Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. – Т.: Ўқитувчи. 1990. – 176 б.; Фаттоев М. Атокли педагогларимиз. – Т.: Ўқитувчи. 1998. – 48 б.; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Т.: Ношир. 2012. – 250 б.
3. Саидазизов С. Устади аввал. 2-издание. – Т.: Литография В.Илина. 1903. – 44 б.; Ходжа Маҳмод Ходжа Бегбуд Ходжаев. Асабаб сувал. Алифбои мактаб исламия. – Самарканд, 1905. – 40 б.; Абдуллах Рустамбек ибн Юсуфбек. Таълими Аввал. – Т.: Литография Арифджанова, 1915. – 30 б.
4. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886. – 244 с., Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае, ЖМНП, №2, 1906. – С.113-166.; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – СПб, 1916. – 415 с.
5. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных медресе. Сыр-Даринской области в 1890-1891 учебном году. – Т.: Тип. При Канц. Турк. ген. губ. 1916. С. 44-56.
6. Юсупов У. О религии и антирелигиозной пропаганде. – Ташкент, 1940. – 42 с; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1984. – 302 с.; Джалолов М. В тени ислама. – Ташкент, 1987. – 104 с.
7. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. – Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1960. – 151 б.; Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – М.: Акад. Пед. Наук РСФСР, 1960. – 499 с.
8. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари): Автореф. тарих фан. номз.– Андижон, 1996. – 66 б.; Султанов Ў. XIX асрда Тошкент мадрасаларининг ҳолати // О'zbekiston tarixi. 3-сон, 2005. – Б. 64-73; Бобожонова С. Бухоро амирлиги таълим тизими (XIX аср охири XX аср бошлари) – Т.: Adib, 2014. – 128 б.; Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Т.: Akademnashr, 2017. – 592 б.
9. Бабаджанов Б. Паоло Сартори. У истоков советского дискурса о "хорошем исламе" в Центральной Азии // Ab Imperio, 2018, №3. – С. 219-255.; Фафуров У. Тошкент ислом институти: Барокхондан Имом Бухорийгача // Тошкент Ислам Университети илмий таҳлилий ахборотномаси. 2002, 1-сон. – Б. 8-13.; Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950): Автореф. тарих фан. ном. – Т.: ЎЗМУ, 2008. – 33 б.; Юсупов Р.М. Ўзбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти (МДА маълумотлари асосида): Автореф. тарих фан. ном. – Т.: ЎЗМУ, 2008. – 33 б.; Йўлдошхўжаев Ҳ., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Т.: Movarounnahr. 2015. – 496 б.
10. Muminov A., Gafurov U., Shigabdinov R. Islamic Education in Soviet and post Soviet Uzbekistan // Islamic Education in the Soviet Union and its Successor States. Ed. Michael Kemper, – New York, 2010. – P. 223-280.
Ҳозирги вақтдаги маданий-маърифий марказлар прототиби ўтган замонлардаги дунё архитектурасига бориб тақалади. Клублар асосан XXIII - XIX асрларга келиб ривожлана бошлади. Дастлабки вақтда бундай кичик ҳажмдаги клублар асосан, бир касбдаги, маслакдошларни, "пролетларни" ўз атрофига тўплаган бўлса, кейинчалик бориб у ерда на фақат овқатланиш, информация олиш, бўш вақтини ўтказиш, ўз билимини ошириш ва қолаёврс спорт билан шугулланишгача етиб келди. Бошқа маданий-маърифий муассасалар билан солиштирганда, масалан, театр ёки кинотеатр, маданий-маърифий марказлар аҳолини энг кўп ўзига жалб қила оладиган, турли хил машғулотларни ўтказишга мўлжалланган махсус турдаги бинолардан бири бўлиб ҳисобланади. Клублар тармогининг ўсиб бориши унинг шаҳарсозликдаги аҳамияти, айниқса кишлоқ жойлари учун улардан янада унумли фойдаланиш мақсадида уларнинг янги-янги типларини яратиш кишлоқ ва шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган оммавий қурилишга мўлжалланган лойиҳаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Аҳолининг ҳудудлар бўйлаб жойлаштиришда ишлаб чиқаришга ҳамда маданий-маърифий ишларини кенг тарқатиш мақсадида шаклланишга бирқатор актив ва пассив шаклдаги турли хил омиллар билан бирга, кишлоқ ҳаётининг қиёфаси, бўш вақтнинг таркибий қисми, машғулотларнинг хусусиятлари ва уларни маданий қатламга боғлаш ҳамда соғломлаштириш тадбирлари таъсир этади. Маданий-маърифий муассасалар тармоғи ишлаб чиқариш ҳудудлари ва туман аҳолисини яшаш, жойларини қамраб олган жойгача қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб ҳозирга келиб клубларнинг оммавий бино типларидан бири у ҳам бўлса, тўғарақларни ўз таркибига олган ҳолда тамошабинни зериктирмайдиган зал, саҳнага эга бўлган ҳамда артистлар хонаси бўлган барча хизмат кўрсатиш хоналарига эга бўлган клуб ҳисобланади.

Кейинги йилларда клубларни қуришда клуб фаолиятигагина хос бўлган тадбирларга (хаваскорлар ижодиёти, умумий қизиқиш бўйича бирлашиш, ўйин- кулги билан вақти ўтказиш) интилиш сезилмоқда.

Яқин орада тамошабин спорт иншоотлари, кутубхоналар ва бошқа дам олишга мўлжалланган муассасаларнинг йўқлиги туфайли кўп кишлоқ жойларида клубларнинг универсал функциялари сақланиб қолган. Шаҳарда эса ижодий фаолияти (ҳалқ ижодий уйлари, хаваскорлар клуби), қизиқишлар бўйича ўз атрофига тўплайдиган турли касб эгаларига қизиқувчиларни жалб қила оладиган клублар, ёшлар уйлари ва шу каби ижодиётни олиб боришга мўлжалланган марказларни бўлишига эҳтиёж сезилмоқда.

Маданий-маърифий марказлар биноси мавзуси бўйича топшириқни бериш. Илмий тахлилий мулоқотни ўтказиш, адабиётлар ва методик ишлар билан таништириш. Лойиҳалашга бўлган талаблар, маданий-маърифий марказлар биносини лойиҳалашда архитектуравий, конструктив талабларни ўрганиш марказлар биносини мавзу бўйича бино аналогига бориб объектни ўрганиш. Лойиҳанинг дастлабки эскиз чизмаларни чизиш ,эскиз ғояни клаузурада қоғозда ифода этиш ва тарх, тарз, қирқим ва перспектив ҳолатда кўринишларини кўриб чиқиш.


Эскиз ғояси устида ишлаш,эскизни вариантлаш. Эскиз ғояда функционал жараёнларни ҳисобга олиш,тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш. Хоналарнинг функционал асосини шакллантириш асосий хоналарнинг функционал фазовий ечими, клаузурани бажариш. Бино тархидаги камчиликлари устида ишлаш, хоналарини тўғри жойлаштиришга эътибор бериш. Клаузурани тахлили, лойиҳа элементларини, меъёрларини, объект лойиҳаларини методологик таҳлил қилиш бинонинг тархи ва конструктив ечимидagi камчиликлар устида изланиш. Бинонинг конструктив қисимини ечишда, хоналарни жойлаштиришда устун қадамларидан тўғри фойдаланиш.

Бино тархи устида изланиш олиб бориши бўйича ғояси устида ишлаш, лойиҳа тархи, тарзи ва қирқимларидаги камчиликларни бартараф этиш. Бино тархлари ечимини шакллантириш бош тарх устида ишлаш. Лойиҳани масштабда ишлаш, лойиҳа ишидаги бинонинг бадий ечимини (миллий урф-одатларимиздан келиб чиқиб) ечиш . Бинонинг бадий ечимини топиш, лойиҳани

масштабда чизиш. Мавзу асосида бажарилган бинони тасдиқлаш ва график ижро этиш, лойихани ишини рангли график усулида бажариш. Лойҳадаги бинонинг тарз ва перспектив қисмидаги антуражни ишлаш ва бош режани график ишлаш.



ҲОЯ ЭСКИЗИ



Ҳоя устида ишлаш

Лойихани график расмийлаштириш ва тугатиш, лойихани график безаш, тугатиш ва химоя қилиш, маданий-маърифий марказлар биноси мавзуси бўйича топшириқни бериш. Илмий таҳлилий мулоқотни ўтказиш, адабиётлар ва методик ишлар билан таништириш лойиҳалашга бўлган талаблар. Маданий-маърифий марказлар биносини лойиҳалашда архитектуравий, конструктив талабларни ўрганиш. Маданий-маърифий маркази мавзуси бўйича бино аналогига бориб объектни ўрганиш, маданий-маърифий маркази лойиҳасининг дастлабки эскиз чизмаларни чизиш.


Эскиз ғояни клаузурада қоғозда ифода этишт арх, тарз, қирқим ва перспектив ҳолатда кўриниши.. Маданий-маърифий маркази биноси мавзу бўйича хоналарининг технологик боғлиқлик схемалари кўриб чиқиш ва ўрганиш. бинолар лойиҳасида зинапоаяларни тўғри қўллаш ҳамда ёнгина қарши чора-тадбирлар. Эскиз ғояда функционал жараёнларни ҳисобга олиш

тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш. Хоналарнинг функционал асосини шаклланиши асосий хоналарнинг функционал фазовий ечими клаузурани бажариш. Бино тархидаги камчиликлари устида ишлаш, хоналарини тўғри жойлашишига эътибор бериш клаузурани таҳлили, лойиҳа элементларини, меъёрларини, объект лойиҳаларини методологик таҳлил қилиш, бинонинг тарҳи ва конструктив ечимидagi камчиликлар устида изланиш. Бинонинг конструктив қисимини ечишда, хоналарни жойлаштиришда устун қадамларидан тўғри фойдаланиш Бино тарҳи устида изланиш. Лойиҳа ғояси устида ишлаш, лойиҳа тарҳи, тарзи ва қирқимларидаги камчиликларни бартараф этиш. Бино тархлари ечимини шакллантириш Бош тарх устида ишлаш Лойиҳани масштабда ишлаш. Лойиҳа ишидаги бинонинг бадий ечимини ечиш Бинонинг бадий ечимини топиш Лойиҳани масштабда чизиш. Мавзу асосида бажарилган бинони тасдиқлаш ва график ижро этиш. График моделлаштиришни бажариш ва тугатиш лойиҳани топшириш.

MADANIY MARIFIY MARKAZ



TARZ M 1:100



Маданий маърифий маркази лойиҳаси.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Убайдуллаев Х.М., Хидоятлов Т.А, Абдурахманов Й.И, Коробовцев Г.И., Мансуров Я.М. Архитектуралар лойиҳалаш: Ўқув қўлланма. - Т.: 2012.
2. Убайдуллаев Х.М., Иногамова М.М., Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари (дарслик) Т."Ворис" 2009 й.
3. Гельфонд А.Л. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений: Учебное пособие. – М.: Архитектура-С, 2010,

4. ШНК 2.08.02-09 “Жамоат бинолари ва иншоотлари/
5. www. archrecord.construction.com
6. Google <http://www.Google.com/>

УДК 721

ТЕОРИЯ АРХИТЕКТУРЫ, ЕЕ ЗАДАЧИ И МЕТОДЫ**Г.Х. Сиддикова, ассистент, ТАСИ, Ташкент****Б.Т. Абдурахмонов, ассистент, ТАСИ, Ташкент**

***Аннотация.** Данная статья посвящена проблемам посвященный современной жизни к теории градостроительной практики, в котором часто сталкиваются при реконструкции центральной части исторических городов Узбекистана, где в настоящее время отсутствует проекты детальной планировки..*

***Ключевые слова:** анализ, оценка, памятники архитектуры, ландшафт, систематизация, программирования, композиционная построения.*

***Аннотация.** Ушбу мақола шаҳарсозлик амалиёти назариясига бағишланган бўлиб, у ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳар марказларини реконструкция қилиши пайтида тез-тез учрайдиган муаммоларни, шунингдек, ҳозирги вақтда батафсил режалаштириши лойиҳалари мавжуд эмаслигини ёритади.*

***Калим сўзлар:** анализ, баҳо, архитектура ёдгорликлари, ландшафт, тизимлаштириши, дастурлаштириши, композицион қурилиши.*

***Abstract.** This article, is dedicated to the problems of urban planning practice, which is often encountered during the historical cities of Uzbekistan, where at the present time there are no detailed planning projects.*

***Key words:** analysis, mark, architectural monument, landscape, systematization, programming, compositional construction.*

За последние годы, не только в теоретических высказываниях или документах конференций, но и в практической повседневной работе возникла новая тема: "памятники архитектуры и городская среда"(1). При этом анализируются не просто ансамблевые связи здания, но и историческая динамика композиции комплексов, сложившиеся визуальные связи и панорамы зданий и ландшафта значительных районов города и города в целом, с которыми отдельные памятники архитектуры неразрывно связаны и которые признаются, по существу, неотъемлемой частью их градостроительного содержания. Перенесение памятника архитектуры в иную среду часто существенно изменяет его значение в городе, а вместе с тем и его эстетическую ценность.

Единство теория и практики, непереносимое условие любой успешной деятельности, получило особое значение на современном этапе развития архитектуры. Перед зодчеством, развитие которого отражает всю сложность процессов современной жизни, непрерывно встают новые проблемы. Их решение требует большего, чем интуиция и знание, основанное на простой систематизации, профессионального опыта. Необходимо выявление тенденций развития общества, влияющих на развитие архитектуры, определение вновь возникающих потребностей и новых ценностей, с тем, чтобы верно наметить цели и средства их достижения. Осмысление профессиональной деятельности становится частью общей задачи зодчего, а теория становится необходимой составляющей архитектуры в целом, одним из видов архитектурной деятельности (2).

В свете этих актуальных задач методика градостроительных исследований и поиска соответствующих градостроительных решений, как и методика охраны исторических зданий и комплексов, требует широкой разработки и еще находится в процессе становления. Во многих случаях практика здесь опережает теорию, а методические принципы разработки конкретных градостроительных предложений определяются в процессе проектных работ нередко субъективно и с разных методологических позиций.

На основе определенной теоретической концепции должны быть созданы устойчивые критерии, необходимые для преемственности осуществления творческих замыслов, целенаправленного развития традиций мастерства. Решение основных проблем теория должно быть базой научных прогнозов, потребность в которых стала очевидной. При этом “теория” не должна быть вносимой в архитектуру “извне”, она должна рождаться прежде всего внутри самой

архитектуры. Теоретические концепции должны формулироваться в единой системе деятельности с архитектурной практикой, как результат ее осмысления.

Первоочередной задачей является сегодня создание единой системы профессиональных концепций на основе того практического опыта и того фонда теоретических знаний, которые уже накоплены мировой архитектурой. Решение этой задачи необходимо и для дальнейшего развития архитектурной науки и для того, чтобы повысить ее влияние на практику.

Теория архитектуры должна содержать в своем полном комплексе ответы не только на вопрос “что делать”, но и какой должна быть методология, организация архитектурной деятельности. Осознание проблем самой творческой деятельности архитектора, претерпевшей столь же значительные изменения, как и ее предмет, стало острой практической необходимостью.

Выполняя функции объяснения и предвидения, архитектурная наука как и любая другая теория использует идеальное, то есть, мысленное моделирование было волевым, априорным не исходящим из жизненной ситуации-теория при этом как бы извне навязывала определенные “нормы” практике (3). Исторический опыт знает достаточно много догматических теорий, основанных на предвзятых представлениях (4). И этот опыт с достаточной убедительностью показал неплототворность подобного подхода. Теория должна быть основана на исследованиях жизненных фактов, раскрытии их сущности и связей между ними, на выявлении тенденций развития и их оценке с точки зрения целей, выдвигаемых нашим обществом. Такая теория архитектуры складывается в органическом взаимодействии с практикой, движется в едином направлении с ней, выполняя функции определяющего программирования творческого процесса.

Механизм развития открытой теории организуется по принципу обратной связи. И критика, анализ и оценка практического опыта выполняет при этом роль необходимого связующего звена между теорией и практикой.

Критический анализ опыта практики служит для создания исходных положений теории-системы ее основных понятий, критериев оценки, постановки проблем. После того как положение теории выходит в сферу практической деятельности, результаты их “столкновения” с архитектурной реальностью вновь проходят через критический анализ и его результаты вводятся как новая информация в начальное звено теории. Только в таком взаимодействии, где критика является необходимым связующим звеном, может плодотворно развиваться теория. Именно через развитие критики должно осуществляться вовлечение теоретической мысли и практики в единый цикл деятельности, развивающейся как бы по восходящей спирали. Только через критику может обогащаться практическим опытом теория.

Необходимо отметить, что связь композиционных построений разных эпох, которая раньше частично достигалась за счет общности технических возможностей и некоторых других факторов, в настоящее время должна осуществляться путем анализа внутренних композиционных закономерностей архитектурного наследия и сознательного их сохранения (5). При этом, несмотря на ограничения, которые должны регламентировать реконструкцию среды памятников, можно осуществлять вполне современные архитектурные решения,

Также следует отметить, что нельзя, конечно, исключать возможности нарушений» в отдельных случаях исходя из требований жизни современного города, установленных ограничений в застройке среды. Однако надо ясно представить себе, что речь идет об изменении не 'оправы', а самого памятника. Это требует, серьезных обоснований, тщательнейшей проработки проектных предложений и самого строгого контроля со стороны органов охраны памятников.

Таким образом, современная архитектурная практика нуждается в теории, как и без опыта практики немисливо движение теоретической мысли. Современные задачи проектирования сложны и без теоретического их осмысления становится вряд ли разрешимы. Речь идет не об “онаучивании” живого творческого процесса, а о создании опоры для него в исследовании всех аспектов архитектуры, которые на нашем уровне познания доступны для рационального изучения и о сведении знаний в единую систему, удобную для их использования. Важную роль для развития действенных связей между практикой и теорией должны сыграть критика и такие формы творческого эксперимента, которые могли бы образовать дополнительные “мосты” между теорией и конкретным решением практических задач.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аскарлов Ш.Д. Регион-пространство-город. – М.: Стройиздат, 1988. -102 с.
2. Аскарлов Ш.Д. Развитие градостроительной культуры Среднего Востока в XXв. – Ташкент: 1989. С.210-219.
3. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. Изд. “Санъат”, Т.:2014.224 стр.

4. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX начала XXI вв. (традиции и современность). Изд. ТАСИ., Т.- 2007.

5. Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере “новых городов” Ферганской долины конца XIX-начала XX вв. Ташкент 2005.

УЎК 502.654

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ РЕКРЕАЦИЯ ХУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

О.З. Умаров, ўқитувчи, Ташкент-архитектура қурилиш институти, Ташкент

Аннотация. Давлатимизнинг устивор вазифаларидан бири аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлош ва бўш вақтида яхшироқ фойдаланиш ҳисобланади. Аҳолининг рекреацион фаолиятдаги ўсиб бораётган эҳтиёжлари дам олиш, спорт ва туризмнинг турли хил кўринишларини қамраб олади

Калим сўзлар: ландшафт, рекреацион, дам олиш ҳудудлари, хизмат кўрсатувчи

Аннотация. Одним из приоритетов нашего государства является укрепление здоровья населения и более эффективное использование свободного времени. Растущие потребности населения в рекреационной деятельности включают различные формы отдыха, спорта и туризма.

Ключевые слова: ландшафт, отдых, зоны отдыха, сервис

Abstract. One of the priorities of our state is to strengthen the health of the population and make better use of free time. The growing needs of the population in recreational activities include various forms of recreation, sports and tourism.

Key words: landscape, recreational, recreation areas, service

Давлатимизнинг устивор вазифаларидан бири аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлош ва бўш вақтида яхшироқ фойдаланиш ҳисобланади. Аҳолининг рекреацион фаолиятдаги ўсиб бораётган эҳтиёжлари дам олиш, спорт ва туризмнинг турли хил кўринишларини қамраб олади. Бу рекреацион ҳудудларга бўлган талабларнинг ортишига олиб боради. Умумий шаҳар қурилишида рекреацион ҳудудларни архитектура – режавий ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш зарур. Бу эса ўз навбатида лойиҳачилар ва тадқиқотчилар олдида қуйидаги хусусиятливазифаларни қўяди:

- рекреацион ҳудудларнинг фазовий – режавий тузилишини белгилаб берувчи омилларни таҳлил қилиш;

- дам олиш шароитларини яхшилашни таъминловчи архитектура – режавий ечимларни ишлаб чиқиш;

- шаклланаётган рекреацион ҳудудларда рекреацион объектларни оқилона жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аҳоли турар жойларининг гуруҳий тизимларида шаҳардан ташқарида дам олиш жойлари тизими қисқа муддатли ва узоқ муддатли дам олиш ҳудудлари тарзида ташкил қилинади.

ГСНМ бир рангли тизимостилар – жойлаштириш, транспор ва табиий ландшафт шаҳардан ташқарида дам олиш ҳудудларини ташкил этишнинг тузилмаси билан ўзаро яқин алоқада бўлади. Уларнинг шзи биргаликда рекреацион алоқаларни ривожлантириш ва тақсимлаш жараёни механизминини, яъни ГСНМ да шаҳардан ташқари дам олиш ҳудудларининг режавий тузилмасини белгилайди.

Курортни қуриш учун ҳудудни танлаш аввало даволаш ва дам олиш учун қимматли бўлган табиий омиллар, шунингдек оптимал ландшафт белгилари мавжудлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Агар курорт яқинида қимматли парк ҳудудлари, тарихий ва меъморий ёдгорликлар бўлса, уларнинг ландшафтини ва давлат аҳамиятига эга ёдгор-ликларни муҳофаза қилиш, шунингдек курортдаги беморлар ва дам олувчи – ларнинг маданий қизиқишларини ривожлантириш мақсадида курортнинг чегараси ичига киритиш лозим.

Янги курортни ривожлантириш ёки мавжудини қайта қуриш учун зарур ҳудудни танлашнинг бир неча хил вариантини тиббий, гигиеник, меъморий – режавий ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўкаламзорларни сақлаб қолиш- ни ва мавжуд бинолар ҳамда муҳандислик қурилмаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ҳисобга олиб, таққослама техник – иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш йўли билан амалга ошириш лозим.

Курортни оқилона ташкил этишнинг ҳал қилувчи шарти унинг ҳудудини тўғри функционал ва табиий зоналаш бўлиб, бу беморлар ва дам олувчиларни даволаш, дам олиши ва хизмат кўрсатилиши учун, шунингдек курортдаги доимий аҳолининг ҳаёти ва ишлаши учун энг қулай шароитларни таъминлайди.

Тоғларга яқин жойлашган туманларда шакилланадиган ГСНМ қисқа муддатли дам олишни ташкил этиш билан чекланадиган рекреация тоғда узокроқда жойлашган текисликдаги ГСНМ ларга қараганда турли хил эҳтиёжларни қондиришда кўпроқ ҳудудий имкониятларга эга бўлади.

Тоғли туманлар дам олувчиларда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Тоғли ҳудудлардаги туманлар ичида энг диққатга сазоворлари Оқтош, Хумсон ва Чарвоқ ҳамда Чимён туманлари ҳисобланади. Энг ёқимли микроклим, йирик сув ҳавзасининг мавжудлиги ва ривожланган дарё тармоғи, ҳудуднинг етарлича яхши рекреацион ўзлаштирилганлиги мазкур ҳудуднинг ўзига хос алоҳида хусусияти ҳисобланади. Бу ҳудудлар пойтахт аҳолисининг дам оладиган асосий туманлари ҳисобланади.



Йирик аҳоли пунктлари яқинида жойлашган иқлим билан даволаш курорт-ларида, дам олиш ва сайёҳлик ҳудудида шу жойлардаги аҳолининг ом-мавий қисқа вақтли дам олиши учун махсус ҳудудни ажратиш тавсия этилади.

Ҳудуднинг табиий ўзига хос хусусиятлари курортнинг меъморий қиёфа –сида акс эттирилиши керак.

Курортларни режалаштириш учун энг яхши санатория – гигиеник шароит-ларни яратиш мақсадида улар табиий ёки янгидан яратилаётган кўкаламзор массивларга жойлаштириш лозим. Айниқса,бу тоғда жойлашган курортларга хос бўлиб, уларнинг ҳудудлари, одатда, қия ён багирлар ёки жарликлар билан ажралиб туради.

Одатда, санаторий – курорт муассасасининг йўналишига боғлиқ ҳолда, шунингдек табиий ва маҳаллий шароитларга кўра курортнинг қурилишини аралаш қаватли қилиб лойиҳалаш лозим. Иқлим билан даволовчи денгиз бўйи курортларида етарли ўлчамдаги ҳудудлар бўлмагани учун кўпқаватли биноларни қуришни назарда тутиш лозим. Бу қимматли курорт ҳудудидан янада мақсадга мувофиқ фойдаланишга ва иморат қурилишига манзарали қиёфа беришга имкон беради.



Тошкент вилоятида рекреацион фаолиятни ташкил этишдаги жиддий камчилик табиий рекреацион ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилмаслик, рекреацион муассасаларнинг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги ва ягона бошқарув аппаратининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Мавжуд бўлган соғломлаштириш муассасалари бу мустақил муҳандислик коммуникацияларига эга, алоҳида ер участкаларида жойлашган мустақил ташкилий бирликлардир. Хизмат кўрсатувчи ходимлар асосан дам олиш муассасаси ҳудудида ишлайди. Ташкилий муассасаларни ҳар бир объект ўзи мустақил ҳал қилади, бу эса нооқулна моддий йўқотишларга, дам олувчиларга хизмат кўрсатишнинг ёмонлашувига олиб келади ва буни комплекс ҳал қилишда талаб этиладигандан анча кўпроқ миқдордаги хизмат кўрсатиш ходимлари бўлишини талаб этади.

Республикада мавжуд дам олиш тармоғининг минтақавий, фарқ қилувчи белгиларини ва лойиҳа амалиётида мазкур вазифани ҳал қилишнинг хусусиятларини тавсифлаб, табиий рекреацион ҳудудларнинг нотекис ўзлаштирилганлигини, рекреацион тармоқнинг жуда катта майдонларда табиий ландшафтнинг яхлитлигини сақлашни ҳисобга олмаган ҳолда жуда кўп маҳаллий ҳудудларнинг йиғиндиси сифатида нотекис жойлаштирилганлигини таъкидлаш мумкин. Турли хил дам олиш муассасаларининг ландшафт жihatдан анча қимматли ҳудудларда бундай тартибсиз жойлаштирилганлиги экологик мувозанатнинг бузилиши ва табиий ландшафтларнинг ҳолати ёмонлашишига олиб келади.

Умумкурорт марказининг тўғри жойлаштирилиши санаторий – курорт ва умумкурорт муассасалари орасидаги хизмат кўрсатиш қулайлиги ва алоқа - ларнинг оқилона ташкил этилишинигина белгилаб қолмай, балки курортнинг меъморий – режавий композициясининг асосий ядросини ҳам яратади.

Курорт қурилишининг ихчам бўлиши зарурий шарт бўлиб, имкон борича унга амал қилиниши керак.



Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, курортнинг қизиқарли меъморий – ба-дий қиёфаси маълум даражада даволаш ва дам олиш самарадорлигини оширади, курортга келувчи одамларга ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг кайфиятини кўтаради ва тўлақонли дам олиши учун шароит яратади.

Маълумки, курортлар алоҳида шаҳарсозлик мажмуи бўлиб, у аҳолини та -бий даволаш омилларига, қулай иқлим ва ландшафт шароитларига эга жой - ларда даволаш ва дам олишларини ташкил этиш мақсадида яратилади.

Рекреацион ҳудудларни лойиҳалаш тизимининг асосий мақсади – дам олиш муҳитининг қулай, ноёб – эстетик сифатларига эришиш бўлиб, бу кўпинча ГСНМ ни шакиллантиришнинг хўжалик – иқтисодий мақсадларига зид келади. Кўриб чиқилаётган ҳудуд шароитида бу зиддиятлар айниқса долзарбдир. ГСНМ нинг мураккаб механизмнинг шаклланиши оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган нохуш, салбий оқибатларни камайтириш ёки бартараф этишнинг муҳим йўлларида бири рекреацияни фазовий, шаҳар қурилиши билан ташкил этиб, уни мамлга ошириш “инсон - табиат” тизимида мувозанатни сақловчи хилма хил ландшафтларни ва уларнинг функционал мувофиқлигини яратиши мумкин бўлган архитектура – режавий ечимларни назарда тутати. Маълумки, Тошкент вилоятининг рекреацион ҳудудларига яқин ерларда саноат шаҳарлари жойлашган бўлиб, улардан чиқаётган саноат чиқиндилари ҳавонинг, сувнинг, тупроқнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг 70 – йилларидаёқ мегаполислар ўрнига эко – полислар барпо этиш ғояси илгари сурилди. Бунда биринчи бўлиб биологлар бонг уришди. Улар шаҳарни нафақат инсонларнинг яшаш макони, балки ҳайвонлар, қушлар, микроорганизмлар, ўсимликларнинг ҳам ҳаёт фаолияти ҳудуди сифатида қабул қилишни таклиф этдилар. Ҳар бир ҳудуд учун табиатни муҳофаза қилиш комплекс лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва уларга қатъий амал қилиниши лозим. Бу каби тадбирлар экологик балансни бир меъёрда сақлашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга ва пировард натижада, инсон саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Архитектурно – планировочная организация территорий массового отдыха в ГСР Средней Азии.
2. Автореферат дисс. на сакхание ученой стенени канд. арх. Ленинград, 1979.

УЎК 374

**ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ИЖОДИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШДА ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРИЙ УСЛУБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР: ЧЕТ ЭЛ
ТАЖРИБАСИ**

А.О. Хасанов, кафедра мудири, PhD, Тошкент архитектура қурилиш институти, Тошкент
И.М. Қосимов, докторант, Тошкент архитектура қурилиш институти Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион марказларни шакллантиришнинг ривожлантириши масалалари, шужумладан, уларнинг комплекс режалаштириши ечимлари ва техник жиҳозланиши кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: архитектура, инновациялар, марказ, ижодкор шахс, ихтиро, ландшафт, устахона, моделлаштириш, оромгоҳ, ахборот-ресурс маркази.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы развития инновационных центров, в том числе, комплексные решения по их планированию и техническому оснащению.

Ключевые слова: архитектура, инновации, центр, творческое лицо, изобретение, ландшафт, мастерская, моделирование, зона отдыха, информационно-ресурсный центр.

Abstract. This article discusses the development of innovation centers, including integrated solutions for their planning and technical equipment.

Keywords: architecture, innovation, center, creator, invention, landscape, workshop, modeling, recreation area, information and resource center.

Инсоният жамиятининг ривожланиши, маданий қадриятлар ва урф-одатларнинг ривожланиши билан турли хил ижтимоий-маданий ва илмий-тадқиқот турлари пайдо бўлади.

Жадаллик билан ривожланиб бораётган Ўзбекистонни янада ривожланишида энг асосий омил бу илмий инновациядир. Шундай экан инновацион марказларни ташкил этиш, лойиҳасини тубдан янгича қиёфада режалаштириш мақсадга мувофиқ. Ёшларнинг инновацион ижодий-ишлаб чиқариш марказларини лойиҳалаш ва барпо этиш биринчи ўринда давлатни иқтисодий ўсишига жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллашига олиб келади. Инноватор ёшларни жамиятга билан яқинлашиши дунёнинг барча мамлакатлари учун долзарб муаммога айланмоқда. Бундай тузилмаларни қуришда энг яхши хорижий тажрибани таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг долзарблиги: интеграциялашган илмий ва саноат шаклларини - инновацион марказларни лойиҳалаш ва қуриш ҳозирда дунёда ривожланиб бормоқда. Инновацион марказларнинг асосий фаолияти юқори технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдир. Шуни таъкидлаш керакки, юқори технологияларга эга бўлган муҳим тармоқлардан бири. Ҳозирги босқичда бошқа ҳеч бир саноат маҳсулотисиз қила олмайдиган нозик муҳандислик, шу жумладан радиотехника, алоқа, электроника, электротехника, асбобсозлик ва бошқа соҳалар. Муаллиф ўз тадқиқотларида ушбу соҳага эътибор қаратган [1].

Жамиятнинг илмий ва технологик ривожланишининг ҳозирги босқичи ўтган даврга нисбатан бир қатор муҳим фарқларга эга. Улар орасида энг муҳими фан ва технологияларни янги босқичга - фаннинг устувор ривожланиш босқичига киришидир.

Мамлакатимизда илм-фан шаҳарлари ривожланди, аммо илм-фан мажмуалари, ишбилармонлик фаолиятининг ишлаб чиқарилиши сифатида технопаркларни амалий равишда яратиш ҳали ҳам яқин келажак учун вазифа эмас. Шу муносабат билан технопаркларнинг инновацион марказ сифатида шаклланишининг контсептуал асосларини тушуниш ва уларнинг таркибий қисмлари сифатида биноларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш зарурати мавжуд. Жамиятнинг илмий-техника тараққиётининг замонавий босқичи олдинги даврга нисбатан бир қатор муҳим фарқларга эга бўлиб, уни учинчи саноат инқилоби деб аташга имкон беради. Улар орасида энг муҳими фан ва технологияларни янги босқичга - фанни устувор ривожланиш босқичига киритиш жараёнини жорий этишдир.

Инновацион марказларнинг энг фаол дизайни ва қурилиши ривожланган даврларда амалиётда қўлланди, Россиядаги Сколково инновация маркази, Кореадаги Jop World, АҚШда Силикон водийси, йирик саноат парклари ҳам ишга туширилди. [2].

1. Технопарк - бу интеграция, илмий, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига асосланган фанни талаб қиладиган технологияларни жорий этиш бўйича инновацион марказ.

2. Инновацион бизнеснинг инкубатори - бу илмий фаолиятни талаб қиладиган тадбиркорлик ва кичик бизнесни кенг қамровли фаолиятига кўмаклашадиган инновацион марказ.

3. Техник меҳмонхона - илмий тадқиқотлар, техник ривожланиш ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ижарага берувчи объект.

4. Инновацион марказ бу ихтисослаштирилган инфратузилма корхонаси бўлиб, унинг фаолияти фирмаларнинг яратилиши, ўсиши ва ривожланишига кўмаклашишга, шунингдек минтақада инноватсияларни ривожлантиришга, тадқиқотчилар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамкорликка, хизматлар кўрсатишга қаратилган. ахборотни таъминлаш, менежмент соҳасида кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш соҳасидаги билимларни талаб қилувчи фирмалар; ахборот алмашинуви ва фирмалар ўртасида ҳамкорлик қилиш учун минтақавий ва халқаро тармоқларни яратиш орқали реал иқтисодий ривожланишни тезлаштириш. [3].

Ёшлар орзу қилган, биз интилаётган буюк келажагимизни қуришда ва барпо этишда инновацион марказ ва улар лойиҳаларининг ўрни катта аҳамиятга эга.

Мухими шуки, ёшларимиз мактаб, лицей, касб-хунар мактаблари, техникум ва олий ўқув юр்தларини тамомлаб, она юртимизга, Ватанимизга садоқатли фарзанд бўлиб, ҳаётга онгли кадам қўйишга, жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлади.



1-расм. Россиядаги Сколково инновация маркази

Россиядаги Сколково инновация маркази, (иккинчи номинал номи-«Россия Кремний водийси»)- «Комплекс Сколко» дастлаб Москва вилояти, Одинцово туманида жойлашган, телекоммуникациялар, космик, биомедикал технология, энергетика, ахборот технологиялари ва ядро технологияларига ихтисослашган: комплекс устуворлиги Россия иқтисодиётини модернизациялаш соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналар учун ўзига хос иқтисодий шароит билан таъминлайди [2].

Кореядаги Jop World, 2012 йил 15 майда ташкил этилган, Кореядаги болалар ва ўсмирлар учун энг катта иш тажрибаси маркази ҳисобланади.

Талабалар турли хил иш тажрибаларига эга бўлиш орқали ўз-ўзини бошқариш карьерасини ривожлантириш қобилиятларини ривожлантиришлари мумкин бўлган жой сифатида, Кореядаги Jop World компанияси шундай шов-шувларга эга бўлиб, баъзилар уни "сеҳрли кути" деб ҳам аташади. Бепул ўқув семестрида талабалар рақобатдан ва университетга кириш имтиҳонларига берилишдан озод қилинади. Аксинча, улар қандай орзулар ва истеъдодларни билиб олишлари ва мартаба танлаш имкониятларини ўрганишлари мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, Кореядаги Jop World компаниясининг роли ва функциялари янада ривожланиб бораверади [3].


Силикон водийсининг жойлашуви бежиз эмас, яқин атрофда мамлакатнинг энг яхши университетлари жойлашган



3-расм. АҚШ Силикон водийси

йирик шаҳарлар мавжуд.

Силикон водийси нима эканлигини тушунтириш осон, юқори технологиялар соҳасидаги энг йирик компанияларни рўйхатга олиш. Уларнинг ҳар бирида ўз штаб-квартираси мавжуд. Йирик корпорацияларнинг барча юқори технологияли лойиҳалари маълум даражада Силикон водийси билан боғлиқдир. Водийнинг ўзи АҚШнинг энг зич яшайдиган жойларидан бири бўлган қуёшли Калифорния штатида жойлашган. Ушбу штатда яшовчилар энг юқори харид қобилиятига эга, шу билан бирга Калифорнияда миллионерларнинг энг кўп концентрацияси. Давлат яхши ривожланган инфратузилмага эга, технология ва инновациялар соҳасида бошқа минтақалардан анча олдинда [4].



2-расм. Кореядаги Jop World маркази

Бирок, Республикамизда замонавий илмий-тадқиқот марказлар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар XXI-асрнинг янги ижтимоий ҳаётининг воқелиги ва аҳолининг турли гуруҳлари эҳтиёжларини оқламайди.

Афсуски, ривожланаётган Ўзбекистонда ёш авлоднинг замонавий ижтимоий талабларига жавоб берадиган янги ёшларнинг инновацион ижодий-ишлаб чиқариш марказларини лойиҳалаштириш ва қуриш тажрибаси деярли йўқ. Бизнинг фикримизча, инновацион ижодий-ишлаб чиқариш марказларини қуришнинг ички меъморий аънанасини инobatга олган ҳолда, хорижий меъморларнинг меъморий ва стилистик қарорлари тажрибасини инobatга олиш керак [1].

Хулоса қилиб айтганда, давлатимизнинг буюклигини, қудратини қурилган ҳамда барпо қилинаётган замонавий бино ва иншоотлардан, такрорланмас архитектуравий ёдгорликларидан билиш мумкин бўлади.

Инновацион марказларни ташкил қилиниши, ёшларимизнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш, давлат ва жамиятни ривожланишида ижобий рол ўйнайди. Ёшлар ғоялари бирлашиб инновация марказларида ихтироларга айланади, ривожланишнинг янги истиқболли стратегик режалари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов М.Қ., Қосимов И.М. “Иқтидорли ёшларнинг ижодий хордигини чиқариш марказларини ривожлантириш” Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий-техник журнал, 2-сон, 3-4 б СамДАҚИ, 2015 й.
2. A.O.Xasanov.,I.M.Qosimov. EPRA International Journal of. Multidisciplinary research (IJMR). SJIF Imfact Factor: 7.032 Hits:2 DPI:202006-01-004688 Issue-10, October 2020. Xindiston
4. Dr Ji-Yeon Lee, Career practitioners, your craziest dream just came true in Korea: a careers-themed experience park. Journal of Korea Career Education Research-2019

УЎК 725.262

ТАШАББУС ВА МАКТАБ БОЗОРИ

Ж.К. Шнекеев, PhD, доц., Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент

Аннотация. Билим асоси мактаб остонаси, мактаб эса мактаб бозори билан чамбарчас боғликли бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади» шиори XXI асрнинг ноёб ташаббуси бўлиб, аҳоли ва барча ёшларнинг келажаги буюк ва мустақкам давлат бўлиши учун хизмат қилади. Бу ташаббус архитекторларга да руҳий куч бермоқда. Ҳар бир бино ташқи кўриниши бўйича қандай бино эканлиги аҳолига яққол маълум бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, бу тақлиф лойиҳада мактаб бозори тарзи соддалаштирилди. Энг асосийси мактаб бозори улгуржи савдо қилишига, Нукус шаҳрининг ҳудудидан ўтувчи «Буюк ипак йули» бўйига мўлжалланди.

Калит сўзлар: Буюк ипак йули, мажмуа, мактаб бозори, вестибюль, квадрат, йулакча, тарх, тарз, бино, фура юк машинаси, хона, қават.

Аннотация. Основой знаний является порог школы, а школа тесно связана со школьным рынком. Девиз президента Республики Узбекистан "порог нового Узбекистана начинается со школы" является уникальной инициативой XXI века и служит становлению великого и независимого государства для будущего населения и всей молодежи. Однако эта инициатива дает архитекторам духовную силу. Учитывая тот факт, что каждое здание должно быть четко известно населению, что это за здание с точки зрения внешнего вида, фасад школьного рынка в предлагаемом проекте упрощен. Главное, что школьный рынок предназначался для оптовой торговли, по «Великому Шелковому пути», проходящему через территорию города Нукуса.

Ключевые слова: Великий шелковый путь, комплекс, школьный рынок, вестибюль, площадь, коридор, планировка, стиль, здание, грузовик фура, помещение, этаж.

Abstract. The foundation of knowledge is the threshold of the school, and the school is closely connected with the school market. The motto of the President of the Republic of Uzbekistan "the threshold of a new Uzbekistan begins with school" is a unique initiative of the 21st century and serves to establish a great and independent state for the future population and all young people. However, this initiative gives architects spiritual strength. Given the fact that each building must be clearly known to the public what kind of building it is in terms of appearance, the facade of the school market in the proposed project is simplified. The main thing is that the school market was intended for wholesale trade, along the "Great Silk Road" passing through the territory of the city of Nukus.

Keywords: Great Silk Road, complex, school market, vestibule, square, corridor, layout, style, building, fura truck, room, floor.

КИРИШ. Мамлакатимиз Президентининг «Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади» деган шиорига асосланиб мактаб ўқувчиларнинг билимдон бўлишига барча шароитларни яратиш ва ёшларга мактаб ўқув қураллари учун алоҳида бозор зарур бўлмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 1 октябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нуткида «фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни кўллаб-қувватлайди» делинган [1]. Бу албатта давлатимизнинг ривожланиши учун энг ноёб ташаббус.

Президентимиз ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги, айниқса, қишлоқлардаги мактаблар ҳолатидан доимий хабардор бўлиши, у ердаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиши лозимлигини таъкидлади. Демак, Президентимизнинг шиорига асосланиб Нукус шаҳрининг жанубий томонида мактаб бозори шакллантириш зарур бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ. Мактаб бозори барча вилоят ва шаҳарлар учун зарур бўлмоқда. Бундай мактаб бозор Тошкент вилоятида «Солнечный» деб номланиб оддий тарзга эга бир қаватли қилиб қурилган (Расм.1а). Мактаб бозори учун таклиф этилаётган лойиҳа ситуацион режа бўйича Нукус шаҳрининг жануб томонидан кесиб ўтувчи «Буюк ипак йули»нинг унг томонидаги «Янги бозор» қошига мўлжалланди. Бош режа жараёни бўйича «Янги бозор» нинг унг томонида бўш бўлган 1 гектар ер майдони мактаб бозори учун қўлайли манзил бўлиб ҳисобланади. Сабаби бу ҳудудта шаҳар билан боғловчи 12та ҳар қил йуналишдаги автобусга мўлжалланган бекат жойлашиб фаолият олиб бормоқда. Бош режада мактаб бозори мажмуаси 2 қаватли бўлиб, «Буюк ипак йули» гача масофа 120м ни «Янги бозор» мажмуасига ён тарафдан 10м орқа томондан масофаси 50м ташкил этади. Асосий бино бош режадаги умумий майдоннинг 30% жойни эгаллайди. Сабаби мактаб бозорининг узунлиги ва эни 58х58м. Бозор биноси квадрат шаклида лойиҳаланган. Марказида 40х40м ёки 1600 м² бўлган майдонга эга бўшлиқ бор. Бу бўшлиқни мактаб ўқув қуралларига тегишли молни олиб келадиган фура юк машинасининг кириб ва чиқиб кетишига тўлиқ имконият бор. Буннан ташқари мижозларнинг келиб кетишига марказда крестик усулида йулакшалар ишланган. Дарахтлар, газонлар ва мижозларнинг сояда дам олишига скамейка ва саябонлар ўрнатилган. Мажмуага фура машиналарнинг «Буюк ипак йули» тарофидан келишга ва кетишга мўлжалланган йўл бош режада кўрсатилган. Йулакчалар ени 3м. ён тарафлари бордюрли тош билан ҳимояланган. Мажмуанинг ҳажми ёки габарит размери 58х58х7м. Мажмуанинг тўрт тарафидан фура юк машиналари кириш ва чиқишга йўл режалаштирилган. Мажмуанинг асосий вазифаси мактаб молларини улгуржи савдо усулида фура машиналарда қабул қилиш ва аҳолига сотиш ва мактаб бозорида кўчимша кутубхона, техномаркет, ўқитиш маркази, техносервис хоналари мавжуд.



Расм.1а. Мактаб бозори "Солнечный" (Тошкент вилояти)




Расм 1. Нукус шаҳри учун мактаб бозори лойихаси

Мактаб бозорининг тарҳ қисми бўйича икки қаватли бўлиб, биринчи қаватдаги хоналар мактаб анжомларини ва омборхона шаклланди. Бинога кириш ва чиқиш мажмуанинг тўртта бўрчагида бўлганлиги сабабли 4 та 11м² майдонга эга вестибюль жойлашган. Вестибюльнинг унги ва чап томонида дуканлар бўлиб умумий саккизта 84 м² майдонга эга дукан ва ҳар бири 38 м² бўлган 8та омборхона лойihalанди. Бинога кириш қисмида ертулада 20 м² майдонга эга 4та хожатхона жойлашган. Тарҳ қисмидаги хоналарнинг пропорциясида архитектуравий олтин кесим шаклланди. Биринчи қаватдаги хоналарнинг полдан потолокгача оралиқ 3.3м, иккинчи қаватда эса 3 м [2]. Иккинчи қаватда бир нечта хоналар мавжуд. Уларга кириш қисми майдони – 11 м² тўрт дона, ўқитиш маркази майдони -67 м² икки дона, ўқитувчилар хонаси майдони - 38м² битта, компьютер хонаси майдони - 38м² битта, гардероб майдони – 17м² бешта, балкон майдони - 25м² тўртта, кинотеатр ва 5D майдони – 79м² битта, касса майдони - 7м² битта, маъмурий ходимлар хонаси майдони – 43м² битта, бухгалтерия майдони – 24м² битта, комплекс раҳбари майдони - 38м² битта, болалар майдончаси майдони -38м² битта, атракцион майдони - 67м² битта, фитнес клуб майдони – 67м² битта, техно маркет майдони - 67 м² битта, техносервис майдони – 43м² битта, акесуар майдони - 43 м² битта, сувенир совғалари -79м² битта бўлиб барчаси - 1146м² майдонни ташкил этади. Бинонинг узунлиги бўйича 12 та ўқни ташкил этса эни бўйича да 12 та ўқни ташкил этиб ҳариб билан белгиланди (Расм.1).

Мактаб бозорининг тарз қисмининг марказида арка икки томонида катта габарит шаклда рангли дафтарлар ва китоблар шаклланди. Арка транспортёр шаклида бўлиб унги томонида тўртта давтар учта китоб ва битта учбурчак чизғиш жойлашган бўлса чап томонида шундай жараён тақирарланади. Дафтарларнинг биттасида дафтарнинг ташқи кўриниши шаклланди. Учтасининг биттаси катакча, иккинчиси йирик чизикли (арба жол), учинчиси қия чизик. Китобнинг ён томонлари асосий кўриниш бериб, бунга китобнинг номи ва синфи ёзилган бўлади. Масалан, она

тили, арифметика ва ҳақозалар. Биринчи қаватда ичкаридаги мактаб ўқув қуроллари ташқи ҳудудга яққол кўриниши ва реклама учун фақат устун ва дераза бўлиши зарур. Тарзнинг тўрт тарафида бир хил кўриниш лекин китоб ва дафтарлар номи ва безалиши ўзгаради. Масалан, тарзнинг бир томонида ўзбекча, иккинчи тарафида қорақалпоқча, учинчи тарафида русча, тўртинчи тарафида инглизча дафтар ва китоблар бўлади. Бу усул аҳоли ва туристларни зериктирмайдиган тарз шаклланиб замонавийлаштирилди (Расм.2)



Расм 2. Мактаб бозори мажмуасининг бош режаси ва экстерьерери

Мактаб бозорининг конструктив тизими каркасли конструкциядан ташкил топган. Устун кесими 400x400мм, қадами 6000мм ва эни 7200мм. Асосий йук кўтарувчи девор вазифасини устунлар бажариб орасига ва деворчаларга ғишт қурилиш материали қўлланилади.

Хулоса. Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади деган Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг шиори, ҳозирги вақтда давлатимизнинг ривожланиши учун энг ноёб ташаббус экани ҳаммага маълум. Бу аҳолининг ва ёшларнинг ижодкорлигига катта йул кўрсатгани туфайли мактаб бозори учун лойиҳа таклифи берилмоқда. Асосий мақсад мактаб ўқув қуралларин арзонлатишдур.

Бундай мактаб бозори Тошкент вилоятида «Солнечный» мактаб ўқув қураллари бозори шаклланган, лекин мажмуанинг тарз қисмида архитектуравий дизайн шаклланмасада анжамлар арзонлиги сабабли мижозлари барча вилоятда бор [3]. Бу мактаб бозори лойиҳасида Янги Ўзбекистонни туристлар марказига айлантириш учун бинода замонавий ва мураккаб тарз шакллантирилган. Энг асосийси улгуржи савдо қилиш учун мактаб бозори ишкарисига фура юк машинаси киришга ва «Буюк ипак йули» бўйида жойлашгани келажакда мижозларининг кўпайишига кафолат бўла олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон газетаси. 2020й. №188. С.1
2. ШНК 2.07.01-03* Градостроительство планирование развития и застройки территорий городских и сельских населенных пунктов.
3. https://otzovik.com/review_1234272.html

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ЎУК: 636 +636.32

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**Н.Ш.Болтаев, ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент**

Аннотация. Ушбу мақолада қоракўлчилик тармоғида маҳсулот етиштириши ва ишлаб чиқариши ҳажмини ошириши, қоракўлчилик субъектларига берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, саноатни хом-ашё билан узлуксиз таъминлашда қоракўлчилик маҳсулотларининг ўрни ҳамда ривожлантириши бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: қоракўл, зот, озуқа, ишлаб чиқариши, кластер, хўжалик, насл, маҳсулот, сотиши.

Аннотация. В данной статье предоставлены рекомендации по повышению объёма производства продуктов отрасли каракулеводства, о возможностях и преимуществах, предоставленных субъектам каракулеводства, об их поощрении со стороны государства, также рекомендации по развитию продуктов каракулеводства в без прерывном обеспечении промышленности сырьём.

Ключевые слова: каракуль, род, корм, производство, кластер, хозяйство, потомство, продукт, продажа.

Abstract. In this article there presented the recommendations on the role and development of karakul products, cultivation and increase of production in the karakul sector, opportunities and benefits given to the subjects of karakul production, state support and continuous provision of industry with raw materials.

Keywords: karakul, breed, feed, production, cluster, farm, generation, product, realization.

Қоракўлчилик Ўзбекистон чорвачилигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, кескин ўзгарувчан иқлим минтақасида жойлашган бепоён сахро ва чўл ҳудудларидан унумли фойдаланишда, халқ хўжалигининг қоракўл териларига, жунга, қўй гўшти ва сутига, пўстинбоп териларига, чарм хомашёсига ва ширдонларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда 190 та дунё мамлакатларида парваришланаётган қўйларнинг умумий сони бир миллиард 867 миллион 875 минг бошга етиб, улар ўзларининг маҳсулотлар бериш йўналиши хусусиятларига қараб 570 зотга бўлинган. Жаҳон олимларининг фикрларига кўра, турли маҳсулотлар берадиган қўйлар зотлари орасида ҳаммадан кўп 4-5 хил маҳсулот берадиган қоракўл қўй зоти машҳур ҳисобланади. Чунки қоракўлча териси, фармацевтика ва пишлоқ саноатлари учун ширдон, озиқ-овқат учун энг юқори сифатли таъм ва нозик маза берувчи, тез ҳазм бўладиган 3800-4000 калорияли гўшт, энгил саноат учун жун ва бошқа хил маҳсулотлар бериши билан ажралиб туради.

Маълумотларга қараганда, ушбу қоракўл терилари халқ селекцияси маҳсули ҳисобланиб, саккизинчи асрда қоракўл қўйларининг араб куй зотлари билан чатишиши натижасида юзага келган. Юртимизнинг баъзи ҳудудларида “араби куйлар” деб аталиши ҳам фикримиз тасдиғидир. Бу асосан, Бухоронинг Қоракўл ҳудудида боқилгани туфайли ҳам илмий тилимизга “қоракўл” атамаси билан кирган. Қоракўл куйларидан олинадиган тери қадимдан қадрланган. Дастлаб унинг жунидан кигиз, гилам, чакмон тайёрланган бўлса, кейинчалик мўйнасига алоҳида эътибор қаратилган. Савдогарлар томонидан қоракўл терилари совуқ ўлкаларга, хусусан, Россияга элтиб, сотилган. Юртимизда ҳам қимматбаҳо терилардан тикилган бош кийимлар машҳур бўлган. Ўзининг чидамлилиги, иссиқлиги, ёрқин товланиши ва бошқа хусусиятлари билан одамларни мафтун этган бу мўйналарга кизиқиш муттасил ошиб борган.

Ўн тўққизинчи асрга келиб, қоракўл териларига талаб ниҳоятда ортган. Кўплаб давлатларда унга кизиқиш, нафақат сотиб олиш, балки етиштиришга иштиёқ пайдо бўлади. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 190 мамлақатида боқиладиган

кўйларнинг сони тахминан икки миллиард бошга етади. Улар маҳсулот беришига қараб, 570 зотга бўлинади. Қорақўл куйларининг сони эса тахминан 30 миллион бошдан ошиқроқдир. Улар жаҳоннинг 16 давлатида парваришланади. Намибия ва Афғонистон қорақўл терисини тайёрлаш бўйича етакчилар сафида туради. Юртимизда эса 6 миллион бошдан ортиқ қорақўл кўйлари боқилади. Қорақўлчилик тармоғининг асосий генофондини юртимизда бўлган мазкур куй зотининг самарасидан унумли фойдаланиш, озуқа базасини яратиш, уларнинг наслдорлигини ошириш, тери ва жунни қайта ишлаш орқали ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган ишлар талаб даражасида эмас эди.

Республикамизда қорақўлчилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг ажралмас, муҳим тармоғи бўлиб ҳисобланади. Қорақўл кўй бош сонини кўпайтириш, тери, жун ва бошқа қорақўл маҳсулотларини етиштириш, озуқа майдонларини кўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш ва хўжаликларда наслчиликни тўғри йўлга қўйиш ва соҳада бозор механизмларини жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўлими 166-бандида чорвачилик ва ветеринария бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, наслчиликни ривожлантириш, наслчиликда илмий тадқиқот ишларини жорий этиш, чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш, озуқа экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш, чорвачиликни сифатли озуқалар, биокўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озуқа бирликлари билан таъминлаш вазифалари белгиланган.

Қорақўлчилик соҳасини янада ислоҳ қилишни таъминлаш, соҳада наслчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли қорақўл териларини етиштириш, Бухоро қорақўли нуфузини қайта тиклаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3603-сонли қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқдаги инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш, насл кўрсаткичларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш бўйича фаолиятни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сонли Фармони ҳамда 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4817-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур Фармон ва қарорга асосан 2021 йил 1 июлга қадар республиканинг яйловларга эга барча ҳудудларида озуқа базасини яратган ҳолда майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қорақўлчилик кластерларини ташкил қилиш, кластерларга қорақўл зотли кўйларини боқишга мўлжалланган, шу жумладан ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага бериш, кластерларга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хом ашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда фаолият юритаётган қорақўлчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ҳамда қорақўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, саноат корхоналарини эса хом-

ашёга бўлган талабини қондириш учун тармоқда қуйидаги йўналишларини ўз ичига олган чора-тадбирларни амалга ошириши зарур:

✓ қорақўл қўйлари бош сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш, бунда наслчилик ишларини яхшилаш, қорақўл зотларини ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш, наслчилик хўжаликларида юқори маҳсулдор қорақўл зотларини яратиш ва тарқатиш;

✓ фермер хўжаликларида пахта ва ғалладан паст ҳосил олинаётган экин майдонлари босқичма-босқич қисқартирилаётган бугунги кунда қорақўлчилик хўжаликлари учун озуқа бўладиган экинларни жойлаштириш;

✓ қорақўлчилик кластерлари ва наслчилик хўжаликларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

✓ қорақўлчилик кластерлари ва наслчилик хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларини тубдан яхшилаш, насли қўй зотларини кўпайтириш ва наслчилик ишларини ривожлантириш, насли қўй зотларини такомиллаштириш мақсадида насли қорақўл зотларини хорижий давлатлардан олиб келишни ташкил этиш;

✓ қорақўлчилик кластерлари ва наслчилик хўжаликларини бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

✓ қорақўлчилик хўжаликлари маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш учун туман марказларида савдо-дўконларини ташкил қилишда (жойни тўғри танлаш, бинони қуриш ва бошқариш) давлатнинг ташкилий жиҳатдан қўмак беришига эришиш;

✓ қорақўл қўй зотларини боқиш ва кўпайтириш бўйича амалий қўлланма ва тавсияларни қорақўлчилик билан шуғулланаётган субъектларга етказиш ва кўрғазмали семинарлар ташкил этиш;

✓ қорақўл қўйлари касалликлари олдини олишда қўлланиладиган дори-дармонларни олиб келишда давлат томонидан имтиёзли қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш;

✓ қорақўлчилик билан шуғулланаётган субъектларга хизмат кўрсатиш учун хусусий зооветеринария шаҳобчаларини ташкил қилишда тижорат банклари томонидан микрокредит ажратилишини йўлга қўйиш, улар томонидан қорақўл қўйлари касалланишини ўрганиш (мониторинг) асосида профилактика-даволаш ишларини амалга ошириш;

✓ ҳудудлар бўйича қорақўлчилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ахборотлар тизимини яратиш;

✓ қорақўлчилик тармоғида ишлаб чиқарилаётган айрим турдаги маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг илғор усуллари ҳамда замонавий технологиялар, ўзаро ишлаб чиқариш шартномавий-молиявий муносабатлар бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

✓ қорақўлчилик хўжаликлари учун технологик асбоб-ускуналар, қадоқлаш линияларини сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

✓ қорақўлчилик хўжаликлари билан тайёрлов, қайта ишлаш, сотиш ва уларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган субъектлар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларнинг қонуний ва ҳуқуқий жиҳатдан устуворлигини белгилаш асосида томонларнинг ўзларига юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши, уларнинг жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва вазифаларини бозор тамойилларига мос келишини таъминлаш;

✓ қорақўлчилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга хизмат қиладиган субъектларнинг тенг ҳуқуқий мустақил фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган сертификатлаштириш, лицензиялаштириш, стандартлаш ва рўйхатга олиш каби жараёнларни эркинлаштириш ҳамда бу борада қонун устуворлигини таъминлаш зарур ҳисобланади.

Қорақўлчиликдаги мазкур йўналишларни оқилона ташкил этилиши қорақўл маҳсулотларини кўпайишига, сифати яхшиланишига, қорақўлчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошишига ҳамда чорваликда интеграциялашув жараёнларини ривожланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган янгиликлар изланишлар оқибатида сифат ва сон жиҳатдан ўсиш

кузатилмоқда. Республикамиздаги қорақўлчилик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариши йил сайин ўсиш кузатилмоқда. Ушбу жараёнларни янада ривожлантириш мақсадида қорақўлчилик соҳасидаги асосий ва айланма воситалардан самарали фойдаланиш зарур.

Юқоридаги тавсияларни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш ва маҳсулдорликни ошириши учун қорақўлчилик субъектлари раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг билим ва тажрибаларига боғлиқ. Шу сабабли соҳада эришилаётган янгиликлар, қўлланилаётган инновацион технологиялар, маҳсулот маркетинги бўйича қорақўлчилик хўжаликлари мутахассисларини хабардор қилиш ҳамда мунтазам равишда малакасини ошириб боришни таъминлаш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4817-сонли қарори.

4. С.Ю.Юсупов, С.Б.Сатторов, С.Р.Базаров “Қорақўлчилик маҳсулотларини етиштириш технологияси” Ўқув қўлланма -С.: 2013 й. 12 б.

УЎК 336.221.4

МИНТАҚА АГРАР СОҲАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

Д.О. Матёқубова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада минтақа аграр соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш услубияти асосланган. Хоразм вилояти мисолида кластерларни фаолиятига баҳо берилган.

Калим сўзлар: Минтақа, самарадорлик, кластер, пахта-тўқимачилик кластери, инновация, рақамли иқтисодиёт, қўшилган қиймат.

Аннотация. В статье рассматриваются методические подходы оценки эффективности аграрного производства региона. На примере Хорезмской области оценена эффективность хлопково – текстильных кластеров.

Ключевые слова: Регион, эффективность, кластер, хлопково-текстильный кластер, инновация, цифровая экономика, добавленная стоимость.

Annotation. The article examines the methodological approaches to assessing the effectiveness of agricultural production in the region. On the example of the Khorezm region, the effectiveness of cotton-textile clusters was evaluated.

Keywords: Region, efficiency, cluster, cotton-textile cluster, innovation, digital economy, added value.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир. Бунда ҳар гектар ердан олинadиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим” деб таъкидлаган эди [1].

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули жорий қилинмоқда [2].

Кластер усулида фаолият юритиш орқали қисқа давр мобайнида ижобий натижаларга эришилди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологиялар жорий этилмоқда, қишлоқ хуудларига саноатни олиб кириш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шулар билан бир қаторда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмлар яратиш муҳим вазибалардан ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластери — бир ёки бир нечта мустақил юридик шахслар томонидан ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш ёки шартнома асосида сотиб олишдан уни дастлабки қайта ишлаш, ип-калава, мато тўқиш, бўйаш ва тикиш, иккиламчи маҳсулотларни (чигит, линт ва бошқалар) қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига олган ҳамда ягона технологик занжирда бир нечта корхона ва ташкилотларни бирлаштирган ҳолда янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш усули ҳисобланади.

Бундай кластерлар иштирокчилари — ўзаро келишув асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан кластер мақомини олиш тўғрисида битим тузган юридик шахслардир.

Пахта-тўқимачилик кластери инфратузилмаси — пахта хом ашёсини етиштириш ёки шартнома асосида сотиб олиш, уни дастлабки қайта ишлаш, ип-калава, мато тўқиш, бўйаш ва тикиш, иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар йиғиндисидан иборат.

Ушбу кластерлар фаолиятини баҳолаш мезонлари — пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган талаблардан иборат.

Бунда кластерлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш қувватларини кўпайтириш, ушбу жараёнга илмий асосланган усуллар ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатларини давлат ҳокимияти бошқарув органларида ҳимоя қилиш тизимини йўлга қўйишни тоқозо этади.

Ушбу тизимни амалга ошириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда 2021 йилда инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш илмий марказларини ташкил этиш белгиланди (1-жадвал) [3].

1-жадвал.

Ўзбекистонда 2021 йилда инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш бўйича илмий марказларни ташкил этилиши режалаштирилган пахта-тўқимачилик кластерлари [3]

№	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар	Пахта-тўқимачилик кластерлари номи	Пахта-тўқимачилик кластери жойлашган туман номи
1	Қорақалпоғистон Республикаси	«Bo'ston cluster» МЧЖ	Элликқалъа
2	Андижон вилояти	«Khantex group» МЧЖ «Saxovat teks» МЧЖ	Кўрғонтепа Шаҳрихон
3	Бухоро вилояти	«Buxoro cotton textile cluster» МЧЖ «Mergan teks» МЧЖ	Ромитан Қоракўл
4	Жиззах вилояти	«Jizzax Industrial To'qima» МЧЖ	Ш. Рашидов
5	Қашқадарё вилояти	«Koson baxt tekstil» МЧЖ «Oq saroy klaster» МЧЖ	Косон Шаҳрисабз
6	Навоий вилояти	«Navbahor tekstil» МЧЖ	Навбахор
7	Наманган вилояти	«Art soft holding» МЧЖ «Textile finance Namangan» МЧЖ	Мингбулоқ Учкўрғон
8	Самарқанд вилояти	«Maroqand sifat» МЧЖ «Maroqand sifat tekstil» МЧЖ	Нарпай Иштихон
9	Сурхондарё вилояти	«Angor surxon g'ururi» МЧЖ	Ангор
10	Сирдарё вилояти	«Poly tex Sirdarya» МЧЖ	Сайхунобод
11	Тошкент вилояти	«Tashkent cotton textile cluster» МЧЖ «АРК Chinoz» МЧЖ	Қуйи Чирчиқ Чиноз
12	Фарғона вилояти	«Real-Trans-Logistic» УК «Экспо коллор прин текс» МЧЖ	Учкўприк Тошлоқ
13	Хоразм вилояти	«Xorazm tex» МЧЖ «Textile finance Khorazm» МЧЖ ҚК	Хонқа Шовот

Хоразм вилоятида 2021 йилдан пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини ошириш юзасидан 49 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Уларнинг самарасида вилоятда етиштирилаётган пахтани қайта ишлаш даражаси 2 баробардан зиёд ўсиб, айрим кўрсаткичлар бўйича 100 фоизга етади. Хусусан, ип-калава тайёрлаш қуввати 47 минг тоннадан 104 минг тоннага, мато ишлаб чиқариш 9

минг тоннадан 49 минг тоннага, тайёр кийим-кечаклар 47 миллион донадан 152 миллион донага ортади. Бундай корхоналар шу йилнинг ўзида Қўшқўпир, Шовот, Янгиариқ, Богот туманларида ишга тушади. Вилоятда барча иқтисодий тармоқларида 1 миллиард 320 миллион долларлик 812 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Фикримизча, аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик ташкил этиш;

- пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича «йўл харита»ларини ишлаб чиқиш;

- пахта хом ашёсини етиштириш жараёнига инновацион агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизмини яратиш;

- юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш учун унификацияланган имтиёз ва преференциялар қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда пахта-тўқимачилик кластерларига кўмаклашиш;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

ФОЙДАЛанилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги ВМҚ-397-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси»даги Қарори.
3. B.Ruzmetov, D.Matyakubova, D.Ibadullaev. Strategic directions of sustainable development of the agricultural sector of regions of Uzbekistan. // Journal of Critical Reviews ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 1, 2020, USA. <https://www.jrc.com>.
4. Рузметов Б. Устойчивое и интенсивное развитие сельского хозяйства региона на основе инновационных разработок. Коллективное монография. Тошкент, “Lesson press”, 2016.
5. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Коллектив монография. Тошкент. IFMR.2015.

УЎК: 338.24

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ ХАМДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ВА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ Ш.С. Мухаммаджанов, бўлим бошлиғи, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида давлат улушининг аҳамияти ёритилган, шунингдек корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизими ҳолати таҳлил қилинган. Хусусан, ушбу йўналишда хориж тажрибаси ўрганилди, натижада мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими баҳоланди.

Калит сўзлар: давлат иштироки, корпоратив назорат тизими, корпоратив бошқарув, корпоратив тузилма.

Аннотация. В данной статье освещается важность доли государства в акционерных обществах, а также анализируется состояние корпоративного управления и системы

корпоративного контроля. В частности, был изучен зарубежный опыт в этой сфере, по результатам которого дана оценка системе корпоративного управления в акционерных обществах, действующих в нашей стране.

Ключевые слова: участие государства, корпоративные системы управления, корпоративное управление, корпоративная структура.

Abstract. This article highlights the importance of the state's share in joint-stock companies, and analyzes the state of corporate governance and the corporate control system. In particular, the foreign experience in this area was studied, according to the results of which the assessment of the corporate governance system in joint-stock companies operating in our country was given.

Key words: state participation, corporate control systems, corporate governance, corporate structure.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг нечоғлик кўлами кенгайиб, ривожланиб бораётгани, шунингдек унинг самарадорлиги ошиб бориши натижасида иқтисодий тизимнинг ўзаги бўлган корхоналарнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, давлат улушини камайтириш ва хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, республикада иқтисодиётида унинг ўзига хос ўрни ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни, хусусан акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини такомиллаштириш ҳозирги кундаги ҳал қилиниши зарур бўлган асосий долзарб масалалардан бирига айланиб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юқорида келтирилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарув ва корпоратив назоратнинг замонавий усуллари жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди [1]. Хусусан, ушбу йўналишда хориж тажрибаси ўрганилди, натижада мамлакатимизда фаолият юритаётган 500 дан ортиқ акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодекси жорий қилинди. Кодексга асосан 293 та акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими баҳоланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, улар орасида 32 та акциядорлик жамиятида ушбу кўрсаткич юқори, 244 тасида қониқарли, қолганлари паст ва қониқарсиздир [2]. Республикада халқаро бизнес юритиш тартиб-тамоийллари такомиллаштирилаётгани, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тамойиллари кенг жорий этилаётганлиги натижасида республикада миллий иқтисодиёти тобора барқарор ривожланиб, дунё мамлакатлари ўртасида ўз муносиб ўрнини эгаллашда давом этмоқда.



1-расм. Республикада фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари сони [4]

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат усулларида кенг фойдаланаётган жамиятлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Хорижий капитал ҳамда корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимининг хорижий усуллари асосланган акциядорлик жамиятлари ҳар томонлама ривож топмоқда. Улар республикада миллий иқтисодиётининг истиқболини белгилашда ва

унинг барқарор ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган холда, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш борасида муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширмақда.

Республикамизда давлатнинг корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини кенг жорий этиш жараёнларида муҳим иштироки икки томонлама ҳисобланади. Улар, биринчидан корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини меъёрий-ҳуқуқий асосини ташкил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш ва улар устидан назорат функциясини амалга ошириш бўлса, иккинчидан давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимида бевосита иштирок этиш ҳамда ҳукумат томонидан “Олтин акция” жорий қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган акциядорлик жамиятининг бошқарувида бевосита қатнашишидир.

Давлатнинг акциядорлик жамиятидаги улуши орқали унинг фаолиятида қатнашиши давлат молияси ва корпоратив молия ўртасида ўзаро боғлиқликнинг бир кўриниши ҳисобланади [3].

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатдаги баъзи бир акциядорлик жамиятларининг акцияларига давлатнинг эгалик қилишига ягона сабаб бозордаги йўқотишларнинг мавжудлигидир. Давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларида жамият манфаатлари ва йўқотишлари хусусий манфаат ҳамда йўқотишлардан устун бўлади.

“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг маълумотига кўра, 2015 йилда республикамизда фаолият юритган 724 та акциядорлик жамиятларининг 219 тасида ёки 30,2 фоиз қисмида давлат улуши бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига ижроси натижасида, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб, мавжуд 715 та жамиятнинг 209 тасида ёки 29,2 фоизида, 2017 йилда 659 та жамиятнинг 158 тасида ёки 24 фоизида ва 2018 йилда эса 604 та жамиятнинг 146 тасида ёки 24,2 фоизида давлат улуши мавжуд бўлган [5].

“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг маълумотига кўра 2019 йил 1 январ ҳолатига, республикамизда фаолият юритаётган 603 та акциядорлик жамиятининг 32,2 фоизи яъни 195 та акциядорлик жамиятида давлат улуши мавжудлигини кўришимиз мумкин. Мазкур давлат улушининг қиймати 47371,8 млрд.сўмни ташкил қилади. Буларга асосан, давлат бошқаруви органлари, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси акциядор бўлиб турибди. Бугунги кунда Марказий депозитарийда 173 та акциядорлик жамиятининг устав фондида 47328,7 млрд.сўм қийматида акция давлат улуши ҳисобида юритилади. Жорий йилнинг 3 чорагига келиб устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2 тага камайди ва давлат улуши ҳажми 122,7 млрд.сўм миқдорида ортди. Хўжалик бошқарув органларининг 279 та акциядорлик жамияти устав фондидаги улуши ҳажми 5844,9 млрд.сўмни ташкил этади ва чорак давомида хўжалик бошқарув органлари активларининг ҳажми 310,6 млрд.сўмга ортди.

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларда самарали давлат назоратини ўрнатиш орқали аҳолини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун муҳим тармоқларнинг ривожлантириш имконини беради [6].

Миллий иқтисодиётимизда изчил таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали республикамиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида мамлакатда йирик корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизими ривожланган акциядорлик жамиятлари фаол иш фаолиятини юритиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, йирик акциядорлик жамиятлари фаолияти аҳоли бандлиги ва уларнинг даромадларини ортишида, давлат ва жамият даромадларининг асосий қисмини шаклланишида, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган халқаро рақобат шароитида мамлакат импорт ҳажмини камайитириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан йирик акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимида давлатнинг иштироки кўп жihatдан қулай ҳисобланади.

Ўз навбатида, тезлик билан ривожланиб бораётган халқаро рақобат шароитида давлатнинг корпоратив бошқарув ва назорат тизимидаги фаол иштироки маълум бир муаммоли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, давлатнинг корпоратив тузилмаларга кўп аралашуви акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тузулмасининг мустақиллигини бирмунча чегаралайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиздаги акциядорлик жамиятлари умумий устав капиталида давлатнинг улуши хусусий сектор улушига қараганда бир неча маротаба юқори эканлиги хусусийлаштиришни тез суръатлар билан жадаллаштиришни тақазо этади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятлари капиталида хусусий мулк улушини кўпайтириш орқали хусусий мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жадвал.

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки афзалликлари ва камчиликлари*

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
- Стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларда самарали давлат назорати ўрнатилди;	- Давлатнинг хаддан ташқари кўп аралашуви корпоратив тузилманинг мустақиллигини чегаралайди;
- Стратегик муҳим тармоқларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди;	- Олтин акция асосида вето қўйиш ҳуқуқининг берилиши қарорлар қабул қилишнинг ортга сурилишига олиб келади;
- Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширади;	- Вето қўйиш ҳуқуқи давлат вакили томонидан қарорлар қабул қилига аралашиб юбориш ҳолатларига учрайди;
- Йирик акциядорлик жамиятлари банкротлиги олдини олинади ва тугатишга йўл қўйилмайди;	- Акциядорлик жамиятларига инвесторларнинг қизиқишлари нисбатан паст бўлади;
- Давлат бюджети солиқлардан бошқа даромадларга эга бўлади;	- Хусусий мулкдорлар синфининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади;
- Монополияни тартибга солиб турилади ва нархлар барқарорлиги таъминланади;	- Бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари чегараланишига олиб келади;
- Профессional бошқарув амалга оширилади ва бошқалар.	- Дивидент амалиётлари деярли кузатилмайди ва бошқалар.

* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг акциядорлар йиғилиши ва кузатув кенгашида давлат номида иштирок этувчи давлат вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйишни тақлиф қиламиз [7]. Натижада, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат органлари фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада таъминланади.

Бундан ташқари, давлат улуши бўлган корпоратив тузилмаларнинг давлат улушини фонд биржаси орқали сотишни ташкил қилиш натижасида фонд биржаси фаолияти бир мунча жадаллашади ва инвесторларни кенг жалб қилиш орқали жамиятда қўшимча капитал миқдори ортишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан 2017 йил 8 августда ўтказилган мажлисидан.
3. С.Элмирзаев “Замонавий корпоратив бошқарув”: Дарслик-Н.: “Иқтисод-молия”, 2019.-225 б.
4. “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг маълумотлари, www.deponet.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
6. Тошмуродова Б., Отахонова Ш.Х, Султонова С.А. ва Қораев Б.Н. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. № 2, 2019 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

УДК: 338.22.01(575.2)

РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В СОВРЕМЕННОМ РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Д.Б. Одилова, ст.преп., ТашГЭУ, Ташкент

Н.Х. Умарова, ст.преп., ТашГЭУ, Ташкент

Г.А. Хайтматова, преп., ТашПМИ, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада инновацияларнинг турли жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг шартлари ва истиқболлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инновация, электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, кредит, электрон тижорат, глобализация.

Аннотация. В данной статье анализируются различные аспекты инновации, а также условия и перспективы развития цифровой экономики в Республики Узбекистан.

Ключевые слова: электронное правительство, цифровая экономика, кредит, электронная коммерция, глобализация.

Abstract. This article analyzes various aspects of digitalization, as well as the conditions and prospects for the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.

Key words: e-government, digital economy, credit, e-commerce, globalization.

На сегодняшний день трудно представить нашу жизнь без инноваций. Все знают, что инновация играла и продолжает играть ключевую роль в развитии страны. Мир непрерывно подвергается изменениям, и на сегодняшний день одним из основных факторов изменений является цифровое преобразование. Люди все больше используют новейшие технологии для выполнения и усовершенствования своей деятельности. Глобальная экономика также подвергается цифровой трансформации, и это происходит с головокружительной скоростью. Цифровую экономику можно определить, как экономическую активность, вызванную миллиардами повседневных онлайн-подключений между людьми, предприятиями, устройствами, данными и процессами. Основой цифровой экономики является все более растущие взаимосвязи между людьми, организациями и технологиями, которые являются результатом информационно-коммуникационных технологий.

Инновация-это новшество, внедрённое в какую-либо отрасль человеческой деятельности, а также обеспечивает качественный рост эффективности процессов и продукции. Влияние инноваций на национальную экономику одним из первых исследовал Й.Шумпетер. В процессе исследований, он сумел показать, что инновации выводят на рынок новые технологии, товары и услуги, не только ведут к росту экономики, но и к качественному росту её структуры, то есть способствует переводу на более высокий уровень развития. Вдобавок, он сделал вывод, что инновации обеспечивают повышение эффективности производственной деятельности, которое позволяет повысить качество выпускаемой продукции и услуг. Й.Шумпетер исследуя опыт опыта внедрения в странах Западной Европы определил, что кредит также является источником финансирования инновационной деятельности предпринимателей. Он говорил: "Прибыль может быть получена только в результате преимущества, которое даёт инновация, и поэтому исчезает, как только инновация превращается в рутину" [1].

Страны-лидеры по уровню интенсивного экономического роста

Страны	Уровень развития		Индикаторы инновационного развития		
	ВВП на душу населения (в тыс.долл.)	ВВП на душу населения по ППС (в тыс.долл.)	Глобальный инновационный индекс	Экспорт высокотехнологичных товаров (%от экспорта промышленных товаров)	Статьи в международных журналах
Швейцария	79.9	63.9	66.3	27.1	2534.4
США	57.6	57.6	61.4	20	1265.7
Сингапур	53.0	87.8	59.2	67.4	2007.0
Ирландия	64.2	71.5	59.0	29.8	1431.8
Нидерланды	45.6	50.5	58.3	-	1759.8
Средняя по странам	50.8	53.8	57.8	21.4	4455.7
Узбекистан	2.1	6.5	29.1	4.7	11.2
Разрыв между средней по странам и Узбекистаном	24.1	8.3	2.0	4.5	397.5

Источник: расчеты автора по данным индикаторов Всемирного банка (WDI) и Госкомстата РУз

Инновационные преобразования национальной экономики требуют больших материальных, финансовых и интеллектуальных затрат, которые могут обеспечить только государство, особенно в условиях экономического кризиса.

За годы независимости в Узбекистане установлена прочная база для развития НИС (новые индустриальные страны), проводятся научные исследования в области биологии, химии, медицины, энергетики, электроники и т.д. В Узбекистане были приняты законы "Об инновационной деятельности" и "О науке".

Указом Президента Республики Узбекистан была утверждена "Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы" [2]. Документом также утверждены "Дорожная карта" реализации стратегий и целевые показатели инновационного развития Республики Узбекистан до 2030 года. Основными задачами стратегии являются:

-вхождение Республики Узбекистан в состав 50 передовых стран мира по рейтингу глобального инновационного индекса к 2030 году.

-поднятие качества и охватывание образованием на всех ступенях, развитие образования, усиленная подготовка кадров, исходя из потребностей экономики.

-улучшение научного потенциала и продуктивности научных исследований, устанавливание механизмов интеграции образования, предпринимательства и науки для введения плодов научно-исследовательский, опытно-конструкторских и технологических работ.

-улучшение результативности деятельности органов государственной власти с помощью внедрения соответствующие моменту методов и инструментов управления и т.д.

Не случайно наиболее развитые страны возглавляют список с большим ростом конкурентоспособности, по оценкам экспертов всемирного банка за 2016 год [3].

Глобальный инновационный индекс Узбекистана составляет около 30 баллов (по 100-балльной шкале), а Республика занимает позицию в пределах 80-90-го места в рейтинге стран ВЭФ (всемирный экономический форум) по конкурентоспособности. Как мы видим, по количеству статей в международных научных журналах почти в 400 раз, по экспорту высокотехнологичных продукции Узбекистан отстаёт в 4,5 раз [4].

Следовательно, для того чтобы экономика страны развивалась быстрыми темпами, необходимо привлечь инвестиций, особенно зарубежных, в такие отрасли как наука, образования, здравоохранения и другие, а также желательно уделить больше времени на модернизацию экономики, развитию конкурентоспособности, производительной и социальной инфраструктуры.

Главная проблема в сфере образования заключается в нехватке мест во всех уровнях системы образования и в низкогокачественной инфраструктуре общеобразовательных учреждений. В частности, в послании было отмечено, что в Республике за 2019 год были открыты 5722 новых государственных, частных и семейных детских сада. Начали свою деятельность образовательные учреждения нового типа, а именно 4 Президентские и 3 творческие школы. В последствии, охват детей дошкольным образованием поднялся с 38 до 52 процентов. К тому же, было создано 19 новых высших учебных заведений, 9 из которых являются филиалами известных зарубежных университетов. И в результате, в 2019 году в вузы Узбекистана приняты 146 500 студентов, что в 2 раза больше по сравнению с 2016 годом. Увеличение числа образовательных учреждений непосредственно влияет на уровень подготовки учащихся, что в свою очередь является существенным фактором, разделяющим развитые и развивающиеся страны. Следовательно, планируется дальнейшее повышение уровня охвата учащихся путем открытия новых 36 государственных школ, 55 частных школ, 340 профессиональных школ, 147 колледжей и 143 техникума в 2020 году [5].

Не секрет, что сегодня в образовательных учреждениях существует обильное количество неэффективных учебных программ. Как оптимальное решение этой проблемы, рассматривается постепенный переход к международным стандартам преподавания и системы оценки, то есть кардинальный пересмотр изучаемых дисциплин, их дальнейшее сокращение, переход к кредитно-модульной системе в высшем образовании. С другой стороны, нужно

адаптировать учебные программы для всех видов образования под потребности экономики. Это подразумевает увеличение предметов в сфере инженерии, экономики, бизнеса и других естественных наук.

Среди основных факторов повышения качества образования выступает приемлемый уровень зарплат учителей и их квалификация. По итогам 2019 года, среднемесячная зарплата преподавателей составила 1.841 млн. сумов (\$193), что на 24,6% меньше среднемесячной зарплаты по всей Республике и в десятки раз ниже, чем в развитых странах. Разумеется, деятельность учителя должна оцениваться соответствующим образом, так как интеллектуальный и культурные уровни, мировоззрение и мышление подрастающего поколения напрямую зависят от производительности преподавателя.

В 2020 году будет предоставлена возможность проведения научных исследований и повышения квалификации более 700 ученым, профессорам и преподавателям по программе фонда «Эл-юрт умиди». Наряду с этим, при подготовке внедрения международной оценки школьного образования ожидается повышение квалификации 6 тыс. учителей. Такого рода нововведения, как правило, будут способствовать улучшению качества образования на современном этапе развития [5].

Стоит отметить, позитивную динамику объемов инвестиций в сферу образования, в 2019 году он увеличился на 145,6% по сравнению с 2018 годом. Несмотря на это, все еще отстаем в этом плане по международным меркам. Значимость финансирования очевидна – это современная материально-техническая база, компьютерное оборудование, инфраструктура и тд. Но вопреки всему, это не означает что государство должно направлять все свои средства в систему образования, а наоборот перед нами стоит вопрос эффективного распределения ресурсов, что в свою очередь зависит от уровня коррупции, эффективности государственного управления, институциональной среды и от множества других факторов. Например, в 2019 году государственные расходы на образование составили более четверти расходов государственного бюджета и 5,4% от ВВП, что значительно больше среднемирового показателя. В текущем году, 10 ВУЗов переходят на систему самофинансирования на экспериментальной основе. Такой подход является целесообразным ввиду вышеперечисленных проблем в плане финансирования и имеет ряд преимуществ. С одной стороны, это облегчило бы нагрузку на бюджет, а с другой повысило бы эффективность распределения ресурсов среди образовательных учреждений за счет автономности и гибкости управления средствами. В свою очередь, такая практика непосредственно повлияет на качество образования в целом.

Научить жить по-новому, в соответствии с реалиями современного мира - задача системы образования. Для обеспечения эффективного вписывания человека в быстро изменяющийся мир необходима переориентация общественного сознания на приобретение качественно новых знаний и навыков. Каждый специалист должен уметь видеть свое место в системе, осознавать ответственность за последствия своих действий. В этих условиях система образования в XXI веке все больше превращается в крупнейшую отрасль общества, которая, с одной стороны является источником формирования мировоззрения, показателем степени культурности общества, с другой - формирует и развивает главную производительную силу - самого человека.

По сей день, государство уделяет особое внимание пенсионерам, малообеспеченным и маломобильным гражданам. Так в 2019 году внедрен порядок выплаты в полном размере пенсий работающим пенсионерам. В 2 раза увеличен размер пособий уязвимым и малообеспеченным категориям населения, нуждающимся в социальной поддержке. Помимо этого, в рамках программ «Обод кишлок» и «Обод махалла» осуществлена широкомасштабная работа по строительству и благоустройству в 479 селах и аулах, а также в 116 городских махаллях. На эти цели было направлено 6,1 триллиона сумов – на 1,5 триллиона сумов больше, чем в 2018 году. Количество возведенного доступного и комфортного жилья – индивидуальных домов и квартир в многоэтажных домах – в общей сложности составило 34700. Пяти тысячам малообеспеченных и нуждающихся в улучшении жилищных условий

семей, в том числе женщинам с инвалидностью, выделено более 116 миллиардов сумов для выплаты первоначальных взносов на приобретение жилья по ипотечным кредитам [5].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://review.uz/post/innovacionne-sopostavleniya>
2. <https://lex.uz/ru/docs/3913186>
3. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2016/06/07/world-bank-cuts-2016-global-growth-forecast>
4. <https://uzbekistan2035.uz>
5. <https://review.uz/post/osobennosti-vzov-i-perspektiv-socialnoy-politiki-v-uzbekistane>

УЎК 37.01:007

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.Х. Рахмонов, мустақил изланувчи, ТДИУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида профессионал таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш йўналишлари таклиф этилган.

Калим сўзлар: профессионал таълим, профессионал кадрлар, ишлаб чиқариш, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи

Аннотация. В данной статье освещена социально-экономическая значимость обеспечения преемственности между профессиональным образованием и производством, исходя из опыта зарубежных стран, предложены направления обеспечения преемственности между профессиональным образованием и производством в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональные кадры, производство, спрос на рабочую силу, предложение рабочей силы.

Abstract. This article highlights the socio-economic importance of ensuring continuity between vocational education and production, based on the experience of foreign countries, proposed directions for ensuring continuity between vocational education and production in the Republic of Uzbekistan.

Key words: vocational education, professional personnel, production, labor demand, labor supply.

КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, "...келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади. Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади. Шунинг учун, Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин" [2], деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда профессионал таълим аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг самарали касбий-малакавий таркибини шакллантириш, ишчи кучи сифатини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, ишсизлик ва аҳолининг камбағаллигига қарши курашнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда профессионал таълим иқтисодиётнинг реал сектори учун кадрлар тайёрланишини таъминлашда ўйнаши лозим бўлган ролни тўлиқ ҳажмда амалга оширмапти.

Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида ҳисобда турган ишсиз фуқароларнинг касбий-малакавий тавсифлари билан ушбу марказлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ўртасидаги номувофиқлик бир вақтнинг ўзида муайян даражадаги ишсизликнинг ҳам, ишчи кучига бўлган қониқарсиз эҳтиёжнинг ҳам мавжуд бўлишига олиб келмоқда, бунинг натижасида меҳнат бозоридаги танглик даражаси ортиб бормоқда.

Масалан, Ўзбекистонда ишчи касблар гуруҳи бўйича (ҳар бир касбий гуруҳда рўйхатга олинган ишсизлар сонининг тегишли соҳа бўш иш ўринлари сонига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилган) бўш иш ўринлари коэффициенти 2,7 ни, (бунда ушбу коэффициент 1 га қанчалик яқин бўлса, меҳнат бозоридаги кескинлик даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча), мутахассислар лавозимлари гуруҳи эса 1,3 ни ташкил қилади [3], бу айтилган даврдаги мавжуд бўш иш ўринларининг сони билан солиштирилганда ишсиз ишчилар ва мутахассислар сонининг ортқичалигидан далолат бериб турибди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Меҳнат бозорининг тавсифи сифатида кадрларга бўлган эҳтиёжни кўриб чиқиш учун ушбу тушунчанинг маъносига аниқлик киритиш лозим. Масалан, К.Ховард ва И.Б.Каширинанинг ишларида эҳтиёж амалга ошириш имконияти мавжудлигидан қатъий назар истакнинг ёки нимагадир бўлган талабнинг мавжудлиги сифатида тавсифланади [4].

В.В.Адамчук, В.П.Беклемешев ва С.С.Утинованинг фикрига кўра, талаб банд қилинган ва бўш турган иш ўринларини ўз ичига олади [5]. Банд қилинган иш ўринларида ходимлар меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришлари туфайли уларда ишчи кучига бўлган эҳтиёж қондирилган дейиш мумкин.

Академик Қ.Х.Абдурахмонов меҳнат бозоридаги талаб кўпинча ташқи омиллар: мамлакатдаги иқтисодий ҳолат, ижтимоий вазият, инвестицион муҳит, иқтисодий даврийлик босқичи, меҳнат унумдорлиги даражаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва ҳоказоларга боғлиқдир, деб таъкидлаган [6].

Профессионал кадрларга бўлган талабга инвестициялар, иш ҳақи, кадрлар кўнимсизлиги, меҳнат унумдорлиги, янги иш ўринлари, бўш иш ўринлари, аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракати ва ишлаб чиқариш ҳажми таъсир қилади. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатига эришиш долзарб ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада мантиқий ва таққослама таҳлил, тизимли таҳлил, мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлар, комплекс баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги шароитда меҳнат бозори иш билан доимий бандликни кафолатлай олмайди, шунинг учун ходимлар ва мутахассислардан эгаллаган билими билан чегараланмасдан, бутун умри давомида ўқиш, малакасини ошириб бориш талаб қилинади. Айтилган пайтда улар меҳнат бозоридаги рақобатбардошликларини янада оширишлари – турдош ва қўшимча касбларни эгаллашлари, амалий кўникмаларини пухталаштиришлари, меҳнат мобиллигига эга бўлишлари зарур.

Ушбу мақсадга эришишда Германияда жорий этилган, кўпгина ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган дуаль тизимидан Ўзбекистондаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал

Профессионал кадрлар тайёрлашнинг анъанавий ва дуаль тизимлари ўртасидаги тафовутлар

Мутахассислар тайёрлашнинг анъанавий тизими	Мутахассислар тайёрлашнинг дуаль тизими
Таянч ўқув режасининг 75-80% таълим муассасасида ўтказилишига тўғри келади	Таянч ўқув режасининг 75-80% бевосита ишлаб чиқаришда ўтказилишига тўғри келади
Ишлаб чиқариш амалиётининг ташкил этилиши иш берувчиларнинг талабларига жавоб бермайди	Ишлаб чиқариш амалиёти талабага шахсий ёндашувга асосланган ҳолда бевосита бўлажак мутахассиснинг иш жойида корхона мутахассиси томонидан ўтказилади
Бўлажак мутахассиснинг амалий кўникмаларни ҳосил қилиши таълим муассасанинг ихтисосликка доир стандартларида белгилаб қўйилган	Ихтисослик бўйича амалий кўникмалар бевосита корхонада, бўлажак иш жойида эгалланади
Амалиётлар таълим муассасаларининг устахоналарида мавжуд бўлган дастгоҳлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади	Амалиётлар корхоналарнинг замонавий дастгоҳларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади
Амалиёт қисқа муддатли эканлиги сабабли корпоратив меҳнат фаолияти маданиятини эгаллаш имкониятининг йўқлиги	Корпоратив меҳнат фаолияти маданияти бевосита меҳнат жамоасида эгалланади
Иқтисодиёт соҳалари ва ихтисосликлар бўйича мутахассисларга меҳнат бозоридаги талаб мониторингининг олиб борилмаслиги	Иқтисодиёт соҳалари ва ихтисосликлар бўйича мутахассисларга меҳнат бозоридаги талабнинг доимий мониторингининг ўтказилиши

Манба: жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда дуаль тизимига мос тушадиган қатор тартиб-қоидалар акс этган. Хусусан, профессионал таълим дастурларини бажариш корхоналар ва касб-

хунар коллежлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Буни куйидаги йўллар билан амалга ошириш белгиланган:

- профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг корхоналарда тизимли асосда ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек иш берувчиларни ўқув жараёнига, тармоқ таълим стандартларини ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишга жалб этиш;
- ўқитишни ташкилотларда ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш, профессионал таълим муассасаларида қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиш учун базалар билан таъминлаш;
- ўқувчиларни товар маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда меҳнат фаолиятига ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда, шунингдек касб-хунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашни миллий иқтисодиёт ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мослаштириш мақсадида ушбу таълим муассасалари маҳаллий, туман, вилоят, республика йирик иш берувчилар талабларига биноан ихтисослаштирилди.

Профессионал таълим муассасаларида дуаль касбий таълимни амалда жорий этиш учун куйидагилар амалга оширилиши зарурлиги таъкидланади:

1. Профессионал таълим муассасаларида дуаль касбий таълимни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун жаҳоннинг қатор мамлакатлари қонунчилик тажрибасига асосланган ҳолда “Профессионал таълим тўғрисида” ги қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак.

Ушбу қонун ҳужжатида куйидагилар ўз ифодасини топиши керак:

- профессионал таълим муассасаларида дуаль таълим тизимининг қонуний асослари;
- дуаль таълим тизимини ташкил этишда таълим муассасаси ва ишлаб чиқаришнинг функциялари, вазифалари ва мажбуриятлари;
- дуаль таълим тизимида иштирок этадиган ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларига давлат томонидан имтиёзлар;
- профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг билими, малакаси, амалий кўникмаларининг мутақил экспертлар томонидан баҳолаш мезонлари ва бошқалар.

Миллий меҳнат бозори бугунги кунда мамлакатдаги демографик вазият – меҳнат ресурсларининг ортиб бориши натижасида ишчи кучи таклифининг талабга қараганда ортиқлиги хусусиятига эгадир. Иқтисодиёт тармоқларида яратилаётган реал иш ўринлари ёш мутахассисларни иш жойлари билан таъминлай олмаётганлигидан яққол далолат беради.

“Ўзбекистон профессионаллари ахборот бизнес-портали” томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳозирги вақтда миллий меҳнат бозорида ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш кучига талаб таклифдан юқорилигини кўрсатган. Шу билан бирга тадқиқотларнинг таҳлили натижасидаги прогнозлар 2018 йилдан бошлаб меҳнат бозорида паст малакага эга ходимларга талаб йилига 4% га камайиб боришини, айти пайтда юқори малакали мутахассисларга талаб эса муттасил ортиб боришидан далолат беради [7].

Хусусий рекрутинг агентликлари экспертларининг социологик тадқиқотлари меҳнат бозорида ишлаб чиқаришнинг ўрта бўғин кадрларига талаб катталигини аниқлаган. Айниқса куйидаги иқтисодиёт соҳалари ва ихтисосликлар бўйича кичик мутахассисларга талаб уларнинг таклифидан юқоридир.

Демак, Ўзбекистон меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг талабдан юқорилиги муаммосини ҳал этиш миллий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг ходимларга эҳтиёжларини тўғри ҳисобга олиш билан боғлиқдир.

Хориждаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш таълим сифатини оширишда муҳим роль ўйнашини исботлаган. Ўзбекистонда ҳам ҳозирги вақтда 43 та нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга. Аммо бу барча мавжуд мактабларнинг атиги 0,4 % ни ташкил этганлиги сабабли таълим хизмати бозорида рақобат муҳитини яратишга ожизлик қилади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат таълим тизимида институционал ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳам талаб этилмоқда. Бугунги кунда таълим тизимининг бошқарилиши уч: Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида, шунингдек Касб–хунар таълими маркази ҳам мавжуд.

Давлат бошқарув органларининг кўп сонлиги таълимнинг барча бўғинлари узвийлигини таъминлашда, бутун умр давомида ўқиш принципини амалга оширишда муайян муаммоларни келтириб чиқариши табиийдир. Шунинг учун ушбу вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида Таълим соҳасида кенгаш ёки ушбу давлат бошқаруви органларини яхлитлаштирадиган умумий Таълим вазирлигини ташкил этиш масаласи ўрганиб чиқилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5812-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5812/3699-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари // www.mehnat.uz.
4. Каширина И.Б. Определение потребности в специалистах с высшим профессиональным образованием на рынке труда Амурской области. Автореферат дисс. На соискание ученой степени канд. экон. наук: 08.00.05 / Хабаровск, 2004 г. – С.17.
5. Утинова С. С. Изоморфный рынок труда в России. - М.: Наука, 2003. – С.56.
6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 140-б.
7. Тенденция рынка труда // <http://www.professionals.uz>.

УЎК: 332.338.46 (43)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НОАГРАР ЙЎНАЛИШДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

С.К. Салаев, проф., и.ф.д., Урганч давлат университети, Урганч
Б.У. Таджиев, тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари ва механизмлари қараб чиқилган. Шунингдек, вилоятнинг туман ва шаҳарларнинг ўсиш нуқталари, маҳаллабай кесимда ҳудудларда инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари ҳамда уларнинг самараси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Қишлоқ жойлари, қишлоқ тадбиркорлиги, ноаграр тадбиркорлик, хизматлар соҳаси, ўсиш нуқталари, кичик бизнес, ташкилий-иқтисодий механизм

Аннотация. В данной статье рассматриваются приоритетные направления и механизмы развития неаграрного предпринимательства в сельских местностях Хорезмской области. Кроме того, анализируются точки роста районов и городов области, эффект создаваемых новых рабочих мест за счет организации субъектов инфраструктуры и предпринимательства.

Ключевые слова: сельская местность, сельское предпринимательство, неаграрное предпринимательство, сфера услуг, точки роста, малый бизнес, организационно-экономический механизм.

Abstract. This article examines the priority areas and mechanisms for the development of non-agricultural entrepreneurship in rural areas of the Khorezm region. In addition, the points of growth of districts and cities of the region are analyzed, the effect of new jobs created due to organization of infrastructure and entrepreneurship entities

Key words: rural area, rural entrepreneurship, non-agricultural entrepreneurship, service sector, growth points, small business, organizational and economic mechanism

Бугунги кунда қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва дехқон хўжаликлари, агрофирма, ўрмон ва балиқ хўжаликларини балки, қишлоқ жойларида тадбиркорликни амалга оширувчи якка ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳам жуда зарур бўлиб бормоқда. Чунки, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, уларни даромадларини ошириш, сифатли хизмат кўрсатиш, қишлоққа кичик саноатни олиб кириб, КБХТни улушини орттириш орқали ушбу ҳудудларни янада ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимиз томонидан ҳудудларда КБХТни янада ривожлантириш мақсадида қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, ушбу соҳани кенг ривожлантиришга имкониятлар яратилиб келинаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан,

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли, 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила - тадбиркор” Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли қарорлари асосида оилаларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва ёшларнинг лойиҳалари, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг таклиф этаётган лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш келинмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли қароридан худудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, “бир маҳалла - бир маҳсулот” тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йуналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ажратилишига эътибор қаратиш ҳамда қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бўш турган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида 2 йил муддатда ушбу ер майдонларини ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шарти билан доимий ёки узоқ муддатга ижарага бериш, шаҳар ва туманлар марказларида фойдаланилмасдан турган биноларни КБХТ субъектларига уларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шарти билан доимий ёки узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш вазифалари юклатилган бўлиб, КБХТ субъектларига давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз худуд-ларида, айниқса, қишлоқ жойларида ривожланишига катта замин яратади.

Тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилоятининг 519 та маҳалла фуқаролар йиғин (МФЙ)ларида ўрганишлар, сўровлар, интервьюлар ўтказилиб шаҳар ва туманларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича “ўсиш нуқталари” ёки драйверлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича “ўсиш нуқталари” (драйверлари) (Б.Таджиев ишланмаси)

Т/р	Худуд номи	Туман (шаҳар)ларнинг “ўсиш нуқталари
1.	Урганч ш.	Тўқимачилик ва туризм
2.	Хива ш.	Туризм ва қурилиш материаллари
3.	Боғот	Иссиқхона хўжалиги ва тўқимачилик
4.	Гурлан	Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги
5.	Тупроққалъа	Машинасозлик, электротехника ва иссиқхона хўжалиги
6.	Урганч т.	Қурилиш материаллари ва сутни қайта ишлаш
7.	Хазорасп	Тўқимачилик ва паррандачилик
8.	Хива т.	Қурилиш материаллари ва балиқчилик
9.	Хонқа	Ун-ёғ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари
10.	Қўшқўпир	Қурилиш материаллари, тўқимачилик ва паррандачилик
11.	Янгиариқ	Тўқимачилик, туризм ва иссиқхона хўжалиги
12.	Янгибозор	Мева-сабзавотни қайта ишлаш ва иссиқхона хўжалиги
13.	Шовот	Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги

1-жадвалга кўра, Урганч шаҳрида тўқимачилик ва туризм, Хива шаҳрида туризми ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Боғот ва Гурлан туманларида тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги, Тупроққалъа туманида электротехника, машинасозлик ва иссиқхона хўжалиги, Урганч туманида қурилиш материаллари ва сутни қайта ишлаш, Хазораспда тўқимачилик ва паррандачилик, Хива туманида қурилиш материаллари ва балиқчилик, Хонқада ун-ёғ маҳсулотлари ва ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Қўшқўпирда қурилиш материаллари, тўқимачилик ва паррандачилик, Янгиариқда тўқимачилик, туризм ва иссиқхона хўжалиги, Янгибозорда мева сабзавотни қайта ишлаш ва иссиқхона хўжалиги, Шовотда тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги “ўсиш нуқталари” ҳисобланади.

Шунингдек, вилоятнинг деярли кўпчилик ҳудудларига хос бўлган умумий драйверлар тўқимачилик 6 та туман ва шаҳарда (Урганч ш., Боғот, Гурлан, Хазорасп, Қўшқўпир, Янгиариқ, Шовот туманлари), иссиқхона хўжалиги 6 та туманда (Шовот, Янгибозор, Тупроққалъа, Боғот Гурлан, Янгиариқ), қурилиш материаллари 4 та ҳудудда (Хива ш., Урганч, Хива, Қўшқўпир туманлари), паррандачилик 2та ҳудудда (Хазорасп ва Қўшқўпир туманлари), озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш 3 та ҳудудда (Урганч, Хонқа ва Янгибозор туманлари) ижтимоий-иқтисодий ривожланишга аҳолини камбағалликдан чиқариш драйверлари ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган “ўсиш нуқталари” ни вилоятимизнинг туман ва шаҳарларининг МФЙлари кесимида асосан 11 та устувор драйверларга ажратилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвалга кўра, Хоразм вилоятида 246 та МФЙнинг “ўсиш нуқталари” қорамолчилик, 221 та МФЙники паррандачилик, 71 та МФЙда томорқада маҳсулот етиштириш, яъни томорқачилик, 61 тасида кичик ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, 56 тасида ихчам иссиқхоналарни ривожлантириш, 55 тасида ҳунармандчиликни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, 32 тасида асаларичилик, 27 тасида қуёнчилик ва 11 тасида айнан, туризмни, шу жумладан, тарихий-маданий, экологик, археологик, сафари, этнографик, ов, спорт, тиббий, агро, қишлоқ туризми каби турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

2-жадвал

Хоразм вилоятидаги маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари, драйверлари” (Б.Таджиев ишланмаси)

Т/р	Маҳаллалар ўсиш нуқталари	МФЙлар сони	Туман ва шаҳарлар
1.	Қорамолчиликни ривожлантириш	246 та	Барча туманлар
2.	Паррандачиликни ривожлантириш	221 та	Барча туманлар
3.	Асаларичиликни ривожлантириш	32 та	Боғот, Янгибозор, Хазорасп туманлари
4.	Қуёнчиликни ривожлантириш	27 та	Хазорасп, Гурлан, Урганч туманлари
5.	Томорқачилик	71 та	Барча туман ва шаҳарлар
6.	Боғдорчиликни ривожлантириш	40 та	Янгибозор, Боғот, Хива, Урганч туманлари
7.	Ихчам иссиқхоналарни ривожлантириш	56 та	Боғот, Урганч, Шовот, Хива туманлари
8.	Ҳунармандчиликни ривожлантириш	55 та	Хива ш., Хива, Хонқа, Янгиариқ, Хазорасп туманлари
9.	Кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш	63 та	Урганч ш., Хива ш., Урганч, Хазорасп, Боғот туманлари
10.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш	55 та	Барча туман ва шаҳарлар
11.	Туризм хизматларини ривожлантириш	11 та	Хива ш., Хива, Боғот, Шовот, Янгиариқ туманлари

3-жадвал

Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида МФЙлари кесимида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ташкил қилиш учун маҳаллабай кесимда ўтказилган хатловнинг умумий йўғма натижалари (Б.Таджиев ишланмаси)

№	Хизмат тури номи	Меъёр	Вилоят бўйича аҳолиси 01.01.2020 йил (1 866 729 киши)		
			Талаб	Мавжуд	Фарқи
1	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўкони	1000	1867	4217	2350
2	Дорихона	1500	1244	559	-686
3	Коммунал хизматлар (электр, газ ва ичимлик суви билан тامينлаш)	5000	373	63	-310
4	Тикувчилик ательеси	3000	622	663	41
5	Саргарошхона	2000	933	665	-268
6	Расмга тушириш ва ишлаш хизмати	4000	467	189	-278
7	Пойафзал таъмирлаш устахонаси	2000	933	292	-642
8	Соатсозлик устахонаси	10000	187	61	-125
9	Телевизор ва радиоларни тузатиш устахонаси	3000	622	169	-453
10	Тўй ва ҳашамларга буюмларни ижарага бериш хизматлари, тўйхоналар	10000	187	268	81
11	Нусха кўчириш (ксерокопия) хизмати	1000	1867	733	-1133
12	Соғлиқни сақлаш хизмати	7000	267	243	-24
13	Транспорт хизмати	6000	311	256	-55
14	Кимёвий тозалаш хизмати	8000	233	27	-206
15	Ветеринария хизмати	3000	622	114	-508
16	Ҳаммом	3000	622	59	-563

17	Келинлик либосларини ижарага бериш хизмати	5000	373	270	-103
18	Пуллик жамоат хожатхонаси	5000	373	31	-342
19	Хорижий тил ўргатиш маркази	8000	233	76	-157
20	Сунъий қопламали футбол ва бошқа спорт майдончалари	5000	373	157	-216
21	Автотураргоҳ	10000	187	41	-145
22	Қурилиш материаллари сотиш дўкони	5000	373	405	32
23	Қурилиш хизматлари кўрсатадиган сервис компаниялари	10000	187	81	-105
24	Минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материалларини сотиш шаҳобчаси	10000	187	193	7
25	Автомобилларни ва қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш хизмати	1500	1244	648	-597
26	Пайнет ва интернет хизмати	5000	373	531	158
27	Нотариус хизмати	15000	124	43	-81
28	Суғурта ва банк хизмати	20000	93	107	14
29	Спорт ва соғломлаштириш маркази	15000	124	77	-47
30	Маданий хордиқ чиқариш жойлари (театр, концерт заллари ва парклар)	20000	93	57	-36
31	Таълим ва мусиқа мактаблари	15000	124	361	237
32	Мебелларни таъмирлаш хизмати	10000	187	227	41
33	Мехмонхона хизмати	30000	62	109	47
34	Кўчар ва кўчмас мулкларни баҳолаш хизмати	40000	47	20	-27
35	Бухгалтерия хизмати	10000	187	44	-142
36	Реклама хизмати	15000	124	31	-93
37	Болалар боғчаси хизмати	3000	622	463	-159
38	Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	5000	373	717	344
39	Санатория хизмати	80000	23	5	-19
40	Супермаркет	150000	12	38	26
41	Хайвонот боғи	150000	12	1	-11
42	Туманлараро ва вилоятлараро жамоат транспорти хизмати	15000	124	57	-68
43	Туризм хизмати	30000	62	22	-40
44	Маиший техникаларни (совутгич, компьютер, электр жихозлари ва ҳ.к.) таъмирлаш хизмати	5000	373	199	-174
45	Ёшлар учун турли хил замонавий ва маънавий билимларни бериш марказлари	10000	187	47	-140
46	Лизинг хизматлари	35000	53	6	-47
47	Аудиторлик хизматлари	20000	93	7	-86
48	Буюртмалар асосида хизмат кўрсатиш (махсулотларни етказиб бериш, чипта буюртириш, мехмонхона банд қилиш, транспорт чақиртириш ва ҳ.к.)	25000	75	220	145
	ЖАМИ:		18441	13875	-4566

Биз ўтказган тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларида, айниқса, Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида МФЙлари кесимида аҳоли турмуш фаровонлигини ва меҳнатда бандлогини ошириш. аҳолини камбаалликдан чиқариш учун даромад манбаиларни топиш ва асослаб бериш мақсадида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ташкил қилиш учун маҳаллабай кесимда хатловларни ўтказиб қуйидаги натижаларга эга бўлдик (3-жадвалга қаранг).

3-жадвалга кўра, биз ҳар бир МФЙ, қишлоқ жойларида аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган минимал меъёрлар бўйича бўлиши керак бўлган ноаграр йўналишдаги хизматларни ташкил қилиш бўйича 48 та йўналишда фаолият турлари, ҳудудда бўлиши керак бўлган назарий жиҳатдан меъёр бўйича хизмат тури объекти ҳамда амалда мавжуд хизмат кўрсатувчи объектлар сони ҳамда ташкил қилиниши зарур бўлган хизмат кўрсатувчи объектлар сони ҳисобланди.

3-жадвалдан кўринадики, Хоразм вилояти қишлоқ жойларида бугунги кунда **686 та** дорихона, **310 та** коммунал хизмат кўрсатиш шохобчаси, **268 та** сартарошхона, **278 та** фотостудия, **642 та** пойафзал устахонаси, **125 та** соатсозлик, **43 та** телерадиоускуналар устахонаси, **1133 та** нусха кўчириш шохобчалари, **24 та** соғлиқни сақлаш хизмати, **55 та** транспорт хизмати кўрсатувчи корхона, **206 та** кимёвий тозалаш хизмати, **508 та** ветеренария, **563 та** ҳаммом, **103 та** келин либослари ижараси шохобчаси, **342 та** жамоат ҳожатхоналари, **157 та** тил ўргатиш марказлари, **216 та** сунъий қопламали минифутбол майдончалари, **105 та** қурилиш сервис корхоналари, **597 та** автомобил ва қишлоқ хўжалик техникаси таъмирлаш устахоналари, **81 та** нотариус хизмати, **47 та** спорт соғломлаштириш марказлари, **145 та** автотураргоҳлар, **36 та** маданий хордиқ чиқариш

жойлари, **27 та** кўчар ва кўчмас мулкни баҳолаш хизмати, **142 та** бухгалтерлик хизмати шохобчалари, **93 та** реклама, **159 та** МТМлар, **19 та** санатория хизматлари, **40 та** турагентликлар, **174 та** маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари, **140 та** ёшлар учун маънавият масканлари, **47 та** лизинг хизматлари, **86 та** аудиторлик хизматлари кўрсатиш корхоналари ва вилоят МФЙлари бўйича жами 4566 та субъектлар етишмайди.

Агар биз ана шу **4566 та** етишмаётган хизмат турларини қишлоқ жойларида йўлга қўйиб ташкил этадиган бўлсак, ҳар бир корхонада ўртача 1 кишидан бўлса **4566 нафар**, 3 нафардан бўлса қарийб **14 минг нафар**, 5 кишидан банд бўлганда эса **23 мингга** яқин аҳолини банд қилишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу **4566 та** субъектни ишга тушириш учун қанчадан-қанча аҳоли қуриш, ташиш ва бошқа ташкилий ишларда банд бўлади. Ушбу ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларининг ташкил қилинишининг акселерация самараси қарийб 10 баробар юқори бўлиб, 50 минггача кишини, айниқса, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлишига, аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.


Тадқиқотларимизда қишлоқ жойларида КБХТни ресурс таъминоти, таркибий мутаносиблиги, умумий мақсадга йўналтирилганлигига қаратилган қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини таклиф этдик (1-расм).

1-расмдан кўринадики, ушбу ташкилий-иқтисодий механизм 3 та босқичдан иборат бўлиб, биринчи тахлилий босқичда қишлоқ жойларида КБХТни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг жорий ҳолатини таҳлил қилинади. Унда амалдаги КБХТ субъектлари, фан-техника тараққиёти, ходимлар салоҳияти ва уни ошириш йўналишлари, қишлоқ жойларида мавжуд инфратузилма объектлари, юқоридагидек хатлов қилиниб, жорий ҳолати баҳоланади ва зарур ташкил қиладиган объектлар аниқланади.


Кейинги дастурий-мақсадли босқичда қишлоқ жойларида КБХТ ни ривожлантириш стратегияси, самарадорлик мезонлари асосида КБХТ ва йирик корхоналарнинг кооперация, интеграция ёки кластерларининг нисбатан оптимал шакллари танлаб олинади. Шунингдек, ушбу босқичда КБХТ субъектларининг сони, уларнинг кооперация ва интеграциялардаги улуши. КБХТ субъектларининг ихтисослашув даражаси, улардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари аниқланади ҳамда турли хил бирлашма иштирокчиларининг ягона стратегияси шакллантирилади.



1-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Б.Таджиев ишланмаси)



2-расм. Қишлоқ жойларида KBXTни ривожлантириш дастурлари (Б.Таджиев ишланмаси)



3-расм. Қишлоқ жойларида KBXTни стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантириш механизми (Б.Таджиев ишланмаси)

Қишлоқ жойларида KBXTни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг учинчи- амалга ошириш босқичида эса Қишлоқ жойларида KBXTни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини шакллантирилади. Албатта, бунда KBXT фаолиятни тартибга солувчи назорат органлари, давлатнинг ички сиёсатини инобатга олган ҳолда ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда KBXTни қишлоқ жойларида рағбатлантириш сиёсатини амалга оширишади ва самарадорлигини баҳолашади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш учун албатта давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан айнан қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур (2-расм).

Бунинг учун албатта дастурий муҳит бўлиши керак, яъни қишлоқ хўжалиги ёки айнан қишлоқ жойларида саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг тармоқ дастурларида, умумий дастурларини ишлаб чиқишда албатта КБХТ ни ривожлантиришни кўзда тутиш зарур. Шунингдек, КБХТ инфратузилмасини яратиш орқали бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тадбиркорлиги тузилмаларини ривожлантириш мумкин бўлади.

Фикримизча, қишлоқ жойларида айнан қишлоқ тадбиркорлигига муқобил равишда ноаграр тадбиркорликни, КБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади (3-расм).

Ушбу механизмга кўра, дастлаб КБХТ фаолияти учун асос бўлган қишлоқ жойларини соҳани ривожлантиришнинг рақобат устунликларини аниқлаб олиш ва шу асосда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобиллари портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бунда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг ноаграр, истиқболли ва инновацион йўналишларидан бири сифатида агротуризмни, қишлоқ туризмни ривожлантириш стратегияси, айнан қишлоқ жойларида қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мажмуасини ривожлантириш стратегияси, юқорида санаб ўтилган камида 48 та турдаги хизматларни, хусусан, чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш, фермер хўжалигини ривожлантириш, агротехно паркларни ривожлантириш каби соҳавий ва йўналишлар стратегияларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Шундан кейин эса, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобилларини амалга ошириш шарт-шароитлари, жумладан, кадрлар, ҳуқуқий, молиявий, ташкилий ва моддий таъминотлар таҳлил этилади ҳамда қишлоқ жойларида КБХТ тузилмаларининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири стратегик муқобиллари портфелини шакллантирилади. Ушбу портфелдан эса, ташқи муҳит имкониятларидан фойдаланиш, ташқи муҳит хатарларини бартараф қилиш, КБХТ тузилмалари кучли томонларини сақлаш ундан фойдаланиш, КБХТ тузилмаси заиф томонларини бартараф қилиш каби стратегиялар ўрин олади ҳамда кейин қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларининг сифат таҳлили амалга оширилади.

Демак, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидаги тадбирларни изчил амалга ошириш шубҳасиз ҳудудларда қишлоқ жойларида КБХТнинг аграр ва ноаграр турлари ҳамда шаклларини ривожланишига ҳамда аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигининг ошишида етакчи роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармони//lex.uz
2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармони//lex.uz
3. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли Қарори//lex.uz
4. 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила - тадбиркор” Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон Қарори//lex.uz
5. 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли Қарори//lex.uz
6. Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли Қарори//lex.uz
7. Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бошқармаси маълумотлари.

THE METHODS OF AFTERSCHOOL ACTIVITIES*Sh. Abdullaeva, Teacher, Urgench State University, Urgench*

Annotatsiya. Maktabdan keyingi metodika boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun sinfdan tashqari ishlarning ahamiyatini tushuntiradi. Unda sinfdan tashqari ishlarning bir nechta namunalari ko'rsatilgan va o'quvchilarni chet tilini o'rganishga qiziqishlarini oshirish uchun ushbu tadbirlarni maktabda qanday o'tkazilishi bo'yicha juda foydali maslahatlar berilgan.

Kalit so'zlar: usullar, faoliyat, foydali, ta'minlash, o'qitish.

Аннотация. «Методика послешкольной деятельности» объясняет важность внеклассных занятий для учеников начальной школы. В нем показаны некоторые примеры внеклассных занятий и даны очень полезные рекомендации, как проводить эти мероприятия в школе, чтобы заинтересовать учеников изучением иностранного языка.

Ключевые слова: методы, деятельность, полезное, обеспечивать, обучение.

Abstract. “The Methods of Afterschool Activities” explains the importance of extra-curricular activities for pupils of the primary school. It shows some examples of after school activities and gives very useful recommendations how to provide these activities at school to make pupils interested in learning a foreign language.

Key words: Methods, activities, useful, to provide, learning.

English through different activities

Teaching pupils English language pursues a comprehensive implementation of practical, educational and developmental goals. The implementation of the practical goal must ensure the achievement of the other three: educational, overall and developmental, and thus the foreign language will contribute to the formation of a fully developed personality, which is the main task of the secondary school at the present stage of the formation of our society.

In the process of learning, the pupil must learn English as a tool of communication and be able to use it in its oral and written forms. The oral form includes listening - understanding of sounding speech by ear and speaking - expressing one's thoughts in English. Reading implies understanding the printed text - and using the graphical system for expressing thoughts - a letter. Listening, speaking, reading and writing are types of speech activity that must be formed in pupils to communicate in oral and written form.

Extracurricular activities have many advantages like increase in sociability, learning new things and better motivation for school. Below is a presentation of some extracurricular activities involving the use of English. I've discovered that pupils become more and more fond of English if they are involved in various activities. And not only that, but they also improve their pronunciation, vocabulary, communicative skills as well. I have developed a sort of a special programs containing several activities with the following content: two clubs, a general knowledge quiz contest (twice a semester) and a special fun activity which I use to celebrate British or American holidays (Mardi Gras, Valentine's Day, Christmas, Easter). I'll start with the two clubs: one is an English Club –teaching English through games and songs - and a Drama Club - teaching English through plays. It's true, there are English lessons which use songs and games and short role plays but we cannot use them all the time, we have to teach grammar, to have pupils practice it through worksheets, we also have to teach reading and writing. So that's why I came up with the idea of these clubs. They take place once a week after lessons. Why did I think of Drama? Well it's a fun way to learn and practise English on the one hand but on the other hand it allows students to communicate with and understand others in new ways. Students who have participated in Dramatic activities are less likely to have difficulty speaking in public, will be better able to put themselves into others' shoes and relate to them, and will have a more positive, confident self image. Participation in Dramatic activity requires self control and discipline that will serve the student well in all aspects of life. Students in Drama will learn to work together, to cooperate and to find the best way for each member of a group to contribute. How does a Drama lesson “work”? Well, students start with some warm up activities such as “Mirrors” or tongue twisters (great for voice techniques, rhythm, pronunciation). Mirroring is a way of developing concentration skills and it goes on like this: everyone takes a partner. (If there is an odd number, the teacher pairs with someone.) To have your activity well done it is necessary for a teacher to be a **GOOD COACH**. What is it?

Before we discuss what qualities and skill sets that make for a good coach, we need to first acknowledge how very difficult this profession of coaching really is. Coaching is sometimes a thankless, frustrating “no-win” kind of job. It’s an occupation that is most often done in a public fishbowl. In other words, if you coach, then you are in a highly visible position that continually exposes you to the public’s scrutiny and evaluation. It’s one of those professions where the general public regularly weighs in on what kind of a job they think you’re doing whether you want their evaluation or not.

When it comes to judging your job performance, everyone seems to be an expert and have the “qualifications” to criticize you. Fans, parents, students, alumni, the media, and the team’s organization or administration all seem at the ready to offer you either the thumbs up or thumbs down signal. What’s even more frustrating for a coach is that so much of this external judgment comes from individuals who don’t seem to have a clue about you, your players, or what you’re trying to accomplish with the team.

Coaching is also one of those jobs where your professional effectiveness is almost always narrowly measured by something that is very often totally out of your control: winning and losing.

In many ways you can be a bad or ineffective coach, yet because you are lucky enough to have great players on your squad, you win all the time. Because of this external record you are considered in your profession to be a “great” coach. Similarly, you can be a wonderful coach and teacher but because of a lack of player talent, luck, or other circumstances beyond your control such as player injuries, your won-loss record is just mediocre and, as a consequence of this, you’re seen as an ineffective coach.

This is very important for after school activities. If teacher can control the class during the lesson, then controlling pupils in after school activities is quite different.

Step 1: Brainstorm Extracurricular Ideas

What are your interests? Have you always wanted to try out something related to art, but weren’t sure if it would be worth your time, or if it would be viewed favorably by a college admissions team? Keep in mind that colleges don’t really care about *what* kind of activity you are doing - instead, they want to see that **you are doing something that you are passionate about**. So make a list of all of your interests - both things that you are already interested in and other areas that intrigue you and you’d like to learn more about.

Step 2: See Which Extracurriculars Fit Your Interests

Look through the list below and see if any of the activities match your interests. You may see some ways that you hadn’t thought of before to pursue an interest! Keep in mind that there can be a lot of different outlets for each interest you have. For example, if you want to play an instrument, you can take private classes, play in your school’s marching band, play in a community concert band, or work as part of the orchestra for your school’s next musical.

Step 3: Research Different Extracurricular Options

Research to see if these activities are available at your high school or in your community. If there is something you are very passionate about that’s not already offered, consider starting up a group of your own. But if you aren’t sure that the interest will stick and you only want to try it out, it’s probably best to find a different outlet for your curiosity.

Step 4: Join Some Activities

The next step is to **start doing activities!** But how many should you do? If you are a freshman, I would recommend trying out a bunch of different activities--up to ten if there are that many you have an interest in. The idea at this stage is to **sample a variety of extracurriculars**. Once you start to get an idea of which activities are going to really help you develop the interests you are most passionate about, you can dedicate more time to those and drop the others.

Step 5: Narrow Down Your Extracurriculars

If you are a sophomore, junior, or senior, you should hopefully already have an idea of the kinds of activities that you want to focus on. **Make a list of the top five activities that interest you.** If you have the time to try out all five, go for it. This will give you a bit of time to experiment and see what’s most of interest. If you don’t have time, try to narrow down your top five to three activities.

Step 6: Increase Your Impact in a Few Activities

Remember to not spread yourself too thin, especially if you are above freshman year. It’s more important to spend significant time in each activity than it is to have a long list of activities. **Choose activities that will allow you to make a meaningful impact, either in your own development, or in the community.**

Here are some examples of activities that the teacher can use for after curricular activities:

Playing Sight Words with Water

Activity for 7-8-year old pupils

Supplies

- Colored chalks
- Pail of water
- Sponge
- Empty, clean alley/driveway that will absorb water spontaneously

Directions

- If you have found an empty alley but it's not clean, spend some time cleaning it because children might want to use their bare hands on the alley.
- Have your pupil write a sight word on the pavement, alternately you can ask him/her to write spellings taken from his/her text books!

- Instruct him/her to dunk the sponge in a pail of water and melt away the words.
- Later, have them do as directed:





















1. Erase a vowel from the word
2. Erase a particular syllable from the word
3. Erase another letter from the word so that it forms another meaningful word

Furniture in my house.

This activity helps to create critical thinking and organize pupils to arrange furniture in their homes.

For good results of this activity you have to:

1. Make two copies of each handout
2. Cut one copy into pieces
3. Ask pupils to write in the missing letters
4. Ask pupils to arrange pictures in order (by names of rooms)

				
1. S _ F _	2. _ H _ _ F	3. A _ M C _ A _ R	4. M _ _ R O _	5. _ R A _ E _ S
				
6. F _ R E _ L _ C E	7. T _ B L _	8. C O _ K _ _	9. B O _ K C _ S _	10. _ A T _
				
11. W _ R D _ _ B _	12. C _ A _ _	13. F _ _ D _ E	14. _ E _	15. C _ O _ _ _
				
16. D _ S _	17. L _ _ P	18. T _ L E _ _ S I _ N	19. T V S _ A _ D	20. S _ _ K

There is another funny activity nabbed as “So Silly”. This activity helps pupils to understand colors and words.

ACTIVITY

1. As a class, review the following parts of speech:
noun – a word that names a person, place, or thing (*chair, friend, paper*)

verb – an action word (*jumped, pushed, read*)

adjective – a word that describes something or somebody (*little, soft, happy*)

2. Arrange for the students to work in pairs.

3. Distribute Activity Sheets A and B. Have the students color the word balloons according to the directions on the activity sheet (nouns red, verbs blue, adjectives yellow). Help student pairs check their work and discard cards colored incorrectly. Or, if you prefer, provide fresh activity sheets so that students can make corrections.

4. Then have students cut the cards apart on the dashed lines.

5. Explain that most sentences are built according to familiar patterns. The simplest sentences are built with a single noun and a single verb:

Dogs barked.

Children giggled.

Conclusion. I would like to emphasize that conducting extra-curricular activities helps to preserve and develop the motivation for learning the English language, to realize the set goals and objectives of education in a complex. Therefore, it must be organically included in the activity of the teacher of the English language beginning with the first grade.

Finally, there are countless benefits to engaging in extra-curricular activities outside of school. Exploring diverse interests helps students better understand themselves and discover new opportunities in life. They become better equipped to handle unexpected occurrences and develop the skills to be prepared for anything life throws their way. In addition to the myriad of benefits extra-curricular activities offer, they look great on school and job applications. It is a small step towards ensuring our children's success, but one worth taking. In the end, we want our students to be well-rounded individuals, and extra-curricular activities are ideal for accomplishing that.

REFERENCES:

1. National and Kapodistrian University of Athens, Bessie Dendrinou. Bessie Dendrinou. "ELT Methods and Practices. Teaching English to Young Learners". Edition: 1.0. Athens 2015. Available at: <http://opencourses.uoa.gr/courses/ENL4>
2. Cameron, L., 2001, Teaching languages to Young Learners.
3. www.englishmyway.co.uk/topics/131/243
4. British Council, Volunteer Materials, ESOL Nexus, 2015
5. <https://www.ixl.com/ela/grade-26>. Hasanova, D. (2007a).
6. Broadening the boundaries of the expanding circle: English in Uzbekistan. World Englishes, 26(3), 276-290.
7. Hasanova, D. (2007b). Functional allocations of English in post-Soviet Uzbekistan: Pedagogical implications for English language teachers (Doctoral dissertation). VDM Verlag Dr. Müller: Germany.
8. Hasanova, D. (2007c). Teaching and learning English in Uzbekistan. English Today, 23(01), 3-9.
9. (<http://www.englishmyway.co.uk/learning-circles/session-10>).

UO'K 81'25

“DEVONU LUG‘OTIT-TURK”DAGI MONARX TUSHUNCHASI R.DANKOFF TARJIMASIDA

S.Sh. Anvarova, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Maqolada Mahmud Koshg‘ariy qalamiga mansub “Devonu lug‘otit-turk” asarining inglizcha tarjimasida monarx tushunchasining tarjima qilinishi haqida so‘z boradi.

Kalitso‘zlar: urug‘, qabila, qomusiy asar, lahja, amir, хон, podshoh, sulton

Аннотация. В статье рассматривается перевод понятия «монарх» в английском переводе «Девону лугатит-турк» Махмуда Кашгарии.

Ключевые слова: род, племя, энциклопедия, диалект, амир, хан, царь, султан

Abstract. The article deals with the translation of the concept of monarch in the English translation of Mahmud Kashgari's Devonu lug‘atit-turk.

Keywords: clan, tribe, encyclopedia, dialect, amir, khan, king, sultan

Mahmud Koshg‘ariyning tug‘ilgan yili aniq emas. U “Devonu lug‘atit-turk” asarini 1074-yili yozib tugatgan. Mahmud Koshg‘ariy bu asari ustida uzoq yillar ishladi: avval yurtma-yurt kezib material to‘pladi, yuqori Chindan tortib butun Movarounnahr, Farg‘ona va Buxoroga qadar cho‘zilgan keng hududni kezib chiqdi. Bu hududda yashagan urug‘lar, qabilalarning turmush tarzini, kasb korini, turar joylarini aniqladi, tillarini sinchiklab o‘rgandi. Mahmud Koshg‘ariy bu asarini o‘rganish bilan ilk bor turkiyshunoslikka asos soldi.

“Devonu lug‘atit-turk”– qomusiy asar. Bu asardan faqat tilga yoki adabiyotga oid materiallar va dalillarnigina emas, balki Markaziy Osiyoda istiqomat qilgan qabilalar tarixi to‘g‘risidagi manba hamdir. Har bir qabilaning o‘sha davrdagi mavqei, tarixi to‘g‘risida ham yetarli ma’lumotlar beradi. Jumladan, o‘g‘uzlar, qarluqlar kabi yirik qabilalar to‘g‘risida o‘rni-o‘rni bilan aytilgan ma’lumotlar bunga dalildir.

O.Pritsakning aytishicha, Koshg‘ariyning o‘zi Qoraxoniylar sulolasiga mansub bo‘lgan. U siyosiy ta’qiblardan qochib, o‘n yilcha turkiy qavmlar yashaydigan o‘lkalarda u yerdan-bu yerga ko‘chib yurgan. Ana shu davrda u turkiylar haqida ko‘p material to‘plagan. Oxiri Bag‘dodda to‘xtagan. Bu davrda Bag‘dodni Saljuqiylar egallagan edi. Saljuqiylar ham turkiyzabon bo‘lgani uchun Mahmud Koshg‘ariy o‘zi to‘plagan materiallar saljuqiylarda qiziqish uyg‘otishini bilib, “Devonu lug‘atit-turk” asarini yozgan.

Xan suv sinqurdi– “The (emir or) king mustered (jama‘a) his qur (army).”

Xan suv sinqurdi – “(amiryoki) podshoh o‘zining qur (qo‘shinini) yig‘di (jama‘a). R. Dankoff buyerda *xon* so‘zini amir yoki qirol deb tarjima qilgan.

Xan juva‘j qurdi– “The king unfurled (halla, naZara) the royal pavillion.”

“Shoh ochildi (halla, nazara) qirol saroy qurdi”. *Xon* so‘zi bu yerda ham qirol deb tarjima qilingan.

Urdu – o‘rdu– “Residence of a king (qasaba al-malik).” Thus the city of Kasyar is called: ‘*Urdu*kand– ordukand meaning “City of Residence of Kings (balda al-iqamawa- qasaba al-muluk)”.

Urdu – o‘rdu “Qirol qarorgohi (qasaba al-malik)”.

Shunday qilib Koshg‘ar shahri shunday nomlanadi: “*Urdu*kand– o‘rdu kand – podshohlarning qarorgohi, shahri (balda al-iqamawa-qasaba al-muluk)” – degan ma’noni anglatadi. *Malik* so‘zi bu yerda qirol deb tarjima qilingan.

Xan ankar ayatayadi – “The king gave him an honorific title (laqqaba)”。“Podshoh unga faxriy unvon berdi”. *Xon* so‘zi bu yerda *King* – *qirol* deb tarjima qilingan.

Xon va *xoqon* so‘zlarining etimologiya va unga munosabatlarni A.O‘razboyev ishlarida kuzatamiz. Jumladan, *xon*, *podshoh* [1]. Qadimgi turkiy tilda *qag‘an* bo‘lib, eski o‘zbek tilida *xon* shaklini olgan ushbu so‘zning qo‘llanish doirasi hamda ma’nolari ko‘lami ancha kengaygan:

1. Davlat boshqaruvi xonlik bo‘lgan mamlakat hukmdori [2]. Xiva xonlari unvoni rasman va xalq orasida *xon* so‘zi bilan atalganligi tarixiy, badiiy asarlar, shuningdek, xalq og‘zaki ijodi namunalaridan ma’lum. Lekin eski o‘zbek tilining o‘ziga xos uslubga ko‘ra, bu so‘zning monarx tushunchasini ifodalovchi boshqa so‘zlarga nisbatan kam qo‘llanganini kuzatamiz. Shuningdek, asarda Xiva xonlariga nisbatan *xoqon* so‘zi ham qo‘llanilgan.

2. *Xon* so‘zi eski o‘zbek tilida, asosan, ulus (viloyat) boshliqlari ma’nosini ham ifodalaganini e’tiborga olishimiz kerak [3]: Masalan, “Ul mavze‘da Saraxs ulusining *xonlari* kim, biri Odinaqurt va biri Xolnazar otlig‘ erdi va ul ikkovi ondoq muvofiq va barobar erdilar...” (Ogahiy: RD, 257^b).

3. Chingizxon avlodidan bo‘lgan, ko‘chmanchi qabilalar hukmdori [4]: “...Dashti Qipchoq mamolikining *xoni* azimush-shoni, chingiziya xonadonining podshohi rafe‘ul-makoni shavkatu izzatni shonsultoni Temurxon...” (Ogahiy: RD, 255^a);

4. Buxoro davlati hukmdorlari muarrix tarixiy asarlari voqealari bayon qilingan davrda rasman *amir* deb atalsa-da, solnomalarining ayrim o‘rinlarda *xon* so‘zi *amir* bilan sinonim sifatida ishlatilgan hollar ham kuzatiladi: “*Buxoro xoni* hukmig‘a inqiyod yiborgan kishisig‘a e’tiqod qilmasmiz.” (Ogahiy: RD, 297^b)

Xoqon خاقان so‘zi Eski o‘zbek tilida, yuqorida ta’kidlanganidek, asosan, *xon* so‘zining ma’nodoshi sifatida ishlatilgan: “...hazrati a’lo *xoqoni* karam nishon otalig‘ mansabi oliysin marhamat qilib, ashboh va akfositin mumtoz va sarafroz qildi”. (RD, 264^a) Xuddi shu sahifada Munis qalamiga mansub ta’rix keltirigan bo‘lib, unda *xoqon* so‘zi muayyan ma’no – Xitoy imperatori mazmunini ifodalagan [5]:

Sikandardek jahongir aylaboni,

Muti‘I hukmi qil *xoqon*-uqaysar. (RD, 264^a)

*Xoqon*ning ushbu tor ma’nosini “Zubdatu-t-tavorix”da ham kuzatamiz: “Xodimidur janobida *xoqon*,...” (Ogahiy: ZT, 405^a)

“Firdavsul-iqbol”da Xitoy imperatoriga nisbatan ham *xon* atamasi ishlatilgan: “Ollingda Xito xoni-yu Qaysar chokar” (Munis va Ogahiy: FI, 752)

Demakki, *xoqon* so‘zi keng ma’noda “monariya boshlig‘i”, tor ma’noda Xitoy imperatori mazmunlarini anglatadi. Eski o‘zbek tilida *xon* va *xoqon* so‘zlari sinonim sifatida ishlatilsa ham, *xoqonda* *xonga* nisbatan ulug‘lash, ta’zim ma’nolari kuchliligini kuzatamiz. Solnomalarda *xoqon* so‘zining boshqa xonlik xonlariga nisbatan qo‘llanmagani fikrimiz isbotidir. Qadimdan “davlat boshlig‘i” ma’nosidagi ushbu so‘z Turk xoqonligining davlat qurilishiga mos ravishda ayni paytda Oliy bosh qo‘mondon mazmunini ham anglatgan. H.Dadaboev to‘g‘ri ta’kidlanganidek, “harbiy rutba va lavozimlarning eng

cho'qqisida oliy bosh qo'mondon va zifasini bajaruvchi *qag'an*, ya'ni davlat boshlig'i turgan. Aksar vaziyatlarda *qag'an*ning shaxsan o'zi *su* – “lashkar”ga sardorlik qilgan, harbiy yurishlarda faol ishtirok etgan” [6]. Urxun-Enasoy bitiklari orqali Turk xoqonligidagi *qag'an* unvoniga ega bo'lgan ko'plab tarixiy shaxslarning nomi ma'lum. *Xoqon* so'zi somiy so'z bo'lmasa ham, uning arabcha ko'pligi [7] sifatida *xavoqin* خواقين ishlatilgan: “Naetmish xavoqin hasabdaanga” (JVS, 8^a); “Rikobida xavoqin sarafkanda...” (GD, 6^a)

Endi biz obektiv lingvistik mezonlarga asoslanib emas, balki Koshg'ariyning shaxsiy hukmini aks ettiradigan ba'zi bir atamalarni muhokama qilishga kirishamiz; yoki ba'zi bir ijtimoiy tabaqa masalan Qoraxoniylar mahkamasi me'yorini aks ettiruvchilarini. Koshg'ariy turli xil lahjalar muhokamasiga kirish paytida bunday deb yozadi: “Lahjalarning eng yengil (aksafi) og'uznikidir; eng to'g'ri (asahh) yag'mo va yuxsi... Uyg'ur mamlakatigacha; eng oqlangan (afsafy) – bu Xoqon shohlari va ular bilan sherik bo'lganlaridir”.

Mahmud Koshg'ariyning turli lahjalar muhokamasiga kirishganida “eng nafis” lahjani xoqoniy shohlari va ularning sheriklariniki deb ta'kidlaydi. Xudo Taoloning Fursat Quyoshi turklar burjida ko'tarilishiga va Osmon sohalari qatoriga o'z shohligini o'rnatishiga sabab bo'lganini ko'rganimda; U ularni “turk” deb atagan va ularga huquq bergan; ularni asr podshohlariga aylantirgan va qo'llariga vaqtinchalik hokimiyat tizginini bergan; ularni butun insoniyat ustidan tayinlagan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.64.
2. Чориев З. Тарих атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарк, 1999. – Б. 103.
3. Чориев З.Тарих атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарк, 1999.– Б. 103.
4. Чориев З.Тарих атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарк, 1999.асар. – Б. 104.
5. بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rams. www.mehrahgam.com.
6. Дадабоев Х. Кўк турк хоқонлигида ҳарбий қурилиш // Жамият ва бошқарув. – 2000. – №2. – Б. 29.
7. بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rams. www.mehrahgam.com.

UDC 81-13

RUS TILI DARSLARIDA UNIVERSITET TALABALARINING KOMMUNIKATSIYA QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH

M.J. Ashirmatova, Toshkent davlat agrar universiteti, Toshkent

Annotatsiya. *Maqolada universitet talabalarining rus tili darslarida kommunikativqobiliyatini shakllantirish asoslab beradi, tadqiqotning asosi sifatida darslarda bajariladigan mashqlar yondashuvni tavsiflaydi, o'rganilayotgan jarayonning pedagogik tamoyillarini belgilashini ko'rib chiqiladi.*

Kalit so'zlar: *shakllanish, kommunikativ kompetentsiya, pedagogik tamoyil, mashqlarda nazariy va uslubiy asos.*

Аннотация. *В статье обосновывается формирование коммуникативных способностей студентов вузов на уроках русского языка, описывается подход к выполнению упражнений на занятиях как основа исследования, рассматривается определение педагогических принципов изучаемого процесса.*

Ключевые слова: *формирование, коммуникативная компетентность, педагогический принцип, теоретико-методологические основы упражнений.*

Abstract. *The article substantiates the formation of communicative abilities of university students in Russian language classes, describes the approach to the exercises performed in the classroom as the basis of research, and considers the definition of pedagogical principles of the studied process.*

Keywords: *formation, communicative competence, pedagogical principle, theoretical and methodological basis in exercises.*

Qobiliyat - bu talabalarda o'quv predmeti sohasini o'rganish natijasida hosil bo'lgan va vakolatlarga erishish vositasi bo'lib xizmat qiladigan maxsus va umumiy predmetli bilimlar, qobiliyatlar, ko'nikmalar va uslublar hamda qadriyat yo'nalishlari to'plamidir. o'rganishning yakuniy maqsadi sifatida. Rus tilini o'qitish metodikasida kommunikativ kompetensiyaning quyidagi tarkibiy qismlari ajratilgan: 1) lingvistik kompetensiya, 2) sotsiolingvistik kompetensiya, 3) diskursiv kompetensiya, 4) strategik kompetensiya, 5) ijtimoiy-madaniy kompetentsiya 6) ijtimoiy kompetensiya.

Shunday qilib, har ikkala tilning uslublarida turli xil kompetensiyalar bir butunlikning tarkibiy tarkibiy qismlari sifatida qaraladi, faqat farqi shundaki, ular chet tillarini o'qitish metodikasida kommunikativ kompetensiyaning tarkibiy qismlari sifatida berilgan va rus tilini o'qitish. Zamonaviy

ta'lim tizimida barcha darajalarda e'lon qilingan kompetensiya yondashuvi "shaxsning mavjud bo'lgan bilim va ko'nikmalaridan aniq amaliy muammolarni hal qilish uchun foydalanish qobiliyatini shakllantirish" bilan tavsiflanadi. Bundan tashqari, ko'plab mutaxassislarning fikriga ko'ra, kommunikativ kompetensiyani shakllantirish o'quvchilar uchun bilim va nutq faoliyatini o'zlashtirish va o'z nutqini takomillashtirish zarurligini anglashning eng muhim shartidir.

In "Muhokamat-ul-lug'atayn" Alisher Navoi skillfully demonstrated the superiority of the native language, its role in the development of literature, art, science and culture, comparing the Uzbek language with the Persian language. He believed that it was necessary to communicate with the people in the language of the people, to know the native language is the work of the people, society and the state, and tried to do it with all his knowledge and strength. When comparing the two languages, Uzbek and Persian (Tajik), Navoi does not underestimate or deny the importance of one, nor does he exaggerate the importance of the other, nor does he allow any exaggeration in this area. takes care of itself. Based on the rich material, it proves the equality and beauty of the Uzbek language with the Persian language, and in some cases, the superiority of these aspects. Thus, Navoi did not underestimate the value and importance of the Persian language. The great writer rose to a higher level in the use of the Persian language, and in this regard, there were few people who could compete with Navoi. It is clear from his works under the pseudonym "Foniy". The language of Navoi's works is a great example of the Uzbek literary language of the XV century and is a great source and wealth in the study of the history of language. Mir Alisher Navoi is a great figure who not only scientifically and theoretically substantiated the magical power of the native language, the interlinguistic law, but also set a high example of creativity in the native language. One of the first examples of this is the famous "Khamsa". This rare work of world value is the flower of Uzbek literature. In the words of Babur, Hazrat Navoi, who amazed the world with his work to the endless and deep ocean, is a great figure in the history of mankind. He is recognized as his master. From time to time he still pays homage to the sultan of the realm of words. I ask Allah to help me.

What worries hand poets-
If you ask, our sultan today.
To Navoi, love is in the heart,
We will never be disappointed.

REFERENCES:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur "BOBURNOMA", Tashkent-1960, p. 233
2. Bertels E. E., Vaxidov R. Translations of Majolisun nafois./Bertels E.E. - Tashkent: Fan, 1984.
3. Mamadzhonov, T. World Recognition of the Great Poet and Thinker [Text] / T. Mamadzhonov // "Namanganskaya Pravda", - №.123. - 2011.

**XORAZM SHEVALARI ONOMASTIK TIZIMIDA FORSIY QATLAMGA XOS
TOPONIMLARNING QO'LLANISHI**

Sh.Q. Madiyurov, talaba, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xorazm shevalari leksikasida mavjud atoqli otlar tizimi haqida fikr yuritiladi. Xususan, forsiy qatlamga xos onomastik birliklar, ularning semantik qirralari borasida ilmiy mulohazalarga keng o'rin beriladi.

Kalit so'zlar: onomastika, antroponim, toponim, oykonim, gidronim, dialektal leksika, xalq shevalari

Аннотация. В статье рассматривается система имен собственных в лексике хорезмских диалектов. В частности, существует широкий круг научных соображений об ономастических единицах персидского слоя и их семантических аспектах.

Ключевые слова: ономастика, антропоним, топоним, ойконим, гидроним, диалектная лексика, народные диалекты..

Abstract. This article discusses the system of proper nouns in the lexicon of Khorezm dialects. In particular, there is a wide range of scientific considerations on the onomastic units of the Persian stratum and their semantic aspects.

Keywords: onomastics, anthroponym, toponym, oyconim, hydronym, dialectal lexicon, folk dialects

Xalq shevalari tilini, xususan, folklor asarlari leksikasini joy nomlarisiz tasavvur qilib ham, voqealar rivojini tinglovchi yoki o'quvchiga yetkazib ham, qolaversa, dostonda ro'y beradigan hodisalarni butunlikda tasvir etib ham bo'lmaydi.

Toponimlar lingvistik sathda bo'lsin, badiiy matnlar tasvirida bo'lsin, kundalik hayotimizda bo'lsin, ana shunday muhim lisoniy birliklardan sanaladi. Xorazm dostonlari leksikadan o'rin olgan joy nomlari o'zining xarakteri va ularga yuklangan vazifaga ko'ra rang-barang va xilma xildir.

Joy nomlari muayyan regiondagi etnografik, tarixiy-lingvistik jarayonlarni o'zida aks ettirib turuvchi, tilning boshqa sathlariga nisbatan ancha konservativ xarakterdagi birliklardan hisoblanadi. Bu tipdagi onomastik birliklarning o'zlashgan qatlamga xos bo'lishi uchun ma'lum ijtimoiy-tarixiy jarayonlar sodir bo'lishi lozim. Bu holatning o'ziga xos sabablari mavjud.

Birinchidan, o'zga til birliklari, dastavval, leksik sathga o'zlashadi. Mazkur hodisa bilan o'zlashgan leksik birlik muayyan davr amalda qo'llanilib kelinadi va hatto, mahallaiy xalqning o'z so'zidek ishlatiladigan bo'lib qoladi. Ikkinchidan, Buni hatto ko'pchilik mutaxassis bo'lmagan kishilar o'zga til elementi ekanligini payqamaydigan darajaga keladi. Anan shu jarayonlarni bosib o'tgan o'zlashma qatlam birligi shundan keyingina onomastik qatlamga kirib keladi. Mazkur jarayon toponimik tizimda anchayin qat'iy amal qiladi.

Shu o'rinda yana bir lingvistik fakti e'tiborga olish lozim deb o'ylaymiz. Xorazm dostonlari tilidagi, umuman, o'zbek toponimikasidagi onomastik birliklar tarkibida forsiy tillarga mansub **-iston (-ston)** topoformanti anchayin faol birliklardan hisoblanadi. Dostonlarimiz tilida uchraydigan *Gardiston, Arabiston, Gurjiston, Afg'oniston, Seyiston, Dog'iston, Farangiston, Zobiliston, Ko'histon, Hinduston* va boshqa ko'plagan toponimik birliklarni hosil qilishda ishtirok qilgan.

Mazkur **-iston (-ston)** birligining yana bir jihati borki, u ayrim dostonlarda kishi nomlari tarkibida ham kuzatiladi. "Shahriyor" dostonida Guliston pari antroponimi tarkibida: "...*ondin so'ng podsho Ajdargirning qizi Guliston parini yetti kecha-kunduz to'y-tomosha qilib oldi...*(40-bet).

"Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi "Avazxon" dostonidagi *Bo'ston* ismli shaxs nomi keltirilgan. Mazkur nom o'zining shakli va xarakteriga ko'ra joy nomi sifatida qo'llanishga xoslangan, ammo ushbu o'rinda kishi nomi sifatida ishlatilganini kuzatamiz: *...quloq solib qarasa, quduqdan ovoz chiqib, shu so'zlar eshitilib turibdi:*

...Yoxti jahon manga zindon,
Baxtim qaro, otim **Bo'ston**,
Yer yuzinda Go'ro'g'li sulton,
Ikki devning dod alinnan... (429-bet).

Xorazm dostonlaridagi ayrim joy nomlari tarkibida **-iston (-ston)** toponimik formanti ortiqcha tarzda (pleonazm hodisasi) qo'llanilganini ham ko'rishimiz mumkin. Masalan, **Rumiston, Chingiston, Iroqiston** kabilarni shular jumlasiga kiritish mumkin. Mazkur joy nomlari aslida *Rum, Chin* va *Iroq* shakllarida qo'llanilganligi ma'lum holat hisoblanadi. Ular tarkibiga qo'shilgan **-iston (-ston)** formanti

doston ijrochisining tasvir uslubiga mos tarzda muayyan tasvir usullarini yuzaga keltirish uchun xizmat qiladi. Misollarga murojaat qilamiz:

1. "...Go'ro'g'li olama doston,
Savashda G'ivotim maston,
Qo'r qar arab-u **Rumiston**,
Chamlibel ellarim bordur" [2.52];

2. "...Otig'a Malik Qaytus der erdilar. O'zi kofir badmazhab erdi. To'rt shahar aning farmonida erdi. Turkiston, **Iroqiston**, Zulumat, Hirot tobelari erdi..." [3.263] va boshqalal.

Yuqoridagi forsiy tillarga mansub topoformantning uslubiy maqsadlarga yo'naltirilgan o'rinlardan yana biri izofaviy birlik tarzida shakllangan "shahri **Shabiston**" (Shabiston shahri ma'nosidagi) toponim tarkibida kuzatiladi. *Shabiston* toponimi "Gul va Sanobar" dostonida nomlanayotgan obyektning mavhumligini, joy nomining yashrinbo'lishini ta'minlash maqsadida qo'llanilganini sezish qiyin emas. Misolga yuzlanamiz:

...Aslim parizoddur, yo'qdur nishonim,
Oshkor aylasam sirri nihonim,
Uch yuz yillik yo'ldur maning makonim,
Bilsang **shahri Shabistondan** bo'lurman... ("Oshiqnoma", 3-kitob, 232-bet).

Mazkur parchadagi ajratib ko'rsatilgan joy nomi forsiy izofaviy birikma shaklida qo'llanishining ham muayyan uslubiy maqsadi mavjud. Bu o'rinda "sh" tovushining uyg'unlashuvi alliteratsiya hodisasini yuzaga keltiradi va bir vaqtning o'zida matnning jarangdorligi hamda ta'sirchanligini oshiradi.

Xorazm dostonlarida ushbu nomning semantik ma'nodoshi sifatida qarash mumkin bo'lgan arabiy tillarga aloqador **Zulumot** shahri tarzidagi toponim ham "Malikayi Zavriyo" dostonida uchraydi (263-bet). Har ikki nomning ham semantikasidagi asosiy mazmun *zulmat*, *qorong'ilik*, *tun*, *yashrinlik* semalari bo'rtib turibdiki, bunday tasvir usuli folklor asarlarida ancha faolligini e'tirof etish lozim.

Xorazm dostonlari tilida forsiy qatlamga oid onomastik birliklar orasida alohida toifalarga mansub nomlarni ham uchratamiz. Hajm jihatidan katta bo'lmagan miqdorni tashkil etuvchi bunday nomlar, ko'pincha, noreal nutq sharoiti va tasvir usuli uchun o'ylab topilgan situativ nomlar hisoblanadi. Ularning ayrimlari toponimik xarakterga ega bo'lsa, boshqa birlari antroponimik xususiyatlarni aks ettiruvchi afsonaviy obrazlarning nomlari bo'lib chiqadi.

Shunday nomlar sifatida joy ma'nosini ifodalashga yo'naltirilgan forsiy tillarga mansub *zar* komponenti ishtirok qiladigan **Zarrin** (oykonim, qal'a nomi), **Zarchaman** (oykonim, bog' nomi), **Zarchashma** (gidronim, buloq nomi) kabilarni keltirish mumkin. Zikr qilinayotgan nomlar tarkibidagi *zar* komponenti lug'atlarda fors tilidagi *zar* – *oltin* ma'nosidagi so'z ekanligi haqida keltirib o'tilgan [4.132], [5.102]. Eroniy tillarga aloqador *zar* leksemasining qo'shimcha ma'no qirralari sifatida *sariq*, *oltin rang* kabilarni keltirish mumkin.

Dostonlarimiz leksikasidagi mazkur komponent ishtirokida hosil bo'lgan nomlarning asosida ham o'sha ma'nolarga aloqador qirralari aks etganligini sezish mumkin. "Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi dostonlaridan olingan parchalarga e'tibor qilamiz: "...G'irko'k bir soat ichida shuvillab Chambilga yetib, Go'ro'g'li chorbog'ining yuqorisidagi **Zarchamanga** kelib yerga tushib, yer bilan yo'rg'alab kela berdi..." [1.156]. Yoki:

"Shahriyor" dostonidan o'rin olgan **Zarrin** bir vaqtning o'zida *qal'a*, *shahar* nomi sifatida qo'llaniladi. Masalan, "...Shahriyor **Zarrin shahrining darvozasig'a yetishdi...**" (384-bet), yoki "...bir dev bor, otig'a Osordev derlar, oning ustig'a mindirib yuborurman, ul sani **qal'ayi Zarring'a** olib borsun..." (382-bet).

Umuman olganda, bu tipdagi nomlarning semantikasida *hashamat*, *oltin rang jilolanish*, *boylik* kabi ma'no qirralari aniq va ravshan ko'rinib turadi.

Forsiy qatlamga oid shunday onomastik birliklar mavjudki, ularning nomidan o'zining qanday xarakter xususiyat mavjud ekanligi ma'lum bo'lib turadi. Ya'ni nomning apellayativ ma'nosi uning o'zida to'liq mujassam bo'ladi. Shunday nomlardan biri **Darband** nomi hisoblanadi.

Mazkur nom dunyoning geografik xaritasida mavjud bo'lib, Eron, Ozarbayjon, Dog'iston kabi o'lkalarda uchraydi. O'zbekiston, xususan, Xorazm viloyatining ham toponimiyasidan mazkur shakldagi nom o'rin olgan. Mazkur nom ikki qismdan iborat bo'lib, forsiy tillardagi *dar* – "eshik", *band* – "yopiq, mahkam qilingan" kabi ma'nolaridagi leksemalar asosida shakllangan. Ya'ni "yaxshi qo'riqlanadigan, himoyalangan joy" ma'nolari nomning semantik tarkibida dominantlik qiladi. Xorazm viloyatining Qo'shko'pir tumanida shu nom asosida shakllangan **Oqdarband** qishlog'i mavjud bo'lib, ushbu nomda ham yuqorida keltirilgan semalar o'z yetakchiligini saqlab qolgan. "Bozirgon" dostonidan olingan quyidagi parchada **Darband** nomining qo'llanilganini koramiz:

...Sardor bo'lib yo'l boshladim,
Darbanddan ilg'or toshladim,
 Mindim arab ot ushladim,
 Surdim armonim qolmadi...(357-bet).

Xorazm dostonlarida uchraydigan forsiy qatlamga oid onomastik birliklar, xususan, toponimlar xuddi ana shu bosqichlarni bosib o'tgan birliklardan iborat desak, xato bo'lmaydi. Muayyan hududiy arealni nomlab keladigan joy nomlari dostonlarda ro'y beradigan voqea hodisalarga real hayotiy tus berish uchun xizmat qilibgina qolmay, kezi kelganda bunday nomlarga uslubiy, ekzotik ma'nolarni ifodalash vazifasi ham yuklatilishi mumkin. Masalan, **Gardiston**, **Gulsutun** kabi joy nomlarida ana shu xususiyat yetakchilik qiladi. "Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi dostonlardan olingan quyidagi parchalarda ana shu toponimik birliklar ishlatiladi:

...G'irko'k bilan **Gardistonning** nargi yog'idagi tog'ning oshuviga, ya'ni u arabning bergi chetiga borib tushib, shu yerda tonggacha otini o'tga qo'yib yotdi.. [1.366]; yoki:

...Bu qal'a otina **Gulsutun** derlar,
 Sochinglar ko'shkina mushki anbarlar.. [3.275].

Birinchi parchada qo'llanilgan forsiy tillarga aloqador **Gardiston** nomi "changli hudud", "to'fonlar makoni" kabi toponimik ma'noni ifodalash uchun xizmat qilmoqda. Ikkinchi misoldagi **Gulsutun** onomastik birligi bino nomi (oykonim) sifatida uslubiy tasviriy funksiyalarni ifodalash uchun qo'llanilmoqda. Bu yerda qal'aning "juda chiroyli", "ustunlari gulli naqshlar bilan bezatilgan" kabi ekzotik-tasviriy vazifalarni ifodalashga yo'naltirilgan.

Dostonlarimiz tilidan o'rin oilgan forsiy qatlamga xos onomastik birliklardan yana biri **Dilkusho** o'ykonimidir. Ushbu nom **ko'shk nomi** sifatida "Roiy chin" dostonida qo'llanilgan. "...Otam mango bog'i meydon tarafda ko'shki **Dilkusho** bino qilsun. Man anda qirq kanizim birla ko'shk ustinda o'tiriurman, viloyatg'a jar qildursun..." (149-bet).

Umumlashtirib aytish mumkinki, Xorazm dostonlarida turli xildagi ma'noviy guruhlariga mansub bo'lgan nomlarni forsiy qatlamga xos onomastik birliklar orasida ham ko'plab uchratamiz. Ularning lisoniy jihatlarini aniqlash tilshunosligimizning nomshunoslik sohasi rivojiga muhim hissa qo'shishiga shubha yo'q.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Go'ro'gli. Nashrga tayyorlovchilar: To'ra Mirzo va Zubayda Husainova. Aytuvchi Rahmatulla shoir Yusuf o'g'li. –Toshkent: Sharq nashriyoti, 2006.
2. Olloyorov Q., Madiyorova V. Xorazm xalq dostonlaridagi atoqli otlar lug'ati. –Toshkent: Adabiyot uchqunlari. 2017.
3. Ошиқнома. 1-китоб. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев., Г.О.Эшжонов., С.С.Рўзимбоев., А.Аҳмедов. –Урганч: Хоразм нашриёти, 2006.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати.3-жилд. –Тошкент: Университет, 2009.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрир остида. www.ziyouz.com. "3" ҳарфи

UO'K 81

ONA TILI VA CHET TILLARNING TIPOLOGIYASI HAQIDA

I.Z. Narziyeva, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotasiya. Maqolada ona tili va chet tillarning tipologiyasi va uning turlari haqida gapirilgan. Til, odamlarning eng muhim va ajablanarli darajada mukammal vositasi, fikr almashish vositasi, bu xilma-xil va murakkab vazifalarni bajara oladi, chunki bu juda moslashuvchan va shu bilan birga mukammal uyushgan tizimdir. Har qanday tizim singari til ham ikki tomonga ega. Xususiyatlarning asosiy, muhim xarakteristikasini guruhlash va bir qator tillarda kuzatilgan umumiy qonunlarni keltirib chiqarish tilshunoslikning maxsus bo'limi - lingvistik tipologiya shug'ullanadi, bu tillar turlari va lingvistik tuzilish turlarini o'rganish sifatida ham belgilanishi mumkin.

Kalit so'zlar: ona tili va chet tillarning tipologiyasi, fikr almashish vositasi, tilshunoslikning maxsus bo'limi, lingvistik tipologiya, umumiy tipologiya.

Аннотация. В статье рассматривается типология родного и иностранного языков и ее типы. Язык - самый важный и удивительно совершенный инструмент для людей, средство обмена идеями, он может выполнять эти разнообразные и сложные задачи, потому что это очень гибкая и в то же время прекрасно организованная система. Как и у любой системы, у языка есть две стороны. Специальная ветвь лингвистики, лингвистическая типология, занимается группированием основных, важных характеристик и выводом общих закономерностей,

наблюдаемых в ряде языков, которые также можно определить как изучение типов языков и типов языковых структур.

Ключевые слова: типология родного и иностранного языков, средства общения, специальный раздел языкознания, лингвистическая типология, общая типология.

Abstract. The article deals with the typology of native and foreign languages and its types. Language is the most important and amazingly perfect tool for people, a means of exchange of ideas, it can perform these diverse and complex tasks because it is a very flexible and at the same time perfectly organized system. Like any system, language has two sides. A special branch of linguistics, linguistic typology, is concerned with grouping basic, important characteristics and deducing general patterns observed in a number of languages, which can also be defined as the study of language types and types of language structures.

Key words: typology of native and foreign languages, means of communication, special section of linguistics, linguistic typology, general typology.

Til, odamlarning eng muhim va ajablanarli darajada mukammal vositasi, fikr almashish vositasi, bu xilma-xil va murakkab vazifalarni bajara oladi, chunki bu juda moslashuvchan va shu bilan birga mukammal uyushgan tizimdir. Har qanday tizim singari til ham ikki tomonga ega. U bir tomondan elementlardan - fonemalar, morfemalar, moddiy moddaga kiyingan so'zlardan - tovushlardan iborat bo'lsa, boshqa tomondan u tuzilishga ega. Tilning tuzilishini uning ichki tashkiliyligi, son-sanoqsiz elementlarning o'zaro munosabatlari va aloqalari sxemasi, yuqorida nomlangan va aloqa akti shaklida ishlashini ta'minlash tushunilishi kerak.

Alohida tillarni hisobga olsak, bir tomondan shunga o'xshash xususiyatlar bir qator tillarda mavjudligini osongina ko'rishimiz mumkin. Masalan, rus, polyak, bolgar tillarida biz umumiy ildizning ko'plab so'zlarini topamiz. Ushbu hodisa ularning bir xil genetik guruhiga - slavyan tiliga mansubligi bilan izohlanadi. Shu bilan birga, biz rus tilida oltita holatda rasmiylashtirilgan turlanish tizimi mavjudligini va bolgar tilida turlanish tizimi mavjud emasligini ko'ramiz. Binobarin, o'ning tuzilishi nuqtai nazaridan har ikkala til bir-biridan keskin farq qiladi.

Yer sharida juda ko'p tillar mavjud va ularning har biri boshqa tillar bilan bir qatorda ba'zi xususiyatlarga ega va biz faqat alohida tilda topadigan xususiyatlarga ega.

Agar biz o'zimizga ma'lum miqdordagi tillarning tuzilishining barcha umumiy xususiyatlarini yoki xarakteristikalarini aniqlash vazifasini qo'ygan bo'lsak, unda biz ushbu tillar guruhini ushbu xususiyatlar mavjud bo'lmaydigan ba'zi boshqa tillar guruhidan ajratib turadigan xususiyatlar yig'indisini olamiz.

Umumiy tuzilish xususiyatlari genetik aloqasi bo'lmagan turli xil tillarda uchraydi. Shunday qilib, sifatdash ot bilan hech qanday kelishuvsiz kelganda aniqlovchi ibora ingliz, turkiy, mo'g'ul tillarida, yapon va xitoy tillarida uchraydi.

Ushbu tuzilish xususiyatiga ko'ra, so'zlarning moddiy tarkibidan qat'i nazar, yuqorida sanab o'tilgan tillar umumiy tuzilish xarakteristikasi bilan bir guruhga birlashtirilishi mumkin (A + N tuzilishi bilan aniqlovchili so'z birikmasiga ega bo'lgan tillar), bu erda sifat kelishik usuli bilan ot bilan bog'lanadi.

Xususiyatlarning asosiy, muhim xarakteristikasini guruhlash va bir qator tillarda kuzatilgan umumiy qonunlarni keltirib chiqarish tilshunoslikning maxsus bo'limi - lingvistik tipologiya shug'ullanadi, bu tillar turlari va lingvistik tuzilish turlarini o'rganish sifatida ham belgilanishi mumkin.

Lingvistik tipologiya (yun typos — nusxa, andoza, shakl, iz va logos — so'z, ta'limot) — tillar o'rtasida genetik munosabatlardan qat'i nazar, ularning tuzilmaviy va funksional xususiyatlarini qiyosiy o'rganuvchi tilshunoslik sohasi. Ilmiy jihatdan Lingvistik tipologiya tillardagi farqli va o'xshash alomatlarini guruhlarga, andozalarga va tiplarga ajratish yo'li bilan tatbiq etish metodi hisoblanadi. Vazifasiga ko'ra, funksional (ijtimoiy tilshunoslik) va sturuktural (tilning ichki qurilishi va tarkibi) tipologiya farqlanadi. Tillarning morfologik (tipologik) tasnifi amorf (affikslari bulmagan), agglyutinativ, flektiv, polisintetik tillarni ularning grammatik shakli (tipi) asosida farqlaydi. Lingvistik tipologiya esa bu tillar guruhlaridagi alomatlarini kategoriyalar yoki turli tuzilmaviy belgilarning leksik-semanik, fonologik, grammatik va stilistik satxlardagi ifodalanishi sifatida tadqiq etadi va, binobarin, tilning har bir sathiga xos tipologiya farqlanadi. Til tiplarining rivojlanishi va qad. tillarni rekonstruksiya qilish tarixiy tipologiyaning vazifasidir. Bu tipologiyaning ichida (ba'zan unga ma'nodosh qo'llanuvchi) diaxronik tipologiya tillardagi tuzilmaviy o'zgarishlarni o'rganadi. Tillarning hozirgi holatini qiyoslash sinxronik tipologiya ga tegishlidir. Lingvistik tipologiya keng miqyosda tillar universalialari bilan bog'lanadi.

Lingvistik tipologiya tillardagi xususiyatlarning sturuktural qonuniyatlarini topishga intilsa, til universalialari bu alomatlar jahondagi qaysi tillarda qanday tarqalganini o'rganadi.

Alisher Navoiyning "Muhokamat ul lug'atayn" asari Lingvistik tipologiyaga tegishli bo'lib, unda genetik jihatdan bir-biridan farqlanuvchi tillardagi semantika, qisman fonetika qiyoslangan. Hozirgi davrda ikki yoki undan ortiq tillarni o'rganuvchi qiyosiy yoki cho-g'ishtirma tilshunoslik ham Lingvistik tipologiya ga asoslangan.

Shuni ta'kidlash kerakki, lingvistik tipologiya tillarning tuzilishidagi o'xshashlik va farqlarning individual, alohida holatlarini tekshirmaydi, faqat umumiy xarakterga ega bo'lganlar, ya'ni bir hil xususiyatlarning keng doirasini qamrab oladi.

Tipologik taqqoslash guruhlangan tillarning barcha ajralib turadigan tizimlarini qamrab olishi va ulardan nimani ajratib turishini va ularni birlashtirganini aniqlashi kerak. Bular, bir tomondan, tegishli leksik va grammatik birliklar tomonidan etkaziladigan tushunchalar, boshqa tomondan, ikkinchisining o'zlarining xilma-xilligi bilan o'zlari bo'ladi.

Tilshunoslik tipologiyasi yechishga mo'ljallangan maqsadlar va vazifalarga ko'ra, shuningdek ushbu fan o'rgangan ob'ektga qarab tipologiya shartli ravishda *umumiy tipologiya va xususiy tipologiyaga* bo'linadi.

Umumiy tipologiya, dunyoning alohida tillari tizimlarini tavsiflovchi o'xshash va turli xil xususiyatlar yig'indisini aniqlash bilan bog'liq umumiy muammolarni o'rganish bilan shug'ullanadi.

Xususiy tipologiya cheklangan xarakterdagi muammolarni ko'rib chiqadi. Bu bitta tilning yoki cheklangan tillar guruhining tipologik xususiyatlarini o'rganish bo'lishi mumkin. Bundan tashqari, slavyan va german tillari kabi faqat genetik jihatdan bog'liq bo'lgan tillarni o'rganish bilan shug'ullanadigan qiyosiy tarixiy tilshunoslikdan farqli o'laroq, tipologiya ham umumiy, ham xususiy tillar nafaqat, balki juda ko'p qarindosh tillarning, balki o'zaro bog'liq bo'lmagan tillarning tipologik xususiyatlari va xarakteriskalarini o'rganish bilan shug'ullanadi.

Bunday holda, tadqiqotning boshlang'ich nuqtasi qarindosh tillarni o'rganishda bo'lgani kabi oddiy moddiy shakl emas, balki o'zaro bog'liq bo'lmagan tillarda umumiy morfemalarning umumiy semantikasi yoki funksiyalari hisoblanadi. Demak, tipologik tadqiqot ob'ekti sifatida falon tillardagi shaxs olmoshlari tizimini yoki bajaruvchi nomlarini hosil qiluvchi qo'shimchali morfemalar tizimini va boshqalarni tasavvur qilish mumkin.

O'rganilayotgan aniqroq, konkret vazifalar va o'rganilayotgan ob'ektlariga ko'ra, xususiy tipologiya tarixiy yoki diaxronik tipologiyani o'z ichiga oladi, uning oldida alohida tillar davlatlari tipologiyasidagi tarixiy o'zgarishlarni o'rganish, alohida tillar va tillar guruhlari tuzilishi tipologiyasini o'rganish vazifasi turadi; Masalan, tillarni almashtirish sintetik tip - analitikgacha yoki til tarixining qadimgi, o'rta yoki yangi davridagi nutqning ma'lum qismini xarakterlovchi grammatik kategoriyalar tarkibidagi o'zgarish.

Tipologik tadqiqotlar ham alohida quyi tizimlar, ham tillarning individual darajalari sohasida, masalan, fonologik tizimlar sohasida, morfologik tizimlar sohasida, umuman ikkala leksik tizim sohasida ham, so'zlarning tipologiyasida ham amalga oshirilishi mumkin. Ushbu tsiklning ishlari quyi tizimlarning darajasi yoki aspekti, tipologiyasi yoki tipologiyasi deb nomlanadi.

Va nihoyat, ma'lum bir hududda yoki hududda joylashgan tillarning umumiy tipologik xususiyatlarini va naqshlarini o'rganishni o'z ichiga olgan areal tipologiyasini alohida ajratib ko'rsatish mumkin, masalan: Bolqon yarim oroli yoki Sharqiy Sibir mintaqasi tillarining tipologik xususiyatlarini yaratish, masalan. bolgar, alban va rumin tillarida post-pozitiv maqolani shakllantirish; qiyoslang: bolg. ryochnikt - lug'at, planinata - tog': sl'ntseto - quyosh va boshqalar.

Shunday qilib, bu holda biz umuman tilning tipologiyasini o'rnatish bilan emas, balki o'rganilayotgan tilning ona tiliga nisbatan tipologik xususiyatlarini aniqlash bilan shug'ullanamiz.

Biz odatiy ravishda tipologik tadqiqotlarning ushbu turini xususiy tipologiyaning bo'limlaridan biri bo'lgan ona va chet tillarining qiyosiy tipologiyasi deb ataymiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. Аракин, В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков / В.Д. Аракин. – Физматиздат, 2005. – 232 с. 2. Аракин, В.Д. Типология языков и проблема методического прогнозирования / В.Д. Аракин. – М., 1989.
3. Афанасьева, О.В., Резвцова, М.Д., Самохина, Т.С. Сравнительная типология английского и русского языков (практикум) / О.В. Афанасьева [и др.]. – М.: Физматиздат, 2000. – 208 с.
4. Кошечая, И.Г. Сравнительная типология английского и русского языков / И.Г. Кошечая. – Минск: Выш.шк., 1980. – 270 с.
5. Мельников, Г.П. Системная типология языков / Г.П. Мельников. – М., 2000.

UO'K 811.511.13'282.3'373

SHEVALARDA UCHRAYDIGAN UY-RO'ZG'OR ASBOBLARI, MILLIY KIYIMLAR
VA MILLIY O'YINLARNI IFODALAYDIGAN ETNOGRAFIK BIRLIKLAR*O. Nurjanov, oq'ituvchi, Qoraqalpog davlat universiteti, Nukus*

Annotatsiya. Ushbu maqolada Qoraqalpog'istondagi o'zbek shevalarida keng ishlatiladigan uy-ro'zg'or asboblari, milliy kiyimlar va milliy o'yinlarni ifodalaydigan etnografik birliklari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Uy ro'zg'or buyumlari, lahja, milliy, kiyim, etnografik birlik, o'zbek shevalari, arxaik so'zlar, lisoniy o'zgarish.

Аннотация. В статье рассматриваются этнографические единицы, которые представляют бытовую технику, национальные костюмы и национальные игры, широко используемые в узбекских диалектах в Каракалпакстане.

Ключевые слова: Предметы обихода, диалект, национальный, одежда, этнографическое единство, узбекские диалекты, архаичные слова, языковые изменения

Abstract. This article discusses the ethnographic units that represent the national costumes and national games of household appliances widely used in the Uzbek dialects of karakalpakstan.

Key words: Household items, dialect, national, clothing, ethnographic unity, Uzbek dialects, archaic words, linguistic change.

Qoraqalpog'istondagi shevalardagi o'ziga xoslik sheva vakillari nutqida barcha sohalarida uchraydi. Shevalarda uchraydigan xo'jalik va ro'zg'or asboblarini ifodalaydigan etnografik birliklarning ko'pchiligida boshqa o'zbek shevalarida bo'lgani kabi umumiyliklar ham mavjud. Bular: *yog'och, o'qlav, kapkir, sipra, rapida, siyxak* kabi. Bu etnografik birliklar barcha o'zbek shevalari uchun mushtarak bo'lib, deyarli hammasida bir xil leksik-semantik xususiyatga ega.

Ro'zg'or asboblarini ifodalovchi terminlarning yana bir xususiyati shuki, ularning ba'zilari, umuman, boshqacha ko'rinishga ega, ammo turlicha nomlansa ham, leksik-semantik va grammatik jihatdan bir xil tushuncha va belgi bildiradi. Masalan, *lakki - tarelka, kasa - piyola//tovoq, paygir - xamirturush, lali* - lagan kabi. Tadqiqotchi Sh.Nosirov o'zbek shevalarining rang-barangligini e'tirof etgan holda o'z tadqiqotlarida shunday misolni keltiradi: "Jizzax shahri va rayoni shevasida *ayrichoka* - yantoq olishda ishlatiladigan cho'p [1]. Xorazm shevalarida ham *ayricho'ka /ayri yava* shaklida ishlatiladi. Forish rayoni shevasida fonetik, morfologik, ayniqsa, leksik xususiyatlari jihatidan xarakterlidir: *qapi-eshik, saqa-tug'on, to'la - bog'* - polizda vaqtincha yashash uchun ishlatiladigan imorat kabi.

Xorazm qipchoq shevalarida esa bu so'zlarni *qapi-eshik, saqa-bo'gat- to'g'on, do'la* - uzoq yerlarda dehqonchilik qilish yoki chorvachilik qilish uchun qurilgan imorat, kappa shaklidagi ko'rinishlari mavjud. Ro'zg'or asboblarini ifodalovchi etnografizmning ko'pchiligi qadimgi manbalarda quyidagicha shaklda uchraydi.

Navoiy asarlarida	Qipchoq shevasida	Adabiy-orfografik
Biyiz	Bigiz	Bigiz
Bilav	Qayroq tosh	Qayroq tosh
Bichak	Igna	Igna
Koch	Koch	Ro'zg'or buyumlari
xaros	xaraz	tegirmon

Bu etnografizmlarning ko'pchiligi qardosh turkiy tillarda ham, o'zbek adabiy tilida ham qisman uchraydi.

Tadqiqotchi M.Saparovning yozishicha: "Yonma-yon, qo'shni bo'lib yashashlari natijasida o'zbek tili shevalarida turkmancha, turkman tili shevalarida o'zbekcha lingvistik belgilar paydo bo'ldi" [2]. Bu fikrni qipchoq shevasi bilan qoraqalpog tiliga nisbatan ham qo'llash mumkin. Qoraqalpog tili ham qipchoq lahjasiga kirishi nuqtayi nazaridan qarasa, Xorazm qipchoq shevasi bilan ancha yaqinliklar seziladi: *sumalak (qip) - s6m6l6k (qq)* kabi bir xil leksik ma'no anglatuvchi etnografik leksik birliklar anchagina miqdorni tashkil etadi.

Kiyim-kechakning vujudga kelish tarixi insoniyat tarixi bilan chambarchas bog'liqdir. Uning paydo bo'lishi haqida so'z borar ekan, jamiyat hayotida kiyim turlarini yuzaga keltirgan turli ijtimoiy omillarni ham hisobga olishga to'g'ri keladi. Har qaysi xalqda, har bir millat yashagan joyning tabiiy sharoitlari, iqlimi, o'simlik va hayvonot olami bilan bog'liq bo'lgan holda, turli mamlakat xalqlarining yonma-yon yashashi o'zaro moddiy va madaniy aloqalarining o'sishi natijasida kiyimlar, ularning bichilishi va hatto nomlari bir-biriga o'tishini ham ko'zda tutish lozim.

Kiyimning yuzaga kelishi va turlarining ko'payishida, kishilarning yashash tarzi, mehnati, iqlim sharoitidan tashqari, ularning madaniy rivojlanishi, estetik didlarining o'sishi ham asosiy omillardandir [3].

Insoniyatning moddiy-madaniyati tarixini o'rganuvchi mutaxassislar, ayniqsa, tarixchi va etnograflar kiyim-kechaklarning kelib chiqishi xususida aniq bir fikrga kelgan emaslar. Rus etnografi N.P.Gorbacheva "Kiyimning yuzaga kelishi to'g'risidagi masalaga doir" deb nomlangan bir munozarali maqolasida kiyim tushunchasiga qanday ta'rif berish haqida fikr yuritib, G'arbiy Yevropa etnograflaridan A.Levin-Dorj, G.Kunov va boshqa mualliflarning kiyim tushunchasi va uning ibtidosi haqidagi qarashlariga nisbatan tanqidiy mulohazalar bayonini bergan [4].

Umuman, kiyim insoniyat tarixining ilk davrlarida tashqi ta'sirlardan muhofaza qilish vositalaridan biri bo'lgan bo'lsa, keyinchalik uning vazifa doirasi kengayib, boshqa xususiyatlar ham kasb etdi. Shunday qilib, kiyim insonni tashqi ta'sirlardan muhofaza qilish bilan birga, uning ijtimoiy taraqqiyot faktorlari majmuini o'zida aks ettiruvchi, inson tanasini u yoki bu darajada berkitib, o'rab, bezab turuvchi narsalar yig'indisidir. Kiyim ijtimoiy hodisa bo'lib, jamiyat taraqqiy etgan sari u ham taraqqiy etib, rivojlanib boradi [5].

Insonning kiyinish ehtiyojini o'tovchi buyumlar majmuining umumiy nomi o'zbek adabiy tilida *kiyim*, *kiyim-kechak*, so'zlashuv nutqida *engil*, *engil-bosh* (*engilvosh*), *kiyim-bosh* (*kiyimvosh*), *ust-bosh* (*ustvosh*) kabi atamalar bilan ifodalanadi [6].

Har bir xalqning urf-odatiga xos va mos keladigan milliy kiyimlari mavjud. Kiyim-bosh aslida insonning hayotiy zarurati natijasida shakllangan. Milliy kiyimlarning har bir xalqda o'ziga xos belgilari bilan ajralib turishi ularning urf-odatlariga bog'liqligidan tashqari dini va shu yerning iqlim sharoitiga ham bog'liq. Har bir bosh kiyimi, ustki kiyimning o'ziga xos belgilari va kiyish davri bor. Mintaqada ikki sheva vakillari yashayotganligi sababli ham ularning nomlanishida har xilliklar bo'lishi ehtimoldan holi emas. Jumladan, bosh kiyimning tikilish usuli va tovariga qarab turlicha nomlari bor. Qishki bosh kiyimlar: *boyarka*, *go'mma toppi* (o'g'), *papaq*, *tumaq* (qip), *kubanka* va hokazo.

Xorazmda azaldan bosh kiyimi sifatida qo'zi terisidan foydalanishgan. Qish oylari *cho'girma*, yoz oylari *taxya* kiyib yurilgan. Junlari uzun, tegrasi katta *cho'girma* *silkma cho'girma*, tegrasi kichik va yengil tikilgani *qirma cho'girma* deb yuritilgan. Dotsent M.Bo'ronovning ta'kidlashicha: "Shimoliy Xorazmda *cho'girma* tikiladigan teri turini *tossi qara* deb atashadi" [7].

Chopon ham *cho'girma* kabi qadimiydir, uning ham mavsumiy turlari mavjud bo'lib, qipchoq shevalarda quyidagicha talaffuz qilinadi: *yalanqat* - kuzda kiyiladigan chopon, *alacha to'n* - yo'l-yo'l matodan tikilgan chopon, *chakman*-tevaragi qizil hoshiya bilan tikilgan sariq matodan bo'lgan uzun kiyim.

Bundan tashqari, qish oylarida sariq qo'y terisidan uzun to'n kiyish ham yerli xalqning odatidir. Bu kiyimni asosan turkmanlar tikishgani uchun turkmani po'stin, *silkma po'stin* nomlari bilan yuritiladi. Bundan tashqari, *jalak* kabi yengsiz milliy kiyimlar ham mavjud bo'lgan. Bu kiyimlarni, asosan, voha aholisining o'ziga xosligi bilan ajralib turishi nuqtayi nazaridan etnografizm sirasiga kiritildi. Keyingi davrlarda insonlar hayotiga yevropacha madaniyatning kirib kelishi natijasida ko'pgina milliy kiyimlar unutilib ketgan. Hatto har bir matoning rangiga qarab, har bir odam o'zining yoshiga mos kiyim kiygan. Masalan, qizil gulli matodan qizlar, ko'k, qora gulli matolarni keksa ayollar, faqat oq matoni azador ayollar kiyishgan. Milliy kiyimlarning yanada chiroyliroq ko'rinishi uchun milliy taqinchoqlardan ham foydalanishgan. Milliy taqinchoqlar, asosan, aslzoda-zodagon ayollarda bo'lgan. Hozirgi davrda esa deyarli milliy taqinchoqlarning nomlari ham unutilgan. Chunki fan, madaniyat va ishlab chiqarishning taraqqiyoti natijasida milliy taqinchoqlar hamda ularning nomlari butunlay iste'moldan chiqib arxaiklashib, nafaol so'zlar qatlamiga o'tib ketgan. Masalan, *lachak*, *qasava*, *paranji*, *chadra*, *chariq*, *belbau*, *aravak* kabi leksemalarni ushbu guruhga kiritish mumkin. Lekin azaldan ishlatilib kelinayotgan *shayi ko'ylak*, *minjiq*, *bo'mbarx*, *sirg'a*, *marvarid* kabilar sheva va dialektlarda hozir kunda ham iste'molda. Kiyim-kechak va taqinchoqlarni ifodalovchi leksik birliklar ham davrlar o'tishi bilan turli lisoniy o'zgarishlarga uchrab, har xil qadimiy manbalarda turlicha ko'rinishga egadir. *Uzuk* (qip.), *salla* (qip.) - *amoma* (Na), *ton* (qip.) - *jubba* (Na), *taxya* (qip.) - *kallapo'sh* (Na), *belbou* (qip.), *qurshag* (DLT), *tumaq* (qip.) - *bo'rk* (DLT), *chariq* (qip.) - *charuq* (DLT), *jallatka* (qip.) - *jalak* (Na) - *ichmak* (DLT) kabi. Hozirgi davrda bunday kiyimlar zamonaviy urfdan chiqqanligi natijasida ularni ifodalovchi terminlar ham tarixiylik kasb etgan. Ular o'rniga neologizm sifatida *paytinka*, *partuq*, *yupka*, *tufli*, *tros*, *sep*, *sepochnka*, *bilaguzuk* kabi terminlar kirib keldiki, ularni ham shevada, ham adabiy tilda baravar ishlatilganligi sababli adabiy-dialektal etnografizmlar qatoriga kiritamiz.

Odamlar o'tmish davrida o'z kayfiyati, xohish-irodasiga qarab o'zlaricha turli harakatlar qilganlar. Bu harakatlar ularning quvnoqligi yoki xafaligini ifodalagan. O'sha davrlarda ko'p narsalar raqamlarga

bog'langan va ba'zi raqamlarni ilohiylashtirganlar. Masalan: *besh kunlik dunyo, besh kunim – xush kunim, ishim besh* kabi iboralar paydo bo'lgan. Ba'zi bir raqamlar marosim nomi sifatida qo'llansa, ba'zi birlari bolalar o'yinlari nomlarini bildirgan: beshtash-beshta toshni tepaga otib, tushirmasdan ilib olish o'yini; *uchdan puch* - o'yin shartlarini uch marta takrorlaganda ham maqsadga erishilmasa yutgani bekor qilingan.

Bolalar o'yinlarini bildiruvchi etnografizmlar ham o'zbek shevalari leksikasida salmoqli miqdorni tashkil qiladi. Ular ham avloddan-avlodga o'tib bizgacha yetib kelgan: *yiqaq o'yin* - yerga olti xona chizib, qutini tepib, bir oyoqda sakrab o'ynash; *besh tayaq/chullik* - uzun tayoq bilan ikki tomoni yo'nilgan cho'plarni sakratib o'ynash; *yashirinmachaq* - yashirinish o'yini; *kesak qo'ydi* - bolalarni orqasiga qaratib qo'yib, kesak yashirish; *tupra* - ro'molni ip qilib, davrada kim gapirsa shuni jazolash o'yini; *qara ko'rdim* - qorong'ida yashiringan bolani topish o'yini; *xala-xala, toy-toy, qis-qisaloq* - itarishib, kimnidir davradan chiqarish o'yini. Shunga o'xshash ko'pgina o'yin nomlarini ifodalovchi etnografizmlar juft so'z shaklida shakllangan bo'lib, bolalarda qarindosh-urug'chilik va mehr-muhabbat tuyg'ularini shakllantiradi.

Yigit-qizlar o'rtasida milliy o'yinlar ham qadimdan mavjud bo'lib, ko'pincha bayram va sayllarda ijro qilinishi bilan xarakterlanadi hamda shu xalqning ma'lum ma'noda o'ziga xos urf-odatlarini ifoda qiladi. Bunday o'yinlar sirasiga *alma atish*- yigit o'z yaxshi ko'rgan qiziga olma otib o'ynashi; pishgan rangli *yumurta/tuxum; gul atish, qant bilan urish, o'ramal apqachish, yuzuk yashirish* va hokazo. Shulardan hozirgi paytda *yuzuk yashirish, o'ramol yashirish/olib qochish, qant bilan urish* kabi etnografizmlar faqat nikoh to'ylarida saqlanib qolgan. Bu urf-odatlarning unutilib ketganlarini faqat keksa avlod vakillarigina eslaydi, xolos. Bu o'yinlar hozirgacha Navro'z bayramlarida o'ynab kelinadi.

Zamonlar o'tishi bilan turli xil ijtimoiy-siyosiy ta'sirlar natijasida bu xil urf-odatlarga salbiy qaralishi bilan asta-sekin kishilik hayotidan chiqib ketgan.

Bu hodisa so'nggi 80 yil davomida rus madaniyatining ta'siri natijasida yoki yangi tuzum ta'sirida ro'y bergan deyish mumkin.

Milliy sport o'yinlari O'zbekistonning boshqa hududlarida istiqomat qiladigan o'zbeklarning milliy sport o'yinlaridan katta farq qiladi. Ularning o'ziga xosligi, rang-barangligi o'zbek shevalari leksikasida alohida ajralib turadi. Ularni ham o'z navbatida zamonaviyligiga qarab ikkiga bo'lish mumkin:

- a) qadimdan o'ynalib kelinayotgan o'yinlar;
- b) yangi paydo bo'lgan o'yinlar.

Qadimdan o'ynalib kelinayotgan milliy sport o'yinlari xarakteri va xususiyatlari o'z davriga xosligi bilan ajralib turadi. Masalan: *pachi*: uch to'rtta odam yettita chig'anoq toshni otib o'ynashadi, shundan ikkining qora tomoni tushsa, *pachiz* hisoblanadi. *Iza berish* - o'yinda yutqazgan odamlarga jazo berish;

Topmay yashirish - biror kishi mol suyagini (to'pig'ini) biror shart bilan oladi, bahs boylashgan kishi so'raganda ko'rsatmasa yutqazadi.

Jinak - tovuqning to'sh suyagini ikki kishi tortib uzadi va har kim o'ziga tegishli qismini olib qo'yadi. Do'stidan bir narsa olganda "yadimda bar" demasa yutqazgan hisoblanadi.

Yo'lliq olish - biror joyga yoki shaharga ilk bor kelgan odamdan ziyofat yoki pul undirish;

Boka o'yin- jo'xori poyasini bir-biriga urib boka-boka deb o'ynaladi. Umuman, bu o'yin nomlari unitilib eskirgan qatlamga kiradi. Bu o'yinlar uzoq chekka qishloqlarda kamdan-kam hollarda uchraydi, xolos.

O'tgan asrning 20-yillaridan boshlab O'rta Osiyoga ruslarning kirib kelishi xalqimizning urf-odati va madaniyatiga kuchli ta'sir qiladi. Buning natijasida yuqoridagi milliy sport o'yinlaridan tashqari yangi sport o'yinlarini ifodalovchi nomlar - etnografik birliklar paydo bo'ldi.

Jumladan, karta, nard, seka, kuluch, domina, shashka kabilar xalq shevalariga singib ketdi. Shularning natijasida o'ymaq o'yin kabi nomlar ham paydo bo'ldi.

Shunday qilib, etnografik leksikaning vujudga kelishi ma'lum xalqning turmushidagi tarixiy, etnik va maishiy omillar bilan chambarchas bog'liqdir. O'z ma'naviyati va madaniyatini, milliy qadryatlarini, ma'rifiy o'ziga xosliklarini, uning insoniyat ravnaqi uchun taqdim qilayotgan madaniy boyliklarini asrlar osha avlodlarga yetkazib kela olgan tuganmas xazina - bu har bir xalqning o'zligidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Nosirov Sh. Qo'qon shevasining ba'zi bir leksik xususiyatlari. O'SHL. Toshkent, 1966, 402-415-b
2. Saparov M. Xorazm vohasidagi turkiy tillarning o'zaro aloqalari. T.Fan, 1988 yil, 16-bet.
3. Сухарова О. А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии. М., 1954, 289-стр
4. Горбачева Н.П. К вопросу о происхождении одежды. 1950г., 9-15стр
5. Asomuddinova M. Kiyim-kechak nomlari izohli lug'ati. T., 1981-yil, 10-bet
6. Asomuddinova M. Kiyim-kechak nomlari izohli lug'ati. T., 1981-yil, 11-bet
7. Bo'ronov M. Kasb-hunar leksikasidan. Nukus, 1978.

A COMMUNICATIVE APPROACH IN TEACHING ENGLISH

M.A. Rasulova, teacher, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Tashkent

Аннотация. Мазкур мақола олий таълимдаа инглиз тилини ўқитишда коммуникатив ёндашувни тадбиқ этишига бағишланган бўлиб, ҳозирда қўлланилаётган методлар ичида энг самарали ва истиқболли методика сифатида тадқиқ этилган. Шунингдек, тилни алоқа воситаси сифатида тизимлаштиришидаги асосий талабларнинг таҳлили ҳам кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: коммуникатив техника, халқаро алоқа, тил таълими, нутқ фаолияти, лингвистик асослар.

Аннотация. Данная работа посвящена обзору так называемой коммуникативной методики обучения английскому языку в высшей школе, которая представляется автору наиболее эффективной и перспективной из всех существующих и применяющихся в настоящее время. А также анализироваться основные требования которое систематизация языка должна отвечать как средства общения.

Ключевые слова: коммуникативная методика, международное общение, языковое образование, речевая деятельность, лингвистические основы.

Abstract. This work is devoted to a review of the so-called communicative methodology of teaching English in high school, which seems to the author to be the most effective and promising of all existing and currently used ones. And also analyzed the basic requirements that the systemization of the language should meet as a means of communication.

Key words: communicative technique, international communication, language education, speech activity, linguistic bases.

In view of the fact that the position of the English language in the world as a leading means of international communication is increasingly strengthening, and there are no significant tendencies to stop or slow down this process, the problem of creating an effective methodology for teaching English is extremely important. As you know, the human brain most actively perceives and memorizes information and works productively during the first half of life; thus, in the case of the English language, as well as with a huge variety of other disciplines, it is extremely important to provide the possibility of language acquisition at a relatively early stage of human development.

It should be noted that the effectiveness of the communicative methodology is confirmed by the results of its application in European countries over the past 15-20 years. It is also gratifying that in recent years there have been, though not universal, but already significant experiences of integrating communicative methods into the system of language education in our country. Let us first consider in general terms the communicative system-activity approach to teaching English. This approach is the implementation of such a way of teaching, in which an orderly, systematized and interrelated teaching of the English language is carried out as a means of communication in conditions of speech activity simulated (reproduced) in the classroom - an integral and integral part of the general (extra-linguistic) activity. The communicative system-activity approach assumes a complete and optimal systematization of the relationship between the components of the content of learning.

These include the system of general (for example, extralinguistic, pedagogical) activity, the system of speech activity, the system of verbal communication (communication, interaction and mutual perception), the system of the English language itself, the systemic correlation of the native and English languages (their consciously comparative analysis), a system of speech mechanisms (speech production, speech perception, speech interaction, etc.), text as a system of speech products, a system of structural and speech formations (dialogue, monologue, monologue in dialogue, different types of speech utterances and messages, etc.) p.), the system (process) of mastering the English language, the system (structure) of human speech behavior.

As a result of this approach in teaching, the system of English language proficiency is formed, implemented and operates as a means of communication in the broad sense of the word. Such a system, taking into account its use for the purpose of teaching English, should also include the interrelation of general activity motives with the motives and needs of the communication associated with it; subject content and methods of performing activities; typical conditions of its course and the nature of the interaction of its participants (interindividual, group), as well as the determination of the nature, content and forms of relationships and communication of the participants adopted in the framework of this

activity: in the unity of their communicative, interactional and perceptual aspects, role, place, spheres and situations of English-speaking speech communication.

The determining factor for teaching English is:

1) the nature of the influence of general activity on the content, selection and organization of educational language and speech material;

2) modeling of communication situations in the educational process and methods of forming speech skills and abilities among students;

3) methods and techniques for managing their educational activities in the classroom with a teacher and in independent work. For educational purposes, the options for general activity are differentiated, provided that it is related to learning: real (educational), actual (extracurricular) and potential (future). Speech activity as a system is considered as an integral and integral part of general activity. Systematizing speech activity, it should be noted that both special and interrelated teaching of the types of speech activities that serve communication, including speaking, listening, reading and writing, are significant for teaching English-speaking communication. The hierarchy of units of speech activity (speech operation, speech action and speech activity itself) ensures orderliness, systematicity, continuity and logic in the process of formation of speech skills and abilities. The use of the theory of speech activity makes it possible to form motives of the English-speaking speech communication in the learning process and to ensure their implementation in the situations simulated in the classroom. Systematization of communication involves the analysis of the content, structure and interaction of its communicative (information exchange between partners), interaction (interaction between partners) and perceptual (mutual perception and understanding between partners) aspects. Of great interest for teaching English-speaking communication is the analysis of the combination in the speech interaction of native speakers of speech and non-speech means of communication (facial expressions, gestures, body movements, etc.), taking into account their national and cultural specifics. Structural forms of communication (dialogue, monologue, monologue in dialogue, dialogue in a monologue, polylogue), components of the act of communication (cycle, period, macrodialogue), speech genres of communication (monologue-message, reasoning, proof, etc.), dialogue (conversation, argument, question-and-answer dialogue, contemplation, etc.), speech etiquette and communication techniques adopted in English in certain social situations, as well as the role repertoire of speech influences and reactions in different situationally and thematically conditioned acts of communication. The systematization of linguistic material for the purpose of teaching English-speaking communication involves the use of both the actual systemic description of the phonetic, lexical and grammatical aspects of the language, and the data of communicative linguistics and pragmalinguistics, functional grammar, contrastive linguistics. The systemization of language as a means of communication must meet three main requirements:

- to create the linguistic foundations of teaching the English language, taking into account the language experience of the students and their knowledge of their native language;

- to teach them a certain (full, truncated or selective) version of the English language system;

- to correspond to the conditions of implementation in teaching the communicative function of the English language and mastering it by trainees. In the process of selection and organization of linguistic and speech material and management of mastering them, the principle of assessing their communicative expediency [2] and the principle of active communication [1] should be used as the main ones. Along with teaching various units of the English language - phonetic, grammatical, lexical, intonational (prosodic) - in teaching communication, functional statements, various types of speech interaction between interlocutors, functional superphrasal unity, variants of speech implementation of communicative intentions (intentions) of interlocutors, variable methods of communicative response, speech communication technique (including speech etiquette), patterns of statements conditioned by role behavior, etc. Linguistic bases of teaching English-speaking communication should unite the entire arsenal of language units and speech means of communication into a single whole. The systematization of the correlation of the native language with English has three aspects:

- selection and pre-educational organization of language and speech material for teaching English-speaking communication;

- dynamic correlation of language and speech units in the learning process;

- the formation of skills in the correlation of the native and English languages in the process of mastering the latter. [3]

Ўзбек фольклоридаги мифологик афсоналарнинг ўзига хос табиати уларнинг қадимги миф ва эътиқодий қарашлар тизими боғлиқлиги билан белгиланади. Чунки «моддий оламнинг ибтидоси ҳақида маълумот берувчи, табиат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлишини тушунтирувчи космогоник, этиологик, антропоморфик характердаги бир сюжетли фантастик ҳикоялар мифологик афсоналар дейилади [2.47]. Жаҳон фольклоршунослигида мифологик афсоналарни ўрганиш борасида анчагина илмий-ижодий тажриба тўпланган бўлиб, айниқса, М.Р. Халидова [3.180-207], В.Ф. Давидюк [4.78], И. Халипаева [5.64], Л.А. Кариева [6.35], Ю.М. Муртузалиев [7.42], Н.М. Қурбонхонова [8.44], каби олимларнинг ишларида мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида жиддий илмий қарашлар илгари сурилган. Мифологик афсоналар ўзининг бир қатор белгиларига кўра муайян жой номининг келиб чиқиш сабабларини изохдовчи, тушунтирувчи топонимик афсоналар ҳамда реал ҳаётнинг асосларга эга бўлган воқеа-ҳодисалар ва халқимиз ўтмишида муҳим ўрин тутган буюк шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий афсоналардан фарқланиб туради. Бу фарқли белгилар куйидагилардан иборат.

1. Мифологик афсоналарнинг тарихий-генетик асослари бевосита миф билан боғлиқдир.

Ўзбек мифологик афсоналарининг энг асосий хусусияти миф асосига қурилганлигидир. Бундай афсоналарда Одами Од, Хубби, Оланғасар, Хўжимадўлик, Авж ибн Унук, Ҳожи Мулк каби қахрамон- титанлар, бўри, кийик каби тотем жониворлар, Хизр, Ғойиб ота каби ҳомий персонажлар, анқо, Семурғ, мурғ қори, хумо сингари афсонавий қушлар образи мифологик моҳият касб этиши билан характерланади. Мифларнинг тарихий-тадрижий тараққиёт натижасида оғзаки наср жанрлари сюжет тизимига диффузияланиши натижасида пайдо бўлган мифологик афсоналарда эса бундай анимистик тасаввурлар сўз магияси (ёки бошқа сабабга кўра) одамнинг жониворга айланиши сабабларини ахлоқий-этик қарашлар воситасида изохлаш функциясини бажарувчи эпик элементга айланган. Маълумки, халқимиз орасида олашакшақдан ҳам бойўғлидан ҳазар қилгандай ҳазар қилиш анъанаси мавжудлиги қайд қилинган. Олашакшақнинг дарахтларга қўниб шақиллаб сайраши, унинг овози ёқимсизлиги ва бирор жойда доимий қўним топмаслиги унинг тимсолий образини чақимчига қиёс қилиш билан боғлиқ эпик талқиннинг юзага келишига асос бўлган. Мифологик афсона моҳияти жамиятдаги меъёрий ахлоқий қарашларга зид бўлган хусусиятлардан бири - чақимчиликни қоралаш ва бу ёмон одатни ўзига касб қилган кишиларга

бўлган салбий муносабатни ифодалашга қаратилган.

2. Мифологик афсоналар қадимги тасаввурлар ва эътиқодий инончларни ўзида мужассамлаштирган сюжет тизимига эга. Мифологик афсоналар қадимги одамларнинг эътиқодий қарашлари ва диний тасаввурлари қолдиқларини ўзида сақлаб қолган бўлиб, бундай архаик инончлар ислом дини ғояларига бўйсундирилган ва жамиятнинг ахлоқий-этик мезонларини ифодалаш воситаси сифатида талқин қилинган

«Авесто»да қурғоқчилик тимсоли, туркий халқларнинг қадим аجدодлари мифологиясида эса «олам уммони ичида сузиб юрувчи самовий мавжудот» ўлароқ тасаввур қилинган тошбақа тўғрисидаги мифларнинг ҳикоявий шаклдаги баёни мифологик афсонага айланиб, асрлар ўтишига қарамай ўзининг асосий моҳиятини сақлаган ҳолда бизгача етиб келган.

3. Мифологик афсоналар сюжети муайян нарса-ҳодисаларнинг яратилиш жараёнини тушунтириш, изоҳлашга хизмат қилувчи этиологик мазмунни ифодалаш билан характерланади. Қадимги мифлар аجدодларимизнинг муайян табиий ҳодисалар, борликдаги нарса-ҳодисалар сабабини тушунишга бўлган интилишлари натижасида келиб чиққанлиги боис, ана шу мифологик арсеналнинг эпик диффузияси натижасида пайдо бўлган мифологик афсоналарда ҳам этиологик мазмун сақланиб қолган. К.Имомов тўғри қайд этганидек, «бу хил ҳикояларни ташкил этган мотивлар, илоҳий ҳодисалар яратиш табиати билан ажралиб туради. Бу хусусият тадқиқ этилган афсоналарнинг хусусий сифатлари, аниқловчи хоссаларидир» [9.26]. Масалан, «Ойнинг доғи» афсонаси тунги ёриткичнинг ўзига хос кўриниши сабабларини хаёлий уйдирма воситасида изоҳлайди. Қадимги одамлар аналогия усули воситасида ой юзасининг ердан кузатилганда доғсимон бўлиб кўринадиган соя жойларини ерда мавжуд бўлган муайян нарса-ҳодисаларга ўхшатиш асносида мифологик афсонани яратганлар. Ғайритабиий туюлган самовий ҳодисани оддий деталлар орқали фантастик талқин қилиш асосида ўзига хос сюжет яратилган.

4. Мифологик афсоналарнинг сюжет қурилишида анъанавий эврилиш мотивининг фаол иштирок этиши. Маълумки, ўбек халқ мифологик афсоналарининг аксарияти муайян табиат ҳодисалари, самовий жисмлар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, одам, ер, олам ва бошқа нарсаларнинг яратилиши, вужудга келиши, пайдо бўлишини баён этувчи қисқа сюжет қурилишига эга бўлган, кўпинча, бир ёки бир неча мотив асосига қурилган эпик асарлар сифатида оммалашган. Шунинг учун ҳам бу тип афсоналарда персонажларнинг бир ҳолатдан бошқа кўринишга ўтиши, яъни эврилиш мотиви кўп учрайди. Эврилиш - мифологик афсона сюжетининг ўзак-мотиви ҳисобланади.

Мифологик афсоналардаги эврилиш мотивининг тарихий асослари жоннинг турли нарса-ҳодисалар кўринишида ва ҳар хил шаклларда намоён бўла олиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Фольклоршунос Ғ.Акрамовнинг ёзишича, «Табиат мифологиясида аниматизм системасига асосланган айлантириш («оборотничество») ҳодисаси кўп учрайди. «Ақлли қиз» (подшо кўм-кўк қамиш қиёфасига киради), «Кимёгар бойнинг ўғли» (олма еб, тўнғизга айланиши), «Илон оға» (ялмоғиз йўлига ташланган қатик музга, тарок чангалзорга, ойна дарёга айланади), «Олтин бешик» (тош ёрилиб ичига тушиш, қайтиб чиқиш), «Сехрли олма» (кечаси гуллаб, кундузи меваси пишадиган олма) каби мифологик эртақларда табиат мифологиясининг ривожланган, юқори босқичи элементлари мавжуд. Уларда аниматик образ ва изоҳлаш мавжуд. Бу элементлар айрим аниматик тасаввурлар қолдиғи даражасида бўлиб, сюжет ёки мотив шаклини олмагандир» [10.52-53].

5. Мифологик афсоналарнинг синкретик характерга эга бўлиши.

Таниқли фольклоршунос олим К.Имомовнинг «миф заминида нақл қилинган афсоналар синкретик характери билан фарқланади. Уларнинг қадимги намуналари ғайритабиий ҳодисалар ҳақида баён шаклида пайдо бўлган намуналари урф-одат, маросим, дин элементлари, худолар, пирлар ҳақида ҳикоя қилади» деб ёзганида воқеликка онгсиз ҳиссий муносабат билдирган аждодларимиз томонидан яратилган мифлар ибтидоий маросимлар, эътиқодий инончлар, диний қарашлар ва борлиқ ҳақидаги бирламчи билимларни ўзида яхлит ҳолда акс эттирганлигини назарда тутган эди. Мифга хос синкретиклик табиати асотирлар асосида шаклланган афсоналарда ҳам ўз ифодасини топганлигини кўрамыз.

Мифларнинг асосий функцияси муайян диний эътиқодга бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат бўлган. Гарчи бу тип афсоналарнинг асосий функцияси космогоник, этиологик ёки эсхатологик характердаги муайян бир маълумотни баён қилиш орқали тингловчига борлиқнинг мавжуд ҳолати хусусидаги маълумотларни етказишдан иборат бўлса-да, шу билан бир қаторда маълум диний қарашлар, культлар, илоҳлар, маъбудлар ва пирларга бўлган ишончни кучайтириш, одамларнинг у ёки бу ҳодисаларга бўлган эътиқодни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Масалан, Сомон йўли юлдузлари тўпи тўғрисидаги афсона сюжети эгизаклар култи (ака-ука Ангур билан Тангур), эзгулик ва ёвузлик кучларининг ўзаро кураши билан боғлиқ дуалистик миф (Ангур билан Тангурнинг ўлжа талашиб олишуви), яратувчи-қаҳрамон томонидан осмон жисмларининг бино этилиши ҳақидаги космогоник миф (Сомон йўлининг пайдо бўлиши) ва демиург томонидан бирламчи космосдаги ер билан осмоннинг бир-биридан ажратилиши (Ангур билан Тангурнинг таёқлари осмонга тегиб сидириб кетиши) тўғрисидаги мифларнинг кўшилишидан ҳосил бўлганлиги боис, синкретик хусусиятга эга.

6. Мифологик афсоналар сюжетининг ихчамлиги ва мотивлар таркибининг мураккаб бўлмаслиги. Мифологик афсоналарнинг яратилиш жараёни бошқа тип афсоналарга қараганда нисбатан қадимийлиги сабабли, эпик тафаккурнинг илк босқичларида воқеликни ихчам шаклда баён этиш, бунда асосан, бир ёки икки эпизодли сюжет воситасида муайян маълумотни етказиш анъанаси устуворлик касб этган. Эпик тафаккур тадрижи давомида эса воқеликни кенг кўламда бадий акс эттириш тамойили кучая боргани сайин афсона жанрининг сюжет қурилиши ҳам мураккаблаша боришини нисбатан кейинги даврларда яратилган тарихий афсоналар мисолида кузатиш мумкин.

Мифологик афсоналар замон ва макон ўлчамларининг тарихий-этнографик жиҳатдан конкрет бўлмаслиги, воқелик баёнининг замоний қамрови ретроспективлик хусусиятига эгалиги, яъни ўтмишда бўлиб ўтган деб тасаввур қилинган воқеа-ҳодисалар тасвирланиши, шунингдек, асосий персонажлар тизимининг мифологик моҳиятга эгалиги билан ҳам ўзига хослик касб этади.

Мифологик афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, сюжет тизимининг генезиси ва бу тип оғзаки насрий ҳикояларнинг спецификасини ўрганишга бағишланган мазкур мақолада баён этилган фикрларни умумлаштириб, қуйидагича умумий хулосаларга келинди:

1. Ўзбек халқ насри хилма-хил жанрлардан таркиб топган бўлиб, унинг эпик тизимида афсона жанрига мансуб асарлар салмоқли ўрин тутди. Жаҳон фольклоршунослигида эътироф этилган илмий таснифга кўра, афсоналар тарихий, топонимик ва мифологик каби турларга бўлинади. Ҳар бир типга мансуб афсоналар эпик хусусиятлари, сюжет қурилиши ва образлар таркибининг ўзига хослиги билан характерланади. Хусусан, мифологик афсоналар ўзида қадимги тасаввурлар ва эътиқодларни акс эттириши билан ажралиб туради.

2. Мифологик афсоналарнинг шаклланиш жараёни қадимги мифларнинг эпик диффузияси ва воқеликни идрок этишнинг архаик шакли сифатида «инкор» этилган мифологиянинг эпик тафаккурнинг юзага келиши натижасида қайта талқин қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Мифларнинг афсона жанри генезисидан тутган ўрни унинг эпик мотивлар ўзаги сифатидаги функционал табиати билан ҳам белгиланади.

3. Мифологик афсоналар сюжети шаклан ихчамлиги, мотивлар таркибининг мураккаб тузилишга эга бўлмаслиги, ўзида қадимги тасаввурлар, ишонч-эътиқодларни ифодалаш, культлар, маъбудлар, тангрилар, ҳомийларга бўлган инончли мустаҳкамлашга хизмат қилиши, воқеликни акс эттириш усулига кўра синкретик табиат касб этиши ва мифларнинг тарихий-ворисий давоми сифатида шаклланганлиги билан бошқа тип афсоналардан фарқланади.

4. Мифологик афсоналар яратилиш даврига кўра бошқа тип афсоналарга қараганда қадимийроқ бўлиб, инсоният тарихининг ибтидоий ва қабилачилик босқичи эътиқодларининг ифодаси сифатида вужудга келган. Ўзида архаик диний қарашлар - тотемизм, анимизм, шомонизм, фетишизм, магия, аждодлар култига топиниш, табиат култига ишониш ҳамда олам, одам, илоҳлар, маъбудлар, қаҳрамон-титанлар, демиурглар, ҳомий-пирлар тўғрисидаги тасаввурларни яхлит ҳолда умумлаштирганлиги учун ҳам мифологик афсоналар уруғ-қабилачилик даври эътиқодини ўзида акс эттирган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. - Тошкент: Фан, 1989
2. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт. дисс. - Тошкент, 1996
3. Халидова М.Р. Отражение мифологических воззрений в легендах и преданиях народов Дагестана // Жанры фольклора народов Дагестана. - Махачкала, 1979
4. Давидюк В.Ф. Украинская мифологическая легенда и ее эволюция: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Минск, 1986
5. Халипаева И.А. Мифологическая проза кумыков: Исследование и текстн. - Махачкала, 1994
6. Кариева Л.А. Татарская мифология (В историко-сравнительном и типологическом аспекте): Автореф. дис.. канд. филол. наук. - Казань, 1999
7. Муртузалиев Ю.М. Мифологическая проза табасаранцев: сюжеты и образы Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Махачкала, 2008
8. Курбонхонова Н.М. Мифы о животных и птицах в фольклоре населения Горного Бадахшана: Автореф.

дисс. канд. филол. наук. - Душанбе, 2006

9.Имомов К. Ўзбек халқ наصري поэтикаси. - Тошкент: Фан, 2008

10.Акрамов Ғ. Аниматик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент,1977. - 3-сон.

УЎК 808.3

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”ДА БЕРИЛГАН ЎЗЛАШМА ТЕРМИНЛАР ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Ф.П. Садинов, стажёр-ўқитувчи, Самарқанд давлат чет тиллари институти, Самарқанд

Аннотация. Мазкур мақолада “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўзлашма ветеринария терминларининг берилиши масаласи ёритилган. Шунингдек унда мазкур луғатда акс этган гарб тилларидан ўзлашган терминларининг ўзбекча муқобилари қўллашнинг афзаллик томонлари ҳамда уларни луғатнинг лотинча тузилаётган нусхасида эътибор бериши лозим бўлган масалалар тўғрисида ҳам фикр юритилган.

Калит сўзлар: ветеринария, ўзлашма қатлам, изоҳли луғат, лотинча, термин, изоҳлаш, байналминал, лексикографик тадқиқ, муқобил вариант.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос усвоения ветеринарных терминов в «Толковом словаре узбекского языка». В нем также обсуждаются преимущества использования узбекских альтернатив западным терминам в словаре, а также вопросы, которые следует учитывать в латинской версии словаря.

Ключевые слова: ветеринария, взаимной слой, глоссарий, латынь, терминология, интерпретация, международный, лексикографическое исследование, альтернатива.

Abstract. The article deals with the issue of mastering veterinary terms in the "Explanatory Dictionary of the Uzbek language". It also discusses the advantages of using Uzbek alternatives to Western terms in the dictionary, as well as issues to be considered in the Latin version of the dictionary.

Key words: veterinary medicine, social layer, glossary, Latin, terminology, interpretation, international, lexicographic research, alternative

Маълумки, қадимдан инсонлар нутқининг ишонарли ва таъсирчан бўлишини таъминлаш мақсадида сўзларни танлаб, ихчам шаклда ишлатишга ҳаракат қилишган. Кейинчалик тузилган луғатларда ҳам муаллифлар ташқи ва ички омили сифатида юзага келган сўзларни киритишда шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор беришган.

Туркий луғатшуносликнинг асосчиси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини яратиш билан ўзбек луғатчилиги мактабининг тамал тошини қўйди. Кейинроқ Маҳмуд аз-Замашарий, Толе Имоний Ҳиравий, Муҳаммадризо Хокисор, Мирзо Меҳдихон, Муҳаммад Ёқуб Чангий, Сулаймон Бухорий ва бир қатор маърифатпарварлар бу анъани давом эттирди.

Руслар босқини ва шўролар ҳукумати даврида Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Исоқхон Ибрат сингари жадиждлар томонидан ҳам турли типдаги луғатлар тузилди. Аммо уларнинг қатоғон қурбони бўлишлари билан бу ишлар бир оз сусайишига сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизда изоҳли луғатлар тузишнинг амалий муаммолари билан шуғулланиш ишлари бошлаб юборилди. А.К. Боровков, О. Усмонов, С. Ақобиров, З. Маърупов, Т. Алиқулов, Р. Дониёров. Э. Бегматов сингари етук тилшунослар турли типдаги луғатлар тузиш принципларини ишлаб чиқдилар ва ўз навбатида уларнинг ўзлари турли соҳалар луғатларини тузишдилар. Кейинчалик А. Ҳожиев, Ш. Раҳматуллаев, Н. Маҳмудов, Т. Нафасов, Б.Тўйчибоев, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов сингари тилшунослар томонидан турли типдаги изоҳли луғатлар тузилди ва луғат тузишнинг назарий ва амалий масалалари ишлаб чиқилди.

Кейинги пайтларда лексикографик луғатлар тузиш борасида амалий ишлар бажарилган бўлса-да, уларда берилган соҳаларга тегишли материалларнинг лексикографик тадқиқи юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар бармоқ билан санарли даражада. Шу боис ҳам нафақат соҳа терминологияси, балки мазкур луғатдаги барча сўзларни лексикографик нуқтаи назардан тадқиқ этиш ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масалаларни ишлаб чиқиш, янгидан яратилаётган ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда соҳа луғатлари сифатини оширишга маъдум даражада ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир. Биз ушбу мулоҳазаларимизни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (ЎТИЛ)да берилган русча-байналмилал ўзлашма ветеринария терминлари мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ижтимоий ҳодиса ҳисобланган тилнинг луғат таркиби доимо ўзгаришда бўлиб туради. Дунёдаги барча тиллар қатори ўзбек тилининг луғат бойлиги ҳам доимий равишда янгиланиб туриши, шубҳасиздир. Авваламбор, ҳар қандай тил бойлиги доимий равишда ўз ички имконияти асосида, яъни шевалар, қардош туркий тиллар ҳамда бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларга ясовчилар қўшиш орқали тил захираси тўлдириб борилади. Иккинчи манба эса ўзлашма қатламга тегишли бўлиб, ноқардош рус ва Европа ҳамда форс ва араб тилларидан сўз олиш орқали ҳосил қилинади. Дунёда бошқа тиллардан сўз олмайдиган, фақат ички имкониятлар асосида ривожланадиган бирорта ҳам тил йўқ.

Ўзлашма сўз ва терминлар масаласи ўзбек тилшунослигида О.Усмонов, Р.Дониёров, М. Абдиев, У. Қўзиев, Ш.Жўраев сингари олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда маълум даражада ўз аксини топган.

Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятида муҳим масалалардан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаш ҳисобланади. Озиқ-овқатнинг муҳим манбаларидан бири чорва маҳсулотларидир. Уларни истеъмолчиларга тоза ва соф ҳолда етказиб берилишини назорат қилишда ветеринария соҳасининг хизмати каттадир. Бугунги кунда ветеринария ва у билан бевосита боғлиқ бўлган зоотехника, зооветеринария, зоогигиена ҳамда унинг ажралмас қисмлари бўлган патология, клиник диагностика, фармокология, юкумли ички касалликлар, жарроҳлик ва жарроҳлик касалликлари, эпизоотология, паразитология, вирусология соҳаларига оид тушунча ва терминларини тартибга солиш ҳам терминология фанининг олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Соҳа терминларига доир материаллар таҳлили уларнинг анча қисмини ўзлашма, яъни рус ва Европа тилларидан ўзлашган терминлар ташкил этиши маълум бўлди.

ЎТИЛда ветеринария терминига қуйидагича изоҳ берилган:

ВЕТЕРИНАРИЯ [лот. Veterinarius - ҳайвонларни боқувчи, парваришловчи; ҳайвонларни даволовчи] Ҳайвонларнинг касалликлари, уларнинг олдини олиш усуллари ҳамда ушбу касалликларни даволаш тўғри-сидаги фанлар тизими. *Ўртоғим танишганимиздан буён мол доктори бўламан, деб юрарди. Хўжжатларини ветеринария техникумига топширди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатини* [I., 457].

Бундан кўринадики, ветеринария термини ўзлашма термин экан. ЎТИЛда ветеринарияга доир терминларнинг аксарияти ўзлашма сўзлар бўлиб, уларнинг айримлари ўзбек тилидаги муқобили билан алмаштирилган.

Тарихдан маълумки, шарқдан етишиб чиққан машҳур тиб илми соҳиблари Абу Али ибн Сино, Луқмони Ҳаким ва бошқа олимларнинг тиббиётга оид ишларида соҳа терминологиясини шакллантирганлар. Тиббиётнинг аксар терминлари ветеринария терминларига нафақат номланиши жиҳатидан, балки вазифа нуқтаи назаридан ҳам ўхшаб кетади. Уларнинг асарлари кўплаб Европа мамлакатларнинг тилларига таржима қилиниши асносида ғарбда ўзига хос тиббиёт ҳамда ветеринария терминологик тизимини вужудга келтирди.

Русча-байналмилал ёки рус ва Европа тилларидан ўзлашган бирикмаларининг ўзбек тилида қўлланишининг бош сабаби, ғарб тилларидан ўзлашган сўз ва терминларнинг собиқ шўролар даврида асосан рус тили орқали тилимиз луғат таркибига кириб келганлигидадир. Тадқиқот объектига тегишли ўзлашма терминлар таҳлилдидан уларнинг салмоқли қисми юнон, лотин ҳамда француз, инглиз, немис ва бошқа тиллардан ўзлашганлиги маълум бўлди.

Албатта, термин яратиш ва уни бошқа тилдаги муқобилини яратиш анча мураккаблик касб этганлиги боисбу жараён узоқ давом этади. Ветеринария терминологияси ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Бу жараёнда чорванинг кўпайиши, касалланиши ва унинг даволашга оид маълум даражада туркий тилга хос терминология шаклланган бўлиши табиий. Кейинчалик араблар босқини туфайли бу қатлам аста-секинлик билан арабий қатламга ўрин бўшата бошлаган. Мўғуллар истилоси даврида туркий, сўнгра темурийлар сулоласи ҳамда хонликлар даврида гоҳ туркий, гоҳ форсий ёки ҳар икки тилга хос маънодошлик вариантини юзага келтирилган терминлар қўлланишда бўлган. Чор Россияси ҳамда шўролар ҳукмронлиги даврида қўлланишда бўлган туркий ҳамда шарқона (арабий ва форсий) соҳа терминлари аста-секинлик билан рус ва Европа тилларига хос муқобиллари билан алмаштирилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўзлашма ветеринария терминлари қуйидагича ифодаланган:

Антибиотиклар[анти.. + юн. bios -хаёт] Баъзи микроорганизмлар, хайвонлар ва ўсимликлар хаёти жараёнида ишланиб чиқадиган ва турли хил микробларнинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб қўядиган моддалар[1.88].

Бактерия[юн. bakterion - таёкча] Бир хужайрали, асосан таёкча шаклида бўладиган микроорганизмларнинг катта гуруҳи. *Зарарли бактериялар. Фойдали бактериялар. -Бактериялар тупроқда, сувда, сув ҳавзалари заминида ва бошқа жойларда тарқалган*[1.,146].

Вакцина[лот. vaccinus - сигирга оид < vascula — сигир] Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган эмдори; эмлашда ишлатиладиган дори. *Вакцина билан эмлаш. Бугунги кунда ви-русларга қарши вакцина ёрдамида организмда иммунитет ҳосил қилишдан ортиқ ўтқир, ишончли қурол йўқ. «Фан ва турмуш». Сарагулни ишдан чақириб келишди, келса — вақт ўтиб қолибди, боланинг ҳоли оғир, эмлашга вакцина керак эди. А. Мухтор, Чинор [1., 437].*

Бугунги кунга келиб, айниқса тожли вирус тарқалган бир пайтда мазкур терминлар нафақат ветеринария соҳасида, балки медицинада, ҳатто аҳоли сўзлашув нутқида ҳам анча фаоллашганлигини кўрамизки,бу вақт ўтиши билан термининг сўзга айланишига яққол далил бўла олади. Эътиборингизга қуйидаги фактик далилларни келтириб ўтишни ўринли, деб ҳисоблаймиз:

Диагноз[юн. diagnosis — аниқлаш, билиш] Беморни ҳар томонлама текшириб, унинг касаллигини аниқлаш; ташхис. *Диагноз кўймоқ (белгиламоқ). Врачнинг энг биринчи вазифаси — диагнозни аниқ қўйиш. -Аниқ қўйилган диагноз ҳаёт учун эллик фоиз кафолатдир. Газетадан[1., 604].*

Плевра[юн. pleura — ёнбош, биқин, ён томон] *анат. Ўпкани ва кўкрак қафасининг ички томонини зич ўраб турувчи юпка парда. Ўпка, плевра, юрак, буйрак касалликларида плевра пардасига сероз [зардоб], йиринг, қон каби суюқликлар тўпланиши мумкин. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш [Ш..278].*

Хулоса қилиб айтганда, кишилик жамияти доимий тараққиёт этиши туфайли кашифиётлар, янгиликларваўзгаришлар камровида бўлиши шубҳасиздир. Шу боис тилимиз заҳираси янги терминлар билан тўлдирилиб, бойитилиб борилиши ҳам шубҳасиздир. Бу жараёнга хос терминларни фақат махсус луғатларда мутахассисларгагина эмас, балки уларни оммалаштириш мақсадида ЎТИЛда ҳам иложи борича янги терминларнинг миллий муқобилини бериш луғат тузувчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, хусусан, бу таклифимиз луғатнинг лотинча вариантини тузиш жараёнида инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли.Биринчи жилд. Тошкент: “O`zbekiston nashriyoti”, 2020. 679 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Тошкент:“O`zbekiston nashriyoti”,2020. 671 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. Тошкент: “O`zbekiston nashriyoti”, 2020. 687 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд.Тошкент: “O`zbekiston nashriyoti”,2020. 606 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Бешинчи жилд. Тошкент:“O`zbekiston nashriyoti”,2020. 591 б.

УДК 81.001.3

ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ФОРМ ПРОШЕДШЕГО ВРЕМЕНИ ГЛАГОЛА В «СЛОВЕ О ПОЛКУ ИГОРЕВЕ»

Л.Р. Сидоркова, доцент, Бухарский государственный университет, Бухара

Аннотасија. *Maqolada "Igor mezboning so'zlari" materiali asosida XII asr oxiridagi o'tish davrida fe'lning o'tgan zamon shakllarini o'zgartirish muammosi tahlil qilingan.*

Kalit so'zlar: *oddiy aorist, qadimiy sigmatik aorist, yangi sigmatik aorist, siqilgan nomukammal, stresssiz nomukammal, mukammal, pluperfekt, yordamchi fe'l.*

Аннотация. *В статье анализируется проблема изменения форм прошедшего времени глагола в переходный период конца XII века на материале «Слова о полку Игорева».*

Ключевые слова: *простой аорист, древний сигматический аорист, новый сигматический аорист, стяженный имперфект, нестяженный имперфект, перфект, плюсквамперфект, вспомогательный глагол.*

Abstract. *The paper analyzes the problem of changing the forms of the past tense of the verb in the transition period at the end of the twelfth century on the material of the "Tale of Igor's Campaign".*

Key words: *simple aorist, ancient sigmatic aorist, new sigmatic aorist, constricted imperfect, unconstricted imperfect, perfect, pluperfect, auxiliary verb.*

Письменные памятники древнерусского языка позволяют не только констатировать определенные языковые факты, характерные для эпохи создания памятника, но и проводить их сравнительно-историческое изучение, определять основные тенденции в изменении и становлении явлений разных ярусов языка.

«Слово о полку Игореве» является одним из достаточно древних и ценнейших памятников языка и литературы Киевской Руси, отразившем не только сложный исторический период феодальной раздробленности государства, но и один из переломных моментов в истории развития древнерусского языка. Поэтому он представляет огромный интерес в плане изучения языковых трансформаций переходного периода - конца XII в.

В языковом отношении «Слово о полку Игореве» достаточно сложно: в нем нашли место как очень архаичные слова и словоформы разных частей речи, так и новые, функционирующие параллельно со старыми. Особенно ярко это проявляется на уровне морфологии: правильное употребление форм двойственного числа, сохранение звательной формы, падежные формы, отражающие явление II палатализации и т.п.

«Слово о полку Игореве» отражает параллельное сосуществование живых и отмирающих форм времени. Особое место в этом вопросе занимает проблема становления форм прошедшего времени глагола. Языковые данные произведения позволяют нам проследить за тем, в каком виде существовала система старых прошедших времен в конце XII в., какие формы уже исчезли, какие стояли на грани отмирания и были малоупотребительны в речи. Рассмотрим их функционирование в данном памятнике в традиционном порядке: от простых форм к сложным.

Формы аориста представлены в произведении довольно широко. Аорист, обозначая единичное действие, полностью обращенное к прошлому, требовался автору при описании событий прошлого, не имеющих отношения к моменту речи. Здесь встречается даже самый древний вид аориста – простой, не характерный для морфологической системы древнерусского языка и скорее всего являющийся данью церковно-книжной традиции, поскольку в древнерусской художественной литературе элементы живой речи обычно смешивались с церковно-славянскими. Формы простого аориста, состоящего из основы инфинитива и личного окончания, в «Слове...» представлены отдельными примерами:

*...иже истягну умь крѣпостию своею
и поостри сердца своего мужествомъ;
Тогда Игорь възръ на свѣтлое солнце
и видѣ отъ него тьмою вся своя воя прикрыты.*

Преобладающей формой аориста в «Слове...» является древний сигматический, в котором между основой инфинитива и личным окончанием располагается суффикс –С- (по-гречески «сигма»), чередующийся в определенных формах лица и числа с –Х- или –Ш-:

*уже лжу убудиста...;
Нѣ нечестно одольтсте, нечестно бо кровь поганую пролиясте;
Русичи великая поля чръленыи щиты прегородиша,
... потопташа поганыя плѣкы половецкыя...*

Весьма употребителен в произведении и новый сигматический аорист, в котором между основой инфинитива и сигматическим суффиксом располагается тематический гласный –О-. Например,

*два солнца помъркоста, оба багряная стлѣна погасоста...;
тугою взыдоша по Руской земли...;
третьяго дни къ полудню падоша стязи Игоревы.*

Известно, что форма аориста продержалась в древнерусском языке дольше имперфекта. Ее даже обнаруживают в памятниках XIV – XV вв. [1, С.328]. Но возможно, что сохранение аориста в некоторых поздних памятниках не является фактом живого языка. Точной датировки исчезновения аориста авторы изученной нами научной литературы по истории категории времени не дают. Однако опираясь на факты языка «Слова...», мы можем утверждать, что в конце XII в. это была еще вполне употребляемая форма прошедшего времени. Мы не просто фиксируем в памятнике наличие аориста, каждое его употребление мотивировано соответствующим грамматическим значением и требованиями контекста. Начало исчезновения аориста можно относить периоду не ранее XIII в.

Активно используются в памятнике и **формы имперфекта** как длительного или повторявшегося в прошлом действия. В этом отношении интересно использование имперфекта в смутном сне Святослава, тянувшемся и мучившем его всю ночь:

*«Си ночь съ вечера одъвахуть мя, - рече, -
чръною наполюю на кровати тисовъ;
чръпахуть ми синее вино, съ трудомъ смъшено;
сыпахуть ми тѣщими тулы поганыхъ тльковинъ
въликый жемчугъ на лоно...».*

В русском языке нет специальных грамматических форм времени глагола для передачи длительности действия, мы можем обозначить ее морфологически с помощью категории вида или опосредованно с помощью второстепенных членов предложения. В арсенале же грамматических средств древнерусского языка существовала особая форма для передачи такого значения – имперфект. Автор «Слова...», используя при описании сна Святослава имперфект, подчеркивает таким образом не только протяженность сна, но и его особый, горький, пророческий смысл.

Имперфект мог обозначать, как указано выше, и многократно повторявшиеся в прошлом действия. В «Слове...» такое значение обычно имеют глаголы, связанные с воспоминаниями автора о стародавних временах, связанных с именем Бояна, деяниями прежних русских князей:

*Боянъ же, братие, не десять соколовъ на стадо лебедѣй пущаше,
нъ своя вещья прѣсты на живая струны въскладаше;
они же сами княземъ славу рокотаху.*

Следует отметить, что имперфектные формы в «Слове...» специфически древнерусские – стяженные. Это подчеркивает близость языка данного произведения к живой восточнославянской речи.

Мы обнаружили в тексте только один пример нестяженного имперфекта, который, как и простой аорист, тоже является данью церковно-книжной традиции: *Тогда врани не граахуть...* Но даже в этом отступлении автору удается сохранить гармонию: рядом с нестяженным имперфектом употребляется и старославянское по происхождению существительное «врани» с неполногласным сочетанием –ра- между двумя согласными.

Следует указать на немногочисленность имперфектных форм в анализируемом произведении, что свидетельствует о постепенном исчезновении их из живой речи. Принято считать, что имперфект исчез из употребления раньше аориста [1, С.328]. По нашему мнению, памятник зафиксировал тот момент в развитии древнерусского языка, когда процесс отмирания имперфекта активизировался.

Одной из интересных для исследования форм прошедшего времени в «Слове...» является **перфект**, судьба которого оказалась столь важной в истории развития русского языка, что он вытеснил и заместил собой все остальные утраченные формы.

В исходной морфологической системе древнерусского языка перфект был сложной формой прошедшего времени, образовывался с помощью вспомогательного глагола БЫТИ в форме настоящего времени, добавляемой к причастию на –лъ, -ла, -ло, -ли, -лы, -лѣ от смыслового глагола, и обозначал результативное действие. Такое значение чаще всего характеризует и перфект в анализируемом памятнике:

*Заря свѣтъ запала, мѣгла поля покрыла...;
Уже, княже, туга умь полонила...;
Ты пробиль еси каменная горы сквозь землю Половецкую.*

Однако в тексте можно уже отметить и такие случаи, когда перфект употребляется без значения результативности, замещая собой аорист и имперфект. Так, в плаче Ярославны встречается форма перфекта со значением длительности действия, восходящим по значению к имперфекту:

Ты ледеаль еси на себѣ Святослави насады...

Материал «Слова...» дает возможность развернуть один из диахронических срезов языка и проследить, как начиналось вытеснение устаревающих глагольных форм перфектными образованиями.

Памятник интересен еще и тем, что перфект в нем зарегистрирован в двух вариантах: исконном, со связкой БЫТИ в настоящем времени:

Рано еста начала Половецкую землю мечи цвѣлти...;

Ты лелеяль еси на себѣ Святославлѣ носадѣ...

и более позднем, преобразованном, без этой связи, например:

Абы ты сѣя плѣкы ущекоталь...;

Олговичи, храбрыи князи, достпѣли на брань...

Можно установить, что пропуск вспомогательного глагола обнаруживается только в тех случаях, когда присутствует подлежащее, выраженное существительным или местоимением. Если учесть, что в перфекте лицо выражалось формой вспомогательного глагола, то будет понятно, что наличие выраженного подлежащего делает связку избыточной. Это в итоге привело к полной потере вспомогательного глагола и переходу перфекта из аналитической формы в синтетическую. Как замечает В.В.Иванов, «утрата аналитизма перфектом носила не диалектный, а общевосточнославянский характер» [1, С.333].

Формы плюсквамперфекта встретились в «Слове...» дважды всего лишь в одном отрывке. Это обусловлено специфичностью его значения: выражать одно прошедшее действие, совершившееся ранее другого прошедшего действия.

Следует отметить, что несмотря на редкость употребления в памятнике плюсквамперфекта, его формы образованы абсолютно верно (сочетанием имперфекта вспомогательного глагола БЫТИ и причастия на -ль, -ла, -ло, -ли, -лы, -лѣ от смыслового глагола) и используются с соответствующим значением. Например:

уже лжу убудиста которою, ту бѣше успилъ отецъ ихъ...

бѣшетъ притрепаль своими сильными плѣкы и харалужными мечи...

Таким образом, формы прошедшего времени глагола, представленные в «Слове...», отражают основные тенденции, наметившиеся в преобразовании системы прошедшего времени древнерусского языка: постепенное вытеснение аориста, имперфекта и плюсквамперфекта формами перфекта, что отражается как в их смысловых трансформациях, так и в формообразовательных особенностях.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Иванов В.В. Историческая грамматика русского языка. – М., 1990.
2. Лихачев Д.С. Великое наследие (Классические произведения литературы Древней Руси). – М.: Современник, 1980. <http://www.litera.ru>

УЎК: 821.512.133-2'06:398.2(043.3)

ДРАМАТИК АСАРЛАРДА ЭТНОПОЭТИК ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР Н.Х. Турсунова, PhD, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Ушбу мақолада драматургиянинг тарихий асослари, қадимги эътиқодий қарашлари ҳамда ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этишига доир мулоҳазалар ҳамда ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклоризмларнинг қўлланилиши ҳақида илмий қарашлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: драматургия, қўшиқ, саҳна, мотив, янги кун, қадимий эътиқод.

Аннотация. В данной статье рассматривается научке взгляды об использовании фольклоризмов в современной узбекской драматургии. Исторические основы драматургии и древние культовые взгляды особую роль играет в формировании и развитии узбекской драматургии.

Ключевые слова: драматургия, песня, сцена, мотив, новый день, древний культ.

Abstract. Using of folklore in the present uzbe playwrighting is considered in this article. It is commented on historical bases of playwrighting and ancient views of belief.

Key words: playwrighting, song, stage, motive, new day, ancient belief.

Туркий халклар адабиётшунослигида драматургиянинг фольклордан озикланганлиги ҳамда драма жанрининг келиб чиқишида халқ ижоди бирламчи поэтик асос ролини ўтаганлиги эътироф этилган[1.47-48] Дарҳақиқат, драма жанрининг илк ибтидоси ҳам халқ оғзаки поэтик ижодининг драматик турга мансуб жанрларига хос хусусиятлари, айниқса, оғзаки драма, масхарабозлик, кўғирчоқбозлик, муқаллид, аскиячилик ва кизикчилик санъати анъаналарига бориб тақалади. Драматик санъатга хос саҳनावийлик, табиий-ҳаётий декорация ва ролларни ижро этиш анъанаси халқимизнинг маросим ва урф-одатларида, анъанавий ўйин фольклорида яққол кўзга ташланади.

Ўзбек драматургияси бевосита фольклор анъаналари заминидан шаклланиши сабабли ёзма адабиётимизда яратилган дастлабки драматик асарларнинг аксариятида фольклор

сюжетлари, мотивлари, образлари ва халқ ижодига хос бадиий тасвир усуллари яққол кўзга ташланиб туради.

Истиклол даври ўзбек драматургиясининг бадиий матнида фаол қўлланилган миллий урф-одат, маросим, расм-русум, қадимий ритуал ва ишонч-этикодларга алоқадор этнографик деталлар, анъанавий кўшиқчилик элементлари, айтим ва аломатлардан иборат фольклоризмлар ўзининг моҳиятига кўра этнопоэтик фольклоризмлар ҳисобланади.

Халқимиз орасида қадимдан турли сайил-томошалар, байрамлар ва тўйларда ўйналиб келинган “Шафтоли-шакар”, “Мошова”, “Букурма таёқ”, “Ошиқ ўйин”, “Подшо-вазир”, “Олтин қобок”, “Олма отиш”, “Гул базми”, “Ширинновот”, “Хуббимбой”, “Ашшадарози”, “Арава ўйин”, “Лайлак илонни овлади”, “Юмронқозик”, “Кади бадбахт”, “Чағаллоқ” каби турли хил анъанавий ўйинлар мавжуд бўлганки, уларнинг барчаси мазмунан фабулатив шаклдаги сюжет асосида шаклланган табиий-ҳаётий сценарий бўйича ўйналиши, иштирокчилар хатти-ҳаракатларнинг шартли-ролли бўлинишга эғалиги, ўйин бўлиб ўтадиган жойнинг томошагоҳ вазифасини ўташи, ўйин ижроси давомида хонандалик рақс муқаллидлик (муайян одам ёки жониворнинг овози, ҳолати ёки ҳаракатига тақлид қилиш) санъати элементларининг қўлланилиши, ўйин давомида ўйин иштирокчилари билан уни томоша қилиб турган халқ ўртасида ҳиссий-эмоционал мулоқот сақланиб туришига кўра моҳиятан сахна асари характерига эга бўлган.

Ўзида драматик санъатга хос хусусиятларни яққол акс эттирган анъанавий халқ ўйинларидан бири “Подшо-вазир” ўйинидир. Бу ўйиннинг қай тартибда ўйналиши, миллий талқинлари ва тарихий-генетик асослари хусусида Р.Р.Рахимов, М.Қодиров, Т.Қиличев, И.Т.Сағитов, Ш.Галиев каби олимларнинг ишларида батафсил маълумотлар берилган.[2. 16]

Драма жанри ва театр санъатига хос томошавийлик, театрлаштирилганлик ва эмоционал-эстетик таъсир кучининг устуворлик қилиши каби элементлар халқимизнинг анъанавий тақвим билан боғлиқ календарь маросимларида ҳам мавжуддир. Айниқса, йилбоши – Наврўз байрами сайли муносабати билан ўтказиладиган анъанавий театрлаштирилган майдон томошалари, «Лола сайли», «Қизил гул сайли», ёмғир чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари, шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари, ҳосилдорлик култи билан боғлиқ халқ сайиллари ва бошқа тақвимий маросимлар ўзининг драматургияси ва сахнавий талқинига эга бўлган. Ҳар йили кўкламда қизил гуллар очилган пайтда анъанавий тарзда ўтказиб келинган “Гул сайли” билан алоқадор фольклор асарлари ҳам ана шундай қадимий тафаккур дурдоналари сирасига киради.

Адабиётшунос олим Н.Каримовнинг халқ эртаклари асосида яратилган “Гули ва Навоий” номли мусиқали драмасида Наврўз айёмида ўтказиладиган, сайлларда куйланадиган, ёр-ёрлар, йигит ва қизлар ўртасида ташкил этилган ўйин-кулгилар сюжети ўрин олган.

Ҳазрат Навоий замонида ҳам баҳорий шодиёна наврўзи оламнинг байрам қилиш анъанаси урф бўлиши, кўклам чоғи сайилгоҳларда ошиқлар ўртасидаги баҳрибайт ва айтишувлар, ёр-ёрлар куйланганлиги қайд этилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Навоий бобомиз ҳам “Наврўз”нинг байрам сифатида пайдо бўлиши ва байрам арафасида халқ ўртасида ўтказиладиган турли удумлар ҳақида маълумот бериб ўтадилар. Жумладан, “Тарихи мулуки Ажам” асарида бу хусусда куйидагиларни ёзган: “Ва анда улук бинойе солдиким, ҳоло асари ва нишонлари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани Чихил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва ақобирин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, куёш нуқтаи эътидоли рубъага таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сийт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди. Ва салтанатининг замони етти юз йилғача бўлди...” [3.86-88] демак-ки, Навоий даври ва ундан аввалги неча минг асрлар мобайнида ҳам Наврўз ўзига хос миллий руҳда кутиб олинган.

“Гули ва Навоий” драмаси сюжетида келтирилган фольклор намуналари ҳам айнан Наврўз айёми Ҳиротнинг сайилгоҳ майдонларидан бирида Алишер ва иниси Дарвешали билан кириб борар эканлар, ота-оналари қабрини зиёрат қилиш мақсадида келган йигит ва қизларнинг қабр олдидаги йиғи-йўқловлари қулоққа чалиниб туради:

Олмадан отлар қилай,

Баргидан хатлар қилай.

Наврўз кун онажонимни

Ўлтириб ёдлар қилай.

Ўсмалар экким келади-ё,

Баргини тергим келади-ё,

Наврўз кун онажонимни

Биргина кўргим келади-ё [4.40-42]

Асар сюжетида халқимизнинг қўхна анъаналарига кўра Наврўз арафаси инсонлар йўқотган яқинларини эслаш, улар қабрларини тозалаб, зиёрат қилишлари ва янги кун, кўклам билан қутлаш ҳамда дийдорини кўришни кумсайдилар.

Фольклоршунос М.Жўраевнинг таъкидлашича “одатда йилбоши байрамидан аввал ҳар ким ўз яқинларининг қабрларини хас-чўплардан тозалаган, кексалардан бири мархумлар ҳақиға тиловат қилгач, аёллар ўтганларни ёдга олиб йўқлов қўшиқларини айтишган”[5. 199-200] Гўёки йиғи-йўқловлар орқали синган кўнгил таскин топгандек бўлади. Драмадаги кейинги сахнада Наврўз сайилғоҳдаги йигит ва қизлар ўртасидаги айтишувга эътибор берайлик:(1-йигит) Гулгун эканми кўйлагинг,

Гулдай нозикми билагинг.
Наврўз келди, лайлак келди,
Айтгил бизларга тилагинг.

(Гули) Гулгун бўлса ҳам кўйлагим,
Нозик бўлса ҳам билагим,
Наврўз лайлак келса ҳам,
Ҳеч айтмайман тилагим.

Юқоридаги айтишувлар орқали чинакам халқона маросим, байрам қилиб келинган наврўзнинг асл мазмун-моҳияти ўзгача миллий қадриятлар талқини, қиз-йигитлар муҳаббати-ю самимий муносабатлари сахна ҳаракатлари билан бойитилган. Шунингдек, Наврўз йилбоши ва баҳор байрами, келаётган янги меҳнат мавсумининг баракали, фаровон ва серфайз бўлишига тилак билдириш, ёвузлик кучлари зимистон қаърига чекиниб, эзгулик тантана қиладиган кунлиги ҳамда “лайлак” куш - баҳор элчиси сифатида гавдаланади. Кейинги сахнада:

(Қизлар) Гул-наврўз чечагида
Бир гул бор-е, ёр-ёр.
Бу гулдан баландроқда
Булбул бор-е, ёр-ёр
Гул булбулга интизор,
Интизор-е, ёр-ёр.
Шояд булбул ҳам бўлса,
Гулга зор-е, ёр-ёр.

Гул-наврўз айёмида
Тўйлар бўлсин ёр-ёр.
Гулимизнинг уйига
Кўйлар келсин, ёр-ёр [6. 66-68-69-76]

Ёр-ёрлар мисолида Гулини гулга, ошиғи Алишерни булбулга қиёслаб, йигит-қизлар айтишувлар билан кўнгилхушлик қиладилар. Шу пайт қизларнинг ёр-ёрларидан аччиқланган Гули кетмоқчи бўлганида дугоналари баҳрибайтга таклиф этади. Ўйин айни қизиб турган пайтда бир гуруҳ лола кўтарган йигит ва қизлар ашула айтиб рақсга тушадилар:

(1-қиз) Томларда ёна-ёна

Очилди гули лола

(1-йигит) Гули лоламас у,

Кўз ёш тўла пиёла

ёки: (Йигитлар) Том устида пиёла, Ҳей лола

Пиёламас, ҳей лола, Ҳей лола,

(Қизлар) Нарини туринг, бўз бола, Ҳей лола,

Уялади қиз бола, Ҳей лола.[7. 96-97]

Шу зайдда йигит-қизлар баҳси авжга чиқади. Дарвешали йигитлар сардорига яқинлашиб, унинг қулоғига нимадир шивирлайди. Сардор, ўз навбатида қизлар онахонининг олдида бориб, нимадир дейди. Улар сахнани бўшатиб, Алишер ва Гулини ёлғиз қолдирадилар.

Хуллас, драмада қадимги маросим ва урф-одатларнинг ўтказилиш жараёнида сахнавийликнинг асосини ташкил этувчи ҳатти-ҳаракат билан сўзнинг мутаносиблиги, воқеликнинг драматик талқини ва унинг композицион жиҳатдан тизимий характер касб этиши юзага келган. Анъанавий маросимларнинг ҳаётий сахна асари сифатида ўтказилиши ва маросимий маданиятнинг поэтик моҳият касб этганлиги драматик санъатнинг келиб чиқиши учун бадиий замин вазифасини бажарган. Шунингдек, ўзбек драматургларининг сахна асарларида миллий қадриятларни бадиий талқин қилишида, халқимизнинг анъанавий фольклор меросидан унимли

фойдаланиши, ҳозирги ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахимов Р.Р. “Мужские дома” в традиционной культуре таджиков. – М.: Наука, 1990.
2. Қодиров М. “Олов уйи”дан таркаган турфа ўйинлар // Нафосат. – Тошкент, 1993. – 3-4-сонлар.
3. Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
4. Галиев Ш. Ўзбек боалалр ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998.
5. А. Навоий Мукамал асарлар тўплами. 16-том-Тошкент, 2000.
6. Каримов Н. «Гули ва Навоий (муסיқали драма). // Шарқ юлдузи.6-сон, 2013
7. Жўраев М. “Ўзбек мавсумий маросим фольклори”.Т. Фан. 2008

УДК 81-13

ПОВЫШЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ТВОРЧЕСКОЙ ПРОЕКТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЛЯ ОБУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

*Д.У. Уринбаева, стажёр-преподаватель, Ташкентский Государственный Университет
узбекского языка и литературы, Ташкент*

Annotatsiya. O'zbekistonda zamonaviy ta'limning yangi strategik maqsadlari va Evropaning standartlariga mos kelishga intilish kelajakdagi yangi turdagi mutaxassislarni tayyorlash uchun amaliy yondashuvlar izlash zarurligini keltirib chiqardi.

Kalit so'zlar: rus tili, ijodiy loyiha, innovatsion faoliyat, pedagogik mahorat, ta'lim sifati, ijodiy faollik.

Аннотация. Новые стратегические цели современного образования в Узбекистане и стремление соответствовать европейским стандартам привели к необходимости поиска практических подходов для подготовки будущих специалистов нового типа.

Ключевые слова: русский язык, творческий проект, Инновационная деятельность, педагогическое мастерство, качество образования, творческая активность.

Abstract. The new strategic goals of modern education in Uzbekistan and the desire to comply with European standards have made practical approaches necessary for training new types of specialists in the future.

Keywords: Russian language, creative project, innovative activity, pedagogical skill, quality of education, creative activity.

Технология творческих проектов является эффективным подходом к обучению квалифицированной личности, так как учащиеся, участвующие в проектной деятельности, совершенствуют навыки совместной работы, навыки работы с информационными ресурсами, разрабатывают и разрабатывают методы решения проблем. Выполняя научно-исследовательские и практические работы, получают опыт самостоятельной работы. Проектная деятельность предусматривает постепенный переход от теории к практике и сочетание научного знания и прагматики на каждом этапе обучения.

О применении творческих проектов в обучении педагоги заговорили еще в начале прошлого века. Они пытаются найти пути развития активного самостоятельного мышления учащихся, чтобы обеспечить им возможность не только запоминать и воспроизводить знания, но и использовать свои знания на практике. На современном этапе развития методики исследователи демонстрируют возможности и возможные преимущества метода творческого проекта как полезного метода обучения и воспитания. В то же время, несмотря на наличие большого количества публикаций, большинство исследователей исследования в области высшего образования акцентируют внимание на применении творческих проектных технологий в учебном процессе.

Понятно, что технология творческих проектов не может заменить другие методы и приемы обучения русскому языку, но в современных условиях, особенно на неязыковых специальностях, она имеет преимущество, так как может использоваться для обучения самых разных учащихся. Основная идея такого подхода к обучению русскому языку заключается в выполнении различных упражнений, требующих активной умственной деятельности учащихся, обладающих определенными языковыми навыками.

Технология творческого проекта позволяет решить дидактическую задачу и сделать уроки русского языка по-настоящему интересным, содержательным и практически решаемым для учащихся местом обсуждения или исследования. В этом случае реализуется высшая

технологическая ценность индивидуализации обучения, опирающаяся на субъективный опыт и образовательные интересы учащихся.

Активное участие учащихся в создании профессионально ориентированных творческих проектов по различным темам дает им возможность познавать что-то новое, развивать навыки и опробовать новые способы человеческой деятельности в социокультурной среде. Развивает навыки конструктивного критического мышления, самовыражения и командной работы (групповой или парной), улучшает социализацию каждого учащегося, стимулирует изучение языка. Для формирования языковых знаний учащихся, требуемых программой и стандартами, необходимо обеспечить активную устную практику для каждой группы учащихся. Для этого будет очень полезна технология проекта. Конечно, задачи проекта выходят за рамки классных занятий и требуют дополнительной самостоятельной работы, но она себя оправдывает, так как может обеспечить:

- активность даже у студентов, которые хотят молчать;
- раскрытие способностей учащихся, обеспечивающих их уверенность в себе;
- улучшение коммуникативных навыков студентов;
- развитие значимых навыков и умений учащихся (совместное принятие решений, профессиональное творческое мышление, активность в процессе обучения и индивидуальная и коллективная ответственность за выполняемую работу);
- развитие исследовательских умений (будущим специалистам необходимо найти и проанализировать необходимые теоретические источники, подобрать иллюстрации, сделать выводы);
- создание условий для более тщательного изучения и углубленного изучения не только грамматики, но и других аспектов языка;
- развитие критического мышления.

Несмотря на все вышеперечисленные преимущества, проектная деятельность имеет ряд недостатков, так как требует от преподавателя опыта, тщательного планирования и обсуждения с учащимися. Педагог играет важнейшую роль на подготовительном этапе. В нем должен быть создан широкий спектр тем, позволяющих учащимся реализовать свои знания и использовать личный опыт в работе. Такой подход повышает эффективность обучения и мотивации и позволяет учащимся грамотно и осознанно выступать в процессе защиты своих творческих проектов. Учитель также несет ответственность за выбор типа проекта (исследовательский, творческий, игровой, информационный, телекоммуникационный, мультимедийный), методов и подходов к обучению, организацию групп, обмен ролями, межличностные отношения в группах, за языковую основу проекта (лексико-грамматический), за материалы, по которым проводится итоговая оценка с обсуждением поведенческих и языковых ошибок.

Таким образом, проектная технология рассматривается как интегрированная система образования, при которой учащиеся получают знания, выполняют практические задания (проекты), которые постепенно усложняются и становятся для учащихся более организованными, длительными и содержательными по отношению к изучению русского языка. Эту работу можно выполнять как в группе, так и внеурочно. Проект-это всегда творческая деятельность. В его основе лежит идея, отражающая смысл понятия "проект" и его прагматическую направленность на результат, полученный в результате решения важной практической или теоретической задачи. Важно увидеть, подумать и применить этот результат на практике. Проекты побуждают студентов проявлять инициативу.

Мы считаем, что этот процесс может полностью улучшить идеи и практические языковые навыки студентов, что полезно для обеспечения и реализации эффективного результата обучения и обучения. Устраняя несколько проблемных областей, технологии творческих проектов могут быть эффективно использованы в учебных залах, а соответствующие знания, полученные учителями, позволяют преодолевать проблемы и позволяют учителям проявлять творческий подход.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Евтук М. Обеспечение качества высшего образования - важное условие инновационного развития государства и общества / М. Евтук, - 2008. - № 1. - С. 70-74.
2. Пулат Е. С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. - М.: Академия, 2007. - С. 368.
3. Фарберман Б. Л. Передовые педагогические технологии. - Т., Наука. Республика Узбекистан за 2000 лет. - № 2. - С. 3-10.

**АНИМАЛИСТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
МЕТАФОРИЗАЦИЯСИ (ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

А.К. Халибекова, докторант, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз тилларида ҳайвонлар образи асосида шаклланган фразеологик бирликларнинг коннотатив баҳо муносабатлари семантик-прагматик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: номинатив, денотатив, эмоция, зооним, метафоризация

Аннотация. В данной статье рассмотрены семантико-прагматические коннотативно оценочные отношения фразеологических единиц на основе образов животных в узбекском и английском языках.

Ключевые слова: номинативный, денотативный, эмоция, зооним, метафоризация.

Abstract. This article examines the semantic-pragmatic connotatively evaluative relations of phraseological units based on animal images in the Uzbek and English languages.

Key words: nominative, denotative, emotion, zoonym, metaforization

Инсон ўз нутқида воқеа –ходисани, жараёнларни, умуман объектив оламни идрок қилиш билан бирга, шу объектив оламга ўзининг ижобий ёки салбий муносабатини ифодалашга интилади. У ёки бу муносабатни (муносабатлар ижобий ёки салбий бўлади) ифодалаш кишилардаги хис-ҳаяжон, эмоция орқали юзага чиқади. Шу маънода эмоциялар икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: а) ижобий эмоциялар; б) салбий эмоциялар. Масалан, “терисидан бит семирмоқ”- ижобий эмоция, “илоннинг ёғини ялаган”-салбий эмоция. Экспрессивлик- тил бирликларидан бири бўлиб, фикрни тез ва кучли шунингдек, таъсирчан тасвирлашга хизмат қилади. Е.М.Галкина-Федорук экспрессивлик тушунчасига нисбатан тор маънода тушунади. У экспрессивликни тасвирийликни кучайтирувчи, айтилган фикрнинг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида қарайди [1]. Лексика нарса-ходиса, факт, воқеа, жараёнлар номини ифода этса, фразеологик бирликлар шахснинг хис-ҳаяжон, туйғу, психик ҳолати, фазилатларини ифода этади. Шу маънода фразеологик бирликлар шахснинг у ёки бу психик ҳолати, хис-ҳаяжони, ички кечинмалари, воқеа-ходисаларга муносабатини образли, эмоционал-экспрессив ифодалаш зарурияти асосида шаклланган тил ходисасидир.

Маълумки, зоонимлар ўзларининг образлилиги, эмоционаллиги билан ажралиб туради ва улардан оғзаки нутқда ва бадиий матнларда кенг фойдаланилишини кузатиш мумкин. Шуниси кизиқки, бир зооним қардош бўлмаган турли тилларда бир хил маънони ифодалаш мумкин. Айрим ҳолларда эса, бир зоонимнинг ўзи хар иккала тилларда бир-бирига қарама-қарши бўлган маъноларни ҳам акс эттириши мумкин.

Масалан инглиз тилида "dark horse" кўчма маънода салбий тушунча ифода этса (ҳеч ким танимайдиган инсонга нисбатан), бунинг ўзбек тилидаги муқобили бўлган “отнинг қашқасидай” (хамма танийдиган инсонга нисбатан) ижобий маънони англатади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тилнинг лексик-семантик қатламида зоонимлар сингари бой ва мураккаб табиатга эга бўлган гуруҳни топиш қийин. Шунинг учун ҳам уларнинг тилда кенг вазифани бажариши кўп кизиқиш уйғотади. Ўзбек тилида ҳайвонлар образи асосида шаклланган фразеологизмлар кўпгина мавжуд бўлиб, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатдан қўлланилиши А.Э.Маматов томонидан қисман ўрганилган [2].

Зоонимлар кўп йиллардан бери тилшуносларнинг ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Турли хил йўналишларда тадқиқот олиб борган кўплаб олимлар зоонимик лексикани турли томонлардан ўрганганлар ва бунда ҳар хил методлардан фойдаланганлар. Ю.Л. Лясота зоонимия ҳақидаги илмий ишида инглиз тилидаги зоонимик лексемаларни таҳлил қилади ва зоонимларни: а) уй ҳайвонлари; б) ёввойи ҳайвонлар; в) қушлар-паррандалар; г) судралиб юрувчилар каби кичик гуруҳларга ажратади [3]. Бундан ташқари, у таркибида зоосема мавжуд бўлган турғун бирикмали гапларни иккига ажратади:

а) содда гапларда қўлланган зоонимлар: *all cats are grey in the dark* – оч қоринга ҳамма нарса ширин туюлади; *the scalded sheep infects the whole flock* – тирраки қўй подани бузади;

б) боғланган қўшма гапларда қўлланган зоонимлар: *the dog barks but the caravan goes on* – ит хуради, қарвон ўтади.

Н.А. Клушин эса, ўз номзодлик диссертациясида инглиз тилида шахсга нисбатан зоонимик ва фитонимик тавсифни ўрганган. У инглиз ва рус тилларидаги зоонимларни ўзаро

таққослайди.[4] Масалан, «осел» рус тилида – тентак, нодон одам, "ass" инглиз тилида аҳмоқ, нодон одам – *a stupid, obstinate person*, "a pig" ифлос, пасткаш одам – *dirty, greedy; ill-mannered person*.

О.Ж. Латипов ўз номзодлик диссертациясида рус, ўзбек ва тожик тилларидаги уй ҳайвонлари номларининг семантик тузилишини қиёсий таҳлил қилади[5]. У ўз ишида учала тилдаги айнан бир хил ҳайвон номларини ифодаловчи сўзларнинг ҳар қайси тилдаги алоҳида маъно хусусиятларини изоҳлаб беради ва шу йўсинда айрим ҳайвон номларини учала тилда ҳам бир хил маънода келиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, ўзбек тилидаги «чўчка» ва рус тилидаги «скотина» зоонимлари иккала тилда ҳам салбий маънода келади. Рус тилидаги «курица» зооними эса кўпроқ салбий маънода ишлатилади. Бу сўз иштирокидаги ФБлар ўзининг коннотатив хусусияти билан изоҳланади:

- мокрая курица* – шалвираган, бўшанг одам;
- писать как курица лапой* – хунук ёзмоқ;
- оёги куйган товукдай* – ваҳимага тушиб, (салбий маъно);
- хўроз йигит* – эпчил ва мард йигит;
- хўроз гап* – асосий гап, гапнинг индаллоси;
- жўжа хўроз* – ўзини мағрур тутадиган бола, йигитча.

Турли тилларда зооним сўзларни ўрганиш ва уларни қиёслашдан бошланган тадқиқотлар кейинчалик фразеологияга ҳам кўчди ва таркибида ҳайвон номлари бўлган фразеологизмларнинг структурал-семантик ва грамматик жиҳатлари алоҳида ўрганила бошланди. Фразеологик бирликларни қиёслашда Ў.Қ. Юсупов таклиф этган метод ва тамойиллар назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.[6] Унинг фикрича, аввал тўғри келувчи (эквивалент) ва тўғри келмайдиган (эквивалент бўлмаган, муқобил) фразеологик бирликлар аниқлаб олинади. Сўнгра она тилида ва чет тилида эквивалент бўлган фразеологизмлар алоҳида ажратилиб, улар қуйидаги тамойилларга кўра қиёсланади:

- а) семантикаси, образлилиги (метафоризацияси);
- б) маъноларини қайта аниқлаш даражаси;
- в) компонентлари сони;
- г) компонентларининг жойланиш тартиби;
- д) синтактик алоқани ифодалаш усули;
- е) компонентларининг морфологик сўз туркумларига мансублиги;
- ж) компонентларининг кичик гуруҳларга киришига кўра;
- з) компонентлари сўзларнинг мавзусига тегишли бўлиши;
- и) вариантлилиги;
- к) қанча учраши (ишлатилиш частотаси);

ЗКФБларга бағишланган қизиқарли ишлардан бири Т. В. Шмелева томонидан ёзилган бўлиб, рус ва болгар тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлилига бағишланган.[7] У рус ва болгар тилларидаги ФБларни қиёслашда алоҳида «полиэталон» сифатида ғоз, қўй, сигир, товук, от, мушук, бўри, айиқ, пашша, ит ва ҳоказоларни кўрсатади ва уларни уч гуруҳга ажратади.

Биринчи гуруҳга у қуйидаги синонимик қиёсий ФБларни киритади: *тихий какмыш* – сичқондек беозор; *затаился какмыш в норе* – гунг бўлиб қолмоқ, оғзига талқон солмоқ; *притих какмыш под метлой* – сичқоннинг ини минг танга бўлмоқ. Иккинчи гуруҳдаги ФБлар таркиби асосан уй ҳайвонларининг номларидан тузилган зоонимлар бўлиб, уларнинг айрим хусусиятлари ҳар доим уларга қарайдиган (парваришлайдиган) инсонларга қиёсланади: *работать как ломовая лошадь*; *дышать как лошадь*.

Полиэталонларнинг учинчи гуруҳига рус ва болгар тилларидаги «собака» зооними киритилади ва уларнинг ФБларда маъно кучайтирувчи сўз бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Бундай қиёсий тусдаги ФБларда зооним компонентнинг асл маъноси йўқолади ва у фақат белги ёки ҳаракатни кучайтирувчи элемент вазифасида келади:

Голодный как собака – жуда ҳам оч, *злой как собака* – жуда ёвуз, *устать как собака* – қаттиқ чарчаган, *избить как собаку* – ёмон дўшпосламоқ.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, турли тилларда образ-эталонлар ҳар хил сифат ва хусусиятларга эга. Айнан бир зооним икки тилда ҳам бир хил маъно вазифасида қатнашмаслиги мумкин. Зоонимик ФБлар қандай тилда бўлмасин, ўша тилнинг, ўша халқнинг ўзига хос менталитетини акс эттиради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, зоонимик лексика қардош бўлмаган тиллардагина эмас, балки бир-бирига яқин бўлган тилларда ҳам ўрганилган. Бизнинг таҳлилимиз зоонимик лексиканинг кўп қатламлилигини ва кенг қўлланилишини исботлайди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек тилидаги зооним компонентли фразеологик бирликларнинг семантик ва прагматик тузилишга оид хусусиятлари ҳамон ўрганилмоқда.

Одатда, ҳар бир ҳайвон, ҳашарот ёки парранда айрим ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, чумоли ва асалари меҳнатсеварлик рамзи бўлса, шер довуракликни, қуён эса эҳтиёткорликни англатади. Масалан, инглиз тилидаги *spring chicken* «тажрибасиз киши»ни англатса, ўзбек тилидаги «аммамнинг бузоғи» худди шу мазмунни беради. Бу ўринда, инглиз тилида "*chicken*" ўзбек тилида «бузоқ» зоонимларидан фойдаланилган. Айрим фразеологик бирликлар кишиларнинг бирор воқеа-ҳодисага нисбатан ҳолатини белгилайди.

By cock! – Худо ҳаққи!

Has the cat got your tongue? – Мум тишлаганмисан? Нера гапирмайсан?

Donald and Felicity stood there paralyzed. "Come on" said Miss Hand Porth, Has the cat got your tongue? What have you two been up there, may I ask?

What dog is hanging? – Ўзи нима гап? [9]

Фразеологик бирликларнинг предметлик маъносидан ташқари эмоционал-экспрессив, баҳомуносабат каби маъно элементларининг омухталиги фақатгина предметнинг ўз мантикий маъносига хос бўлиб қолмасдан, ундаги эмоционал муносабатни ифодалашга ҳам хизмат қилади. Масалан, “илоннинг ёғини ялаган” фразеологик бирликлари катта ҳаётий тажрибалиликни, шумлик, муғомбирлик каби инсонлар характерини ифодалайди. Инглиз тилида бунинг аналог сифатида кўйидаги иборани беришимиз мумкин: *As slippery as an eel* (илонбалиқдек тутқич бермаслик) Шу билан бирга бу фразеологик бирликлар кишига нисбатан кесатик(ироник)муносабатни ҳам кўрсатади. Шу сабабли бундай ибораларни нейтрал вазиятда ишлатиш сал ғализроқ туюлади. Масалан, “кўй оғзидан чўп олмаган” бирикмаси бир томондан ювош кишини характерласа, иккинчи томондан шу кишига бўлган кесатиклик, кулгили салбий муносабатни ифодалайди ва бунга *as quite as a mouse* (сичқондек беозор)-мусичадек беозор иборасини аналог сифатида олишимиз мумкин. Шу каби омилларни ҳисобга олганда, фразеологик бирликларнинг предметлик маъноси иккинчи даражалидир. Нутқда фразеологик бирликлар асосан эмоционаллик, экспрессивлик, образлилик, кенг қўламда айтганда прагматик вазифани бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Галькина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности в языке.-Сб.статей по языкознанию.- М.,1958
2. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2000
3. Лясота Ю. Н. Английская зоосема. Изд. Дальневосточного университета. – Владивосток, 1984. – 116 б
4. Клушин Н.А. Зоо и фитоморфные характеристики человека в английской разговорной речи: Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1991. – 22 б.
5. Латипов О.Ж. Анализ семантической структуры тематического пространства «домашние животные» в разносистемных языках (На материале русского, узбекского и таджикского языков): Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1997. – 28 б
6. Юсупов У. К. Проблемы сопоставительной лингвистики: Автореферат дисс. ... доктора фил. наук. – М., 1983. – 40 б
7. Шмелева Т. М.Существительные полиэталоны в английских устойчивых сравнениях // Актуальные проблемы психолингвистики. – Тверь, 1996
8. Гюббенет И.В., Черезова Т.Л. Слова «кошка» и «собака» как лингвострановедческая и лексикографическая проблема. // Вестник Московского университета. Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2004. №2. – 55-60 б.
9. Карасик В.И.; Красовский В.А. Слышкин Г.Г. Лингвокультурная концептология. – Волгоград. Парадигма, 2009, 350 б.

УДК 81+37

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДИАЛЕКТИЗМОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ Н.В.ГОГОЛЯ

Ш. Худайбергенов, магистрант, Ургенчский государственный университет, Ургенч
Х.С. Рузимбаев, к.ф.н., доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Ушбу мақола Н.В.Гоголь асарларидаги шева сўз бойлигининг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида. Диалектизмларнинг турли шакллари ва турлари кўрсатилган, бу бўлажакдаги ўқитувчиларга украинизмларни тўғри тушуниши ва талқин қилишида ёрдам беради.

Калит сўзлар: халқ-шеърый нутқ, маъновий хилма-хиллик, наср, танқидий адабиёт.

Аннотация. В данной статье речь идет о лексико-семантических особенностях диалектной лексики в произведениях Н.В.Гоголя. Показаны различные формы и виды диалектизмов, которые помогут будущим учителям-филологам в правильном видении и толковании украинизмов.

Ключевые слова: народнопоэтическая речь, смысловое многообразие, проза, критическая литература.

Abstract. This article deals with the lexical and semantic features of dialectal vocabulary in the works of N.V.Gogol. Various forms and types of dialectisms are shown that will help future teachers in the correct vision and interpretation of ukrainianisms.

Keywords: folk-poetic speech, semantic diversity, prose, critical literature.

В последние годы становится традицией обращение к древней живописи, песням, обычаям, языку, народным говорам. Это становится основой возрождения национальной культуры. Многие писатели раскрывают в своих произведениях национальный колорит языка, используя диалектную лексику и фразеологию, говоры, присущие русскому языку.

Использование Н.В.Гоголем народнопоэтической речи и украинизмов не носило характера порчи и засорения литературного языка, а напротив, расширяло и обогащало его.

Среди лексических диалектизмов самой интересной, на наш взгляд, является группа лексико-семантических диалектизмов, так как именно она наиболее ярко выражает пример самобытности народа.

Если приглядеться к тому, как Гоголь раскрывает образы своих героев, то можно заметить, что у каждого своего лица, свой характер, своя манера поведения. Достигается это и точно описанным портретом, и изображением, и метким словом.

Почти два столетия прошло с тех пор, как создавал свои бессмертные произведения Гоголь. Жизнь изменилась, изменился, естественно, и язык, отразивший жизнь гоголевского времени. И, когда современный читатель берет художественное произведение Гоголя, он неизбежно наталкивается на многие слова, затрудняющие чтение. Это и те слова, которыми назывались учреждения, должности, предметы общественного и бытового обихода, одежда, угощения, и те слова, в которых отразилось мировоззрение людей XIX века.

Из диалектных речевых средств Н.В. Гоголь использует в повестях, главным образом, элементы диалектной лексики. Но и в принципах отбора областных слов ярко проявляется индивидуальная манера художественного мастерства писателя. Из лексического состава областных народных говоров Н.В. Гоголь берет, в основном, те слова, семантика которых ясна и вне контекста (например, хлопец, тулуп, хутор, бублик, зелье и т.д.). Но также писатель включает в языковую ткань произведений узкотерриториальные диалектизмы, нуждающиеся в дополнительных разъяснениях (например, курень, кавун, молька, тавлинка, свита, баштан, кухоль и т.д.).

Диалектная лексика повестей Н.В. Гоголя неоднородна по своим лексико-семантическим и грамматическим признакам. Внутри ее можно наметить несколько разрядов слов, имеющих свои характерные особенности.

В повести «Заколдованное место» Гоголь употребляет слова:

Баштан - в значении «огород в поле, на котором разводятся арбузы, дыни, тыквы». (В.И. Даль)

Курень - в значении «временной приютъ въ поле, шалаш». (В.И. Даль)

«Дед засеял баштан на самой дороге и перешел жить в курень». (Заколдованное место.- М, 1985.- с.206).

Второй разряд диалектической лексики анализируемых повестей составляют слова общенародного языка, которые в одном из произведенных значений употребляются в том или ином говоре или в группе близких говоров. Это разряд семантических диалектизмов в повестях включает в себя значительное количество слов.

В повести «Заколдованное место» Н.В. Гоголь употребляет слова:

Дерн – в значении «верхний слой почвы, густо заросший злакомъ колосового, лугового травой» (В.И. Даль)

«Эх, жаль! Ну кто знает, может быть, стоит только поднять дерн, а он тут и лежит, голубчик!». (Заколдованное место.- М.,1985.- с.209)

Хутор - в значении «юж.мыза, употр. Заимка, усадьба со сколомъ и сельскимъ хозяйствомъ». (В.И. Даль)

В повести «Вечер накануне Ивана Купала» Н.В. Гоголь использует слова:

Барышник – в значении «мелочный торгашъ, скупщикъ, перекупщикъ, базарникъ». (В.И. Даль)

«Писаки они не писаки, а вот то самое, что барышники на наших ярмарках». (Вечер накануне Ивана Купала.- М., 1985.- с. 38)

В повести «Майская ночь или утопленница» Н.В. Гоголь использует слова:

Батя – в значении «стар а въ ряз тмб. И поныне родитель, отец». (В.И. Даль)

«Будешь ли ты меня нежить по-старому, батьку, когда возьмешь другую жену?». (Майская ночь или утопленница.- М., 1985.- с. 53)

Вышеупомянутая лексика обладает большой смысловой и образной емкостью и придает повестям своеобразие художественного языка.

Диалектная лексика вышеперечисленных разрядов распадается по значению на несколько тематических групп. Так, среди диалектизмов анализируемых повестей, можно отметить следующие группы лексики:

1. Слова, обозначающие лиц по семейным и родственным отношениям: батя – отец; своякinya – жена сестра; молодича – молодая замужняя женщина; родич – родитель.

2. Слова, характеризующие людей по внешним признакам и образу жизни и занятий: ватага – дружная компания; дгожий – здоровый, сильный; буян – смелый, храбрый; гумах – извозчик на валах; скряга – жадный, скупой; гуляка – праздный, гулящий; краля – королева.

3. Слова, связанные с наименованием действий и характера поведения людей: брякать – греметь, стучать; провозить попа в решете – лгать на исповеди; выпучить (глаза) – выставлять, говорить о частях того же тела, к которому относится и действия; подпирать – поддерживать, подставляя подставками, подпорками; столбенеть – стать неподвижно, столбом от изумления; калякать – беседовать, разговаривать; пособить – помочь, дать помощи.

4. Слова, обозначающие названия кушаний: галушка – клецки; бублик – кольцо, крендель из пшеничного теста; бухонец – сытный хлеб; маковник – лепешка из толченого маку с медом; кутья – каша с изюмом.

5. Слова, обозначающие жилище и предметы домашнего обихода: лежанка – длинный выступ из печи, на котором лежат; комора – чулан, кладовая; кухоль – глиняный кувшин; колода – большое корыто; куфа – кадь, бочка; каганец – ночник, лампадка; гребень – снаряд для расчески льна и пеньки.

6. Слова, обозначающие названия одежды и ее частей: тулуп – шуба без перехвата; хуста – одежда; смушка – ягнячья овчина; малахай – длинная плеть, кнут; кунтуш – верхняя мужская одежда.

7. Слова, обозначающие названия сельскохозяйственных угодий и культур: кавун – арбуз.

8. Слова, обозначающие орудия труда: заступ – железная лопата для копки; кия – палка, трость; жито – рожь.

Таким образом, выделенные лексико-тематические группы могут наиболее полно представить особенности функционирования и специфику диалектных слов, употребленных Н.В.Гоголем в своих повестях.

Вторая половина XIX века – период интенсивного вхождения диалектизмов в русский язык. Достоинством творчества Н.В. Гоголя является то, что он внес в литературный язык множество диалектизмов, использование которых в языке художественных произведений позволило расширить область выразительно - изобразительных средств русского языка, его словарный состав.

Судьба диалектизмов в литературном языке также неодинакова. Одни из них сохраняют просторечный характер и в современном русском языке (миска, каравай, хата, хлопец), другие сохраняют оттенок разговорности (говор, буян, брякать, сызнава).

Сопоставительный анализ семантического объема украинских диалектизмов, словосочетаний, которые образуются с этими словами в каждом языке, расширяет лингвистический кругозор будущих учителей русского языка, обогащает их словарный запас.

Таким образом, тщательный анализ лексико-семантических диалектизмов помогает уяснить различие и сходство в их составе, выявить определенные закономерности в обозначении предметов и явлений объективной действительности, найти рациональные пути в обогащении русского словаря учащихся.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Белинский, В.Г. Статьи о Пушкине, Лермонтове, Гоголе. - М., 1983.
2. Виноградов, В.В. Язык Гоголя и его значение в истории русского литературного языка. - М., 1982.
3. Гоголь, Н.В. Вечера на хуторе близ Диканьки. Миргород. - М., 1985.
4. Розенталь, Д.Э. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М., 1976.
5. Русский архив. - 1908. - №10. - С. 266.
6. Фомина, М.И. Современный русский язык. Лексикология. - М., 1990.

УЎК 94(575.1)

ЖАДИДЧИЛИК ИБТИДОСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

М.Ширинова, таянч докторант, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент

Аннотация. Мақола жади́дчилик ибтидоси, уни юзага келишида матбуотнинг ўрни ҳақида мулоҳазалар мавзуга доир бирламчи манбалар асосида баён қилинган.

Калим сўзлар: жади́дчилик, матбуот, “Таржумон”, “Шўро”, Шихобиддин Маржоний, Абдулхабир ал-Муслимий, Исмоил Гаспринский, Туркистон

Аннотация. В статье описаны истоки джадидизма и роль прессы в его возникновении на основе первоисточников по данной теме.

Ключевые слова: джадидизм, пресса, «переводчик», «шура», Шихабиддин Марджани, Абдулхабир аль-Муслими, Исмаил Гаспринский, Туркестан.

Abstract. The article is recited about the beginning of the jadidism and the role of publishing in the occurrence based on primary sources.

Key words: jadidism, publishing, "Tarjumon"(translator), "Shuro"(the period of repression), Shihobiddin Marjoni, Abdulhabir al-Muslimiy, Ismail Gasprinskiy, Turkiston.

Бизнингча, шу билан бирга кўпгина адабиётларда қайд этилганидек, жади́дчилик ҳаракатини бевосита И.Гаспринскийдан бошлаш, унинг бутун вужудини, ўша давр атамаси билан айтганда, ички Русия худудиде деб белгилаш ҳам унчалик тўғри эмас. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан жади́дчилик асосчиларидан бири сифатида қараладиган Шихобиддин Маржоний 11 йил давомида Бухорода таҳсил олгани ва фаолият юритгани, айниқса, унинг жади́д ғоялари шаклланишида муҳим ўрин тутган ижтиҳод ва тақлид концепцияси бизнинг ватанимиз тупроғида туғилганини, унинг Абдулхабир ал-Муслимий каби шогирдлари томонидан давом эттирилиб, жади́дчиликнинг асосий тушунча ва тамойилларини шакллантиргани каби жихатларни назардан четда қолдирмаслик керак. Мазкур масалалар адабиётларда бир қадар таҳлил қилинган. (АН РТ. 2019. №1 – 2. – С. 40)

Шихобиддин Маржоний ҳақида жуда кўплаб илмий адабиётлар мавжуд. (АН РТ. 2019. №1 – 2. 290 с.) Лекин у ҳақда жади́д матбуотининг ўзида, шогирдлари томонидан битилган мақолалар ҳали ҳам қимматини йўқотган эмас. Кейинги давр адабиётларида ҳам улардан унумли истифода этилмоқда. Масалан, Аҳмад Қорадара келтирган маълумотларнинг (АН РТ. №1 – 2. 2019. – С. 13 – 23.) жуда катта қисми айнан Ризоуддин Фахруддиннинг “Ўз асринда ислом дунёсинда улуғ олимлардан, мужаддид (янгиловчи) ва муслих (ислохотчи)лардан бўлгон Шихобиддин ал-Маржоний ҳазратларининг дунёга келувида бир ҳафтадан сўнг хижрий тарих ҳисоби бирла бир юз йил” (мақоланинг биринчи саҳифасидан – М.Ш.) тўлиши муносабати билан нашр қилинган “Маржоний” йирик ҳажмли мақоласида берилган. (Шўро. 1915. №1. – С. 1) Бугунги кунда буюк ислохотчи сифатида тан олинган, туркий дунё тафаккури янги ўзанга тушишида катта хизматлар қилган олим сифатида тан олинган Шихобиддин Маржоний ўзига билдирилган асосиз маломатларга жавобан “Дахи бизнинг эътиқодимиз тавҳид, тақдир ва тамжид масалаларинда ва казалика вужуд ва худуси олам ва тафосили аҳволи ҳашру нашрда салафи солиҳин ва ҳақиқатан аҳли сунна вал-л-жамоа ўлан саҳоба ва тобеъин, фуқаҳои мухтаҳидин ва уламои муҳаддисин вафқина бирда зиёда ва нуқсон қилмайди” – деб ёзган эди. (Шўро. 1915. №1. – С. 1 – 3.)

Худди Ш.Маржоний каби И.Гаспринский шахсияти ва фаолияти ҳақида энг ишончли манбалар, албатта, унинг ҳаётлигида ёзилган ёки сафдошлари, шогирд ва ҳаммаслакларини томонидан битилган биографиялар, хотиралардир. Ана шулардан бири “Шўро” журналининг 1914 йил 21, 22, 23, 24-сонларида “Машхур одамлар ва улуғ ходисалар” рукни остида эълон қилинган Р.Ф. (Ризоуддин бин Фахриддин)нинг “Исмоилбек Гаспринский” мақоласидир. (Шўро. 1914, №21. – С. 642 – 643;) Мақола катта ҳажмда бўлиб, И.Гаспринский ҳақида муфассал сўз юритилган. Ушбу мақола ўз навбатида “Таржимаи ҳоли”, “Оиласи”, “Таҳсил ва тарбияси”, “Амаллари ва амаллари”, “Олмошингон фикрлари”, “Фурсатларини тақдир қилувлари” (вақтини қандай

тақсимлаши), “Маишати ва хусусий ҳаёти”, “Хасталиги ва сўнг кунлари”, “Васияти ва вафоти”, “Жанозаси”, “Вафоти хабариндан ҳосил бўлгон таъсир” қисмларидан иборат.

Бизнингча, “Таржумон” нинг 1895 йил 21-сонида босилган қуйидаги мақола И.Гаспринскийнинг умумий ҳаракат ва мақсадларини баён қилади. Мақолада, ўта тор доира вакиллариға маълум бўлган мақсадларни ҳисобга олмаганда, жадидчиликнинг асосий тамойиллари қисқача бир тарзда баён қилинган деб ҳам ҳисоблаш мумкин:

“Ўн уч санадан бери қирқ турли чийрув ёзгон фикрларимиз ушбу беш-олти моддадан иборат эди:

1) Русия таъбаси бўлгон мусулмонлар ҳукуматга ҳар ҳолда садоқат этмая шаръан ва низоман (қонунан) бурчлидирлар.

2) Ҳар бир мусулмон ичун таҳсили диний фарзидир. Лекин бунинг ила иктифо этмаюб (кифоланмай), улуми дунё ва касби ризқ ичун лозим ўлан фунун ва камолот таҳсилина ва юртимизнинг расмий дили ўлан рус дилининг таҳсилина ғайрат этмаси керақдир.

3) Дунёда умр этмақ, яшамок ичун ишламақ лозимдир. Ишдан фойдаланмақ учун ишни билмақ лозимдир. Биноан илайх (шунга кўра), санойеъ (ишлаб чиқариш), ҳунар, тижорат усуллариини замонамиза кўра билмақ ва кўчирмақ (ўзлаштирмақ) зарурдир. Сойирларнинг (бошқа халқларнинг) иш ва камолоти биздан илравда (олдинда) ўлур эса, қору касблари дахи (ҳам) ўлажағи маро табиийдир. Замонча қўмшиларимиздан (қўшниларимиздан) киравда (ортда) қолмамайлидир (қолмайлик).

4) Тупроқ ишлари, зироатчилик инсонларнинг энг буюқ, энг муҳим дунёлиғидир...

5) Ҳар турли илм билур ва камолот ўқув ва таҳсил юзиндан келур... Ибтидоий миллий мактабларимизни ислоҳ ва проғромларини майдонлаштирмақ (шакллаштирмақ) мулоҳазаларини эдийўриз. Мукамал таҳсили диний ила баробар маориф ва камолотдан ҳисса олмақ йўллариини орошдирийўриз. Ҳам охиратимизни таъмин, ҳам дунёмизни роҳат этмақ лозимдирки, бирининг воситаси улуми диния ўлдиғи каби дигари (бошқаси)нинг санойеъ ва маориф ва камолотдир.

6) ...Ўз маҳалласиндан ёки қариясиндан (қишлоғидан) моадо (бошқа, ташқари) дунё ва кунлариндан (ўз турмушидан) моадо аҳвол билмаян одамнинг кўзи кўринжи; фаҳми англайишли ўламаз...

7) Мусулмонларнинг гўзал ҳоллариндан камоли ифтихор баҳс эдуб, лозим ўлдиғи ҳолда иснод эдан ғазетлара жавоблар ва раддиялар ёздиғимиз сўрада (асносида) муҳтожи ислоҳ ўлан ҳолларими сатр этмая (яширишга, беркитишга) виждонимиз-да мусоид бўламиюриз... Эски замонларда бадавий бўлгон қарт бобойларимиз демишларки, “Йўқликни инкор эдан борлиқли ўлмаз, дардини сўйламаян дармон буламаз (топмас)”. Бу асри маданияда яшаюб-да бу қадар чўқ ҳақиқати-да қабул этмаялилим?”. (Таржумон. 1895 №21.)

И.Гаспринскийнинг қуйидаги мақоласи ҳам жадид матбуоти тадрижи учун муҳим манбалардан биридир: “Бу йил “Таржумон” учинчи ёшина кирди. “Таржумон” манфаат ва ғарази шахсий ичун дунёға келмиё, балки Русиядаги мусулмонларнинг маориф тараққийларина, ватанимиз ҳам давлатимиз хушлиғи ва саломатлиги ичун хизматчи бўлгонликдан жумла ўқувчиларимизға мунинг ҳақинда маълумот берурга мажбурмиз. Иккинчи йил “Таржумон”нинг 1-нўмири чиқонда 200 олувчиси бор эди. Ғазета масрафининг фийсабилллоҳ ўзумиздан кўшуб йил охирина етишдирдик. 1883 йил декабринда олучиларимиз 406 га етди. 1884 йил бўйинча орта боруб, ушбу ўткан декабрда олувчиларимиз 1000 киши бўлди. Ушбу минг кишидан беш юзи олимлар, уч юзи савдогарлар, юзи тўра ва мирзолар, қолғони бошқа халқлардир. Бу минг кишининг уч юзи қримли, уч юзи Астрахань ва Самар, Саратов ва Ўренбурх, Уфа ва Қозон ва Пермь мусулмонлари, эллик Сибирия мусулмонлари, икки юзи Ўрта Озиё ва Туркистон исломларидир”. (Таржумон. 1885 йил №1.)

И.Гаспринский 1893 йилда Самарқанд ва Бухорога бориб, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулқодир Шақурийлар билан учрашиши (Н.К. 2008. – Б. 15) нафақат Туркистон жадидлари, балки ватанимиз тарихида муҳим воқеалардан бири бўлди. “Таржумон”нинг Туркистонда ўта фидойи ихлосмандлари, яъни унда илгари сурилган ғоялар тарафдорлари бор эди. Ш.Юсупов ёзишича, “Туркистон вилояти газетининг” 1901 йил эълон қилинган фармоннинг шарҳига кўра император томонидан “Русия давлатига яхши хизмат қилгани”, айниқса, “тинчу хотиржам юргани” учун генерал-майор унвони берилган Жўрабек устидан Туркистон генерал-губернатори қуйидаги чақув хатини ёзади: “Таржумон” газетасининг жонкуяр тарғиботчиси генерал Жўрабекдир. У янги усул (мактаб) билан қизиқмоқда. Гаспирали Тошкентга келганда у билан учрашди”. (Жаҳон адабиёти. 1999. №2. – Б. 157.) Хуллас, “Генерал Жўрабек Қаландаровнинг “Таржумон” газетасининг обуначиси ва тарқатувчиси эканлиги оҳранкаға маълум бўлгач, ордан

бир оз вақт ўтиб Нарсес деган бир армани томонидан ўлдириб кетилган...” (Водийнома. 2018. №3. – Б. 56.) Жўрабекнинг ўлдирилиш тафсилотлари “муслмон оламининг душмани миссионер Н.Остроумов” (Мустафо Чўқай таъбири) (Водийнома. 2018. №3 (10) – Б. 7)га ҳам маълум бўлган. Бу ҳолат, биринчидан, юқорида И.Гаспринскийнинг асл сиёсий позицияси ҳақида мулоҳазаларимизга муҳим далил бўлса, иккинчидан, миллий матбуот Чор ҳукумати наздида ўзига қарши қаратилган кучли қурол эди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Каудари П. Вличние Шихабалдина Марджани на ханафизм Ближного Востока и Южной Азии // Islamology. Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ. 2019. №1 – 2. – С. 40; Шаблей П. «Заложник» обстоятельств или реформатор: жизнь и наследие Абдулхабира ал-Муслими // Islamology. Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ. 2019. №1 – 2. – С. 84.
- 2.Islamology. Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ. 2019. №1 – 2. 290 с.
- 3.Канлыдере А. Казанский ученый, истории и религиозный реформатор Шихобалдин Марджани // Islamology. Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ. №1 – 2. 2019. – С. 13 – 23.
- 4.Р.Ф. (Ризоуддин Фахруддин) Маржоний // Шўро. 1915 йил 1 январь – 1333 хижрий қамарий 21 сафару-л-хайр, №1. – С. 1.
- 5.Ф. (Ризоуддин Фахруддин) Маржоний // Шўро. 1915 йил 1 январь – 1333 хижрий қамарий 21 сафару-л-хайр, №1. – С. 1 – 3.
- 6.Р.Ф. (Ризоуддин Фахруддин) Исмоилбек Гаспринский // Шўро. 1 ноябрь 1914, №21. – С. 642 – 643; Шўро. 15 ноябрь 1914, №22. – С. 673 – 681; Шўро. декабрь 1914, №23. – С. 701 – 708; Шўро. 15 декабрь 1914, №24. – С. 737 – 741.
7. “а”си “алиф” ҳарфи билан ёзиладиган бу сўз “орзу”, “умид” деган маънони англатади.
- 8.Газета номини ҳозирги ўзбек адабий тилига мослаб “Таржимон” шаклида бериш урф бўлган бўлса ҳам, унинг ҳар бир сониди “жим” ҳарфидан кейин “у” қисқа унлисини ифодаловчи “замма” ҳаракати берилгани ҳамда эски ўзбек тилида ҳам “таржимон” сўзи “таржумон” шаклида бўлганини этиборга олиб, муҳими, тарихий тамойилга асосланиб, “Таржумон” шаклида беришни лозим топдик.
- 9.Иқтибос айрим қисқартиришлар билан берилмоқда. Қавс ичидаги изоҳлар бизга тегишли.
- 10.Таржумон. 1895 йил. №21
- 11.Таржумон. 1885 йил №1.
- 12.Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б. 15.
- 13.Юсупов Ш. Хуфия қатламлар // Жаҳон адабиёти. 1999. №2. – Б. 157.
- 14.Сирождин А. Андижоннинг тараққийпарвар фидойиларини хотирлаб // Водийнома. 2018. №3. – Б. 56.
- 15.Шамсутдинов Р. Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб // Водийнома. 2018. №3 (10) – Б. 7.

УЎК 94(575.1)

КАРДОШ ХАЛҚЛАР ЖАДИД МАТБУОТИДА ҲАММАСЛАКЛИК

М.Ширинова, таянч докторант, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада жади́дчилик матбуоти ривожидида ўзбек ва татар зиёлиларининг ўзаро таъсири, ушбу таъсир ҳамда алоқаларни шакллантирувчи гоёлар хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: жади́дчилик, матбуот, “Садои Туркистон”, “Оина”, “Эл”, “Таржумон”, “Шўро”, Туркистон, гоёвий таъсир.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о взаимодействии представителей узбекской и татарской интеллигенции, его роли в развитии джадидской прессы, а также обсуждаются идеи, воздействующие на формирование связей и взаимосоотрудничества.

Ключевые слова: джадидизм, пресса, «Садои Туркистон» («Голос Туркестана»), «Оина» («Зеркало»), «Эл» («Народ»), «Таржумон» («Переводчик»), «Шуро» («Совет»), Туркестан, идейное влияние.

Abstract. The article says about interaction between tatar and uzbek excellencies, and this interaction and sharpening the ideas in the way of development of jadidism.

Key words: jadidism, publishing house, "Sadoi Turkiston", "Oina", "El", "Tarjumon", "Shuro", Turkiston, "ideal influence.

Жади́д матбуотининг ёрқин намунаси “Эл” (“Ил”) ижтимоий-сиёсий газета бўлиб, 1913 йилнинг 22 октябридан Петербургда, 1914 йилнинг ноябридан 1918 йил апрелига қадар Москвада татар тилида ҳафтада 3 марта нашр этилган, жами 292 сони дунё юзини кўрган. Ношири – Муҳаммад Аёз Исҳокий ва М.А.Мавломбердиев (Нажиб Асрий, “вақтли муҳаррир”). 1915 йилнинг декабридан 1916 йил июнигача “Сюз”, 1916 йил 10 ноябридан 1918 апрелигача (“Бизнинг эл” – “Безнен иль”) номлари билан чиққан. Асосий муаллифлари: Г.Абизов, Ш.Алкин, М.Ақчурина, З.Валидий, Г.Дивишев, Н.Думавий, Г.Кариве, Г.Каримов, М.Мақсудова, К.Мустақаев, Ш.Муҳаммадёрв, К.Саид, А.Сартанова, С.Сунчелей, Ф.Тўқтаров, М.Халилий, С.Яъкубова ва

бошқалар бўлган. (Татарская энциклопедия. С. 554.) Тахририятнинг асосий мақсади миллатнинг маданият даражаси ошириш ва туркий халқларнинг миллий онгини ўстириш; Россия мусулмонлари бирлиги; ислом оламида юз бераётган воқеаларни холисона ёритишдан иборат қилиб белгиланган эди.

Газетанинг 1915 йил бошидаги бир неча сонидан тақдим этилган реклама матнида, жумладан, қуйидагилар берилган: “Эл” иккинчи йил нашринда. Аввалги маслакиндан айрилмиш: Оқчура ўғли Юсуф, Муҳаммад Аёз ўғли ал-Исҳокий, Муҳаммад Фуод Тўқтаров, Саид Рамиев, Шокир Муҳаммаёров, Мажид Ғафурий, Бурҳон Шариф, Ноиб Мисрий ва бошқаларнинг иштироки бирла давом этажақдир. “Хотин-қизлар товуши” [рукни] олий мактабларда ўқувчи туташлар ва бошқа татар хонимларнинг иштироки била оллуб борилажақдир”.

Ҳақиқатан ҳам, “Эл” саҳифаларида “муҳтарама муҳаррира”лардан Маҳбуб Жамол Ақчурина, Салима Яъқубова, Камола Музаффария каби зиёли аёллар иштироки сезиларли эканини кўрамиз. Газетанинг шу йилги 68-сонидан Маҳбуб Жамол Ақчуринанинг бир неча ҳикоя китоблари рекламаси ҳам берилган. Умуман, газета саҳифаларида унинг ижодкорлари қаламига мансуб китоблар тарғиботи мунтазам олиб борилган. Масалан, 67-сонидан Муҳаммад Аёз ал-Исҳокийнинг “Муаллим” номли уч пардали драмаси “Эл” матбаасида босилиб чиқиб, сотувга қўйилгани ёзилади.

1916 йилдан эътиборан “Яшасун халқ жумхурияти!” “Русия мусулмонлари бутун ҳуқуқлари бошқа миллатлар билан тегиз (тенг) бўлуви фаолиятга чиғарилсун!” шиорлари билан чиқарилган. Асосий мундарижаси қуйидаги рубрикалардан иборат бўлган: 1. Идорадан. 2. Хорижий хабарлар. 3. Доҳилий хабарлар. 3. Хотун-қизлар товуши. 4. Умумевропа сўғиши (уруш йиллари). 5. Муҳобирлардан. 6. Турли хабарлар. Шунингдек, унда А.Тўқай, М.Ғафурий, Н.Думавий, С.Сунчелей, М.Шарифий қаламларига мансуб шеърлар, А.Исҳокий, К.Тинчури, А.Раҳим, Х.Асрий ва бошқаларнинг ҳикоя ва фелъетонлари, янги бадиий ва илмий ҳамда илмий-оммабоп китобларга тақризлар, илғор Ғарб мамлакатларидаги илм-фан, таълим ва иқтисод борасидаги ютуқлари ёритилиб борган. Газета “Юлдуз”, “Вақт”, “Илче”, “Қуёш”, “Оқ йўл”, “Ялт-Юлт”, “Сююмбике” ва бошқа татар газеталари билан ҳамкорлик қилиб, ўзаро ахборот алмашган ҳамда тарғиботи (рекламалари)ни бериб борган.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, бу газетада ҳам аксар татар матбуотига хос бўлган бағри кенглик ва бир-бирларини тарғиб қилиш тамойили амалда бўлган. Гап улар бу учун бир-бирига маълум миқдор тўлов қилганганида ҳам эмас. Чунки улар нафақат татар даврий нашрлари, балки бошқа туркийзабон газета ва журналлар тарғиботини бериб боради ҳамда улардан иқтибос келтириш, бошқалар кўчириб босиш билан қайд этилган тамойил ва хислатга содиқлигини кўрсатади. Масалан, “Шўро” журналининг 1909 йил 4-сонидан берилган эълон орқали бугунгача тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётган, деярли унутилган “Тўнғич” газетаси ҳақида маълумотга эга бўламиз: (Шўро. 1909. №4.)

“Тўнғич” ҳар сабоҳ нашр ўлунур.

Яқинда “Тўнғич” оди-ла янги бир газета чиқмая бошлаяжақ.

Бир сувратдаки, бу газетайи ёлнгиз Усмонли ўлкаси аҳолиси дагул, бутун туркча билинлар қулайлик била англая билажақдир. Бунинг ичин мундарижотинда бутун халқнинг фойда ва ийиликлари кўз ўгна келтирилак ёзилажақдир”.

Унда “Тўнғич” “бошли бошина бир ғезатадир, ҳеч бир пўлитика фирқасина мансуб дагулдир” – деб унинг сиёсий позицияси эълон қилинган. Шунингдек, газета бутун туркий зиёлиларни ҳамкорликка чорлайди. Шу ўринда газета номига “Чиғатой дилинда илк авлод маъносинадир” тарзида изоҳ берилган. Таъкидлаш керакки, ушбу номли газетани 1882 йилда И.Гаспринский томонидан нашр қилинган “Тўнғич”дан фарқлаш лозим. (Ганневич В.Ю., Горошков Н.П. 2018. №2. – С. 105.)

Худди шу тарзда газета саҳифаларида Туркистон миллий матбуоти, адабиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий вазиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилганини кўрамиз. Масалан, 1915 йил 27 январь (25 рабиъ ул-аввал 1333 ҳижрий) 67-сонидан “Садои Туркистон” рекламаси берилган бўлиб, ушбу реклама матни ҳам Туркистон жадид матбуоти ҳақида тасаввурларимиз кенгайишига маълум даражада хизмат қилади:

“...Осиёда, бу жумладан, Туркистонда мусулмонлар кўп бўлган ҳар шаҳар ва қасабаларда “Садои Туркистон”нинг муҳбир ҳам вакиллари бордир. Жаридага бу кунда Туркистондаги энг улуг муҳаррирлар, адиблар ва шоирлар иштирок этадилар. Идорага бутун Татар, Қафқаз ва Қрим матбуоти, машҳур рус жариди ва мажаллалари ва Истанбул, Миср, Эрон каби мусулмони кўп бўлган ерлардан жаридалар, мажаллалар олинадир. Ва ҳар тарафда муҳбиримиз бўлиндиғиндан

Туркистоннинг керак ичинда, керак тагинда бўлган ҳар ҳол ва ҳодисалар ҳақинда муфассал маълумот олуб ёзмок мумкиндир. Бухоро ва Туркистон тарафиндан Русияда тура бошлаган зотлар, хусусан, мударрис ва муаллим афандилар бу тарафдаги аҳволи маишат ва ҳар турли маданий, ижтимоий ўзгаришлардан хабар олиб турувни тиласалар тўб-тўғри “Садои Туркистон”га муштарий бўлсунлар. Жариданинг тили ҳар бир турк қабиласи енгиллик ила тушунур даражада осондир”.

Кўринадики, бирламчи манбанинг ўзи Туркистон жадид матбуоти бошқа мусулмон ўлкалардаги туркий халқлардан бошқа халқларнинг турли, асосан, туркий ва форс тилларида чиқадиган даврий нашрлардан огоҳ бўлиб борган ва мунтазам алоқа ўрнатганидан далолат беради.

“Эл”нинг “Садои Туркистон” билан муносабатларига мисол сифатида 1915 йилги 83-сонда мазкур газетадан “Тошкандда янги ширкат” хабарини кўчириб босганини келтиришимиз мумкин. (Эл, 1915 йил 8 март.)

“Эл” газетасининг 1915 йил 28 январдаги 67-сонда “Муҳобирлардан” рукнида Комила Музаффариянинг “Самарқанддан” хабари босилади. (Эл, 1915. 28.№67) Шу саҳифада ўзбекларнинг “Тўғри гап тукқанингга ёқмайди” мақолига мувофиқ татарча “Тўғрини айтган тувғонина ярамаган” мақоли берилган бўлиб, хабар мазмуни бу ҳикматнинг нақадар ростлигига амин қилади. Афсуски, ўтган аср бошидаги аҳволни ёдга олсак, муаллифнинг мақсади ўз қардоши (тукқани)ни ёмонотлиғ қилиш эмас, аҳвол ислоҳига интилиш эканини англаш қийин эмас. Хабардан келтирилган айрим ҳолатларнинг излари бугунги кунда ҳам сақланиб қолгани (масалан, қабр зиёратида ифрот – ҳаддан ошиш), ҳақиқатан, ачинарли ҳолатдир: “Туркистонлиларнинг ўзларина хос ювончлардан “суннат тўй”, “базм” ва бошқа кабин одатлар иқтисодий юлунгликларгагина сабаб бўладир... Жума кунларда халқ тилинда ваъз, насиҳат, хутбалар сўйланмаганга масжид олдиларида бўғизлари йиртилганича қичкируб турли хурофотни халқнинг кўнглина сингдирувчи маддоҳларнинг Хўжа Баҳоуддин ва бошқалар ҳақинда сўйлаган сўзлари билангина миллат ҳисларни уйғотиб бўлмай!” Хабардаги “бу вақтга қадар Туркистонда миллий байрамларга аҳамият берилмаган... Туркистонда мавлуд кунин байрам этув одати-да таралмаган. Туркистонлилар бутун ислом дунёсинда мақбул бўлган Рўза ва Қурбон байрамларин-да керак қадарли марҳамат этмаганлар. Ул кунларда ийдга борувдан бошқа байрам аломати этув бир иш-да ишламаганлар” – деган жумлалар бугунги кун назари билан қараганда, анча ажабланарли туюлади. Лекин бу гаплар, афсуски, айни ҳақиқат бўлганини даврдош Туркистон жадид матбуоти ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Ойина” журналининг ўзида айнан хабарда қайд этилган ҳолатлар хусусида “Ўз байрамларимизни эҳтиром этмак керак” мақоласида сўз юритилган: “Энди ўзимизга келсак: ҳафталик жумба байрамимиз нари турсун йилда бир маротабадан келатурғон ийди рамазон ва қурбон ва мавлуд кунларида ҳам касбу коримиздан қўл тортмаймиз. Баъзан қўл тортганда ҳам шундай муқаддас кунларни кадрю ҳикматини билмай, самовархоналарда чойхўрлик, базм мажлисини қуруб, жувон ўйнатмок ва майхоналарда юруб ичгулик, фахш ва фасод ила ўткурурмиз”. (Ойина. (1914 – 1915).)

“Эл”да босилган биз учун эътиборли материаллардан бири 1915 йил 20 мартдаги 88-сонда берилган “Туркистон ҳоллари” мақоласидир. (Эл. 1915.№88) Мақолада Туркистон халқларининг ичкиликка ружу қўя бошлагани, ичкилик оқибатида турли жанжал, пичоқлашмалар келиб чиққани боис ҳукумат томонидан чоралар кучайтирилгани, бу ўз навбатида маълум муддат самара берса ҳам, бир-икки ойдан бери бундай ҳолатлар яна ҳам кўпая бошлагани хусусида ёзилади. Мақолада кўтарилган масала жадид адабиёти ва публицистикасида жиддий эътибор қаратилган мавзулардан бири бўлган. Мисол тариқасида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи қахрамонларидан бири бўлган рус миллатига мансуб аёл – Парпи тўранинг хотини дейди: “Биласизми сартлар ҳам энди айниб қолишди. Кўп ичкилик ичишади. Мастлик қилишади. Янги шаҳар бузукхоналарида бир-бирига пичоқ солганлари кўп бўлар экан...” (Чўлпон. 1991. – Б. 161)

Ўз даврида “Тараққий” газетаси шундай ёзган эди: “Бизни Тошкентда ичкулик ва пивохўрлик чунон шойи бўлдики, бош бекатларимиздан бошлаб, думахона улуғларигача чой ўрнига пиво истеъмол қилурлар. На уламоларимиздан, на ҳукуматларимиздан бир киши йўқки, йигитларимизни ичкулик ичмокдин ман қилсалар. Давлат думасиға вакил сайламок учун аҳоли тарафдин кўзланган улуғ председателларимиз ичкулик ичиб, маст бўлиб, аҳоли орасида беибо кезмақдалар. Ажабо! Бунингдай фасод ахлоқ қандай ноинсофликдирки, аҳолига ваъз насиҳат қилиб, тазйиқ қайтармок ва қайтмоғонни уруб, сўкиб тазйиқ бермок вазифалари ўлғон ўғлимиз ўзларини обрўйини рус қизлари ила гостиниса золларида барбод этмақдалар. Аллоҳдан қўркиб, халқдан уёлмаслар”. (Тараққий. №1. 1906 йил 22 июнь.) Бу ҳақда Б.Ҳайит келтирган куйидаги фактлар эътиборга молик: “1909 йили Фарғонада олдин иккита ароқ сотиш маркази қурилади. Бу

рақам 1911 йилда 148 тага етади. Чор аёнлари ерли халқнинг маънавий қадриятларини заифлаштириш учун ароқ ва шаробга ўргатиб, майхўрликни мусулмонлар орасига ёйишга интиладилар”. (Жаҳон адабиёти, 1998. №11. – Б. 163 – 164.)

Масалага тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қараганда, бу муаммонинг юзага келишида ўзининг асрий ва аслий қадриятларини қадрламаган ерли аҳоли ҳам, инсониятнинг доимий душмани бўлмиш жаҳолатдан фойдаланиб, ичкиликни тарғиб қилган ва кенг ёйишга ҳаракат қилган босқинчи сиёсат ҳам баробар айбдор.

Аслида тилга олинган ичкилик ва зино каби ижтимоий муаммолар асрлар давомида жамият ҳаётининг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб келган, ўтмишда ҳам даҳо адиблар фаолияти ва ижодидан эътиборда четда қолган эмас. Масалан, Алишер Навоий “Муншоот”идаги мактублардан бирида шундай сатрлар бор: “Яна улким, шаҳр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса. Андоқким, шаробхона, байтул-латаф (фоҳишахона), қиморхона – буларга ўхшар номашруъ умурни (ишларни) куллий (бутунлай) манъ қилилса”. (А.Н. 1998. – Б. 193.) Фақат жадидлар масалани умуммиллий муаммо сифатида кўтариб, унинг муолажаси масаласига – муаммо ечимига эътибор қаратдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 Татарская энциклопедия. В 6 т. / Гл. ред. М.Х.Хасанов, ответ. ред. Г.С.Сабирзянов. – Казань: Институт Татарской энциклопедии АН РТ, 2002. – Т.2: Г-И. – С. 554.
- 2.Шўро. 1909. №4. Титулдан кейин рақамсиз саҳифа.
- 3.Ганневич В.Ю., Горошков Н.П. Новые материалы по истории Крымско-татарской печати // Вестник ВГУ. Серия: История. Политология. Социология. 2018. №2. – С. 105.
- 4.Тошкандда янги ширкат // Эл, 1915 йил 8 март.
- 5.Музаффария Комила. Самарқанддан // Эл, 1915 28 январь, №67.
- 6.Ойина. (1914 – 1915). – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 13.
- 7.Зариф. Туркистон ҳоллари // Эл. 1915 йил 20 март. №88.
- 8.Чўлпон. Яна олдим созимни. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 161.
- 9.Тараккий. №1. 1906 йил 22 июнь – 1334 ҳижрий 14 жумоди ал-аввал, панжшанба
- 10.Боймирза Ҳайит. Ёруғ кунлар орзусида // Жаҳон адабиёти, 1998. №11. – Б. 163 – 164.
- 11.Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 193.

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Т.Эназаров, проф., ф.ф.д., Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент
Н. Ҳамидова, катта ўқитувчи, Навоий кончилиқ институти, Навоий

Аннотация. Мақолада халқ ўйинлари келиб чиқиши ва ўз ўзидан юзага келмаслиги ҳақида. Бунинг учун халқ ўйинларини ўз фарзандларига ўргатадиган ўзи озод, келажаги ёрқин, шу билан бирга фарзандлари соғлом ва бақувват бўлган халқ вакиллари бир қанча асрлар давомида яратилганлигини мақолада ўрганилган.

Калим сўзлар: халқ ўйинлари, ўзбек халқи, Ўрта Осиё, кураш, кўпкари

Аннотация. В статье рассказывается о происхождении народных игр и их нераспространенности. С этой целью в статье исследуется тот факт, что люди, которые обучают своих детей народным играм, свободны, имеют светлое будущее и в то же время имеют здоровых и энергичных детей.

Ключевые слова: народные игры, узбеки, Средняя Азия, кураш, купкари.

Abstract. The article is about the origin of folk games and their non-occurrence. To this end, the article explores the fact that people who teach folk games to their children are free, have a bright future, and at the same time have healthy and energetic children.

Keywords: folk games, Uzbek people, Central Asia, kurash, kupkari

Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин бу анъананинг яна ҳам ривожланишига ҳукуматимиз жиддий эътибор бериб, маънавий-маърифий ва иқтисодий жиҳатлардан қўллаю-қувватлаб келяпти[1].

Агар ўзбек халқи, унинг этник таркибига кирадиган қабил ва уруғлари туркий халқларнинг авлодлари эканликларини ҳисобга олсак, туркийларда халқ ўйинларининг шаклланиши ва тараққиёти анча қадим замонга бориб тақалишини эътироф этиш керак[2]. Шу сабабли ҳам ўзбек халқ ўйинлари туркий ва ўзбек халқига хос бўлган масъуллик, қаттиятлик, миллий анъана, одат ҳамда қадриятларга содиқлик денденцияси ҳам жамоавий, яқка иждодий фаолиятнинг бетакрор маҳсули. Бунга “кўпкари” ҳамда “кураш” ва “мерганлик” каби куч, ақл, тажриба,

салоҳият ва ҳаракатчанликни бир бутунликни англатадиган халқ ўйинлари мисол бўлади. Шунинг учун ҳам уларни кенг халқ оммаси яратган ва минг-минг асрлар давомида сақлаб кела олган.

Халқимиз вакиллари томонидан яратилиб, мукаммаллаштириб борилган бундай ўйинлар ўзбек халқининг кўп авлодлари турмуши ва ижтимоий ҳаётининг зарур элементи сифатида асрлар бўйи такомиллашиб келди ҳамда ривожланишнинг ҳар бир тарихий босқичида ёшларни жисмоний чиниқтириш, тиришқоқликка ўргатиш, курашчанлик, ўзига ишонч руҳида тарбиялашдек мураккаб ва масъулиятли бўлган турли ижтимоий вазифани бажарганлиги табиий ҳолдир.

Ўзбек халқ ўйинлари она юрт тарихининг ижодий кучини, моддий ва маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган. Диққат билан кузатсак, уларда атрофдаги воқеликни тезроқ билиш ва уларни ҳар томонлама мукаммал ўзлаштиришнинг тарихий тажрибалари маълум даражада акс этади. Мазкур ўйинлар ўз табиатида кўра амалийдир[3.3-38.]. Бироқ уларнинг кўпчилигида эътибор қилмайдиган назарий томонлари ҳам мавжуд. Бу - уларнинг бир биридан фарқлайдиган номланиши, амал қилиш меъёри, вақт ўтган сари ўйинларнинг эскирганлиги туфайли уларнинг мазмунини янгиланиб, баъзи бир номларини қайта номлашлари ҳамдир. Уларда халқ бадий маданияти тизимининг ўзига хос бир бутунлиги, уларнинг миллий ва индивидуал хусусиятлари яққол кўрингани сингари уларни номлаш, қайта номлаш сингари бадий маданиятнинг бир шакли бўлган яширин назарий жиҳатлари ҳам мукаммаллашиб борган. Уларнинг номлари ҳам ўзбек тили лексикасини бойитувчи манбалардан бири саналади, фақат улар бугунги кунгача ҳам лексик, ҳам ономастик бирликлардан бири сифатида махсус илмий тадқиқ нуқтаи назаридан илмий назарий ва илмий амалий асосларда ўрганилмаган.

Ушбу ўйинларнинг миллий характери замирида туркий, шу жумладан ўзбек халқининг маданий бойлиги мажмуи, бу соҳадаги бениҳоя катта, қизиқарли ва баҳсли мероси ётади. Ўзбек халқ ўйинларининг шаклланиши, ривожланиши ва тараккиётида фольклор, айниқса, унинг дoston ва тарихий ривоятлар каби жанрлари муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилиши табиийдир. Масалан, “кураш” ўйинини мамлакатимиз ҳудудларида турли кўринишларини яхши биламиз: *бел ушлашиб курашиши, турли усул билан курашиши, ўйнаб-ўйнаб курашиши* [4.3-7.]. Халқнинг кўп ўйинлари ўз мавзуларининг индивидуаллиги билан, мазмунларининг эса умумийлиги билан қабила-уруғларнинг анъана ва урф-одатларини, қадимий удумларини, меҳнат фаолияти, маърифатию маданиятини ёритишга маълум даражада имкониятни юзага келтиради.

Қадимий тарихга эга бўлган халқимизнинг унутилаёзган илоҳий илтижолари, сермазмун ҳамда сермаъно байтлари ва ҳазил аралаш санoқлари бугунги болаларнинг халқ ўйинларида ҳам давом этиб келади. Шунинг учун ҳам гуруҳ бўлиб ўйналадиган ўзбек халқ ўйинлари ва ҳатто, айрим спорт ўйинлари қадимий қабилаларнинг ўйинларига, уларнинг номланишига ва ўйнаш қоидаларига бориб тақалади. Чунки ҳар бир нарсада меъёр бўлгани сингари ўйинларда ҳам маълум бир ўйнаш қоидалари ўйинлар яратилган вақтдаёқ амалда бўлганлиги табиий ҳол.

Илк кўринишдаги ўзбек халқ ўйинлари қадим замонлардан бизнинг эрамизгача бўлган даврларда ватанпарвар, жанговар, келажакка ишончи бор бўлган доно ва туғма педагоглар томонидан шакллантириб борилган. Бунинг учун тарихий ёзма манбалар матнларига мурожаат қилиш фойдадан ҳоли эмас. Тарихий афсоналардан “Тумарис” ва “Широк” афсоналарида маълум бир ўйинларнинг элементлари тўғрисида ҳам тўхталинган. Тарихий афсоналар ва тарихий ёзма манбаларда сак, шак ва масагет қабилаларида ўйинли мусобақалар жуда кенг тарқалган ва улар халқнинг сеvimли одати бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Уларда қайд этилишича, сак // шак, массагет қабилаларининг йигитлари мана шундай ўйин мусобақаларда ўзлари енгган қизларга уйланиш ҳуқуқини олишган. Шунингдек, буни археологик қазилмаларни олиб борган олимлар томонидан йиғилиб, ўрганилган тарихий археологик ҳамда этнографик материаллари ҳам тасдиқлайди.

Қадим замонлардаёқ Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларда, хусусан, ўзбек халқида кураш, ўқ - ёй отиш, чавандозлик сингари ўйинлари, аниқроғи, жисмоний машқ турлари нафақат мавжуд бўлган, балки оммавий ўйинлари сифатида маълум ва машҳур бўлган[5.13-18.].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хўжаев Ф, Муродов М, Мирсолихов С. Халқ миллий ўйинлари. 1-қисм. Тошкент, ХТХМОМИ, 2001. 3-47-бетлар.
2. Насриддинов Ф.Н. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. Тошкент. 1993. 3-38-бетлар.
3. Насриддинов Ф.Н. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. Тошкент, 1993. 3-7-бетлар. Усмонхўжаев.Т.С, Мелиев Х. Миллий ҳаракатли ўйинлар. Тошкент, Ўқитувчи, 2000.
4. Эназаров Толиб, Хусанова Максуда, Есенмуродов Абдумурод. Ўзбек номшунослиги. Т., 2015. 3-7-бетлар.

ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ

UO'K 37

**KIMYONI O'RGANISHDA O'QUVCHILARDA O'Z-O'ZINI TARTIBGA SOLISH
KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH***Z.M. Ataullayev, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch**F.Z. Qo'shbaqov, magistrant, Chirchiq davlat pedagogika instituti, Chirchiq**R.A. Eshchanov, prof., Chirchiq davlat pedagogika instituti, Chirchiq*

Annotatsiya. Ushbu maqolada kimyo fanini o'qitishda o'quvchilarning mustaqil o'quv faoliyatini tashkil etishning ba'zi jihatlari ko'rib chiqilgan. O'zini-o'zi bilishi, o'z-o'zini boshqarish qobiliyati, o'quv faoliyati yordamida o'z-o'zini rivojlantirishini o'rgatish muhimdir, O'quvchilarning mustaqil ishlash qobiliyatini shakllantirish va o'quvchilarning o'zini o'zi boshqarish qobiliyatini shakllantirish kabi ma'lumotlar haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: O'quv-tarbiya jarayoni, insonning yetuk shaxs sifatida shakllanishi, o'z-o'zini tartibga solish, samaradorligini oshirish, o'z-o'zini boshqarish, o'z-o'zini o'rganish, o'zini rivojlantirish, o'z-o'zini nazorat qilish, o'qitish texnikasi.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые аспекты организации самостоятельной учебной деятельности студентов при преподавании химии. Важно обучать самопознанию, навыкам самоуправления, саморазвитию через учебную деятельность, формировать у студентов способность работать самостоятельно и развивать самосознание студентов. Информация о формировании управленческих навыков.

Ключевые слова: образовательный процесс, становление личности как зрелой личности, саморегуляция, повышение эффективности, самоуправление, самообучение, саморазвитие, самоконтроль, методики обучения.

Abstract. This article discusses some aspects of organizing students' independent learning activities in the teaching of chemistry. It is important to teach self-knowledge, self-management skills, self-development through learning activities, to form students' ability to work independently and to develop students' self-awareness and the formation of management skills.

Keywords: Educational process, formation of a person as a mature person, self-regulation, increase of efficiency, self-management, self-study, self-development, self-control, teaching techniques.

Davlat ta'lim standartlari kompetensiyaviy yondashuvga asoslanganligiga qaramasdan, o'qitish va baholash metodlari, shuningdek, darsliklar va boshqa o'quv materiallari asosan axborotni xotirada saqlash va bayon qilishga qaratilgan bo'lib, tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash va tahlil qilish ko'nikmalari va boshqa malakalarni rivojlantirishga to'sqinlik qilmoqda.

Xalq ta'limi muassasalarida o'quv-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish uchun yangi, shu jumladan, muqobil yondashuvga asoslangan amaliy xarakterdagi ilmiy tadqiqotlar olib borish bugunning asosiy vazifasi hisoblanadi [1, 2].

O'zbekistonda maktab ta'limini 2030-yilgacha modernizatsiya qilish konsepsiyasida ta'limni o'quvchining shaxsini rivojlantirishga yo'naltirish zarurligi ta'kidlangan. Kimyoni o'qitishda o'quvchi shaxsining tashabbuskorligi, o'zini-o'zi bilishi, o'z-o'zini tartibga solish qobiliyatini rivojlantirish usullarini ishlab chiqish dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Shuning uchun kimyo fanini o'qitish jarayonida o'qituvchilarga o'quvchilarning o'quv faoliyatini mustaqil tartibga solish usullarini ta'lim-tarbiya jarayoniga qo'llash uchun maxsus tayyorgarlik zarur [3].

Kimyoda an'anaviy o'qitishdan zamonaviy rivojlantiruvchi ta'limiga o'tish o'quv jarayoni o'quvchilarning o'quv faoliyatini mustaqil tartibga solishni rivojlantirishni ta'minlaydigan yangi o'qitish usullari va vositalarini izlashni talab qiladi. Agar o'quvchi o'zining o'quv faoliyatini mustaqil ravishda tartibga solsa, uni boshqarsa, u haqiqiy o'rganish obyektiga aylanadi. O'qishda muvaffaqiyatga erishish, asosan, o'quvchining nazorati va o'quv jarayonida o'zini o'zi kuzatib borish orqali ma'lumot olishda fikr bildirish qobiliyatiga bog'liq. Ushbu ko'nikmalar ta'lim faoliyatining muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan va ijodiy vazifalarni muvaffaqiyatli hal etishni ta'minlaydigan, o'zini o'zi rivojlantiradigan zamonaviy maktab oldida turgan muammolarni hal qilishning eng muhim sharti bu - o'quvchilarning o'zlarining to'laqonli ta'lim faoliyati orqali o'quv jarayonini takomillashtirishdir.

Ta'lim tadbirlarini faol amalga oshirish o'quvchining shaxsiyatida, ongida, uning aqliy va axloqiy rivojlanishida sezilarli o'zgarishlarga olib keladi. S.L.Rubinshtein insonning psixik xususiyatlari uning faoliyati jarayonida shakllanib, rivojlanib borishini ta'kidlagan. Bundan kelib chiqadiki, bu o'z tarkibidagi

shaxslarni o'z ijrochilari sifatida qamrab oladigan faoliyat emas, balki shaxs - faoliyat sub'yektiga aylanib, unda faol, ijodiy pozitsiyani egallaydi, yangi potentsial imkoniyatlarni ochib beradi [4, 5].

O'quvchi o'quv faoliyatining asl sub'yektiga aylanishi uning nazorat qilish va baholash harakatlarini o'zlashtirishi, ularni o'qituvchining yordamisiz va aralashuvisiz mustaqil ravishda amalga oshirishi bilan bog'liq [6].

To'liq huquqli ta'lim faoliyatida uning tarkibiy qismlari: ehtiyoj va motivlar, tarbiyaviy vazifalar va ularni ta'lim faoliyatida amalga oshirish, nazorat qilish va baholash har doim bir-biri bilan bog'liq bo'lib, ta'lim faoliyati ushbu tarkibiy qismlarning birortasiga qisqartirilishi mumkin emas. Shunga qaramay, o'zini tutish va o'zini qadrlash harakatlarining roli katta va o'ziga xosdir. D.B Elkonin o'zini - o'zi boshqarish va o'zini - o'zi baholash harakatlarini alohida flohida ahamiyatini shunday ta'kidlaydi: "Agar. bolalar o'z yutuqlarini kuzatish va baholash harakatlarini to'liq o'zlashtiradilar, shunda o'quv faoliyatini yanada shakllantirish juda qiyin bo'lmasdan amalga oshiriladi". Ta'lim faoliyatida o'zini - o'zi boshqarish, bilimiga boho berish mas'uliyatli vazifalarini har bir shaxs o'zi bajaradi. U tarbiyaviy ishlarni bajarish jarayonini tartibga soladi, o'quvchilarga qilmagan yoki noto'g'ri qilgan ishlarini aniqlashga, bajarilgan ishlarni tuzatishga, ularning faoliyatini baholashga imkon beradi [7].

O'z-o'zini boshqarish, bilimni baholash va o'zini qadrlash harakatlari bir-biri bilan chambarchas bog'liqdir. O'z-o'zini boshqarish asosida shakllangan o'zini o'zi qadrlash uni rag'batlantiradi, chunki o'zini o'zi boshqarish faqat bilim bor va o'zini qadrlash imkoni bor joyda bo'lishi mumkin.

O'z-o'zini boshqarish qobiliyatiga ega bo'lgan yuqori sinf o'quvchilari nafaqat o'quv ishidagi harakatlari, balki ularni bajarish usullari to'g'risida ham to'liq ma'lumotga ega. Shu munosabat bilan, kimyoda o'quvchilar qanday qilib maxsus tashkil etilgan o'quv faoliyati yordamida o'z-o'zini boshqarish qobiliyatini rivojlantirishini o'rganish muhimdir. O'z-o'zini boshqarish mazmuni, uni shakllantirish shartlari, vositalari va shakllari muammosiga oydinlik kiritish mashg'ulotlar samaradorligini oshirish masalasini hal qilish uchun zarurdir.

Shunday qilib, o'quv faoliyatini takomillashtirishda va o'quvchilarning kimyo o'qitish metodikasida bilim sifatini oshirishda o'z-o'zini boshqarish, bilim va ko'nikmalarni nazorat qilishning o'rni, masalasi va metodikasi deyarli ishlab chiqilmagan. Xususan, o'quvchilarning kimyo fanini o'rganishda o'zini o'zi boshqarish usullarini shakllantirish bo'yicha o'qituvchining ishining mazmuni nimadan iboratligi, kimyo darslarida qaysi sharoitda eng samarali shakllantirilganligi, bunga qanday o'qitish usullari va o'quv qo'llanmalari ko'proq hissa qo'shayotgani, o'quvchilar o'zlarining ta'lim yutuqlarini baholashda qanday usullardan foydalanishi mumkinligi ma'lum emas [8].

Ayni paytda, o'z-o'zini boshqarish, ta'lim faoliyatining tarkibiy qismi bo'lib, uni amalga oshirishning foydaliligiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi, chunki bu yuqori sinf o'quvchilariga nafaqat o'z harakatlarining borishini kuzatib borish va ularning natijalarini baholash, balki o'zgaruvchan sharoitga qarab harakatlarni rejalashtirish, natijalarni bashorat qilish, harakatlar rejasini tuzish imkoniyatini beradi, o'quvchilarni maqsadli yo'naltiradi. Maktab o'quvchilarining kimyoviy bilimlarini oshirishga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

O'z-o'zini boshqarishni amalga oshirish uchun o'quvchilarga ko'nikmalar kerak - ularning shakllanishi ushbu ishda hisobga olinmaydi. "O'quvchilarning mustaqil ishlash qobiliyatini shakllantirish" va "O'quvchilarning o'zini o'zi boshqarish qobiliyatini shakllantirish" iboralari sezilarli farqga ega.

O'qitish texnikasi tadqiqotlarda kognitiv faoliyatning uchta darajasi mazmunining elementlari sifatida qaraladi: reproduktiv, evristik va tadqiqot. Bu o'quvchilarda kimyoning tarkibiy qismlarini o'rganishda foydalaniladi - nazariy savollar, faktlar, metodlar, bilim, ko'nikmalar va fan tili. Kimyoda o'qitish metodikasi nafaqat mazmun jihatiga ega ekanligi bilan tavsiflanadi: nima qilish kerak (reaktsiya tenglamasini yozing, moddaning formulasini tuzing, ta'rifi tuzing, qurilmani loyihalashtiring va h.k.), shuningdek texnikasi: o'quvchilar texnikaning mazmun qismini qanday qilib, qaysi yo'l bilan bajara oladilar.

O'qitish texnikasi nafaqat har bir predmet uchun, balki bitta predmet tarkibidagi turli tarkibiy qismlarni o'zlashtirish uchun ham muhim hisoblanadi.

Shunga qaramay, nazariy savollarni, faktlarni, metodlarni va kimyo tilini assimilyatsiya qilishning o'qitish usullari o'zaro bog'liqdir va bu munosabatlar ularni ta'lim faoliyatida fan tarkibini ketma-ketligini saqlash orqali amalga oshiriladi [9].

Kimyo o'quv texnikasining texnik usullari uni amalga oshirishning protsessual tomonini ta'minlaydi, ya'ni, o'quvchining e'tiborini o'z harakatlarining mazmuniga, olingan natijani baholashga qaratishni o'z ichiga oladi. O'quvchi tomonidan aks ettirish deb nomlangan o'z xatti-harakatlarini ko'rib chiqish, o'z harakatlarini maqsadli qurish va o'zgartirishning muhim shartidir. Shunday qilib, texnikaning

(metodlarning) texnik tomoni o'zini o'zi boshqarishni shakllantirish bilan chambarchas bog'liq bo'lib, berilgan mavzuning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda uni amalga oshirish vositasidir.

Tadqiqotlarimizda, kimyoda o'zini o'zi boshqarish mohiyatiga, uning tasnifi, tashkil etish turlari va shakllariga, baholashga, amalga oshirishning psixofiziologik mexanizmlariga alohida e'tibor qaratildi.

Pedagogik eksperimentda kuzatish obyekti qilib - o'quvchilarning o'zini o'zi boshqarish, o'quvchilarning ishi, o'quvchilarning o'zini o'zi boshqarish qobiliyatini shakllantirish bo'yicha o'qituvchining harakatlari tanlandi. Kuzatish va so'roq qilishning maqsadi - og'zaki yoki yozma javobda o'quvchilar o'zini qanday nazorat qilishni amalga oshirishi, ularni o'zini o'zi boshqarishga undaydigan narsa, o'qituvchi o'quvchilarning ta'lim yutuqlarini o'z-o'zini nazorat qilish qobiliyatini shakllantirish uchun o'qituvchi qanday metodik vositalar va o'qitish usullaridan foydalanayotganligini aniqlash va o'quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini oshirishdan iborat.

Kimyo - fan sifatida o'quvchilarning o'quv faoliyatini mustaqil tartibga solishni rivojlantirish uchun katta imkoniyatlarga ega. Maktab o'quvchilari kimyoni o'rganish jarayonida o'z faoliyatini maqsadli rejalashtirishni, uni amalga oshirishning oqilona usullarini o'rganadilar va izchil rivojlantiradilar. Faoliyatning muayyan turini bilish va unga egalik qilish o'zini o'zi boshqarish imkoniyatini beradi. Kimyoni o'rganish jarayonida o'quvchi kognitiv motivatsiyani, muammolarni ko'rish va ularni hal qilishning mos va oqilona usullarini qo'llaydi, yangi ma'lumotlarni mustaqil ravishda oladi va o'zlashtiradi.

Shunday qilib, tadqiqotimiz quyidagilarga bog'liq:

- o'z-o'zini o'rganish va o'zini rivojlantirish qobiliyatiga ega shaxsni tarbiyalash uchun jamiyatning ijtimoiy buyurtmasi;

- kimyoni o'qitishda o'quvchilarning o'quv faoliyatini mustaqil tartibga solishni samarali rivojlantirishni ta'minlash uchun tegishli o'qitish, baholash usullari va vositalarini ishlab chiqish zaruriyati.

O'qitish va ta'limga shaxsiy yondashishni qo'llash bu jarayonga subyektiv xarakter berishni talab qiladi. O'quvchi mehnatni yengishi kerak, o'quv vazifalarini bajaradigan, maktabdan tashqari qo'shimcha darslarda maqsadli qatnashuvchi shaxs sifatida faoliyat olib boradi.

Maktab ta'limi insonning yetuk shaxs sifatida shakllanishida asosiy bo'g'in hisoblanib, uning sifat ko'rsatkichiga qarab millatning savodxonligiga baho beriladi. Kelajakda oldiga maqsadli vazifa qo'ya oladigan va vazifalarni bajarishga qodir bo'lgan yangi avlod shakllanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-sonli Farmoni.
2. O'z.R. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" – T., 1997.
3. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М., 1995.-240 с.
4. Mirzahmedov V. Talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish uslublari. T., 1994 y.-144 b.
5. Лобанов, А.П. Управляемая самостоятельная работа студентов в контексте инновационных технологий/ А. П. Лобанов, Н.В. Дроздова. - Мн.: РИВШ, 2005.
6. Оськин, А.Ф. Организация управляемой самостоятельной работы студентов с использованием системы информационной поддержки обучения / А.Ф. Оськин, М.В. Наскалов //Вестник ПГУ, серия Е (педагогические науки). – 2008г. - № 5. – с. 111 – 115.
7. Сергеенкова, В.В. Управляемая самостоятельная работа студентов. Модульно – рейтинговая и рейтинговая системы / В.В. Сергеенкова. – Мн.: РИВШ, 2004. – 132с.
8. Атауллаев З.М. Важность формирования типа самостоятельной учебы студентов в высшей школе. Журнал Гуманитарный тракт, выпуск №98. 15-18 стр. <https://idpluton.ru/vypusk-97-nauchnogo-zhurnala-gumanitarnyj-traktat-2/>
9. <https://idpluton.ru/wp-content/uploads/gv98.pdf>
10. Ataulloev Z.M, Baltayeva M.M, Abdurakhmonova T.R, Ibdulloeva M.I. Independent study in higher education and the importance of forming a type of self-students. <http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-10&issue=ISSUE-01>.

UDC 37.02

ISSUES OF MORAL EDUCATION IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES IN TECHNICAL UNIVERSITIES

N.A. Duldulova, Tashkent architecture and civil engineering institute, Tashkent

Аннотация. Ушбу мақола техника олий ўқув юртлари талабаларининг ахлоқий тарбиясини яхшилашга чет тилида таълим олаётган учун таълим фаолияти кўрсатилди.

Калит сўзлар: тарбия, ахлоқ, маънавият, талаба, технология.

Аннотация. В данной работе описана система воспитательных мероприятий на занятиях по иностранному языку, которая нацелена на совершенствование нравственного воспитания студентов технического вуза.

Ключевые слова: воспитание, нравственность, студент, технология

Abstract. This article describe the system of educational activities for those who are engaged in a foreign languages, which is aimed at improving the moral education of students of a technical university

Keywords: education, morality, student, technology.

Currently, the joint implementation of education and training is carried out by improving the development, transformation and other characteristics of the individual. With this article we will look at how learning a foreign language in the process of teaching and learning is influenced by moral education of the individual in order to achieve the most important effect with the help of what tools and how to teach and educate. The technician will prepare the person personally and culturally for participation in the process of cooperation by teaching a foreign language in higher educational institutions. Its task is to educate the child on the perception of foreign culture with tolerance, positive and interest, and at the same time to develop a hormone among students for the culture of his people.

The process of understanding a culture that speaks a different language is carried out by enriching the child's internal experience and developing knowledge and communication skills. It is possible to communicate with peers from other countries, correspond with local speakers in online order and travel abroad. Language learning techniques are filled with live content for universities, which become necessary for them, form their own communication skills, teach them to understand other cultures.

"Foreign language is used as a means of introducing students to the Spiritual of other peoples, if it acts as a way of understanding the truth, as a way of expressing the person's own self in the educational process," [1] provides a great educational opportunity when reading texts in a foreign language. In this case, the leading educational task is the task of ensuring the conservation, transfer and development of a wide-coverage culture of adolescents involved in the permitting to national culture. This culture eliminates education students and makes an important contribution to improve their humanitarian education.

Methods and methodology of spiritual stimulation of the student can depend on the general forms of cooperation. Among them there are certain points on it that are discussed in a group and a particular problem of the pair is in partnership with others. Thus, the problem in this case is the negotiation work modalities and the work does not end with a simple discussion [2].

The peculiarity of the subject of foreign languages is that in order for the content of the modern methodical lesson to be its communication, the voice routing, the teacher and the student must have a voice partner. Creative friendship is not a timeless lesson, but a message to be a lesson to the student and the teacher, then you have no motivation.

Given the level of moral education through the deficient activities of the students, it is determined by the influence of the foreign language on the moral development of the student through the promotion of foreign languages [4]. For this, it is necessary to take into account the skills of the student. If the student could not formulate his knowledge, it means that he did not learn them. Active speech activity makes it possible to more fully express the moral values of an individual. We used different methods to determine the moral knowledge of students:

a) to create tests that determine the level of knowledge about moral qualities;

b) to determine the rating of written responses;

c) to determine the moral knowledge of students on specific topics. Great attention was paid to the practical aspect of the study, that is, to work with students. Here it was conducted to high school students (3-4 courses).

The study took into account the nature of moral knowledge: active, voluntary, passive, compulsory and also other characteristics. The study of the level of moral education was conducted with the help of methods of interrogation, interview, interview, oral and written interviews, observation and introspection (self-observation). Third and fourth-year students, who studied a foreign language as a specialty for the future, were involved in diagnostic work. The initial level of moral education of students was determined by the following indicators: students' knowledge of basic moral concepts; the use of knowledge in independent speech. Many students had difficulties in answering questions during the process of conducting experiments, but they had time to think about them, assessing the moral behavior of people.

Thus, student responses were poor in terms of content and did not meet the requirements of the Institute's program. At the same time as determining the level of moral education, the task of determining the effective methodological methods and tools used in advanced pedagogical practice for the moral education of young people in the process of teaching a foreign language was to study the difficulties encountered by foreign Language teachers in the upbringing of student youth. Teachers' requests were made during the school year, before the start of a new topic and after its adoption.

The purpose of the experiment taking into account the students of Technical Universities of teaching foreign languages in the conditions of institutions, we planned three stages of the study. The first phase of the study included a single thematic plan combining educational functions. Then, on the basis of their current plans, it was aimed at improving the level of their thinking and speech for Students, Independence, the level of knowledge of foreign languages, the development of independent working skills, moral education. The performance of these tasks is accompanied by the teaching of scientific methods. The improvement of the moral education of students was determined through the analysis of questionnaires, oral and written work for teachers of foreign languages, students. Tests and questionnaires are compiled on the basis of educational materials, books for reading in English, textbooks. In the course of the study, students were conditionally divided into four levels of moral education and knowledge of foreign language.

Elements of creativity in this group of students won over reproductive movements, they used different functions of the language. In the process of independent oral and written assignments, these students freely move towards translating moral knowledge into a foreign language.

These data and the findings of the students were analyzed for the various stages of the study to formulate. And the tasks are structured taking into account the individual characteristics of each student at the four levels. The differential functions of replication, reproduction and creative characters were not only a set of Group and individual tasks, but also their optimal system. In the course of the experiment, we will be involved in the structure of moral knowledge in the course of the topic. The terms of performance of these tasks depend on the logic of the educational process in technical universities.

The essence of the three and final stages of the study was to develop the moral education of the students based on the knowledge, skills and skills acquired in the first and second stages of the experiment.

The examination conducted at the end of the experiment showed that not all secondary students showed that their independent work, knowledge and skills did not correspond to the higher level. The level of moral education did not reach their pre-programmed level. The reason for this was the lack of hearing of knowledge in the field of self-education.

REFERENCES:

1. Arapova E.M. "Education in foreign language lessons". Moscow, 2009.
2. Babansky K. "Optimization of the educational process". - Moscow: Pedagogy, 1997.

UO'K 37

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIMNING KREDIT-MODUL TIZIMIDA TUPROQSHUNOSLIK FANLARINI O'QITISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

M.A.Ochilova, magistrant, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro
SH.SH.Nafetdinov, b.f.n., dots., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada kredit-modul tizimini O'zbekiston oliy ta'lim muassasalarida tuproqshunoslik fanlarini o'qitishda qo'llash nazariyalari va ularning ahamiyati tahlil etilgan bo'lib, unda kredit-modul tizimining mazmuni va mohiyati, afzalliklari ham yoritilgan.

Kalit so'zlar: Kredit-modul tizimi, modul, modulli o'qitish texnologiyasi, kredit, kredit o'qitish texnologiyasi, tuproqshunoslik, tuproqshunoslik fanlarini o'qitishda kredit-modul tizimi.

Аннотация. В данной статье анализируются теории применения кредит-модульной системы в высших учебных заведениях Узбекистана преподавания почвоведения и их значение, в которых раскрываются содержание, сущность и преимущества кредитно-модульной системы.

Ключевые слова: Кредитно-модульная система, модульная технология обучения, кредит, кредитная технология обучения, кредитно-модульная система обучения почвоведение.

Abstract. This article analyzes the theories of application of the credit-module system in the teaching of soil science in higher education institutions of Uzbekistan and their importance, which also describes the content, essence and advantages of the credit-module system.

Keywords: *Credit-module system, modular learning technology, credit, credit training technology, credit-module system in teaching soil science.*

Bugungi kunda ta'lim sohasini isloh qilish, uni rivojlangan mamlakatlar ta'lim tizimi yutuqlari asosida takomillashtirishga qaratilgan qator chora-tadbirlar olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tashabbusi bilan mamlakatimizda oliy ta'lim tizimini isloh qilish maqsadida bir qator qaror va farmonlar qabul qilindi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida” gi 2017 –yil 20 apreldagi PQ-2909-son qaroriga asosan oliy ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor vazifalaridan kelib chiqqan holda, kadrlar tayyorlash mazmunini tubdan qayta ko'rish, xalqaro standartlar darajasiga mos oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash uchun zarur sharoitlar yaratilishini ta'minlash maqsadida eng muhim vazifalar belgilandi. Bu qaror uzluksiz ta'lim tizimini rivojlantirish, izchil rivojlanib borayotgan mamlakatimizni yuqori malakali kadrlar bilan ta'minlash borasida oliy ta'lim tizimini ishtirokini kengaytirish yo'lidagi qadamlardan biri bo'ldi.

Shuningdek, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar Strategiyasida fan va ta'lim sohasini isloh qilish, tizimni zamon talablari asosida rivojlantirish bo'yicha muhim vazifalar belgilandi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasida “Mamlakatimiz uchun ilm-fan sohasida ustuvor yo'nalishlarni aniq belgilab olishimiz kerak. Hech bir davlat ilm-fanning barcha sohalarini bir yo'la taraqqiy ettira olmaydi. Shuning uchun biz ham har yili ilm-fanning bir nechta ustuvor yo'nalishini rivojlantirish tarafdorimiz” deb ta'kidlagan edilar. Ushbu ma'ruzada 2020 yilni “Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish” yili deb e'lon qilgani ta'lim jarayoniga bo'lgan alohida e'tiborni yaqqol namunasi edi.

Bu bilan oliy ta'lim tizimini isloh qilish sohasida gi qarorlar qabul qilinishi to'xtab qolmadi. 2018 yil Prezidentimizning PQ-3775- sonli “Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” gi qarori va 2019 yil PF-5847-sonli “O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi Farmoni oliy ta'lim tizimini ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlari ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda, fan, ta'lim va ishlab chiqarishning mustahkam integratsiyasini ta'minlash asosida ta'lim sifatini yaxshilash, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish maqsadida ishlab chiqildi. Ushbu Konsepsiyada “respublikadagi kamida 10 ta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education yoki Academic Ranking o World Universities) reytingining birinchi 1000 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga kiritish va oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish” belgilab berildi. Shuningdek, 2030-yilga qadar respublikadagi barcha oliy ta'lim muassasasi (OTM)ni 2 tadan 85 taga yetkazish rejalashtirildi.

Kredit-modul tizimi, bu- ta'limni tashkil etish jarayoni bo'lib, o'qitishning modul texnologiyalari jamlanmasi va kredit o'lchovi asosida baholash modeli hisoblanadi. Uni bir butunlikda olib borish serqirra hamda murakkab tizimli jarayondir. Kredit- modul tamoyilida ikkita asosiy masalaga ahamiyat beriladi: talabalarining mustaqil ishlashini ta'minlash; talabalar bilimining reyting asosida baholash.

Kredit-modul tizimining asosiy vazifalari sifatida quyidagilar e'tirof etiladi:

- o'quv jarayonlarini modul asosida tashkil qilish;
- bitta fan, kurs(kredit)ning qiymatini aniqlash;
- talabalar bilimining reyting bali asosida baholash;
- ta'lim jarayonida mustaqil ta'lim olishning ulushini oshirish.
- ta'lim dasturlarining qulayligi va mehnat bozorida mutaxassisga qo'yilgan talabdan kelib chiqib o'zgartirish mumkinligi.

OTM larda o'quv jarayonini tashkil etishning kredit- modulli tizimini joriy etishda quyidagi vazifalar ijobiy hal etiladi:

- Hozirgi globallashtirish zamonida ta'limning innovatsion islohoti;
- O'quv materialini modulga bo'lish, har bir modulning o'zlashtirilganligini tekshirish;
- Bilimlarni baholashning keng ko'lamidan foydalanish;
- Bilimlarni baholash ob'ektivligining oshirish;
- Talabalar ijodiy, mustaqil ishlashiga urg'u berilishi;
- Bu tizimning jahon ta'lim standartlariga mosligi va chet el ta'lim tizimi bilan raqobatlasha olishi ya'ni ta'lim jarayoniga sog'lom raqobatning joriy etilishi;

- Chet elda o'qish shartlarini tan olishni osonlashtirish;
- Talabalarga berilgan topshiriqlar va ular bajargan ishlarining oshkoraligi;
- Individual o'quv dasturlarini belgilashda katta moslashuvchanlik;

Oliy ta'limda kredit tizimidan foydalanish o'quv jarayonida yanada kengroq imkoniyatlarni ochadi:

- Ta'lim mazmuni dasturlari va standartlarining o'quv rejalarini shakllantirish va doimiy ravishda ishlab chiqish. Bunda talabalarga individual o'quv dasturlarini tuzish imkoniyatini beradigan o'quv jarayonining individual yo'naltirilgan tashkilotlari, fanlarni o'zlashtirish ketma-ketligini erkin belgilash, shaxsiy semestr darslarini o'zi mustaqil tayyorlashi. Hamda o'qituvchilar uchun akademik erkinliklar, shu jumladan o'qitish usullarini erkin tanlash huquqini ta'minlash;

- Talabalar va o'qituvchilarning mobilligini, ya'ni bir oliy ta'lim muassasasidan boshqa OTMga to'siqlarsiz, erkin ravishda o'tishini (o'qishni yoki ishni ko'chirish)ni ta'minlaydi.

- Talabalarining o'quv faoliyati natijalarini baholashning ball-reyting tizimini rag'batlantirish; Shuningdek, baholash tizimi va ta'lim texnologiyalarining takomillashishiga ham olib keladi.

- Bu tizimda o'quv jarayonining turli ma'ruza, seminar va laboratoriya mashg'ulotlarining nisbiy ahamiyatini hisobga olish. Talabalar tomonidan o'rganilgan ma'lum bir materialning ahamiyatini va uning ma'lum bir o'quv muddati oxirida olingan o'rtacha ballga nisbiy hissasini aniqlash;

- Kredit to'plash o'lchovining kiritilishi talabaga katta erkinlik berish bilan bir qatorda, kelajakda tanlagan sohasining raqobatbardosh mutaxassisi bo'lib yetishishi uchun rejalashtirish imkonini taqdim etadi.

Aynan, tuproqshunoslik sohasini o'qitishga bu tizimni tatbiq etish nima uchun kerak?

Bo'lajak mutaxassis o'zi faoliyat ko'rsatayotgan xo'jalik yoki alohida hudud tuproqlarini batasil o'rganishi, shu bilan birga tuproq unumdorligini oshirish tadbirlarini qo'llashning sir-asrorlarini juda yaxshi bilishi lozim. Bu fan qishloq xo'jaligida tuproq unumdorligini oshirish, sanoat o'g'itlarini qo'llash, yerning meliorativ holatini yaxshilash, tuproq eroziyasiga qarshi kurash va boshqa masalalarni hal qilishda, ayniqsa, katta ahamiyatga ega. Bu fanlarni o'qitish va o'rganish uchun OTM larda kredit-modul tizimini tatbiq etish ta'lim samaradorligini sezilarli darajada oshiradi. O'zbekistondagi tuproqshunoslik sohasini o'rgatuvchi Oliy ta'lim muassasalarini jahon miqyosidagi nufuzli universitetlari bilan hamkorliklarni yo'lga qo'yishga imkon yaratadi.

Kredit-modul tizimiga o'tish tuproqshunoslik sohasidagi talabalarga qanday imtiyozlar beradi:

Birinchidan, akademik mobillik- talabalar kreditlarini saqlagan holda, istalgan mos oliygohga o'qishni qiyinchiliksiz ko'chirib o'tishlari mumkin. U xoh, jahon universiteti, xoh, o'zimizdagi istalgan OTM bo'lishining ahamiyati yo'q. Faqat, talaba to'plagan krediti ko'chirib o'tish kreditiga yetsa bo'lgani.

Ikkinchidan, talabalarga o'qituvchini tanlash erkinligi beriladi. Bu orqali, o'qituvchi va talaba o'rtasida akademik muloqot ta'minlanadi.

Uchinchidan, talabalar o'z istaklaridan kelib chiqqan holda, fanlarni tanlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Albatta, bu o'rinda majburiy o'rganilishi lozim bo'lgan (mutaxassis) fanlar ham bor, ammo talaba mustaqil tanlov fanlarini belgilay oladi.

To'rtinchidan, talabalarga ta'lim dasturini mustaqil shakllantirish imkoniyatini yaratish va qo'yiladigan baholarning oshkoraligini ta'minlash yo'lga qo'yiladi. Bu esa o'z-o'zidan ta'lim tizimidagi korrupsiyani barham topishini ta'minlaydi.

Bu tizimning yana bir afzalliklaridan biri bu talabalar belgilangan kreditlarni yig'olmasa, o'qishdan haydalmaydi yoki kursdan kursga qolmaydi. Qaysi fandan belgilangan kreditlarni yig'olmasa, o'sha fanning o'zidan qayta o'qish va qayta imtihon bo'ladi.

Agar kredit-modul tizimiga o'tiladigan bo'lsa OTMlarda qanday o'zgarishlar yuz beradi?

- Kredit-modul tizimining eng katta afzalliklaridan biri- fanlarni asosli ravishda qisqartirishni barcha OTM larda joriy etilishidir.

- Talabalarga berilgan mustaqil ish, uyga vazifa va laboratoriya topshiriqlari uchun, OTM tomonidan maxsus sayt yaratilishini ta'minlaydi. Bu esa o'z navbatida axborot texnologiyalardan foydalanish samaradorligini oshishiga olib keladi.

- Chet el OTM lari amaliyotidan kelib chiqqan holda, o'qitish sistematik dasturlari ishlab chiqiladi.

- O'quv jarayoninin tashkil etish tamoyillarining takomillashtirilishiga.

- Hamkorlikdagi ta'lim keng miqyosda rivojlanishiga

- Keng bazali kutubxona resurslari bilan OTM larning ta'minlanishiga.

- Talabalarining jahon universitetlarida qiyinchiliksiz ta'lim olishlariga olib keladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, mazkur tizimning oliy ta'limga joriy qilinishi o'qitish sifatini oshirish, shaffoflikni ta'minlash, korrupsiyaga barham berish, ta'limning moslashuvchanligini

o'shiring, ta'lim oluvchilarning haqiqiy bilimini yuzaga chiqarish hamda talabning mustaqil o'qib-o'rganib, o'z ustida ishlashiga zamin yaratib, talabalar harakatchanligini oshiradi. Kredit-modul tizimining joriy etilishi o'qituvchi va talabning hamkorlikda ishlashida muhim omil hisoblanadi. Modulli ta'limda pedagog tinglovchilarning o'zlashtirish jarayonini tashkil etadi, boshqaradi, maslahat beradi, tekshiradi. Talaba esa yo'naltirilgan obyekt tomon mustaqil harakat qiladi. O'quv jarayonida mustaqil ta'lim olishning ahamiyati ortadi va bu kelajakda mutaxassislarning mustaqilligi, ijodiy tashabbuskorligi hamda faolligini oshirishga olib keladi. Barcha ijobiy o'zgarishlar albatta, agrar soha rivojlanishiga innovatsiyalarning kirib kelishiga asosiy omillardan biri bo'ladi degan fikr tarafdorimiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi 2017 –yil 20 apreldagi PQ-2909-son qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar Strategiyasi" . 2017 yil 7-fevral. PF-4947 sonli Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-3775- sonli qarori. 2018 yil.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil PF-5847-sonli Farmoni.
5. Государственный Университет Управления. "Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов)". Москва 2010.
6. А.А. Тимофеев, Н. А. Ушко, М. А. Ярифа "Кредитно- модульная система обучения" Статъе. 2013.
7. Oliy ta'lim tizimini pedagog va rahbar kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni tashkil etish bosh ilmiy- metodik markazi. "Innovatsion ta'lim texnologiyalari va pedagogic kompetentlik". O'quv- uslubiy majmua. Toshkent- 2016.
8. Z. F. Sharopova "Ta'lim texnologiyalari". Navro'z nashriyoti. Toshkent- 2019.

УЎК 37.02

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА ТАЛАБАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН-ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Н.М. Асадуллаева, ўқитувчи, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада бугунги олий таълим тизимида талабаларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг устивор вазифалари, тамойиллари ва вазифалари таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада, муаллиф томонидан талабаларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш усуллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, талаба, фуқаро, фуқаролик, фуқаролик жамияти, фуқаролик позицияси, фаол фуқаролик, фаол фуқаролик позицияси.

Аннотация. В статье анализируются основные задачи, принципы и задачи формирования активной гражданской позиции у студентов в современной системе высшего образования. Также в статье автором предложены методы реализации мероприятий по обеспечению эффективности образовательного процесса, направленных на формирование гражданской позиции у обучающихся.

Ключевые слова: Образование, Высшее образование, студент, гражданин, гражданский, гражданское общество, гражданская позиция, активная гражданская позиция, активная гражданская позиция.

Abstract. the article analyzes the main tasks, principles and objectives of the formation of active civil position in students in today's higher education system. Also in the article, the author proposed methods of implementation of measures to ensure the effectiveness of the educational process aimed at developing the Civil position in students.

Keywords: Education, Higher Education, student, citizen, civil, civil society, civil position, active citizenship, active civil position.

Талабаларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш яхлит педагогик жараённинг асосини ташкил этиб, мазкур жараёнда шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Талабаларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш учун қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик жамияти ўзига хос модел

бўлиб, унинг асосини фуқаролик позициясига эга бўлган шахс ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай субъектлар бир томондан ушбу жамиятга нисбатан юқори даражадаги шахсий мустақилликка эга бўлиши лозим[1,25-26]. Барча даврларда талабалар жамият аъзоларининг интеллектуал жиҳатдан ривожланган, тараққийпарвар, ижодкор, илғор қисми ҳисобланган. Талаба-ёшларда маънавиятлилик, ҳуқуқий меъёрлар ва қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш ушбу жараённинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион-педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз аҳамиятини бироз йўқотди, қуруқ сўзлар ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди[2,128]. Талабаларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:

- таълим-тарбия жараёнида таълим оловчи дикқатини берилаётган билимга қаратиб, уни жараён охиригача сақлаб туриш;

- ҳар бир билимни илмий асослаб бериш;

- билим беришда талабанинг имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқиш;

- билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмалар воситалардан фойдаланиш;

- билим беришда мунтазамлилик билан қўшиб олиб бориш;

- таълим ва тарбия жараёнида талабаларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш;

- таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва бирлиги;

Таълим ёшларда фуқаролик дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган интеграллашган ахборотларни тақдим этиш жараёни ҳисобланади. Олий таълимнинг бугунги асосий вазифаларидан бири талабаларни кун сайин мураккаблашиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиш зарур. Талабалар ўз мутахассисликлари бўйича эгаллаган билимлари қаторида педагогик ва психологик билимларни ҳамда технологик ёндашув асосидаги ўқитиш услубиётларини ҳам эгаллаган бўлишлари зарур. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, уларнинг инновацион педагогика соҳасидаги билимларини оширишда қуйидаги масалалар муҳим деб белгиланади:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;

- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;

- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятлари давомида фойдаланиладиган услубий тизимига хос бўлган педагогик технологияларни ўзлаштириш[4,4].

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

- педагог ва талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши[5,67].

Талабаларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни ўзини-ўзи англаш, ижтимоий-ғоявий етуқлик, ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик, фуқаролик фаоллиги, ижтимоий фаоллик, фуқаролик масъулияти, фидойилик сифатларини шакллантиришга хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга йўналтирилиши лозим[1,78].

Олий таълим муассасаларининг талабалари фуқаролик позициясига эга бўлишлари учун ўзларида муайян сифатларнинг ҳам шаклланишига эришишлари талаб этилади. Назарий ўрганиш,

талабалар фаолиятини кузатиш, олий таълим мазмуни билан танишиш орқали етук фуқаро бўлиб шаклланиш, аниқ фуқаролик позициясига эга бўлишлари учун талабалар қуйидаги сифатларни самарали ўзлаштириши зарурлиги аниқланди:

- маънавий-ахлоқий сифатлар – ватанпарварлик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, фидокорлик, эътиқодлилиқ, адолатпарварлик, виждонлилиқ, давлат сиёсатининг тўғрилиги ва ўз кучига бўлган ишончга эгалиқ, дўстлик туйғусига эгалиқ, тинчлик ва адолат учун курашувчанлик, бағрикенглиқ, масъулиятлилиқ, инсонийлик, инсонпарварлик, миллий тарихга ҳурмат кўрсатиш, ижобий миллий хусусиятлар (меҳмондўстлик, болажонлик, жамоавийлик, сахийлик, олижаноблик ва бошқалар)га содиқлик, жамоа ишларида фаол қатнашиш, ижтимоий топшириқларни бажариш, лидерлик, ўз оиласи, таълим муассасаси ҳамда ўзи мансуб бўлган академик гуруҳ шаънини ҳимоя қилиш, жамоа обрўси учун курашиш, интизомлилиқ;

- иродавий сифатлар – мустақкам характерга эгаси бўлиш, иродалилиқ, руҳан тетиклик, тиришқоқлик, қатъиятлиқ, журъатлилиқ, сабрлилиқ, матонатлилиқ, турли вазиятларда ўзини тута билиш, ўзини-ўзи назорат қила олиш, мардлик, фаоллик, довюраклик; ақлий сифатлар – билимлиқ, қобилиятлилиқ, изланувчанлик, ижодкорлик, мустақил фикрлай олиш, вазиятни таҳлил қила билиш, вазиятни тўғри баҳолаш, топқирлик, ўткир зеҳнлилиқ; жисмоний сифатлар – жисмонан соғломлик, жисмонан етуклик, ҳаракатчанлик, жисмоний маданият ва соғлом турмуш тарзига эга бўлиш;

- ҳуқуқий сифатлар – ҳуқуқий онглиқлик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий меъёрларни тан олиш, давлат рамзлари (Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби ва мадҳияси)га ҳурмат кўрсатиш, Республика қонунларига қатъий риоя этиш; иқтисодий сифатлар – иқтисодий онглиқлик, ҳалоллик, ишчанлик, меҳнатни ва касбий фаолиятни севиш, касбий фаолиятга нисбатан фидойилиқ, тадбиркорлик, ишбилармонлик, тежамкорлик, истеъмолчи ҳуқуқларини билиш. Назарий таҳлил, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, шунингдек, тарих ва ҳуқуқ фанлари имкониятларини баҳолаш асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини шакллантириш жараёнининг моделини яратиш имконияти қўлга киритилди[1,18]. Талабаларнинг фуқаролик позицияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: ҳиссий-ахлоқий; интеллектуал; фаолиятли.

Талабаларнинг фуқаролик позициясини ривожлантириш жараёнининг таркиби ва мазмунига бўлган ёндашувлар асосида қуйидагилар аниқланди: бўлажак ўқитувчиларда Ўзбекистон жамиятининг фуқароси сифатида унга хос сифатларни ривожлантириш майлларини ҳосил қилиш, шу майлларга мувофиқ тарзда эҳтиёжлар, мақсадлар, қизиқишлар, давлат ва жамиятга хизмат қилиш истагини таркиб топтириш; ёш авлод ва Ватан тақдири учун масъуллик туйғуси ва бурч ҳиссини шакллантириш; ёш мутахассисларда ҳиссий-иродавий барқарорликни қарор топтириш[1,16-17].

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагогнинг инновацион фаолиятида ижтимоий-иқтисодий янгилашиш, таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгилашиш, бундай шароит педагогнинг инновацион фаолияти бўлмиш ахборот, педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлиб, таълим мазмуни инсонпарварлаштиришда доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари технологияларини қидириш нитакосо қилади. Олий таълим соҳасининг таълим жараёнида инновацион таълим технологиялари бўлмиш педагог ва ахборот технологияларидан оптимал фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади[6].

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистондаги замонавий олий таълим муассасалари ҳақли равишда ўтмишда аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-ҳуқуқий меросни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиришга сафарбар этилган. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд анъаналарни фан-техника ютуқлари билан уйғунлаштириш, умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган кашфиётларни амалга ошириш имконини бермоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, фуқаролик тарбияси, фуқарорлик дунёқарашини шакллантириш баркамол авлодни тарбиялашнинг марказий масаласи ҳисобланади. Фуқаролик фидойилиқ билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг энг юқори нуқтаси сифатда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фидойи ёшларни тарбиялаб етиштириш учун дастлаб уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016.
2. Камолдинов М., Вахобжонов Б.. Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: „Talqin“, 2010.
3. Алиқулова М.М. Инновацион педагогика. Услубий қўлланма. Тошкент, 2012.
4. Ахмадалиев А.М., Қосимов А.Х. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар. – Тошкент, 2006.
5. <https://maqolalar.uz/pedagogika-va-psixologiya/pedagogika/1011>-Таълим соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш афзалликлари

УДК 37.02

ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Э.Р. Багавова, преподаватель, Ташкентский Государственный Университет Узбекского языка и литературы, Ташкент

Annotatsiya. Ushbu maqolada masofaviy ta'lim tarixi, kunduzgi va sirtqi o'qish shakllari o'rtasidagi farqlar va unda ishlatiladigan texnologiyalar haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, masofaviy ta'lim, masofaviy ta'lim texnologiyalari.

Аннотация. В данной статье подробно рассматривается история дистанционного обучения, преимущества, различия между очной и заочной формами обучения, а также используемые в ней технологии.

Ключевые слова: образования, дистанционное обучение, технологии дистанционного обучения.

Abstract. This article details the history of distance learning, the benefits, the differences between full-time and part-time forms of study, and the technology used in it.

Key words: education, distance learning, technologies of distance learning.

До недавнего времени дистанционное образование, заочное обучение, открытое обучение и другие были практически неразличимы. Однако в настоящее время дистанционное обучение оказалось значительным и востребованным. Будущее дистанционного обучения и его перспективы на протяжении всей жизни признаются специалистами в области образования.

История дистанционного обучения насчитывает почти два столетия. С появлением постоянной, регулярной почтовой службы в Европе в конце XVIII века появилось "корреспондентское образование". Студенты получают учебный материал по почте, связываются с преподавателем письмом и сдают экзамены в форме доверительного управляющего или научной работы. В России этот метод появился в конце 19 века.

Начало 20 - го века характеризуется технологическим прогрессом, телеграфом и наличием телефонов. Однако конкретных данных об их использовании в учебном процессе нет. В то же время "заочное образование" все еще продолжалось. Многие университеты по всему миру до сих пор используют его. В 1969 году в Великобритании был открыт первый в мире университет дистанционного обучения, получивший название UK Open University. Он был вызван из-за низкой платы за обучение и отсутствия необходимости в регулярном обучении. Университеты с программами дистанционного обучения: Южно-Африканский университет (1946), ФемУниверситет в Хагене (Германия, 1974), Национальный технологический университет (США, 1984), Колледж ИНТЕК (ЮАР), Испанский национальный университет дистанционного образования, Британский Открытый университет Open Business School, Австралийская региональная информационная сеть [16]. В конце 1980-х годов персональные компьютеры дали новую надежду на упрощение и автоматизацию образования. Компьютерные обучающие программы придумали различные игры на ранних компьютерах. В 1988 году был реализован советско-американский проект "Школьная электронная почта".

В 21 веке развитие компьютеров и Интернета привело к расширению дистанционного обучения. Интернет на шаг опережает радио и телевидение. Появилась возможность установить отношения как между учителем, так и между учеником, на больших расстояниях. С

распространением “быстрого Интернета” онлайн-семинары стали использоваться в образовательных целях.

В настоящее время исследователи и практики дают различные определения дистанционному обучению. Дистанционное обучение-это синтетическая, интегрированная, гуманистическая форма обучения, основанная на использовании традиционных и новых информационных технологий и приемов, используемых для доставки учебного материала, самостоятельного его изучения и облегчения диалога между преподавателями и студентами. В то же время эта форма образования индифферентна к расположению в пространстве и времени учителя и ученика и к конкретному учебному заведению. Дистанционное обучение-это технология дистанционного обучения, при которой преподаватели и студенты физически находятся в разных местах. Раньше дистанционное обучение было неполным. Теперь это учебное пособие, которое использует тематические исследования, телевидение и сетевые технологии. Из приведенных выше определений ясно, что единого понимания природы дистанционного обучения не существует.

Анализ и результаты. Анализ показывает, что к технологиям дистанционного обучения относятся следующие технологии. SD-технология - учебные материалы предоставляются студентам в печатном и мультимедийном виде (SD-диски, DVD-диски). Эта технология часто используется в сочетании с очным обучением (с лекциями, семинарами, тренингами и супервизией). Часть общения с преподавателем (например, консультации), а также доступ к информации из электронной библиотеки и университетских баз данных осуществляется через Интернет. Сетевая технология-это использование компьютерных обучающих программ и электронных учебников, размещенных на интернет-сервере университета. Можно общаться с преподавателем через Интернет, проходить промежуточный и итоговый контроль.

Сетевое образование организуется автономно, а также через создание информационно - образовательной среды. Телевизионные и спутниковые технологии аналогичны сетевым технологиям с точки зрения организации, однако общение преподавателя и студента (лекции и семинары) ведется по спутниковым каналам связи. В дополнение к этим технологиям в настоящее время используются гибридные модели. Эти модели включают циклы (сессии) очного и дистанционного обучения. Гибридная модель-это сочетание кейс-технологии сетевой технологии с очным обучением. Современное дистанционное обучение предполагает использование следующих ключевых элементов: медиасреды (почта, телевидение, радио, информационно-коммуникационные сети), методов, связанных с технической средой информационного обмена. Формы обучения очень разнообразны и включают в себя:

Чат-тренинг - занятия с использованием чат-технологий. Они синхронизированы, что означает, что каждый участник присоединяется к чату одновременно. Многие школы дистанционного обучения имеют свои собственные школы чата. Будут проводиться мероприятия дистанционного обучения для преподавателей и студентов через чаты.

Веб - классы- формы дистанционного обучения, конференции, семинары, лабораторные работы, практические занятия и другие учебные занятия с использованием возможностей Интернета и телекоммуникационных средств.

Телеконференция обычно основана на списках рассылки. Образовательные конференции являются типичными для использования образовательных задач. Существуют также формы дистанционного обучения, основанные на рассылке учебных материалов в регионы.

В Узбекистане в соответствии с государственными образовательными стандартами устанавливаются учебные часы преподавателей и студентов, обучающихся по каждой форме обучения. Если дистанционное обучение будет использоваться как отдельная форма обучения, то потребуются изменения в законах и государственных образовательных стандартах. Важно уточнить часы обучения для каждого преподавателя и студента, участвующего в дистанционном обучении. Таким образом, дистанционное обучение можно рассматривать как самостоятельную форму обучения в XXI веке и инновационный организатор очного и заочного образования. Мы думаем, что он может быть использован в системе национального высшего образования как этот инновационный образовательный организатор.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 11 июля 2019 года “О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования”.
2. Андреев А. А. Ввод пульта дистанционного управления: Предпочтения. -М.: ВУ, 1997. -С. 45.

3. Зайченко Т. П. Основы дистанционного обучения: теоретические и практические основы: - СПб: Поиск РГПУ, 2004. –С. 167.

УЎК 37.018.1

ЁШЛАРНИ ҲАЛОЛ ВА МЕҲНАТСЕВАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Д.С. Махмитова, катта ўқитувчи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ёшларни оилада тарбиялаш зарурлиги одоб-ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилинган. Ҳозирги замон жамиятида маънавий анъаналарни сақлаб қолиш ва одамларнинг маънавий салоҳиятини янада мустаҳкамлашда давлат муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқий тарбиялаш ва маънавий маърифат асосида фуқаролик онгини тиклаш ва фуқаролик онгини шакллантириш янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Калим сўзлар: Оила, одоб, ахлоқ, норма, тарбия, маънавият, маърифат.

Аннотация. В статье раскрыто научный анализ одной из самых актуальных проблем современности с точки зрения нравственных норм воспитания молодежи в семье. В современном обществе государство играет важную роль в сохранении духовных традиций и дальнейшем укреплении духовного потенциала народа. Одна из важных задач новой государственной политики Узбекистана - восстановление гражданственности и формирование гражданского сознания на основе нравственного воспитания и духовного просвещения.

Ключевые слова: семья, нравы, этика, норма, воспитание, духовность, просвещение.

Abstract. The article reveals a scientific analysis of one of the most pressing problems of our time from the point of view of moral norms of raising young people in the family. In modern society, the state plays an important role in preserving spiritual traditions and further strengthening the spiritual potential of the people. One of the important tasks of the new state policy of Uzbekistan is the restoration of citizenship and the formation of civic consciousness on the basis of moral education and spiritual enlightenment.

Keywords: family, morals, ethics, norm, education, spirituality, enlightenment.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоёмизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” [1]. Оила ва оилавий тарбия бугунги кунда долзарб муаммолардан биридир. Чунки, жамият учун ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, руҳан бой авлодни тарбиялашдан манфаатдор. Бундай авлод, энг аввало, маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оилада шаклланади. Чунончи оилани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қилинадиган гамхўрлик келажак авлод тақдири билан боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятда ҳам буюк давлатнинг барпо этилиши ёшлар қандай бўлишларига, уларнинг қандай тарбия олишларига боғлиқ. Таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деб ёзган эди [3, 14-б.].

Жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи ҳужжат бўлган Асосий Қомусимизда оила масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Конституцияда: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” [2, 24-б.], деб ёзилган. Ўтган даврларда ота - оналарнинг ҳаётий тажрибаси, бир - бирига ҳурмати, садоқати, муҳаббати, ҳамфикрлиги, иймонлиги, инсофлиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги фарзандлар учун камолот мактаби бўлган. Бу мактабда барча бир умр унутилмайдиган, эътиқодига чуқур сингадиган сабоқ олган. Ўғил-қизлар учун аҳл, садоқатли, ҳалол, меҳнатсевар, иймонли - инсофли, ота-она оғушида тарбиланишдан юксак бахт бўлмайди. Фарзанд олдин ота - она ибрати моҳиятини руҳан, виждонан, ақл - идрок билан англайди, кейин шу эътиқоддан келиб чиққан ҳолда хайрли ишларга қўл уради. Ҳаётда оғир - енгилликларни кўп кўрган ҳалол меҳнат қилиб кун кўришга ўрганган ота - она ўз фарзандларига яхши тарбия бериш имкониятига кўпроқ эга бўлади. Бир доно отанинг уйланаётган ўғлига насиҳати шундай: «Ибратли хотин киши ширин сўзнинг шайдоси, унга доим ширин муомалада бўл, лекин назокат ва ифратни талаб қил. Нуқсонни бўлса ётиғи билан тушунтир,

уни ҳеч қачон ҳақорат ва маломат қилма, акс ҳолда чувалчангдай беозор хотин аждарга айланади. Мулойимлик ва ширин сўз билан хотин кишини абадий дўст қилса бўлади. Дунёда хотиндан садоқатли дўстни топиб бўлмайди» [8, 78-б.]. Ўзбеклар асрлар давомида аёл кишини қадрлашни, уни ҳурмат қилиб, ширин муомалада бўлишни эркак учун зарур бўлган юксак ахлоқий фазилат деб қараганлар.

Хадисларда айтилганидек: «Иймон жиҳатидан мўминларнинг комилроғи- хулқи яхши бўлгани, хотинларига яхши муомала қилганидир». «Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, хотинларингиздир». Оилада эр ва хотин ўртасидаги муносабатга асос бўлган ахлоқий кадриятларнинг мазмунини шу фикрлардан билса бўлади. Оилада эр билан хотиннинг муносабатларига фарзандлари тарбиясига жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий - сиёсий муносабатлар ҳам таъсир ўтказди. Фақат адолатли жамиятгина эр ва хотин ўртасидаги муносабат тенглик ва тенгхуқуқликка таяниши мумкин [5, 34-б.]. Айрим ота - оналар фарзандларини ҳалол меҳнат қилиб пул топишга, тинч, осойишта турмуш кечиришга ўргатмай, жиноят йўлига бошлайдилар. Баъзи оналар ўз фарзандларига нисбатан шундай бемехр бўладиларки, уларда инсоний қалб, виждон бормикан, деб ўйлаб қоласан. Айрим холларда ёш болаларни ота - онасига ташлаб, маишат, молу- дунё излаб бошқа жойларга кетиб қолаётган аёллар ҳам кам эмас. Ота - она фарзандини хаддан ташқари эрқалатиб, бир кун бориб пушаймон бўлади. Эркакларнинг ўз умр йўлдошига ҳурмати, аёлларнинг садоқати, вафодорлиги, андишалиги, шарму - ҳаёлилиги миллий маънавиятимиз ва руҳиятимизга сингиб кетган кадриятдир.

Жамият аъзоларининг маънавий фазилатлари, уларни шакллантириш вазибалари, таълим-тарбиянинг йўллари ва усулларига кишиларнинг миллий жиҳатлари, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари, турмуш тарзи, диний эътиқодлари ҳам ката таъсир кўрсатади. Натижада таълим-тарбиянинг ўзига хос томонлари, яъни миллий тарбия услублари келиб чиқади. Ахлоқий фазилатлари, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекларнинг миллий маънавияти, ўзига хос шарқона ахлоқий фазилатлари оиладаги бола тарбиясида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Марказий Осиё халқларининг тарбия борасидаги, хусусан, оилавий тарбия тажрибаси ва назариясига оид бўлган фикр-мулоҳазалари Форобий, Бегуний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Насриддин Тусий, Жалололдин Довоний, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида, Амир Темур тузукларида мукамал акс этган.

Оилавий тарбияда катталарнинг ҳурматини, кичикларнинг иззатини ўз ўрнига қўйиш сингари миллий-маънавий кадриятларга эътибор бериш зарур. Инсон ҳаётда икки бор катта педагогик хатога йўл қўйиши мумкин. Биринчиси – болалар ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, иккинчиси – кексаларни қари деб, уларни четга суриб қўйишда. Ўзбек миллий тарбиясида бу ахлоқий ҳислатларга катта аҳамият берилади, уни оилада ҳам доимо таъкидлаб турилади. Чунки, авлодлар ворислиги ҳуди шунда кўринади. Ота-оналарнинг фарзандларига, фарзандларнинг ота-оналарига ғамхўрлиги ана шу ахлоқий фазилатда билинади.

Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамликда яшашни истамайдилар [6, 28-б.]. Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, кўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш; теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш; ота-боболардан, аждодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш; миллий кадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муомала-муносабатда ўрнатилган бўлишга

мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиш; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш; Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш; ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар қиради.

Оиланинг асоси ота-онадир. Ота-она ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳамкорлик ва ҳамфикрлик, иззат-икром, муносабатлар самимийлиги – оила мустақамлигини таъминлаш учун заминдир – фарзанд учун намуна мактабидир [4, 56-б.]. Табиатан эркак ва аёл жинсига хос хусусиятлар бўлгани каби, оилада улар бажариши лозим бўлган меҳнат турлари, фарзанд, оила, қариндош-уруғ, жамият олдидаги бурч ва вазифалари мавжуддир. Эр-хотиннинг оқиллиги ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши оқибатида бошқариладиган оилада моддий ва маънавий барқарорлик, тинчлик, соғлом маънавий муҳит ҳукмрон бўлади. XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намоёниси Абдурауф Фитрат айтганларидек: «Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафаридида бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур» [7, 23-б.].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса-жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий топган бўлади. У ёки бу халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам аслида шу маънавиятида жилोलаниб туради. Бинобарин, оила маънавияти-миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллийлик асослари ҳам шунда. Оиланинг миллий руҳи-халқнинг миллий руҳиятини белгилайди. Шу маънода оила ҳар бир аъзосида миллий психологияни шакллантирувчи мукаддас ижтимоий институтдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//“Халқ сўзи”, 2020 йил, 30 декабрь, № 276 (7778).
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., «Адолат», 2018.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т., «Ўқитувчи», 1992.
4. Бекмуродов М., Машарипова Г. ва бошқалар. Оила маънавияти. – Т., 2014.
5. Имом Бухорий. Жомеъ ас-саҳих. – Т., Маънавият, 2000.
6. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. - Т., “Ўқитувчи”, 2000.
7. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т. «Маънавият», 1998.
8. Қуронов М. Миллий тарбия. - Т., “Маънавият”, 2008.

VERMIKULIT ASOSIDAGI ION ALMASHINUVCHI MATERIALLARNING XOSSALARI

N.N. Eshniyozova, magistrant, Chirchiq davlat pedagogika instituti, Chirchiq

M.M. Jo'rayev, o'qituvchi, Chirchiq davlat pedagogika instituti, Chirchiq

R.A. Eshchanov, prof., Chirchiq davlat pedagogika instituti, Chirchiq

Annotatsiya. Maqolada vermikulit va poliakrilonitril (PAN) kompozitsiyasi asosida zavod va fabrikalardagi hamda mashina yuvish shahobchalaridagi ifloslangan suvlarning tarkibidagi moylarning konsentratsiyasini sorbsiyalash orqali kamaytirish o'rganilgan. Vermikulit meniralinining harorat ta'sirida kengayishi tatqiq qilindi. Vermikulit yordamida PAN bilan birgalikdagi kompozitsiyasiga asoslanib suv tarkibidagi anionlar almashinuvi xususiyatlarini aniqlash bo'yicha eksperimental ishlar olib borildi, undan tashqari govoksimon vermikulitning suv tarkibidagi ligroin va motor moylarini yutish qobiliyati o'rganildi.

Kalit so'zlar: g'ovaksimon vermikulit, anion almashinuvchi, poliakrilonitril, adsorbent, kompozit, sorbsiya, moy.

Аннотация. В статье исследуется снижение концентрации масел в загрязненной воде на заводах и автомойках путем сорбции на основе состава вермикулита и полиакрилонитрила (ПАН). Изучено расширение минерала вермикулит под действием температуры. Проведены экспериментальные работы по определению свойств анионного обмена в воде на основе комбинированного состава ПАН с вермикулитом, а также способности пористого вермикулита поглощать лигроин и моторные масла в воде.

Ключевые слова: пористый вермикулит, анионный обмен, полиакрилонитрил, адсорбент, композит, сорбция, масло.

Abstract. The article examines the reduction of the concentration of oils in polluted water in factories and car washes by sorption based on the composition of vermiculite and polyacrylonitrile (PAN). Expansion of the vermiculite mineral under the influence of temperature has been studied. Experimental work was carried out to determine the properties of anion exchange in water based on the combined composition of PAN with vermiculite, in addition, the ability of porous vermiculite to absorb ligroin and motor oils in water was studied.

Keywords: porous vermiculite, anion exchange, polyacrylonitrile, adsorbent, composite, sorption, oil.

Kirish: Hozirgi kunda butun dunyoda global muammoga aylanib borayotgan suv tanqisligi natijasida mavjud suv zaxiralaridan samarali foydalanish zamon talabiga aylanmoqda. Bu muammoni hal qilish uchun butun dunyo olimlari ilmiy izlanishlar olib borishmoqda. Chiqindi oqova suvlarni tozalashning ko'plab usullari mavjud bo'lib ulardan eng samarali, texnologik va iqtisodiy jihatdan qulay bo'lgan usul bu sorbentlar ishtirokida suv tozalashdir. Hozirgi kunda suvni tozalash uchun ko'plab ion almashinuvchi sorbentlar olingan va ishlatilmoqda. Shu bilan birgalikda sanoat hajmining ortib borishi bilan chiqindi suvlarni tozalashda qo'llaniladigan sorbentlarga bo'lgan talab ortib boraveradi. Shuni inobatga olib, vermikulit va PAN asosida anion almashinuvchi kompozitsion materiallar olish iqtisodiy jihatdan samarali bo'lib, dolzarb masalalardan biri hisoblanadi[1-2].

Vermikulit ko'plab sohalarda qo'llash mumkin bo'lgan tabiiy mineral bo'lib, izolyator, beton va gips tarkibidagi qo'shimchalar, o'g'itlar tashuvchisi va adsorbent sifatida ishlatilgan. Bundan tashqari, gil minerallar sanoat va shahar chiqindi suvlaridan og'ir metallarni olib tashlash uchun adsorbent materiallar sifatida o'rganilgan. Italiyada ifloslangan joydan yig'ilgan metall bilan ifloslangan tuproqqa tuproqni yuvish natijasida hosil bo'lgan ekstraktlarni tozalash uchun vermikulitni qo'llash imkoniyatini o'rganib chiqilgan. Vermikulit asosidagi tabiiy sorbentlar metallar bir necha marta samarali ajratib olish uchun qayta qo'llanilgan [3]. Shuningdek Vermikulit matritsasiga poliakrilonitrilni (PAN) dimetilfarmamiddagi (DMF) eritmasi orqali kiritish natijasida sorbsion xossali qatron olingan. Olingan sorbentning tuzilishi (infraqizil spektroskopiya) IQ va skanerlash elektron mikroskopi (SEM) sirt morfologiyasini o'rganilgan. Ushbu vermikulit-poliakril asosidagi qatronga metallarning kompleks hosil qilib sorbsiyalanishi aniqlangan[4].

Kengaytirilgan vermikulit matritsasiga gigroskopik tuz sifatida kaltsiy xlorid kiritish natijasida yangi selektiv suv sorbentining suv sorbsion xususiyatlari o'rganilgan. Turli haroratlarda (30-150° C) suvning turli parsial bosimdagi sorbsiya izobarlari, izostrlari va izotermalarini o'rganish natijasida

isosterik sorbsiya issiqligi suvning so'rilishiga va qattiq gidratlar uchun 76,3 kJ / mol dan 39,1-46,6 kJ / mol ga o'zgarishiga bog'liq ekanligi aniqlandi[5].

Yuqori darajada gidrofobik va oleofil sorbentlarning neft va suv ajratishda qo'llaniladi. Kengaytirilgan va gidrofoblangan vermikulitning sorbsion imkoniyatlarini baholash bo'yicha tadqiqotlar o'tkazilgan. Vermikulitga karnauba (cerifera) mumini qo'shib gidrofob holatga keltirilgan. Kengaytirilgan vermikulit va gidrofoblangan vermikulit yordamida neftni va suvdagi yog'larni adsorbtsiyalanishi bo'yicha kinetik tadqiqotlar o'tkazilgan. Kengaytirilgan vermikulit sintetik mineral moy (SMO), o'simlik moyi va Kutvell moylarini tegishli 2,53g/g, 2,56g/g va 2,62g/g miqdorda sorbsiya qilishi aniqlangan. Ushbu tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, vermikulit yog'ni tozalash uchun sorbent sifatida ishlatilishi mumkin va hidrofoblangan vermikulit suvda suzuvchi yog 'uchun yaxshiroq adsorbent hisoblanadi [6].

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki vermikulit asosida olingan materiallardan foydalanib turli sorbsion xossali materiallar olish mumkin. Ushbu ishda tarkibida yog'lar bo'lgan chiqindi suvlarni tozalash uchun kengaytirilgan vermikulit+PAN asosida olingan kompozitning xossalari tadqiq qilindi.

Materiallar va metodlar

Vermikulit+PAN asosida kompozit olish uchun va uning xossalarini o'rganish uchun reagentlardan Tebinbuloq vermikulitning g'ovaksimon shakli, poliakrilonitril (K.T), HCl 0.1 N standart fiksanal (K.T), chiqindi mator moyi, ligroin moyi ishlatildi.

Vermikulit asosida olingan kompozitning tarkibini o'rganishda olmos/ZnSe MIRacle 10 prizma bilan bittalik HIIBO birikma bilan to'ldirilgan IRTracer-100 spektrometridan foydalanildi. IQ spektrining skanerlovchi sohasi qattiq, suyuq, gelsimon va qayta ishlash qiyin bo'lgan moddalarni tahlil qilishga mo'ljallangan 4000-400 cm^{-1} oralig'ida o'rganildi.

Natijalar va ularning tahlili

Kengaytirilgan vermikulit+PAN kompozitini olish uchun ishlatilgan Tebinbuloq vermikulitining tarkibi kimyoviy va rentgenografik tahlillar asosida olingan natijalar quyidagi 1-jadvalda keltirilgan[7.].

1-jadval.

Tebinbuloq vermikuliti mineralining kimyoviy tarkibi

Oksidlar	Oksid massasining tarkibi %											
	SiO ₂	TiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	MnO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	H ₂ O
Massa ulush, %	34,83	0,09	13,52	8,96	16,71	0,06	8,43	2,52	0,6	0,02	0,01	14,25





A



B

1-rasm. Mahalliy xom ashyoga asoslangan vermikulit jinsi

A) vermikulit konsentrat; B) g'ovaksimon vermikulit




2-rasm. Tebinbuloq vermikuliti hajmi va massa o'zgarishining haroratga bog'liqligi

Tebinbuloq vermikuliti-ko'ndalang qatlamga ega bo'lgan tabiiy meneralining rangi to'q kulrangdan kumush rangacha, g'ovaksimon holatga keltirilgandan so'ng esa sariq yoki jigarrang tusga kiruvchi mineral. Vermikulitning o'zi ham anion almashinuvchi material hisoblanadi, poliakrilonitril (PAN) bilan hosil qilgan kompozitsiyasi esa uning bu xossasini yanada oshishiga sabab bo'ladi. Vermikulitni kengaytirish uchun mufelni pechda 1200°C gacha qizdirildi massa o'zgarishini hamda hajm kengayishini haroratga ta'siri o'rganildi.

Qizdirilgan vermikulit 700-1200°C gacha qizdirilganda hajmi 3 barobargacha oshadi, massasi esa tarkibidagi gidratlangan suvi bug'lanishi hisobiga kamayadi. Quyidagi grafikda vermikulit hajmining harorat ta'sirida o'zgarishi keltirilgan.

Yuqoridagi keltirilgan 2-rasmdan ko'rishimiz mumkinki harorat ortishi vermikulit hajmi ortishi ortgan bu esa g'ovak tuzilishli holatga o'tganligini bildiradi. G'ovak tuzilishli vermikulitning sorbsion sig'imi ham mos ravishda ortadi, chunki adsorbatning sorbent ichki yuzasigacha kirishi osonlashadi. Shuningdek kengaytirilgan vermikulitka PAN kiritish yaxshilanishi natijasida olingan kompozitning anion yutish xossasi, olifofillik xossalari ham ortishi mumkin. Keltirilgan 2-rasmda harorat 973 K gacha ortishi bilan massa kamayishi keskin bo'lib, 1273 K gacha massa o'zgarishi kam kuzatilgan, massa kamayishi bu suv bug'i, metalmas oksidlari bug'lanishi natijasida sodir bo'lgan.

Vermikulit mineralining modifikatorlar bilan o'zaro ta'sirining mohiyatini ochib berish uchun amaliy jihatdan qiziqarli bo'lgan ba'zi namunalarning IQ spektrlari olingan. Buning uchun Tebinbuloq vermikuliti va uni qizdirish orqali kengaytirilgan vermikulit namunalarning IQ spektrlari 1-rasmda ko'rsatilgan.



3-rasm. Tebinbuloq vermikuliti(A) va kengaytirilgan vermikulitning(B) IQ spektrlari

Yuqoridagi 3- rasmda IQning yutilish spektrlari spektrofotometrda 400-4000 sm-1 oralig'ida qayd etilgan. Barcha tabiiy vermikulit namunalarning IQ spektrlari bir-biriga o'xshash, ammo 445-450, 640-670, 1000, mos keladigan assimilyatsiya diapazonlarining intensivligi bilan farq qilishi ma'lum. Tebinbuloq vermikulitining IQ spektrlarida 3420-3525, 3734 sm-1 va 459 sm-1 gacha bo'lgan assimilyatsiya diapazoni Si-O-Mg²⁺ bog'lanishning xarakterli tebranishlariga ishora qiladi. Bu trioktaedral tuzilmalarga xosdir. 643 sm-1 va 998 sm-1 gacha bo'lgan yutilish sohalari Si-O bog'lanishga xos tebranishlardir. 1571 sm-1 gacha bo'lgan yutilish sohalari adsorbsiyalangan suv molekularining deformatsion tebranishlariga tegishli bo'lib, 3459 sm-1 gacha bo'lgan assimilyatsiya diapazoni uning gidroksil guruhlarining valent tebranishlariga bog'liq.


Kengaytirilgan vermikulitning 3-(B) rasm IQ spektrida dastlabki vermikulitdagidan farqlarni ko'rishimiz mumkin, xususan OH guruhlariga tegishli 1645,43 va 3500 sohadan keying yutilish cho'qqilari yo'qolgan. 958.6 Si-O, 663.10 Me-O-Si (Fe, Al, Mg), 418.44 da Si- tegishli yutilish sohalari topilgan. Bu esa qizdirish natijasida suv bug'lari, boshqa gidroksil guruhlarining chiqib ketishi natijasidir.

Kengaytirilgan vermikulitning g'ovak tuzilishidan foydalanib anionit olish maqsadida PAN kiritilib anionit olish sharoitlari o'rganildi. Buning uchun reagentlar PAN va vermikulit 1:1, 1:2, 2:1 mol nisbatda tajribalar olib borildi. Vermikulit mufel pechida ochiq idishda harorat 700-12000C larda va 2-6 soat vaqt davomida o'tkazildi. Olingan vermikulitning statik almashinuv sig'imi (SAS) qiymati 850 0C da 3,5 soat mobaynida qizdirganimizda eng yuqori qiymatga ega bo'ldi. Olingan vermikulitni/PAN kompozitining HCl bo'yicha SAS qiymati 1,5 mg-ekv/g ligi aniqlandi. Olingan kompozitning sorbsion xossalari o'rganildi. Buning uchun g'ovaksimon vermikulit/PAN kompozit yordamida yog' bilan ifloslangan suvni tozalash uchun o'rganildi. Chunki ko'plab sanoat korxonalarida, maishiy chiqindilarda avtomobil yuvish

shahobchalarida ko'p miqdorda suvlar chiqindi yog'lar bilan ifloslanadi. Vermikulit/PAN asosida olingan kompozitga avtomobillarga ishlatiladigan ikki xil (motor, ligroin) moyining adsorbsiyalanishi o'rganildi. Bunda 0.5 g quruq adsorbent 300 mlli konussimon kolbalarga solindi va ustiga 100 ml distillangan suv quyildi. Motor moyi (0,8725g/ml) ligroin moyi (0,85g/ml) 5 ml dan o'lchab olib stakanlarga solinda aralashtirgichda sorbsiya muvozanatga kelguncha (3 soat) aralashtirildi. Sorbsiyadan so'ng eritma tindirilib, moy sorbsiyalangan sorbentlar cho'kmasi filtrlanib yutilgan moy miqdori aniqlandi. Buning uchun moy sorbsiyalangan sorbent quritilib massasi analitik tarozida o'lchandi. Quritish pechida 300-3200 C da massa o'zgar olmay qolguncha ya'ni moy chiqib ketguncha qizdirildi. Sorbentga yutilgan moy miqdori quyidagi formula yordamida aniqlandi:

$$q_e = \frac{m_0 - m_e}{m_e}$$

Bunda: q_e – sorbsiya miqdori g/g, m_0 - moy yutilgan sorbent massasi, m_e -qizdirilgandan keyin sorbent massasi. Moylarning vermikulit asosidagi sorbentga yutilishining moy konsentratsiyasiga bo'g'liqligi o'rganildi. Quyidagi grafikda motor moyi hamda ligroin moylari tutgan aralashmalarda moy miqdori ortishi bilan sorbsiya muvozanatining bog'liqligi keltirilgan



4-rasm. Vermikulit asosidagi sorbentga motor moyi va ligroin moylarining sorbsiyasining moy konsentratsiyasiga bog'liqligi

Keltirilgan 4-rasmda kengaytirilgan vermikulitga ligroin va motor moylari sorbsiyasi moy konsentratsiyasi ortishi bilan ortib borganligini ko'rishimiz mumkin. Vermikulit asosida kengaytirilgan sorbentning g'ovakligi va oleofillik xususiyati ligroin va motor moylarini tegishli 1,25 g/g va 1,65 g/g miqdorgacha adsorbsiyalanishi aniqlandi. Bu esa mahalliy vermikulit asosidagi sorbent yog'larni tozalashda yuqori sorbsion xossaga egaligi aniqlandi. Vermikulit asosidagi kengaytirilgan adsorbentni bir necha bor yog'lar bilan ifloslangan suvni tozalashda qayta ishlatish mumkinligi aniqlandi. Bu esa mahalliy xomashyolar asosidagi kengaytirilgan vermikulit meniralidan foydalanib sanoat korxonalarida xususan avtomobil yuvish shahobchalari chiqindi suvlarini tozalash tavsiya etish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. D.C. Nguyen, T.T. Bui, Y.B. Cho, Y.S Kim. Highly Hydrophobic Polydimethylsiloxane-Coated Expanded Vermiculite Sorbents for Selective Oil Removal from Water. *Nanomaterials* Vol. 11, 367p. <https://doi.org/10.3390/nano11020367>(2021)
2. G Shiqing, X. Kang, L.Wang, E. Lichtfouse, Ch. Wang. Clay mineral adsorbents for heavy metal removal from wastewater: a review. *Environmental Chemistry Letters*, Springer Verlag, 2019, 17 (2), pp.629-654. 10.1007/s10311-018-0813-9. hal-02142607
3. O. Abollino, A. Giacomino, M. Malandrino, E. Mentasti. The Efficiency of Vermiculite as Natural Sorbent for Heavy Metals. Application to a Contaminated Soil. *Water, Air, and Soil Pollution*. vol 181, 149–160 p (2007).
4. З.М. Рохимбоева, Б.Г. Махкамов, Д.А. Гафурова. Сорбция ионов тяжелых металлов из водных растворов с использованием функционализированного полиакрилонитрила вермикулита. *Universum: химия и биология*.1-1 (79 ст.) 2021.
5. Yu.I. Aristov, G. Restuccia, M.M. Tokarev, H.-D. Buerger, A. Freni. CaCl₂ Confined to Expanded Vermiculite Reaction Kinetics and Catalysis Letters. *Selective Water Sorbents for Multiple Applications*. vol 71, 377–384 p. (2000)
6. D. Mysore T. Viraraghavan Y. C. Jin. Removal of oil by vermiculite. *Fresenius Environmental Bulletin* 13(6):560-567p. 2004
7. I.N. Khaidarov, R.I. Ismailov, "Research of features and compositions of vermiculite for use as suspension fire retardant for textile materials" *Technical science and innovation: Vol. 2020: Iss. 2, Article 9. (2020)* <https://uzjournals.edu.uz/btstu/vol2020/iss2/9>

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА МАРГАРИН РЕЦЕПТУРА ТУЗИШИ

Ш.А. Ўринова, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

У.С. Балтаев, т.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч

С.С. Ачилова, таянч докторант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий хом ашёлардан олинган маргарин маҳсулотларини сифатини яхшилаш ишларни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Илгари ўтказилган тадқиқот ишларини таҳлил қилиш асосида ўсимлик мойлари ва ёғларни қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган маргарин учун четдан олиб келинадиган хом ашёларни маҳаллий хом ашёлар билан алмаштирилди. Шу билан бирга, стандарт талабларига жавоб берадиган қайта ишланган маргарин олинган. Шунини таъкидлаш керакки, маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланган маргарин маҳсулотлари стандарт талабларга жавоб беради.

Калим сўзлар: маҳаллий хом ашё, озиқа саломаси рецептура, қаттиқ ёғлар, эмулгатор, суюқ ўсимлик мойлари, қавоқ мойи, ароматизатор

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы повышения качества маргариновой продукции, получаемой из местного сырья. На основании анализа предыдущей исследовательской работы, импортное сырье, используемое для маргарина, используемого при переработке растительных масел и жиров, было заменено местным сырьем. Однако получился обработанный маргарин, отвечающий требованиям стандарта. Стоит отметить, что маргариновая продукция, изготовленная на основе местного сырья, соответствует требованиям стандарта.

Ключевые слова: местное сырье, пищевое саломас, твердые масла, эмульгатор, жидкие растительные масла, тыквенное масло, ароматизаторы.

Abstract. The article discusses the issues of improving the quality of margarine products obtained from local raw materials. Based on the analysis of previous research work, the imported raw materials used for margarine used in the processing of vegetable oils and fats have been replaced with local raw materials. However, the result is a processed margarine that meets the requirements of the standard. It should be noted that margarine products made from local raw materials meet the requirements of the standard.

Keywords: local raw materials, food salomas solid oils, emulsifier, liquid vegetable oils, pumpkin seed oil, flavorings.

Бугунги кунда маргарин маҳсулотларининг сифатини ошириш ва уларнинг турларини кенгайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Республикамизда маргарин маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ошиб бормоқда.[1]Маргариннинг асосий хом ашёси қаттиқ ёғлар, суюқ ўсимлик мойлари, эмулгатор ва бошқа моддалар ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маргаринлар рецептурасида қаттиқ ёғ сифатида ЎзДСт 2827:2014 талабларига мос келувчи озиқа саломаслари[2] ва хориждан келтириладиган пальма ёғлари ишлатилади. Олинган маргаринлар ЎзДСт 3317:2018 талабларига мос келиши лозим[3]. Унга кўра маргарин таркибидаги транс кислоталарнинг масса улуши қаттиқ маргаринларда 20% дан, юмшоқ ва суюқ маргаринларда эса 8% дан ошмаслиги лозим. Бироқ бугунги кунда савдо расталаридаги барча маҳаллий маргарин маҳсулотлари ушбу талабга жавоб беради деб бўлмайди. Шу талабга мос келадиганларининг эса таннарх нисбатан қимматдир. Шу сабабли маргаринларни таннархини пасайтириш ва импорт хом ашёлар миқдорини камайтириш учун маҳаллий хом ашлар асосида рецептурани шаллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ маҳаллий хом ашёлардан олиннадиган маргарин маҳсулотлари эса ЎзДСт 3317:2018 талабларига мос келмайди, яъни таркибидаги транс кислоталар миқдори меъёридагидан кўп бўлади. Бу эса маҳаллий хом ашёлар асосида стандарт талабларига мос маргарин рецептурасини ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этади.[4]

Маргарин ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ёғ ва сут ҳисобланади. Маргариннинг органолептик ва структуравий хусусиятлари унинг таркибидаги ёғнинг сифати билан баҳоланади. Ёғда ароматик ва таъм берувчи, бўёвчи моддалар ҳамда эркин ёғ кислоталарининг бўлиши сифатли маргарин олишга йўл қўймайди. Шу туфайли маргарин олиш учун фойдаланиладиган ҳамма ёғлар тўлиқ равишда рафинацияланган, оқланган, дезодорацияланган бўлиши ва кислота сони 0,3 м мг КОНдан юқори бўлмаслиги керак .

Кунгабоқар мойи маргариннинг суюқ қисми сифатида кенг қўлланилади. У тўйинмаган кислоталар (линол 47-55%, олеин 33-35%) ва Ф витаминнинг бой манбаи ҳисобланади. Р витамини одам организмида ёғ алмашишини яхшилайди ва тери касалликларини олдини олади. Ёғ кислота

таркиби бўйича пахта мойи маргарин учун ва айниқса унинг суюқ қисми учун ажойиб хом ашё ҳисобланади. Тургун структура ҳосил бўлиши учун маргаринга суюқланиш ҳарорати ҳар хил бўлган саломаснинг бир неча турлари, перээтерификацияланган мойлар ва суюқ ўсимлик мойлари қўшилади.

Биз савдо расталаридаги маргинларнинг рецептураларини таҳлил қилган ҳолда, маҳаллий ёғли хом ашёлар асосида стандарт талабларига жавоб бера оладиган маргарин рецептурасини ишлаб чиқдик.

Биз таклиф қилаётган маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланган маргарин маҳсулоти техник гост талабларига жавоб беради.

1-жадвал

Маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган маргарин рецептураси

Компонентлар номи	Миқдори %			Таклиф этилаётган маргарин
	Савдо расталаридаги маҳаллий маргаринлар			
	Маргарин-1	Маргарин-2	Маргарин-3	
Саломас марка №1	51,6	0	43,2	42
Пальма ёғи Т _{эп} -43	0	43,0	16,0	0
Пальма ёғи Т _{эп} -39	0	12,0	13,5	0
Структура ҳосил қилувчи қўшимча	0	0	0	4
Пахта мойи	20,0	0	0	0
Қавоқ мойи	0	0	0	8
Сут	0	14,0	2,8	10
Сариёғ	-	0,5	0	11,42
Консервант(сорбат калий)	0,08	0,05	0	0,08
Ош тузи	0,5	0,4	0,4	0,4
Лимон кислотаси	0,02	0,05	0	0,04
Шакар	0,5	0,4	0,4	0,6
Ароматизатор	0,09	0,07	0	0,06
Емулгатор	0,5	0,5	0,7	0,4
Сув	26,71	29,03	23,0	23,0
Жами	100	100	100	100

Таклиф этилаётган маргарин рецептураси эса тўлиқ маҳаллий ёғли хом ашёлар асосида шакллантирилган бўлиб, таркибидаги саломас миқдори 10% ароматизатор сифатида табиий сариёғ ва суюқ ёғ сифатида қовоқ ёғидан фойдаланилди. Бу эса ўз навбатида маргарин таркибидаги транс кислоталар миқдорини камайишига олиб келади ва стандарт талабларига мос тушади. биз таклиф қилаётган маргаринни сифат кўрсаткичлари қуйидагича аниқланди:

Ёғлилиги	72%
Кислота сони	1.5мг КОН
Намлиги	15%
ёғнинг эриш температураси	33°C

Ундан ташқари пальма ёғи қўлланилмаганлиги сабабали таннархи ҳам бошқа маргаринларга нисбатан бироз пастроқ бўлади. Ушбу ўзгаришлар таклиф этилаётган маргариннинг ҳам сифат жиҳатдан, ҳам таннарх жиҳатдан рақобатбардошлигини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Исследование показателей качества жировой основы маргарина при замене традиционного хлопкового масла сафлоровым // Универсум: Химия и биология : Ходжаев С.Ф., Абдурахимов С.А., Акрамова Р.Р., Хамидова М.О. 2018. №10(52). с. 15-18.
2. Рузибаев А.Т., Салиджанова Ш.Д. Исследования процесса получения маргарина на основе местных жировых сырья // Универсум: Технические науки: 2017. №10(43). с. 9-11.
3. Товбин И.М., Меламуд Н.Л., Сергеев А.Г. Гидрогенизация жиров. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1981. – 296 с.
4. ЎзДСт 3294-2018. Саломас. Технические условия.
5. ГОСТ Р 55064-2012. Натр едкий технический. Технические условия.
6. ГОСТ 13079-93. Силикат натрия растворимый. Технические условия.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№4 (74)
2021 й., апрель**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳиҳ:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 15.04.2021
Босишга рухсат этилди: 23.04.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 4-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18